

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Ш.А.ДЎСТМУҲАМЕДОВА, З.Т.НИШАНОВА, С.Х.ЖАЛИЛОВА,  
Ш.Т.КАРИМОВА, Ш.Т.АЛИМБАЕВА**

## **ЁШ ДАВРЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ**

*Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги Олий педагогик ўқув юртлари учун дарслик  
сифатида тавсия этган*

**ТОШКЕНТ – 2013**

Дарсликда ёш ва педагогик психологиянинг предмети, методлари, бўлимлари, таълим, тарбия ва ўқитувчи психологияси ҳақида сўз юритилади. Унда чақалоқлик давридан ўспиринлик давригача боланинг психологик ривожланиш хусусиятлари ақс эттирилган. Таълим психологиясига бағишланган бобда ўқув фаолиятининг психологик моҳияти, билимлари ўзлаштиришининг психологик компонентлари, таълимнинг ноанъанавий усуллари, мустақил тафаккурни ривожлантириш, таълим жараёнини бошқариш ҳақида баён этилади. Тарбия психологияси бобида тарбиянинг самарадорлигини оширувчи психологик механизмлар, ўқитувчи психологияси бобида, педагогик қобилиятлар, ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритилади. Ўқув қўлланманинг "Андрогогика" боби катталар таълимнинг психологик жиҳатлари, принциплари ва таълимни ташкил этиш масалаларини ёритишга бағишланган. Дарслик олий педагогик ўқув юртлири талабалари, магистрлар, ўқитувчилар, мустақил изланувчи-тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

\*\*\*

Учебник "Возрастная и педагогическая психология" рассчитано для студентов высших учебных заведений, психологов, учителей общеобразовательных школ, воспитателей и родителей. Учебник раскрывает особенности психических процессов в онтогенезе. Обращает внимание на индивидуальные качества личности в воспитательно-образовательном процессе на каждом этапе развития. В начале учебного пособия излагаются цели и задачи возрастной и педагогической психологии как науки, даются основные методы исследования предмета, а также раскрываются биологические и социальные факторы влияющие на развитие личности и говорится о взаимосвязи психического развития и обучения. Далее излагаются индивидуально-психологические особенности свойственные детям разного возраста, их умственное развитие и формирование личности, а также даются информации об особенностях развития и познавательных процессов и общности. Имеются главы посвященные психологии обучения и воспитания. В главе психология образования раскрыты содержание учебной деятельности, компоненты усвоения знаний, нестандартные методы образования, подробно расписаны инструкции по руководству психологии учебной деятельности. В главе психология воспитания даны психологические механизмы повышения эффективности воспитания, психология трудных детей, содержание и значение психологии воспитания в условиях независимости республики Узбекистан. В учебнике подробно раскрываются психология учителя, место учителя в обществе, свойства характерные профессии учителя, педагогические особенности, в то же время даны психологические возможности и условия самообразования учителя. Для самопроверки полученных знаний студентам даются контрольные тесты.

\*\*\*

The given "Age and pedagogical psychology" textbook is intended for students of higher educational institutions, psychologists, teachers of school providing general education, tutors and parents. The present textbook shows the features of psychical, makes you pay attention for an individual characteristics of a person in the educational process on each stage of the development. It is also states about purposes and tasks of age and pedagogical psychology as science, basic methods the of the subject research, children's psychological features of different age, their mental development and personal formation. There are also the chapters dedicated to the psychology of teaching and upbringing. These chapters states about the teaching activity content, nonstandard methods of education, psychological mechanisms of the upbringing efficiency increasing, difficult children's psychology, teacher's role in society his pedagogical features and self-education conditions. There are testing controls for students to check upon obtained knowledges.

**Тақризчилар:** ТДПУ профессори, психол. ф. д. Н. С. Сафоев  
ЎзМУ доценти, психол. ф. н. А. И. Расулов

*Психология фанлари доктори, профессор З.Т. Нишанова ва психология фанлари номзоди, доцент Ш.А. Дўстмухамедованинг умумий тахрири остида.*

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини жаҳон миқёсида йил сайин барқарорлаштириб борар экан, унинг истиқболи бугунги авлодни тарбиялайдиган ўқитувчиларга, эртага ўрнимизга келадиган кадрларга боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш масаласига юртбошимизнинг катта эътибор бераётганларини, уларнинг куйидаги фикрларидан билиб олишимиз мумкин. «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, кадрларга яна кадрларга бориб тақала-веради. Мубоғасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажакимиз мамлакатимиз келажакдаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқача қилиб айтганда қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ». Барча конун ва қарорлар орасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» алоҳида ўрин тутди ва унга миллий ғоянинг бир қисми сифатида қаралади.

Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлод қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга ҳизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз ва биз болаларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий - ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади.

Ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялаш, уларга таълим бериш ишларини ўқитувчилар амалга оширадилар. Бўлажак ўқитувчилар ҳар бир ёш даврининг психологик хусусиятларини чуқур ўрганиб, бу билимларни келгуси педагогик фаолиятларида қўллашларида ушбу ўқув қўлланма катта ёрдам беради, деган умиддамиз.

Дарслик ижодий гуруҳ томонидан тайёрланган. Унинг “Ёш ва педагогик психологиянинг предмети, вазифалари”, “Психик ривожланиш ва таълим” бўлимлари психология фанлари номзоди, доцент С. Х. Жалилова, “Онтогенезнинг илк босқичларида психик ривожланиш хусусиятлари” бўлими катта ўқитувчи Ш.К. Каримова, “Мактабгача ёш давридаги болаларнинг психологик хусусиятлари” бўлими катта ўқитувчи Ш.К. Каримова ва Ш.А. Дўстмуҳамедовалар, “Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари”, “Ўсмирларнинг психологик хусусиятлари” ва “Андрогогика” бўлимлари психология фанлари номзоди, доцент Ш.А. Дўстмуҳамедова, “Ўспиринларнинг психологик хусусиятлари”, “Таълим психологияси” бўлимлари психология фанлари доктори, профессор З. Т. Нишанова, “Тарбия психологияси”, “Педагогик фаолиятнинг психологик асослари” бўлимлари Халқ маорифи аълочиси, “Йилнинг энг яхши психологи -2009” республика таяловининг ғолиби, психология фанлари номзоди Ш.Т. Алимбаева томонидан тайёрланган.

# **I-БОБ. ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ**

## **Мавзу ўқув мақсади :**

**Таълимий:** бўлажак педагоглар томонидан ёш психологияси ва педагогик психология фанларининг предмети, вазифалари, бўлимлари, тадқиқот методлари ҳақидаги билимларни ўзлаштирилишини ташкил этиш.

**Тарбиявий:** бўлажак педагоглар томонидан ёш психологияси ва педагогик психология фанларининг предмети, вазифалари, бўлимлари, тадқиқот методлари ҳақида билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** мавзунинг таълимий ва тарбиявий ўқув мақсадлари асосида талабалар дунёқарашини кенгайтириш.

## **Режа:**

1. Ёш психологияси фанининг предмети ва вазифалари.
2. Ёш психология фанининг (қисқача ривожланиш тарихи) асосий методологик тамойиллари.
3. Ёш психологиясининг тадқиқот методлари.
4. Психологик тадқиқотларни ўтказишга қўйиладиган талаблар.

## **1.1. Ёш психологиясининг предмети ва вазифалари**

Ҳозирги даврда мамлакатимизда, шу жумладан халқ маорифи системасида амалга оширилаётган ўзгаришлар ўқитувчилар, барча педагоглар олдига ўқувчининг билимларини юксак даражада ўзлаштириши; ўқувчилар мустақил тафаккурини, улар активлигини ривожлантириш; уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш; уларнинг тафаккур, мулоқат, ўқиш, меҳнат қилишга бўлган қобилиятларини тараққий эттириш каби мураккаб ва маъсулиятли вазифаларни қўймоқда.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун фақат педагогика фанининг назарий асосларини, ҳар бир ўқитувчи предметни ўқитиш методикасини, мактаб ўқувчиларининг физиологияси асослари, мактаб ўқувчилари гигиенаси асосларинигина билиш эмас, балки маълум даражада психологик билимларга ҳам эга бўлиш лозим. Ҳар бир педагог маълум даражада психолог ҳам бўлиши талаб этилади, чунки улар ҳар бири фақат ўзига хос бўлган, турли ёшдаги, турли индивидуал хусусиятларга эга бўлган ўқувчилар билан иш олиб боради.

Ҳар бир бола фақат ўзига хос билиш фаолияти, ирода, характер, хулқатвор хусусиятларига эга. Мактабдаги таълим-тарбия бериш жараёнида мана шу хусусиятларни билиш ва шунга асосланиб уларга индивидуал муносабатда бўлиш лозим. Мана шуларни ҳисобга олгандагина, ҳар бир педагог ўзининг асосий вазифаси, яъни ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишини муваффақиятли амалга оширади.

Шунинг учун ҳам психология фанининг алоҳида соҳалари бўлмиш ёш ва педагогик психология асосларини чуқур билиш ҳар бир педагог учун муҳим ҳисобланади.

Психология фанининг бир қатор тармоқлари, соҳалари мавжуд. Улар орасида ёш психологияси алоҳида аҳамиятга эга. Ёш психологияси психик ривожланиш, шунингдек, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик ва етуклик даврида шахс тараққиётининг хусусиятларини ўрганади. Жуда кўп фундаментал тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамай бугунги кунда инсон психикасини унинг бутун ҳаётий йўли бошқичларида ривожланиши хусусиятларини яхлит ҳолда тавсифлашга эришилмаган.

Ёш психологияси ҳар бир ёш даврининг қайтарилмас хусусиятларини, йиллар ўтган сари, аста-секинлик билан бола қандай қилиб инсон бўлиб шаклланиши, шахс сифатида ўзини ижтимоий муносабатларда намоён қилиши, касб танлаши, мулоқот жараёнида ўзининг эрк, ҳуқуқ ва мажбуриятларига интилиши, қандай қилиб севиши, ишончли дўст бўлиб таркиб топиши, ўзи ва бошқалар учун маъсулиятни хис қилиши каби жиҳатларни тадқиқ этади.

Билимларнинг ҳар бир соҳаси ўзига хос номланишга эга. Лекин баъзи бир билимлар соҳаси бир неча ном билан ҳам аталиши мумкин. Масалан, ёш психологиясини бошқача қилиб, ривожланиш психологияси деб номланиши мумкин. Аммо бу ерда айнан битта ёки бир-бирига мазмун жиҳатдан жуда яқин бўлган билимлар соҳаси кўзда тутилади ва инсон ҳулқ-атвори, психик ривожланишининг ёш хусусиятлари тўғрисида фикр юритилмоқда. Рус психолога Р.С.Немов асарларида улар синоним сифатида қўлланилади.

Ёш психологияси – турли хил ёш давларининг психологик хусусиятларига эътибор беради. Ривожланиш психологияси – инсон психологиясининг ёш жиҳатдан қайта тузилиши қонунари ҳақидаги билимлар соҳаси.

Ёш психологиясини ривожланишдан ташқарида, ўзгармас деб қараш мумкин эмас. Худди шундай, ривожланишни ёш хусусиятларини ажратиб кўрсатмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Ёш психологиясининг бир қатор муаммоларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Инсон психик хусусиятлари ва ҳулқ-атвори ривожланишининг организм ва муҳитга боғлиқлиги муаммоси.

2. Инсоннинг ривожланишига стихияли таълим ва ташкил этилган таълимнинг таъсири муаммоси.

3. Лаёқат ва қобилиятларнинг ўзаро муносабати муаммоси.

Бир томондан психик ривожланиш организмга, яъни инсон организмнинг анатомик физиологик тузилишига боғлиқ. Нерв системаси ва миянинг инсоний тузилиши уни онг эгаси, нутқ ва юқори даражадаги интеллект соҳиби сифатида ривожланишига имкон беради. Наслий йўл билан ёки жиддий касаллик оқибатида юзага келувчи организм анатомик физиологик ҳолатидаги бузилишлар психик тараққиётга таъсир этиши ва ривожланишдан орқада қолишга олиб келиши мумкин. Боланинг мияси етилиб бўлмагунча унда вербал нутқни ва у билан боғлиқ бўлган қобилиятларни шакллантириш мумкин эмас.

Иккинчи томондан, организмнинг психик ривожланиши муҳитга ҳам боғлиқ. Чунки психик тараққиётга таълим-тарбиянинг таъсири жуда бекиёс.

Бирок, психик тараққийетнинг у ёки бу босқичида бу омиллардан қайси бири кўпроқ таъсир этишини аниқ айтиш қийин.

Стихияли таълим-тарбия махсус таълимий мақсадларсиз, ҳеч қандай дастурларсиз, инсоннинг жамиятда бошқа кишилар билан муносабатлари натижасида амалга ошадиган таълим-тарбия. Ташкил этилган таълим-тарбия эса мақсадга қаратилган ҳолда махсус таълимий тизимда олиб бориладиган таълим-тарбиядир.

Шак-шубҳасиз, инсон стихияли ва ташкил этилган таъсиротлар остида психологик жиҳатдан тараққий этади, лекин улардан қай бири инсон хулқ-атвориغا кучлироқ таъсир этиши масаласи муаммолигича қолмоқда.

Кейинги муаммо – лаёқат ва қобилиятларнинг ўзаро муносабати масаласидир. Боланинг қобилиятлари ривожланишига таъсир этувчи лаёқатларнинг ўзи нима? Лаёқатлар таркиби фақат организмнинг наслий хусусиятлари билан боғлиқми ёки унинг таркибига инсоннинг орттирилган хулқ-атвор ва психик хусусиятларини ҳам киритиш мумкинми? Бола қобилиятларининг тараққийети кўпроқ мавжуд лаёқатларга боғлиқми ёки унга тўғри ташкил этилган таълим-тарбиянинг таъсири кучлироқми? каби саволлар ҳанузгача тўла-тўқис ўз ечимини топмаган.

Ёш психологияси психика ва хулқ-атворда бир ёш давридан иккинчисига ўтишда юзага келадиган миқдорий ҳамда сифатий ўзгаришларни ўрганadi. Одатда бу ўзгаришлар ҳаётнинг муайян босқичларини, 1 неча ойдан (гўдақлик даври) то бир қанча йилларни (катта ёш даврида) қамраб олади. Ушбу ўзгаришлар “ доимий таъсир этиб турувчи ” омиллар – биологик этилиш ҳамда инсон организмнинг психофизиологик ҳолати, унинг инсонга хос бўлган ижтимоий муносабатлар тизимида туганган ўрни, интеллектуал ҳамда шахс ривожланишида эришган даражасига боғлиқ бўлади.

Психика ва хулқ-атворда юзага келадиган бу турдаги ёшга хос ўзгаришлар эволюцион ўзгаришлар деб аталади. Эволюцион ўзгаришларда миқдорий ва сифатий қайта қуришлар нисбатан секинлик билан амалга ошади.

Нисбатан қисқа вақт оралиғида жадал юз берадиган чуқур ўзгаришларни революцион ўзгаришлар деб аташ мумкин. Революцион ўзгаришлар одатда бир ёш даврининг тугалланиши, иккинчи ёш даврининг бошланиши арафасида рўй бериб, ёш тараққийетининг инкирозлари билан боғлиқ бўлади. Ёш тараққийетидаги инкирозлар ва улар билан боғлиқ бўлган психика ва хулқ-атворда рўй берадиган революцион қайта (қуришлар) тузилишлар ёшни даврларга ажратишнинг асосларидан бири сифатида қаралиши мумкин.

Ривожланиш белгиларидан бири бўлган яна 1 турдаги ўзгаришлар аниқ бир ижтимоий вазиятнинг таъсири билан боғлиқ бўлиб, уларни ситуация (яъни вазият билан боғлиқ бўлган) ўзгаришлар деб аташ мумкин. Бундай ўзгаришлар инсон хулқ- атвори ва психикасида ташкил этилган ёки махсус ташкил этилмаган таълим-тарбия таъсирида вужудга келади.


Эволюцион ва революцион ўзгаришлар одатда барқарор ҳамда қайтарилмас бўлиб, систематик мустаҳкамлашни талаб қилмайди. Ситуацион ўзгаришлар беқарор, ўзгарувчан, уларни машқлар орқали мустаҳкамлаш

талаб қилинади. Эволюцион ва революцион ўзгаришлар инсон психологиясини шахс сифатида қайта ўзгартирса, ситуацион ўзгаришларда хулқ-атворнинг баъзи қўринишлари, билим, малака ва кўникмалар ҳосил бўлади.

**Ёш психологиясининг предмети** – инсон психикасининг ёш жиҳатдан тараққиёти, психик жараёнлар ҳамда инсон шахси хислатларининг онто-генезини ўрганишдан иборат.

Ёш психологияси ўз навбатида бир қанча соҳаларга бўлинади. Булар :

1. Болалар психологияси
2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психологияси.
3. Ўсмир психологияси.
4. Илк ўспиринлик ёши психологияси.
5. Катта ёшдагилар психологияси.
6. Геронтопсихология ( қарилик) психологияси.



2-расм. Ёш психологияси бўлимлари.

**Ёш психологиясининг умумий вазифалари** сифатида қуйдагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) Психик жараёнларнинг, билимларни ўзлаштиришнинг ёш имкониятларини тадқиқ қилиш.
- 2) Шахс ривожланишининг муҳим омилларини ўрганиш.
- 3) Психик тараққиётнинг умумий қонуниятларини ҳамда босқичларини тадқиқ этиш.
- 4) Ҳар бир ёшнинг психологик ва индивидуал хусусиятларини ўрганади.

Ёш психологиясининг асосларини билмай туриб, таълим-тарбиянинг ҳеч қандай назарий ҳамда амалий масалаларини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди.

Таълим-тарбия жараёнини тўғри, илмий асосда ташкил қилиш учун таълим жараёнининг ўзига хос психологик қонуниятларини, яъни билимларни ўзлаштириш жараёнини, кўникма ва малакаларни, фаол, мустақил ҳамда ижобий тафаккур жараёнларини таркиб топтиришни яхши билиш лозим бўлади. Психолог Л.С. Виготский кўрсатиб ўтганидек, улар маълум ҳодисаларга нисбатан ўзларининг кундалик ҳаётдаги оддий тушунишлари бўлади. Бу эса илмий тушунчаларнинг таркиб топишига маълум даражада таъсир қилади. Бундан кейин, тушунчаларни таркиб топтиришда ҳиссий негизга қай даражада таяниш лозимлигини, қайси пайтда кўргазмалиликдан ва яқка ҳодисалардан қутилиб, мавҳумлик ҳамда умумийликка ўтиш мақсадга мувофиқлигини билиш керак. Кўргазмали таянчдан барвақт воз кечиш ҳам ана шу босқичда сунъий равишда тўхтаб қолиш ҳам бир хил ҳатодир. Шунинг билан бирга кўриб ва эшитиб идрок қилиш хусусиятларини ҳамда уларнинг ўзаро муносабат характерини билиш керак. Ўтилган материалларни қандай йўл билан психологик жиҳатдан самарали қилиб мустаҳкамлаш мумкин? Ўқувчига саволни қандай бериш мумкин: умумий қилибми ёки қонкрет шаклдами? Бир хил саволларни беравериш тўғрими? Ёрдамчи саволларнинг роли қандай? (Психологияда шу нарса маълумки, жавоб бериладиган саволнинг ифодаланишига ҳам боғлиқ бўлади).

Педагогик психологияни билиш тарбия ишларида ҳам зарурдир. Шахс таркиб топиши жараёнининг психологик қонуниятларини, жумладан, ахлокий одатлар ва ишонч-эътиқод таркиб топишининг қонуниятларини билмай туриб, тўғри тарбия бериш мумкин эмас.

Маълум ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини билмай туриб, уларга мақсадга мувофиқ равишда таълим ва тарбия бериб бўлмайди. Боланинг ҳар бир ёши ўз қийинчиликларига эга бўлади ва ўзига нисбатан махсус муносабатда бўлишни талаб қилади. Кичик мактаб ёшидаги болаларга нисбатан психологик жиҳатдан тўғри келадиган ва яроқли бўлган нарса, кўпинча ўсмирларга нисбатан яроқсиз ва хато бўлиши мумкин. Бироқ ўқитувчи, тарбиячи шунчаки маълум ёшдаги ўқувчи билан эмас, балки қонкрет бир ўқувчи билан, индивидуал шахс билан ишлайди. Ўқувчининг билиши мутлақо зарур бўлган индивидуал фарқлар битта ёш доирасида ниҳоят даражада катта бўлади. Таълим ва тарбия жараёнида индивидуал муносабатда бўлишнинг шarti ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳар томонлама ва чуқур билишдан иборатдир. Бу нарса ўқувчининг рухий дунёсидан хабардор бўла билишни, психологик жиҳатдан тўғри кузатиш ташкил қила билишни ва табиий эксперимент уюштиришни билишни тақозо қилади.

Мана шу юқорида кўрсатилган қонуниятларни ҳаммасини билиш ўз-ўзича ҳали таълим-тарбия ишларида муваффақиятнинг гарови бўла олмайди. Лекин жуда кўп ҳатоларнинг олдини олиш имконини беради, чунки бу қонуниятлар ўқитувчини кўр-кўрона ҳаракат қилиш заруратидан қутқаради.



Демак, педагогик психологиянинг моҳиятини билиш ҳар бир педагог учун таълим-тарбия жараёнини самарали амалга ошириш учун зарур.

**Педагогик психологиянинг предмети** – таълим ва тарбия жараёнларининг психологик қонуниятларини ҳамда педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятларини ўрганишдир.

Психолог **И.А.Зимняя** бўйича педагогик психологиянинг предмети – инсон томонидан ижтимоий-маданий тажрибани ўзлаштиришнинг қонуниятлари, механизмларини, шунингдек, бу жараён натижасида юзага келувчи таълимнинг турли шароитларида педагог томонидан ташкил этилувчи ва бошқарилувчи ўқув фаолияти субъекти сифатида инсон шахси ривожланиши ва интеллектуал даражасидаги ўзгаришларни ўрганишдан иборат.

**Педагогик психология** - таълим ва тарбиянинг шахсга самарали таъсир этувчи омиллари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганувчи фандир. Педагогик психологиянинг предмети мактабда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал тафовутларни, ўқувчиларда мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятларини татқиқ этишдир. Педагогик психологиянинг муҳим вазифаларидан бири – мактабдаги таълим жараёнини янада такомиллаштиришнинг психологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб,бу ҳол янги таълим дастурига ўтиш билан боғлиқдир. Педагогик психология уч бўлимдан иборат: таълим психологияси, тарбия психологияси ва ўқитувчи психологияси.

**Педагогик психологиянинг муаммолари қуйидагилар:**

1. Боланинг ривожланишида унинг ҳаётидаги ҳар бир сензитив даврни топиш ва ундан иложи борича кўпроқ фойдаланиш муаммоси. Бу масаланинг муаммолилиги шундаки, биринчидан, бола шахси ва интеллекти ривожланишининг барча сензитив даврлари маълум эмас, унинг қачон бошланиши, қанча давом этиши ва қачон тугаши номаълум. Иккинчидан, ҳар бир боланинг ҳаёти ўзига хос индивидуал бўлиб, турли даврда ҳар хил кечади.

2. Болага онгли ташкил этилган педагогик таъсир ва унинг психологик тараққиёти орасидаги боғланиш муаммоси. Болага таълим ва тарбия таъсир этадими, ёки бола фақат билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиб, интеллектуал ва ахлоқий ривожланишга таъсир қилмайдими? Ҳар қандай таълим боланинг ривожланишига таъсир қиладими ёки фақат муаммоли ва ривожлантирувчи таълимми?

3. Таълим ва тарбиянинг умумий ва ёш муаммолари. Бола ҳаётининг ҳар бир аниқ даврида таълимга ёки тарбияга урғу бериш керакми?– бола ҳаётининг айнаи даврида нимага кўпроқ эҳтиёж сезади: когнитив – интеллектуал ёки шахс сифатида ривожланишгами?

4. Педагогик таъсирларнинг комплекслиги ва бола тараққиётининг системали характери муаммоси. Бола тараққиётини когнитив ва шахсий хислатларнинг ўзгариши сифатида тасаввур қилсак, уларнинг ҳар бири алоҳида ривожланиши мумкин, ўз навбатида уларга боғлиқ.

5. Бола хулқ-атвори ва психологик характеристикаларининг ривожланиши таълим ва етилишга, лаёқат ва қобилиятлар, генотип ва муҳитга боғликлиги муаммоси.

6. Боланинг онгли таълим ва тарбияга психологик тайёрлиги муаммоси. Бу муаммони ҳал қилишда таълим ва тарбияга психологик тайёрлик деганда нима назарда тутилиши: болада лаёқатларнинг мавжудлиги маъносидами ёки таълим ва тарбияга қобилиятнинг ривожланганлиги маъносидами, болада яқин тараққиёт зонаси ва ривожланиш даражаси мавжудлиги маъносидами, интеллектуал ва шахсий етукликнинг маълум даражасига эришилганлиги маъносидами?

7. Боланинг педагогик қаровсизлиги муаммоси. Боланинг педагогик таъсирларни ўзлаштира олмаслиги унга болалигида ёмон таълим ва тарбия берилганлиги.

8. Таълимни индивидуallasштиришни таъминлаш муаммоси. Болаларнинг лаёқат ва қобилиятлари асосида гуруҳларга бўлиб ўқитиш, ҳар биор боланинг индивидуал хусусиятларга мос таълим ва тарбия методларини танлаш тушунилади.

Юқорида келтирилган психологик-педагогик муаммоларни ҳал қилиш ўқитувчилардан юқори касбий маҳоратни, психологик билим, кўникма ва малакаларни талаб қилади.

#### **Педагогик психология методлари**

Педагогик психологияда умумий ва ёш психологияда фойдаланилган методлар қўлланилади. Улар: кузатиш, ёзма ва оғзаки саволномалар, эксперимент ва бошқалар. Лекин улар болаларнинг ёши ва психологик ва педагогик муаммоларига боғлиқ равишда қўлланилади.

Умумий методлардан ташқари, педагогик психологиянинг махсус методлари ҳам мавжуд. Масалан, уларга психологик-педагогик эксперимент, махсус психологик-педагогик тестлар киради. Психологик-педагогик эксперимент болага у ёки бу педагогик таъсирнинг махсуддорлик даражасини аниқлаш учун махсус ривожлантирувчи мақсадни кўзлаб ўтказилади. Психологик-педагогик эксперимент уч босқичдан иборат:

1. Аниқловчи эксперимент.
2. Шакллантирувчи эксперимент.
3. Назорат экспериментлари.

Педагогик психологияда қўлланиладиган барча методлар куйидагиларга бўлинади:

1. Ташкилий методлар.
2. Шарҳлаш методлари.
3. Баҳолаш методлари.
4. Натижаларни йиғиш ва қайта ишлаш методлари.

**Ташкилий методлар** ўтказиладиган тадқиқотнинг мақсади, мазмуни, тузилиши, ташкил этилиши, тайёргарлик шакллариини ўз ичига олади. **Шарҳлаш методлари** ўтказиладиган тадқиқотнинг барчаси ёки унинг айрим қисмларини амалга ошириш шакллариига тегишли бўлади. **Баҳолаш методлари** тадқиқот натижаларини, жумладан тадқиқотда иштирок этган болалар-

нинг психологик ва ҳулқ-атвор характеристикаларини аниқлаш психологик-педагогик баҳолаш усулларини қамраб олади. **Натижаларни йиғиш ва қайта ишлаш методлари** деганда тадқиқотда синалувчилар ҳақида зарур маълумотларни тўплаш назарда тутилади.

Ўқорида келтирилган тадқиқот методларидан ташқари яна болага амалий психологик-педагогик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ икки гуруҳ методлар мавжуд. Бу психологик маслаҳат ва коррекциядир. **Психологик масалаҳат** боланинг ривожланиши давомида дуч келган муаммоларни ўрганиш ва танишиш асосида унга оғзаки тавсиялар ва насиҳатлар турида ёрдам кўрсатишдир. **Коррекция** психологнинг қизиқтираётган шахсга бевосита педагогик таъсир кўрсатишидир.

Хусусан, педагогик психология “билим, кўникма, малакаларни эгаллашнинг қонуниятларини; бу жараёнда намоён бўладиган индивидуал фарқларни; ўқувчиларда фаол мустақил ижодий тафаккур шаклланиши қонуниятларини; таълим ва тарбия таъсири остида психикада юзага келадиган ўзгаришларни, яъни янги психик тузилмалар шаклланишини ўрганади.”

Педагогика билан педагогик психология ўртасида яна ҳам мустаҳкам ва ажралмас алоқа бордир. Болалар ва ёшларнинг мактабдаги ҳамда бошқа таълим-тарбия муассасаларидаги фаолият ва хатти-ҳаракатларининг қонкрет турларини ўрганувчи педагогик психология икки фаннинг, яъни психология ва педагогика фанларининг туташган жойидан ўрин олгандир. Педагогик психология мактабда билимларни, кўникма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини ўрганади, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал тафовутларни текширади, ўқувчиларда актив, мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятларини ўрганади. Педагогик психология таълим-тарбия таъсири билан ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни ҳам ўрганади. Бундан ташқари, ўқув материалларининг ўқувчиларга мос келиши, турли таълим методларининг психологик жиҳатдан самарадорлиги, дарслик, ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар ва мактаб ишларининг режимига нисбатан бўлган психологик талаблар каби муаммоларнинг ҳаммасини ҳам педагогик психология ўрганади.

Педагогик психологиянинг энг муҳим вазифаларидан бири мактабдаги таълим жараёнини янада такомиллаштиришнинг психологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу нарса янги таълим дастурига ўтиш муносабати билан таълимнинг мазмунида юзага келган жиддий ўзгаришлар билан боғлиқдир. Педагогик психология шу билан бирга ўқувчилар шахсининг таркиб топиш жараёнини, бу жараённинг умумий қонуниятларини ва индивидуал фарқларини, турли тарбиявий тадбирларнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини ўрганади ҳамда ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашни психологик асосларини текширади. Ниҳоят, педагогик психология таълим-тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлган ўқувчи шахсини ва ўқувчи меҳнатининг хусусиятларини ўрганади. Бунда ўқувчининг таълим-тарбия ишларидаги ютуқларни таъминловчи сифатларини ажратиб кўрсатиш билан бирга унинг педагогик билимлари, кўникма, малака


ва қобилиятларининг таркиб топиши ҳамда тараққиётнинг психологик шароитлари аниқланади.

### Педагогик психология вазифалари:

- 1) таълим жараёнларини бошқаришнинг психологик масалаларини ўрганиш;
- 2) билиш жараёнларининг шаклланишини тадқиқ қилиш;
- 3) ақлий тараққиётнинг ишончли кўрсаткичларини аниқлаш;
- 4) таълим жараёнида ақлий тараққиётнинг самарали бўлиш шароитларини ўрганиш;
- 5) педагог билан ўқувчилар ўртасидаги, ўқувчилар билан ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабат хусусиятларини ўрганиш;
- 6) ўқувчиларга индивидуал ёндошиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш.
- 7) педагогик фаолиятни амалга оширишнинг психологик қонуниятларини ўрганиш.

### Педагогик психологиянинг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

1. Таълим психологияси.
2. Тарбия психологияси.
3. Педагогик фаолият психологияси.



2-расм. Педагогик психология бўлимлари.

Ёш ва педагогик психологиянинг бирлиги ёш ва педагогик психология ўрганадиган объектнинг умумийлигидадир. Бу иккала фаннинг ўрганиш объекти – болалар, ўсмир ва ўспиринлар бўлиб, ёш психологияси уларни ёш тараққиёти бўйича ўрганса, педагогик психология тарбияланувчи ёки таълим олувчи сифатида, яъни педагогнинг таълим-тарбия жараёнида бирор мақсадга қаратилган таъсири сифатида ўрганади.

Маълумки, муайян ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини билмай туриб, уларга мақсадга мувофиқ равишда таълим ва тарбия бериб бўлмайди. Боланинг ҳар бир ёши ўз қийинчиликларига эга бўлади ва ўзига нисбатан махсус муносабатда бўлишни талаб қилади.

Таълим ва тарбия жараёнида индивидуал муносабатда бўлишнинг шarti ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳар томонлама ва чуқур билишдан иборат. Бу эса ўқувчининг психик дунёсидан яхши хабардор бўлишни, психологик жиҳатдан кузатишни тўғри ташкил қила олишни ва табиий эксперимент уюштиришни билишни тақозо қилади.

Педагогик психология ҳам, ёш психологияси ҳам умумий психологик қонуниятларни очиб берадиган психик жараёнларни, психик ҳолатларни ва шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганадиган фан – умумий психологияга асосланади.

Лекин ёш психологияси ва педагогик психология педагогик жараёни ташкил қилиш учун тайёр рецепт ёки тавсияномалар беришни даъво қилмайди. Ёш ва педагогик психологиянинг материаллари ва хулосаларидан таълим - тарбия ишларини тўғри ташкил қилишда фойдаланилади. Бу ҳақда рус педагоги К.Д. Ушинский ҳам таъкидлаб ўтган эди:

“Биз педагогларга ундай ёки бундай қилинлар деб айтмаймиз, аммо биз уларга ўзингиз бошқармоқчи бўлган психик ҳодисаларнинг қонуниларини ўрганинг ва бу қонуниларга амал қилинг ҳамда уларни тадбиқ қилмоқчи бўлганингиз шароитларини ҳисобга олиб иш қилинг, деб айтамыз”.

## 1.2. Ёш ва педагогик психологиянинг вужудга келиш тарихи

Ёш ва педагогик психология фаннинг алоҳида тармоғи сифатида ўзининг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихига эга.

Ёш ва педагогик психология фан сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида таркиб топади. Бунда таниқли рус педагоги **К.Д. Ушинский**нинг асарлари, айниқса унинг “Инсон тарбия предмети сифатида” номли асари катта роль ўйнайди.

Бундан ташқари **Ч.Дарвин**нинг эволюцион ғоялари ҳам ёш психологиясининг тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Эволюцион таълимот психик тараққиёт манбалари муаммосига эътиборини қаратишга олиб келади.

XX асрнинг бошларига келиб, умумий психологияда ўтказиладиган экспериментал тадқиқотларни педагогика соҳасига шундайлигича ўтказиш мумкин деб қаралди. Аммо ўша даврнинг умумий психология фани педагогика учун етарли билимлар бойлигини бера олмас эди.

1906 йил Петербургда педагогик психология бўйича I съезд чақирилди. Педагогик психология намоёндалари – **А.П.Нечаев, Н.Е. Румянцев** ва бошқалар педагогик адабиётларни кескин танқид қилиб чиқдилар. Психологияни педагогик амалиёт билан яқинлаштириш экспериментал тадқиқотларни таълим-тарбия жараёнининг ўзида ўтказиш орқалигина мумкин деган муҳим хулоса чиқарилди. Яъни экспериментал маълумотлар ташқаридан эмас, балки психологик-педагогик тадқиқотнинг ўзидан олиниши керак, деган хулосага келинади. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса ёш ва педагогик психологиянинг муҳим назарий, методологик масалаларини ҳал қилишнинг тўғри йўлларини излаб топиш лозим эди. Шу туфайли психик тараққиётнинг манбалари ва унинг таълим жараёнига муносабати масаласи ёш ва педагогик психологиянинг марказий муаммоси бўлиб қолади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида АҚШ ларида *педология* деб аталувчи янги фан вужудга келади. Унинг намоёндалари – **С.Холл**,

**Э.Мейман, В.Прейер.** Бу оқим намоёндалари бола ривожланишининг биологик, физиологик ва психологик назарияларини механик равишда кўшадилар.

20 - 30 йилларда педология “Бола ҳақидаги ягона марксистик фан” ролини даъво қила бошлайди ва педагогика ҳамда болалар физиологиясини сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади.

Педологларнинг қарашлари идеалистик ва механистик характерда эди. Уларнинг ўқувчиларни “ақлий қобилият коэффиценти”ни аниқлашга оид тестлари асоссиз бўлиб, психология ва педагогикага салбий таъсир кўрсатди ҳамда мактабга катта зиён етказди. Шунинг учун 30 йилларнинг бошларида педологияни кескин танқид қилиш бошланди. 1936 йил 4 июлда ВКП (б) МК ининг “Халқ маорифи комиссарлиги системасидаги педологик бузғунликлар ҳақида” ги қарори чиқди. Бу қарорда педология фани марксистик нуқтаи - назарга зид эканлиги таъкидланиб, катта танқид остига олинди. Шу тариқа педология фанига барҳам берилди.

20 - 30 йилларда педагогик психологияда жуда кўп илмий тадқиқот ишлари олиб борилди, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бир қанча психологик-педагогик концепциялар вужудга келди. Айниқса, **А.С.Макаренконинг** бола шахси ва болалар жамоасига бўлган илмий қарашлари, **Л.С.Виготскийнинг** олий психик функцияларнинг ривожланиш назарияси катта илмий қиммат касб этади.

Ҳозирги кунда ёш ва педагогик психология - психология фанининг энг ривожланган соҳаси ҳисобланади. Ёш ва педагогик психология масалалари билан бир қатор кўзга кўринарли психологлар шуғулланганлар ва шуғулланмоқдалар. Улардан: **Б.Г. Ананьев, Л.И.Божович, П.Я.Гальперин, В.В.Давидов, А.В.Запорожец, Л.В.Занков, Г.С.Костюк, А.Н.Леонтьев, Н.А.Менчинская, Н.Ф. Тализина, Д.Б.Эльконин** ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Болалар психологияси муаммолари билан шуғулланган ўзбек олимларидан: профессорлар **М.Г. Давлетшин, Э.Ф. Ғозиев, М.Воҳидов; Р.И. Суннатов, З.Т. Нишонова, доцент С.А.Ахунжанова, Ш.А. Дўстмухамедова, С.Х.Жалилова** каби психологларни келтиришимиз мумкин.

### **Шарқ алломалари асарларида ёш даврлари, таълим-тарбия жараёни ҳамда билишга қизиқиш масалаларининг ёритилиши**

Юксак тафаккур намоёндаларининг асарларида билим олишга кенг ўрин берилган бўлиб, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам, қаерда таълим соҳасига эътибор юқори бўлса, ўша ерда тараққиёт доимо илгарилаб борганлиги яққол кўринади.

Шарқнинг қомусий олимлари асарларида таълим-тарбия, шахс камолоту борасидаги фикрлари билан бирга билим эгаллаш, илм олиш йўллари хусусида қатор илмий маълумотлар келтирилади. Жумладан, **Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Бурҳониддин Зарнужий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Хайём, Абу Ҳамид Ғаззолий, Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Огахий, Абдулла**

Авлоний каби олим ва мутафаккирларнинг асарларида юқоридаги муаммолар юзасидан атрофлича маълумотлар келтирилади.

Қомусий олим **Имом ал-Бухорий** ҳам илм ўрганишни юқори даражага кўйиб, ўз асарларида қуйидаги фикрларни илгари сурадилар: “Киши илм бобида нафақат ўзидан юқори ёки тенгдошларидан, балки ўзидан паст бўлганлардан ҳадис олмагунча, етук муҳаддис бўла олмайди”. Имом Бухорий ушбу фикри билан ўқув фаолиятининг ижобий мотивлари устоз-муаллим томонидан шакллантирилишига урғу беради.

**Абу Наср Форобий** эса кўплаб асарларида билиш масаласига катта эътибор беради. У билишда икки босқични - хиссий ва ақлий билишни фарқлайди ҳамда билишда инсон ақлининг ролига аҳамият беради. Форобий инсонларни илмли бўлишга чақириб, ўқувчининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ибратли ғояларни илгари сурган. У ўқувчига таълим бериш, уни илмли қилиш учун ўқитувчи тинмасдан машаққатли меҳнат қилсагина ўқувчи ўқишга, таълим олишга, билимли бўлишга интилиши мумкинлигини таъкидлайди. Ўқитувчи ўқувчига билим бераман деса, ўқувчи олдида ҳақиқатгўй бўлиши керак, ўзи фаҳм-фаросатли бўлиб, ор-номусини кадрлаши лозим, шогирдларига нисбатан адолатли бўлиши, кўзлаган мақсадига эришишида қатъийлик кўрсата билиши ва ўрناق бўлмоғи жоиз, дея таъкидлайди мутафаккир. Форобий тушунишни, билимнинг моҳиятини уқиб, англаб олишни қуруқ ёдлашдан устун қўяди, ўқувчига умумий қонун-қоидаларни ўзлаштиришни тавсия этади, чунки қонун - қоидаларни англаш, унинг эътирофига қўра, жуда катта аҳамиятга эга. Алломанинг мулоҳазасига биноан, ҳар қандай ўқувчи ўз хатти-ҳаракатидан хабардор бўлмоғи, яъни ўзини англагани, замонавий психология фани терминологиясига қўра, ўзини рефлексия қилиш кўникмаларига эга бўлиши ва шу сазъ-ҳаракатлари туфайли бахтга эриша олувчи инсонлигини англамоғи лозимдир. Форобий ўқувчининг шахсига хос қатор фазилатларга ҳолисона шарҳ берган олимдир.

Қомусий олим **Абу Али ибн Синонинг** фикрича, инсон тафаккури, ақлининг кучи бир неча босқичдан иборат. Ақлий кучлар дастлаб мутлақ тинч, сокин ҳолатда бўлади. Болалардаги ёзишни, ўқишни ўрганишдаги потенциал кучлар шунга мисол бўла олади. Абу Али ибн Сино бу кучларни моддий кучлар деб номлаган, яъни мазкур кучларни ташқи мотивлар деб тушунса бўлади. Секин-асталик билан бу кучлар ҳаракатга айланади, булар меҳнат қуроли самарасидир, яъни меҳнат қуроли орқали ҳаракатга келади ва намоён бўлади. Бу ҳолатни бола ёзишни хоҳлаб турибди-ю, аммо ёзиш қуроли бўлган қаламнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу икки кучни Ибн Сино рўёбга чиқиши мумкин бўлган куч деб атаган. Ниҳоят, учинчи куч эса ироданинг етишмаслиги билан тушунтириб берилади. Яъни шундай ҳолатнинг кучи бор, аммо уни ишлатишга, рўёбга чиқаришга болада ирода етишмайди. Аллома назарида, шу каби уч ҳолат билан ақл, билим олиш изоҳланади. “Тайр” асарида эса инсонларни дўстликка, билим ўрганишга чақиради .

Ибн Сино "Хайй ибн Яқзон" қиссасида инсон феъл-атворини, руҳиятини тушуниш учун мантиқ илмини ўрганишга чорлайди. Бу фан инсон тафаккур доирасининг кенгайишига катта ёрдам беради. Инсонларнинг феъл-атворини билиш учун ўқиш, ўтқир бўлиш учун фаросат илмидан хабардор бўлиш керак. Дарҳақиқат, илм ўрганишга Форобий мусикий, фалсафий илм билан даъват этган бўлса, ибн Сино мантиқ илми орқали даъват этган.

Абу Али ибн Сино болаларнинг ўқиш, таълим олишларига масъулият билан қараш тарафдорларидан бўлган. У бола 6 ёшга етгач муаллимга билим олиш учун топширилишини айтиб ўтади. Ҳозирда ҳам болаларнинг 6, 7 ёшдан бошланғич синфларга қабул қилиниши ибн Синонинг ўша даврдаги ғояларининг нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради, зотан ушбу ҳол боланинг ўқишга бўлган муҳаббатини кучайтириши мумкин. Унинг фикрича, болага таълим аста-секинлик билан берилиши жоиз. Уни бирданига китобга боғлаб қўймаслик лозим, дейди аллома. Ибн Сино кишиларнинг яшашга қобил бўлиши ва бекорга жабр кўрмаслиги учун уларга эҳтиёт бўлиб таълим бериш кераклигини уқтиради. Яъни уларнинг ўқишга бўлган ижобий мотивларини сўндирмасликка ундайди.

Ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятига оид фикрлар қомусий олим Абу Райҳон Беруний асарларида ҳам ўз аксини топган. Унинг фикрига кўра, билим олиш учун ўқувчиларда аввало интилиш ва қизиқиш бўлиши керак. Дарҳақиқат, ниманидир ўрганиш, тадқиқ қилиш учун инсонда интилиш, ҳаракат ва қизиқиш бўлмаса, у ҳеч нарсага эриша олмайди. Илм олишнинг муҳим йўлларида бири инсон ҳаммани ўзига дўст тутиши ва бошқа инсонларга ҳам яхшилик қила олиши лозим. Олимнинг мазкур фикрларини фан тилида ўқув фаолиятига нисбатан эҳтиёж туғилсагина ўқув мотивлари шакллантирилиши мумкин, дея талқин қилса бўлади.

Беруний илм олишда ахлоқий покликни юқори ўринга қўйиб, таълим ва тарбияни бир хил изчилликда олиб борганлар қомил инсон даражасига эришадилар, дейди. Беруний ўқитиш учун муаллим ўз малака ва билимларини доимо орттириб, замонга мослашиб бориши лозимлигини уқтиради. У китоб ўқиш усулларига алоҳида эътибор қаратади. Китобларни шунчаки эмас, фикрлаб, кичик-кичик бўлимларга бўлиб ўқиш ва умумлаштириб бориш кераклиги ҳақида маълумотлар беради. Беруний ўқитишда фақат индуктив (умумий хулоса) йўли билангина эмас, балки дедуктив (жузъий хулоса) йўли билан ҳам иш тутиш лозимлигини таъкидлайди, зотан бундай ўқишда тафаккур кенгайиб, билимлар ортиб боради.

Абу Райҳон Беруний ўқитувчилар ўқувчининг эътиборини *таққослаш*, *қиёслаш* каби операцияларга қаратишлари лозимлигига алоҳида аҳамият беради. Зотан, бугунги кунда ҳам онгли, ифодали, тўғри ва тез ўқиш ҳозирги замон ўқувчиларининг саводли бўлишларини таъминловчи асосий таркибий қисмлардандир.

Абу Райҳон Беруний илм олишда такрорлашга зўр бериб, ёш ўқувчиларни толиқтириб ва зериктириб қўймасдан, турли психологик



усулларни қўллашни, шу орқали уларнинг тафаккурини бойитиб, билимларини чуқурлаштира боришни илгари сурган буюк зотдир. Яъни ўқишга нисбатан бўлган қизиқишни сўндирмаслик учун болаларнинг ёшига хос психологик хусусиятлар албатта инobatга олиниши кераклигини эътироф этади.

Берунийнинг тафаккур операциялари - анализ, таққослаш, умумлаштириш кабиларни шакллантириш орқали ўқишга қизиқиш уйғотиш ҳақидаги фикрлари то ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шарқнинг бошқа бир йирик олими **Бурҳониддин Зарнужий** ўзининг “Ўқувчига таълим йўлида қўлланма” китобида: “Ўқиб ўрганиш учун энг яхши вақт ёшлик даври, эрта тонг ва кош қорайган пайт. Билим олувчи ана шу вақтни самарали ташкил этишга одатлансин, борди-ю, унга бир фан зерикарли бўлса, бошқаси билан машғул бўлсин”, - дея таълим беради. “Таълимул – мутааллим” номли китобида бўлса таълимнинг узвийлик принципини эътироф этади.

XI асрда яшаб ижод этган **Махмуд Қошғарий** ҳам ўзининг “Девону луғатит турк” асаридида билим олишга даъват этган. Асардаги: “Эй ўғлим, мenden ўгит, насиҳат ол, одобли ва тарбияли бўлишга тириш, токи эл ичида зўр олим бўлиб танил ва улар орасида одоб ва илм таркат” ёки “Илм, ҳикмат ўрган, ўрганишда хавойилик ва такаббурлик қилма, ҳеч нарса ўрганмасдан, ўзини билимдон кўрсатиб мақтанган киши имтиҳон вақтида уялади, ачинади” каби фикрлари бунинг ёркин мисолидир.

Ўрта Осиёнинг яна бир буюк мутафаккири **Юсуф Хос Ҳожиб** ҳам ўз ижодида билимни юксак баҳолайди. Аллома билимни бойлик, кийим, емиш каби нарса-ҳодисаларга қиёслайди. Билим ва билимдонликни ҳис эта олмоқ, уни тушунмоқ даркорлиги, билимдон бўлишнинг тарбия билан чамбарчас боғлиқлиги, бола қанчалик эрта тарбия қилинса, билим олишга иштиёқи ортиши ҳақида ёзади.

Ўқувчининг психологик хусусиятлари ва шахсий фазилатларига оид мулоҳазалар қомусий олим **Умар Хайём** асарларида чуқур ёритиб берилган. Умар Хайёмнинг фикрича, ўқувчилар ўқитувчидан олган билимлари билан чекланиб қолмасдан, ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўрганиш ва кузатиш, амалиёт давомида билим, малака ҳамда кўникмаларини ҳар хил усулларда кўп марталаб такрорлаб бориш жараёнида эгаллайдилар, яъни олим таълимдаги предмет билан ҳаёт узвий алоқадорлиги принципини илгари суради. Унинг фикрича, билим олишни, таълимни амалиёт билан узвий равишда боғлаган ҳолда ўқувчиларда мустақил тафаккурни шакллантириб бориш зарур. Бунинг учун у “Сен осонгина ўйлаяпсан”, “Кўп ўйлаб, мақсадга эришиш мумкин”, “Бир оз ўйлагандан кейин, тушуниб оласан” каби сўзларни ишлатиб, ўқувчиларни мулоҳаза қилишга ундаб, секин-асталик билан ўқишга бўлган иштиёқларини оширишга ҳаракат қилади.

Инсон ҳаётида илм ва амалиётнинг бирлиги ҳақида **Абу Ҳамид Ғаззолий** ҳам фикр билдирган эди. Дарҳақиқат, инсон олган назарий билимларини амалиётда қўллай бориши керак деб ўйлаймиз, чунки билим ва

илмгина эмас, балки фан ва тажриба ютуқларини амалда қўлай билиш ҳам инсоний ҳислатлардан биридир.

Буюк мутафаккир ва аллома **Алишер Навоий** инсон тафаккури, акли-фаросати ҳамда илмини юксак қадрлаган. У: “Билим ва донишмандлик инсоннинг безагидир”,- деб ёзади. Алишер Навоий болаларга кичик ёшлигиданоқ билим, маълумот ва тарбия бериш кераклигини айтиб, ибн Сино каби, 6 ёшдан муаллим қўлига топшириш кераклигини таъкидлайди.

Истеъдодли шоир ва таржимон, тарихчи **Муҳаммад Ризо Огаҳий** асарларида инсон бекаму кўст камолга етишиши учун ёшлиқдан илм ва касб-хунар эгаллаши шарт эканлигини айтиб ўтади. Унинг фикрича, илм-маърифат инсоннинг маънавий камолотида ва жамият тараққиётида кучли воситадир. Илм инсон аклини бойитади. Огаҳий илмни кўпроқ халқ ўйинлари орқали етказиб бериш учун ҳаракат қилади, чунки бу нарса ижобий ўқув мотивини шакллантиришга хизмат қилади. Халқ ўйинлари, аслида психологик ўйинлар ҳисобланади. Бу вақтда бола ҳам таълим олади, ҳам шаклланади.

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида педагогик фикрлар ривожига етакчи роль ўйнаган олимлардан бири **Абдулла Авлонийдир**. Абдулла Авлонийнинг фикрига кўра, илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, неъматидир. Илм ўрганмоқ, олим бўлмоқ учун мактабга кирмоқ, муаллимдан таълим олмақ лозимлигини у қайта-қайта таъкидлайди.

Маърифатпарвар аллома Авлоний инсон маънавий камолотининг йўллари устида тўхталиб ўтади. Илм дунёнинг иззати, охирагининг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилатдир. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, илмсиз одам мевасиз дарахт кабудир, деб таъкидлаб ўтади.

У илмнинг назарий аҳамиятини кўрсатибгина қолмасдан, балки унинг амалий фаолият учун ҳаётий зарурият эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Илм бизни жаҳолат қоронғусидан қутқариши, маданият, маърифат дунёсига чиқариши, ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтариши, яхши хулқ, одоб соҳиби қилишини таъкидлайди Шу билан бирга, у бугун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, роҳатимиз, ғайратимиз, дунё ва охирагимиз илмга боғлиқлигини қайта-қайта такрорлайди.

Илм киши зехнини, фикрини қилич каби ўткир қилади. Илмсиз инсон мевасиз дарахтга ўхшайди. Илм дарахт меваларидек ҳар шахсга озуқа бериб, маданият, маънавийт, маърифат дунёсига олиб қиради. Ёмон одамлардан, бузуқ ишлардан қайтаради. Яхши хулқли ва одобли бўлишга хизмат қилади. Натижада, илм кишилари ҳар ерда азиз ва ҳурматли бўладилар. Киши ҳаётини ҳақиқий ва тўғри йўлга соладиган восита - бу илмдир. Шунинг учун ҳам илм орқали олий фазилатларга эга бўлган, улуғликка ва орзу-истакларига эришган буюк кишилар халқ орасида юксак қадрландилар.

Илм касб ва фазилатларнинг энг афзалидир. Илм орқали инсон яхши-ёмонни таниши, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бориши, дўстлик ва қариндош-уруғнинг фазилатларини англаши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши мумкин.

Кишиларнинг билими, илми, амалий малакалари ривожисиз жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Муайян маънавий эҳтиёжларга, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм-фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат қилиб, касб-хунар эгаллашга, малака оширишга иштиёқ ҳам бўлмайди. Шу сабабли жамият тараққиётининг барча босқичларида аввал ёшларни тарбиялаб, кейин уларга таълим берганлар.

Ҳақиқатдан ҳам, билимга, илмга эҳтиёж англаган мотивлар тизимидир. Бирор муаммони ҳал этиш имкониятларини инсон ўз ақл-заковати, билими, кучи ва иродаси билан аниқлайди. Билим мазмун жиҳатидан кенгрок бўлиб, инсоннинг ҳаёт тажрибаси орқали орттирган барча тушунчалар, фикрлар, амалий малакаларни ўз ичига олади. Илм билимнинг чўққисидир. Билимлар табиат, жамият, инсон руҳияти қонунларини чуқур ўрганиш натижасидагина илмга айланади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Шарқ мутафаккирлари ўқув мотивларини эҳтиёжлар нуқтаи назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар. Мазкур эҳтиёжларни ҳосил қилишга, оширишга, асосан ўқитувчилар томонидан таълим жараёнининг психологик хусусиятларини тўйибора олиш, яъни ўқиш жараёнида болаларнинг физиологик ва психологик хусусиятларини инobatга олиш, уларга имкон қадар индивидуал ёндашиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишган. Шу билан бирга, Шарқ мутафаккирларининг буюк хазинаси, болаларга таълим, тарбия беришдаги илғор фикрлари ҳозирги кунгача ўз ахамиятини йўқотгани йўқ.

### **1.3. Ёш психологиясининг асосий методологик тамойиллари**

30-йилларнинг ўрталарига келиб психология фанининг асосий тамойиллари: детерминизм тамойили, онг ва фаолиятнинг бирлиги тамойили, психиканинг фаолиятда ривожланиши тамойили аниқ ифодалаб берилди.

Детерминизм тамойили психиканинг турмуш тарзи билан белгила-нишини ва турмуш тарзи ўзгаришига қараб ўзгаришини англатади. Агар ҳайвонлар психикаси ҳақида гапириладиган бўлса, у ҳолда бу психиканинг ривожланиши биологик қонун тарзидаги табиий танлаш билан белгиланади. Агар одамнинг психикаси ҳақида гапириладиган бўлса, у ҳолда кишида онг шакллари-нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши пировард натижада тирик-чиликнинг моддий воситаларини ишлаб чиқариш усулларини ривожланиш қонунлари билан белгиланади. Киши онгининг ижтимоий-тарихий харак-терга эга эканлигини тушуниш киши онгининг ижтимоий борлиққа боғ-лиқлиги ҳақидаги умумий материалистик тамойилидан келиб чиқадиган энг муҳим хулосадир.

Онг ва фаолият бирлигининг психологияда қабул қилинган тамойили онг билан фаолият бир-бирига қарама-қарши эмас, лекин улар бир-бирига айнан ўхшаш ҳам эмас, аммо бирликни ташкил этишини билдиради. Онг

фаолиятнинг ички режасини, унинг программасини ташкил этади. Воқеликнинг ўзгарувчан модели айнан онгда ҳосил бўладики, одам ўзини қуршаб турган муҳитда шунинг ёрдамида мўлжал олади.

Онг ва фаолиятнинг бирлиги тамойили психологларга хулқ-атвори, фаолиятни ўрганаётиб, ҳаракатнинг мақсадларига эришишнинг муваффақиятини таъминловчи ички психологик механизмларни аниқлаш, яъни психиканинг объектив қонуниятларини очиш имконини берди.

Психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиши тамойили шуни англадики, психика агар фаолият самараси ва ривожланиш маҳсули сифатида қараладиган бўлсагина, у тўғри тушунилиши ва айнан бир хил тарзда изоҳлаб берилиши мумкин. Бу тамойил психологлардан П.П. Блонский, Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, С.Л. Рубинштейн, Б.М.Теплов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топди.

Психиканинг тараққиётини диалектик нуқтаи назардан тушуниш психик тараққиёт одамнинг меҳнат фаолиятига, таълимга, ўйин фаолиятига боғлиқ эканлигини аниқлаб берди. Бунда ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг юз бериши одам учун айнан хос бўлган психик тараққиётнинг шакли сифатида хизмат қилади. Л.С. Виготский, таълим психиканинг ривожланишини йўналтиради, деган фикрни айтиб, шу билан бирга бу жараёнда онгли фаолиятнинг янги, мутлақо бошқача шакллари яратилади, деб таъкидлайди.

П.П.Блонский тафаккурнинг кичик мактаб ёшида ўйинлар билан, ўспиринлик ёшида ўқиш билан боғлиқ тарзда ривожланишини таҳлил қилди. С.Л. Рубинштейн онг фаолиятда пайдо бўлиб, ана шу фаолиятда шаклланади, деб ёзган эди. Б.М.Теплов одамнинг энг муҳим индивидуал-психологик фазилатларидан бўлган қобилиятни тадқиқ қиларкан, қобилият фақат ривожланишда мавжуд бўлган, деб таъкидлайди. Лекин ривожланиш фаолият жараёнидан бўлак бошқача муҳитда юз бермаганидек, “қобилият тегишли конкрет фаолиятдан ажралган ҳолда пайдо бўла олмайди”.

#### 1.4. Ёш ва педагогик психологиянинг тадқиқот методлари

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндошиш учун уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини, ўқувчилар шахсининг ўзига хослигини билиш, ўрганиш зарур. “Агар педагогика одамни ҳар жиҳатдан тарбияламоқчи бўлса, у олдин ўша одамни ҳам ҳар жиҳатдан билиб олиши керак”, - деб ёзган эди К.Д. Ушинский.

Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларни ўрганиш усуллари билан қуролланиши шарт. Демак, ёш ва педагогик психология асосларини билиш ҳар бир фан ўқитувчиси, ҳар бир педагог учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир фаннинг ўз предметини ўрганиш методлари бўлгани каби, ёш ва педагогик психология ҳам психология фанининг алоҳида бўлимлари сифатида ўз тадқиқот методларига эга. Ёш ва педагогик психологиянинг методлари фақат назарий, илмий тадқиқот ишлари учунгина эмас, балки кундалик, амалий вазифаларни ҳал қилиш учун ҳам зарур.

Рус психологи Б.Г. Ананьев бўйича тадқиқот методлари 4 гуруҳга бўлинади:

I. **Ташиқлий методлар:** таққослаш, лонгитюд ва комплекс методлари киради. Таққослаш—умий психология, ижтимоий психология, пато-психология ва дефектологияда кенг қўлланилади. Ёш ва педагогик психологияда ўрганилаётган психик жараёнларнинг динамикасини аниқлаш учун қўлланилади. Лонгитюд — (узлуксиз) узоқ вақт давомида айни бир хил кишилар ўрганилади. Комплекс — психологик тадқиқотлар бошқа фанлар методлари иштирокида ўтказилади. (шахснинг жисмоний, физиологик, психик ва ижтимоий тараққиёти аниқланади).

II. **Эмпирик методлар:** кузатиш ва ўз-ўзини кузатиш; экспериментал психодиагностика методлари (тест, анкета, суҳбат, социометрия, интервью); фаолият натижаларини таҳлил қилиш; биография методлари.

III. **Маълумотларни қайта ишлаш методлари:** микдорий (статистика) ва психологик ёки сифатий таҳлил турларига бўлинади.

IV. **Шарҳлаш методлари:** Генетик ва “доналаш” методлари. Генетик методда тараққиётдаги босқич, поғоналар, инқироз ҳолатлари ажратиб кўрсатилади (вертикал алоқа). Доналаш методида эса шахснинг барча характеристикалари ўртасидаги “горизонтал” алоқалар аниқланади.

Ёш ва педагогик психологияда тадқиқот ўтказишнинг қуйидаги 4-босқичи ажратиб кўрсатилади:

1. Тайёргарлик босқичи.

2. Тадқиқот (эксперимент) босқичи.

3. Маълумотларни қайта ишлаш босқичи.

4. Маълумотларни тушунтириб бериш босқичи.

Биринчи босқич — тайёргарлик босқичи. Бунда ҳар хил воситалар ёрдамида материал ўрганилади, дастлабки маълумотлар тўпланади (ўқув машғулотлари ва меҳнат фаолияти чоғида, турмушда, атайлаб уюштирилган суҳбатлар жараёнида кузатувдан фойдаланилади, баъзан махсус танланган саволлар ёзилган анкеталар қўлланилади, биографик маълумотлар аниқланади, анамнез тўпланади, яъни тадқиқ қилинаётган фактнинг ҳосил бўлишига қадар мавжуд шарт- шароитлар таърифланади ва ҳоказолар).

Иккинчи босқич — хусусан экспериментал босқич бўлиб, тадқиқотнинг конкрет методикаси амал қилади ва ўз навбатида бу босқич бирин- кетин қўлланиладиган қатор бўғинларга — эксперимент серияларига бўлинади.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи — тадқиқот маълумотларини сифат жиҳатидан қайта ишлашдир. У психологиянинг математик аппаратини — дастлаб илгари сурилган фаразнинг тасдиғи тарзида олинган хулосаларнинг ҳаққонийлиги ҳақида ҳукм чиқариш имконини берадиган турли хилдаги статистик усуллар ва эҳтимоллик назариясининг асосий қондаларини қўлланишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг тўртинчи — босқичи олинган маълумотларни изоҳлаб бериш, уларни психологик назария асосида талқин қилиш, фаразнинг тўғри ёки нотўғрилигини узил- кесил аниқлашдан иборатдир.

### Психологик тадқиқот босқичлари

Тайёргарлик босқичи
I. Муаммонинг ўрганилганлик ҳолатини таҳлил қилиш, вазифаларини белгилаб олиш, тадқиқотнинг ишчи фаззини илгари суриш, методикалар танлаш.
II. Хулосалар ишончлилигини таъминловчи маълумотлар тўплаш. Бунинг учун турли методлар қўлланилиб, бир ёки бир неча босқичларда эксперимент ўтказилади.
III. Тадқиқот натижаларини миқдорий қайта ишлаш, ўртача қиймат, корреляция коэффициентларини аниқлаш, графиклар ва жадваллар, диаграмалар тузиш.
IV. Маълумотларни тавсифлаш (интерпретация қилиш), хулосалар ишлаб чиқиш.

3 - расм. Психологик тадқиқот босқичлари.

### Ёш ва педагогик психология методлари

Асосий методлар			
Кузатиш		Эксперимент	
Психологик ҳолатларнинг сабабларини илмий тарзда тушунтириб берувчи тадқиқот методи.		Психологик маълумотларни аниқлашга қаратилган шароитларни яратиш мақсадида тадқиқотчининг текширилувчи фаолиятларига фаол аралашуви	
<b>Ҳаётий кузатиш</b> маълумотларини қайд этиш билангина чекланиб, тасодифий характерга эга.	<b>Илмий кузатиш</b> маълумотларни қайд қилишдан уларнинг ички моҳиятини тушунтириб беришга ўтиш, унинг зарурий шарти – аниқ режа ва натижаларни махсус кундалик ёки баённомаларда қайд этишдир.	<b>Лаборатория эксперименти</b> махсус яратилган шароитларда, махсус (аппаратуралар) асбоб ускуналар ёрдамида ўтказилади. Текширилувчи хатти-ҳаракатлари кўрсатма орқали белгиланади.	<b>Табий эксперимент</b> оддий ҳаётий шароитларда ўтказилиб, турли ёш даврларида билиш имкониятларини ўрганиш учун қўлланилади.
		<b>Психологик-педагогик эксперимент</b>	
		Аниқловчи	Назорат
		Шакллантирувчи	
Ёрдамчи методлар			
<b>Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш</b> <b>Таржимаи ҳол методи</b>		<b>Социометрия</b> <b>Анкета</b> <b>Сухбат</b> <b>Эгизаклар методи</b> <b>Тест</b>	

2-расм. Ёш ва педагогик психология методлари.

Бу методлардан айримларини кўриб чиқамиз.

**Кузатиш** — психик хусусиятларни узоқ вақт давомида, режали, бирор мақсад асосида ўрганиш. Кузатиш — универсал метод бўлиб, турли вазиятларда ишлатилади. Илмий кузатиш ҳаётий (илмий бўлмаган) кузатишдан тубдан фарқ қилади. Ҳаётий кузатиш – кундалик ҳаётда, режасиз амалга оширилиб, турли тасодифларга боғлиқ бўлади. Кузатиш илмий бўлиши шу билан бир қаторда психологик-педагогик кузатиш бўлиши учун бир қанча талабларга амал қилиши лозим:

1. **Мақсадга йўналганлик.** Умуман ўқувчини эмас, балки унинг шахсий сифатлари конкрет намоён бўлишини турли вазиятларда ва фаолиятнинг ҳар хил турларида – ўйин, ўқиш, меҳнат, мулоқат жараёнида кузатиш.

2. **Режа.** Кузатишни бошлашдан олдин муайян вазифалар белгиланиши (нимани кузатиш), режа тузилиши (вақти ва воситалари), кўрсаткичлари аниқлаб олиши (нимани қайд этиш), бўлиши мумкин бўлган хатолар ва уларни олдини олиш йўллари, тахмин қилинаётган натижаларни ўйлаб олиши лозим. Бунда кузатилаётган хусусият аниқ белгиланиши лозим (улар кўп бўлмаслиги зарур). Кузатишдан мақсад хулқ-атвордаги топилган камчиликларни тўғирлаш йўллари ишлаб чиқиш бўлмоғи лозим.

3. **Мустақиллик.** Кузатиш йўл-йўлакай қилиниши лозим бўлган эмас, балки мустақил равишда ўтказилиши керак бўлган вазифа бўлмоғи лозим.

4. **Табиийлик.** Психологик-педагогик кузатиш ўқувчилар учун табиий шароитларда ўтказилиши лозим. У ўқитувчининг иштирокисиз ўтказилиши зарурки, ўқувчи кузатилаётганини сезмасин.

5. **Тизимлилик.** Кузатиш ўқитувчининг хоҳиши билан эмас, балки доимий режа асосида, тизимли равишда ёки режалаштирилган маълум ораликдан сўнг ўтказилиши зарур.

6. **Объективлик.** Кузатиш жараёнида ўз тахминларини эмас, объектив факт, ҳаракат, ўқувчилар хулқ-атворининг объектив хусусиятларини қайд этиш ва шу асосда хулоса чиқариш лозим.

7. **Қайд этиш.** Олинган барча маълумотлар маълум тизимда қайд этилиши лозим. Олинган натижалар кузатиш жараёнида ёки уни ўтказилгандан сўнг дарҳол қайд қилиши керак.

Бирок кузатиш методининг камчиликлари ҳам мавжуд. Булар :

1.Текширувчининг пассив ҳолатни эгаллаганлиги.

2.Қайд этишдаги хатолар.

3.Қайтариш имконининг йўқлиги.

4.Натижаларни таҳлил қилишдаги субъективизм.

Кузатиш методининг ижобий томони шундаки, экспериментал равишда ўрганиш имкони бўлмаган фаолиятни анализ қилиш, ўқувчи хулқ-атворини табиий шароитда ўрганиш имконияти мавжуд.

Кузатиш педагогик амалиётда қўлланиладиган асосий методлардан биридир.Кузатиш интерваллари ёшга боғлиқ бўлиши керак.

Туғилгандан 2 - 3 ойгача – ҳар куни

2 - 3 ойдан - 1 ёшгача – ҳар ҳафта

Илк болалик яъни 1 – 3 ёшда – ҳар ойда

3 ёшдан 6 – 7 ёшгача – ярим йилда 1 марта

7 – 11 ёшда – 1 йилда 1 марта кузатиш ўтказилиши зарур.

**Эксперимент методи.** Эксперимент методи табиий ва лаборатория эксперименти турларига бўлинади. Бу метод психик ҳолатни таърифлашгагина эмас, балки уларни тушунтириб беришга ҳам имкон беради.

Кузатишдан фарқли ўларок, психологик эксперимент тадқиқотчининг синалаётган фаолиятга фаол аралашуви мумкинлигини назарда тутлади. Жумладан, психологик факт аниқ намоён бўлишига, унинг тадқиқотчи хоҳлаган йўналиш бўйича ўзгартирилишига, ҳар жиҳатдан тадқиқ қилиш учун бир неча марталаб такрорланишига имкон берадиган шарт-шароитни яратди.

Лаборатория экспериментининг характерли белгиси фақат унинг лаборатория шароитларида махсус психологик асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказишларида ва синалувчининг хатти-ҳаракатлари йўл-йўриққа биноан содир бўлиши билангина эмас, балки синалаётганлигини биладиган синалувчи (гарчи, одатда, синалаётган киши экспериментнинг моҳияти нимадан иборатлигини, қонкрет нимани ва нима мақсадда тадқиқ қилинаётганлигини билмаса ҳам) кишининг муносабати билан ҳам белгиланади. Лаборатория эксперименти ёрдамида диққатнинг ҳоссаларини, идрок, хотира ва бошқаларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда лаборатория экспериментини кўпинча шундай тарзда ўтказишадик, унда одам одатдаги шароитларда бажариши мумкин бўлган фаолиятнинг баъзи психологик жиҳатлари моделлаштирилиб кўйилади. Жумладан, экспериментда анчагина хиссий зўриқиш вазияти моделлаштирилиб, унинг жараёнида синалувчи, масалан, касби-кори учувчи бўлган киши англанилган ечимлар қабул қилиши мумкин. Юксак даражадаги уйғунликни тақазо этадиган мураккаб ҳаракатлар қилиши, асбоблардаги кўрсаткичларга муносабат билдириши ва ҳоказолар белгилаб кўйилган бўлиши мумкин.

Табиий эксперимент (биринчи марта 1910 – йилда А.Ф. Лазурский тақриф этган) мўлжалланганига кўра, эксперимент ўтказилаётганини биладиган синалувчида ҳосил бўладиган зўриқишга йўл қўймаслиги ва тадқиқотни одатдаги, табиий шароитларга (дарс, суҳбат, ўйин, уй вазибаларини бажариш ва бошқалар) кўчириши лозим.

Масалан, материални ёдлашнинг самарадорлиги уни узоқ вақт хотирада сақлаб қолиш тўғрисидаги кўрсатмага боғлиқлигини тадқиқ қилиш табиий экспериментга мисол бўла олади. Ўқувчилардан бир гуруҳи ўрганилиши лозим бўлган материал билан таништирилади ва ушбу материал юзасидан эртасига сўралишини айтади. Бошқа бир гуруҳда эса ўқув материали худди шундай тарзда ўтилиб бўлгач, ўқувчиларга ўтилган дарс бир ҳафтадан сўнг сўралиши айтилади. Ҳақиқатда эса ҳар иккала гуруҳда ҳам ўқувчилардан икки ҳафтадан кейин сўралган. Ана шу табиий эксперимент жараёнида материални узоқ вақт хотирада сақлаб қолишга мўлжалланган йўл- йўриқнинг афзалликлари аниқланади.



Психологик-педагогик тадқиқот вазифаларини бажарадиган табиий эксперимент *психологик-педагогик эксперимент* деб аталади. Ҳар хил ёш босқичларида ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ўрганишда, ўқувчи шахсини шакллантиришнинг конкрет йўллари аниқлашда унинг роли бениҳоя каттадир. Психологик-педагогик эксперимент уч қисмдан иборат. Аниқловчи, шакллантирувчи, назорат экспериментлари. Аниқловчи экспериментда синалувчилардаги бирор психик жараённинг ривожланиш даражаси аниқланади. Масалан, боладаги хотиранинг ривожланиш даражаси “Мейли” тести ёрдамида аниқланиши мумкин. Шакллантирувчи экспериментда аниқланган психик жараён меъёрдан орқада бўлса, уни ривожлантириш бўйича махсус машғулотлар ўтказилади. Мисолга қайтсак, хотирани ривожлантириш бўйича машғулотлар ўтказилади. Назорат тажрибаларида шакллантирувчи таъсирнинг самарадорлигини аниқлаш учун диагностика метод яна бир марта такроран ўтказилади. “Мейли” тести яна бир бора ўтказилиб, махсус математик- статистик методлар ёрдамида шакллантирувчи таъсирнинг самарадорлиги аниқланади.

**Анкета.** Саволлар ёрдамида психологик ахборот тўплашнинг методик усулидир. Бунда саволлар мантиқан бир-бири билан боғланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсадига мос келади. Анкета ёрдамида ўқитувчи ўқувчилар шахсий сифатларини аниқлаш учун материал тўплайди.

Таклиф этиладиган саволларга қараб, анкеталар мазмун, функцияси, шакли бўйича турли хил бўлиши мумкин.

Мазмун бўйича анкета:

1. Факлар (“Сенинг бўш вақтингдаги машғулотинг”, “Уй жой шароитингни таърифла”);

2. Атрофдаги кишилар, ҳодисалар характеристикасини (“Ўқув- ишлаб чиқариш корхонасида иш формаси бошқача бўлиши керак деб ҳисоблайсанми?”, “Кўпчилик болалар ўз имкониятларини тўлиқ ишга солмай ўқишларининг сабаби нимада деб ўйлайсан?”).

3. Ўқувчининг ниятларини ифодалаши мумкин

(“Олий ўқув юртига кирасанми?”, “Ёзги оромгоҳга борасанми?”).

Саволлар бажарадиган функциясига кўра анкета ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) Филтрловчи-саволлар. М.: агар ўқитувчини олийгоҳга киришни хоҳловчилар қизиқтирса, анкетада қуйидагича саволлар таклиф этилади: “Сенинг ёқтирадиган предметинг?”. Бунга фақат олийгоҳга кирмоқчи бўлган ўқувчиларгина жавоб берадилар.

б) Текширувчи ёки назорат қилувчи саволлар. Уларнинг асосий функцияси – маълумотнинг тўғрилигини текшириш.

Шакли бўйича анкеталар:

а) Очиқ – бунда тўғри саволлар ўз хоҳишига қараб, эркин жавоб бериш мумкин.

б) Ёпиқ – бунда саволларга тайёр жавоб берилган бўлиб, ўқувчи улардан бирини танлаши лозим.

Анкета саволларига қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Саволлар аниқ, тушунарли, содда ва қонкрет бўлиши лозим.
2. Анкетанинг бошида осон саволлар, кейин қийин, ундан кейин энг мураккаблари, ниҳоясида яна осон саволлар берилиши лозим.
3. Битта хусусиятни аниқлашга бир неча саволлар, назорат қилувчи саволлар берилиши лозим.

Анкета методининг ижобий томони:

- 1) оммавий ўрганиш имконияти;
- 2) информация тўплаш тезлиги;
- 3) маълумотларни анализ қилишда математик методлардан кенг фойдаланиш имконияти;
- 4) оғзаки формада жавоб олиш қийин бўлган саволларга жавоб олиш имкони;
- 5) бир неча тадқиқотлар натижасини таққослаш имкони;
- 6) натижаларни қайд этишнинг қулай усули.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, анкета методи шахс хусусиятларининг барча соҳаларини тўла ўрганиш имконини бермайди, ўқувчилар турлича жавоб берганлари туфайли уларни класификация қилишда қийинчиликлар учрайди, жавобларнинг объективлиги юқори эмас, чунки ўқувчилар бунга виждонан ёндошмасликлари мумкин.

Қуйида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив (мулоқатчанлик) хусусиятларини аниқлаш учун мўлжалланган анкета тавсия қилинади.

**Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар шахси коммуникатив хусусиятларини баҳолаш анкетаси**

Ушбу анкета ўқувчилар, тарбиячилар ва ота-оналар учун мўлжалланган. Бунда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг атрофдагилар билан ўзаро муносабатлари ҳамда коммуникатив хусусиятлари эксперт баҳоланади.

Анкета ёрдамида баҳоланадиган шахс хусусиятлари ва уларга мос келувчи савол рақамлари.

Баҳоланадиган шахс хусусиятлари	Анкетадаги хусусиятларга мос келувчи саволлар
Мулоқотчанлик	2,3,4
Ташкилотчанлик қобилияти	5
Атрофдагилар билан ўзаро муносабат	6
Альтруизм	7
Эмпатия	8
Агрессивлик	9
Ҳимоясизлик	10
Аразгўйлик	11
Адолатлилик	12
Тўғри сўзлик	13
Илтифотлилик	14
Итоаткорлик	15
Мустақиллик	16

Қатъийлик	17
Меҳнатсеварлик	18
Ўзига ишонч	19

Анкета матни

1. Боланинг исми, шарифи, фамилияси, туғилган йили.

2. Боланинг катталар билан мулоқатчанлиги:

А) юқори;

Б) ўртача;

В) жуда одамови.

3. Болалар билан мулоқотчанлиги:

А) жуда мулоқотчан, кўпинча ўзи ёлғиз эмас, бошқа болалар билан ўйнашни яхши кўради;

Б) унчалик мулоқотчан эмас, кўпинча ёлғиз ўйнашни ёқтиради;

В) баъзида ёлғиз, баъзида болалар билан ўйнашни ёқтиради.

4. Агар ўқувчи (бола) мулоқотчан бўлса,

А) ёш жиҳатдан ўзидан катта болалар билан;

Б) тенгдошлари билан;

В) ўзидан кичик болалар билан ўйнашни афзал кўрадимиз?

5. Ўйинда бола ўзини қандай тутади?

А) биргаликда ўйнаш учун болаларни уюштира олади, ўйинда ўзига фақат етакчилик ролини олади;

Б) ўйинда етакчилик, лидерлик ролини ҳам, иккинчи даражали ролни ҳам бирдек бажаради;

В) кўпинча ўйинда бошқаларга бўйсунган ҳолда ўзига иккинчи даражали ролни олади.

6. Ўқувчининг бошқа болалар билан ўзаро муносабати қандай?

А) дўстлик ўрната олади ва ўйинда болалар билан (низо) келиш-мовчиликларга бормайди;

Б) кўпинча низолар келиб чикди;

7. Бошқа болалардан ўйинчоқларини қизғонмайдимиз?

А) бажонидил ўртоқлашади;

Б) баъзида қизғонади, баъзида йўқ;

В) қизғонади.

8. Бошқаларга ҳамдард бўла оладимиз?

А) агар нимадандир хафа бўлишаётганини кўрса (сезса), тинчлаштиришга, ачинишга, ёрдам беришга ҳаракат қилиб, донмо ҳамдард бўлади;

Б) баъзан;

В) ҳеч қачон.

9. Бошқа болаларни хафа қиладимиз?

А) кўпинча хафа қилади;

Б) баъзида хафа қилади;

В) ҳеч қачон хафа қилмайди.

10. Ўқувчи катталарга тез-тез шикоят билан мурожаат қилиб турадимиз?  
 А) кўпинча;  
 Б) баъзида;  
 В) ҳеч қачон.
11. Ўқувчи тез хафа бўладими?  
 А) жуда тез;  
 Б) баъзида;  
 В) хафа бўлмайди.
12. Ўқувчи (ёки фарзандингиз) адолатлими?  
 А) доимо адолатли;  
 Б) баъзида адолатли;  
 В) кўпинча адолатли эмас.
13. Ўқувчи доимо рост гапирадими?  
 А) доимо;  
 Б) баъзида рост гапирди, баъзида эса йўқ;  
 В) кўпинча рост гапирмайди, тез-тез ёлгончилик қилади.
14. Ўқувчи доимо ўзини хушмуомала тутадими?  
 А) доимо;  
 Б) баъзида;  
 В) деярли ҳеч қачон хушмуомала эмас.
15. Ўқувчи доимо сизга қулоқ соладими?  
 А) доимо;  
 Б) баъзи-баъзида;  
 В) деярли ҳеч қачон.
16. Ўқувчига мустақиллик хосми?  
 А) бутунлай мустақил, ҳамма нарсани ўзи мустақил бажаришни ёқтиради;  
 Б) баъзи-баъзида;  
 В) кўпинча мустақилликни намоён қилмайди ва у учун бошқалар бажаришини хоҳлайди.
17. Ўқувчига қатъийлик хосми?  
 А) доимо бошлаган ишини охиригача етказишга ҳаракат қилади;  
 Б) баъзида қатъийлик намоён қилади, баъзида йўқ;  
 В) одатда қўл урган ишини охиригача бажармайди.
18. Ўқувчига меҳнатсеварлик хосми?  
 А) жуда меҳнатсевар, доимо топширилган ишни бажонидил бажаришга ҳаракат қилади;  
 Б) баъзида ишлашни севади, баъзида дангасалик қилади;  
 В) кўпинча дангасалик қилади.
19. Ўқувчи ўзига ишонадимиз?  
 А) бутунлай ўзига ишонади;  
 Б) баъзида;  
 В) ўзига ишонмайди.

Ушбу анкета бўйича болаларни баҳолашда, экспертчи сифатида фақат ота-оналар эмас, шу билан бирга тарбиячилар, синф раҳбарлари ҳамда ўқувчилар ҳам қатнашишлари шарт.

Натижалар таҳлили.

Анкета бўйича олинган маълумотлар қуйидагича баҳоланади:

“А” жавоби- 10 балл;

“Б” жавоби- 5 балл;

“В” жавоби- 1 балл;

Барча жавоблар бўйича натижалар йиғиндиси ҳисобланиб, 18 га бўлинади ва бола шахси коммуникатив хусусиятлари, шахслараро муносабатлар ривожланиш даражасининг ўртача кўрсаткичлари баҳоланади.

Агар ота-оналарнинг баҳолари ўқитувчи ва тарбиячилар билан мос келса, болада баҳоланаётган сифатларнинг мавжудлиги ҳақида хулоса ҳосил қилиш мумкин. Агар 3та экспертдан фақат 2 тасининг баҳолари мос келса, болада ушбу сифатлар етарли даражада ривожланганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Агар экспертлар баҳолари умуман бир-бирига тўғри келмаса, болаларда ушбу сифатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида қўшимча махсус текширилувсиз хулоса чиқариш мумкин эмас.

**Сухбат методи.** Сухбат – бевосита мулоқот жараёнида ўқувчилар психик хусусиятларини аниқлаш методикаси бўлиб, ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйган савол асосида ўзи учун керакли бўлган информацияни олиш имконига эга.

Сухбат методикаси ёрдамида инсон характери хусусиятлари, хатти-ҳаракати мотивлари, ҳаётининг турли томонларига унинг баҳоси, биографиясининг асосий фактлари ва унга бўлган муносабатларни аниқлаш мумкин.

Сухбат методи маълум қоидаларга асосланиши лозим.

1. Сухбат тасодифий эмас, режали бўлиши керак.
2. Сухбат бошида ўқувчи қизиқадиган мавзуда гаплашиш керак.
3. Сухбат бошланишида биографик характердаги саволлар берилмаслиги керак.
4. Саволлар тушунарли, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда берилиши керак.

Сухбат методининг ижобий томони –ўқувчи билан бевосита мулоқатда бўлиш, унинг реакцияларини ҳисобга олиш имкони, қўшимча, тўлдирувчи саволлар берилиши мумкинлигидир. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, сухбатдан биз объектив факт эмас, балки кишининг субъектив фикрини оламиз.

**Фоолият маҳсулини таҳлил қилиш методи.** Ўқувчилар ёзган иншога қараб, ўқитувчи унинг адабий қобилиятини, сўз бойлиги, ривожланиш даражаси, образли тафаккури ҳақида хулоса чиқариши мумкин. Худди шунингдек, математикадан ёзма иш, чизмачилиқдан топшириқ натижаларига қараб ўқувчининг индивидуал психик хусусиятлари, қобилиятлари, меҳнат малакалари ҳақида маълумот тўплаш мумкин.

**Диагностик методлар:** Бу методлар шахснинг у ёки бу хусусиятларини шунчаки таърифлаш эмас, балки бу хусусиятларни ўрганиш асосида сифат ва миқдор жиҳатдан характеристика бериш имкониятига эга.

Диагностика методларига турли хил тестлар киради.

**Тест методи** ёрдамида кишининг ақлий қобилиятлари даражаси аниқланади, инсон ҳолати ва уларнинг хусусиятлари белгиланади, шахснинг структуравий сифатлари – ўз-ўзини баҳолаш, эмоционал барқарорлик, муаммога енгил кириша олиши ўрганилади.

Тест инглизча (test) сўз бўлиб, синаб кўриш, текшириш маъносини билдиради. Тест текширувчига тақдим этиладиган топшириқлар тизими бўлиб, унинг натижасида стандартлаштирилган ўлчов ўтказилади. Тест асосан индивидлар ўртасидаги фарқларни ёки турли шароитларда улар кўрсатадиган реакциялар ўртасидаги фарқларни ўрганиш учун мўлжалланган.

Ёш ва педагогик психологияда тест гуруҳларнинг ижтимоий психологик хусусиятларини, гуруҳий ҳолатларнинг намоён бўлиш даражасини ўрганиш учун ҳам қўлланилади. Тест гуруҳларни ижтимоий-психологик характеристикалари асосида дифференциация қилиш мақсадларига хизмат қилади.

Тестнинг стандартлаштирилиши вазифалар бажарилишини баҳолаш ва уни ўтказишнинг бир хилдаги жараёнларни ҳосил қилишдан иборат. Бу эса тест ўтказилиши мўлжалланаётган, ўрганилиши талаб қилинадиган катта сонли репрезентатив синалувчиларда (2-3 минг) тестни ўтказиш орқали амалга оширилади.

Тест стандартлаштирилиши 2 босқичда ўтказилади. 1 – босқичда тестни қўллаш йўриқномаси шаклланади: топшириқлар танланади, уни ўтказиш учун кўрсатмалар ишлаб чиқилади, синалувчига бериладиган йўриқнома тузилади ва тестни ўтказишнинг бошқа масалалари кўриб чиқилади. 2 – босқичда нормалар аниқланади, яъни тест натижаларини баҳолаш учун бошқа индивидлар ёки гуруҳлар натижалари билан солиштириш учун нормалар тизими белгиланади.

Тестнинг ишончлилиги – шу тест қайта ўтказилганда (айнан шу текширувчиларда) олинган маълумотларнинг бир-бири билан мос келиши. Ишончликни баҳолашнинг асосий кўрсаткичи корреляция коэффиценти.

Тестнинг валидлиги – тест қандай мақсадда яратилган бўлса, ўша мақсад учун қўлланилади.

Қўлланилиш соҳасига қараб:

1. Интеллект тестлари.
2. Махсус қобилиятларни аниқлаш ва ютуққа эришиш тестлари.
3. Шахс хусусиятларини аниқлаш тестлари.
4. Қизиқишлар, установка, қадриятларни аниқлаш тестлари.
5. Шахслараро муносабатлар диагностикаси учун мўлжалланган тестлар фарқланди.

Масалан, шахслараро муносабатларни ва шахс сифатларини диагностика қилиш учун кўпинча америкалик психолог Т. Лири томонидан

яратилган методика қўлланилади. Бу методик сўровнома бўлиб, 128 та пунктдан иборат. Синалувчи ўзи ва атрофидагиларда муайян ҳислатларнинг мавжудлигини, шунингдек, ўзида ва шерикларида бўлишини хоҳлайдиган сифатларни кўрсатади. Натижалар қайта ишлангач, тадқиқотчи синалувчининг шахси, йўналишини аниқлаб ва шу асосда шахслараро ўзаро таъсирни прогноз қилиши мумкин.

Шундай қилиб, тестлар – бу махсус методлар бўлиб, у ёки бу ижтимоий психологик ҳодиса қисқа муддат ичида текширилади. Тестлар асримизнинг бошларида кашф қилинган бўлиб, улар 20 – 30 йилларда ҳаётга, амалиётга шиддат билан кириб келди. Натижада махсус соҳа – психометрика юзга келди. Тестларни қўллашнинг қулайлиги шундаки, бир тест ёрдамида маълум шахснинг у ёки бу хусусиятларини бир неча марта, такроран синаб кўриш мумкин.

**Проектив методлар.** Проектив методлар тест усулларининг бир кўриниши бўлиб, уларда текширилувчи учун аниқ кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топшириғи берилади. Масалан, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугалланмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўриниши мавжуд бўлмаган буюмлар берилиши ва уларни текширилувчи ўзининг ҳиссий кечинмалари, кизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳолаши кутилади.

Проектив методлар қаторига Роршахнинг “Сиёҳ доғлари” тестини киритиш мумкин (1921). Бу – 2 томонлама симметрик шаклда берилган 10 хил сиёҳ доғларидан иборат бўлиб, ҳар 1 доғ ҳар хил бўёқли фонда кўрсатилади. Текширилувчидан ҳар 1 “доғ” ниманинг шаклини эслатиши сўралади. Бунда: 2 та доғ қизил рангли штрихлар, 5 та доғ кул ранг – қора, 3 та доғ – ёрқин бўлмаган рангларда берилади.

Синалувчи тасвирлаган образлар ва ассоциацияларга қараб унинг шахси хусусиятлари тўғрисида хулоса чиқарилади.

Роршах тестининг ёш психологиясида қўлланиладиган вараанти Е.Т. Соколова томонидан модификация қилинган тест. Бу тест оилавий мулоқатни диагностика қилишда фойдаланилади. Бу мақсадда экспериментга қўшимча методик усул киритилган. Бир неча карточкалар бўйича эксперимент қатнашчилари келишишлари керак. Биргаликдаги (келишув асосида) жавобларнинг сифати ва миқдорига қараб тадқиқотчи кичик гуруҳ (ёки оила)нинг жиқлиги ва мослиги ҳақида маълумотни қўлга киритадилар.

Шунингдек, психологик тадқиқотларда кўпинча расми ассоциациялар методи қўлланилади. Ушбу метод биринчи бўлиб 1945 йилда С.Розенцвейг томонидан таклиф қилинган. Бунда текширилувчига турмушда тез-тез учраб турадиган зиддиятли вазиятлар акс эттирилган расмлар тавсия қилинади. Бу расмларда бир томонда турган персонажлар нималарнидир гапираётган ҳолда гавдалантирилади, унга қарама-қарши томондаги шахслар эса ҳали жавоб қайтариб улгурмаган. Текширилувчидан тез, қисқа муддат ичида бўш катакларга қайтарилиши кутилаётган жавобни ёзиш сўралади. Берилган жавобларга қараб шахс йўналиши, унинг зиддиятларга муносабати, агрессия

хиссининг хусусиятлари, бу хиснинг кимларга қаратилганлиги ва шунга ўхшаш муҳим фактлар тўпланади.

Розенцвейг тести субъект агрессияси йўналишининг 3 та турини аниқлаш имконини беради :

1. Агрессия инсоннинг ўзига қаратилган.
2. Агрессия атрофга қаратилган.
3. Субъект вазиятни ҳал қилишдан қочади ёки уни безайди.

Педагогик амалиётда кўпинча И. Шванцара томонидан ишлаб чиқилган, ўсмирлик ва ўспиринлик даври учун мўлжалланган тест вариантдан фойдаланилади.

Проектив методикалардан яна бири тугалланмаган жумлалар методи. Ушбу метод ёрдамида гуруҳий ва шахсий установкалар текширилувчининг атрофидагиларга (ўртоқлари, ўқувчи, ота-онаси) муносабати хусусиятлари, шунингдек, ўзига ва келажакка бўлган муносабатлари ҳам ўрганилади. Шу мақсадда текширилувчига бир қанча тугалланмаган жумлалар таклиф қилинади, кўп ўйламасдан гапни мантиқан охирига етказиш талаб қилинади. Масалан,

- менинг ҳар сафар кайфиятим бузилади, агар...
- мен учун энг муҳим муаммо, бу - ...
- дўст – бу ...
- менинг отам баъзида ...
- мен шунга интиламанки ...

Проектив методикалар турли-туман. Улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, проектив методикани тавсифлаш муайян психологик билимларни махсус назарий тайёргарликни ва методикани қўллаш бўйича амалий тажрибага эга бўлишни талаб қилади.

**Социометрия методи.** Социометрия методи биринчи бўлиб америкалик психолог Дж. Морено томонидан таклиф этилган. Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, инсон у ёки бу кўрсаткич бўйича гуруҳ аъзоларини танлайди. Қилинган танлашлар асосида кишининг гуруҳдаги шахслараро муносабатлар тизимида тутган ўрни ҳақида хулоса қилинади.

Демак, социометрия методи ёрдамида гуруҳ аъзолари ўртасидаги симпатия ёки антипатияни аниқлаш мумкин. Социометрия методини оператив тарзда ўтказиш, унинг натижаларини эса математик қайта ишлаш ва график равишда ифодалаш мумкин.

Социометрияни тадқиқот методи сифатида тан олиш билан бир қаторда унинг баъзи камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Асосий камчилик шундан иборатки, социометрия методи мавжуд муносабатлар структурасининг сабабларини аниқлаш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам социометриядан олинган маълумотлар кузатиш, суҳбат, психологик- педагогик эксперимент натижалари билан тўлдирилиши лозим.


Социометрия методидан гуруҳ, жамоа аъзолари ўзаро бир-бирларини яхши билган ҳолатлардагина фойдаланиш мумкин. Бу метод ёрдамида шахснинг хизмат юзасидан бўладиган ва шахсий муносабатлардаги ҳақиқий ўрнини аниқлаш, бирламчи гуруҳлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини топиш,



бирламчи гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва тарқаб кетиши сабабларини аниқлаш мумкин.

Социометрия методининг моҳияти шундан иборатки, текширилувчига бирга қилинадиган ишлари ёки гуруҳ аъзоларининг ишларини биргаликда бажаришга хоҳишлари тўғрисида саволлар берилади. Бериладиган саволлар танлаш кўрсаткичлари дейилади. Кучли ва кучсиз кўрсаткичлар фарқланади. Кучлилар чуқур ва барқарор муносабатларни, кучсизлари юзаки ва бекарор муносабатларни аниқлаш имконини яратади. Масалан, “хизматдошларингиздан қайси бири билан битта бригадада ишлашни хоҳлардингиз?” деган савол бўйича аниқланган кўрсаткич кучли кўрсаткич ҳисобланади, чунки у узоқ вақт давом этадиган, муҳим муносабатларга тегишли. “Кимни бирга экскурсияга боришга таклиф қилардингиз?” – кучсиз кўрсаткич, чунки у чуқур бўлмаган ва вақтинчалик муносабатларни белгилайди. Кучли ва кучсиз кўрсаткичлар мазмунни жиҳатидан турлича бўлиши мумкин, лекин улардаги умумий нарса – натижалар, яъни шерик танлаш.


Танлашлар сони чексиз бўлиши мумкин, бироқ амалиётнинг кўрсатишича, кишининг гуруҳдаги ҳолати ва ўзаро муносабатларини аниқлаш учун 3 та киши танлаш етарли. Бунда синалувчидан, биринчи навбатда кимни танлаши, агар 1 шахс билан имкон бўлмаса 2 – навбатда кимни танлаши ҳамда иккинчисини танлаш имкони бўлмаса, 3 – навбатда кимни танлаши ҳақида сўралади.



Танлаш бир томонлама бўлганда А – В ни, В эса В ни ёки Г ни танлайди.



Гуруҳ, жамоадаги ўзаро муносабатлар график равишда занжир, учбурчак ёки юлдузча шаклида ифодаланиши мумкин.



Шерикни танлаш ўзаро ва бир томонлама бўлиши мумкин. 1 – ҳолда А – Б ни, Б – А ни танлайди. Бу ўзаро бир-бирини танлаш ҳисобланади. Танлаш бир томонлама бўлганда А – Б ни, Б эса В ни ёки Г ни танлайди.

Бундай ифодалаш аъзоси унчалик кўп бўлмаган гуруҳларда бўлиши мумкин. Агар гуруҳ кўп сонли бўлса, айлана шаклидаги схемадан фойдаланиш лозим. Бунинг учун 4 та айлана чизилади. Биринчи ёки марказий айланага энг кўп танланган гуруҳ аъзосининг шартли белгиси қўйилади. Марказдан кейинги, яъни иккинчи айланага 3 марта танланган ўқувчиларнинг номери ёзилади, учинчи айлана ичига 1 – 2 та танлаш олган ўқувчи, тўртинчи айланага танланмаган ўқувчиларнинг шартли белгиси ҳамда айланадан ташқарига рад этилган ўқувчилар номери ёзилади.

Бунда айлана 2 қисмга ажратилади ва чап томонга қизлар, ўнг томонга ўғил болаларнинг шартли белгилари жойлаштириб чиқилади. Қизлар доира, ўғил болалар эса учбурчак билан ифодаланади. Доира ва учбурчаклар ким кимни танлашига қараб, стрелкали чизиклар билан бирлаштирилади. Бу схема социограмма деб аталади.

Агар гуруҳда 20 дан ортиқ аъзо бўлса, бундай схема тузиш қийинроқ бўлади. Шунинг учун бундай ҳолларда матрицадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Матрица куйидагича тузилади. Тўртбурчак ёки квадрат чизилиб, гуруҳ аъзоларининг сонига қараб катакчаларга бўлинади. Чап тарафдан юқоридан пастга ва юқоридан ўнг тарафга гуруҳ аъзоларининг шартли белгилари қўйиб чиқилади. Гуруҳ аъзоларининг шартли белгилари ўқувчилар фамилияси ёки фамилия бош ҳарфи, текширувчиларнинг тартиб номерлари ҳам бўлиши мумкин. Горизонтал чизик бўйича қаторларга танланаётган ўқувчи, вертикалига эса катакча ичига кимни танлаётгани ҳақидаги маълумотлар ёзилади. Ижобий танлаш “+” белгиси билан, ўзаро бир-бирини танлаш эса “+” белгиси билан ифодаланади.

Маълумки, кичик гуруҳ ёки жамоаларда бирламчи гуруҳлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу бирламчи гуруҳлар эса бошқа матрицада белгиланади. Бунинг учун юқорида кўрсатилганидек, тўртбурчак ёки квадрат чизилиб, матрицанинг чап бурчагидан пастдаги ўнг бурчагига қаратиб диагональ чизиги ўтказилади. Бу чизик квадратнинг шу диагональ чизигига тўғри келган катакчани устидан ўтади. 1 – матрицадан ўзаро танланишга эга бўлган истаган бир ўқувчини танлаб олинади. Унинг тартиб номерини ва фамилиясини матрицанинг 1 – қаторига ўтказилади. Худди ана шу номерни юқоридаги 1 – катакчага қўйилади. Сўнгра 1 – матрицадан 1 – қаторга ёзилган шахс билан ўзаро танланишда бўлган шахсларни танлаб олинади. Унинг тартиб номери ва фамилияси 2 – қаторга ёзилади. Худди на шу номерни юқоридан 2 – устунга ёзилади. Матрицанинг шунга мувофиқ келадиган катакчарига “+” белгиси ёзиб қўйилади. Матрицанинг 1 – қаторидаги ўқувчи билан ўзаро танланишда бўлган гуруҳнинг навбатдаги аъзосини унинг 1 – матрицадаги номерини сақлаган ҳолда 3 – қаторга ёзилади. Шу номерни 3 – устуннинг юқори қисмига ҳам қўйилади. Тегишли катакча “+” белгиси қўйилади. Шу тариқа 1 – матрицадан танлаб олинмаган фамилияларни навбатдаги қаторга

ёзиладиган ўзаро танланишда бўлган бирорта ҳам киши қолмагунча давом эттириш керак. Бошқача қилиб айтганда, ўзаро танланишда бўлган кишилар доираси яқунланиши лозим. Ўзаро бир-бирини танламаган ўқувчилар матрицанинг охирига ёзилади. Микрогуруҳ, яъни бирламчи гуруҳ 2 -5 кишидан иборат бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, социометрия методи объектив ва аниқ маълумотлар, яъни шахснинг гуруҳ ёки жамоадаги реал ҳолатини акс эттирувчи маълумотлар олишга имкон беради ҳамда амалий мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

### Социометрик матрица

№	Исми – шариф (синалувчилар)	Абдуллаева	Воҳидова	Даминова	Закирова	Иқромов	Исломова	Қилинган танлашлар
1.	Абдуллаева	X	3	1		2		
2.	Воҳидова	1	X	2				
3.	Даминова		3	X		1		
4.	Зокирова		1	3	X			
5.	Иқромов					X		
6.	Исломова						X	
	Танлашлар сони	1	3	3	0	2	0	

Натижаларга қараб, гуруҳ аъзоларининг қайси бири энг кўп танланганлигини билиш мумкин. Энг кўп танлаш олган – лидер ҳисобланади.

Социометрик тадқиқотдан олинган натижалар (матрица ва социограмма шаклидаги) социометрик индекслар билан тўлдирилади. Бу индекслар гуруҳни миқдор жиҳатидан характерлаб беради. Шулардан бири – гуруҳий жипслик индекси.

### Психологик тадқиқотлар натижаларини математик- статистик қайта ишлаш методлари

Тадқиқотдан олинган маълумотларни (миқдорий) таҳлил қилиш ва тавсифлашга киришишдан аввал уларни умумлаштириш, бир тизимга солиш ва ихчам шаклга келтириш зарур. Бунинг учун эса математик статистика тушунчаларини албатта билиш ва улар билан ишлай олиш талаб қилинади.

Одатда ўлчов натижаларини акс эттирувчи сонлар статистикада вариантлар деб аталади ва  $x$ , билан белгиланади. Барча ўлчовлар, яъни ўсиб бориш ёки камайиш тартибида жойлашган ўлчовлар вариацион каторни ташкил қилади. Вариацион қатор таркибида такрорланадиган ўлчовлар сони частота дейилади.

Масалан, тадқиқотчи “Сенинг фикр ва қарашларинг синфдошларингники билан кўпинча мос келадими?” каби анкета саволига 36 ўқувчидан

жавоб олинган дейлик. Бунда 5 хил жавоб кўзда тутилган : “ҳар доим”, “кўпинча”, “баъзида”, “камдан-кам”, “ҳеч қачон”. Агар ҳар 1 жавоб варианты учун сон белгиси берилса (“ҳар доим ” – 5, “кўпинча” – 4, “баъзида” – 3, “камдан-кам” – 2, “ҳеч қачон” – 1)

Ҳамда сонларнинг камайиб бориш тартиби бўйича бир қаторга жойлаштирилса, биз қуйидагича вариацион қаторга эга бўламиз:


555554444444444333333333322222211

Олинган маълумотларни қайта ишлаш осон бўлиши учун жадвал шаклига келтирамиз:

**Анкета саволларига ўқувчилар берган жавобларидан частота бўйича тақсимланиши**

№	Вариантлар	Частота
1.	Ҳар доим	6
2.	Кўпинча	9
3.	Баъзида	12
4.	Камдан-кам	7
5.	Ҳеч қачон	2
	Жами	36

Частота бўйича жадвалда келтирилган маълумотларни график шаклига келтириш мумкин. Бунда график тузиш 2 йўл билан амалга оширилиши мумкин. Горизонтал чизиққа вариантлар, вертикал чизиққа улар частотаси жойлаштириб, штрих чизик билан бирлаштирак, частоталар полигони эгри чизигига эга бўламиз.



4-расм

Тадқиқотдан олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш учун ўртача арифметик қиймат, мода ва медианани ҳисоблаш зарур. Ўртача арифметик қиймат олинган натижалар йиғиндисини топиб, уни вариацион қатор аъзолари сонига бўлиш орқали ҳисоблаб чиқилади:

$$\bar{x} = \frac{x_1 + x_2 + \dots + x_i + \dots + x_n}{N} \quad (1)$$

$$\bar{x} = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N x_i \quad (2)$$

Бунда  $\bar{x}$  - ўртача арифметик қиймат

$x_i$  - вариант ифодаси

$N$  - вариацион қатор аъзолари сони.

Агар вариацион қатор орасидан баъзи вариантлар такрорланса, (1) формула куйидаги кўринишни олади:

$$\bar{x} = \frac{x_1 \cdot k_1 + x_2 \cdot k_2 + \dots + x_n \cdot k_n}{k_1 + k_2 + \dots + k_n} \quad (3)$$

Энди куйидаги вариацион қаторнинг ўртача арифметигини (3) формула ёрдамида ҳисоблаб кўрамыз :

$$11444557778$$

$$\bar{x} = \frac{1 \cdot 2 + 4 \cdot 3 + 5 \cdot 2 + 7 \cdot 4 + 8 \cdot 1}{2 + 3 + 2 + 4 + 1} = \frac{60}{12} = 5$$

Агар ўлчов таркиб шкаласида бажарилган бўлса, ўртача арифметик қийматни топиш мумкин эмас. Бу ҳолда медиана топилади.

Медиана – бу вариацион қаторни тенг 2 га бўлувчи ифода бўлиб, унинг ярми чап, ярми ўнг томонда жойлашади.

Медиананинг ўрни куйидаги формула билан топилади :

$$\text{Медиана ўрнининг } \frac{N+1}{2} \quad (\text{масалан, } \frac{5+1}{2} = 3)$$

Бунда  $N$  – қатор аъзолари сони.

Агар олинган натижа тоқ сон бўлса, масалан, 12, 9, (7), 6, 2 бунда медиана 7 сонига тенг, ёки 3 - ўрин. Агар жуфт сон бўлса, масалан, 5, 7, 11, 12 бунда медиана 2-ва 3-ифоданинг ўртаси, яъни 4 та 2,5 га тенг.

Номинал ўлчов ўтказилганда мода топилади. Мода – вариацион қаторда кўпроқ учрайдиган ифода.

Масалан, 3,3,3,4,5,5,5,5,9,10 вариацион қаторда 5 сони мода ҳисобланади, чунки у бошқаларига қараганда кўп (4марта) учрапти. Демак, мода-частотаси максимал бўлган вариант. Агар ҳамма ифода бир хил частотада учраса, унда ушбу вариацион қатор модага эга бўлмайди. Вариацион қатор бимодаллик ҳам бўлиши мумкин. Масалан, 3,3,4,4,4,5,5,5,5,7,7,8,8,8,8,9 вариацион қаторда 5 ва 8 мода бўлиб ҳисобланади.

Гуруҳ ичидаги вариациялар баҳосини ўлчаш учун вариацион қаторнинг бошқа характеристикалари – дисперсия ва ўртача квадрат оғиш (стандарт оғиш) ҳисоблаб чиқилади.

Буларни ҳисоблаш турли танлаб олинган текширувчиларда олинган натижаларни ўзаро бир-бири билан таққослаш имконини беради. Дисперсияни топиш учун олдиндан куйидагича жадвал тузиб олинади:

Дисперсия куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\sigma^2 = \frac{1}{(N-1)} \sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2$$

Бунда  $\bar{x}$  – вариацион қаторнинг ўртача арифметик қиймати

$x_i$  - ҳар 1 алоҳида вариантнинг ифодаси

$N$  – вариацион қатордаги вариантлар миқдори

	Кўрсаткич ифодаси	Ўртачадан оғиш	Квадрат оғиш
1	1	1-2=-1	1
2	3	3-2=1	1
3	3	3-2=1	1
4	0	0-1=-2	4
5	4	4-2=2	4
6	1	1-2=-2	1

$$\sum_{i=1}^N x_i = 12$$

$$\sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2 = 12$$

$$\bar{x} = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N x_i = \frac{12}{6} = 2$$

$$\sigma^2 = \frac{1}{(N-1)} \sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2 = \frac{12}{5} = 2.4$$

Ўртача квадрат оғиш дисперсиядан квадрат илдиз чиқариш орқали аниқланадиган ва  $\sigma$  (сигма) билан белгиланади, у қуйидагича ҳисобланади:

$$\sigma = \sqrt{\sigma^2}$$

### Илмий тахминни статистик текшириш.

Ижтимоий психологик тадқиқотларда математик статистикани қўллашнинг муҳим томонларидан бири олинган натижалар статистик миқдорини аниқлаш.

Масалан, тадқиқотчи ўзининг тадқиқотида гуруҳий фаолият самардорлигини гуруҳ ривожланиш даражасига боғлиқлигини ўрганмоқчи дейлик. 2 та гуруҳ – юқори ривожланиш даражаси ва паст ривожланиш даражасига эга бўлган гуруҳларда олинган 2 турдаги ўлчовлар арифметик қийматни топиши мумкин.

Юқори ривожланиш даражасига эга бўлган гуруҳ			Юқори ривожланиш даражасига эга бўлган гуруҳ		
Фаолият самарад орлиги балл ҳисобида	$(x_i - \bar{x}_1)$	$(x_i - \bar{x}_1)^2$	Фаолият самарад орлиги балл ҳисобида	$(x_i - \bar{x}_2)$	$(x_i - \bar{x}_2)^2$
5	-2	4	6	-2	4
6	1	1	3	1	1
7	0	0	4	0	0
10	-3	9	5	-1	1
6	1	1	5	-1	1
8	-1	1	3	1	1
7	0	0	2	2	4

$$\begin{aligned} \bar{x}_1 &= \sum_{i=1}^N (x_1 - \bar{x}_i)^2 = 16 & x_2 &= 4 & \sum_{i=1}^N (x_2 - \bar{x}_i)^2 &= 12 \\ \sigma_1^2 &= 2.67 & \sigma_1 &= 1.63 & \sigma_2^2 &= 2 & \sigma_2 &= 1.41 \\ \sigma_1^2 &= \frac{1}{(N-1)}; \\ \sum_{i=1}^N (x_1 - \bar{x}_i)^2 &= \frac{16}{6} = 2.67; \\ \sigma_1 &= \sqrt{\sigma^2} = \sqrt{2.67^2} = 1.63; \\ \sigma_2^2 &= \frac{12}{6} = 2; \\ \sigma_2 &= \sqrt{2^2} = 1.41. \end{aligned}$$

$\bar{x}_1$  ва  $\bar{x}_2$  лар ўртасида фарқ борлигини, яъни гуруҳ ривожланиш даражаси билан гуруҳий фаолият ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш учун тадқиқотчи  $x_1 - x_2$  ўртасидаги фарқнинг статистик ишончлигини топиши лозим. Бунинг учун Стьюдентнинг  $t$  критерийсидан фойдаланилади.

$$t = \frac{x_1 - x_2}{\sqrt{m_1^2 + m_2^2}}$$

Бу ерда  $\bar{x}_1$  ва  $\bar{x}_2$  - ўртача арифметик қиймати;

$m_1$  ва  $m_2$  - ўртача хато қиймати бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$m = \frac{\sigma}{\sqrt{N}}$$

Бизнинг мисолда 1-қатор учун хато қуйидагига тенг :

$$m = \frac{\sigma_1}{\sqrt{N_1}} = \frac{1.63}{\sqrt{7}} = 0.62;$$

2-қатор учун

$$t = \frac{x_1 - x_2}{\sqrt{m_1^2 + m_2^2}} = \frac{7 - 4}{\sqrt{0.62^2 + 0.53^2}} = 3.69$$

Шундан кейин, тадқиқотчи махсус жадвал орқали ишончлилик даражасини аниқлайди. Психология бўйича қилинадиган ишларда асосан 5 фоизли ( $p=0.05$ ), 1 фоизли ( $p=0.01$ ) ва мингдан бир фоизли ( $p=0.001$ ) ишончлилик даражаси қўлланилади. Агар  $t$  - критерия миқдори масалан, 5 фоизли ишончлик даражасига тенг ёки ундан кичик бўлса, ўртача қийматлар ўртачаси топилган фарқ тасодифий, яъни 100 тадан 5 ҳолатга тўғри келади ( $p \leq 0.05$ ). Агар  $p \leq 0.05$  (яъни тасодифийлик фарқ 5 фоиздан катта) бўлса, фарқ унчалик катта эмас. Ишончлилик даражаси қанчалик юқори бўлса,  $t$ -қўрсаткичнинг миқдори шунчалик аҳамиятли бўлади.

Спирмен корреляция коэффициентлари:

$$r_s = 1 - \frac{6 \sum d^2}{n(n^2 - 1)}$$

$r_s$  - корреляция коэффициентлари;

$d$  - таққосланаётган объект ўрни (ранг) ўртасидаги фарқ;

$n$  - таққосланаётган жуфтлик миқдори

Корреляция коэффициентлари миқдори -1 дан +1 гача оралик чегараларидан четга чиқмайди.

Агар корреляция коэффициентлари +1га яқин бўлса, ўзгарувчилар ўртача мустақкам тўғри алоқа мавжудлигини билдиради. Агар корреляция коэффициентлари -1 га яқин бўлса, ўзгарувчилар ўртасида тескари алоқа борлигидан далolat беради. Агар корреляция коэффициент 0 бўлса, алоқа мавжуд эмас.

Олинган миқдорнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш учун Стьюдентнинг  $t$ - критерийсидан фойдаланилади:

$$t = \frac{\sqrt{D-2}}{\sqrt{1-r^2}}$$

$t$  - стьюдентнинг корреляция коэффициентлари кўрсаткичи

$r$  - корреляция коэффициентлари миқдори

$N$  - танловлар ҳажми

Корреляция (ранг бўйича) коэффициентлари ҳисобланиш.

Масалан, 2 та эксперт 1 та ўқувчини 8 сифат бўйича баҳолайдилар:

1. Қаттиққўллик.
2. Қатъийлик.
3. Жаҳлдорлик.
4. Маъсулиятсиз.
5. Очиқ кўнгил.
6. Тўғри сўзлик.
7. Ақллилик.
8. Ғайратлилиқ.

Бунда шу 8 хил сифат ўринларга жойлаштириб чиқилади. 1-ўринда ўқувчида энг кўп намоён бўладиган сифат, 8-ўринда энг кам намоён бўладиган сифат жойлаштирилади. Натижалар 5-жадвалда келтирилган.

Спирмен формуласидан фойдаланилади:

$$r_s = 1 - \frac{6 \sum d^2}{n(n^2 - 1)}$$

$$r_s = 1 - \frac{6 \cdot 22}{8(8^2 - 1)} = 1 - \frac{6 \cdot 22}{504} = 0.74$$

Стьюдент  $t$ -кўрсаткичидан фойдаланиб, ишончлилиқ даражасини аниқлаймиз.

$$t = \frac{\sqrt{N} \cdot r_s}{\sqrt{1-r_s^2}} = \frac{0.74 \cdot \sqrt{8-2}}{\sqrt{1-0.74^2}} = \frac{1.81}{0.67} = 2.71$$



Қаторга жойлаштириш учун экспертларга таклиф қилинган сифатлар рўйхати	Жойлаштирилган сифатлар қатори		Ўринлар (ранглар) ўртасидаги фарк $d$	$d^2$
	1-эксперт	2-эксперт		
Ғайратлилик	1	2	-1	1
Қаттиққўллик	5	7	-2	4
Қатъийлик	6	3	3	9
Жаҳлдорлик	8	6	2	4
Маъсулиятлини ҳис қилмаслик	7	8	-1	1
Очиқ кўнгиллилик	3	4	1	1
Тўғрисиўзлик	4	5	-1	1
Ақллилик	2	1	1	1

Қўлга киритилган миқдор, яъни  $\bar{c}_i$  - 0.74

2 эксперт баҳолари ўртача юқори даражадаги тўғри алоқа мавжудлигидан далолат беради. Бу эса бизга баҳоланаётган ўқувчиларга берилган (баҳолар) характеристикаларнинг объективлигидан ҳамда экспертлар баҳо кўрсаткичларининг умумийлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган математик-статистик методлар (ёрдамида психологик тадқиқот натижалари қайта ишланади.

### 1.5. Психологик тадқиқотни ўтказишга қўйиладиган талаблар

1. Тадқиқотларни ташкил қилиш текширувда қўлланиладиган метод ва методикаларни танлаш ҳамда синаб кўришни (пилотаж текширув) ўз ичига олади. Тадқиқотга тайёргарлик жараёнида текширилувчилар ва уларнинг сони аниқланади.

Тадқиқот методи – бу тадқиқотчини қизиқтирган маълумотни қўлга киритиш йўли, воситаси.

Тадқиқот методикаси – бу психик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисидаги зарур маълумотларни қўлга киритиш учун ишлатиладиган конкрет усул ва воситалар мажмуи.

2. Тадқиқот ўтказиш жойи турли хил ташки шовкинлардан ҳоли бўлиши, шу билан бирга санитария- гигиена коидаларига жавоб бериши лозим. Мажбур қилмайдиган иш ҳолати таъминланиши керак.

3. Тадқиқотнинг техник таъминланиши ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга мос тушиши керак.

4. Синалувчиларни сифат жиҳатидан бир хил қилиб танлаш зарур.

5. Тадқиқотчи тадқиқотнинг боришига, унинг барча босқичларини ўтказишга таъсир этади (режалаштиришдан, то хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишгача).

6. Йўриқнома ёки кўрсатма тадқиқот бошланишидан олдин, тайёргарлик босқичида тузилади. У аниқ, қисқа ва бир маъноли бўлиши лозим.

7. Тадқиқот натижалари баённомаларда қайд этилиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам тўла, ҳам мақсадга қаратилган бўлиши керак.

8. Тадқиқотдан олинган маълумотлар сифат ва миқдор жиҳатдан анализ, синтез қилиниши, яъни қайта ишланиши зарур.

Психодиагностик методикаларга қўйиладиган талаблар:

Психодиагностик методикалар қўлланилишидан олдин юқори сифат ва самарадорлигини кўрсатувчи мезонлар асосида текширувдан ўтказилиши зарур. Психодиагностик методикаларни баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида ишончлилик ва валидлик олинishi мумкин.

Психодиагностик методикалар ишончилиги – психодиагностик методиканинг сифати бўлиб, у ушбу методика ёрдамида етарлича барқарор натижаларга эришиши имконияти билан белгиланади.

Методиканинг ишончилиги – натижалар барқарорлиги ва такрорланишини кўрсатувчи мезон. **А. Анастаси** агар бола ҳафта бошида интеллект тести бўйича 110 га тенг кўрсаткичга эга бўлса, ҳафта охирида бу кўрсаткич 80 га тенг бўлса, бундай методикага ишонч билан қараш мумкин эмаслиги ҳақида ёзган. Ишончли методикаларни қайта ўтказиш ўхшаш натижани кўрсатиши керак. Озгина ўзгариш бўлиши мумкин, лекин улар унчалик аҳамиятли бўлмаслиги керак.

Методикалар ишончилиги даражаси бир қанча сабабларга боғлиқ. Тадқиқот натижалари аниқлигини пасайтирувчи омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- диагноз қилинаётган сифатнинг стабил, барқарор эмаслиги;

- диагностик методикаларнинг такомиллашмагани (кўрсатма хато тузилган, топшириқлар характери жиҳатидан ҳар турдалиги, текширилувчига методикани тақдим этиш бўйича кўрсатмаларнинг ноаниқлиги);

- тадқиқот вазиятининг ўзгариши (куннинг ҳар хил вақтида текширув ўтказилиши, хонанинг турлича ёритилиши, бегона шовкинларнинг бор ёки йўқлиги);

- экспериментатор хулқ-атвори, гапириш оҳангининг ўзгариши (бир тажрибада бошқача кўрсатма, бошқасида уни ўзгартириб бериши; топширикнинг бажарилишини турлича стимуллаштириши);

- текширувчи функционал ҳолатидаги ўзгаришлар (ўзини ҳис қилиши яхши бир экспериментда, бошқасида чарчаш ҳолатида бўлиши);

- натижаларни шарҳлаш ва баҳолашда субъективлик.

Психодиагностик методикалар ишончлилигини текшириш йўлларида бири стандартлаштириш, методика ўтказиш муолажасини ва унинг натижаларини баҳолашнинг ягона талабларини ишлаб чиқиш.

Методикани баҳолашнинг яна бир муҳим мезони валидлик ҳисобланади. Ишончлилик аниқлангач, методиканинг валидлиги масаласи кўриб чиқилади. Чунки ишончли бўлмаган методика валидлиги юқори методика бўла олмайди.

Методика валидлиги – методика ёрдамида олинган маълумотларнинг нимани аниқлашга қаратилганлиги, яъни методика моҳияти билан мослиги.

Валидлик – методиканинг самарадорлиги, амалий фойдасини кўрсатувчи мезон.

Репрезентативлик – танланманинг синалувчилар бош мажмуи характеристикаларини кўрсатувчи хусусияти.

Шунингдек, Акимова М.К., Гуревич Е.М. бўйича ҳозирги замон психологиясида мавжуд бўлган воситаларни сифат даражасига кўра 2 гуруҳга бўлиш мумкин:

1) формаллашган методикалар

2) кам формаллашган методикалар

1 – гуруҳ методикаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тестлар;

- сўровномалар;

- проектив техника методикалари;

- психофизиологик методикалар;

Улар учун характерли жиҳатлар:

- аниқ регламентация;

- тадқиқот ёки текширув жараёнининг объективизацияси (кўрсатмага тўғри амал қилиш, стимул материални намойиш қилишнинг катъий усуллари. Синалувчи фаолиятига тадқиқотчининг аралашмаслиги);

- стандартизация (яъни диагностик эксперимент натижаларини қайта ишлаш ва тақдим этишнинг қабул қилинган тартиби жорий этилиши);

- ишончлилик;

- валидлик

Ушбу методикалар нисбатан қисқа вақт ичида диагностик ахборотни қўлга киритиш ҳамда индивидларни ўзаро миқдор ва сифат жиҳатидан таққослаш имконига эга.

Кам формаллашган методикаларга :

- кузатиш;

- суҳбат;

- фаолият маҳсулини таҳлил қилишни киритиш мумкин.

Ушбу методикалар синалувчи ҳақида қимматли маълумотларни қўлга киритиш имконини беради. Айниқса, буни тадқиқот предмети объективлаштириш мумкин бўлган психологик жараёнлар ва ҳолатлар бўлганида яққол сезиш мумкин (масалан, яхши англанилмайдиган субъектив кечинмалар ёки мазмун жиҳатидан жуда ўзгарувчан психик жараён ва ҳолатлар – мақсад,

кайфият, ҳолатлар диагностикаси). Шунини таъкидлаш ва инobatта олиш зарурки, кам формаллашган методикаларни ўтказиш катта меҳнатни талаб этади (масалан, синалувчини кузатиш баъзида ойлаб давом этиши мумкин) ва кўп жиҳатдан тадқиқотчининг психологик тайёргарлиги ва профессионал тажрибасига асосланади. Психодиагностик суҳбат, кузатувларнинг юксак маданий даражасида ўтказилиши текширув натижаларига тасодифий омиллар таъсиридан сақлаш мумкин.

Кам формаллашган диагностик методикаларни формаллашган методикаларга қарши қўйиш мумкин эмас. Одатда улар ўзаро бир-бирини тўлдиради. Тўлақонли диагностик тадқиқотда иккала турдаги методикаларни гармоник, уйғунлашган ҳолда қўллаш зарур. Масалан, тест ёрдамида маълумот тўплашдан аввал синалувчи билан танишиш (таржимаи холи, мойилликлари, фаолият мотивацияси ҳақидаги ахборот) босқичи ўтказилади. Бунда интервью, суҳбат, кузатишдан фойдаланилади.

Кам формаллашган методикалар – қўллашнинг қатъий, аниқ қоидаларига эга бўлмаган методикалар. Улар кўпроқ психодиагностиканинг психологик интуицияси ва нисбий тажрибасига боғлиқ.

Формаллашган методикалар – аниқ шаклдаги қоидаларга қатъий амал қилишни талаб қиладиган методикалардир.

## II - БОБ. ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАЪЛИМ

### Мавзу ўқув мақсади :

**Таълимий:** бўлажак педагоглар томонидан психик тараққиёт моҳияти, унга бўлган турли қарашлар, психик ривожланиш омиллари ва ҳаракатлантирувчи кучлари, ёшни даврлаштириш ҳақидаги билимларни ўзлаштирилишини ташкил этиш.

**Тарбиявий:** бўлажак педагоглар томонидан психик тараққиёт моҳияти, унга бўлган турли қарашлар, психик ривожланиш омиллари ва ҳаракатлантирувчи кучлари, ёшни даврлаштириш ҳақидаги билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** мавзунинг таълимий ва тарбиявий ўқув мақсадлари асосида талабалар дунёқарашини кенгайтириш.

### Режа:

1. Психик ривожланиш ҳақидаги асосий назариялар.
2. Психик тараққиёт ва таълим ўртасидаги ўзаро муносабат.
3. Ёш ривожланишини даврларга бўлиш.

### 2.1. Психик ривожланиш ҳақидаги асосий назариялар

Инсон ва ҳайвон психикаси доимий ривожланиш ҳолатида бўлади. Бироқ ҳайвонот дунёсидаги ва инсониятда бўладиган ривожланиш жараёни ўз характери ва мазмуни жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Ҳайвонот дунёсидаги психик тараққиёт механизмлари – наслий, биологик жиҳатдан мустаҳкамланган тажрибани авлоддан - авлодга узатиш бўлиб, унинг асосида ҳайвонларнинг ташқи муҳитга индивидуал мослашуви рўй беради.

Инсон психик функцияларининг ривожланиш моҳияти шундан иборатки, улар боланинг ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш жараёнида ривожланади. Бола инсонлар орасида, инсоний предметлар ҳамда муносабатлар дунёсида оламга келади ва яшайди. Бу предмет ва муносабатларда эса ижтимоий амалиёт тажрибаси қайд этилган. Боланинг ривожланиши эса мана шу тажрибани ўзлаштириш жараёнидир. Бу жараён катталар томонидан доимий раҳбарлик қилиш шароитларида, яъни таълим, тарбия орқали амалга оширилади.

Психик тараққиёт муаммоси, инсон шахсининг таркиб топиш муаммоси психологиянинг энг мураккаб масалаларидан биридир. Шу билан бирга бу муаммо марказий муаммо ҳисобланади. Унинг ҳал қилиниши айниқса ҳозирги шароитларда, яъни ўзида маънавий бойлик ахлоқий софлик ва jisмоний камолотни гармоник равишда мужассамлаштирган янги шахсни тарбиялаш вазифаси биринчи ўринга чиқарилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Психик тараққиёт жараёнининг қонуниятлари, унинг омиллари ҳамда ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги билимларсиз инсонни тарбиялаш ишини ҳам амалга ошириб бўлмайди.

Инсонда биологик ва ижтимоий томонлар муносабати ҳақидаги масала психологияда диалектик таълимотга асосан ҳал қилинади. Бу таълимотга биноан инсон “барча ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат”. Диалектик материализм инсонга ижтимоий-тарихий мавжудот сифатида, шу билан бир вақтда табиатнинг бир бўлаги, деб қарайди. Инсон – биосоциал мавжудот. Шунинг учун ҳам унинг психик тараққиётга икки асосий омил:

1)Биологик, табиий.

2)Ижтимоий – ҳаёт шароитлари, жамият томонидан ташкил этиладиган таълим ва тарбия таъсир кўрсатади.

Бу икки омилнинг ўзаро муносабати турли оқим намоёндалари, (яъни биологик ва социал) томонидан турлича талқин қилинади. Биологик оқим намоёндалари инсондаги туғма, ҳаётий жараёнларни уни ривожланишига ҳал қилувчи таъсир қилади, деб тан оладилар.

Социал оқим намоёндалари эса, аксинча, асосий омил – ташки таъсир, деб ҳисоблайдилар ва биологик факторнинг ролини инкор этадилар.

Бу иккала ёндошув ҳам антидиалектик, метафизик характердаги ёндошув бўлиб, ҳар иккала оқим ҳам психик тараққиётга таъсир этувчи битта омилни тан оладилар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳам ўзаро таъсирини кўрмайдилар.

Психик тараққиёт масаласини диалектик нуқтаи - назардан ҳал қилиши ва иккала омил таъсирини бирликда қараш тўғри йўналиш ҳисобланади.

Биологик омилларга ирсият ва туғма, наслдан-наслга ўтувчи хусусиятлар киради. Бола наслий йўл билан аввалом бор нерв системаси тузилишини бош мия, сезги органларининг инсоний хусусиятларини; ҳар бир киши учун хос бўлган жисмоний белгилар – икки оёқлаб юриш, атроф-муҳитни билиш ва унга таъсир этиш органи сифатида қўлга эгалик, нутқ ҳаракат аппаратининг ўзига хос, инсоний тузилишини олади.

Булардан ташқари биологик, инстинктив эҳтиёжлар – овқатга, иссиқликка бўлган эҳтиёжларни, олий нерв фаолияти типи хусусиятларини ҳам бола наслий йўл билан қабул қилади. Нерв системаси, сезги органлари, бош миянинг табиий, туғма психофизиологик ва анатомик хусусиятлари лаёқат деб аталади. Лаёқат асосида эса инсоний, интеллектуал хусусиятлар, қобилиятлар шаклланади ва ривожланади.

Демак, биологик омиллар шахснинг шаклланишида, психик тараққиётнинг фақат табиий хусусиятлари бола ривожланишини белгиламайди. Биологик хусусиятлар инсоннинг табиий асосини ташкил қилади. Унинг моҳияти эса социал, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сифатлардан иборат.

Инсон шахс сифатида ижтимоий, социал муҳитнинг ҳал қилувчи таъсири остида шаклланади.

Боланинг психик тараққиётига табиий муҳит муайян таъсир кўрсатади.

Аммо боланинг психик тараққиётига унинг инсоний жамиятидаги ҳаёти асосий туртки беради. Бошқа кишилар билан мулоқотда бўлмаса, болада психик тараққиёт ҳам бўлмайди. Бунга мисол, ҳайвонлар орасида яшаб, тарбияланган бола: (нутқи ривожланмаган, ақлий қобилиятлари йўқ, инсоний ҳис- туйғу, ўз-ўзини англаш мавжуд эмас).

Ҳозирги замон биология фанининг таъкидлашича, организм билан уни ўраб турган атроф-муҳит бир-бутунликни ташкил этади.

Табиий ва ижтимоий муҳит фарқланади. Табиий муҳитни иқлим, ўсимликлар ҳамда географик шароитлар ташкил қилади. Табиий шароитлар боланинг ривожланишига таъсир қиладими? Табиий муҳит боланинг ривожланишига организм сифатида таъсир қилади. Масалан: иссиқ чўл зонасида яшовчи бола билан шимолда, ёки денгиз бўйида яшовчи болаларнинг модда алмашинувида кескин фарқ қилади. Бироқ, табиий муҳит боланинг шахс сифатида шаклланишига бевосита таъсир қилмайди, балки социал муҳит, кишиларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти орқали таъсир этади.

Демак, боланинг психик ривожланишида социал муҳит катта аҳамиятга эга. Тажрибанинг кўрсатишича инсоният жамиятидан ташқарида гўдак ҳақиқий, тараққий этган инсон бўла олмайди.

Ҳар бир бола яшайдиган ижтимоий муҳит бир эмас, балки бир неча қаватдан, зонадан иборат. Энг яқин зона – оилавий муҳитдир. Оилага қараганда кенгроқ зонани боланинг ўртоқлари, тарбиячилари ташкил этади. Бундан ташқари яна бир зонани боланинг қариндошлари, кўшнилари ташкил қилади ва ниҳоят, энг кенг зона – ижтимоий муҳит бўлиб ҳисобланади. Унинг таъсири фақат бевосита хатти-ҳаракат намуналари, алоҳида кишиларнинг мулоҳазалари орқали эмас, балки китоб ва газета, радио, кино, телевидения, жамиятда ўрнатилган қонун, қоида ва одатлар, ахлоқ талаблари, эстетика орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, психология фани одамнинг психик хусусиятлари унинг ҳаёти давомида, яъни онтогенетик тарзда юзага келади, бу хусусиятларнинг таркиб топиши ва ривожланишида одамнинг ижтимоий тажрибаси унинг ҳаёти ва фаолият шароитлари, таълим ва тарбия етакчи, ҳал қилувчи роль ўйнайди деб ўргатади.

Бироқ, агар боланинг шахсий активлиги мавжуд бўлмаса, муҳит ҳам, ирсият ҳам шахсга, унинг психик тараққиётига таъсир кўрсата олмайди. Фақат ўзининг фаоллигини кўрсатгандагина бола атроф муҳитнинг таъсири-ни ҳис қилиши мумкин, шундагина унинг наслий хусусиятлари намоён бўлиши мумкин.

Бола фаоллигини ҳисобга олишни зарурлиги психологиянинг муҳим принципи – онг ва фаолиятнинг бирлиги принциpidан келиб чиқади.

Онг фаолиятда намоён бўлади ва ривожланади. Боланинг фаоллиги турли шаклда бўлиши мумкин: тақлиддан тортиб, то ижодий активлик, ташаббускорликкача. Аммо боланинг фаоллиги қайси шаклда бўлмасин, у атроф муҳитни, дунёни билиш, унинг ривожланиши учун зарур ҳисобланади. Фаолликда бола ўзини намоён қилади ва ривожланиб боради. Ривожланишнинг самарали бўлиши бола фаоллигининг катталар томонидан бошқарилишига боғлиқ бўлади. Бола фаоллигини ривожланишнинг барча босқичларида бошқариб бориш муҳимдир. Бола фаоллигини ташкил қилишнинг асосий формаси эса – таълим ва тарбиядир.

Ривожланиш жараёнида бола шахсининг ўзгариши ҳам рўй беради. Бу ўзгаришларни 3 та гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Шахс йўналишининг ривожланиши.
2. Фаолиятнинг психологик структурасидаги хусусиятлар.
3. Онг механизмларининг ривожланиш даражаси.

Ривожланиш жараёнида болаларда шаклланувчи мотивлар турли-тумандир. Шунга мувофиқ уларнинг йўналиши ҳам хархил бўлиши мумкин. Баъзи болаларда ўқишга бўлган йўналиш етакчилик қилади: бу болалар учун яхши ўқиш, ўқитувчи талабларини бажариш муҳимдир, уларни ўзлаштириш баҳолари ташвишлантиради. Бошқа болалар ўзларининг билишга бўлган йўналишлари билан ажралиб турадилар. Улар масалалар ечиш, янги билимлар олишни ёқтирадилар. Бироқ барча предметларга ҳам ўқувчилар бир хилда муносабатда бўлмайдилар. Улар учун баҳо эмас, дарсларнинг қизиқарлилиги муҳимдир.

Кўпчилик болалар учун атрофдагилар билан ўзаро муносабатлар муҳимроқ. Бу болаларнинг хулқ-атвори жамоада муайян ўринни эгаллаш, тенгдошлари, катталар билан ўзаро муносабатларда ўз ўрнини аниқлаш билан белгиланади. Бироқ шахс йўналиши доимо ўзгариб туради. Масалан: бошланғич синфларда ўқишга бўлган йўналиш кучли бўлса, ўсмирларда атрофдагилар билан муносабатлар аҳамиятлироқ бўлади.

Хар қандай фаолият бир неча элементларни ўз ичига олади. Улар фаолиятнинг психологик тузилишини ташкил этади.

Фаолият – ҳаракат.

Мотив – мақсад.

Операция – усул.

Фаолиятда мақсад ва унинг мотив билан алоқаси муҳим ҳисобланади. Бола психик фаолиятининг мақсадга йўналганлиги аста-секин шаклланади. Масалан: 3 ёшли болалар ўз ҳаракатларини кўзлаган мақсад бўйича ташкил эта олмайдилар, улар мақсадни унутиб қўйишлари мумкин. 5 – 6 ёшли болалар ҳаракатлари материалга боғлиқлиги билан характерланади.

Кичик мактаб ёшининг охирига келиб, ўқувчиларда фаолият мақсади билан мотиви ўртасида алоқа ўрнатиш малакаси шаклланади. Шундай қилиб, фаолият психологик структурасининг ривожланиш жараёнида бола хатти-ҳаракатининг хусусиятлари ва фаолиятининг тузилиши ўзгаради. Мақсадга йўналганлик, ихтиёрийлик, уюшқоқлик ривожланади.

Онг ривожланиш жараёнида бола томонидан воқеликни идеал равишда акс эттириш механизмлари, структура ва мазмуни ўзгаради. Бу айниқса, бола ақлий фаолияти хусусиятларининг ўзгаришида намоён бўлади.

Онг ривожланишининг муҳим кўрсаткичи, ўз-ўзини, ўзининг “Мен”ини англашдир. Ўзининг “Мен” ини англаш бола шахси ривожланишининг турли томонларини характерловчи асосий механизмлардир.

Бола психик ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги масала ҳам энг муҳим масалалардан биридир.

Ривожланиш, тараққиёт ҳақидаги бир-бирига қарама-қарши бўлган 2 та концепция мавжуд. Булар:

1. Диалектик.
2. Метафизик.



Биринчи концепцияга мувофиқ, тараққиёт қарама-қаршиликлар бирлигидан иборат бўлса, иккинчисига биноан тараққиёт кўпайиш ва камайиш, ўсиш, такрорланиш сифатида қаралади. Тараққиётга метафизик қарашга кўра, ҳаракат тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, унинг манбалари, мотиви четда қолиб кетади. Бу концепциянинг моҳияти шундан иборатки, унга мувофиқ тараққиёт – микдорий ўзгариш, муайян хусусиятнинг кўпайиши ёки камайишидан иборат. Масалан: боланинг луғат бойлигининг кўпайиши, яъни сўз бойлигини тўплаш; нутқ ривожланишида хатоларнинг камайиши; хотира, диққат, кўникмалар ҳажмининг кенгайиши – боланинг психик ривожланиши, деб қаралади.

Диалектик қарашга кўра, жамият ва табиатдаги ҳар қандай ҳаракат сингари ривожланиш, тараққиёт ҳам ички қарама-қаршиликлар курашидан иборат.

Ҳар бир инсоннинг, шу жумладан бутун жамиятнинг ривожланиш жараёнида эски шакл, ғоя, одат, қизиқишлар ўзгаради, уларнинг ўрнига келувчи янги ғоя, одат, қизиқишлар таъсирида қайта тузилади. Демак, бу ерда эскилик билан янгилик ўртасида кураш кетади. Шундай қилиб, ривожланиш жараёнида янги босқич бошланади.

Бундан ташқари, диалектик қонцепция тараққиёт деганда фақат микдор ўзгаришларни эмас, сифат жиҳатдан янги форма ва хусусият, сифатларининг вужудга келишини тушунади.

Тараққиётнинг метафизик қонцепцияси ривожланиш манбаларини очиб бермайди, балки уни ўз - ўзидан, тўсатдан амалга ошадиган жараён деб ҳисоблайди ва шунинг учун унинг сабабларини билиш мумкин эмас. Демак, уларнинг фикрича, тараққиёт жараёнини бошқариш имкониятлари ҳақидаги масала ҳам ўз-ўзидан автоматик равишда йўқ қилинади. Бу қонцепцияга кўра, бола – бу кичкина катта одам. Психик ривожланиш эса – дастлаб берилган хусусиятларнинг кенгайиши ҳолос.

Диалектик- материалистик назария ривожланишни қарама – қаршиликлар кураши; эски, ўлиб бораётган шакл билан янги, энди туғилаётган форма ўртасидаги кураш сифатида қарайди. Бу назария тараққиётнинг манбаини ҳаётий жараённинг ўзида деб билади. Шу ҳаёт жараёнининг ўзида қарама-қаршиликлар вужудга келади, шу жараённинг ўзида улар енгиб ўтилади ва ҳал қилинади.

Бола психикасидаги эскилик билан янгилик ўртасидаги қарама-қаршиликлар, зиддият таълим ва тарбия жараёнида намоён бўлади ҳамда бартараф қилинади.

Бола ривожланишининг ҳар бир ёш босқичида зиддиятлар намоён бўлишининг ўзига хос шакллари мавжуд. Буни мулоқотга бўлган эҳтиёжнинг намоён бўлиши ва ривожланишида кўриш ҳам мумкин. Масалан: гўдак унга яқин бўлган кишилар аввало онаси билан мимика, имо- ишора, алоҳида сўзлар ёрдамида мулоқотда бўлади, аммо уларнинг маъносини ҳар доим ҳам тушунавермайди. Гўдаклик даврининг охирига келиб, аторофдагилар билан мулоқатда бўлишнинг бундай воситалари унинг кишилар билан янада кенгрок мулоқатда бўлиш ва ташқи дунёни билиш эҳтиёжларини қондириш

учун старли бўлмай қолади. Потенциал имкониятлар уни анча кенг ва мазмунлироқ мулоқот формасига ўтишга ундайди. Вужудга келган мулоқотнинг янги шаклларига бўлган эҳтиёж билан уларни кондирининг эски усуллари ўртасидаги қарама-қаршилик тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади: бу қарама-қаршилик, зиддиятни енгиб ўтиш ва бартараф қилиш мулоқотнинг сифат жиҳатдан янги, фаол шакли – нутқни туғдиради.

Кичик мактаб ёшида психик ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи ўқитувчи томонидан ўқувчи олдига қўйиладиган янги талаблар билан уларни кондирининг эски усуллари, бола психик ривожланиш даражаси, унинг билим, кўникма, малакалари ўртасидаги зиддиятдир. Вужудга келган янги эҳтиёжларни кондириниш учун, педагог талабларини бажариш учун ўқувчига фаолият ва ҳатти-ҳаракатнинг анча мураккаб усуллари ўзлаштириш зарур бўлади. Масалан: дарсда ўзини яхши тутиш, танаффус вақтида интизомли бўлиш талаби билан мактабга келгунга қадар болада мавжуд бўлган одатлар (яъни ихтиёрсиз, импульсив ҳаракатлар қилиш, хохишига қараб иш тутиш, иродавий зўр беришнинг кучсиз, заифлиги) ўртасидаги зиддиятнинг бартараф қилиниши натижасида болада интизомлилик каби ижобий одат ривожланади.

Бунда боланинг потенциал имкониятлари ҳам унинг психик тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч сифатида чиқади.

Демак, бола психик тараққиётини таълим-тарбия жараёнида бошқариб бориш учун ҳар бир ёш даврининг асосий зиддиятлари, қарама-қаршиликларини яхши билиш ва уларни ҳисобга олиш зарур.

## **2.2. Психик тараққиёт ва таълим ўртасидаги ўзаро муносабат**

Болаларнинг психик жиҳатдан ўсишида таълим ва тарбия ғоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги XIX асрларнинг ўрталаридан тобора кўп таъкидлана бошланди. Болалар психикасининг ўсиши билан таълим ва тарбиянинг ўзаро муносабати ҳақидаги масалаларни ҳал этишга уринаётган назариялар ҳозир кўп топилади. Ҳозирги педагогика ва психологияда шу масалага доир уч хил назария бор. Улардан бирида таълим-тарбия ва тараққиёт жараёнлари бир-биридан мустақил мавжуддир, деган ғоя олға сурилади. Иккинчи назарияда таълим- тарбия айни вақтда тараққиётдир, яъни таълим билан тараққиётнинг ўртасида асос эътибори билан сезиларли тафовут йўқдир, деб даъво қилинади. Ниҳоят, учинчи хил назария бўйича таълим-тарбия ва тараққиёт жараёнлари, гарчи бошқа-бошқа жараёнлар бўлса ҳам, бир-бирига мос келар ва бир- бирига таъсир ўтказар экан.

Таълим ва психик ўсиш бир-биридан мустақилдир, деган назариянинг намояндалари таълим ва психик ўсишни бир-бирига дуч келмайдиган иккита параллел жараён деб ҳисоблайдилар. Бу назариянинг намояндалари ақлий қобилиятни аниқлаш учун дастлабки тестларни вужудга келтирган эдилар (Бинэ ва Симон). Бу намояндалар ва уларнинг ҳозирги издошлари ақлий қобилият “туғма” бўлиб, унга таълим ҳам, муҳит ҳам таъсир этмайди, деган

фикрга асосланадилар. Таълим ва психик тараққиёт бир- биридан мустақил, деган назария амалда таълим-тарбия ишларининг ҳаммасини болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олмасдан тузишга олиб келди.

Таълим ва психик ўсиш бир-бирига мос келадиган назариянинг намояндалари (америкалик психологлар Джеймс, Торндайк ва инглиз психологи Макдугалл) нинг даъво қилишича :

1) иккала жараён бир-бирига яқин ва параллел ҳолда боради – таълим-тарбия билан психик ўсиш қадам- қадам боради;

2) таълим ва психик ўсиш бир вақтда амалга ошади. Бу назария икки жараённи аралаштириб, бир-бирига тенглаштириб қўяди. Бу таълим жараёни ўрганилса, психик ўсиш жараёни ҳам ўрганилган бўлади, деган хулосага олиб келади. Бу назария бир томонлама назария бўлиб, бутун эътиборни билиш фаолиятига қаратади-ю, бола шахсининг ҳиссиёти ва иродасини эътиборга олмайди. Одам онгининг роли, инсон шахсини таркиб топтирувчи ижтимоий ҳаёт ва амалиётнинг роли камситилади ёки инкор қилинади.

Таълим-тарбия ва психик ривожланиш гарчи ҳар хил жараён бўлса-да, бир-бирига қарама-қарши қўйиладиган жараёнлардир, деган учинчи назариянинг намояндаси – Коффақадир. Бу назария дастлабки икки назарияни бирлаштиришга уринади, нерв системасининг етилиши ва ўқитиш жараёнларининг ўзаро боғланишини ва бир-бирига таъсир этишини аниқламоқчи бўлади. Невр системасининг етилиш жараёни болани ўқишга тайёрлайди ва ўқий оладиган қилиб қўяди, деб эътироф этади. Ўқитиш эса, ўз навбатида, нерв системасининг етилиш жараёнини кучайтиради ва олдинга суради, дейди. Бу назария икки жараённинг бир қадар ўзаро боғланганлигини таъкидлаши билан олдинга қараб бир қадам қўяди. Аммо бу ўзаро боғланишни абстракт равишда, ижтимоий тарихий ҳаёт шароитининг таъсиридан ташқари, болаларга таълим-тарбия бериш таъсиридан ташқарида тан олади.

Бу назарияларнинг ҳаммаси болалар камолотининг ҳал қилувчи томонини кўрмайди, яъни болалар психикасининг тарбия ва актив фаолият жараёнида таркиб топишини пайқайди.

Демак, психологиядаги муҳим масалалардан бири тараққиёт билан таълимнинг ўзаро муносабати ҳақидаги, яъни таълим ўз орқасидан ривожланишни эргаштириб борадими ёки аксинча, ривожланишга мослашиб, сўст равишда унинг орқасидан борадими? деган масаладир.

Таълим ва тараққиётнинг ўзаро муносабати қандай баҳоланишига қараб, бу масалада 2 нуктаи - назарни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Немис психологи **В.Штерн** таълим психик тараққиётнинг орқасидан боради ва унга мослашади, деган фикрни илғари суради. Унинг таъкидлашича, бола томонидан нарсалар билан танишиш ва уларни билиб олиш ўз-ўзидан амалга ошади, таълим эса мустақил, автоном равишда амалга ошадиган тараққиётга мослашади (“Персоналистик психология” концепциясини яратган, яъни шахснинг яхлитлиги, психик ва физик бирликларга бўлинмаслиги тўғрисидаги назария).

Бунга қарама - қарши фикрни рус психологи **Л.С.Виготский** билдиради. У боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчи

роли ҳақидаги қонидани биринчи бўлиб илгари сурди. Унинг фикрича, таълим тараққиётдан олдинда боради ва уни ўз орқасидан эргаштиради.

Биринчи фикрга биноан, таълим учун имконият етгунча, ақлий жиҳатдан етилиши жараёни келгунча, пассив равишда кутиб туриш лозим.

Таълим етакчилик ролини бажаради. Иккала жараён бир-бири билан боғлиқ: ривожланиш ва таълим параллел тарзда содир бўладиган икки жараён эмас, улар бир бутун жараёндир, деб таъкидлайдилар. Таълимсиз тўла ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Таълим ривожланишга стимул - туртки беради, ривожланишни ўз орқасидан эргаштириб боради. Лекин ривожланишга стимул бўлиш билан бир вақтда таълим ўзи ривожланишга таянади, эришилган тараққиёт даражасининг хусусиятларини ҳисобга олади.

Шунингдек. Л.С. Виготскийнинг тараққиётнинг икки зонаси ҳақидаги ғояси ҳам ривожланиш жараёнини бошқариш учун катта аҳамият касб этади. Л.С. Виготский бола тараққиётининг икки зонасини ажратиб кўрсатади:

1. Ақтуал тараққиёт зонаси.
2. Яқин келажак тараққиёт зонаси.

Агар бола бирор ишни катталар ёрдами билан бажара олса, бу унинг яқин ривожланиш даражаси, зонасидан далолат беради. Яқин келажак зонаси бизга боланинг эртанги кунини, ривожланишининг динамик ҳолатини аниқлашга ёрдам беради.

Агар бола топшириқни мустақил равишда бажара олса, бу унинг ақтуал тараққиёт зонасини кўрсатади. Шу билан бирга Л.С.Виготский таълим-тарбия жараёнида бир томондан, болага кучи етмайдиган, унинг ақтуал ривожланиш даражаси ва яқин имкониятларига тўғри келмайдиган талаблар қўймаслик кераклигини таъкидлайди. Бошқа томондан эса, ўқитувчи бугун бола катталар ёрдами билан, эртага эса мустақил тарзда бажара олишини билса, бола тараққиётини жамият талабларига мос равишда, мақсадга мувофиқ тарзда такомиллаштириб бориши мумкин.

### **2.3. Ёш ривожланишини даврларга бўлиш**

Боланинг ривожланиши мураккаб диалектик жараёндир. У тараққиётнинг турли ёш даврларида ўзининг сифат хусусиятларига эга бўлади. Психологияда бир неча ёш даврлари фарқланади:

**Д.Б. Эльконин буйича ёшни қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:**

1. Гўдаклик даври – туғилгандан 1 ёшгача.
2. Илк болалик даври – 1-3 ёш.
3. Мактабгача ёш даври – 3-7 ёш.
- 3а. Кичик ва ўрта мактабгача ёш даври – 3 дан 4-5 ёшгача.
- 3б. Катта мактабгача ёш даври 4-5 дан 6-7 ёшгача.
4. Кичик мактаб ёши 7 – ёшдан 11ёшгача.
5. Ўсмирлик ёш даври 11-15 ёш.
6. Илк ўспиринлик даври 16-18 ёш.

Д.Б. Элькониннинг таснифи етакчи фаолият назариясига, ҳар қайси ривожланиш палласида фаолиятнинг бирор тури устунлик қилиши

мумкинлигига асосланади. Етакчи фаолиятнинг инсон шахс сифатида камол топишидаги роли назариянинг негизини ташкил қилади.

### Д.Б. Эльконин бўйича ёшни даврлаштириш

Ёш даври	Ёш чегаралари	Етакчи фаолият тури
Гўдаклик	0-1 ёш	Бевосита эмоционал мулоқат
Илк болалик	1-3 ёш	Предметли фаолият
Кичик ва ўрта мактаб-гача ёш даври	3-5 ёш	Ўйин фаолияти
Катта мактабгача ёш даври	5-7 ёш	Ролли-сюжетли ўйинлар
Кичик мактаб ёш даври	7-11 ёшгача	Ўқиш фаолияти
Ўсмирлик ёш даври	11-15 ёш	Мулоқот
Илк ўспиринлик даври	15-18 ёш	Ўқув - касбий фаолият

### В.А. Крутецкий бўйича:

1. Чакалоқлик даври - туғилгандан 10 кунгача.
2. Гўдаклик даври – 1 ёшгача.
3. Илк болалик даври – 1-3 ёшгача.
4. Мактабгача ёш даври – 3-5 ёшгача.
5. Боғча ёш даври – 5-7 ёшгача.
6. Кичик мактаб ёши даври – 7-11 ёшгача.
7. Ўсмирлик даври – 11-15 ёшгача.
8. Илк ўспиринлик даври – 15-18 ёшгача.

Ҳар иккала тасниф ҳам пухталигидан, уларга қандай нуқтаи назардан ёндашилганидан қатъий назар инсон камолотини тўла ифодалаб беришга ожизлик қилади. Мазкур назариялар инсоннинг шахс сифатида шаклланиши босқичлари ҳақида кўпроқ маълумот беради. Хуллас, уларда ёшлик, етуқлик, қарилик даврларининг хусусиятлари, қонуниятлари тўғрисида назарий ва амалий маълумотлар етишмайди. Шунга қарамай, улар ўрта мактаб педагогик психология фани учун алоҳида аҳамият касб этади.

Инсон умрининг барча ёш даврларини камраб олган даврлаштириш Э.Ф. Ғозиев, Г.С. Абрамова ҳамда ҳориж психологлари Грейс Крайг, Дон Бокумнинг назарияларида келтирилади.

### Э.Ф. Ғозиев бўйича:

1. Чакалоқлик ва гўдаклик даври – туғилгандан 1 ёшгача.
2. Илк болалик даври – 1-3 ёшгача.
3. Мактабгача ёш даври – 3-6 ёшгача.
4. Кичик мактаб ёш даври – 6-10 ёшгача.
5. Ўсмирлик даври – 10-11 ёшдан 14-15 ёшгача.
6. Илк ўспиринлик даври – 15-18 ёшгача.
7. Ўспиринлик даври – 18-22 ёшгача (талабалик).
8. Ёшлик даври – 23-28 ёшгача.
9. Етуқлик даври 1-босқичи – 28-35 ёшгача.
10. Етуқлик даври 2-босқичи – 36-55 (60) ёшгача.

11. Кексайиш даври – 61 (56)- 74 ёшгача.
12. Кексалик – 75-90 ёшгача.
13. Узок умр кўрувчилар – 90 дан юқори.

#### **Г.С. Абрамова бўйича:**

1. Гўдаклик даври – туғилгандан 2 ёшгача.
2. Илк болалик даври – 2-4 ёшгача.
3. Ўрта болалик даври – 5-7 ёшгача.
4. Болаликнинг тугаш даври – 8-12 ёшгача.
5. Ўсмирлик даври – 13-17 ёшгача.
6. Ўспиринлик даври – 18-22 ёшгача.
7. Катталиқ даври – 23-30 ёшгача.
8. Ўтиш даври – 30-35 ёшгача.
9. Етуклик даври – 36-50 ёшгача.
10. Кексайиш даври – 51-65 ёшгача.
11. Қарилик даври – 65 ёшдан юқори.

#### **Греис Крайг, Дон Бокумнинг “Психология развития” (2006 й) китобида инсоннинг ҳаётӣ йўли қуйидаги даврларга бўлинади:**

1. Перинатал давр – ҳомила пайдо бўлгандан боланинг туғилишигача бўлган давр.
  2. Гўдаклик – туғилгандан 18-24 ойликкача (2 ёшгача) бўлган давр.
  3. Ҳаётнинг датлабки 2 йили (тоддлер босқичи) – 12-15 ойдан 2-3 ёшгача бўлган давр.
  4. Илк болалик – 2-3 ёшдан 5-6 ёшгача бўлган давр.
  5. Ўрта болалик – 6-12 ёшгача бўлган давр.
  6. Ўсмирлик ва ўспиринлик – тахминан 12-18-27 ёшгача бўлган давр.
  7. Илк катталиқ – 18-21 дан то 40 ёшгача бўлган давр.
  8. Ўрта катталиқ – 40 дан 60-65 ёшгача бўлган давр.
  9. Кечки катталиқ – 60-65 дан умр охиригача бўлган давр.
- Шунингдек, ёшни даврлаштириш муаммосига турли жиҳатдан ёндошилган назариялар ҳам мавжуддир.

#### **3. Фрейд бўйича психосексуал ривожланиш босқичлари**

1. Орал босқич туғилгандан 1 – 1.5 ёшгача.  
Бу даврда гўдак оғиз ва лаб соҳаларининг стимуляциясидан қониқиш ва лаззат олади.
2. Анал босқич (1 – 1.5 ёшдан 3 ёшгача) чиқарув функцияси орқали қониқиш олади.
3. Фаллик босқич (3 ёшдан 5 – 6 ёшгача) эроген зона гениталий соҳасида жойлашган (Эдипов комплекс ёки электро комплекси).
4. Латент босқич (5 – 6 ёшдан 12 ёшгача). Бунда жинсий майллар иккинчи даражага ўтиб, ўзини намоён қилмайди.
5. Генитал босқич (12 ёш ва ундан юқори) жинсий майллар пубертат ва ўсмирлик даврида яна 1 даражага ўтади.

## Психодинамик назария

Америка психологи Э.Эриксон инсон умрини 8 та даврга ажратади ва улар ўзига хос, бетакрор хусусиятларга эга деб ҳисоблайди.

**1 – давр.** Илк гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача). Бу даврда ташки дунёга “Онгсиз ишонч” туйғуси вужудга келади. Бунинг асосий сабаби ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигидир. Агар гўдакда бу ишонч пайдо бўлмай қолса, она болага ёмон муносабатда бўлса, вояга етганда умидсизлик вужудга келади.

**2 – давр.** Кечки гўдаклик (1 ёшдан 3 ёшгача). Ярим мустақиллик ва шахсий кадр-қиммат туйғуси шаклланади. Бу эса ўз танасини бошқариш учун кенг имконият яратиб, интизом, маъсулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғулари таркиб топишига замин ҳосил қилади. Аномал ривожланиш: иккиланиш, қобилиятга шубҳаланиш, ҳаётга мослашмаганлигини ҳис қилиш.

**3 – давр.** Илк болалик (3–5 ёшгача). Аномал ривожланиш: инсонларга бефарқлик, ташаббуснинг сустлиги, бошқа болаларга ҳасад, беқарорлик. Ташаббус туйғуси, қандайдир ишни бажариш майли таркиб топади, гуруҳий ўйинлар, тенгқурлари билан мулоқатга киришиш муҳим аҳамиятга эга.

**4 – давр.** (5–11 ёшгача). Бу давр мақсадига эришиш учун интилиш, уддабуронлик ва тиришқоқлик билан характерланади. Салбий томонлари – онг ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмайди, муаммоларни ҳал қилишда ақл заковат даражасининг пастлиги, билимларни ўзлаштиришдаги колоқлик. Аномал ривожланиш: шахсий камчиликларни ҳис қилиш, конформлик, пасив меҳнат вазифаларидан қочиш.

**5 – давр.** (11–20 ёшгача). Ўсмирлик ва ўспиринлик, ҳиссий етуклик. Бетакрор, ўзига хос ёш даври. Салбий томони қатъиятсизлик.

**6 – давр.** (20–45 ёшгача). Илк (эрта) етуклик. Бошқа жинсга психологик интим яқинлашув қобилияти ва эҳтиёжи вужудга келади. Бундан ташқари ёлғизликка мойиллик ва одамовилик каби ёқимсиз хусусиятлар билан фарқланади.

**7 – давр.** Ўрта етуклик даври (40–60 ёшгача). Ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнат, ижодиёт, ғамхўрлик, пушт қолдириш, тажриба узатиш) махсулдорлик туйғуси ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки бўлади. Аномал ривожланиш: худбинлик, ўз-ўзига эътиборини қаратиш, ишида бесарамжонлик, эрта инвалидлик, ўзи ҳақида қайғуришни йўқолиши.

**8 – давр.** Кечки етуклик (60 ва ундан юқори). Ҳаётдан қаноатланиш туйғуси билан характерланади. Ўтган умри ҳақида ўйлаш, ўлимга тик қараш ва ундан кўркмаслик. Салбий томони – ҳаёт фаолиятдан ноумидлик, кўнгил совиш туйғулари. Умрни бекорга ўтказганидан қайғуриш, вақтни тез ўтаётганидан, ўзидан, бошқалардан қониқмаслик, умрини бошқатдан яшашга хоҳиш, ҳаётдаги бетартиблиқдан ранжиш, ўлимдан кўрқиш.

Психодинамик назария асосини шахснинг хулқини эмоция, майл ёрдамида таҳлил қилиш ташкил этади.

Когнитивистик йўналиш намоёндаларидан биринчи бўлган Ж. Пиаже ақл - идрок назарияси ва унинг даврлари ҳақидаги таълимотни яратган. Бу таълимотда интеллект ривожланиш даврлари кўрсатиб берилади.

Бу даврлар:

1. Сенсомотор интеллект (туғилгандан 2 ёшгача).
2. Операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача).
3. Конкрет операциялар даври (7-8 ёшдан 11-12 ёшгача).
4. Формал операциялар даври.

Ҳар бир ёш даври ўзининг муҳим ҳаётий шароитлари, эҳтиёжлари ва фаолияти, характерли қарама-қаршиликлари, психиканинг сифат хусусиятлари, психик жиҳатдан янги ҳислатларнинг ҳосил бўлиши билан ажралиб туради. Ҳар бир давр ўзидан олдинги давр томонидан тайёрланиб, унинг асосида вужудга келади ва ўз навбатида, ўзидан кейинги даврнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бир ёш даврдан 2-ёш даврига ўтиш тинч йўл билан ёки инкирозлар билан кечиши мумкин. Буни педагог албатта билиши зарур. Инкироз тараққиётнинг турли босқичларида вужудга келиши мумкин. Энг ёрқин намоён бўладиган инкирозлар куйидагилар:

1. Янги туғилган чақалоклик инкирози.
2. Уч ёш инкирози.
3. Ўсмирлик даврига ўтишдаги инкироз.
4. Ўрта ёш инкирози.

Агар катталар томонидан боланинг янги эҳтиёжлари ҳисобга олинса ҳамда уларни қондириш имкониятлари шаклланишига ёрдам берилса, инкироз вужудга келмаслиги ҳам мумкин. Бунда шахснинг ривожланиши инкирозсиз, тинч йўл билан амалга ошиши таъминланади.

Шунингдек, педагог ҳар бир ёш даврида психиканинг муайян томонлари самарали ривожланиши учун оптимал имкониятлар мавжуд эканлигини ҳам билиши лозим. Бундай давр сензитив давр деб аталади. Масалан: илк болалик даври, яъни бир ёшдан 3 ёшгача бўлган давр бола нутқининг ривожланиши учун сензитив давр ҳисобланади. Кичик мактаб ёш даври – ўқув малакаларининг ривожланиши учун қулайдир. Ҳар бир ёш даври бир қанча хусусиятлар билан характерланади.

Булар:

1. Оилада ва жамоада бола ҳолатининг ўзгариши.
2. Таълим-тарбия шакллариининг ўзгариши.
3. Бола организми айрим хусусиятларининг вояга етиши.
4. Болада янги фаолият турининг вужудга келиши.

Ҳар бир ёш даврида фаолиятнинг бирор тури етакчилик ролини бажаради. Фаолиятнинг етакчи тури тушунчаси **А.Н. Леонтьев**нинг асарларида очиб берилган.

Фаолиятнинг етакчи тури – маълум ёш даврида боланинг психикасида, унинг психик жараёнлари ва психик хусусиятларида муҳим ўзгаришларни вужудга келтирувчи фаолият туридир. Ҳар бир ёш даврида фаолиятнинг бир тури учун эҳтиёж сезилади. Масалан: гўдақлик давридаги етакчи фаолият



тури – бевосита эмоционал мулоқат бўлиб, унинг асосида ориентировка ва сенсомотор-манипулятив ҳаракатлар, яъни кўриш, эшитиш, мускул-ҳаракат сезгилари, идрок билан бошқариладиган ҳаракатлар шаклланади.

Бу ёш давридаги энг муҳим янгилик – бошқа кишилар билан бўладиган мулоқотга эҳтиёж ва уларга муайян эмоционал муносабатнинг шаклланишидир.

Илк болалик даврида фаолиятнинг етакчи тури – предметли ҳаракатлар. У орқали бола катталар билан ҳамкорликда предметлар билан бажариладиган ҳаракатларни ўзлаштиради. Бу даврдаги янгилик – нутқнинг ривожланиши ва кўргазмали ҳаракатли тафаккурининг тараққиётидир.

Мактабгача бўлган ёш даврида ролли ўйинлар фаолиятнинг етакчи тури бўлиб қолади.

Кичик мактаб ёшида фаолиятнинг етакчи тури – ўқиш фаолияти ҳисобланади. Ўқиш фаолиятида хотира шаклланади, предметлар ва ташқи дунё ҳақидаги билимлар ўзлаштирилади.

Ўсмирлик даврида – мулоқот етакчилиги вазифасини бажаради.

Илк ўспиринлик даврида етакчи фаолият тури – ўқув касбий фаолияти бўлиб, бу фаолият жараёнида дунёқараш, касбий қизиқишлар, ўз-ўзини англаш, орзу ва идеаллар шаклланади.

Демак, ҳар бир киши учун ёш хусусиятлари ҳосилдир. Аммо ҳар бир ёш даврнинг ичиди индивидуал фарқлар ҳам мавжуд. Бу фарқнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин:

1. Ҳаёт, фаолият ва тарбия шароитлари.
2. Табиий индивидуал фарқлар – нерв системасининг типологик хусусиятлари.

Таълим - тарбия ишларида ўқувчиларнинг психологик ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур, яъни мазкур ёшдаги болаларнинг талабларига, имкониятлари, хусусиятларига мос келадиган педагогик иш шакли, метод ва воситаларини танлаш ва қўллаш лозим.

### **Психик ривожланиш қонуниятлари**

Психик ривожланишда муҳит таъсирига нисбатан бу қонуниятлар иккиламчидир, чунки бу қонуниятларнинг ўзига хослиги ҳаёт шароитига, фаолият ва тарбияга боғлиқ.

Психик тараққиётнинг қуйидаги қонуниятларини фарқлаш мумкин:

1. Психик ривожланишнинг нотекислиги. Ҳар қандай шароитда, ҳатто таълим ва тарбиянинг энг қулай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари, функциялари ва хусусиятлари ривожланишнинг битта даражасида тўхтаб қолмайди. Боланинг ривожланишидаги айрим даврларда психиканинг у ёки бу йўналишларида ривожланиш учун ниҳоятда қулай шароитлар пайдо бўлади ва уларнинг баъзилари вақтинчалик, ўткинчи характерда бўлади. У ёки бу психик хусусиятлар ва сифатларнинг ривожланиши учун энг қулай шароитлар бўлган ёш даврлари *сензитив давр* дейилади. (Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев).

Масалан; 1 ёшдан 5 ёшгача нуткнинг ривожланиши, кичик мактаб ёшида ўқитувчининг сўзи, 15-20 ёш математик тафаккур ривожланиши учун сензитив давр ҳисобланади.

2. Психикнинг интеграцияси қонуни. Инсон психикаси ўз тараққиёти давомида тобора кўпроқ яхлитлик, бирлик, мустаҳкамлик ва доимийлик хусусиятларини касб эта боради. **Н.Д. Левитов**нинг кўрсатишича, кичкина бола психик жихатдан турли фрагментар психик ҳолатнинг кичик бир системага уюштирилганидан иборатдир. Психик ривожланиш психик ҳолатнинг аста-секин ўсиб, шахс хислатларига айланишини англатади.

3. Пластиклик ва компенсация имконияти. **И.П. Павлов** фақатгина тегишли таъсир кўрсатилса, ҳамма нарсани яхши томонга ўзгартириш мумкинлигини таъкидлаб, нерв пластиклигини кўрсатиб ўтган. Таълим-тарбия шароитида боланинг психикасини мақсадга мувофиқ ўзгартириш имконияти нерв системасининг ана шу пластиклигига асосланади. Пластиклик компенсация учун ҳам йўл очиб беради.

### **Мавзунини мустаҳкамлаш учун тестлар:**

1. Ёш психологиясида кенг қўлланувчи қуйидаги методлардан қайсилари ташкилий методлар жумласига киради?

- a) кузатиш ва эксперимент, социометрия;
- b) комплекс, лонгитюд, таққослаш;
- c) социометрия ва фаолият маҳсулини ўрганиш;
- d) узунасига ва қўндалангига кесим.

2. **В.Штерн** томонидан илгари сурилган психик ривожланиш ҳақидаги таълимотнинг бош ғояси қандай?

- a) психик ривожланишда ирсий омил ҳал қилувчи аҳамиятга эга;
- b) психик ривожланишда ижтимоий омил ҳал қилувчи аҳамиятга эга;
- c) психик ривожланишда шахс фаоллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга;
- d) психик ривожланишда ирсий ва ижтимоий омилнинг ўзаро яқинлашуви ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

3. Тараққиётнинг энг яқин зонаси бола амалга оширадиган қандай амаллардан ташкил топади?

- a) мустақил бажара оладиган амаллар;
- b) умуман бажара олмайдиган амаллар;
- c) катталар ёрдамида бажара оладиган амаллар;
- d) бажаришни хоҳламайдиган амаллар.

4. Қуйидаги ёш даврларининг қайсиларида бошқа одамлар билан бўлган мулоқот етакчи фаолият сифатида гавдаланади?

- a) илк болалик, кичик мактаб ёши;
- b) мактабгача ёш даври, ўсмирлик;
- c) ўсмирлик, ўспиринлик;
- d) гўдаклик, ўсмирлик.

5. Ҳозирда фанда маълум ёш инқирозларидан адабиётларда дастлаб қайси инқироз даври кенг ёритилган?

- a) туғилиш даври инқирози;
- b) жинсий етилиш даври инқирози;

- c) 3 ёш инқирози;
- d) 7 ёш инқирози.

**6. Қуйидаги ёш даврининг қайсиларида ўқиш етакчи фаолият сифатида гавдаланади?**

- a) илк болалик;
- b) мактабгача ёш даври;
- c) кичик мактаб ёши;
- d) ўсмирлик.

**7. Предметли-манипулятив фаолият қайси еш даврида етакчи фаолият бўлиб ҳисобланади?**

- a) гўдаклик даври;
- b) илк болалик даври;
- c) мактабгача ёш даври;
- d) кичик мактаб ёши.

**8. Онтогенездаги психик ривожланиш давомида энг аввал ўйиннинг қайси тури пайдо бўлади?**

- a) қоидали ўйин;
- b) предметли ўйин;
- c) ролли ўйин;
- d) барча ўйин турлари бир вақтда пайдо бўлади.

**9. Бола юзида шаклан табассумга ўхшаш ҳаракатлар қайси даврдан кузатилади?**

- a) чақалоқлик;
- b) гўдаклик даври;
- c) илк болалик даври;
- d) мактабгача ёш даври.

**10. Қайси даврдан бошлаб одатда болалар нарса буюмларни ўз вазифасига мувофиқ қўллай бошлайди?**

- a) илк болалик даври;
- b) чақалоқлик даври;
- c) гўдаклик даври;
- d) мактабгача ёш даври.

### III БОБ. ОНТОГЕНЕЗНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИДА ИНСОННИНГ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

**Мавзу ўқув мақсади :**

**Таълимий:** бўлажак педагогларда туғилиш даври инкирози, пренатал, чақалоқлик, гўдақлик ва илк болалик даври психофизиологик, жисмоний шунингдек, ақлий ривожланишига хос хусусиятлар ҳақида илмий билимларни ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** бўлажак педагоглар онгига инсоннинг шахс сифатида шаклланишида пренатал ва чақалоқлик даври психофизиологик ривожланишининг аҳамиятини сингдириш.

**Ривожлантирувчи:** мавзунинг таълимий ва тарбиявий ўқув мақсадлари асосида талабалар дунёқарашини кенгайтириш, пренатал ва чақалоқлик давридаги болаларни психологик ривожланишини аниқлаш кўникма-малакаларини шакллантириш.

**Режа:**

- 1.Пренатал ва чақалоқлик давридаги психофизиологик хусусиятлар.
- 2.Гўдақлик даврида жисмоний ва психик тараққиётнинг кечиши.
- 3.Илк болалик даврида жисмоний ривожланиш.
- 4.Илк ёшдаги болаларнинг ақлий тараққиёти.

#### 3.1.Пренатал ва чақалоқлик давридаги психофизиологик хусусиятлар

Боланинг она қорнида пайдо бўлгандан туғилгунга қадар бўладиган ўзгаришлар ҳомиланинг пренатал ички ривожланишини ташкил этади. Ҳар бир давр она қорнида бўлажак фарзанднинг ривожланиш босқичига тегишли атама билан номланади. Она қорнида ривожланиш ўртача 38 ҳафта давом этади ва 3 босқичга, яъни зигота босқичи, эмбрион босқичи ва ҳомила босқичига бўлинади.

##### *Зигота босқичи (1-2 ҳафталик)*

Биринчи ҳафтанинг охирига келиб, зигота онанинг қон томирлари билан бирлашади, бу ҳодиса имплантация деб аталади. Имплантация жараёнининг тугалланиши учун икки ҳафта керак бўлади, шундан сўнг гармонал ўзгаришлар бошланади, бу ҳайз кўришнинг вақтинчалик тўхташига олиб келади, аёл кишига бу белги унинг ҳомиладорлигидан дарак беради. Зиготанинг айлана ўлчамлари 1 ммдан камроқ бўлади, унинг ҳужайралари бўлинишни бошлайди.

Ҳомила танаси муртак диски ҳужайраларидан ривожланади, бу босқичда муртак диски зигота марказида жойлашган ҳужайралар тўплами кўринишида бўлади. Бошқа ҳужайралар ривожланаётган организмни ҳимоя қилувчи ва озиклантирувчи асосли тўқималарни ҳосил қилиши зарур. Имплантация ва ҳужайраларнинг ажралиб ҳосил бўлиши зигота босқичининг тугалланиши белгилари бўлиб ҳисобланади. Зигота 36 ҳафта давомида муртақдан бола туғилишигача бўлган йўлни босиб ўтишга тайёр ҳолга келади.

### *Эмбрион босқичи (3-8 ҳафта)*


Бу она қорнида ривожланишнинг янги эмбрионал даври одатда муртақ ҳосил бўлгандан кейин учинчи ҳафтадан бошланиб, сакқизинчи ҳафтанинг охиригача давом этади. Бу вақт давомида тана тузилиши ва ички органлар ривожланади. Давр бошида эмбрионда уч қават хужайралар тикланади. Ташки қаватда - эктодермадон сочлар, терининг ташки қавати ва нерв тизими ривожланади. Ўрта қаватда - мезодермадон, мускуллар, суяклар ва қон томирлари тизими ҳосил бўлади. Ички қаватда ёки эндодермадон овқат ҳазм қилиш тизими ва ўпкалар ривожланади. Уч ҳафталик эмбрион билан сакқиз ҳафталик эмбрион солиштирилганда унинг кўринишида сезиларли ўзгаришларни кўришимиз мумкин. 3 ҳафталик эмбрион узунлиги 2 миллиметрдан ошмайди. Хужайраларнинг даражаларга бўлиниши бошланиб, организм кўпроқ саламандрани эслатади. Ўсиш ва ривожланиш тезлик билан амалга ошади, 8 ҳафталик эмбрионда кўзлар, оғиз, қўл ва оёқларни кўриш мумкин, мия ва нерв тизими ҳам жуда тез ривожланади, эмбрион юраги бир ой аввал ўз фаолиятини бошлаб юборган бўлади. Эмбрионда одамга хос органлар у ёки бу шаклда мавжуд бўлади, лекин унинг ўлчамлари онага сезиларли даража булмайди.

Эмбрионга амнион суюқлиги билан тўлган амнион қобиғи жойлашади. Амнион қобиғи эмбрионни ҳимоя қилиб, доимий ҳароратини таъминлаб туради. Эмбрион она билан икки тизимча орқали боғланган. Киндик тизимчаси эмбрионни йўлдош билан боғловчи қон томирларидан иборат. Йўлдошга қон томирлар киндик тизимчаси орқали онанинг қон томирларигача етиб боради, лекин бевосита улар билан бирлашмайди. Қон киндик қон томирларининг бармоксимон ўсимталари –килчалар орқали оқади. Қилчалар она қон томирларига бевосита яқин жойлашган, бу витаминларнинг ўтиши, шунингдек, она қонига алмашинув маҳсулотларининг диффузия механизми ҳисобига ажралиш имконини беради. Тана қисмлари ва организм тизимлари эмбрионал даврда шаклланади ва ҳомила босқичида ўз вазифаларини самарали бажара бошлайди. Тана қисмлари ва ички органлар ҳосил бўлиши билан она қорнида ривожланишнинг иккинчи муҳим босқичи ниҳоясига етади. Органларнинг ўз вазифасини бажара бошлаши навбатдаги охириги босқичга тўғри келади.

### *Ҳомила босқичи(9- 38 ҳафта)*

Ҳомила босқичи охириги ва энг узок давом этадиган босқич бўлиб, тўққизинчи ҳафтасидан бошлаб, туғруқ билан тугалланади. Бу вақтда ҳомиланинг тана ўлчамлари катталашади ва организм тизимлари фаолият юрита бошлайди. 4 ойликдан ҳомиланинг оғирлиги 113,4 граммдан 226,8 граммгача етади. Охириги 5 ойда ҳомиланинг оғирлиги 1984,5 граммдан 2268 граммгача ўлчамлари катталашиб боришини кўриш мумкин.

1. Тухумдон ва уруғдон дифференциацияси
2. Қон томир тизимининг фаолияти
3. Ҳомила ҳаракатининг онага сезилиши.
4. Ҳомила бошида соч қопланишининг ҳосил бўлиши .



5. Сўриш ва ютиш фаолияти.
6. Бош миянинг махсус фаолияти.
7. Ҳомиланинг ҳаётчан даври.
8. Огирилигини тезда кўпайтириб олиши.
9. Туғрук.

Бу даврда организм учун муҳим бўлган нерв, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш каби органларнинг шаклланиши тугалланади.

Бу даврнинг энг муҳим ҳодисалари куйидагилардан иборат.

- Уруғланишдан 5-6 ойдан сўнг ҳомиланинг қошлари, киприклари ва сочлари пайдо бўлади. Эмбрионал даврнинг охирига бориб, эркак эмбрионда уруғдон, қиз эмбрионда тухумдонлар ривожланади. Учинчи ойда уруғдонда ташқи жинсий белгилар ривожланишига таъсир кўратувчи гармонлар синтез қилишни бошлайди: қиз эмбрионда бу гармон синтезланмайди ва ўхшаш хужайралардан жинсий органлар ҳосил бўлади.

- 4-ҳафтада хужайралар қавати найсимон бўлиб ўралади. Найнинг бир учи кенгайиб, ундан бош мия ҳосил бўлади, қолган қисмидан орқа мия шаклланади. Ҳомила босқичи бошланишига келиб, бош мия таркибида турли тузилмалар бўлиб, организм функцияларини бошқаради. Бу босқичда миянинг барча соҳаларини ўсиши амалга ошади, хусусан, одам хулк- атворининг кўплаб муҳим турларини бошқарувчи бош мия пўстлогининг хусусиятлари ҳам ривожланади. Бу ўзгаришлар ҳомиланинг 22 ва 28 ҳафталар ўртасида ривожланаётган органларнинг кўпчиликтизими ишончли равишда фаолият юритга бошлайди, шунини учун ҳомила ҳаётининг бу даври ҳомиланинг ҳаётчан даври деб аталади. Бу вақтда ҳомила бола кўринишини олади. Вақтидан аввал туғилган болаларнинг нафас олиш органларида муаммолар туғилиши мумкин. Шунингдек, улар тана ҳароратини доимий тарзда бошқариб туrolмайдилар. Чунки, уларда тери ости қаватидаги ёғ қавати мавжуд бўлмайди. Бу қават ҳомиланинг 8 - ойида ҳосил бўлади. Ҳозирги замон неонатал ёрдамнинг имкониятлари ёрдамида эрта туғилиб қолган болалар яшаб қолиши мумкин. Ҳомила босқичида хулк- атвор пайдо бўлади, ҳомилада фаоллик даври кўринади. Кўпчилик оналар ҳомила ҳаракатчанлиги ва тинч вақтларини айтиб

беришлари мумкин. Ҳомиланинг кўз ва кулоқлари таъсирларга жавоб беради, юраги тезроқ уришни бошлайди, кўзлари ёруғликка пирпираш билан жавоб беради.

Бундай маълумотлар шундан далolat берадики, она қорнидаги охирга ойлар ҳомилани мустақил ҳаётга, яъни, она организмидан ташқи ҳаётга тайёрлаб беради, бу ўзгаришлар ҳомиладор аёл ўзининг бўлажак фарзандига соғлом атроф-мухитни таъминлагандагина амалга ошиши мумкин.

Соғлом бола туғилиши учун бўлажак оналарга врачлар асосий 5та тавсияни таъкидлаб ўтадилар:

1. Ҳомиладор аёл даволовчи врач кўригидан мунтазам ўтиб туриши, ҳар ойда, ҳомиладорликнинг охирида ҳар ҳафтада врач қабулига бориб туриши шарт.

2. Ҳомиладор аёл тўғри овқатланиш тартибига роия қилиши шарт. Асосий озуқа 5та асосий маҳсулотлар гуруҳидан: ёрмалар, мева ва савзавотлар, сут маҳсулотлари, гўшт ёки дуккакли ўсимликлардан тайёрланган озуқалар бўлиши керак. Барча витаминлар, минераллар ва темир моддалардан иборат таомларни тановул қилишлари керак.

3. Алкогол ва кофеин тутувчи ичимликларни истеъмол қилиш, чекиш тавсия этилмайди. Бирор бир дори-дармон ёки тиббий муолажани қабул қилишда аввал врач билан маслаҳатлашишлари керак.

4. Ҳомиладорлик даврида бадан тарбия билан шуғулланиш зарур. Агар ҳомиладор аёл яхши жисмоний ҳолатда бўлса, тана қўшимча оғирликни кўтаришда қийинчиликка учрамайди.

5. Ҳомиладор аёл ўзининг толиқиб қолишига йўл қўймаслиги, айниқса, ҳомиладорликнинг охириги ҳафталарида, махсус машғулотларга қатнашиши зарур. У ерда аёлларни туғруққа ва янги туғилган чақалоқларни парвариш қилишни ўргатадилар.

Бола ҳаётининг ҳар бир оyi унинг жисмоний ва психик имқониятларининг шаклланишидаги муҳим даврдир. Икки, уч ойлик бола ҳам янги туғилган чақалоқдан анча фарқ қилади, уч яшар бола эса ўз таракқиёти билан бир яшар боладан бирмунча устун туради. Илк болалик даврда боланинг шахси, характери, хулқ-атвори маълум даражада таркиб топади. Шу сабабли боланинг маълум даврдаги ривожланиши хусусиятларини таҳлил қилганда, бу ривожланишнинг олдинги босқичларда қандай бўлганлигини билиш керак. Бу фақат боланинг ривожланиш жараёнини такомиллаштириш ва тезлаштириш учун эмас, балки ана шу жараённинг бола кучига яраша ва ёш имқониятига мос келадиган бўлишини таъминлаш учун ҳам керакдир.

Педагогик тажрибаларга ва мавжуд психолого-физиологик текшириш натижаларига асосланиб мактабгача ёшдаги болаларнинг психик таракқиёти қуйидаги ёш босқичларига ажратилади. (Бунда бола туғилгандан тортиб, то мактабда ўқий бошлагунча бўлган давр ҳисобга олинади.)

1. Туғилгандан бир ёшгача: чақалоқлик даври (ҳаётининг биринчи оyi); ҳаётининг биринчи й. - гўдақлик даври.

2. Бир ёшдан уч ёшгача: илк болалик даври.

3. Уч ёшдан етти ёшгача: мактабгача бўлган давр.

Бола психикаси тараққиётининг мана шу кўрсатилган даврлари умуман қабул қилинган бўлса ҳам, бу даврларни абсолют давр деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ёш даврларига ажратишда қатъий чегара йўқ. У ҳеч ким йил фаслларининг алмашинуви оғирлиги ва соатини кўрсата олмаганидек, одам ҳаётининг даврлари ўртасидаги чегарани ҳам аниқ ажратиш мумкин эмас. Шунинг учун юқоридаги даврларга ажратишни абсолют деб бўлмайди.

Бола туғилди. Она организми билан анатомик боғланиш узилган бўлса-да, бола мустақил ҳаёт кечира олмайди, чунки бола она билан физиологик жиҳатдан боғлангандир, она уни ўз сути билан боқади. У янги, ўзгача муҳитда яшай бошлайди. Бола ҳаётининг биринчи кунлари туғилганидаги оғирлигини йўқотади. Бунга ташқи дунё шароитига мослашиш даврида энергиянинг кўплаб сарфланиши сабабдир. Бола организмнинг, маълум вақт ўтиб, туғилган давридаги оғирлигига тенг келиши унинг ташқи муҳитга, янги шароитга мослашганлигидан дарак беради. Одатда чақалоқнинг оғирлиги 10—12 кун ўтгач, асли ҳолига келади.

Янги туғилган бола анатомик-физиологик томондан ҳали етилмаган бўлиб, катта киши организмидан ўзига хос томонлари билан фарқ қилади. Янги туғилган бола суяк-мускул тизимининг тез ўсиши билан катталардан кескин фарқ қилади. Уларнинг мускул ва мускул тўқималари жуда бўш бўлади. Мускуллар аста-секин қота бошлайди. Олдин бўйин мускуллари (бола бошини тутта бошлайди), кейин тана мускуллари (бола ўтира олади), ундан кейин эса оёқ ва қўл мускуллари етилади, предметлар билан ҳаракат қилиш имконияти пайдо бўлади, бола юра бошлайди.

Янги туғилган боланинг суягида оҳак ва бошқа тузлар кам бўлиб, у асосан тоғай тўқималаридан иборатдир. Бош суяклар бола 2-3 ойлик бўлгандагина бир-бири билан тутшиб кетади. Бош суягининг пешона ва тепа қисмлари тепасида катта ликилдоқ деб аталадиган оралик бўлиб, у қалин парда ва тери билан қопланган бўлади. Бу оралик бир-бир ярим йилдан кейингина суяк билан қопланиб кетади.

Янги туғилган бола нерв тизимининг юксак қисми — бош мия ярим шарлари ташқи кўринишдангина катталар миясига ўхшайди. Аслида чақалоқнинг боши катта кўринса-да (мия оғирлиги бутун тананинг саккиздан бирини, катталарда эса қирқдан бирини ташкил этади), ҳали тараққий этмаган бўлади. Танасининг умумий оғирлиги 3-4 килограмм бўлгани ҳолда, миyaning оғирлиги 300 граммдан ошади. Чақалоқ миясидаги нерв хужайралари, «арикчалар» ва «излар»нинг сони катта кишилар миясидан фарқ қилмайди, аммо бола мияси тузилиш жиҳатидан бир шаклда бўлиб, «излар» аниқ кўринмайди, нерв хужайралари тармоқларининг микдори кам бўлади.

Нерв толаларининг бир-бирдан етарли даражада ажралмаганлигидан ташқи оламдан келаётган ўзгаришлар бошқа нерв марказларига ҳам таъсир этади, бош мия ярим шарларида ҳеч қандай аниқ ва барқарор ўзгариш жойлари пайдо бўлмайди. Унинг учун чақалоқ ташқи кўзгочилар таъсирига



қўл, оёқ ва бошини тартибсиз ҳаракат қилиб жавоб беради. Миянинг энг «кадимий» бўлимлари нафас олиш, қон айланиши, эмиш, ютиниш каби жараёнларни таъминлайди. Бу нерв толалари боланинг яшаши учун етарли миқдорда (нерв толаси) миелен қобиғи билан қопланган.

Чақалок бола бизга энг ожиз зотдек туюлади. Шунга қарамай, худди шу ёшнинг ҳам кучли томони бўлиб, бу жихати билан гўдақлар катталардан устун туради.—деб таъкидлайди профессор Е. А. Аркин. Унинг фикрича, боланинг кучи унинг ўсиш энергиясида намоён бўлади. Бола танасининг оғирлиги ҳаётининг биринчи йилида уч баробар кўпаяди, бўйга нисбатан етти ойлик бола жуда тез ўсади ва саккиз ойлик бўлганда, бўйи икки баробар ортади, ўттиз ойга етганда тўрт марта ортади. Болалар ҳар ойда 2 сантиметр ўсади. Унинг мия оғирлиги ҳар куни 1,5 граммдан кўпаяди. Миянинг ривожланиши суръати ҳақида гапирганда шуни эътиборга олиш керакки, етти ойлик боланинг мияси 2 марта кўпайса, 2-3 ёшга келиб, унинг оғирлиги уч марта ортади. Миянинг катталиги деярли 20 йил мобайнида ортиб боради, катта ярим шарларнинг устки «излари» мураккаблашиб боради. Болаларнинг ўсишидаги бу қадар улкан жадаллик вегетатив нерв тизимида, бир қатор ички секреция безлари (бўқок бези ва бошқалар)га боғлиқ.

Ички секреция безлари ишлаб чиқарадиган махсус гармонлар қонга ўтиб, организмнинг ўсиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Гўдақларнинг бу қадар тез ўсиши ушбу даврнинг ўзига хос томонини ифодалайди. Шунинг учун бу даврда боланинг ўсишига ва ривожланишига таъсир этадиган барча нарсалар яхши бўлиши, сифатли овқат, соф ҳаво, кўёш нури етарли миқдорда бўлиши керак.

Боланинг нерв фаолияти икки хил таъсирда ўз ифодасини топади. Буларнинг биринчисига шартсиз ёки туғма рефлекслар, иккинчисига эса шартли рефлекслар киради. Шартсиз рефлекслар боланинг туғилиш пайтига келганда, анча етилган бўлади, бунинг натижасида қон айланиш, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш сингари энг зарур вегетатив функциялар амалга оширилади. Масалан, қорни очган чақалокнинг лабига бир нарса тегиши биланок, унда эмишни билдирувчи ҳаракатлар пайдо бўлади, бу овқатланиш рефлекси, яъни шартсиз рефлексдир.

Юқорида қайд қилинганидек, туғилиш даврида бош мия катта ярим шарлари оғирлиги, ҳажми ва функцияси жиҳатидан ривожланган даражада бўлмаса ҳам, бош мия мавжуд шартсиз рефлекслар заминиде янги туғилган бола билан ташки муҳит ўртасида энг зарур алоқалар ўрнатиш имкониятини берадиган элементар шартли рефлекслар ҳосил қилишга кодирдир.

Бола ҳаётининг биринчи кунларидан бошлаб индивидуал ҳаёт кечириш жараёнида ташқи муҳит билан алоқа вужудга келади. Бола ҳаётининг иккинчи ойида унда барча сезги органларига хос шартли рефлекслар ҳосил бўлади. Лекин тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, бола ҳаётининг бу давридаги рефлекслар заиф ифодаланган ва беқарор бўлади.

Боланинг ўсиши ва ривожланиши жараёнида эгаллаётган реакциялари барқарор бўла боради, тез пайдо бўла боради ва анчагина дифференциялашади.

Модомики, болада шартли рефлекслар ҳаётининг биринчи ойларида пайдо бўлар экан, бола тарбиясини ҳам ҳаётининг биринчи ойларида бошлаб тўғри ташкил этиш лозим. Бу эса боланинг ривожланиши ва хулқ-атворида салбий хусусиятлар келиб чиқмаслигининг олдини олади, бола таракқиётининг нормал бўлишини таъминлайди. Марказий нерв тизимининг руҳий бўлимлари ролининг ортиб боришини асосий нерв жараёнлари — кўзғалиш ва тормозланишнинг ифодаланишида аниқроқ кўриш мумкин бўлади. Одатда тормозланиш икки турда: ички ва ташқи турга ажратилади. Ички тормозланишнинг энг ёрқин ифодаси уйқудир. Тормозланишнинг ташқи ифодаси болани тарбиялаш туфайлигина ҳосил бўлади. Бунинг учун асосий озуқа (масалан, сут) билан бирга, болага яна бошқа кўшимча (доимо сут ичириладиган шишачани алмаштириб қўйиш) ҳам таъсир этади. Чақалоқ туғилгандан бошлаб унинг атрофидагилари ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар. Улар бола организмни жисмоний парвариш билан таъминлайдилар, ўргатадилар, тарбиялайдилар, инсоний психологик ва ахлоқий жиҳатларни ўзлаштиришга, жамиятда яшаш шароитларига мослашувига ёрдам берадилар. Болани ота-оналар ва катталар томонидан қўллаб-қувватлаш, туғилишидан бошлаб, токи бола катта бўлиб, мустақил ҳаёт тарзини кечира олгунча давом этади.

Чақалоқ туғилгандаёқ амалда қўллашга тайёр бўлган сенсор ва ҳаракат малака инстинктларига эга бўлади, бу унинг оламга мослашиб олиб ўз ривожланишида тезгина ўсиб кетишга ёрдам беради. Чақалоқда туғилганидан бошлаб, масалан, кўпгина мураккаб ҳаракатлар, асосан организмни етилиш жараёнида генетик берилган дастур асосида, шунингдек, рефлексор, яъни бу ҳаракатлар дастури калити сифатида кодланган ўзига хос ички ва ташқи рағбатлар таъсирида ҳаётининг биринчи соатларидан кейин махсус тайёргарликсиз, дарҳол юзага келади. Гўдаклик даври инсон ҳаётидаги органик эҳтиёжларни (кислородга, овқатга, иссиқ ёки совуққа) қондиришга нисбатан йўналтирилган хатти-ҳаракатларнинг туғма, инстинктив шакллари соф ҳолда кузатиладиган ягона давр ҳисобланади. Инсонга хос бўлган хатти-ҳаракатларни ва янги тажрибаларни эгаллаш учун бекиёс имкониятларнинг борлиги гўдак ёшидаги болаларнинг асосий хусусиятларидандир. Органик эҳтиёжларнинг етарли даражада қондириб борилиши, тўғри ташкил этилган кун тартиби, режим ва тўғри тарбия натижасида бола психик ривожланиши учун асос бўладиган таассуротларга эга бўлишига, ҳаракатга, мулоқотга, нисбатан янги турдаги эҳтиёжлар туркуми юзага келишига сабаб бўлади. Бола туғилишининг биринчи ҳафтасиданок, унинг кўриш ва эшитиш сезгилари жадал суръатда ривожланади.

Туғруқхоналарда болалар ҳаётларини биринчи кунидаяқ кундузги ёруғлик тушиб турган дераза тарафига юзи билан инстинктив бурилади.

Ўтказилган тадқиқотлардан аниқландики, туғилганига бир ярим сутка бўлган бола миясида қўрув органига рангли қўзғатувчилар таъсирига жавоб потенциалларини кўриш мумкин. Бу вақтга келиб мияда шартли рефлекслар шаклланиши юзага келади.

Ҳид билиш энг муҳим сезги органи сифатида у туғилгандан кейин дарҳол ишлай бошлайди. Шундай ўзига хосликка оддий кўриш, ҳаракат ва эшитиш ҳам эга. Бола ҳаётининг бошланғич икки ойида оғзини четига қандайдир предмет билан тегинганда, бунга жавобан рефлектор ўгирилиш қобилиятини намоён этади, бармоқлари устига тегилса, уларни каттиқ сиқиб олади, кўллари, оёқлари, боши билан умумий координатлашмаган ҳаракатларни амалга оширади. Унда яна ҳаракатланаётган объектларни кўзи билан кузатиш, улар томонига бошини ўгириш қобилияти ҳам мавжуд.

Чақалоқ нарсаларнинг мазасини ажрата олади. У бошқа нарсалар мазасига қараганда ширин суюқликни хуш кўради ва ҳатто ширинлик даражасини аниқлай олади. Чақалоқ ҳидларни сезади, уларга бошини буриш, юрак уриши ва нафас олиши частотасини ўзгариши билан жавоб беради. Яна бола организмига ўзини сақлаш ва ривожланишига ёрдам берувчи жараёнлар гуруҳи туғма равишда берилишини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир. Улар овқат ҳазм қилиш, қон айланиш, нафас олиш, тана ҳарорати, моддалар алмашинуви жараёнлари ва ҳоказоларни бошқариш билан боғлиқ. Шубҳасиз, сўриш, ҳимоявий, мўлжал олувчи, ушлаб олувчи, таянч ҳаракати ва қатор бошқа рефлекслар туғма ҳисобланади, буларни барчаси бола ҳаётининг иккинчи ойида аниқ кўринади.

Ўткир ёруғликдан бола «бевосита» таъсирланади, яъни ўткир ёруғликка қарай олмай, ундан кўзини юмади. Предметларни кўз билан идрок қила олмайди, чунки уларда кўриш механизми ҳали ўсиб етмаган бўлади, бу механизмлар каттароқ ёшда пайдо бўлади. Етти - тўққиз кунлик бола баъзан секин ҳаракатланаётган предметга қараб қолади, лекин узок вақт қаролмайди. Кўзини бир нуктага қаратиш психик тараққиётда муҳим рол ўйнайди. Бола икки-уч ойлик бўлганда, яқинидаги предметларни икки кўзи билан кузата олади, унда асосий ранг ва шаклларни фарқ қила олиш қобилияти пайдо бўлади. Олти ойлигида у рангларга нисбатан ўз муносабатини ҳам билдира бошлайди, ёққан рангига интилса, ёқмаганини итаради, ундан юзини ўгиради. Янги туғилган боланинг эшитиши заифроқ бўлади, шунга кўра у ҳали ўзи эшитиб, одатланиб қолмаган жуда кучли кўзғовчиларга жавоб беради, лекин овознинг қайси томондан келаётганлигини ажрата олмайди. Бола иккинчи ойининг охирларига боргандагина эшитаётган товушига эътибор бера бошлайди, товушнинг қаердан келаётганини қидириб, у ёқ бу ёққа қарайди. Товуш манбаини топишни ўрганган уч ойлик бола гапираётган кишини ўз кўзлари билан тез топиб олади, ўша томонга қараб, гапирувчига ўз муносабатини ифодалайди. Ана шу вақтдан бошлаб, унинг теварак-атрофига бўлган муносабати анча кенгая боради.

Боланинг тобора диққат билан эшита ва кўра бориши унинг умумий тараққиёти учун катта аҳамиятга эгадир. Лекин кўриш, эшитиш ва бошқа анализаторлар фақат боланинг теварак-атроф билан ўзаро муносабатига бўлиши натижасида такомиллашади. Боланинг ўз кўзи билан кўра олиши маълум ҳаёт тажрибаси натижасидир. Боланинг эшитиш орқали идрок этиши ҳам олдиндан товушларни ажратишга ва уларни синтез қилишга ўрганиб

боради. Боланинг эшитиб билиб олиши шартли боғланишларнинг сифатига боғлиқдир. Янги туғилган болада диққат қилиш қобилияти бўлмайди. Унда турли кўзговчилар таъсирида аста-секин ихтиёрсиз диққат ривожланиб боради. Боланинг тасаввур доираси қанча қисқа бўлса, унинг ўзи учун таниш ва янги бўлган предметга нисбатан диққати шунча интенсив ва давомли бўлади. Диққатнинг психик таъсири маълум, у сезги комплексини идрокка айлантириб, психик жараёнларнинг ўтишини кучайтиради ва тасаввурларнинг хотирада мустаҳкам сақланишига ёрдам беради.

Бола организмга ўзини сақлаш ва ривожланишига ёрдам берувчи жараёнлар гуруҳи туғма равишда берилишини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир. Улар овқат ҳазм қилиш, қон айланиш, нафас олиш, тана ҳарорати, моддалар алмашинуви жараёнлари ва ҳоказоларни бошқариш билан боғлиқ. Шубҳасиз, сўриш, ҳимоявий, мўлжал олувчи, ушлаб олувчи, таянч ҳаракати ва қатор бошқа рефлекслар туғма ҳисобланади, буларни барчаси бола ҳаётининг иккинчи ойида аниқ кўринади.

Туғилганидан бошлаб боланинг нафақат сезги органлари ишлашга тайёрлиги маълум бўлмай, балки бош мияси ҳам фаол ишлай бошлайди. Оналар чақалоқнинг фақатгина психика ва ҳулкнинг туғма шакллариинигина билмасдан, балки организмни табиий ривожланиш жараёнини ҳам билиши керак. Ҳаётининг *биринчи ойларида ҳаракатларнинг ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга.*

Чақалоқ моторикаси туғилганидан бошлаб етарлича ташкилийликка эга, у ҳолатларни бошқаришга мўлжалланган кўпгина механизмларни ўз ичига олади. Чақалоқда кўпинча оёқ-қўлларининг юқори ҳаракатчанлик фаоллиги пайдо бўлади, бу келажакда координатлашган ҳаракатларни мураккаб мажмуини шаклланишида ижобий аҳамиятга эга. Чақалоқ болаларда қўл-оёқлар букилиб, бармоқлар мушт бўлиб туради.

Ҳаётининг биринчи ойларида, бола безовталанган пайтларда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати жуда бетартиб, бир-бирига мослашмаган, беихтиёр ҳолда бўлади. Кейин ҳаракатлар аста-секин «онгли»лашиб боради ва бу ҳаракатлар янги сезгиларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади, бу мураккаброқ ҳаракатларга ўтишни тайёрлайди. 3-3,5 ойлик бола, унда ҳали аниқ координациялашган ҳаракат бўлмаса ҳам, қўлларини ўйинчоқларга узатади. Аниқ координациялашган ҳаракат 4 ойли болада яхши кўринади. Бола ўйинчоқни бемалол қўлига ололади. Уни тутиб олиб, у-бу ёғига қарайди, оғзига тегизиб кўради ва шу йўл билан кўллаб ҳар хил таассуротлар олади. Икки ойлик бола, қорни билан ётқизиб қўйилса, бошини кўтара бошлайди. Уч ойликда эса ётган ҳолда тирсагига тираниб туради ва бемалол у ёқ-бу ёққа қарай олади. Шу билан бирга, қўлтиғидан тутиб турилса, оёғида туради. 8-8,5 ойлигида бошқаларнинг ёрдамисиз ўтира олади, эмаклайди ва бирор нарсага суяниб оёғида тура олади. 12-13 ойлигида ўтириб, тура олади, бировнинг ёрдамисиз қадам қўя олади, демак, бола юра бошлайди. Боланинг вақтида юриб кетмаслигига саломатлигининг ночорлиги, чақалоқлигида кўп касал бўлганлиги ва умумий ҳаракат ҳамда сезги органларининг кеч ривожланиши сабаб бўлади.

Боланинг ҳаракатлари ривожланиши ҳаётини биринчи йилида жудаям тез маромда кечади, ўн икки ой ичида эришилган тараққиёт ҳайратланарли.

Чекланган кўл-оёқ, бошни туғма умумий элементар ҳаракатлар тўпламидан иборат имкониятга эга бўлган, амалда ёрдамга муҳтож мавжудотдан бола кичкина одамга айланади, у нафақат икки оёқда осон турувчи, балки муҳитда нисбатан озод ва мустақил ҳаракатланувчи оёқлар ҳаракати билан бир вақтда локомоциялардан озод фазода (ҳаракатни таъминловчи функциялар) кўл билан мураккаб бошқарув ҳаракатларини ва атрофдаги оламни тадқиқ этишга мўлжалланган ҳаракатларни амалга ошира олади. Янги туғилган болада диққат қилиш қобилияти бўлмайди. Унда турли қўзғовчилар таъсирида аста-секин ихтиёрсиз диққат ривожланиб боради. Боланинг тасаввур доираси қанча қисқа бўлса, унинг ўзи учун таниш ва янги бўлган предметга нисбатан диққати шунча интенсив ва давомли бўлади. Диққатнинг психик таъсири маълум, у сезги комплексини идрокка айлангириб, психик жараёнларнинг ўтишини кучайтиради ва тасаввурларнинг хотирада мустаҳкам сакланишига ёрдам беради.



### 3.2. Гўдаклик даврида жисмоний ва психик тараққиётнинг кечиши

Гўдаклик даври - бу боланинг ҳимоясиз, кам ҳаракат, атрофидаги ходисаларга жуда кам реакцияси бўлган боладан жуда жадал равишда ривожланадиган, фаол, тез илғайдиган, ҳаракатчан, ёрдамга чакира оладиган қувноқ болага айланиш давридир. Гўдак ёшидаги бола ҳам жисмонан, ҳам психик, ҳам ижтимоий жиҳатдан жуда тез ривожланади. У қисқа вақт ичида катталар билан муносабат ўрнатади, предметларни ушлашга ва улардан фойдаланишга ўрганади. У атроф-оламдаги нарсаларни кузатади, предметларни кўли билан ушлаб, уларни қандайлигини билишга интилади, товушларга эътибор беради ва предметларни ҳаракатлантириш ёрдамида шу товушларни ўзи яратишга ҳаракат қилади. У ўз онаси ва бошка яқинлари билан эмоционал муносабатга киришади. Жуда қисқа вақт ичида, катталарнинг яқин келишидан қувонадиган болага айланади.

Илк ёшдаги боланинг ҳаракат фаолияти унинг ривожланиш даражасини ва нерв тизмининг функционал ҳолатини акс эттиради. **Н.Д. Левитов**нинг кўрсатишича, янги ҳаракатларни эгаллаш анализаторларнинг ри-

вожланиши билан чамбарчас боғлангандир, зотан кичкина бола оламини сезиш ёрдами билан биладиган мавжудот бўлганлиги сабабли, ҳаракатларнинг ўз вақтида тараккий этиши боланинг умумий психик таракқиётини кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади. Илк ёшдаги болаларнинг мушуқлари жуда бўш бўлади.

Гўдаклик ёшида болаларни ҳаракат кўникмалари, айниқса қўл ва оёқларнинг мураккаб сенсор координатлашган ҳаракатлари тез шаклланади. Бу ҳаракатлар кейинчалик болаларни билиш ва ақлий қобилиятларини юзага келишида жудаям сезиларли роль ўйнайди. Бола қўл ва оёқ ҳаракатлари ҳисобига олам ҳақида ахборотларни аҳамиятли қисмини олади. Қўлнинг мураккаб ҳаракатлари идрокнинг бирламчи шаклига киради ва одамнинг ақлий фаолиятини мукамаллашувини таъминловчи унинг ажралмас қисмига ақланади. Бола қўлининг катта импульсив фаоллиги ҳаётининг биринчи ҳафтасида намоён бўлади. Бу фаоллик қўлларни силкитиш, ушлаш, бармоқлар ҳаракатларини ўз ичига олади. Бола 3-4 ойлигида предметларга қўл узата бошлайди, катталарнинг ёрдами билан ўтиради. 5 ойлигида у ҳаракатсиз предметларни қўли билан ушлай олади. Бола ҳаракатланаётган нарсани кузата бошлайди. У турли овозларга, жумладан, катталарнинг товушларига эътибор бера бошлайди.



Гўдаклик давридаги боланинг ҳаёти тўлиқ катталар билан ҳамкорликдаги эмоционал муносабат билан боғлиқ бўлиб, бола кайфиятининг яхши бўлишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. 4-5 ойлигидан бошлаб, бола ўз яқинларини бегоналардан ажрата бошлайди. Катталар билан эмоционал муносабат шу ёшдаги болаларнинг асосий етакчи фаолияти бўлиб, бола психик таракқиётининг асоси бўлиб ҳисобланади. Катталарнинг доимий равишда бола билан бирга бўлишларига унга ўз диққатларини қаратишларига одатланиши, унинг ўйинчоқларга нисбатан қизиқишининг сусайишига олиб келиши мумкин. Тарбиянинг тўғри олиб борилиши боланинг катталар билан

бўладиган муомала-муносабатини предметлар, ўйинчоқлар билан муносабатининг алмашилишига олиб келади. Катталар ёрдами билан бажариладиган барча хатти-ҳаракатлари боланинг келгуси психик ривожини учун асос бўлади. Катталарнинг болага нисбатан эмоционал муносабати, уларнинг гапларига боланинг ўз диққатини қаратиши, жавоб кайтаришига ҳаракат қилиши, баъзи сўзларни ёдида саклаб қолиб, эмоция билдириши, диққат, хотира, нутқ ва бошқа билиш жараёнларининг ривожланишига замин бўлади. Икки ойлик даврдан бошлаб болада оддий рангларни ажратиш, 3-4 ойлигидан бошлаб, эса предметларнинг шаклини ажратиш лаёқати юзага кела бошлайди.

Гўдак бола 2 ойлик вақтидан бошлаб, ўз онасининг юзини ва овозини ўзгаларниқидан ажрата бошлайди. 2-3 ойликдан бошлаб эса, онасининг табассуми ва кулгусига табассум ва турли ҳаракатлар билан жавоб кайтаради.

3-4 ойлигидан бошлаб, болалар яқинларига ўз ҳаракатлари билан кўриш, эшитиш ёки гапиришни хоҳлаётганлигини кўрсатадилар. 8 ойлигидан бошлаб эса, бола ўзгача муҳит ва бегоналар кўлига тушса, ўз хавотирини йиғиси орқали намён этади. Бу хавотир 14-18 ойлигида аста-секинлик билан камая бошлайди.

2-3 ойлик болаларда юзага келадиган нарсаларни ушлаб олиш ҳаракатларининг шаклланиши уларда предметларнинг шакли ва ҳажмини идрок қилишларини ривожланишига олиб келади. Бир ёшга етган болада атроф муҳитни билишга қизиқиши ва ривожланаётган билиш фаолиги кўзга ташланади.

### **3.3. Илк болалик даврида жисмоний ривожланиш**

Илк болалик даври: гўдақлик даврдан сўнг ривожланишнинг янги босқичи - илк болалик (1-3 ёш) даври бошланади.

Илк болалик даври бола ҳаётидаги энг аҳамиятга молик, унинг келажакдаги психологик ривожланишини белгилаб берувчи муҳим давр ҳисобланади. Бу даврдаги ривожланишнинг асосини боланинг тўғри юриши, мулоқотга киришиши ва предметли фаолиятни эгаллаш хусусиятлари ташкил этади. Тикка ва тўғри юра олиш имкони болани, доимий равишда янги маълумотларни эгаллашга замин бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз хатти-ҳаракатлари билан жуда фаол ва катталар билан мулоқотга киришишга интилувчан бўладилар.

Юришни ўрганиш боланинг жисмоний ўсиши учунгина эмас, балки унинг психик тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Боланинг мустақил ҳаракат қилиши - юриши туфайли кўплаб предметларга дуч келади, уларнинг нималарга ишлатилишини «амал»да кўриб билади ва ўзи ҳам улардан керакли ўринда фойдалана бошлайди. Бола юришни ўргангач, фазони ҳам била боради. Кичкинтой болалар «яқиндаги» фазони кўлларининг ҳаракати ёрдамида билиб оладилар, бунда кўз ҳам иштирок эта

бошлайди. Боғчагача ёшдаги бола «узокдаги» фазони ориентировка қила бошлайди. Бола юра бошлаганда, ўз оёғи ёрдамида масофа ва йўналиш билан танишади, унинг кўз, қўл ва оёқларининг ўзаро келишиб ҳаракат қилиши, бошланғич кўз ўлчови ўсади ҳамда масофа ва предметларнинг турган жойларини бирмунча аниқ айтиб бериш кўникмаси вужудга келади.

Боғчагача бўлган ёш даврининг биринчи ярмида болалар предметлар билан ҳаракат қилиб, танишиб борадилар. Ҳаракатларнинг барча координацияси болада барқарор диққатнинг ривожланишига, идрокнинг аниқ бўлишига ва ирода кучининг ўсишига олиб келади. Аммо болаларнинг ҳаракатлари катталарнинг ҳаракатларига тақлид қилиш характериға эга бўлади. Бирор бир ҳаракатни ўз вақтида ўзлаштириши билан бола уни аста-секин мустақил бажара боради, бу ҳаракат унда дадиллик, ишонч ва сабр-матонатлилиқ каби ижобий ҳислатларнинг таркиб топишиға ёрдам беради. Бола ҳаётининг учинчи йилида, яъни организмнинг интенсив ўсиши ва ривожланиши даврида ҳаракатларнинг кам бўлиши боланинг умумий ўсишиға салбий таъсир этади. Шу сабабли асосий ҳаракатлар (юриш, югуриш, предметларға тирмашиб чиқиш) билан биргалиқда, қўл ҳаракатларининг ҳам тўғри ва ўз вақтида ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш зарурдир. Боланинг ҳаракатларини асосан унинг кундалиқ фаолияти жараёнида ўстириб боришға эътибор бериш керак. Масалан, мустақил равишда ювиниш, кийиниш, овқатланиш, гигиеник машқлар, ўйин ва бошқалар.

Ҳар хил ҳаракатларни бажариш ва предметлар билан ҳаракат қилиш теварак-атрофдаги оламни билишға олиб келади. Бола предметларнинг фазодаги ўрни, жойланиши, сифати, ҳажми, шакли ва ҳолатлари билан танишади. Буларнинг ҳаммаси сезги органларининг ўсишиға ижобий таъсир этади. Бир ёшлиқ бола нисбатан яхши ривожланган сезгирликка эгадир. Бола боғча даврининг бошланишида баъзи товушларни, ўзига яқин кишиларнинг овоз темпини аниқ ажрата олади, баъзи бир нарсаларнинг таъми ва ҳидини фарқ қилади, рангларни таний бошлайди. Бу ёш даврида кўриш ва эшитиш анализаторларининг ривожланиши айниқса юксак даражаға этади. Бола асосий рангларни бир-биридан фарқ қилади. Лекин болага рангларнинг номини айтишға қараганда, уларни бир-биридан ажратиш осонроқдир. Болалар рангларни билсалар ҳам, бу соҳадаги ўз билимларидан етарли даражада яхши фойдалана олмайдилар. Болалар қизил рангни осонлик билан ажрата оладилар-у, бинафша рангни ажратишда кўпинча янглишадилар. Кўпинча болалар ҳар бир рангнинг тусини, товланишини яхши ажрата олмайдилар.

Бу ёшдаги болалар учун идрок қилинаётган предмет образларининг бир-бириға ўхшашиб кетиши характерлидир. Масалан, улар олмани биладилар, олма болага бир бутунлиғича таниш, лекин бола олманинг рангини ҳам, шаклини ҳам алоҳида ҳолда ажрата олмайди. Предметни ҳар томонлама кўра билиш, яъни уни қисмларға ажратиш, белги ва турларига қараб фарқлаш — уни анализ қилиш демақдир. Бу эса болага бутунлиқни тушуниш имконини беради. Шу сабабли, болаларни янги предметлар билан таништирганда, уларни бир-биридан ажратиб турадиган шакли, ранги ва



қисмларига эътибор бериш лозим. Мана шундай тарбиявий таъсир натижасида болаларнинг предметлар ҳақидаги тасаввурлари ўсади. Бола бир ярим ёшга борганда, ўзлари тез-тез учратиб турган предметларни, уларнинг ранги, ҳажми, шаклининг ўзгаришидан қатъий назар, ҳатосиз таниб оладилар. Бола икки ёшга тўлай деганда, таниш қуй ва товушларни билиб олади. Борлиқни билиш жараёнида бола ўз ҳаётида ва теварак-атрофидаги кишилар турмушида ўрнатилган тартибни тушуна бошлайди. Бу оламни билишнинг энг муҳим томони бўлган замон - вақтни билиб олиши учун асос бўлади. Боланинг организми маълум тартибга кўника бошлайди, бу вақт билан танишишдаги дастлабки қадамдир. Кейинчалик болалар табиат ҳодисалари ва одамларнинг кундалик ҳаёти сингари тушунчаларни англай бошлайдилар. Албатта, бунинг учун катталар болаларнинг эътиборини ҳаётнинг муҳим белгиларига қаратиши лозим. Боланинг ҳар бир сезган ва идрок этган нарсалари ўзига хос сезгилар билан мустаҳкамланиши керак. Сўз боланинг кўраётган предметларини тушуниб олишини осонлаштиради, предметни сўз ёрдамида билиб олиш кўз ва қулоқ ишини кучайтиради.

Боланинг ақлий жиҳатдан ўсишида макон ва замон ҳақидаги тушунчаларни англашга ёрдам берадиган сўзларни ўзлаштириб олиши муҳимдир. Предметлар ўртасида мавжуд бўлган ҳар хил фазовий белгиларнинг (масалан, катта оралиқ, тор оралиқ) ва турли фазовий муносабатларнинг номларини (ўнгда, чапда, орқада, бир қаторда) билиб олиш натижасида болалар предметлар ўртасидаги бу муносабатларни ажратиб олишга ўрганадилар. Шу тариқа, нутқ предметларнинг белгиларини дифференциялаш ва умумийлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Лекин, шу билан бир қаторда, сўз биринчи сигнал системаси билан бевосита боғланмоғи лозим. Икки-уч яшар болалардаги идрок ўзининг етарли даражада ўсмаганлиги ва беқарорлиги билан ажралиб туради ҳамда бир кузатиш объектидан иккинчи кузатиш объектига тез-тез кўчиб туриши билан характерланади. Ялтироқ, чиройли, кўзга тез ташланадиган предметлар бола диққатини ўзига жалб қилади. Боғчагача бўлган ёш давридаги болалар идрокларини кўйилган вазифа асосида ташкил эта олмайдилар, улардаги бу хил идрок жуда қисқа муддатли бўлади. Ўзларидан узоқда турган предметларни идрок қилишда айниқса кўп хато қилади. Болада идрок аста-секин мустақиллашиб, маълум мақсадга таянган бўлади, кузатувчанлик ривожлана боради. Бола ўзини қизиқтираётган нарсага узоқ вақт қараб, уни кузатиши, ўша предмет тўғрисида бирор нарсани сўраши мумкин.

Лекин бола ҳали предмет ва ҳодисаларни ҳар томонлама кузатиб, унинг асосий, муҳим томонларини ажратиб, айрим элементларини ўзаро боғлаб олишнинг уддасидан чиқа олмайдди. Болада кузатувчанликни ўстиришда сайр ва экскурсиялар муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда болалар катталарнинг раҳбарлигида теварак-атрофдаги предмет ва ҳодисаларда ўзлари учун янги бўлган муҳим ва қизиқарли нарсаларни аниқлашга ўрганадилар. Расмларга қараш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш идрокнинг ўсишига жуда яхши таъсир этади.

**Илк ёшдаги болаларнинг етакчи фаолият тури - предметларни ўрганиш, предметлар билан манипулятив ҳаракат ҳисобланади.** Гўдаклик давридаги болаларга нисбатан, илк болалик давридаги болалар атроф муҳитдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан кўпроқ қизиқиш билан қарайдилар. Агар, гўдак бола кўлига ушлаган нарсани оддий ҳаракатлар билан кузатса, 2-3 ёшдаги бола шу предмет қисмларини диққат билан ўрганганидан сўнггина, ўз амалий фаолиятида ишлата бошлайди. Болани дастлаб, айни шу предметларнинг қўлланиш вазифаси, моҳияти кизиштириб, у ўз саволига жавоб олиш мақсадида кўпинча катталарга *“Бу нима?”* деган савол билан мурожаат қиладилар. 1-3 ёшдаги бола шаклланишда психик ривожланишнинг ўта аҳамиятлигини инобатга олган ҳолда, айрим психологлар (Р.Заззо) инсон туғилганидан то етуклик давригача бўлган психик ривожланиш асосининг тахминан ўрталари, 3 ёшга тўғри келади, деган мулоҳазани билдирадилар. Бу ёшдан бошлаб, болалар предметларни ўрганиш оламига қадам қўядилар. У энди катталар билан нутқ орқали муомала-муносабатда бўла олади ва содда ахлоқ қондаларига амал қила бошлайдилар. Катталар билан бўладиган мулоқоти туфайли бола атроф ҳаёт ҳақида кўпроқ маълумот олади. Нутқ - бу ёшларда нафақат мулоқот, балки бола тафаккурининг ривожланиши ва ўзини-ўзи, шунингдек, билиш жараёнларини бошқариш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

### **3.4. Илк ёшдаги болаларнинг ақлий тараққиёти**

Илк болалик давридан бошлаб бола уни ўраб турган предметларнинг хусусиятларини ва улар орасидаги оддий боғлиқликларни англашга ҳаракат қилади. Бу давр ақлий ривожланишнинг асосини, идрок ва тафаккур ҳаракатларининг янги кўринишларини ташкил этади. 1 ёшли бола предметларни изчил, тизимли равишда кўриб чиқа олмайди. У асосан предметнинг қандайдир бир кўзга ташланиб турадиган белгисига ўз эътиборини қаратади ва предметларни шу белгиларига кўра танийди. Кейинчалик янги идрок ҳаракатларининг эгалланиши боланинг предметли ҳаракатларини бажаришдан кўз билан чамалаб, ҳаракат қилишига ўтишда намоён бўлади, энди у предметнинг бўлақларини ушлаб кўрмасдан, балки чамалаб идрок эта олади. 2,5-3 ёшли бола катталарнинг кўрсатган намунаси, ранги, шакли ва катталигига кўра, айнан шундай предметларни чамалаб, идрок этган ҳолда тўғри топа олади. Болалар аввал шаклига, сўнгра катталигига ва ундан кейингина рангига қараб ажрата оладилар. Бу жараёнда бола бир хил хусусиятга эга бўлган жуда кўп предметлар мавжудлигини тушуна бошлайди. Лекин, бола расм чизишни бошлаш даврида предметларнинг рангини эътиборга олмайди ва ўзига ёқадиган ранглардан фойдаланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича 2,5-3 ёшли бола 5-6 та шаклни (доира, квадрат, учбурчак, тўғрибурчак, кўпбурчак) ва 8 хил рангини (қизил, олов ранг, сарик, яшил, кўк, сиёхранг, оқ, қора) идрок этиши мумкин. Ранг ва шаклларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиши жиҳатидан ҳар хил нарсаларда турлича намоён бўлиши сабабли, бу ёшдаги болалар уларни идрок этганлари

билан номларини аниқ билишлари ва ўз нугклариди ишлата олишлари бирмунча қийинроқ. Катталарнинг бу ёшдаги болалардан ранг ва шаклларни эслаб қолишларини талаб этишлари нотўғридир, бунинг учун мос давр 4-5 ёшлар ҳисобланади.

Бола 3 ёшигача ўзлаштирган сўзлар асосан предмет ва ҳаракатларнинг номларини билдиради. Номлар асосан унинг вазифасини англатади, бунда предмет ёки ҳаракатнинг ташки кўриниши ўзгарса ҳам унинг номи ўзгармайди. Шунинг учун ҳам бола предметларнинг номларини ишлатилишини вазифаларига боғлаган ҳолда тез ўзлаштиради. Идрок ўсса, хотира такомиллашади. Хотира боланинг тараққиёти учун катта аҳамиятга эгадир.

Илк ёшдаги болаларда ихтиёрсиз диққат устунлигича қолаверади. Масалан, бола жуда берилиб эртақ эшитаётган бўлса ҳам, хонага биров кириб қолса, унинг диққати ихтиёрсиз шу эртақдан чалғийди. Диққатнинг кўп чалғиши бу ёшдаги болалар диққатининг характерли хусусиятидир, чунки психик ҳаёт доимий равишда ташқаридан бўладиган янги ўзгарувчиларга муҳтож бўлиб туради. Аммо объектга бўлган қизиқиш анча аниқ ва равшан бўлса, боланинг ихтиёрсиз диққати шунча барқарор бўлади. Ихтиёрсиз диққатнинг келгуси тараққиёти қизиқишларнинг бойиб боришига боғлиқдир. Бу ёшдаги болаларда ихтиёрий диққат эндигина вужудга кела бошлаган бўлади.

Уч яшар боланинг ҳаёл образлари теварак-атрофдаги предметларнинг таъсирида туғилади ва маълум мақсадга бўйсунди. Бола кўғирчоқни кўриб бўлгандан кейин, уни кийинтиради ва «ухлашга» ётқизади. Борди-ю, шу он «айиқча»ни кўриб қолса, диққатини кўлидаги кўғирчоқ қолиб, ана шу «айиқча»га қаратади ва у билан «ўрмонга сайр қилишга» кетади. Болада тажриба ортиб бориши билан ҳаёл ҳам бойиб боради. Кичкина болаларда ҳаёл анча ривожланган бўлади. Лекин бола ҳаёлдаги образ билан борлиқдаги идрок қилаётган нарса ва предметларни аралаштириб юборади. Шу сабабли бола ҳаёлига таъсир этувчи воситалар ичида эртақлар муҳим ўрин эгаллайди.

Илк болалик ёшидаги боланинг ҳаёли предметлар билан қилинадиган ҳаракатларга боғлиқлиги билан фарқланади. Бу ёшдаги болаларда нутқ ва тафаккур хусусиятлари ўз ҳаётининг биринчи йилида содда ассоциация, яъни ҳар хил тасаввурларни бир-бири билан боғлаш қобилиятига эга бўлади. Масалан, у сутли шишани кўриши билан хурсанд бўлади. Вақт ўтиши билан боланинг ассоциацияси мураккаблашиб бораверади. Бола бир ёшга тўлай деганда, онасининг кўчага киядиган кийимини олиб келаётганини кўриб, хурсанд бўлади. Врачнинг текширишидан ёмон таъсирланган болалар ҳалатли одамлардан кўрқа бошлайдилар.

Бола ўз ҳаётининг иккинчи йилида фазо муносабатларини аниқлай бошлайди, хонанинг ичидаги предметлар орасида ўзини тўғри тутиш малакасини эгаллаб боради.

Боланинг ёши улгайиши билан унда теварак-атрофга бўлган қизиқиш ортади. Кичкинтойдаги синчковлик ва ҳар нарсага қизиқувчанлик унинг келгуси ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди. Бола ҳамма нарсани ўзи кўришни

ва эшитишни истайди. Лекин боланинг ҳаёти ва ривожланиши учун кўриш ва эшитиш сезгилари асосида вужудга келадиган таассуротларгина эмас, балки ҳид ва мускул-ҳаракат сезгилари орқали оладиган таассуротлар ҳам жуда муҳимдир.

Илк болалик даврининг бошларига келиб, болада биринчи тафаккур операциялари юзага келади. Буни бола бирор предметни олишга ҳаракат қила олганидан сўнг, уни сиңчиклаб ўрганишида кўришимиз мумкин. Уларнинг тафаккурлари, асосан, кўргазмали-ҳаракатли бўлиб, у атроф оламдаги турли боғлиқликларни ўрганишга хизмат қилади. Ўзидан узоқроқ турган коптокни бирон-бир узунроқ нарса билан итариб юбориш мумкинлигини кўрган бола, энди мустақил равишда диван тагига кириб кетган коптокни таёқча ёрдамида олиш мумкинлигини тафаккур эта олади. Бу даврдаги болалар тафаккурида умумлаштириш катта ўрин тутати. Умумлаштиришда нутқ муҳим аҳамият касб этади. Масалан, соат дейилиши билан бола қўл соатини ёки девордаги осма соатни ҳам тушуниши мумкин. Лекин, улар турлича бўлганлиги боис, уларда умумийликни топиш бола учун қийинроқ ҳисобланиб, бу борада фикрлаш 2-3 ёшли болалар маълум бир предметларнинг ўрнига уларнинг ўрнини босиши мумкин деб ҳисоблаган бошқа нарсалардан ҳам фойдаланадилар. Масалан, ўйин жараёнида бола чўпни қошиқ ёки термометр ўрнида, ёғочдан ясалган кроват ёки машина ўрнида фойдаланиши мумкин.

Бола икки ёшларга бориб, амалий тафаккурдан биринчи марта фойдалана олади, учинчи ёшида эса баъзи таниш ҳаракатлардан конкрет масалаларни ҳал қилишда мустақил фойдалана бошлайди. Масалан, бу ёшдаги бола вазадаги тугмачани қўли билан солиб, ололмаса, у вазачани тўнгариб олаверади. Тафаккурнинг бу бошланғич шаклини баъзан «қўл тафаккури» ҳам дейилади. Тафаккурнинг бу шакли бола ақлий тарққиётининг келгуси босқичи учун жуда зарурдир.

Уч ёшли болаларда ҳукмнинг оддий турларини кўриш мумкин. Бу ҳукм турлари доимо фақат ўзи бевосита идрок қилаётган ва яқка предметларга тааллуқли бўлади. Бола 2,5 ёшга етганда саволлар бера бошлайди. Аввал саволлар кўпроқ предметларнинг номи тўғрисида бўлса, кейинчалик саволлар асосан предметларнинг қандай мақсадларда қўлланилиши ва нималарга ишлатилиши тўғрисида (масалан, бу нима?, бу билан нима қилинади?, бу нималарга ишлатилади? каби) бўлади. Ҳозирги замон, ўтган замон ва умуман вақт тўғрисидаги аниқ тасаввур тушунчаси фазовий тасаввурларга нисбатан анча кеч пайдо бўлади. Бола предметлар билан кўпроқ алоқа қилиши, улар билан муносабатда бўлиши ва уларнинг хусусиятларини текшириб кўриши керак. Бу билан унда дастлаб айрим предметлар ва ҳодисалар ҳақида тасаввурлар тўғплана боради ва кейинчалик шулар заминида умумий тасаввур ва тушунчалар ҳосил бўлади, мантиқий тафаккур ривожлана бошлайди. 2-3 ёшли бола кўп нарсани кўришни, кўп нарсани билишни ва тушунишни истайди, бу унинг қизиқувчанлик ва синчковлик хусусиятидан келиб чиқади. У ҳамма жойга «тиқилади», катталарга ҳалакит бериб, уларнинг тинкасини қуритиб жуда кўплаб саволлар беради.

Катталар мана шу саволларнинг ҳаммасидан болаларда тафаккурни ўстириш ва теварак-атрофдаги оламни турли тушунишни тарбиялаш мақсадида фойдаланиши гоят муҳимдир. Бола ўз саволларига тушунарли жавоб олганидан кейин, бу маълумотларни ўз ўйинларида акс эттиради ва шу йўл билан уларни хотирасида мустаҳкам сақланиб қолади. Бола теварак-атрофдаги оламни катталарнинг тушунтириши билан бир вақтда кузатса, атрофдаги оламни яхшироқ тушуна бошлайди, нарса ва ҳодисаларни солиштиради, уларнинг айримлари ўртасидаги ўзаро боғланишларни ва бунинг сабабларини аниқлайди. Мана шунинг ўзи болада анча умумлашган тафаккур пайдо бўлаётганидан дарак беради.

Бола тафаккурининг ривожланиши нутқнинг ўсиши билан мустаҳкам боғлангандир, нутқнинг ўсиши тафаккурнинг ривожланишига ёрдам беради, чунки сўз нарса, предмет ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Ўз навбатида, тафаккурнинг ривожланиш даражаси сўз захирасининг ошишига, умуман, нутқнинг ўсишига ёрдам беради.

Бу ёшдаги болаларнинг яна бир муҳим ютуғи, она тилини ўзлаштириб олишларидир. Бир ёшдан уч ёшгача бўлган давр нутқнинг жадаллик билан ўсиш даври ҳисобланади.

Нутқ бола ҳаётининг иккинчи йилида икки босқичда таркиб топади. Дастлабки босқич биринчи ёшнинг охиридан бир ярим ёшгача бўлган давр бўлиб, болада бу даврда асосан катталарнинг унга мурожаат қилиб айтган гапини тушуниш қобилияти ўсиб боради. Боланинг луғат бойлиги айниқса бир ёшдан кейин, яъни юришни ўрганиб, тобора кўп предметларга дуч кела бошлаган даврдан бошлаб тез ўса боради. Бола предметларнинг номини тез билиб олади.

Бола икки ёшга тўлганда, ҳаракатларнинг ҳам номларини билиб олади. Бу ҳаракатларга боланинг ўзи бажарадиган ёки катталар томонидан бажарилган, номи айтилган ва бола кузатиб борган ҳаракатлар киради. Бу «пассив» нутқ ҳисобланади, чунки бола сўзларни тушунади-ю, лекин уларни талаффуз қила олмайди.

3 ёшлар арафасида предметларнинг вазифаларини тўла ўзлаштирган болалар, ўз ўйинларида, шу предметлардан мақсадсиз фойдаланиб қолмай, балки уларни ўз вазифаларига кўра ишлатадилар. Боланинг нутқи у 1,5 ёшга етгунгача бирмунча секинлик билан ривожланади. Бу давр ичида у 30-40 та сўздан, то 100 тагача сўзни ўзлаштиради, лекин уларни амалиётда жуда кам қўллайди. 1,5 ёшдан бошлаб эса, унинг нутқи жадал ривожлана бошлайди. Энди бола предметларнинг номларини айтишларини сўрабгина қолмай, балки бу сўзларни ўзи талаффуз этишга ҳам ҳаракат қилади. Нутқнинг ривожланиш даражаси жадаллашади. 2 ёшларнинг охириларига бориб, бола 300 тагача, 3 ёшларнинг охириларига бориб эса, 500 дан то 1500 тагача сўзни ўз нутқида ишлата олади, Шунингдек, сўзларни ҳам аниқ талаффуз этиб, жумлаларни тўғри туза оладилар. 1,5 -3 ёшлар нутқнинг ривожланиши учун сензитив давр ҳисобланади. Бола билан сўзлашаётганда катталар сўзларни аниқ талаффуз этишлари ва боладан ҳам аниқ талаффуз талаб этишлари лозим.

Бир предметни бошқаси ўрнида қўллаш мумкинлигини англаш, бола учун атроф-оламни билиш, ўрганишидаги аҳамиятли бурилиш ҳисобланади ва у дастлабки тасаввурларини юзага келтиради. Бу ёшдаги болалар энди, аста-секинлик билан катталар айтиб бераётган эртақ, воқеа ёки ҳикояларни, шунингдек расмда чизилган нарсаларни тасаввур эта оладилар. Эртақларни эшитиш жараёнида бола эртақ қаҳрамонларини кимгадир ўхшатишга ҳаракат қилади, баъзида эса у ўзи мустақил эртақ ёки ҳикояларни тўқий олиши ҳам мумкин. Илк болалик даврида хотира билишдаги асосий вазифа ҳисобланиб, у билишнинг барча кўринишларини ривожланишида иштирок этади. Бу даврда боланинг хотираси жадал ривожланади. Боланинг ҳаётий тажрибаларни ўзлаштиришида дастлаб ҳаракатли, эмоционал ва образли хотира иштирок этади. Бу борада ҳаракатли ва эмоционал хотира усгунлик қилади. Хотира бу ёшда асосан ихтиёрсиз бўлади. Бу даврдаги болаларга кўп китоб ўқиб бериш натижасида улар эртақ, шеър ва ҳикояларни эслаб қоладилар, лекин бундай эслаб қолиш боланинг умумий ақлий ривожланишидан ҳам, хотирасининг индивидуал хусусиятидан ҳам далолат бермайди. Бу илк болалик давридаги болаларнинг барчасига хос бўлган нерв тизимининг умумий эгилувчанлиги натижасидир. Ўзи ва атроф ҳаёти ҳақидаги воқеа ва ҳодисаларда кетма-кетлик борлиги учун ҳам уларни ҳали тўлиқ равишда хотирасида сақлаб қола олмайди.

### 3.5. Илк болалик даврида болалар шахсининг ривожланиши

Бу даврдаги болаларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг хоҳиш ва ҳиссиётлари жуда ўзгарувчан бўлади. Масалан, боланинг йиғлаши ҳамда йиғидан тўхташи жуда тез ўзгаради. Илк даврда болада ўз яқинларига: онаси, отаси, буви-бувалари, тарбиячисига нисбатан муҳаббат шаклланади. Бола ўз яқинларидан мактов олишга ҳаракат қилади. Ота-оналар томонидан боланинг хатти-ҳаракатлари ва шахсий хусусиятларига берадиган ижобий эмоционал баҳолари уларда ўзларининг лаёқат ва имкониятларига нисбатан ишончини шакллантиради. У ўз ота-онасига ниҳоятда қаттиқ боғланган бўлиб, интизомли ва итоаткор бўлади. Ана шу боғлиқлик сабабли боланинг асосий эҳтиёжлари қондирилади, хавотирлиги камаяди. Онаси ёнида бўлган болалар кўпроқ ҳаракат қилдилар ва атроф муҳитни ўрганишга интиладилар. Бу даврда бола ўз исмини жуда яхши ўзлаштиради. Бола доимо ўз исмини ҳимоя қилади, уни бошқа исм билан чақиритишларига норозилик билдиради. Катталарнинг бола билан қиладиган муомала-муносабати унинг ўзини алоҳида шахс сифатида англашини бошланишига имконият беради. Бу жараён аста-секинлик билан амалга ошади. Катталарнинг бола билан қандай муомала қилишларига қараб унинг ўз «Мен»ини англай бошлаши бирмунча аввалроқ ёки кечроқ юзага келиши мумкин. 3 ёшли бола ўзини, ўз хоҳиш ва эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган манба деб билади ва бу унинг «*Менга беринг*», «*Қўтаринг*», «*Мен ҳам бораман*» каби талабларида кўринади. Уч ёшли болалар ўзларини ўзгалар билан таққослай бошлайдилар, бунинг натижасида болаларда ўз-ўзини баҳолаш вужудга келади. Шу даврдан

бошлаб болаларда мустақил бўлиш эҳтиёжи юзага келади ва бу уларнинг «*Ўзим қиламан*» қабилидаги сўзларида намоён бўлади.

**3 ёшдаги инқироз:** 3 ёшга келиб бола ўзини катталар билан таққослай бошлайди ва катталар қилиши мумкин бўлган (ҳуқуқи бўлган), улар бажара оладиган ҳаракатларни бажаришга интилади. «*Мен катта бўлсам машина ҳайдайман*», «*Мен сизга катта торт олиб келаман*», «*Менинг юзта қўғирчоғим бўлади*» каби хоҳишларини ўз тили билан ифодалайди ва у келаси замонда гапирса ҳам ўзининг барча хоҳишларини шу бугун амалга оширишга ҳаракат қилади. Кўпинча бундай ҳислат қатъийлик ва қайсарлик билан намоён бўлади. Бу қайсарлик асосан боланинг катталарга билдирган салбий хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Бола ўзини мустақил ҳаракат қила олишини англаган вақтдан бошлаб, унда «*Ўзим қиламан*» бошланади ва бу яна қайсарлик ва ўжарлик тарзида кўринади. 3 ёшдаги инқироз бола шахсининг маълум бир даражада ривожланганлиги ва катталар бажарадиган хатти-ҳаракатларни қила олмаётганлигини англаши натижаси ҳисобланади. Инқироз даврида юзага келадиган ирода, лаёқат ва бошқа бир қанча хусусиятлар уни шахс бўлиб шаклланишига тайёрлайди.

**Уч ёшгача бўлган болаларнинг психик ривожланишидаги асосий янги ўзгаришлар**

Ёш давлари	Библиши	Ҳаракати	Мулоқоти
3 ёш	Нутқнинг шаклланиши. Кўргазмалӣ ҳаракат тафаккурнинг ривожланиши. Образли тафаккурнинг дастлабки ншоналари. Атроф -муҳитдан ўзини ажратиши; қатъийликни англаши	Қўл предметли ҳаракатларнинг ривожланганлиги ўз хатти-ҳаракатларини иродавий бошқаришнинг кўринишлари	Ўз-ўзини англашнинг юзага келиши. Дастлабки ахлоқий қоидаларни эгаллаши
2 ёш	Фаол нутқни тушуниши ва ўзида юзага келиши	Қўл ва оёқ функцияларининг аниқ белгиланиши	Характер асосларини шаклланиши
1 ёш	Нутқни тушунишнинг дастлабки белгилари	Мустақил ҳолда тик туриш ва юриш	Нутқни қўллашнинг дастлабки белгилари
10 ойлик	Сенсомотор интеллектнинг ривожланиши	Мустақил ҳолда тик туриш ва юришга ҳаракат қилиш	Боғлиқлик реакциясининг юзага келиши, бегона муҳит ва бегоналар орасида хавотирлик

8 ойлик	Сенсомотор интеллектнинг юзага келиши	Таяниб юриши	Жест, мимика ва пантомимика ёрдамида повербал мулоқоти
7 ойлик		Ёрдам билан туриши	
5 ойлик	Сезгиларнинг ривожланиши	Ёрдам билан ўтириши	
3 ойлик	Кўриш қобилиятининг шаклланиши	Ён томонига ўгирилиши	Онанинг жилмайишига жавоб қайтариши
2 ҳафта	Онанинг товушини бошқа товушлардан фарклаши	Қўл ва оёқ ҳаракатларида қатъийлик	
1 ҳафта	Ҳаракатларни кузатиши	Қўл ва оёқларнинг бетартиб ҳаракати	

### Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Гўдақлик даври, унинг туғма хусусиятлари ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Илк болалик давридаги мулоқотнинг психик жиҳатлари.
3. Илк болалик давридаги асосий фаолият тури.
4. 3ёшдаги кризис: унинг сабаблари ва намоён бўлиши.
5. Илк болалик даврида шахс шаклланишининг психологик асослари.

### Мавзу юзасидан тест саволлари:

1. Гўдақлик ва илк болалик даври неча ёшларни ўз ичига олади?  
 А) 0 – 1ёш;  
 Б) 1 – 3ёш;  
 В) Барча жавоблар тўғри.
2. Илк болалик даврида етакчи фаолият нима?  
 А) Ўйин фаолияти;  
 Б) Предметли фаолият;  
 В) Мулоқот фаолияти.
3. Боланинг психик ривожланишини таъминловчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқланг.  
 А) Табиий ижтимоий муҳит, мактабгача тарбия муассасаларидаги тарбия ва мактабдаги таълим.;  
 Б) Ирсият, муҳит, боланинг шахсий фаоллиги, тарбия ва таълим.;  
 В) Олий нерв фаолиятининг типи билан боғлиқ бўлган асаб системасига хос куч ва ҳаракатчанлик.
4. 3 ёш кризиси (инқирози) қандай хатти-ҳаракатларда ифодаланади?  
 А) Ўзини ўзгалардан фарқлай (ажрата)олиш, ўз имкониятларини тушуниш, мустақилликка интилиш;



Б) Бола ўзининг хатти-ҳаракатларини нима яхши-ю, нима ёмон деган тасаввурга мослай бошлаши;

В) Бола ўзини катталар билан таққослай бошлаши, катталар хатти-ҳаракатларини бажаришга интилиши, мустақил ҳаракат қила олиши, қатъийлиги ва қайсарлигида ифодаланади.

**5. Бола тўғри юришни, мулоқотга киришишни, предметли фаолиятни эгаллаш хусусиятларини қайси даврда эгаллайди?**

А) Илк болалик даврида;

Б) Чақалоклик даврида;

В) Кичик мактаб ёши даврида.

**6. 3 ёшгача бўлган болаларнинг психик ривожланишидаги асосий ўзгаришлар нималар?**

А) фаол нутқнинг шаклланиши;

Б) Образли тафаккурнинг дастлабки нишонлари, атроф- муҳитдан ўзини ажратиши;

В) Барча жавоблар тўғри.

## IV БОБ. МАКТАБГАЧА ЁШ ДАВРИДА ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

### **Ўқув мақсади:**

**Таълимий:** Талабаларни мактабгача ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти, билиш жараёнларининг ривожланиши ҳамда шахс хусусиятлари ҳақида илмий маълумотлар билан таништириш. Мактабга психологик тайёргарлик муаммоси юзасидан назарий ва амалий билимларни шакллантириш.

**Тарбиявий:** Мактабгача ёшдаги болаларнинг психик ривожланишига таъсир кўрсатувчи, уларнинг руҳий саломатликлари ва руҳий барқарорликларини таъминловчи муҳит яратиш заруриятини талабалар онгига сингдириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар билан ишлаш кўникма-малакаларини ривожлантириш.


### **Режа:**

1. Мактабгача ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти.
2. Боғча ёшидаги болалар ўйинининг психологик хусусиятлари.
3. Боғча ёшидаги болалар билиш жараёнларининг ривожланиши.
4. Мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланиши.
5. Боланинг мактабга психологик тайёргарлиги.

### **4.1. Мактабгача ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти**

Онтогенезда 3 дан 7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ёки мактабгача ёш даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга олган ҳолда 3 даврга: (3-4 ёш) кичик мактабгача давр, (кичик боғча ёши), (4-5 ёш) ўрта мактабгача давр, (ўрта боғча ёши) , (6-7 ёш) катта мактабгача давр (катта боғча ёши)га ажратиш мумкин. Бола ривожланиш жараёнида кишилик авлоди томонидан яратилган предмет ва ҳодисалар олами билан муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишда ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни, тилни, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб бориши керак. Асосан, шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди.

Боғча ёшдаги болаларга бериладиган тарбия, уларнинг мураккаб ҳаракатларини ўзлаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини шакллантириш, нутқини ривожлантириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик дидининг дастлабки қуртакларини ҳосил қилишга қаратилиши лозим.



Машхур рус педагоги Лесгафтнинг фикрича, инсоннинг боғча ёшидаги давр шундай бир босқички, бу даврда болаларда характер хислатларининг намуналари шаклланиб, ахлоқий характернинг асослари юзага келади.

Боғча ёшидаги болаларнинг кўзга ташланиб турувчи хусусиятларидан бири, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тақлидчанлигидир. Бола табиатининг асосий қонунини шундай ифодалаш мумкин: бола узлуксиз фаолият кўрсатишни талаб қилади, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки фаолиятнинг бир хиллиги ва сурункалилигидан толиқади.

Катталар ва тенгдошлари билан бўлган муносабат орқали бола ахлоқ меъёрлари, кишиларни англаши, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди. Боғча ёшидаги бола энди ўз гавдасини яхши бошқара олади. Унинг ҳаракати мувофиқлаштирилган ҳолда бўлади. Бу даврда боланинг нутқи жадал ривожлана бошлайди, у янгиликларни эгаллашга нисбатан ўз билганларини мустақамлашга эҳтиёж сезади, ўзи билган эртагини қайта-қайта эшитиш ва бундан зерикмаслик, шу даврдаги болаларга хос хусусиятдир.

Боғча ёшидаги болаларнинг эҳтиёжлари ва кизиқишлари жадал равишда ортиб боради. 3-7 ёшли даврида болаларнинг асосий фаолияти куйидаги кетма-кетликда кечади:

- предметларни ўрганиши;
- индивидуал предметли ўйинлар, жамоа сюжетли-ролли ўйинлар;
- индивидуал ва гуруҳий ижод;
- мусобақа ўйинлари;
- мулоқот ўйинлари;
- уй меҳнати.

Боғча ёшидаги болалар нутқни бир мунча тўла ўзлаштирганлари ва хаддан ташқари ҳаракатчанликлари туфайли уларда ўзларига яқин бўлган

катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Улар тор доирадан кенгрок доирадаги муносабатларга интила бошлайдилар. Улар энди боғчадаги ўртоклари ва кўни-кўшнилари билан болалари билан ҳам жамoa бўлиб ўйнашга ҳаракат қиладилар.

Ҳамма нарсани билиб олишга бўлган эҳтиёж кучаяди. Боғча ёшидаги бола табиатига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бири, унинг ҳар нарсани янгилик сифатида кўриб, уни ҳар томонлама билиб олишга интилишидир.

Боғча ёшидаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жиҳатидан ўсишида қизиқишнинг роли каттадир, қизиқиш худди эҳтиёж каби, боланинг бирор фаолиятга ундовчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам қизиқишни билиш жараёни билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ҳодиса деса бўлади.

Боланинг камол топишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиққан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишга интилади ва узоқ вақт давомида қизиққан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди. Бу эса ўз навбатида боланинг диққати ҳамда иродаси каби муҳим хислатларни ўстиришга ва мустаҳкамлашига ёрдам беради. 3-7 ёшли болаларнинг психик ривожланишида бадий-ижодий фаолият тури бўлган мусиқанинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Мусиқа орқали болалар ашула айтишга, мусиқа оҳангига мос ритмик ҳаракатлар қилишга ўрганадилар.

#### **4.2. Боғча ёшидаги болалар ўйинининг психологик хусусиятлари**

Маълумки, боланинг ёши улғайиб, мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари, унинг атрофидаги нарса ва ҳодисалар бўйича дунёқараши кенгайиб боради. **Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйиндир.** Бу ёшдаги болаларнинг ўйинларини учга бўлиш мумкин:

- 1) предметли ўйинлар (15-20 минут ўйналади);
- 2) сюжетли-ролли ўйинлар (30-60 минут ўйналади);
- 3) қоидалар ўйинлар (1 соатдан -2кунгача давом этиши мумкин).

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари масаласи асрлар давомида жуда кўп олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Боғча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам қадамлар билан олға қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар.

Бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида улар билан бевосита амалий муносабатда бўлишга интилади. Бу ўринда шу нарса ҳарактерлики, бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сифадиган нарсалари билангина эмас, балки катталар учун мансуб бўлган, ўзининг кучи ҳам етмайдиган, ҳадди сифмайдиган нарсалар билан ҳам амалий муносабатда бўлишга интилади. Масалан: бола автомашинани ёки трамвайни ўзи ҳайдагиси, ҳақиқий отга миниб юргиси, учувчи бўлиб, самолётда учгиси ва ростакан милиционер бўлгиси келади. Табиийки бола ўзидаги бундай эҳтиёжларнинг биронтасини ҳам ҳақиқий йўл билан қондира олмайди. Бу ўринда савол туғилади. Болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилиқ

қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама-қаршилик фақатгина биргина фаолият орқали, яъни, боланинг ўйин фаолияти орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Буни қуйидагича изоҳлаб бериш мумкин:

- **биринчидан**, болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни ўйинга ундовчи сабаб (мотив) келиб чиқадиган натижа билан эмас, балки шу ўйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмунига боғлиқдир;

- **иккинчидан**, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни, ўзларини қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб, хоҳлаганларича эркин фаолиятда бўладилар. Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан гармоник равишда ривожланиши учун бирдан-бир воситадир.

Ўйин болалар ҳаётида шундай кўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хом-хаёл суриш, дам олиш ва хушчақчақлик жараёнларининг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташқи муҳитдаги нарса ҳодисаларни билиш воситасигина эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргалликда уларнинг индивидуал хусусиятлари ҳам шаклланади. Демак, боғчадаги таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила билишга боғлиқдир. Шундай қилиб, ўйин болалар ҳаёли томонидан яратилган нарса эмас, аксинча, болалар ҳаёлининг ўзи, ўйин давомида юзага келиб, ривожланадиган психик жараёндир. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, фан-техника мислсиз ривожланаётган ҳозирги даврда ҳайратда қолдирадиган нарсалар болаларга гўё, бир мўъжизадек кўринади. Натижада улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида ўхшатма қилиб (яъни, аналогик тарзда), ҳар хил ҳаёлий нарсаларни ўйлаб топадилар (учар от, одам машина, гапирадиган дарахт қабилар). Бундан ташқари, болаларнинг турли ҳаёлий нарсаларни ўйлаб чиқаришлари яна шунинг англатади-ки, улар ўзларининг ҳар турли ўйин фаолиятларида фақат атрофларидаги бор нарсаларни эмас, балки айни чоғда эҳтиёжларини ҳам акс эттирадилар.

Болаларнинг ўйин фаолиятларида турли ҳаёлий ва афсонавий образларни яратишлари одамнинг (шу жумладан, болаларнинг ҳам) ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттириш пассив жараёни эмас, балки фаол, ижодий яратувчанлик жараёни эканлигидан далолат беради.

Болалар ўйин фаолиятининг яна бир хусусияти бу ўйин жараёнида боланинг қиладиган хатти-ҳаракатлари ва бажарадиган ролларининг кўпинча умумийлик ҳаракатига эга бўлишидир. Буни шундай тушуниш керакки, бола ўзининг турли-туман ўйинларида фақат ўзига таниш бўлган ёлғиз бир шофёрнинг, врачнинг, милиционернинг, тарбиячининг, учувчининг хатти-ҳаракатларинигина эмас, балки умуман шофёрларнинг, врачларнинг, тарбиячиларнинг ҳамда учувчиларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттиради.

Бу ёшдаги болалар ўз вақтининг кўп қисмини ўйин билан ўтказди, айниқса 3 ёшдан 6-7 ёшгача ўйинлар аҳамиятли тараққиёт йўлини босиб ўтади: предметли-бошқарув ва рамзий ўйинлардан тортиб то қондали сюжетли-ролли ўйинларгача. Бу ёш даврида барча ўйин турларини кўриш мумкин.



Бу ёш даври давомида болаларнинг қуйидаги асосий фаолият турлари изчилликда такомиллашиб боради: предметлар билан бошқариш ўйини, конструктив типдаги индивидуал предметли ўйин, жамоавий сюжетли-ролли ўйинлар, индивидуал ва гуруҳий ижод, ўйин-мусобақа, ўйин-мулоқот, уй меҳнати. Кичик мактабгача ёшдаги болалар асосан предметлар, турли хил ўйинчоқлар билан ёлғиз ўзлари ўйнайдилар. Ўзларининг предметли ва конструкторли ўйинларида идрок, хотира, тасаввур, тафаккур жараёнларини, шунингдек ўз ҳаракат қобилиятларини такомиллаштириб борадилар. Албатта, турмуш тажрибалари ва фаолиятлари доираси чекланган кичик ёшдаги болалар (баъзан кичик гуруҳ болалари ҳам) ўзларининг ўйинларида конкрет одамларни ва уларнинг ҳаракатларини акс эттирадилар холос. Масалан, (ойисини, دادасини, акасини, тарбиячисини ва шу қабиларни). Ўрта ёки катта боғча ёшидаги болаларнинг ўйинларида эса бундай образлар умумийлик характериға эға бўла бошлайди. Секин-аста ўрта мактабгача даврга бориб ўйин жамоавий бўлиб боради ва унга кўпроқ болалар қўшила бошлайди. Болаларнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг жамоа ўйинлари давомида кузатиш қулайдир. Ўз ўйинларида болалар катталарнинг предметларға муносабатиниғина эмас, балки кўпроқ уларнинг ўзаро муносабатларини ҳам акс эттирадилар ва уларға тақлид этадилар. Шунингдек, жамоа ўйинларида болалар б.р гуруҳ одамларнинг мураккаб ҳаётгий фаолиятларини акс эттирадилар. Масалан, «поезд» ўйинини олайлик. Бунда машинист, паровозға кўмир ёқувчи, проводниклар, контролёр, кассир, станция ходимлари ва йўловчилар бўлади. Болаларнинг мана шу каби жамоа ўйинлари артистларнинг фаолиятиға ўхшайди. Чунки, жамоа ўйинидаги ҳар

бир бола ўз ролини яхши адо этишга интилиши билан бирга, ўйиннинг умумий мазмунидан ҳам четга чиқиб кетмасликка тиришади. Бу эса, ҳар бир боладан ўзининг бутун қобилиятини ишга солишни талаб этади. Маълум ролларга бўлинган жамоа ўйини, болалардан қатъий қоидаларга бўйсунини ва айрим вазифаларни талаб доирасида бажаришни тақозо этади. Шунинг учун болаларнинг бундай жамоа ўйинлари психологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки, бундай ўйинлар болаларда иродавийлик, хушмуомалалик, ўйин қоидаларига, тартиб-интизомга бўйсунган ва шу каби бошқа ижобий ҳислатларни тарбиялайди ва ривожлантиради.

Энг асосийси бу ўйинларда катталарнинг предметли дунёга нисбатан хулқ-атвори такрорланмайди, одамлар орасидаги муносабатларга, хусусан – ролларига имитация (таклид) қилинади. Болалар ушбу муносабатлар асосида куриладиган ролларни ва қоидаларни ажратадилар, ўйинда унга амал қилинишини қаттиқ назорат қиладилар ва ўзлари ҳам уларга риоя қилишга ҳаракат қиладилар. Болаларнинг сюжетли-ролли ўйинлари турли мавзуларда бўлиб, болалар улар билан ҳаётий тажрибасига мувофиқ яхши танишдир. Болалар тарафидан ўйинда қайта ижро этиладиган роллар – оилавий (она, ота, буви, бува, ўғил, қиз ва х.к) ёки тарбиявий (энага, боғчадаги тарбиячи,) ёки эртақ қаҳрамонлари (бўри, айик, тулки, қуён, эчки,) ёки касбий (шифокор, командир, учувчи). Ролларни ижро этувчилар катталар ёки болалар ёки уларни ўрнини босувчи ўйинчоқлар, кўғирчоқлар бўлиши мумкин.

Ушбу ёш даври тараққиёт учун зарур бўлган иккита фаолият турининг бошланиши билан боғланган: меҳнат ва ўқиш. Бу ёшдаги болаларнинг ўйин, меҳнат ва ўқишни ўзлаштиришларини кетма-кетлиги босқичини аниқлаш мумкин, бунда мактабгача ёш даври таҳлил мақсадида шартли равишда 3 та даврга бўлинади: кичик мактабгача ёш даври (3-4 ёш), ўрта мактабгача ёш даври (4-5 ёш) ва катта мактабгача ёш даври (5-6 ёш). Ушбу бўлиш ёш давлари психологиясида болаларнинг психологияси ва хулқ-атворидаги жадал ва сифатий ўзгаришларни қайд этиш учун ўтказилади.

Кичик мактабгача ёшдагилар ҳали, қоидага мувофиқ, ёлғиз ўйнайдилар. Ўзларининг предметли ва конструкторли ўйинларида идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ва ҳаракат қобилиятларини такомиллаштириб борадилар. Ушбу ёшдаги болалар сюжетли-ролли ўйинларида одатда кундалик ҳаётларида кузатадиган катталарнинг ҳаракатларини қайта намоён этадилар.

Секин-аста ўрта мактабгача даврга бориб ўйин биргаликда бўлиб боради ва унга кўпроқ болалар қўшила бошлайди. Энг асосийси бу ўйинларда катталарнинг предметли дунёга нисбатан хулқ-атвори такрорланмайди, одамлар орасидаги муносабатларга, хусусан – роллиларига имитация (таклид) қилинади. Болалар ушбу муносабатларда куриладиган ролларни ва қоидаларни ажратадилар, ўйинда унга амал қилинишини қаттиқ назорат қиладилар ва ўзлари ҳам уларга риоя қилишга ҳаракат қиладилар. Сюжетли-ролли болалар ўйинлари турли мавзуларда бўлиб, болалар улар билан ҳаётий тажрибасига мувофиқ яхши танишдир. Болалар тарафидан ўйинда қайта ижро этиладиган роллар – бу қоидага мувофиқ, оилавий роллар

(она, ота, буви, бува, ўғил, қиз ва ҳ.к) ёки тарбиявий (энага, боғчадаги тарбиячи) ёки эртақнамо (эчкича, бўри, қуён, илон) ёки касбий (шифокор, командир, учувчи). Ролларни ижро этувчилар одамлар, катталар ёки болалар, ёки уларни ўрнини босувчи ўйинчоқлар, кўғирчоқлар бўлиши мумкин.

Ўрта ва катта мактабгача ёш даврида сюжетли-ролли ўйинлар ривожланади, бироқ кичик мактабгача ёш давридан ўйинларга киритиладиган ва амалга ошириладиган мавзулари, роллари, ўйин ҳаракатларининг қоидалари билан катта турли-туманлиги билан фарқланади. Табиий характердаги кўпгина предметлар шартлиларига алмаштирилади ва рамзли ўйин бошланади. Масалан, оддий кубик ўйиндан ва унга ажратилган ролдан қатъий назар рамзий маънода мебеллар ва машиналарни, одамлар ва ҳайвонларни намойиш этади.

Ўйинларда асосий роль қоидаларга риоя қилишга ва муносабатларга, масалан, субординацияга ажратилади. Бунда биринчи мартаба лидерлик пайдо бўлади, болаларда ташкилотчилик кўникма ва малакалари ривожланади.

Шу билан бир қаторда ўйинли индивидуал фаолиятнинг рамзий шакллари билан яна бири расм чизишдир. Унга секин-аста кўпроқ тасаввур, ҳаёл ва тафаккур қўшилиб боради. Бола кўрганларини тасвирлашдан вақти билан билганларини, хотирасидаги ва ўзи ўйлаб топганларини чиза бошлайди. Ўйин-мусобақалар алоҳида синфга ажратилади, унда ютуқ ва ғолиблиқ болаларни жуда жалб қилади. Тахмин қилинишича, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш мотивацияси шаклланади ва мустаҳкамланади.

Катта мактабгача ёш даврида конструкторлик ўйини меҳнат фаолиятига айлана бошлайди, ўйин жараёнида бола турмушда зарур бўлган ниманидир ясайди, ярагади, куради. Болалар бундай ўйинларда оддий меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллайдилар, уларда амалий тафаккур фаол ривожланади. Бола ўйинда кўплаб уй-рўзғор асбоблари ва предметларидан фойдаланишни ўрганади. Унда ўз хатти-ҳаракатларини режалаштириш қобилияти пайдо бўлади ва ривожланади, кўп ҳаракатлари ва аклий операциялари, тасаввур ва ҳаёли такомиллашади.

Бу ёш давридаги болалар ижодий фаолиятдан тасвирий санъат айниқса, расм чизишни яхши кўрадилар. Боланинг нимани ва қандай ифодалашига қараб, унинг атроф оламдаги воқеликни қандай идрок қилиши, хотираси, ҳаёли ва тафаккурининг ўзига хослиги ҳақида мушоҳаза қилиш мумкин. Расмлар орқали болалар ташқи оламдан олаётган тассуротлари ва билимларини етказишга ҳаракат қиладилар. Расмлар боланинг жисмоний ва психологик ҳолатига кўра ўзгариши мумкин. (касаллик, қайфият). Аниқланишича, касал болалар чизган расмлар соғломларникидан кўпгина жиҳатлари билан фарқ қилади.

Мактабгача ёш даври бадий-ижодий фаолиятида мусиқа муҳим аҳамиятга эга. Болаларга мусиқий асарларни тинглаш, мусиқий қаторларни ва товушларни турли асбобларда такрорлаш қувонч бағишлайди. Бу ёш даврида биринчи мартаба мусиқа билан жиддий шуғулланишга қизиқиш пайдо бўлади, у кейинчалик ҳақиқий қизиқишга айланиши ва мусиқий



қобилиятни ривожланишига ёрдам беради. Болалар кўшиқ айтишга, мусиқа остида турли ритмик, ракс харакатларини бажаришга ўрганадилар. Кўшиқ айтиш мусиқани англаш ва вокал қобилиятларни ривожлантиради.



Ҳеч бир ёш даври ушбу ёш давридагидек шахслараро ҳамкорликнинг турли шакллари талаб қилмайди, чунки у бола шахсининг турли жиҳатларини ривожланиши зарурати билан боғлиқ. Бу тенгдошлари, катталар билан ҳамкорлик, ўйинлар, мулоқот ва биргаликдаги меҳнатдир. Бу ёш даври давомида болаларнинг куйидаги асосий фаолият турлари изчиликда такомиллашиб боради: предметлар билан бошқариш ўйини, қонструктив типдаги индивидуал предметли ўйин, жамоавий сюжетли-ролли ўйинлар, индивидуал ва гуруҳий ижод, ўйин-мусобақа, ўйин-мулоқот, уй меҳнати. Мактабга чиқишдан бир ёки икки йил аввал уларга ўқув фаолияти қўшилади ва 5-6 ёшли бола энг камида фаолиятнинг 7-8 турига тортилади, уларнинг ҳар бири болани ўзига хос равишда интеллектуал ва ахлоқан ривожлантиради.

Боғча ёшидаги бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида улар билан бевосита амалий муносабатда бўлишга интилади. Бу ўринда шу нарса характерлики, бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сиғадиган нарсалари билангина эмас, балки катталар учун мансуб бўлган, ўзининг кучи ҳам етмайдиган, ҳадди сиғмайдиган нарсалар билан ҳам амалий муносабатда бўлишга интилади. Масалан: бола автомашинани ёки трамвайни ўзи ҳайдагиси, ҳақиқий отга миниб юргиси, учувчи бўлиб, самолётда учгиси ва ростакам милиционер бўлгиси келади. Табиийки бола ўзидаги бундай эҳтиёжларнинг биронтасини ҳам ҳақиқий йўл билан қондира олмайди. Бу ўринда савол туғилади. Болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилиқ қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама-қаршилиқ фақатгина биргина фаолият орқали, яъни, боланинг ўйин фаолияти орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Бунга куйидагича изоҳлаб бериш мумкин:

- *биринчидан*, болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий махсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни ўйинга ундовчи сабаб (мотив) келиб чиқадиغان натижа билан эмас, балки шу ўйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмунига боғлиқдир;

- *иккинчидан*, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни, ўзларини қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантриб, хоҳлаганларича эркин фаолиятда бўладилар. Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан гармоник равишда ривожланиши учун бирдан-бир воситадир. Ўйин болалар ҳаётида шундай кўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хом-хаёл суриш, дам олиш ва хушчақчақлик жараёнларининг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташки муҳитдаги нарса ҳодисаларни билиш воситасигина эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал хусусиятлари ҳам шаклланади. Демак, боғчадаги таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила билишга боғлиқдир. Шундай қилиб, ўйин болалар ҳаёли томонидан яратилган нарса эмас, аксинча, болалар ҳаёлининг ўзи, ўйин давомида юзага келиб, ривожланадиган психик жараёндир.

Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, фан-техника мислсиз ривожланаётган ҳозирги даврда ҳайратда қолдирадиган нарсалар болаларга гўё, бир мўъжизадек кўринади. Натижада улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида ўхшашма қилиб (яъни, аналогик тарзда), ҳар хил ҳаёлий нарсаларни ўйлаб топадилар (учар от, одам машина, гапирадиган дарахт кабилар). Бундан ташқари, болаларнинг турли ҳаёлий нарсаларни ўйлаб чиқаришлари яна шунинг англатади-ки, улар ўзларининг ҳар турли ўйин фаолиятларида фақат атрофларидаги бор нарсаларни эмас, балки айни чоғда эҳтиёжларини ҳам акс эттирадидилар.

Болаларнинг ўйин фаолиятларида турли ҳаёлий ва афсонавий образларни яратишлари одамнинг (шу жумладан, болаларнинг ҳам) ташки муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттириш пассив жараёни эмас, балки фаол, ижодий яратувчанлик жараёни эканлигидан далолат беради.

Болалар ўйин фаолиятининг яна бир хусусияти бу ўйин жараёнида боланинг қиладиган хатти-ҳаракатлари ва бажарадиган ролларининг кўпинча умумийлик характериға эға бўлишидир. Буни шундай тушуниш керакки, бола ўзининг турли-туман ўйинларида фақат ўзига таниш бўлган ёлғиз бир шофёрнинг, врачнинг, милиционернинг, тарбиячининг, учувчининг хатти-ҳаракатлариниға эмас, балки умуман шофёрларнинг, врачларнинг, тарбиячиларнинг ҳамда учувчиларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттиради. Албатта, турмуш тажрибалари ва фаолият ари доираси чекланган кичик ёшдаги болалар (баъзан кичик гуруҳ болалари ҳам) ўзларининг ўйинларида конкрет одамларни ва уларнинг ҳаракатларини акс эттирадидилар ҳолос. Масалан, (ойисини, дадасини, акасини, тарбиячисини ва шу кабиларни). Ўрта

ёки катта боғча ёшидаги болаларнинг ўйинларида эса бундай образлар умумийлик характериға эға бўла бошлайди.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйинлари атрофдаги нарса ва ҳодисаларни билиш қуроли бўлиши билан бирға, юксак ижтимоий аҳамиятға ҳам эға, ўзгача қилиб айтғанда, ўйин қудратли тарбия қуроли ҳамдир. Болаларнинг ўйинлари орқали уларда ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний ҳислатларни тарбиялаш мумкин. Агарда биз болаларнинг ўйин фаолиятларини ташқаридан кузатсак, ўйин жараёнида уларнинг барча шахсий хусусиятлари (характери, кимнинг нимаға кўпроқ кизикиши, қобилияти, иродаси, темпераменти) яққол намоён бўлишини кўрамиз. Шунинг учун болаларнинг ўйин фаолиятлари, уларни индивидуал равишда ўрганиш учун жуда қулай воситадир. Кичик мактабгача ёшдаги болалар одатда ўзлари ёлғиз ўйнайдилар. Предметли ва конструкторли ўйинлар орқали бу ёшдаги болалар ўзларининг идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ҳамда ҳаракат лаёқатларини ривожлантирадилар. Сюжетли-ролли ўйинларда болалар, асосан, ўзлари ҳар куни кўраётган ва кузатаётган катталарнинг хатти-ҳаракатларини акс эттирадилар. 4-5 ёшли болаларнинг ўйини аста-секинлик билан жамоа шаклиға эға бўлиб боради. Болаларнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг жамоа ўйинлари давомида кузатиш қулайдир. Ўз ўйинларида болалар катталарнинг предметларға муносабатининггина эмас, балки кўпроқ уларнинг ўзаро муносабатларини ҳам акс эттирадилар ва уларға таклид этадилар. Шунингдек, жамоа ўйинларида болалар бир гуруҳ одамларнинг мураккаб ҳаётий фаолиятларини акс эттирадилар. Масалан, «поезд» ўйинини олайлик. Бунда машинист, паровозға кўмир ёқувчи, провондниклар, контролёр, кассир, станция ходимлари ва йўловчилар бўлади. Болаларнинг мана шу каби жамоа ўйинлари артистларнинг фаолиятиға ўхшайди. Чунки, жамоа ўйинидаги ҳар бир бола ўз ролини яхши адо этишға интилиши билан бирға, ўйиннинг умумий мазмунидан ҳам четға чиқиб кетмасликға тиришади. Бу эса, ҳар бир боладан ўзининг бутун қобилиятини ишға солишни талаб этади. Маълум ролларға бўлинган жамоа ўйини, болалардан қатъий қоидаларға бўйсунинини ва айрим вазифаларни талаб доирасида бажаришни такозо этади. Шунинг учун болаларнинг бундай жамоа ўйинлари психологик жиҳатдан катта аҳамиятға эға. Чунки, бундай ўйинлар болаларда иродавийлик, хушмуомалалик, ўйин қоидаларига, тартиб-интизомға бўйсунган ва шу каби бошқа ижобий ҳислатларни тарбиялайди ва ривожлантиради.

Катта боғча ёшида сюжетли-ролли ўйинлар эса ўз мавзусининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан фаркланади. Бу ўйинлар жараёнида болаларда сардорлик хусусияти юзаға кела бошлайди, уларда ташкилотчилик кўникма ва малакалари ривожлана бошлайди.

Мактабгача ёшдаги болалар шуғулладиган ижодий фаолиятлар орасида тасвирий санъатнинг ҳам аҳамияти жуда каттадир. Боланинг тасаввур этиш характериға кўра, унинг атроф ҳаётни қандай идрок этиши, хотира, тасаввур ва тафаккур хусусиятларига баҳо бериш мумкин. Катта

боғча ёшидаги болалар чизган расмлар уларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатлари, орзу, умид ва эҳтиёжларини ҳам акс эттиради.

Бу ёшдаги болалар расм чизишга ниҳоятда қизиқадилар. Расм чизиш болалар учун ўйин фаолиятининг ўзига хос бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бола аввало кўраётган нарсаларини, кейинчалик эса ўзи биладиган, хотирасидаги ва ўзи ўйлаб топган нарсаларни чизади.

Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақа жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришишга ҳаракат қилиш хусусияти шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болаларнинг энг яхши дақиқалари мусобақа ўйинларидаги ютиш ва муваффақиятларидир. Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақалар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш мотивлари шаклланади ва мустаҳкамланади.

Катта боғча ёшида конструкторлик ўйинлари аста-секинлик билан меҳнат фаолиятига айланиб боради, ўйинда бола содда меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллай бошлайди, предметларнинг хоссаларини англай бошлайди, амалий тафаккур намуналари ривожлана боради.

3-7 ёшли болаларнинг психик ривожланишида бадий-ижодий фаолият тури бўлган мусиқанинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Мусиқа орқали болалар ашула айтишга, мусиқа оҳангига мос ритмик ҳаракатлар қилишга ўрганадилар. 3-7 ёшли даврида болаларнинг асосий фаолияти куйидаги кетма-кетликда кечади:

- предметларни ўрганиши;
- индивидуал предметли ўйинлар, жамоа сюжетли-ролли ўйинлар;
- индивидуал ва гуруҳий ижод;
- мусобақа ўйинлари;
- мулоқот ўйинлари;
- уй меҳнати.

Ўйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли бўлган таълим фаолиятига тайёрлайди. Одам бирданга ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга кириша олмайди. Ижтимоий тажрибаларни фаол эгаллаши учун одам, аввало, етарли даражада нутқни эгаллаган бўлиши, маълум малакалар, уқувлар ва содда тушунчаларга эга бўлиши керак бўлади. Буларга бола юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ўйин фаолияти орқали эришади.

### **4.3. Боғча ёшидаги болалар билиш жараёнларининг ривожланиши**

Боғча ёшидаги болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, тасаввур, тафаккур, нутқ, хаёл, ҳиссиёт ва ироданинг ривожланиши жадал кечади. Бола рангларни ҳали бир-бирдан яхши фарқ қила олмайди. Унга рангларнинг фарқини билишга ёрдам берадиган ўйинчоқлар, рангли кийимлар, рангли халқалар, қутичалар ва шу сингари ўйинчоқлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Боғча ёшидаги болалар турли нарсаларни идрок қилишда уларнинг кўзга яққол ташланиб турувчи белгиларига (ранги ва шаклига) асослансалар ҳам, лекин чуқур тахлил қила олмайдилар.

Боғча ёшидаги болалар катталарнинг ёрдами билан суратларни аналитик равишда идрок қилиш қобилиятига эга бўладилар. Болалар суратларни идрок қилаётганларида катталар турли хил саволлар билан уларни тахлил қилишга ўргатишлари лозим. Бунда, асосан, болалар диққатини:

1. Суратнинг мазмунини (сюжетини) тўғри идрок қилишга;
2. Суратнинг умумий қўринишида ҳар бир тасвирланган нарсаларнинг ўрнини тўғри идрок қилишга;
3. Тасвирланган нарсалар ўртасидаги муносабатларни тўғри идрок қилишга қаратиш керак.

Диққат ҳар қандай фаолиятимизнинг доимий йўлдошидир. Шунинг учун диққатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Боғча ёшидаги болалар диққати асосан ихтиёрсиз бўлади. Боғча ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг ўсиб бориши учун ўйин жуда катта аҳамиятга эга. Ўйин пайтида болалар диққатларини бир жойга тўплаб, ўз ташаббуслари билан маълум мақсадларини илгари сурадилар.

Бу ёшдаги боланинг хотираси янги фаолиятлар ва боланинг ўз олдига қўйган янги талаблари асосида такомиллаша боради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг хотираси кўргазмали, образли бўлиши билан характерлидир. Болада кўпроқ ихтиёрсиз эсда қолдириш ва ихтиёрсиз эсга тушириш устунлик қилади. Бола сўзларни ҳеч қандай маъносиз такрорлайверади. Аммо кейинчалик, катталарнинг таъсирида, ихтиёрий эсда қолдириш ҳам аста-секин ривожлана боради. Бола равшан ва эмоционал ранг-баранг материални осон эсда қолдиради.

Уч яшар бола таассуротларини бир неча ой давомида эсда сақлаб тура олишга кодирдир. Хотиранинг ўсишига ўйинлар, турли машғулотлар, шеър ёдлаш, эртак ва ҳикоялар айтиш ҳамда сайр пайтида кузатиш ишларини олиб бориш ёрдам беради. Ушбу ёшдаги болалар янги сўзларни ҳам, ҳатто чет тиллардаги сўзларни ҳам осонгина эслаб қоладилар. Лекин, болалар материални осон эсда қолдирсалар ҳам, улар кўпининг маъносига яхши тушунмайдилар ва улардан нутқда фойдаланишга қийналадилар. Катталарнинг вазифаси болаларнинг мумкин қадар кўпроқ сўзларни ва тасаввурларни эслаб қолишигагина эмас, балки улар учун тушунарли, фойдали бўлган турли билимларни эгаллашига эришишдан иборат. Болалар бу хилдаги билимлардан ўз ўйинларида, расмларида, устозлари ёки катталар билан суҳбатда фойдаланадилар, бу билимлар уларнинг ақлий ва ахлоқий ўсишлари учун хизмат қилади.

Боғчагача бўлган ёшдаги болаларда ихтиёрсиз диққат устунлигича қолаверади. Масалан, бола жуда берилиб эртак эшитаётган бўлса ҳам, хонага биров кириб қолса, унинг диққати ихтиёрсиз шу эртакдан чалғийди. Боғча ёшидаги болалар ўзлари учун аҳамиятга эга бўлган, уларда кучли

таассуротлар колдирадиган ва уларни қизиқтирадиган нарсаларни беихтиёр эсларида олиб қоладилар.

Боғча ёшидаги болаларнинг тафаккури ва унинг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга. Тафаккур боланинг боғча ёшидаги даврида жуда тез ривожлана бошлайди. Бунинг сабаби, *биринчидан*, боғча ёшидаги болаларда турмуш тажрибасининг нисбатан кўпайиши, *иккинчидан*, бу даврда болалар нутқининг яхши ривожланган бўлиши, *учинчидан* эса, боғча ёшидаги болаларнинг эркин, мустакил ҳаракатлар қилиш имкониятига эга бўлишларидир.

Боғча ёшидаги болаларда ҳар соҳага доир саволларнинг туғилиши, улар тафаккурининг фаоллашганлигидан дарак беради. Бола ўз саволига жавоб топа олмаса ёки катталар унинг саволига аҳамият бермасалар, ундаги қизиқувчанлик сўна бошлайди.

Одатда, ҳар қандай тафаккур жараёни бирон нарсдан таажжубланиш, ҳайрон қолиш ва натижада турли саволларнинг туғилиши туфайли пайдо бўлади. Кўпгина ота-оналар ва айрим тарбиячилар агарда болалар ортиқроқ савол бериб юборсалар, «*кўп маҳмадона бўлма*», «*сен бундай гапларни қаердан ўргандинг*», деб қойиб берадилар. Натижада бола ўқиниб, ўз билганича тушунишга ҳаракат қилади. Айрим тортинчок болалар эса ҳеч бир савол бермайдилар. Бундай болаларга турли машғулотлар ва саёҳатларда катталарнинг ўзлари ҳам савол беришлари ва шу билан уларни фаоллаштиришлари лозим.

Ҳар қандай тафаккур, одатда бирон нарсани таққослаш, анализ ва синтез қилишдан бошланади. Шунинг учун биз ана шу таққослаш, анализ ва синтез қилишни тафаккур жараёни деб атаймиз. Саёҳатлар болалардаги тафаккур жараёнини фаоллаштириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Болалар табиатга қилинган саёҳатларда турли нарсаларни бир-бири билан таққослайдилар, анализ ҳамда синтез қилиб кўришга интиладилар. Агар 2 яшар боланинг сўз бойлиги тахминан 250 тадан 400 тагача бўлса, 3 яшар боланинг сўз бойлиги 1000 тадан 1200 тагача, 7 яшар боланинг сўз захираси 4000 тага етади. Демак, боғча ёши даврида боланинг нутқи ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан анча такомиллашади. Боғча ёшидаги болалар нутқининг ўсиши оиланинг маданий савиясига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Катталар болалар нутқини ўстириш билан шуғулланар эканлар, боғча ёшидаги болаларнинг баъзи ҳолларда ўз нутқ сифатларини тўла идрок эта олмасликларини унутмасликлари керак. Бундан ташқари, болаларда мураккаб нутқ товушларини бир-биридан фарқ қилиш қобилияти ҳам ҳали тўла такомиллашмаган булади. Тили чучуқликни тузатишнинг энг муҳим шартларидан бири, бола билан тўла ва тўғри талаффуз этиб, равон тил билан гаплашишдир.

#### **4.4.Мақтабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланиши**

Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни уч босқичга ажратиш мумкин:

**биринчи давр** - бу 3-4 ёш оралиғида бўлиб, бола эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқдир;

**иккинчи давр** - бу 4-5 ёшни ташкил қилиб ахлоқий ўз-ўзини бошқариш;

**учинчи давр** эса шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятининг шаклланиши билан характерланади.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қатъийлаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбаи сифатида, уларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланаётган катталар, шунингдек, тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқот, кузатиш, тақлид қилиш жараёнида, шунингдек, катталарнинг айниқса, оналарнинг мақтови ва танқидлари таъсирида ўтади ва мустақамланади. Бола доимо баҳо, айниқса мақтов олишга ҳаракат қилади. Бу баҳо ва мақтовлар боланинг муваффақиятга эришишга бўлган ҳаракатларининг ривожланишида, шунингдек, унинг шахсий ҳаёти ҳамда унинг касб танлашида аҳамияти жуда каттадир.

Боғча ёшидаги болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади. Бу шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқот мотивлари - бу болани ташвишга солаётган ички муаммолари билан боғлиқ, ишбилармонлик мотивлари эса у ёки бу ишни бажариш билан боғлиқ бўлган мотивлардир. Бу мотивларга аста-секинлик билан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан боғлиқ бўлган ўқиш мотивлари қўшилади. Бу мотивлар илк болалик давридан бошланиб, юзага келадиган болаларнинг табиий қизиқувчанлиги ўрнида пайдо бўлади. Ўзини намоён қилиш мотивлари ҳам бу ёшда яққол намоён бўлади. Бу мотив, асосан, болаларнинг сюжетли-ролли ўйинларида асосий ролни эгаллашга, бошқалар устидан раҳбарлик қилишга интилишда, мусобақага киришишга, нима бўлганида ҳам ютишга ҳаракат қилишларида кўринади.

Мактабгача ёш даври болалари учун катталар берадиган баҳо жуда муҳим. Болалар биринчи навбатда маънавий ахлоқ меъёр ва қоидаларини, ўз мажбуриятларига муносабат, кун тартибига риоя этиш, ҳайвон ва нарсалар билан муомала қилиш меъёрини эгаллайдилар. Бундай меъёрларни эгаллаш бу ёшдаги болалар учун қийин ҳисобланиб, уларни яхши ўзлаштириши учун сюжетли-ролли ўйинлар ёрдам бериши мумкин. Боғча ёшининг охирларига келиб, кўпчилик болаларда аниқ бир ахлоқий қарашлар таркиб топади, шунингдек, одамларга муносабат билан боғлиқ бўлган шахсий сифатлар жумладан: кишиларга нисбатан диққат-этиборли, меҳрибон бўлиш хусусияти ҳам шаклланади. Катта ёшдаги болалар кўп ҳолларда ўз хатти-ҳаракатлари сабабларини тушунтириб бера оладилар.

3-3,5 ёшлар оралиғида болалар ўзларининг муваффақият ва муваффақиятсизликларига ўз муносабатларини билдирадилар ва бу муносабат, асосан, уларнинг ўзларига берадиган юқори баҳолари асосида шаклланади. 4 ёшли болалар эса ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин, 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани бера олмайдилар. Ўз-ўзини англаш лаёқати катта боғча ёшидан ривожланиб,

аввал у қандай бўлганини ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қилади. Бу эса болалар берадиган «*Мен кичкина пайтимда қандай бўлган эдим?*», «*Мен катта бўлганимда қандай бўламан?*» сингари саволларида кўринади. Келажак ҳақида фикр юритиб, болалар келгусида кучли, жасур, ақлли ва бошқа қимматли инсоний фазилатларга эга бўлишига ҳаракат қиладилар.

Кичик ва ўрта боғча ёшида бола характерининг шаклланиши давом этади. У асосан, болаларнинг катталар характерини кузатишлари асосида таркиб топади. Шу йиллардан бошлаб, болада аҳамиятли ҳисобланган - природа, мустақиллик ва ташаббускорлик каби аҳамиятли шахсий хусусиятлар ривожлана бошлайди. Катта боғча ёшида бола атрофидаги одамлар билан турли фаолиятларда мулоқот ва муносабатларга киришишга ўргана бошлайди. Бу эса унга келажакда одамлар билан мулоқотга кириша олишида, иш бўйича ва шахсий муносабатларини самарали ўрната олишида фойда келтиради. Боланинг атрофидаги кишилар билан бўлган муносабатлари, асосида турли хил мотивлар ётади. Буларнинг ҳаммаси боланинг индивидуаллигини ташкил этиб, унинг бошқа болалардан нафақат интеллекти, балки ахлоқий мотивацион жиҳатдан фаркланадиган шахсга айлантиради.

Мактабгача ёшдаги болалар шахси ривожланишининг асосий ўзгаришлари, уларнинг ўз шахсий сифатлари, лаёқатлари, муваффақият ва муваффақиятсизликларини англаш, ўзини-ўзи англаши каби ҳисларнинг юзага келиши ҳисобланади.

Бу ёшдаги болалар шахсининг шаклланишида уларнинг ота-оналари ҳақидаги фикрлари ва уларга берадиган баҳолари ниҳоятда аҳамиятлидир.

Боғча ёшидаги болаларнинг хаёли асосан, уларнинг турли-туман ўйин фаолиятларида ўсади. Бирок, шу нарса диққатга сазоворки, агар боғча ёшидаги болаларда хаёл қилиш қобилияти бўлмаганда эди, уларнинг хаёли ҳам хилма-хил бўлмас эди. Боғча ёшидаги болаларнинг хаёллари турли хил машғулотларда ҳам ўсади. Масалан, боғча ёшидаги болалар лойдан турли нарсалар ясашни, кумдан турли нарсалар қуриб ўйнашни ва расм солишни яхши кўрадилар, Ана шундай машғулотлар болалар хаёлининг ўсишига фаол таъсир қилади.

Боғча ёшидаги болалар хаёлининг ўсишига фаол таъсир қилувчи омиллардан яна бири - эртақлардир. Болалар ҳайвонлар ҳақидаги турли эртақларни эшитганларида шу эртақлардаги образларга нисбатан маълум муносабатлари юзага келади.

Боғча ёшидаги болаларда ёқимли ва ёқимсиз ҳис-туйғулар ғоят кучли ва жуда тез намоён бўлади. Бу ёшдаги болаларнинг ҳис-туйғулари кўп жиҳатдан уларнинг органик эҳтиёжларининг қондирилиши ва қондирилмаслиги билан боғлиқдир. Бу эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги сабабли болада нохушлик (ёқимсиз), норозилик, изтиробланиш туйғуларини кўзгайди.

Катта боғча ёшидаги болаларнинг бурч ҳисси - «нима яхши-ю», «нима ёмон»лигини англашлари билан уларнинг ахлоқий тасаввурлари



орасида боғлиқлик бор. Катта одамлар томонидан буюрилган бирон топшириқни бажарганларида мамнунлик, шодлик туйғулари пайдо бўлса, бирон тартиб қондани бузиб қўйганларида хафалик, таъби хиралик ҳисси туғилади.

Шунингдек, боғча ёшидаги болаларда маънавий ҳиссиётлардан ўртоқлик, дўстлик ва жамоачилик ҳислари ҳам юзага кела бошлайди. Боланинг боғча ёшидаги даврида эстетик ҳиссиётлари ҳам анча тез ўсади. Боғча ёшидаги болаларда эстетик ҳиссларнинг намоён бўлишини, айниқса, уларнинг чиройли, янги кийим-бош кийганларида жуда яққол кўриш мумкин.

#### 4.5. Боланинг мактабга психологик тайёргарлиги

Боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши кўп жиҳатдан уларнинг мактабга тайёргарлик даражаларига боғлиқ. Бола аввало мактабга *жисмоний* жиҳатдан тайёр бўлиши керак. 6 ёшли болаларнинг анатомик-физиологик ривожланиши ўзига хос тарзда кечади. Бу ёшда бола организми жадал ривожланади. Унинг оғирлиги ойига 150 дан 200 гача, бўйи эса 0,5 см гача кўпаяди. 6 ёшли болалар турли тезликларда, тез ва енгил югура оладилар. Улар сакраш, конькида югуриш, чанғида учиш, сузиш сингари ҳаракатларни ҳам бемалол бажаришлари мумкин. Мусиқа бўйича машғулотларда эса хилма-хил ритмик ва пластик ҳаракатларни бажарадилар, турли машқларни аниқ, тез, енгил ва чаққон бажара оладилар.

6-7 ёшли болалар нерв системасини мустаҳкамлаш, уларни сурункали касалликлардан халос этиш, кўриш ва эшитиш қобилиятига алоҳида эътибор бериш, шунингдек, умуртқа поғонасининг тўғри ривожланишига аҳамият бериш, ниҳоятда муҳим. Катталар шу ёшдаги болалар билан иш олиб борар эканлар, бу ёшдаги болалар организми ҳали ўсиши давом этаётганлигини доимо ҳисобга олишлари лозим. Масалан, болани мажбуран ёзишга ўргатиш ҳали бармоқ мускуллари тўлиқ ривожланмаганлиги сабабли уларга маълум даражада зарар келтириши, боланинг чиройли ёза олмаслиги эса, ўз-ўзидан болани ўзига нисбатан ишончини ёки ўқишга нисбатан қизиқишини камайишига олиб келиши мумкин.

**Мотивацион тайёргарлик.** Катта боғча ёшдаги болалар асосан, мактабда ўқиш учун эҳтиёж сезадилар, лекин бу хоҳиш ва эҳтиёж мотиви турлича бўлиши мумкин. *"Менга чиройли форма, дафтар, қалам ва ручкалар сотиб олиб беришади"*, *"Мактабда ўртоқларим кўп бўлади ва мен улар билан мазза қилиб ўйнайман"*, *"Мактабда ухлатишмайди"*. Бундай мотивларни болаларга одатда ота-оналар сингдирадилар. Мактабнинг ташқи рамзлари, шубҳасиз болаларни жуда қизиқтиради, лекин бу мактабда муваффақиятли ўқиш учун асосий сабаб бўла олмайди. Ота-оналар, педагог, тарбиячилар томонидан болаларга билиш, ўрганиш мотивларини сингдирилиши мактабда муваффақиятли ўқиш омили бўлиб хизмат қила олади. *"Мен отамга ўхшаган бўлишим учун ўқишим керак"*, *"Ёзишни жуда яхши кўраман"*, *"Ўқишни ўрганаман"*, *"Мактабда қийин"*

*мисолларни ечишни ўрганаман"*- бундай мотивлар тўғри мотивацион тайёргарликка мисол бўла олади.

*Ақлий тайёргарлик.* Кўпинча ақлий тайёргарлик дейилганда боланинг дунёкараши, жонли табиат, инсонлар ва уларнинг меҳнатлари ҳақидаги билимлари тушунилади. Ушбу билимлар мактаб берадиган таълимга асос бўлиши мумкин, лекин сўз бойлиги, маълум хатти-ҳаракатларни бажара олиш лаёқати боланинг мактабга ақлий тайёргарлигининг асосий кўрсаткичи бўла олмайди. Мактаб дастури болалардан таққослай олиш, таҳлил эта олиш, умумлаштира олиш, маълум бир хулоса чиқара олиш, шунингдек етарли даражада ривожланган бошқа билиш жараёнларини ҳам талаб этади. Масалан, 6-7 ёшли бола табиат ҳақида айрим ҳодисаларнигина эмас, балки организмнинг табиат билан боғлиқлигини ва ўзаро таъсирини ҳам тушуниши ва ўзлаштириши мумкин. 6-7 ёшли болалар ақлий ривожланишнинг натижаси бўлиб, юқори даражада ривожланган кўргазмали образли тафаккур билан бола атроф оламдаги предметларнинг асосий хусусиятларини ва предметлар орасидаги боғлиқликни ажрата олишидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кўргазмали-ҳаракатли ва кўргазмали-образли тафаккур нафақат 6-7 ёшли болалар, балки кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ҳам ақлий ривожланишида асосий вазифани бажаради.

Боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши нафақат унинг ақлий ва жисмоний тайёргарлиги, балки шахсий, ижтимоий-психологик тайёргарлигига ҳам боғлиқ.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўртоғининг салбий хусусиятларини кўпчилик ва бегоналар ўртасида бемалол айта олиш хусусиятига эга бўладилар. Бу эса ахлоқи ва одоби жиҳатидан танқидга учраётган болани ўртоқлари жамосига кўшилишдан бош тортишига ёки умуман мактабга келишни истамаслигига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабаб болани ўртоқлари ва устозлари томонидан танқидга учрамайдиган даражада ахлоқ-одоб қоидаларига ўргатиш аҳамияти жиҳатидан кам бўлмаган ахлоқий тайёргарлик ҳисобланади. Болани мактабга иродавий тайёргарлиги уни янги кун тартибига амал қилишида, дарс жараёнида кунт билан билимларни ўзлаштиришида, уй вазифаларини бажаришида ўз ёрдамини кўрсатади. Мактабга ўқиш учун келаётган бола янги ижтимоий мавқеини - турли мажбуриятлари ва ҳуқуқлари бўлган ва унга турли талаблар қўйиладиган - ўқувчи мавқеини олиш учун тайёр бўлмоғи лозим.



Ушбу хохиш ва ҳаракат боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши учун табиий равишда асос бўла олади. Боланинг энди ўзини катта бўлганини, боғча боласи эмас, балки маълум бир мажбуриятлари бор ўқувчи бўлишини англаши, жиддий фаолият билан шуғулланаётганлигини билиши ниҳоятда муҳим. Боланинг мактабга боришини истамаслиги ҳам салбий ҳолат ҳисобланади. Мактабга шахсий ва ижтимоий-психологик тайёргарлик болаларда тенгдошлари, ўқитувчилари билан муносабатга кириша олиш хусусиятини шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Ҳар бир бола болалар жамоасига қўшила олиши, улар билан ҳамкорликда ҳаракат қила олиши, баъзи вазиятларда уларга ён босиб, бошқа вазиятларда ён босмасликка эриша олиши зарур. Ушбу хусусиятлар боланинг мактабдаги янги шароитларга тез мослаша олишини таъминлаб беради. 6-7 ёшли болалар ўқишидаги асосий қийинчилик шундаки, кўпинча бу ёшдаги болалар ўқитувчини узоқ вақт давомида тинглай олмайдилар, ўқув ҳаракатларига узоқ вақт ўз диққатларини қарата олмайдилар. Бунга сабаб, фақат, шу ёшдаги болаларда ихтиёрий диққатнинг ривожланмаганлигида эмас, балки боланинг катталар билан мулоқотга кириша олиш хусусиятига ҳам боғлиқ. Чунки, шу хусусияти ривожланган болалар эркин мулоқотга кириша оладилар, қизиқтирган нарсалар ҳақида сўрай оладилар. Натижада уларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари ортади ва ўқитувчи гапираётган нарсаларни диққат билан узоқ вақт эшита оладилар. Демак, боланинг мактабга тез мослашиши ва муваффақиятли ўқишида шахсий ва ижтимоий-психологик тайёргарлигининг ҳам аҳамияти жуда катта.

Бу даврда болаларда аввало билиш соҳалари, сўнгра эса эмоционал мотивацион йўналиш бўйича ички шахсий ҳаёт бошланади. У ёки бу йўналишдаги ривожланиш образлиликдан рамзликкача бўлган босқичларни ўтайди. Образлилик дейилганда болаларнинг турли образларни яратиши, уларни ўзгартириши ва эркин ҳаракатга келтириши, рамзлилик дейилганда эса белгилар тизими (математик, лингвистик, мантикий ва бошқалар) билан ишлаш малакаси тушунилади. Мактабгача ёш даврда ижодкорлик жараёни бошланади. Ижодкорлик лаёқати, асосан, болаларнинг қонструкторлик ўйинларида, техник ва бадий ижодларида намоён бўлади. Бу даврда махсус лаёқатлар куртакларининг бирламчи ривожланиши кўзга ташлана бошлайди. Мактабгача даврда тасаввур, тафаккур ва нутқ умумлашади. Бу эса бу ёшдаги болаларда тафаккур қилиш омили сифатида ички нутқ юзага келаётганлигидан далолат беради. Билиш жараёнларининг синтези боланинг ўз она тилини тўлиқ эгаллаши асосида ётади. Бу даврда нутқнинг шаклланиш жараёни яқунлана бошлайди. Нутқ асосидаги тарбия жараёнида болада содда ахлоқ меъёрлари ва қоидалар эгалланилади. Бу меъёр ва қоидалар бола ахлоқини бошқаради.

## **У БОБ. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ**

### **Режа:**

1. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари.
2. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиши.
3. Ўқув фаолиятининг хусусиятлари.
4. Бошланғич синф ўқувчилар шахсининг шаклланиши.
5. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг эмоционал хусусиятлари.
6. Кичик мактаб даврида шахслараро муносабат.
7. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари.

### **Ўқув мақсадлари**

**Таълимий:** Талабаларга кичик мактаб давридаги ўқувчиларнинг психик ривожланиш хусусиятлари, етакчи фаолият, хулқ-атвор хусусиятлари, ақлий ривожланиши ва шахсининг шаклланиши бўйича билим бериш.

**Тарбиявий:** Бўлғуси педагогларда кичик мактаб ёшидаги болаларни севиш, улар шахсига ҳурмат билан қараш ҳисларини сингдириш. Талабаларни кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга самарали таълим-тарбия бериш учун ўз шахсий фазилатларини таҳлил қилишга ўргатиш.

**Ривожлантирувчи:** Олинган назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалиётга йўналтириш йўллари бўйича кўникма-малакаларни ривожлантириш.

### **5.1. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари**

Кичик мактаб даври 6-7 ёшдан 9-10 ёшгача давом этади. Унинг психикаси билим олишга етадиган даражада ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири, унда ўзига хос эҳтиёжларнинг мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳиятига кўра фақат муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга қаратилмай, балки ўқувчилик истагини акс эттиришдан ҳам иборатдир. Шу эҳтиёжлар асосида боланинг ўз портфелига, шахсий ўқув қуролларига, дарс тайёрлаш столига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш, катталардек ҳар куни мактабга бориш истаги ётади. Ана шу эҳтиёж бола шахсининг шаклланишида, шунингдек унинг ижтимоийлашувида катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу даврда бола, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади. Физиологларнинг фикрига кўра, 7 ёшга келиб боланинг катта мия ярим шарлари маълум даражада ривожланган бўлади. Лекин бу ёшда инсон миясининг психик фаолиятни режалаштириш, бошқариш, назорат қилиш каби мураккаб шаклларида жавоб берадиган махсус бўлимлари ҳали тўлиқ шаклланиб бўлмаган бўлади. (Миянинг бу қисмлари 12 ёшда ривожланиб бўлади.) Миянинг бошқарув функцияларини тўлиқ шаклланиб бўлмаганлиги кичик мактаб ёшидаги болаларнинг хулқ-атворида, фаолиятларини ташкил этишларида ва эмоционал соҳаларида яққол намоён бўлади.

Айрим 6 ёшли болалар ота-онасининг хоҳиши билан ҳали ўқишга тайёр бўлмаётган туриб, мактаб оstonасига қадам қўйишади. Афсуски, ўқиш давомида ақлий-руҳий зўриқиш оқибатида турли хил касалликларга чалиниб, жисмоний ва психик ривожланишда нуқсонлар пайдо бўлади. Бундай болаларда энг аввало миёя структурасининг ва нерв психик жараёнларининг мактабда ўқиш учун тўлиқ етишмаганлиги, кўрув ҳаракат координацияси ва кичик моториканинг ривожланмаганлиги, мантикий фикр маҳсулдорлигининг пастлиги кузатилади. Ундан ташқари мотивация, иродавий жиҳатларининг айниқса, ихтиёрий диққат ва хотиранинг шаклланмаганлиги, хатти-ҳаракатларни ихтиёрий бошқарувдаги муаммолар, бир сўз билан айтганда ҳали “Ўқувчи ички позиция”сининг шаклланмаганлиги мактабда ўқишга тайёр бўлмаган болаларнинг муқоффақиятли ўзлаштириб кетишларига салбий таъсир кўрсатади.

Педагоглар, ота-оналар, болаларни эрта мактабга беришнинг фойда ёки зарари тўғрисида ўйлаганларида инсон миёяси ривожланишининг нейрофизиологик қонуниятларини ҳам алоҳида эътиборга олишлари лозим. Болани эрта ўқиш, ёзиш, санашга ўргатиб унинг билиш жараёнлари зўриқтирилса, боланинг эмоционал ҳиссий ривожланиши учун зарур бўлган миёя қувватининг танқислашувига сабаб бўлади. Бундан болаларнинг эмоционал ҳиссий жараёнларининг кечишида ёки жисмоний ривожланишида камчиликлар содир бўлади. Бундай ҳолатда энергия тақсимланишининг мажбуран бузилиши содир бўлиб, у 7-8 ёшли болаларни кўрқув, агрессивлик ёки гиперактивлик ҳолатларига олиб келади. Бу болани мактабда ўқишга тайёрлаш керак эмас деган фикр эмас, лекин боланинг ақлий ривожланишига эрта ўқишни, санашни, ёзишни ўргатиш билангина эришиб бўлмайди. Маълумки, ривожланиш қонуниятига кўра, ҳар қандай тараққиёт кўргазмали образлиликдан абстракт мантикийликка қараб боради. Агар бола ҳали ўқишга ақлий, маънавий-руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаётган туриб, унга ҳарф ва рақамларни ёзиш, ўқиш ўргатилса психик ривожланишнинг тескари томонга кетишига сабаб бўлади. Психолог олимларнинг фикрича, психик ва эволюция тараққиёт қонунлари ҳам физик қонунлардек бузилмас, ҳамда универсалдир. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, нейрофизиологик жиҳатдан ихтиёрий диққат ва ўқиш учун зарур бўлган кўплаб миёяда кечадиган жараёнлар асосан 7-8 ёшда (ақлий ёши ўзиб кетган болаларда олти ёшда ҳам) шаклланади. Яъни шу ёшда бола 45 минутлик ақлий меҳнатга тайёр бўлади.

Мактабда ўқишнинг бошланиши 7 ёшда бўладиган учинчи физиологик кризис билан мос келади (бола организмда жадал бўйининг ўсиши, ички органларнинг катталашуви, вегетатив ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган кескин эндокрин ўзгаришлар рўй беради).

6-7 ёшли мактабга тайёр болада *“Мен шуни хоҳлайман”* мотивидан *“Мен шуни баъжаришим керак”* мотиви устунлик қила бошлайди. Мактабда биринчи синфга келган ҳар бир ўқувчида психик зўриқиш кучаяди. Бу нафақат унинг жисмоний саломатлигида, балки хатти-ҳаракатида ҳам,

масалан, маълум даражада кўркўвни кучайиши, иродавий фаолликнинг сусайишида намоён бўлади.

Боланинг ижтимоий муносабатлар тизими ва фаолиятидаги кардинал ўзгаришлар унинг организмидаги барча тизимлар ва функцияларидаги ўзгаришларга тўғри келиб боладан кучли зўриқиш ва ўз ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш заруриятини таказо этади. Мактабга тайёр бўлган боладаги ушбу ўзгаришлар салбий оқибатларни олиб келмай, аксинча унинг янги шароитларга муваффақиятли мослашувига ёрдам беради. Ўқитувчининг муносабат услуби ўқувчининг фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади.

Кичик мактаб ёшидаги болалар тез чалғийдилар, узоқ вақт диққатларини бир нарсага қарата олмайдилар, таъсирчан ҳамда эмоционал бўладилар. Мактабда ўқишнинг бошланиши 7 ёшда бўладиган иккинчи физиологик инкироз билан мос келади (бола организмида жадал бўйнинг ўсиши, ички органларнинг катталашуви, вегетатив ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган кескин эндокрин ўзгаришлар рўй беради). Боланинг ижтимоий муносабатлар тизими ва фаолиятидаги кардинал ўзгаришлар унинг организмидаги барча тизимлар ва функцияларидаги ўзгаришларга тўғри келиб, боладан кучли зўриқиш ва ўз ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш заруриятини таказо этади. Ушбу ёшдаги ўзгаришлар салбий оқибатларни олиб келмай, аксинча унинг янги шароитларга муваффақиятли мослашувига ёрдам беради. Ўқитувчининг муносабат услуби ўқувчининг фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи фаоллигининг асосан уч хил кўриниши мавжуд бўлиб, булар: жисмоний, психик ва ижтимоий фаолликдир. *Жисмоний фаоллик* - соғлом организмнинг ҳаракат қилишга бўлган турли мавжуд тўсиқларни енгишдаги табиий эҳтиёжидир. Бу ёшдаги болалар ниҳоятда серҳаракат бўладилар. Бу жисмоний ҳаракат боланинг атрофдаги нарсаларга қизиқиш билан қараётганлиги, уларни ўрганишга интилаётгани билан ҳам боғлиқдир. Боланинг жисмоний ва психик фаоллиги ўзаро боғлиқдир. Чунки, психик соғлом бола ҳаракатчан бўлади, чарчаган, сиқилган бола эса деярли ҳеч нарса билан қизиқмайди. *Психик фаоллик* - бу нормал ривожланаётган боланинг атроф оламдаги предметларни, инсоний муносабатларни билишга нисбатан қизиқишдир. Психик фаоллик деганда, болани ўзини билишга нисбатан эҳтиёжи ҳам тушунилади. Мактабга биринчи бор келган болада қатор қийинчиликлар юзага келади. Уларнинг, аввало, бир қанча мактаб қоидаларига бўйсунуши қийин кечади. Бошланғич синф ўқувчиси учун энг қийин қоида бу дарс вақтида жим ўтиришдир. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг доимо жим ўтиришларига ҳаракат қилишади, лекин камҳаракатли, пассив, қуввати кам бўлган ўқувчигина дарс жараёнида узоқ вақт жим ўтира олади.

Биринчи синфнинг биринчи кунларидан бошлаб бола енгиши керак бўлган бир қанча қийинчиликларга учрайди. Бу қийинчиликлар: мактаб ҳаётини ўзлаштириш, янги кун тартибини яратиш ва унга мослашиш, у учун янги бўлган синф жамоасига кўшилиш, хатти-ҳаракатларини чегараловчи қоидаларни қабул қилиш, ўқитувчи билан муносабатларни ўрнатил, оилавий

муносабатларни қабул қилиш в.х. Бундай вазиятларда катталар, яъни устоз ва ота-оналар болаларга албатта ёрдам беришлари зарур.

Биринчи бор мактабга келган бола ҳали ўзини тўлиқ англаши ва ўз хатти-ҳаракатларини аниқ билиши кийин. Фақат ўқитувчигина болага меъёрлар кўйиши, уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаши, ўз хатти-ҳаракатларини бошқалар билан мослаштиришга шароит яратиши мумкин. Бошланғич синфда ўқувчилар ўқитувчи томонидан кўйиладиган янги талаблар ва шартларни қабул қиладилар, шунингдек уларнинг қоидаларига тўла амал қилишга ҳаракат қиладилар.

Ўғил болалар ва қизлар ривожланиш темпидаги ўзгаришлар сақланиб қолади. Қиз болалар ҳамма томондан ривожланишда ўғил болалардан олдинга ўтиб оладилар. *Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти ўқиш ҳисобланади.* Боланинг мактабга бориши, унинг психологик ривожланиши ва хулқ-атворидаги ўрни ниҳоятда катта. Бу даврда ахлокий хатти-ҳаракат қоидалари ўзлаштирилади, шахснинг ижтимоий йўналиши таркиб топа бошлайди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлокий онглари I ва IV синфдаги ўқиш мобайнида муҳим ўзгаришларга учрайди ва ахлокий сифатлар, билим ва тасавурлар сезиларли даражада бойийди.

Бола ўқув фаолиятида ўқитувчи раҳбарлигида инсоний анъаналар асосида ҳаракат қилишга ўрганади, ўз иродасини ўқув мақсадларига эришиш учун машқ қилдиради. Ўқув фаолияти боладан нутқ, диққат, хотира, тасаввур ва тафаккурини керакли даражада ривожланишини талаб этган ҳолда, бола хулқ-атворининг ривожланиши учун янги шароитларни яратади. Кичик мактаб даври бу англанилган ва ихтиёрий хатти-ҳаракатларга ўтиш давридир. Бола фаол равишда ўзини ўзи бошқаришга, кўйилган мақсадларга кўра ўзининг фаолиятини ташкил этишга ўрганиш давридир. Кичик мактаб даврида хатти-ҳаракатларнинг янги шакллари пайдо бўлиши бевосита ўқув фаолияти билан боғлиқдир. Ҳеч бир ўқитувчи мактабга биринчи бор келган боладан ўзи ўргатмаган арифметик мисол ва масалаларни ечишни талаб этмайди, лекин афсуски, жуда кўп ўқитувчилар улардан кунт билан ўқишни, уюшқоқликни, маъсулиятлиликни, тартибга аниқ риоя этишни талаб этадилар. Ваҳоланки, ушбу кўникмалар ўқитувчи томонидан маълум одат ва малакаларга ўргатилинганидан сўнггина пайдо бўлади.

Ихтиёрий равишда ҳаракат қилиш лаёқати бутун кичик мактаб даври давомида шаклланади. Психик фаолиятнинг олий шакли сингари ихтиёрий хатти-ҳаракатлар уларнинг шаклланишини асосий қонунига бўйсунди. Унга кўра янги хатти-ҳаракатлар аввало катталар билан бўлган умумий фаолиятда юзага келиб, бола шундай хатти-ҳаракатларни ташкил этиш имкониятларини ўрганади ва шундан кейингина у боланинг индивидуал хатти-ҳаракат усулига айланади. Катталар болаларни амалий жиҳатдан ўз вақтларини тўғри тақсимлаш борасида яхши ўқиш, ўйнаш, сайр қилиш ва бошқа нарсалар билан шуғулланиш қоидаларига ўргатадилар. Демак, оилада бола у билан ҳисоблашадиган, маслаҳатлашадиган

янги бир ўринни эгаллайди. Кичик мактаб даври бу ижобий ўзгаришлар ва янгилаанишлар давридир. Шунинг учун ҳам ривожланишнинг шу босқичида ҳар бир бола эришган мувафаккиятлар даражаси ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Агар шу ёшда бола билиш, ўрганиш қувончини ҳис этмаса, ўқиш малакаларини эгаллай олмаса, дўстлашишни билмаса, ўзига нисбатан, ўз имконият ва лаёқатларига нисбатан ишончли бўла олмаса, бу ишларни келгусида амалга ошириш қийинроқ бўлиб, боладан юқори руҳий ва жисмоний зўриқишни талаб этади.

Бу даврда боланинг *"Мен шуни хоҳлайман"* мотивидан *"Мен шуни бажаришим керак"* мотиви устунлик қила бошлайди. Мактабда биринчи синфга келган ҳар бир ўқувчида психик зўриқиш кучаяди. Бу нафақат унинг жисмоний саломатлигида, балки хатти-ҳаракатида ҳам, яъни маълум даражада кўркўвни кучайиши, иродавий фаолликнинг сусайишида намоён бўлади.

Бу даврга келиб бола атрофидагилар билан ўзаро муносабатда маълум бир натижаларга эришган, ўзи хоҳлаётган нарсаларни ҳамда, ўз синфи ва оиласида ўзи эгаллаган ўринни аниқ биладиган бўлади. Шунингдек, у ўзини-ўзи бошқариш малакасига эга бўлади, вазият ва ҳолатга қараб иш юрита олади. Бу ёшдаги болалар хатти-ҳаракатлари ва мотивлари уларнинг ўзларига берадиган баҳоларига қараб *"Мен яхши боламан"* эмас, балки бу хатти-ҳаракатлар ўзгалар кўз ўнгиди қандай намоён бўлишига қараб баҳоланишини тушуна бошлайдилар. Бола мактабда ноаниқликка дуч келса, катталарнинг хатти-ҳаракатлари маъносини тушунмаса унда тақлидчанлик ривожланади. Боланинг тақлидчанлиги ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлиши мумкин. Ихтиёрсиз тақлидчанлик устози ва синфдошларининг хатти-ҳаракатларини ўзлаштиришга олиб келади. Бунда хатти-ҳаракатларни англамаган равишда эгаллайди. Шуни ҳамиша ёдда сақлаш лозимки, бола ихтиёрсиз равишда нафақат чиройли ва керакли нарсаларга балки турли салбий кўриниш ва ҳолатларга ҳам тақлид қилиши мумкин. Ихтиёрий тақлидчанлик иродавий зўриқишни талаб этади. Бундай вазиятларда бола мақсадга йўналтирилган равишда у – ёки бу хатти-ҳаракатни амалга оширади, бу хатти-ҳаракатларини қоида, намуна эталонга мослаштиришга интилади. Ўқитувчи боладаги ихтиёрий тақлидчанлик хусусияти орқали уларда самарали ижтимоий одат ва ҳислатларни ривожлатириши мумкин. Ҳар қандай хатти-ҳаракат ва фаолиятда ўқитувчи болани баҳолайди, ўқувчи шу баҳолаш асосида эса ўз-ўзини баҳолашга ўрганиб боради.

Боланинг устозига бўлган муносабати ёмон баҳо олиб хафа бўлган тақдирда ҳам ижобий бўлиб, унга ишонч билан қараши сақланиб қолаверади. 3-4 синфларда ўқувчиларда ўртоқлари ва синфдошлари ўртасида мавқели бир ўринни эгаллашга ҳаракат юзага келиб, ўртоқлари фикрларига асосланиш пайдо бўлади.

Ўқишнинг ижтимоий аҳамиятини тушуниш (2- 3 синфларда) ўқиш мазмунини ва билимларни эгаллаш йўлларида қизиқишнинг юзага келтирилиши билан мустаҳкамланиши мумкин. Бундай ҳолда кичик мактаб даврининг охирларга бориб ўқишга нисбатан мотивациянинг пасайиши



кўзга ташланмайди. Кичик мактаб даврида мақсадни қўйиш шу билан характерланадики, ўқувчи ўқитувчи томонидан берилган мақсадларни қабул қилишга тайёр бўлади. Кичик мактаб даврида ўқувчининг ўз хатти-харакатларини ўқитувчи қўйган мақсад ва вазифаларга мослаштириши синфдан-синфга кўтарилган сари кучайиб боради. Бу ўқувчининг мактаб қондаларига амал қилишида, синфдаги вазифаларини бажаришида кўринади. Ўқувчи дарсдаги ва дарсдан ташқари ўз вақтини мустақил ташкил этиш борасидаги мақсадларининг аҳамиятини белгилашни ўрганиб боради. Бу уй вазифаларини бажариш тартибига амал қилишда кўринади. Мустақил равишда ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадлардаги оралик мақсадлари тизимини масалан, масалани ечишнинг ўз йўллари ва босқичларини мустақил айтиб бера олади, шунингдек, оралик мақсадларга эришиш воситаларини белгилай олади. Кичик мактаб даврида мақсад қўйишнинг мураккаб характери биринчи синф ўқувчисининг иродавий хатти-харакатлари билан боғлиқлиги тадқиқ этилган. (Котирло В.К. Развитие волевого поведения у дошкольников. Киев, 1971, С.179-182.). Юқорида кўрсатиб ўтилганлар кичик мактаб давридаги ўқувчиларнинг мотивацион соҳаси ўзгариб боришини, мактабгача даврда бўлган умумий билиш ва мотивларнинг ижтимоий йўналганлиги аниқлашиб, “Ўқувчи мавқеи”ни эгаллашига, яъни мактабга боришга интилиш, бу позиция қондирилганидан сўнг эса янги муносабатларнинг – ўқув мотивлари ва бир қадар мураккаб шаклда бўлган ижтимоий мотивларнинг юзага келишидан далолат беради. Кичик мактаб даврининг охирларига келиб ўқувчиларда ўқув-билиш мотивлари, яъни фақат янги билимларнигина эмас, хатто умумий қонуниятларни эмас, балки янги билимларни топишнинг айнан бирон бир йўллари эгаллашга қизиқиш шакллантирилган бўлиши лозим. Ушбу мотивларнинг шакллантирилиши кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўрта мактабга тайёргарлигининг зарурий жиҳати ҳисобланади.

## **5.2. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиши**

Ўқиш фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ақл-идроки, сезгирлиги, кузатувчанлиги, эслаб қолиш ва эсга тушириш имкониятларининг ривожланиши учун муҳим шарт-шароитлар яратади, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Шу ёшдаги бола идрокининг ўтқирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, хаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги ўзининг қизиқувчанлиги, ишонувчанлиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради.

Кичик мактаб даврида ўқиш фаолияти билан шуғулланиш, жумладан, моддий нарсаларнинг ҳар хил хоссалари билан танишиш сезгиларнинг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда асосан фарқ қила олиш, кўриш ва эшитиш сезгилари айниқса тез ўсади. 7-10 ёшли болаларда рангларнинг тусларини сезиш 45%


ортиши, 10-12 ёшгача болаларда эса 65%гача ортиши рус олимлари томонидан аниқланилган. Кичик мактаб ўқувчиларини расм чизишга ўргатиш рангларни фарқлаш сезгирлигининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Оҳангларни фарқ қилиш сезгирлиги, айниқса болаларга мусиқа ва ашула ўргатиш жараёнида кучли суратда ўсади. Сезгиларнинг ўсишида шунингдек, жисмоний тарбия машғулотларининг ҳам аҳамияти катта. Аниқ ҳаракат қилишга жалб этувчи машқлар болаларнинг мускул-ҳаракат сезгиларини ўстиради.

Кичик мактаб даврига келиб идрокнинг ҳамма турлари асосан таълим-тарбия туфайли мазмун, аниқлик, равшанлик жиҳатдан кўп даражада такомиллашади. Мазкур ёшдаги болалар ўз идрокларининг аниқлиги, раволиги, ўткирлиги билан бошқа ёш даврдаги инсонлардан кескин фарқ қилади. Улар ҳар бир нарсага берилиб, ўта синчковлик билан қарашлари сабабли идрокнинг муҳим хусусиятларини ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

Биринчи синфга келган бола предметларнинг ранги, шакли ва катталигини, уларни мақонда жойлашишини билиш билан, бирга уларни таққослай олади. Мактабда муваффақиятли ўқиш учун бола сенсор ривожланганлик даражасининг юқори бўлиши жуда муҳим ҳисобланади. Мактаб ёшига келиб, нормал ривожланаётган болалар расм ва суратлар реал ҳаётни акс эттираётганлигини яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам сурат ва расмларда нималар акс этганини реал ҳаётга таққослаган ҳолда билишга ҳаракат қиладилар. Бола расмларда атроф-ҳаётдаги нарсаларни кичиклаштириб тасвирланганлигини англай билади. Бу тасвирлар болаларда эстетик ва бадий дидни ривожлантиради. Чунки, бола шу расмлар орқали олам гўзаллигини, унинг турфа ранглардан иборат эканлигини англайди, ажратади ва ўз муносабатини билдира олади. Таълим-тарбия жараёнида болаларда ихтиёрий идрок ва кузата олиш қобилияти ўсади. Кузата билиш муваффақиятли ўқиш учун зарур шартлардан биридир. Ўқувчиларда кузата билиш қобилияти уларнинг тафаккури, иродаси, кизиқиш, ҳаваслари билан биргаликда ўсиб боради. Бу ёшдаги ўқувчилар ўз идрокларини мустақил идора эга оладилар. Бошланғич синф ўқувчилари катта ёшдаги одамлардан деярли қолишмасдан тўғри чизикни кўз билан чамалаб тенг икки бўлакка бўла оладилар, нарса ва чизикларни катта-кичиклигига қараб таққослай оладилар, нарсаларнинг фазода турган ўрнини, уларнинг қайси бири яқинроқ ёки узокроқ, қайси бири баландроқ ёки пастроқ жойлашганини кўз билан чамалаб, шу масофани босиб ўтиш учун талаб қилинадиган вақтни ҳам тахминан ҳисоблай оладилар.

Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узок муддатли ва шартли барқарор бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларида диққатни иродавий зўр бериш билан бошқариш ва вазиятга мослаш имконияти яхши бўлмайди. Бунинг асосий сабаби, уларда ихтиёрий диққатнинг кучсизлиги ва бекарорлигидир. Болаларда ихтиёрсиз диққат кўпроқ ривожланган бўлади. Бошланғич синф ўқув материалларининг яққоллиги, ёрқинлиги, жозибadorлиги, ўқувчида беихтиёр ҳис-туйғуларни

уйғотади ва кучли иродавий зўриқишсиз фан асосларини эгаллаш имконини беради. 1-2 синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларидан бири - унинг етарлича барқарор эмаслигидир. Шунинг учун ҳам улар ўз диққатларини узоқ муддат муайян нарсаларга қарата олмайдилар ва диққат объектлари устида узоқ тура олмайдилар. Таълим жараёни кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ихтиёрий, барқарор, мустаҳкам, кучли, фаол онгли диққатни ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратади. Билим олиш жараёнида мустақил ақлий меҳнат қилиш, мисол-масалалар ечиш, машқлар бажариш, такрорлаш иродавий зўр бериш жараёнида ихтиёрий, онгли диққат таркиб топади. Бу ёшдаги болаларда ихтиёрий диққатни тўплаш, ташкил қилиш, уни тақсимлаш, онгли равишда бошқариш уқуви шакллана бошлайди.



Ландольт халқачали матрицаси.

Ушбу матрица кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар диққатининг кўчиши, тақсимланиши, маҳсулдорлиги ва барқарорлигини аниқлаш учун ишлатилади. Кичик мактаб ёшидаги болага Ландольт халқачалари чизилган бланк такдим этилади ва унга қуйидаги қўлланма берилади.

“Ҳозир биз сен билан “ Диққатли бўл ва иложи борича тезроқ ишла“ номли ўйин ўйнаймиз. Сен ҳозир бошқа ўртоқларинг билан мусобақалашасан. Кейин мусобақада ким ютганини кўраемиз. Сени бажарган ишларинг ўртоқларингникидан ёмон бўлмайди деб ўйлайман. Шундан сўнг болага Ландольт халқачали бланк кўрсатилади ва у нима қилиши кераклиги тушунтирилади. У халқачаларни қаторлар бўйича диққат билан қараши ва улар орасидан жойидан ўзгартириб чизилган халқачаларни топиши ва уларни белгилаб қўйиши керак.

Иш 5 минут давомида бажарилади. Ҳар бир минутдан сўнг экспериментатор “чизик” деб айтади. Бу вақтда бола тўхтаган жойига чизик тортиши керак бўлади. 5 минут ўтганидан сўнг экспериментатор “тўхта” деб айтади ва бола ишни тўхтатиши керак ва ўша ерга иккита чизик тортиб қўйиши зарур. Иш тугатилганидан сўнг экспериментатор бола томонидан ҳар бир минут ичида ҳамда 5 минут давомида кўриб чиқилган халқачалар сонини аниқлайди. Шунингдек, ишлаш жараёнида ҳар бир минутда ва 5 минут давомида йўл қўйилган хатоликлар ҳисобланилади.

Кичик мактаб ёшидаги бола маълум даражада ўз фаолиятини ўзи мустақил ривожлантира олади. У ўз режасини, у ёки бу ишни қандай кетма-кетликда бажаришни сўз билан ифодалаб бера олади. Режалаштириш сўзсиз боланинг диққатини ташкил эта олади ва ривожлантиради. Кичик мактаб ёшидаги болалар ўз диққатларини ақлий масалаларга қарата оладилар, лекин бу жуда катта иродавий кучни ва юқори мотивацияни ташкил этилишини талаб этади.

Ўқув фаолияти боладан берилган ўқув материалларини эсда сақлаб қолишни талаб этади, ўқитувчи ўқувчисига нималарни эслаб қолиши зарурлиги ҳақида кўрсатмалар беради. Ўқувчи нимани эслаб қолиши кераклигини такрорлайди, уни тушуниб олишга ҳаракат қилади. Лекин бу ёшда ихтиёрсиз хотира, шубҳасиз, устунлик қилади. Боланинг хотирасида сақлаб қолишини асосан унинг ишга бўлган қизиқиши белгилаб беради. Ўқув материални тушуниш, эслаб қолишнинг асосий шarti ҳисобланади. Биринчи сигнал системаси иккинчи сигнал системасидан бирмунча устунлиги туфайли кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мантикий хотирадан кўра кўрғазмали ҳаракатли хотира устунлик қилади. Шунинг учун ҳам улар назарий қонун ва қоидалардан, мавҳум тушунчалардан кўра яққол маълумотлар, ахборотлар, воқеа ва ҳодисаларни, образлар ва нарсаларни тезроқ ҳамда мустаҳкамроқ эслаб қоладилар ва узоқ муддат эсда сақлайдилар. Кичик мактаб ёшидаги болалар таълим олиш муносабати билан мантикий, яъни маъносига тушуниб эсда қолдириш қобилияти ўсиб боради. Эсда қоладиган материалнинг ҳажми кенгайиб боради, материалнинг мазмунини тушуниш ҳам чуқурлашади ва мураккаблашади. Баъзан бошланғич синф ўқувчилари, ҳатто мазмуни тушунарли бўлган материални

хам маъносига эътибор бермасдан, механик равишда ўрганиб оладилар. Республикамизнинг психолог олими Э.Ғ.Ғозиевнинг фикрига кўра, бунинг сабаблари қуйидагилар: 1) уларнинг механик хотираси бошқа хотира турларига қараганда яхшироқ ривожлангани учун ҳам маълумотларни айнан, ўзгаришсиз эслаб қолиш имконини беради;

2) ўқувчилар ўқитувчи қўйган вазифани англаб етмайдилар, натижада унинг “тўғри тушунтириб бер” деган талабини сўзма-сўз такрорлаш деб биладилар; 3) уларнинг нутқ бойлигини етишмаслиги (илмий атамалар, тил қонуниятларини билмаслиги) материални ижодий тўлдириш, унга қўшимча қилиш имконияти йўқлиги уни сўзма-сўз қайтаришни осонлаштиради; 4) ўқувчилар матнни тўғри усуллар билан эслаб қолишни билмайдилар. Бундай ҳолат шу ёшдаги болаларда албатта бўлиши керак эмас. Механик эсда қолдириш кўпинча ўқитувчилар ўқувчиларида мантиқий хотирани ўстиришга етарли эътибор бермаган ҳолларда бўлиши мумкин. Таълим жараёнида ўқув материалнинг маъносини, моҳиятини, турли мулоҳазаларни, далилларни, илмий асосларини эслаб қолиш ва эсга тушириш орқали ўқувчиларда мантиқий хотира такомиллашади. Биринчи синфдан бошлаб ихтиёрий эсга тушириш қобилияти тез ривожлана бошлайди. Ўқиш жараёни учун ихтиёрий эсда қолдириш ҳам, ихтиёрий эсга тушириш ҳам баробар талаб этилади. Бусиз ўқиш жараёнининг нормал бўлиши мумкин эмас. Ўқувчилардан фақат ўрганиб, билиб олишгина эмас, балки ўрганиб билиб олганини хотирлай олиш ҳам талаб этилади. Ўқув материални муайян система билан хотирлаш фақат ихтиёрий эсга тушириш йўли билан бўлиши мумкин.

Ўқувчилар тушунча ва қоидаларни таърифлаб беролмай қолганларида ёки таърифлаш мумкин бўлмаган пайтларда тасвирлаб, таққослаб, характерлаб, мисоллар билан кўрсатиб берадилар. Дарс жараёнида ўқитувчи турли вазиятларни тасаввур қилишни сўрайди. Бу ҳолат, албатта, бирон-бир ёрдамчи қуроллар-предметлар, макетлар, схемалар бўлган тақдирдагина ўқувчи тасаввурини ривожлантириши мумкин. Акс ҳолда бу ёшдаги болалар мустақил тасаввур, ҳаракатлар қилишга қийналадилар. Кичик мактаб даврида тасаввур асосан болалар расм чизаётганларида, шунингдек эртақ ва ҳикоялар тўқийганларида ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўз хаёллари ва тасаввурларига асосланган ҳолда қизиқарли эртақ ва ҳикояларни ўзлари мустақил равишда тўқий оладилар. Кичик мактаб ёшидаги болалар тасаввурлари жуда кенг ва хилма-хил бўлади. Айрим ўқувчилар реал борликни тасаввур этсалар, бошқалари эса фантастик образ ва вазиятларни тасаввур этадилар. Шу боис кичик мактаб ёшидаги болаларни реалистлар ва фантазёрларга ажратиш мумкин. Болалар кўпинча ўзларига маълум сиймолар, сюжетлардан фойдаланган ҳолда янги образларни тасаввур этадилар, яратадилар. Жуда кўп мультфильмлар ана шундай болаларнинг тасаввурлари асосида яратилган. Турли тасаввурлар замирида уларнинг кўрқувни енгиши, дўст топиши, хурсандчилик ҳислари ётади. Бундан ташқари, тасаввур терапевтик натижага олиб келувчи фаолият сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Бола реал ҳаётда қийинчиликларга дуч келиб,

улардан чиқиб кета олмаган ҳолатда ҳам кўпинча хаёлга берилади. Масалан, меҳрибонлик уйида тарбияланаётган бола ўзининг ҳамма ҳавас қиладиган оиласи, уйи бўлишини, бу уйга ўғрилар келиб қолса, у қахрамонлик қилишини тасаввур қилади. Ўз тасаввурда яхши ёки ёмон ҳолатларни бошидан кечирган бола ўзининг келгуси хатти-ҳаракатлари мотивацияси учун замин тайёрлайди. Катталарга нисбатан бўлган тасаввурнинг болалар ҳаётидаги аҳамияти жуда катта. Бола тасаввур қилиб атроф-ҳаётни чуқурроқ била бошлайди, ўз-ўзининг шахсий тажрибасидан тасаввур ёрдамида четга чиқа олади, ижодий лаёқати ривожланади, шахсий хусусиятларининг ривожланишига хизмат қилади. Мактабнинг биринчи синфига келган болада хаёл етарли даражада ривож топган бўлади ва у хилма-хил тасаввурларнинг каттагина захирасига эга бўлади. Ўқиш жараёнида у фақат идрок ва хотира тасаввурларига таяниб қолмасдан, балки шу билан бирга, хаёлида яратилган тасаввурларга ҳам таяниб, ўргатилаётган материални яққол тарзда ўзлаштира боради.

Боланинг хаёли теварак-атроф таассуротлари, тасвирий санъат асарларини етарли даражада акс эттиришда вужудга келади. Сиймолар, шартли белгилар, табиат манзаралари жамланиб, ўқувчиларда хаёл пайдо бўлади. Бошланғич синф ўқувчилари ўйнайдиган ўйинларда ҳам уларнинг хаёлини ўсиши давом этаверади. Ўқувчилар ўз ўйинларида турли нарсаларни ясайдилар, турли ерларга саёҳат қиладилар. Бундай ўйинларлардан ўқувчи мазмундор таассуротлар олади ва унда турли тасаввурлар ҳосил бўлади, унинг ижодий, куриш-ясаш ва бадий қобилиятлари ўсади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг хаёли ўзининг кенглиги ва мазмундорлиги жиҳатидангина ўзгариб қолмасдан, балки йўналиши жиҳатидан ҳам ўзгаради. Кичик мактаб давридаги ўқувчининг ихтиёрсиз хаёли ҳам, ихтиёрий хаёли ҳам мактабгача ёшдаги болаларнинг хаёлидан ўзининг барқарорлиги билан фарқ қилади.



Мактабга келиш арафасида боланинг сўз бойлиги ўз фикрини баён эта оладиган даражада ортади. 6 ёшдаги нормал ривожланаётган бола ўз нутқидан 3000-7000 сўзни ишлатади. Болалар нутқининг ўсишида уларнинг мактабдаги ўқиш фаолияти айниқса, катта роль ўйнайди. Бола мактабга келмасидан олдин ўзи қандай гапирётгани устида ўйлаб ўтирмасдан, ўз нутқидан фақат алоқа ва билиш воситаси тариқасида фойдаланади. Мактабда эса бола гаплашаётган тил ўқитиладиган ва ўрганиладиган фан бўлиб қолади. Мактабда ўқиётган бола ўз она тилининг грамматикаси билан шуғулланиши натижасида, ўз нутқини грамматика қоидаларига мувофиқ онгли равишда тузишни ўрганади. Грамматикани ўрганиш жараёнида бола нутқининг фонетика жиҳати аниқланади, нутқнинг морфологик жиҳати тўғри бўлиб боради, синтаксис тузилиши эса анча такомиллашади. Нутқнинг айрим жиҳатларига хос бўлган бу сифатлар фақат грамматикани ўқиб ўрганиш натижасидагина ўсиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, мактабда ўқитиладиган бошқа фанларнинг таъсири остида ҳам ўсади. Мактабда ўқитиладиган ҳамма фанларни ўрганиш ва шу фанлар билан шуғулланиш жараёнида ўқувчи нутқининг луғат захираси бойийди,

сўзларнинг мазмуни чуқурлашади ва кенгаяди, ҳар қайси сўзнинг, ҳар қайси терминнинг маъноси аниқланади. Бошланғич синф ёшидаги болалар нутқи асосан от, сифат, сон, феъл ва боғловчилардан иборат бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз нутқларида қайси сўзларни ишлатгани афзал-у, қайсиларини ишлатиш мумкин эмаслигини фарқлай оладилар. 6-7 ёшли бола жумлаларини мураккаб грамматик тизимда туза олади. Бола бутун болалик даврида нутқни жадал равишда эгаллаб бориб, уни ўзлаштириши маълум бир фаолиятга айлана боради. 7-9 ёшли болалар нутқининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, улар ўз фикрларини баён этиш учун ҳам эмас, балки ўз суҳбатдошининг диққатини ўзига жалб қилиш учун ҳам гапирдилар.



Бу даврда боланинг ёзма нутқи ҳам шакллана бошлайди. Ёзма нутқ жумлаларни тўғри тузиш ва сўзларни тўғри ёзишга маълум талаблар қўйилганлиги билан характерланади. Бола сўзларни қандай эшитган бўлса, шундайлигича ёзилмаслигини билиши, уларни тўғри талаффуз этишга ва ёзишга ўрганиши зарур. Ёзма нутқни эгаллаш асосида болаларда турли матнлар ҳақида маълумотлар юзага келади. Бу даврда ёзма нутқ эндигина шакллана бошлаганлиги боис, болада ўзи ёзган фикрларни, сўз ва ҳарфларни назорат этиш малакаси ҳали ривожланмаган бўлади. Лекин унга ижод қилиш имконияти берилади. Ушбу мустақил ижодий иш кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда берилган мавзунини англаш, унинг мазмунини аниқлаш, фикрини баён этиш учун маълумот тўплаш, муҳим жиҳатларини ажратиб олиш, режа тузиш, уни маълум кетма-кетликда баён этиш, малакасини юзага келтиради. Жумлаларни тўғри тузиш, айнан шу мазмунга мос сўзларни топиш ва уларни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, ўз хатоларини топа олиш ва тўғрилаш ақлий ривожланишнинг кўрсаткичларидан ҳисобланади. Методистлар кичик мактаб ёшидаги болаларнинг нутқини ривожлантириш учун қуйидаги нутқ турларини системали равишда ташкил этиш схемасини тавсия этадилар.

## Нутқ турлари





Бу каби расмлар орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг сўз бойликларини, жумладан сўз туркумларидан қанчалик ўринли фойдалана олишларини аниқлаш мумкин.

6-11 ёшли ўқувчиларнинг билиш жараёнларидаги ихтиёрийлик иродавий зўриқиш асосидагина, шунингдек, бола ўзини атрофдагиларнинг талабини бажаришга ёки шахсий ҳаракат қилишга интилгандагина юзага келиши мумкин.

Кичик мактаб ёшидаги бола психикасининг соғломлигида, унинг билиш фаоллигида тафаккурнинг ҳам ривожланишини кўриш мумкин. Боланинг қизиқувчанлиги, асосан, атроф-оламни билиш, ўрганишга қаратилган бўлади. Бошланғич синф ўқувчиси ўйнаб туриб, олам сир-синоатлари, сабаб-ходисалари ва боғлиқларидан хабардор бўлишга интилади. Масалан, у ўзи мустақил равишда қандай предметлар сувда чўкиши, қайсилари эса сузишини тадқиқ қила олади. Бола ақлий муносабатларда фаол бўлса, у шунчалик кўп савол беради ва бу саволлар, асосан, хилма-хил бўлади. Болани қор, ёмғир қандай ёғиши, куёш кечаси қаерда бўлиши, машина қандай қилиб юриши, ердан осмонгача бўлган масофани билиш жуда қизиқтиради. Бу уларнинг «*Нима учун?*», «*Қандай қилиб?*», «*Нима орқали?*» каби саволларига жавоб олишга қаратилган бўлади. Бу ёшдаги болалар асосан ўзлари кўриб турган нарсалар ҳақида чуқурроқ фикр юрита оладилар. Бу ёшдаги болалар тафаккурининг асосий тури образли тафаккурдир. Болаларга бериладиган ва асосан мактабда амалга ошириладиган таълим болалар тафаккурининг ўсиши учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Масалан, психолог олим Пиаже тадқиқотларида 6-7 ёшли болалардан бир-бири билан тенг бўлган идишлардаги сув миқдори сўралган. Болалар “Идишлардаги сув миқдори тенг”, -деб жавоб беришган. Айнан шу миқдордаги сув болалар кўз ўнгида турли хил баландлиқдаги идишларга куйилиб, сўнгра қайси идишдаги сув миқдори кўплигини сўралганида болалар ингичка, лекин баланд идишдаги сувнинг миқдори кўплигини айтишган. Болалар айнан ўша сув миқдорини яна бир-бири билан тенг бўлган идишларда кўрганларидан сўнггина ўз жавоблари нотўғрилигини билганлар. Айнан шундай тажриба бир хил катталиқдаги пластилин шакллари ўзгартирилганида ҳамда тенг миқдордаги тугмачалар ораси очикроқ қилиб қўйилган қатордаги тугмачалар билан солиштирилганида ҳам худди шундай жавоблар бўлган.

Бу тажриба 6-7 ёшли болалар асосан кўрганлари бўйича фикрлашларини исботлаб беради. Болаларга бериладиган ва асосан мактабда амалга ошириладиган таълим болалар тафаккурининг ўсиши учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Таълим ва мактабда бериладиган билимларни ўзлаштириш жараёнида, кузатувчанлик, хотира ва ҳаёл ўсиб бориши билан кичик мактаб ёшидаги болалар тафаккурига материал бўладиган нарсалар доираси кенгая боради, болаларда мантикий тафаккур ва танқидий фикрлаш ўсиб боради. Таълим жараёнида боланинг тафаккури катта ўсиш йўлини — конкрет тафаккурдан абстракт - назарий тафаккурга ўсиш йўлини босиб ўтади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг тафаккури ҳали ҳам амалий, конкрет тафаккур бўлади, лекин таълим жараёнида болаларнинг бундай конкрет тафаккури, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг конкрет тафаккурига қараганда, мураккаброк ва мазмунлироқ бўлиб қолади, улардаги фикрлаш жараёнларининг ҳаммаси такомиллаша боради. Мактабда ўқувчи бола тобора мураккаброк нарсаларни ва ўзи идрок қилаётган нарсаларни ҳамда ҳодисаларнигина эмас, балки шу билан бирга, тасаввур қилаётган нарсалар ва ҳодисаларни ҳам бир-бирига таққослашни, анализ ва синтез қилишни ўрганиб олади.

Боланинг мактабдаги ўқиши жараёнида унда абстракциялаш қобилияти ўса бошлайди. Математика дарсларида амалий конкрет санашдан абстракт ҳисоблашга ўтилган вақтда, шунингдек, она тили дарслари давомида бу қобилият айниқса сезиларли суратда ўсади. Бошқа фанларни ўқиш жараёнида бу қобилият янада ўсади. Бола анализ қилиш, абстракциялаш ва таққослашни, машқ қилиш йўли билан нарсаларнинг муҳим белгилари билан аҳамиятсиз белгиларини бир-биридан фарқ қилишни, предмет, воқеа-ҳодисаларнинг муҳим белгиларига қараб туриб хулосалар чиқаришни ўрганади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тафаккури мантикий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ҳукм ва хулоса чиқариш, таққослаш таҳлил қилишнинг турли усулларини қўллашда ўзига хос хусусиятлари билан мактабгача ёшдаги болалар ва ўсмирлардан фарқ қилади. Таълим жараёнида тафаккур операцияларига, мустакил фикрлашга ўргатиш кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларни баркамолликка эриштиришнинг гаровидир. 6-11 ёшли бола мантикий фикрлай олади, лекин бу ёш асосан кўрганларига таяниб, таълим олишга сензитив бўлган давр ҳисобланади,

Бошланғич мактабнинг ўзидаёқ болалар биринчи синфдан бошлаб кўп миқдорда хилма-хил тушунчаларни — грамматикага, арифметикага, табиатга доир, шунингдек, ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ўзлаштириб оладилар. Ўқувчилар ўзлаштириб оладиган тушунчалар доираси, асосан, ҳар қайси синф учун турли фанлар юзасидан тузилган ўқув дастури билан белгиланади. Муайян илмий мазмунга эга бўлган тушунчалар ўқувчиларга мантикий ифодаланган шаклда баён қилиб берилади. Ўқувчилар ўзларининг ҳам тушунчаларини мазмунини таърифлаб, уларнинг жинс ва турларига доир белгиларини кўрсатиб, айтиб беришни ўрганадилар. Ўқувчилар тушунча ва қоидаларни таърифлаб беролмай қолганларида ёки таърифлаш мумкин бўлмаган пайтларда тасвирлаб, таққослаб, характерлаб, мисоллар билан кўрсатиб берадилар. Н.С.Лейтес мулоҳазаларига кўра, инсон ёши улғайган сари ақлий ривожланиш даражаси бирмунча кўтарилади, уқувчанлик хусусияти эса бирмунча пасаяди. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг уқувчанлиги, албатта, ўсмир ва ўспиринларга нисбатан юқори, лекин ўсмир ва ўспиринларнинг ақлий ривожланганлиги бошланғич синф ўқувчиларига нисбатан юқоридир. Бу ҳолат кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг етакчи фаолияти – ўқиш бўлиши билан, лекин билиш жараёнлари ҳали ҳамма томонлама ривожланиб бўлмаганлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Кичик мактаб давридаги болаларнинг ақлий ривожланиши ижтимоий омиллар билан белгиланади. Индивид ижтимоий муносабатлар таъсирида ўзгаради. Боланинг мактабда мунтазам равишда ўқишга ўтиши унинг барча билиш жараёнларини ривожланишига ва ўз-ўзидан атроф-ҳаётдаги нарсаларга нисбатан фикрини, муносабатларини ўзгаришига олиб келади.

### 5.3. Ўқув фаолиятининг хусусиятлари

Ўқиш фаолияти кичик мактаб давридаги болалар психикаси ривожланишида ўзгаришларни белгилаб беради. Мактабга биринчи бор келган бола ўз фаолиятининг туб моҳияти ва вазифасини тўла тушуниб етмайди, балки ҳамма мактабга бориши керак деб билади. Катталарнинг кўрсатмаларига амал қилиб, тиришқоклик билан машғулотларга киришиб кетади. Орадан маълум вақт ўтгач, шодиёна лаҳзаларнинг таассуроти камайиши билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва бола ўқишни кундалик ақлий меҳнат эканлигини англайди. Шунда бола ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаса унинг ўқишдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси вужудга келади, ўқитувчи эса бундай ҳолнинг олдини олиш учун болага таълимнинг ўйиндан фарқи, қизиқарлилиги ҳақида маълумотлар бериши ва уни шу фаолиятга тайёрлаши керак. Ўқиш фаолияти давомида таркиб топган хусусиятлар боланинг келгуси ривожини учун замин бўлиб хизмат қилади. Мактабдаги ўқиш болаларнинг билиш эҳтиёжларини тез ривожланиши ва сифатли таркиб топиши, уларнинг атроф ҳаётга фаол қизиқишларини юзага келтириб, янги билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун шароит яратади. Бола аста-секинлик билан ўз психик жараёнларига эғалик қилиб, идрок, диққат ва хотирасини бошқара олишга ўргана бошлайди.

Кичик мактаб ёшидаги бола ўқитувчиси билан яхши эмоционал муносабатда бўлади. Шу давргача бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни ўзлаштириб келган бўлса, энди ўз хоҳиш иродаси билан зарур маълумотлар тўплашга, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Боланинг ана шу фаоллиги хотирасининг муаяйн даражада ривожланганлигини билдиради. Оқилона ташкил қилинган таълим жараёни мазкур ёшдаги болаларнинг тафаккурини жадал ривожлантиради. Бу ёшдаги бола бошқа даврларга нисбатан кўпроқ нарсани ўзлаштиради. Мактаб таълими ўқувчининг турмуш тарзини, ижтимоий мавқеини, синф жамоаси ва оила муҳитидаги ўрнини ўзгартиради. Унинг вазифаси ўқишдан, билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, ўзлаштиришдан иборат бўлиб қолади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари мураккаб бўлган кўп даражали мотивлар тизими билан бошқарилади. Ўқув фаолияти мотивлари ўқувчилар нима учун ўқиётганларини кўрсатиб беради. Мактабнинг биринчи синфига келган болаларда ижтимоий мотивлар устунлик қилади. Бу мотивлар атрофдагилар орасида янги мавқени эгаллаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва баҳоланиладиган фаолият билан боғлиқ

бўлган мотивлардир. Лекин биринчи синфнинг охирларига бориб, кўпчилик ўқувчилар ўз мактаб мажбуриятларига маъсулиятсизлик билан қарай бошлайдилар. Бу бир қанча сабаблар билан боғлиқ: 1) Бола энди ўқувчи бўлди, ўқувчи бўлиш истаги қондирилди. Бу мақомни ушлаб туриш учун ҳеч нарса қилмаса ҳам бўлади. 2) ўқувчининг ижтимоий маъқеи мактабда уларга бериладиган ўқув фаолияти мазмуни билан белгиланмайди. Янги дастурлар таълим мазмуни ва уни ташкил этишга мутлақо янгича ёндашув асосида тузилган бўлиб, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш имкониятларини юзага чиқариб, болаларда қатъий ўқув мотивларини ривожлантиришга хизмат қилади. Таълимнинг мазмуни ўқувчининг билимларни эгаллашга қизиқиши, ўз ақлий меҳнати натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқдир. Бу ҳис ўқитувчининг рағбатлантириши билан юзага келади ва ўқувчида самаралироқ ишлаш майли, истак ва иштиёқини шакллантиради. Болада пайдо бўлган фахрланиш, ўз кучига ишонч ҳислари билимларни ўзлаштириш ва малакаларни ривожланишига хизмат қилади. Кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш жараёни, ўқув фаолиятининг асосий компонентлари: ўқув масалалари, ўқув вазиятлари, ўқув ҳаракатлари, назорат этиш ва баҳолаш билан (В.В.Давидов бўйича) таништиришдан бошланади. Бу борада барча предметли ҳаракатлар ақлий ривожлантиришга қулай бўлган шароитда амалга оширилиши жуда муҳим. Ўқувчининг ўқув фаолиятини ўзлаштириши ўқув масалалари тизимини ечиш жараёнида амалга оширилади. Ўқишнинг бошида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар мустақил равишда ўқув масалаларини қўйиш ва ечишни билмайдилар. Бу вазифани бошида ўқитувчи бажаради. Аста-секинлик билан ўқувчиларнинг ўзлари ҳам ўқув масалаларини қўйиш ва ечиш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни эгаллай бошлайдилар. Бу мустақил ўқув фаолияти шаклланишининг муҳим босқичидир. Ўқув масалаларини ажратиб олиш бошланғич синф ўқувчилари учун маълум бир қийинчиликларни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир дарснинг сўнгида ўқитувчи ўқувчилари аниқ бир топшириқларни бажаришнинг маъносини қандай тушунганликларини аниқлаш учун вақт ажратиши керак. “Биз бугун дарсда нималарни ўргандик?” тарзидаги савол болаларга шунчаки дафтарда чизикчаларни чизиб, доирачаларни бўяшни эмас, балки санашни, қўшишни ёки айиришни ўрганганларини тушунишларида ёрдам беради. Агар бола ўқув ҳаракатларини нотўғри бажарса, бу унинг ўқув ҳаракатларини ё назорат ва баҳолаш билан боғлиқ ҳаракатларни билмаслиги, ёки уларни яхши эгалламаганлигидан далолат беради. Боланинг мустақил равишда бажарган ҳаракатлари натижаларини ўз хатти-ҳаракатларининг хусусиятлари билан таққослай олишлари унда ўз-ўзини назорат этиш лаёқати маълум даражада шаклланигандан далолат беради. Кичик мактаб даврида етакчи фаолият доирасида рефлексия аввало ўқув ҳаракатлари, назорат ва баҳолаш билан боғлиқ бўлади. Бу ҳаракатларнинг интериозацияси ўқувчига мустақил равишда ўзлаштирилаётган кўникма ва лаёқатларга мустақил равишда ёндашиш имкониятини беради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини жамоа фаолияти сифатида ташкил этилишига кўп вақт унчалик

этибор берилмади. Билимларни ўзлаштириш жараёни индивидуал жараён деб ҳисобланган. Бунинг натижасида педагогик психологияда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши ва мустақил фаолияти ишнинг индивидуал шаклларидагина рўёбга чиқиши мумкин деб ҳисобланган. Лекин сўнги йилларда собиқ иттифок давлатларида, шунингдек, Польша, Германия каби мамлакатлардаги илғор ўқитувчиларнинг ишларида гуруҳий билиш фаолияти ҳар бир ўқувчига дарсда максимал фаоллик ва мустақилликни таъминланиши зарурлиги тасдиқланган. Сўнги йиллардаги олиб борилган тадқиқотлар тафаккур мустақиллигини фаолият сифатида анъанавий тушунишга жиддий тузатишлар киритди. Ўқувчиларнинг ўзаро назорати ва жавобгарлигига асосланган гуруҳий ўқув фаолияти тафаккур мустақиллигини ривожланиши учун қулай шароитлар яратиши аниқланган.

Таниқли психолог ва педагогларнинг илмий асарларида кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ўқув фаолиятидаги мустақиллиги учун шарт-шароитларни яратиш ниҳоятда аҳамиятли эканлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Шундай шарт-шароитлардан бири бошланғич даврда ўқув фаолиятини жамоавий фаолият сифатида ташкил этилишидир.

Қуйидаги белгилар мавжуд бўлган тақдирдагина ишни жамоавий деб ҳисоблаш мумкин.

1. Ўқитувчи томонидан берилган ўқув вазифаси ёки алоҳида бир микрогруппа томонидан баравар бажариш қабул қилинса.

2. Вазифаларни ўзаро тақсимлаган ҳолда биргаликда бирон-бир иш бажарилса.

3. Ўзаро назорат ва маъсулият мавжудлиги.

4. Ишларни тақсимлашни ташкил этиш ва унинг кечишини ўқувчиларнинг ўзлари назорат этишлари.

Фронтал ишда (маъруза, хикоя қилиб бериш, фронтал сўровнома ва х.к...) ўқитувчи бутун синфга тенг равишда таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Бундай ҳолатда ўқувчи билан мулоқот ўқитувчининг ташаббуси билан лекин, жуда кам микдорда амалга оширилади. Индивидуал ишда (дарслик билан мустақил ишлаш, мисол, масала ечиш, машқларни бажариш ва х.) ўқитувчи билан тўғридан-тўғри мулоқот йўқ. Бундай ҳолда кўпинча ўқувчи-ўқувчи, яъни синфдоши билан мулоқотга йўл қўйилмайди ёки чекланади. Дарсдаги жамоавий фаолият ўқувчининг тўлиқ мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Бунда ўқувчилар аста-секинлик билан ўқув фаолиятининг субъекти сифатида янги имкониятларини ўзлари учун очиб борадилар. Бу жараёнда ўқувчи фаолияти самаралироқ бўлиши учун ўзини ўзи назорат этишга ҳаракат қилади. Ўқув вазиятларида болалар айрим турдаги масалаларни ечиш йўллари билан танишадилар ва уларни эгаллаган захоти аниқ бир масалаларни ечишда амалий фойдаланадилар.

Ўқув фаолиятида назорат ва ўз-ўзини назорат этиш кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқув ҳаракатларини мустақил режалаштириши ва бажаришни шаклланишида жуда муҳимдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бошланғич синф ўқувчиларининг масалаларни ечишдаги айрим йўл ва

тушунчаларни старлича эгалламаганлиги бу тушунча ва йўлларни шакллантиришда болалар барча керакли ўқув ҳаракатларини бажаришга ўргатилмаганлигининг натижасидир.

Болалар тафаккури ва нутқининг ривожланишида овоз чиқариб мулоҳаза юритишнинг ва бу услубдан ўқув жараёнида фойдаланишнинг аҳамияти катта. Овоз чиқариб мулоҳаза юритиш ва ўз ечимини асослаб бериш ақлий сифатларни ўсишига хизмат қилиб, киши ўз мулоҳазалари ва хатти-ҳаракатини таҳлил этиши ва англашнини ривожлантиради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ақлий ва ўқув материални ўзлаштириш имкониятлари анча юқори ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган таълимда бу ёшдаги болалар ўрта мактаб дастурида кўрсатилган билимларга нисбатан кўпроқ билимларни тушунишлари ва ўзлаштиришлари мумкин. Кичик мактаб ёшидаги болалар ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, шу даврдан бошлаб, ўқув материални ўзлаштирамасликнинг дастлабки белгилари кўзга ташланади. Кичик мактаб ёшида паст ўзлаштириш сабаблари ва ўқишдаги қийинчиликлар куйидагилар билан боғлиқдир: 1) нейрофизиологик сабаблар; 2) билиш жараёнининг етарли даражада ривожланмаганлиги; 3) эркин ва мустақил ҳаракат қилиш даражасининг пастлиги; 4) мотивацион соҳаларининг етарли ривожланмаганлиги; 5) оила тарбиясидаги, оилавий муносабатлардаги камчиликлар; 6) мактаб таълими ва тарбиясидаги камчиликлар; 7) ўзаро мулоқот ва муносабатдаги камчиликлар; 8) шахс хусусиятлардаги оғишишлар. Кичик мактаб ёшидаги болалар ўқишдаги қийинчиликлар бола шахсининг барча шахсий, билиш, мотивацион ва ҳиссий ва иродавий соҳаларда акс этади. Бу қийинчиликлар ўзаро бир-бири билан боғлиқ. Бир қийинчиликни бартараф этилиши иккинчи қийинчиликни ҳам камайишига олиб келади.

Ўқишга нисбатан ижобий муносабат кичик мактаб даврининг охирларига келиб, бирмунча пасайиш кўзга ташланади. Ўқув фаолиятига қизиқиш – 1-2 синфларда кўтарилиб, 3-4 синфларда пасаяди. Ўқув фаолиятига қизиқишнинг пасайишида ўқитувчининг тайёр материални баён этиши ва ўқувчиларнинг ёдлаб олишлари установаки устунлик қилади ва ўқувчиларнинг фаолликлари тақлид қилиш характерида бўлади. 3-4 синф ўқувчилари одатда ўқилганларни қайта хикоя қилиб беришни, доскада ёзилган машқни кўчириб ёзишни, қодалар ва шеърларни ёдлашни ёқтирмайдилар ва аксинча, мисол ва масалаларни мустақил равишда ечишни, табиат ҳодисаларини кузатишни, расм чизиш ва пластилин ва лойдан нарсалар ясаш ишларини яхши кўрадилар. Бошқача айтганда, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ташаббус ва мустақиллик имконияти бор бўлган ишларга кўпроқ қизиқиш билдирадилар. Кичик мактаб ёшида ўқишга қизиқишнинг пасайиш сабабларидан бири сифатида В.А.Сухомлинский ўқитувчи томонидан паст баҳонинг кўп қўйилиши, бу эса болада ўқишга нисбатан қизиқишнинг пасайиши ва ўз имкониятларига нисбатан бўлган ишончнинг пасайишида деб билади.

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқув фаолиятининг ҳамма элементларини шакллантирилганлиги ва мустақил бажара олиниши етакчи фаолият сифатидаги ўқиш ўз вазифасини бажарганлигини англатади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ўз таркибига қуйидагиларни киритади:

- масалалар ечимларининг умумий йўллари мустақил равишда топиш кўникмалари;

-ўқув вазифаларини ажрата олиш, топиш ва ўзлаштириш;

-ўзини ва ўз фаолиятини адекват баҳолай олиш ва назорат қила олиш;

-фаолиятда ўзини-ўзи бошқара олиш;

-манتيқий фикрлаш қондаларидан фойдалана олиш;

-умумлаштиришнинг турли шакллари эгаллаш ва улардан фойдалана олиш;

-жамоавий фаолиятларда иштирок эта олиш;

- юқори даражада мустақил ижодий фаолликка эга бўлиш.

Лекин аксарият ҳолларда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолияти мактаб амалиётида биринчи ўринга болаларни амалий кўникмаларга, ўқиш, ёзиш, санаш малакаларига ўргатиш муаммоси туради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бошланғич синф ўқув фаолиятининг асосий вазифаси - бу ўқувчиларни “ўқиш”га, билим олишга ўргатишдир. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психик ривожланишида таълимнинг таъсирида жиддий ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар уларни ҳаётларининг маъсулиятли даври бўлмиш ўсмирлик даврига ўтиш учун тайёрлайди.

#### **5.4.Бошланғич синф ўқувчиларининг шахс хусусиятлари**

Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчи учун нафақат билиш жараёнларининг юқори даражада ривожланиши, балки шахс хусусиятларини ривожлантириш учун ҳам имконият яратади. Кичик мактаб ёши даврида бола шахсининг шаклланиши давом этади. Ўқувчининг мактабдаги муваффақияти унинг кейинги психик ривожини ва шахсининг шаклланишида тўлиқ ижобий асос бўлади. Бунинг натижасида боланинг ўз-ўзидан оиласи, ўқиётган синфи ва бошқа жамоалардаги ўз ўрнини англай бошлаганини кўриш мумкин.

Янги фаолиятга ўтиш ўқувчи боланинг ўз асосий фаолиятига янги муносабатни пайдо қилади. Унда бурч хисси ўса бошлайди. У ўқиш шарт эканлигини ва у унинг бурчи эканлигини, белгилаб қўйилган қоида ва талаблар бажарилиши шартлигини англайди. Ўзини ҳақиқий ўқувчидек ҳис қилган ҳолда унда яхши ўқишга эҳтиёж пайдо бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлокий онглари I ва IV синфдаги ўқиш мобайнида муҳим ўзгаришларга учрайди ва ахлокий сифатлар, билим ва тасаввурлар сезиларли даражада бойийди ва бола ўзини ўзи англай бошлайди. У ўзига хос бўлган яхши-ёмон хусусиятларни билмаса

ҳам, лекин у ўзини “Мен”ини ҳис қилади. Ўзининг вазифаси, мақсади, уни бажариш лозимлиги, уйга берилган вазифаларни бажариш, такрорлаш унинг бурчи эканлиги кабиларни англаб етади. Бу ёшдаги болаларни мактаб дастурига киритилмаган жуда кўп атроф-муҳит ходисалари ҳақидаги билимлар қизиқтиради. Бу қизиқишлар боланинг кўпинча эътиборга олинмайдиган ижодий ўйинларга нисбатан қизиқишларида ҳам намоён бўлади. Бундай ўйинларда унинг ижтимоий қизиқишлари, эмоциялари, жамоа учун ташвишланиш каби ҳислари акс этади. Қизиқувчанлик кичик мактаб ёшидаги болаларнинг кенг ақлий фаоллигини намоён этилиш шакли ҳисобланади. Ватанга керакли инсон бўлиш учун ўқишнинг муҳимлиги ва аҳамиятини билиши учун очиклик, ишонувчанлик, устозининг барча топшириқларини бажаришга тайёрлик хусусиятлари кенг ижтимоий бурч мотивлари, маъсулиятлилиқ самарали шартлар ҳисобланади. Мактаб таълимининг дастлабки йилларида қизиқишлар, хусусан, билим эгаллашга нисбатан қизиқишлар, интеллектуал қизиқишлар сезиларли даражада ривожланади. Психологларнинг таъкидлашича, даставвал айрим фактларга, бошқа нарсалардан ажратиб олинган ёлғиз ходисаларга нисбатан қизиқишлар ҳосил бўлади. III - IV синфларда эса сабабларни, қонуниятларни, ходисалар ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликларни билиб олиш учун бўлган қизиқишлар ривожланади.

III синфдан бошлаб ўқишга қизиқиш дифференциаллаша бошлайди. Ўқувчилардаги бундай қизиқишлар ўзини англаш ва ўз хатти-ҳаракатига баҳо бериши каби хусусиятларни шакллантиради. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг қизиқишларида самарали ўқиш учун ҳалақит берувчи қатор салбий характеристикалари ҳам мавжуд. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг қизиқишлари:

- етарлича амалий натижа бера олмайди;
  - қатъий эмас, вазиятли;
  - тез қондирилади ва устознинг қўллаб-қувватлашисиз тез сўнади;
  - ўқув материали ва топшириқлар ўқувчининг жонига тез тегади ва чарчашни юзага келтиради;
  - кам англанилган, ўқувчининг маълум бир предметдаги нима ёқишини ва нима учун ёқишини айтиб бера олмаслигида кўринади;
  - умумлаштиришнинг пастлиги, бир ёки бир нечта предметларнинг ташқи белгиларигагина қараб умумлаштириш;
  - ўқувчини ўқишнинг ўқув фаолиятининг усулларига эмас, балки натижаларига йўналганлиги. Кичик мактаб даврининг сўнгига қадар ўқув ишларидаги қийинчиликларни енгишга нисбатан қизиқиш юзага келмайди
- (бу ҳолат кўпинча ўқитувчиларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади, яъни аксарият ҳолларда ўқувчининг қийинчиликларни енгишга ҳаракати эмас, балки натижа баҳоланилади). Буларнинг барчаси кичик мактаб ёшида қизиқишларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги бўлиб, баъзан ўқишга нисбатан юзаки муносабатни келтириб чиқариши мумкин. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардаги мотивларнинг умумий динамикасига назар ташланса, қуйидагиларни кўриш мумкин: кичик мактаб даврининг



бошида мактабда бўлишнинг ташқи жиҳатларига (партада ўтириш, форма кийиш портфель кўтариш в.х.), сўнгра биринчи ўқув меҳнати натижаларига (биринчи бор ҳарф ва сонларни ёза олишларига, ўқитувчининг баҳосига), кейинчалик, жараённинг ўзига, ўқишнинг мазмунига ва шундан сўнггина билимларни олиш йўлларига қизиқиш кучли бўлади. Ўқишнинг ижтимоий аҳамиятини тушуниш (2- 3 синфларда) ўқиш мазмунини ва билимларни эгаллаш йўлларига қизиқиш билан мустаҳкамланиши зарур. Бундай ҳолда кичик мактаб даврининг охирига бориб, ўқишга нисбатан мотивациянинг пасайиши кўзга ташланмайди.

Билиш мотивлари қуйидагича ўзгариб боради: кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг қизиқишлари алоҳида бир фактларга қизиқишдан, қонунят ва принципларга қизиқишга айланиб боради. Охириги йилларда ўтказилган психологик тадқиқотлар кичик мактаб ёшининг ўрталарига бориб билимларни ўзлаштириш йўлларига қизиқиш юзага келиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Кичик мактаб даврида мустақил таълим мотивлари ҳам юзага келиб, лекин улар энг оддий шаклда - билимларни олиш қўшимча манбаларига ва қўшимча китобларни вақти-вақти билан ўқишга қизиқиш билан юзага келади. Ижтимоий мотивлар биринчи синфга келганида дифференциал бўлмаган умумий тушунишдан ўқиш ва ўрганишнинг зарурлиги сабабларини чуқур англашга, “ўзи учун” ўқиш мазмунини англаб етишга томон ўзгариб, ижтимоий мотивларни амалий характер касб этишига сабабчи бўлади. Бу ёшдаги вазиятли ижтимоий мотивлар ўқитувчининг

қўллаб-қувватлашини олишга нисбатан бўлган эҳтиёжи ҳисобланади. Боланинг устозига бўлган муносабати ёмон баҳо олиб хафа бўлган тақдирда ҳам ижобий ва унга ишонч билдириши сақланиб қолаверади. Унда ўртоқлари ва синфдошлари ўртасида мавқели бир ўринни эгаллашга ҳаракат юзага келиб, аста секинлик билан ўртоқлари фикрларига асосланиш пайдо бўлади.

Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқишда маълум ютуқларга эришиш эҳтиёжини қондиришга, шунингдек, тенгдошлари орасида ўз ўрнига эга бўлишига имконият ҳам яратади. Айнан ана шу ўрин ёки мавқега эришиш учун ҳам бола яхши ўқишга ҳаракат қилади. Бу ёшдаги болалар доимий равишда ўзлари эришган муваффақиятларини бошқа тенгдошлари муваффақиятлари билан солиштирадilar. Улар учун доимо биринчи бўлиш нихоятда муҳим. Кичик мактаб даврида болалардаги мусобақага киришиш мотиви табиий психологик эҳтиёж ҳисобланиб, бу мотив уларга кучли эмоционал зўриқишни беради. Бу хусусиятлар аслида боғча давридан бошлаб юзага кела бошлайди ва кичик мактаб даврида, шунингдек ўсмирлик даврида ҳам яққол кўзга ташланади.

Кичик мактаб ёшидаги болалар катталарнинг у ҳақидаги фикр ва берган баҳоларига қараб, ўзларига ўзлари баҳо берадилар. Шунингдек, ўқувчининг ўзига-ўзи берадиган баҳоси, турли фаолиятларидаги муваффақиятларига ҳам боғлиқ бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўз-ўзига берадиган баҳолари турлича - юқори, адекват - мос ёки паст бўлиши мумкин. Бу ёшдаги болаларда мавжуд бўлган ишонувчанлик, очиқлик, ташқи

таъсирларга берилувчанлик, итоаткорлик каби хусусиятлари уларни шахс сифатида шакллантириш учун яхши имконият яратади. Кичик мактаб даврида бошқаришдан ўз-ўзини бошқаришга ўтиши ниҳоятда муҳимдир. Етакчи бўлган ўқув фаолиятдан ташқари бошқа фаолиятлар - ўйин, мулоқот ва меҳнат фаолияти ҳам ўқувчи шахси ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Бу фаолиятлар асосида муваффақиятга эришиш мотивлари билан боғлиқ бўлган шахс хусусиятлари таркиб топа бошлайди. Кичик мактаб даврини боланинг турли фаолиятларда муваффақиятга эришишини белгилаб берувчи асосий, шахсий хусусиятларни юзага келиш ва мустаҳкамлаш даври деб ҳисоблаш мумкин. Бу даврда муваффақиятга эришиш мотивлари таркиб топа бошлайди. Бу ёшдаги болалар соатлаб ёлғиз ҳолда сеvimли машғулотлари билан шуғулланишлари мумкин ва шулар асосида уларда меҳнатсеварлик ва мустақиллик фазилатлари шаклланади. Кичик мактаб давридан бошлаб ўқувчиларни мустақил меҳнат фаолиятига амалий ва психологик жиҳатдан тайёрлашга эътибор берилади. Бу давр ичида болаларда меҳнатга нисбатан онгли, ижобий муносабатда бўлиш асослари таркиб топа бошлайди. Уларда меҳнатга ҳавас уйғонади, меҳнатга ва меҳнат аҳлларига ҳурмат билан қараш, ижтимоий фойдали ишларда қатнашишга интилиш сингари фазилатлар таркиб топади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда меҳнатсеварлик, асосан, ўқиш ва меҳнат фаолиятида ривожланади ва мустаҳкамланади. Кичик ёшдаги ўқувчилар зарур бўлган ҳаракат ва амалларни дарҳол ўзлаштириб ва эгаллаб ололмайдилар, кўпроқ ортиқча ва чалқаш ҳаракатлар қиладилар. Меҳнат жараёнидаги турлича иш ҳаракатларини, чунончи: тикиш, тўқиш, кийиш ёки тахталарни рандалаш каби иш ҳаракатларни қийиналмасдан ва бирмунча силлиқ бажарадиган бўлиш учун ҳар бир ишда ҳар қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини ва бу ҳаракатларнинг қай йўсинда амалга оширилишини аниқ билиб олиш ва эсда қолдириш керак бўлади. Ҳаракатларни қайта-қайта такрорлаш, машқ қилиб бориш натижасида кичик ёшдаги ўқувчиларда учраб турадиган ортиқча ва чалқаш ҳаракатлар йўқолиб боради.

Ўқитувчилар меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг меҳнатига етарли даражада эътибор беришлари, меҳнат дарсига алоҳида тайёргарлик кўришлари, ўқувчиларнинг ҳар бир ҳаракатларини зийраклик ва қузатувчанлик билан назорат қилишлари, уларга индивидуал муносабатда бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич синф ўқувчиларининг меҳнати:

- болаларни ёш, индивидуал ва жисмоний ривожланишига мос бўлиши;
- ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши;
- ундан кундалик иш жараёнида ўз-ўзига хизмат қилишга асосланганлиги;
- жамоа бўлиб меҳнат қилиш орқали болаларда бир-бирига нисбатан ҳамкорлик, дўстлик, ўртоқлик туйғуларини шакллантириши;
- ўқувчини ўзини тута билишга, сабр-тоқатли бўлишга, қийинчиликларга бардош беришга ўргатадиган ва уларни шакллантириши;

- ўқувчи ўз меҳнати натижасидан баҳраманд бўладиган меҳнат хусусиятларига эга бўлиши лозим.

Бола ўз меҳнат маҳсули синф ёки мактаб жамоасига, жамоатчиликка манфаат келтираётганлигини билиб, ундан хабардор бўлиб борса ундаги ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган иштиёқ яна ҳам ортади ва меҳнатга нисбатан фаол, ижодий ва онгли муносабат шакллана боради.

Меҳнатсеварлик болада ўзи қилаётган меҳнати унга завқ берган тақдирдагина юзага келади ва ривожланади.

Бу даврда мустақилликнинг пойдевори юзага келиб, ўқув вазифаларини мустақил бажариш лаёқати юзага келади. Мустақилликка мойилликнинг ривожланиши икки йўналиш асосида амалга оширилади.

1. Мустақилликнинг шахс ҳислати сифатида вужудга келиши ижтимоий муҳитга боғлиқ. Бу боғлиқлик мустақилликка бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятлари соҳасида ва кадрятларда ифодаланган мустақиллик мазмуни характерида ифодаланади.

2. Мустақилликнинг шахс ҳислати сифатида шаклланишида индивидуал хусусиятлар, шахс яшайдиган ва меҳнат қиладиган жамоода вужудга келган муносабатларга ҳамда шахснинг қобилиятларига, унинг фаоллигига боғлиқ бўлади.

Болада мустақиллик хусусиятининг шаклланиши асосан катталарга боғлиқ. Агар бола ҳаддан зиёд ишонувчан, итоаткор, очик хусусиятли бўлса, унда аста-секинлик билан бўйсунувчанлик, тобелик хусусияти мустаҳкамлана боради. Бироқ болани эрта мустақилликка ундаш, унда баъзи салбий ҳислатларнинг шаклланишига ҳам олиб келиши мумкин, чунки у ҳаётий тажрибалари камлиги учун асосан, кимларгадир тақлид қилган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин. Мустақилликни шакллантириш учун болага мустақил бажарадиган ишларни кўпроқ топшириш ва унга ишонч билдириш ниҳоятда муҳимдир. Шунингдек, шундай бир ижтимоий психологик муҳит яратиш керакки, унда болага бирон бир масъул вазифани мустақил бажаришни топшириш, бу ишни бажариш жараёнида бола ўзини тенгдошлари, катталар ва бошқа одамларнинг лидери деб ҳис қилсин. Ана шу ҳис болада мустақил бўлишга ундовчи мотивларни юзага келтиради.

7-11 ёшли болалар ўзларининг индивидуал хусусиятларини англай бошлайдилар. Боланинг ўз-ўзини англаши ҳам жадал ривожлана боради ва мустаҳкамлана бошлайди. Бу даврда болалар ўзларининг исмларига янада кўпроқ аҳамият бера бошлайдилар ва уларнинг исмлари тенгдошлари ва атрофдагилари томонидан ижобий қабул қилинишига ҳаракат қиладилар. Болани ўзининг ташқи кўриниши ва гавда тузилишига берадиган баҳоси ҳам ўз-ўзини англашида аҳамияти жуда катта. Кичик мактаб даврининг охирига бориб болалар, айниқса, қизлар ўзларининг юз-тузилишларига алоҳида эътибор бера бошлайдилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ўқув фаолияти жараёнида ўзидаги хулқ-атвори ва фаолиятни ўзи томонидан мувофиқлаштириш қобилияти ривожланади, онгли равишда бир фикрга кела олиш қобилияти ривожланади, ўз фаолиятини ўзи уюштиришга ҳамда билим олиш жараёнига бўлган қизиқшининг қарор топишига ёрдам беради, ўқувчи

хулк-атворининг мотивлаштириши ҳам ўзгаради. Бунда дўстлари ва жамоанинг фикрлари асосий мотивлар бўлиб қолади. Ахлокий ҳис-туйгулар ва шахснинг иродавий хусусиятлари ҳам шаклланади. Бошланғич синф ўқувчиларида ирода тарбияси ташаббускорлик, дадиллик, ўзини тутати билиш, саботлилик, чидамлилик, қатъийлик, камтарлик ва интизомлилик каби иродавий сифатларни ўстириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ирода тарбияси болаларда ёмон сифатлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва агар бундай сифатлар пайдо бўлса, уларни йўқотишдан иборатдир. Болалар иродасининг салбий томонларидан бири ўзига ишонмасликдир. Ўзига ишонмаслик ҳолати ўқиш, меҳнат, ўйин ва шу каби фаолиятларда тез-тез қайтарилиб турадиган муваффақиятсизликлар туфайли юзага келади.

Ф.И.Ивашченко томонидан ўтказилган текширишларнинг кўрсатишича, ўқиш шароитида ўқувчиларнинг ўзларига ишонмаслик ҳолатлари асосан куйидаги сабаблар туфайли юзага келади:” а) ўқишда изчиллик принцигга риоя қилмаслик туфайли; б) ўқувчиларга кучлари етмайдиган, яъни ортиқча талаб қўйиб юбориш орқали; в) айрим педагоглар, ота-оналар ва шунинг билан бирга синфдошларнинг ўқувчилар кучига, хотира қобилиятлари ва фаҳм-фаросатларига ишончсизлик билдириши туфайли; г) ана шундай ўқувчиларни ёмон баҳо олганликлари учун кўрkitиш ва жазолаш орқали”.

Ирода тарбияси тафаккур ва ҳиссиётлар тарбияси билан маҳкам боғлиқдир. Биз болаларда тафаккурни тараккий эттиришимиз билан бирга, уларда ўз олдига тўла англаб, муайян мақсадлар кўя олиш ва жуда яхши асосланган қарор ва ҳаракатларни танлай ола билиш қобилиятини ҳам тарбиялаймиз. Болаларда ижобий ахлокий ҳисларни тарбиялар эканмиз, бунинг билан ахлокий қарор қабул қилишга ва шунинг билан бирга, ўз қарор ҳамда ҳаракатларига ахлокий баҳо беришга одатлантириб борамиз. Ватанпарварлик ва виждоний бурч ҳиссини тарбиялаш айна вақтда бошланғич синф ўқувчисининг ҳаракат мотивларини тарбиялаш ҳамдир.

5-6 ёшларда кўзга ташланган болаларнинг хусусиятлари кичик мактаб йиллари давомида ривожланади ва мустаҳкамланади. Ўсмирлик даврининг бошларига келиб, жуда кўпгина шахсий фазилатлар шаклланиб бўлади. Болаларнинг индивидуалликлари уларнинг билиш жараёнида ҳам кўринади. Бу даврда болаларнинг билимлари кенгайди ва чуқурлашади, кўникма ва малакалари такомиллашади. 3-4 синфларга бориб, аксарият болаларда умумий ва махсус лаёқатлар кўзга ташланади. Кичик мактаб даврида ҳаёт учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган муваффақиятга эришиш мотиви мустаҳкамланади, бу эса ўз-ўзидан бошқа лаёқатларни жадал ривожланишига олиб келади.

Кичик мактаб ёшидаги болалар шахси ривожланишига уларнинг атрофидаги одамлар, ота-онаси ва айниқса ўқитувчи билан бўладиган муносабати катта таъсир кўрсатади. 3-4 синфларга бориб бола учун унинг ёттоқлари билан муносабатининг ҳам аҳамияти ортади. Бу муносабатлардан

катталар таълим-тарбия мақсадларида фойдаланишлари мумкин. I – IV синф ўқувчилари ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, турли материаллардан ҳар хил буюмлар яшаш, ўсимликлар экиб ўстириш, уйдаги юмушларга қатнашиш каби бир қанча ишларда иштирок этадилар ва бу соҳада дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар.

### **5.5. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг эмоционал хусусиятлари**

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ҳислари ўзининг анча барқарорлиги, анланганлиги билан мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳисларидан фарқ қилади, бу ҳислар анчагина осойишталик билан ўтади, анча чуқур ва кучли бўлиб қолади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг умумий эмоционал тонуида хушчақчақлик, руҳий тетиклик кайфияти устулик қилади. Дарсларда ва танаффус вақтларидаги ўйинларда улар қувноқ ва тетик бўладилар. Бундай ҳолат эса кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг эмоционал ҳаётида норма бўлиб ҳисобланади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг эмоционал ҳаёти таълим ва тарбиянинг таъсири остида анча кенгайди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳисларидан фарқли равишда кичик мактаб даврида ҳисларнинг йўналганлигида катта табақаланиш юзага келади. Бу ёшда олий ҳисларнинг барча турлари ривожланишни бошлайди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари уларнинг фаолиятида намоён бўлади ва ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзларининг ҳар бир фаолият натижаларига баҳо бера оладилар. Баҳо кишида қониқиш ва қониқмаслик ҳисларини юзага келтириши мумкин бўлиб, бу ҳислар болани яхши ўқишга руҳлантиради. Баъзан паст баҳо олиш орқали юзага келган салбий ҳислар чуқурлашиб, ўқитувчининг нотўғри реакцияси ва катталарнинг доимий танбеҳ ва танқидлари оқибатида боланинг характер ҳислатига айланиб қолиши мумкин. Бошланғич синф ўқувчиларининг фаолиятлари учун ижобий баҳо олишларига ёрдам берувчи асосий ҳислардан бири интеллектуал ҳислардир. Одамнинг ақлий фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳислар интеллектуал ҳислар деб аталади. Билишга қизиқиш, таажжубланиш ва ҳайрон қолиш ҳислари, ишонч, ишончсизлик ва шубҳаланиш ҳислари интеллектуал ҳислар қаторига қиради.

Бундай ҳиссиётлар ҳар хил назарий ва амалий саволлар туғилганида, вазифа ва масалаларни ҳал қилиш чоғида, бирор янгиликни ўзлаштириш ва билиш чоғида пайдо бўлади ва ҳис қилинади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг интеллектуал ҳислари билиш жараёнида ривожланади. Ўқув фаолиятида болалар катта ҳажмдаги билимлар ва фактларга дуч келиб, улар болаларда таажжубланиш, ишончсизлик, қувноқ, ҳисларини юзага келтириб, қизиқувчанлик, уринчқоқлик ва шу каби бошқа ҳисларнинг шаклланишига асос бўлади.

Ўқиш жараёнида ёши катталаниб, тажрибаси орта борган сари, оқилонга **уринчқоқлик** ривож топа боради. Бу ҳис одамнинг илмий тадқиқот

ишлари билан самарали шуғулланишини рағбатлантиради. **Билишга қизиқиш** мактабгача тарбия ёшидаги болаларга хос бўлган хусусиятлардандир. Билишга қизиқиш кичик мактаб даврида ўзига хос йўналишни олади. Улар ҳар бир ўрганган нарсаларига таажжубланиш билан қарайдилар.

**Таажжубланиш ҳисси.** Кичик мактаб ёшидаги болаларда бундай ҳис уларга қандайдир одатдан ташқари, номаълум бирор нарса таъсир қилганида туғилади. Бошланғич синф ўқувчилари кутмаган воқеалар содир бўлганида улардан таажжубланиладилар. Билиш жараёнида таажжубланиш ҳисси хурсандлик тариқасида ўтади. Бу ҳол самарали билиш фаолиятининг доимий йўлдошидир. «Воқеаларни кузатиб бораётганимизда биз ўзимизда туғилган ҳислардан мамнун бўламиз, бу мамнуният эса интеллектуал хурсандликдир (Д. Р. Декарт).

Кутилмаган бир нарса сабабли туғилган таажжубланиш кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни дастлабки қарашда кам учрайдиган ва одатдан ташқари бўлиб кўринган нарсаларни диққат билан кўздан кечиришга мажбур этади. Шундай қилиб, таажжубланиш бошланғич синф ўқувчиларини ҳодисаларни билишга ғоят даражада рағбатлантиради.

**Ҳайрон қолиш ҳисси.** Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳайрон қолиш ҳисси кучли бўлиб, тушунтирилаётган янги материални, тадқиқ қилинаётган фактларнинг сабабларини топишда қийналиб қолганида, бу фактларни шу дамгача маълум бўлиб турган ҳодисалар гуруҳига киритолмай қолганида ва шу каби ҳолларда болада ҳайрон қолиш ҳисси туғилади. Бу ҳис ҳам кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билиш фаолиятини янада кучайтиришга йўлловчи кучли воситадир.

**Ишонч ҳисси.** Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар ва муносабатларнинг тўғрилиги кичик мактаб ёшидаги болаларнинг тафаккури жараёнида аниқланиб, мантикий равишда чиқарилган хулосалар билан амалиётнинг ўзида яққол исбот бўлганида уларда ишонч ҳисси туғилади.

**Шубҳаланиш ҳисси** кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тўлиқ ривожланмаган бўлиб, бу ҳис аста-секинлик билан ўқув жараёнида боланинг ўзи чиқарган қоидалари ёки назарияларига зид бўлиб, улар билан тўқнашиб қолганида туғиладиган ҳиссиётдир. Бу жуда муҳим ҳиссиёт бўлиб, у тўпланган далилларни ва айтилган қоидаларни ҳар томонлама текшириб кўришга рағбатлантиради. “Самарали илмий фаолият учун доимо шубҳа билан қарамоқ ва ўз-ўзингни текшириб турмоқ зарур” ( И.П. Павлов) Бу ҳислар бола қийинчиликларни енгиб, ўз ишида маълум муваффақиятларга эришганида аҳамиятли равишда ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги бола ўқиш ва ёзишни билиб олганида, ўзи мисол ёки масалани ечишни ўрганиб олганида жуда катта хурсандчилик ҳиссини бошидан кечиради. Ўқувчиларда ўз меҳнатидан хурсанд бўлиш ҳиссини иложи борида кўпроқ юзага келтириш ва уни бола характерининг эмоционал жиҳатига айлантириш бошланғич синф ўқитувчисининг асосий вазифаларидан биридир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг интеллектуал ҳислари унинг билиш қизиқишлари билан боғлиқдир. Бошланғич синф ўқувчиси нима бўлганига, қаерда, қачон ва

қандай қилиб бўлганига жуда қизиқади, шунингдек уни "Нима учун бўлди?" саволига жавобга нисбатан шу воқеа билан боғлиқ бўлган фактларнинг ўзи қизиқтиради.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи доскага чакирилганда у ўқиб беришга ёки ёзиб беришга кўрқиб, уялиб ҳижолат тортса, бундай ўқувчиларни тез-тез доскага чиқара бериш керак, ана шунда у тортинмайдиган бўлиб қолади. Қайта-қайта доскага чиқавериш натижасида кўрқув ҳисси сусая беради ва у ниҳоят бутунлай «сўниб қолиши» ва йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Албатта, бунда шу ҳисларни туғдирувчи манбанинг такрорлана бериши эмас, балки одамнинг салбий кечинмалардан қутилиш истаги муҳим роль ўйнайди.

"Лекин бу қонуният фақат оддий ва тез ўтиб кетадиган ҳисларга яъни, болага бир хилда таъсир қилувчи ва мазмуни чуқур бўлмаган объектлар сабабли туғиладиган ҳисларгагина тааллуқлидир. Мураккаб, чуқур ҳислар болада шу ҳисларни туғдирган объектлар бизга қайта-қайта таъсир ўтказа берганида йўқ бўлиб кетмайди, балки, аксинча, яна ҳам кучли ва барқарор бўлиб қолади. Масалан, музика асарларини қайта-қайта эшитиш натижасида бизнинг эстетик ҳисларимиз чуқур ва кучли бўлиб қолади. Ўзимиз яхши кўрган, ўзимиз учун қадрли бўлган жойларга ҳар сафар борганимизда бизнинг шу жойларга бўлган ҳисларимиз, меҳримиз, одатда, кучая боради. Айрим эмоционал кечинмаларнинг «сўниб қолиши»да бошқа қонуниятлар ҳам бор. Масалан, қарама-қарши ҳислар баъзи нисбатларда бир-бирини йўқотиб юбориши мумкин. Салбий ҳис пайдо бўлиб турганида кучлироқ ижобий ҳис юзага келтирадиган сабаб пайдо бўлиб қолса, у ҳолда салбий ҳис сўниб қолиши, йўқолиши мумкин. Масалан, бола йиқилиб тушиб, йиғлаб турибди. Онаси шу пайтда келиб қолиб, уни эркалатди. Бу эркалаш ижобий ҳисларнинг пайдо бўлишига кучли сабабчи бўлади, шунинг учун ҳам болада кўз ёши ўрнига қулиш, хурсандлик пайдо бўлади. Ўқувчидаги чўчиб туриш ҳиссини қайта-қайта доскага чиқариш йўли билангина йўқ қилиб қолмасдан, балки болада қарама-қарши ҳисларни туғдириш йўли билан ҳам бу чўчишликни олдини олиш мумкин. Масалан, биринчи синф ўқувчисининг хавотирлигининг сабаби унинг ўз кучига ишонмаганлигида бўлса, унга осон бажара оладиган вазифаларни бериш керак. Шу вазифаларни бажара олгани учун катталар томонидан рағбатлантирилиши, мақталлиниши болада ижобий ҳисларнинг туғилишига ёрдам беради, хавотирлик ҳисси эса йўқолади. Шунинг учун ҳам доска олдида у ўзини дадилроқ ҳис этади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда интеллектуал ва ахлоқий ҳислар, ўртоқлик, дўстлик ҳислари катта ўрин ола бошлайди. Ватанпарварлик, виждоний бурч ҳисси ва шу қаби ҳислар пайдо бўлади ва ўсади. Ахлоқий ҳисларнинг ривожланишига жамоавий ишлар, ўқиш мазмуни, турли жамоат ташкилотлари ва шубҳасиз ўқитувчининг шахсий намунаси таъсир кўрсатади. Ўқишнинг бошида айнан шу ўқитувчи шахси кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг жуда кўп ахлоқий ҳисларининг ривожланишини белгилаб беради. Биринчи вақтларда ўқувчи синф жамоаси билан

Ўқитувчиси орқалигина боғланган бўлади. Ўқитувчи бола учун барча диққат-эътибори ва хислари қаратилинган марказий фигура бўлиб ҳисобланади. Билимли, маҳоратли, болаларни севувчи педагог ўқишнинг кейинги босқичларида ҳам ўқувчиларининг ўзига бўлган шундай муносабатини сақлаб қолади. Лекин кейинчалик бу муҳаббат, боғлиқлик устози ва синф жамоси, ўртоқлари, дўстлари ўртасида бўлинади. Шунга қарамаздан бошланғич синф ўқувчиси учун ўқитувчи асосий авторитет ҳисобланади. У ўқитувчиси хақида уйида жўшиб ва ҳурмат билан гапирди. Ўқитувчининг таъсири остида аста-секинлик билан ўқув, меҳнат ва ўйин фаолиятларида ҳар бир синфдоши учун ташвишланиш, жамоа (коллективизм) ҳисси пайдо бўлади. Бу эса болалардаги ўртоқлик ҳиссининг ривожланишига замин бўлади. Болалар ўқишда паст ўзлаштираётган ўртоқларига ёрдам беришга ҳаракат қиладилар. Бу мотивлар шунчалик чуқур ва кучли бўладикки, улар мақсадларига эришиш учун жуда кўп қийинчиликларни: ўзлаштирмаётган ўртоғининг дангасалиги, ўзининг дарсларини тайёрлашга тезроқ улгуриши, баъзан эса ҳатто ота-оналарнинг қаршиликларини ҳам енгиши керак. Бундай вазиятларда болада шаклланаётган маъсулият ҳисси қийинчиликларни енгишга ва ўз ишини муваффақиятли бажаришига ёрдам беради. Биринчи синфда ўқувчи ўқитувчисининг танбехлари ўртоқларининг олдида ёки ўзига ёлғиз берилганига эътибор бермаса, иккинчи синфда ўртоқлари олдида берилган танбехлардан уяладиган бўлиб қолиши боланинг ўзини жамоа аъзоси сифатида тўлиқ ҳис этаётганидан ва ўртоқлари уни ҳурмат қилишларини истаётганидан далолат беради.

Эстетик ҳислар биринчи навбатда болаларнинг бадий асарларни идрок қилиш жараёнида намоён бўлади. Учинчи синфга бориб болалар устози ўқийётган шеърларнинг нафакат мазмунига, балки ўқилишидаги гўзаллигига ҳам эътибор берадилар. Бадий асарларни ўқийётганларида ва кинофильмларни кўраётганларида болалар асосан асар қаҳрамонларининг ахлоқий сифатларини баҳолайдилар. Бадий асарнинг эстетик томони педагог томонидан болаларга кўрсатилиши керак. Ана шундай ўргатиш бўлган тақдирдагина кичик мактаб ёшидаги болалар уларга мос бўлган мусикий асарларга эмоционал баҳо бера оладилар.

### **5.6. Кичик мактаб даврида шахсларро муносабат**

Биринчи бор мактабга келган бола ўз атрофдагилари билан психологик жиҳатдан янги муносабат тизимига ўтади. У ҳаётининг тубдан ўзгарганини, унга янги мажбуриятлар, нафакат, ҳар куни мактабга бориш, балки ўқув фаолияти талабларига бўйсунуш ҳам юклатилганлигини ҳис эта бошлайди. Бола инсоний муносабатлар тизимида ҳам алоҳида ўрин эгаллаётганини била бошлайди. Ота-онаси, яқинлари, атрофдагилари унга ёш боладек эмас, балки ўз вазифалари, мажбуриятлари бор бўлган, ўз фаолият натижасига кўра ҳурматга сазовор бўлиши мумкин бўлган алоҳида шахс сифатида муносабатда бўладилар. Оила аъзоларининг бола ўқув фаолияти, ютуқлари билан қизиқётганлиги, шунингдек, уни назорат қилаётганлиги,



унга қилинаётган янги муомала, муносабат унинг ижтимоий мавқеи ўзгарганлигини тўла ҳис этишига, ўзига нисбатан муносабатининг ўзгаришига асос бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчига ишонч хисси бўлиб, бунда ўқитувчининг ўқувчига таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақл соҳибни, зийрак, сезгир, меҳрибон инсон деб билади. Ўқитувчининг обрўси олдда ота-оналар, оиланинг бошқа аъзолари, қариндош уруғларининг нуфузи кескин камаяди. Шу сабабли, болалар ўқитувчининг ҳар бир сўзини қонун сифатида қабул қиладилар. Демак, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ривожда етакчи бўлган ўқув фаолияти ўқитувчи шахси ва ўқувчи билан муносабат услубининг аҳамияти жуда каттадир.

Кичик мактаб даврида боланинг бошқа инсонлар билан муносабатларида катта ўзгаришлар рўй беради. Боланинг мулоқоти энди аниқ мақсадга қаратилган бўлади. Бунга сабаб бир томондан ўқитувчининг доимий равишда унга кўрсатадиган фаол таъсири бўлса, иккинчи томондан ўқув жамоасининг кўрсатадиган таъсиридир. Ўқитувчининг дарс жараёнида ҳар бир ўқувчига таъсир кўрсатиши учун қулай имконияти бор. Ўқув фаолиятининг бошланиши жараёнида боланинг катталар ва тенгдошлари билан қиладиган муомала-муносабатлари янгича тус ола бошлайди. "Бола-катта" муносабати "бола-ота-она" муносабатидан ташқарида юзага келади. Чунки, ўқитувчи болага ота-онага нисбатан кўпроқ равишда норматив талаблар қўяди. Бундан ташқари боланинг оиласи ва теварак атрофдаги одамлар билан ҳам мулоқотида катта ўзгаришлар бўлади. Оилада энди болани маълум бир мажбурият ва ҳуқуқлари бўлган шахс сифатида қабул қилинади ва бу ўз-ўзидан бола билан бўлган муносабатларда ўз аксини топади. Атрофдагилар билан муносабатда эса бола ўз "Мен"ни намоён этишга ҳаракат қилади. Л.С. Виготскийнинг таъкидлашича, фақат жамоавий ҳаёт ичида ва ижтимоий муносабатлар таъсирида боланинг индивидуал ҳуқуқ-атвори шаклланади. Фақат ўқитувчигина ўқувчисига турли қатъий талаблар қўйиб, уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олади, боланинг ижтимоийлашувига шароит яратиб, уни ҳуқуқ ва бурчлар-ижтимоий мақони тизимида стандартлашувига олиб кела олади. Ўқитувчининг муносабат услуби ўқувчининг фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи фаоллигининг асосан уч хил кўриниши мавжуд бўлиб, булар: жисмоний, психик ва ижтимоий фаолликдир.

Ўқитувчининг дарс жараёнида ҳар бир ўқувчига таъсир кўрсатиши учун қулай имконияти бор. Ўқув фаолиятининг бошланиши жараёнида боланинг катталар ва тенгдошлари билан қиладиган муомала-муносабатлари янгича тус ола бошлайди. "Бола-катта" муносабати "бола-ота-она" муносабатидан ташқарида юзага келади. Чунки, ўқитувчи болага ота-онага нисбатан кўпроқ равишда норматив талаблар қўяди. Биринчи бор мактабга келган бола ҳали ўзини тўлиқ англаши ва ўз хатти-ҳаракатларини аниқ билиши қийин. Фақат ўқитувчигина болага меъёрлар қўйиши, уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаши, ўз хатти-ҳаракатларини бошқалар билан мослаштиришига шароит яратиши мумкин. Бошлангич синфда ўқувчилар

ўқитувчи томонидан қўйиладиган янги шартларни қабул қиладилар ва уларнинг қондаларига тўла амал қилишга ҳаракат қиладилар. Бола учун ўқитувчи унинг психологик ҳолатини белгилаб берувчи асосий фигура ҳисобланиб, бу ҳолат унинг нафақат синфдаги, балки, умуман тенгдошлари билан бўладиган муносабатига, бу муносабат эса ўз-ўзидан оиласидаги муносабатларига ҳам таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу муносабатлар унинг ўқув фаолияти муваффақиятини ҳам белгилаб беради. Ўқитувчининг ўқувчиларга таъсир кўрсатиши ва муносабатининг қуйидаги услублари мавжуд. **Авторитар услуб:** бу қаттиққўллик бўлиб, бунда ўқитувчи ўқувчиларини сўзсиз ўзига бўйсундишларини талаб этади. Лекин, нима учун қаттиққўллик қилаётганини ёки ўқувчиларига нима учун ўзларини шундай тутишлари лозимлигини тушунтириб бермайди, шунингдек, ўқувчиларни ўз хатти-ҳаракатларини мустақил бошқаришга ҳам ўргатмайди, ўқитувчи дарс давомида ўқувчиларидан жим ўтиришини, саволларга доимо қўл кўтариб, ўқитувчининг руҳсати билан жавоб беришини, ўқитувчининг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришини талаб этади. Бундай педагоглар ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида эмас, балки асосан ўқув режаси асосида дарс ўтадилар. Дарс давомида ҳам баҳс-мунозара учун деярли имконият яратилмаган ҳолда асосан ўқитувчининг фикри сингдирилади. Ўқувчилари билан муомала муносабатда ҳам уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, жумладан, нерв тизимининг қўзғалувчанлик даражасини ҳам эътиборга олмайдилар. Бу услуб ўқитувчини синфдан, ўқувчидан узоқлаштиради. Эмоционал совуқлик синфда интизомли ўқувчида яққаланиш, хавотирлик, химоя қилинмаганлик ҳиссини ҳам юзага келтиради. Бу услуб синфда юқори ўзлаштириш кўрсаткичинини бериши, лекин бу ўзлаштириш, асосан, хотира сабабли бўлиб, лекин мустақил тафаккур, ижодкорлик, ҳозиржавоблик каби хусусиятларни ривожланишдан ортда қолишига сабаб бўлади, унда доний хавотирлик ўзига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради.

*Авторитар услубдаги* ўқитувчининг ўқувчилари ўқитувчи синфда бўлмаган вақтларда ўз-ўзини бошқариш малакаси бўлмаганлиги учун ҳам интизомга мутлақо бўйсунмайдилар. Бу асосан, тўполонда намоён бўлади. Бу услуб ўқитувчининг мустақкам иродасини кўрсатади, лекин бу ирода натижасида ўқувчида *"устозим мени яхши кўради"* деган фикри эмас, балки кўрқув ҳисси мавжуд бўлади.

*Демократик услуб* ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида дўстона муносабат ўрнатилишига асос бўлади. Дарсдаги интизом мажбурий эмас, балки муваффақиятга эришиш гарови сифатида болалар ижобий эмоцияни, ўзига ишонч, ўз муваффақияти, ютуқларидан қувониши, дўстлари билан фаолиятда ҳамкорлик ҳиссини беради. Демократик услуб болаларни бирлаштиради. Шу билан бирга ўзининг фаолияти натижаларига қизиқиш уйғотган ҳолда, ўзи учун ўзи ҳаракат қилиши лозимлигини англагатади, ўзини-ўзи бошқаришга, ўз хатти-ҳаракатини ўзи назорат қилишга ўргатади. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндошиш ҳисси ўқитувчининг шу ёшдаги болалар билан демократик муомала муносабати асосидагина шаклланади.

*Либерал услуб* касбий лаёқати йўқ бўлган ўқитувчиларга хос бўлган услубдир. Бундай ўқитувчи дарс жараёнини яхши ташкил эта олмайди. Бундай дарсларда ҳар бир бола ўз тарбияланганлик даражасига қараб ўзини тутлади. Бола ўз мажбуриятларини яхши ҳис қилмайди. Муомала муносабатдаги либерал услуб психология ва педагогака фанларига мутлақо зид услуб ҳисобланиб, болалар шахсини шакллантириш ва тарбиялаш жараёнида бу усулни қўллаб бўлмайди. Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчилари билан муомала-муносабатдаги императив услуб, асосан, маълум бир чегараларга асосланган ҳолда бола шахси ривожига салбий таъсир кўрсатади. Демократик услуб ўқитувчидан муомала-муносабатда жуда катта касбий маҳоратни талаб этган ҳолда, бола шахсининг ижобий томонларини ривожлантирувчи ягона услуб ҳисобланади. Либерал услуб эса ўқувчини эмоционал зўриқтирмайди, лекин унинг шахси ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатмайди.

Бошланғич мактабда болалар янги талабларни қабул қиладилар ва уларга қатъиятлилиқ билан амал қилишга ҳаракат қиладилар. Бола учун ўқитувчи унинг психологик ҳолатини белгилаб берувчи асосий фигура ҳисобланади. Чунки унинг болага бўлган муносабати унинг нафақат синфдаги, балки, умуман тенгдошлари билан бўладиган муносабатига, бу муносабат эса ўз-ўзидан оиласидаги муносабатларига ҳам бевосита таъсирини кўрсатади. Шунингдек, бу муносабатлар унинг ўқув фаолияти муваффақиятини ҳам белгилаб беради.

Ўқитувчининг болага муносабати унинг ўртоқлари ва оиласи билан бўлган муносабатига ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, янги мулоқотнинг характери кичик мактаб ёшидаги ўқувчи таълимнинг мотивларига, ундаги ахлоқий сифатларнинг ривожланишига, ўз-ўзига бериладиган баҳонинг шаклланишига ҳамда боланинг қизиқишлари даражасига сезиларли таъсир кўрсатади. Болаларнинг ўқув фаолияти муваффақияти ҳамда шахсининг шаклланиши кўп жиҳатдан уларнинг ўқитувчиси билан муносабатларидаги ўзига хос хусусиятларига, синфдаги ўз мавқеини қай даражада англаб етишига, таркиб топган ўқувчилар жамоси билан ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади.



### **Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари.

2. Мактабга ижтимоий-психологик мослашув йўллари қандай?

3. Болалар интеллектуал ривожланишида кичик мактаб даврининг аҳамияти.

4. Ўқув жараёни давомида юзага келадиган муаммолар.

5. Кичик мактаб давридаги болалар шахси ривожда юзага келадиган янгилашлар.

#### **Мавзу юзасидан тест саволлари:**

1. Кичик мактаб ёши даври неча ёшларни ўз ичига олади?

А) 6 -7 ёш;

Б) 9 – 10 ёш;

В) 6 – 10 ёш.

2. Кичик мактаб ёшида юзага келадиган янги ўзгаришлар нималардан иборат?

А) Эркинлик, иш - ҳаракат ва фикрларнинг ички режаси,

Б) Эркинлик, рефлексия ва катта бўлганлигини ҳис этиш;

В) Эркинлик, танқидийлик, ўз фикрларининг ҳаққонийлигини асослаб бера олиш.

3. Кичик мактаб ёши даврида етакчи фаолият қайси?

А) Предметли фаолият;

Б) Ўйин ва меҳнат фаолияти;

В) Ўқиш фаолияти.

4. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психик ривожланишида таълимнинг ролини аниқланг.

А) Жамоа шаклдаги мулоқот ва фаолиятнинг шаклланиши;

Б) Кузатувчанлик, ихтиёрий диққат, ижодий ҳаёл, мавҳум тафаккурнинг шаклланиши;

В) Билиш жараёнларининг ривожланиши, таълим олишдаги муаммоларни ечишда тафаккур жараёнининг шаклланиши.

5. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг тараққиёти нималардан иборат?

А) Ўз “Мен”ини ва ўз психологик хусусиятларини англай бошлайди;

Б) Ахлоқ нормалари ва хулқ- атвор қоидаларини эгаллайди;

В) Ўз-ўзини тарбиялаш элементлари юзага келади, мустақилликка эришишга интилади, ўзининг шахсий ҳиссиётларини билиш эҳтиёжлари пайдо бўлади.

6. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда нима орқали таълимга бўлган муносабат янада фаол намён бўлади?

А) Дунёқараш орқали;

Б) Қизиқиш орқали;

В) Қобилият орқали.

## VI БОБ. ЎСМИРЛИК ДАВРИ ПСИХОЛОГИЯСИ

### Режа:

1. Ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларнинг хулқ-атвори хусусиятлари.
2. Ўсмирларнинг интеллектуал ривожланиши.
3. Ўсмирлик даврида шахснинг шаклланиши.
4. Ўсмирлик давридаги ўқувчиларнинг эмоционал хусусиятлари.
5. Ўсмирлик даврида шахслараро муносабат.

### Ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларга ўсмирлик давридаги жисмоний ва психик ривожланишнинг умумий хусусиятлари, жинсий етилиш жараёни, унинг психик ривожланишга таъсири ўсмирлик даври инкйрози ва унинг психологик сабаблари, ўсмирлик даврида интеллектуал ва шахс ривожланиш хусусиятлари бўйича билим бериш.

**Тарбиявий:** Ўсмирлик даврида ўз-ўзига баҳо бериш тизимининг ривожланиш хусусиятлари, уларнинг онг ва дунёқарашининг шаклланишини тушунтириш орқали талабаларни ўз-ўзини англашга, таҳлил қилишга, тарбиялашга ўргатиш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг ўсмирлик ёшдаги болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инбатга олган ҳолда улар билан ишлаш, муаммоли вазиятларни ечиш кўникма-малакаларини ривожлантириш

### 6.1. Ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларнинг хулқ-атвор хусусиятлари

Ўсмирлик 10-11 ёшлардан 14-15 ёшларгача бўлган даврни ташкил этади. Ҳозирги ўсмирлар ўтмишдошларига нисбатан жисмоний ақлий ва сиёсий жиҳатдан бир мунча устунликка эга. Уларда жинсий етилиш, ижтимоийлашув жараёни, психик ўсиш олдинроқ намоён бўлмоқда. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш, асосан, 5-сентябрдан бошланади. «Энди ўсмир бола эмас, бироқ катта ҳам эмас» - аини шу таъриф ўсмирлик даврининг муҳим характерини билдиради. Ўсмирлик – болалиқдан катталиқка ўтиш даври бўлиб, физиологик ва психологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу босқичда болаларнинг жисмоний ва психик таракқиёти жуда тезлашади, ҳаётдаги турли нарсаларга қизиқиши, янгиликка интилиш ортади, характери шаклланади, маънавий дунёси бойийди, зиддиятлар авж олади. Ўсмирлик балоғатга етиш даври бўлиб, янги ҳислар, сезгилар ва жинсий ҳаётга тааллуқли чигал масалаларнинг пайдо бўлиши билан ҳам характерланади. Бу ёшда ўсмир ривожиди кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришлар физиологик ҳамда психологик ўзгаришлардир. Бўйга ўсиш бир текис бормайди: қиз-болалар 5-7 см ўссалар, ўғил болалар 5-10 см ўсадилар. Бўйига қараб ўсиш пайсимон илк суякларнинг узунлашиши ва умуртқа қисмининг катталаниши ҳисобига рўй беради.

Оғиз бўшлиғи ва ҳалқумдаги ўзгаришлар оқибатида товуш тембри ҳам ўзгаради. Бу ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан кўпроқ даражада содир бўлади. Ўғил болаларнинг товуши вазминрок бўлиб қолади, дўриллайди.

Гарчи бу даврда мушаклар тез суръат билан ўсса ҳам, мустаҳкамлашса ҳам, лекин барибир оёқ ва қўл суякларининг ўсиш суръати орқада қолади. Ўсмирларда бу хусусият уларнинг бесўнақай хатти-ҳаракатларида, юриштиришларидаги қўполликка, катта-катта одим ташлашларида сабаб бўлади.

Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва бу билан боғлиқ равишда танадаги барча аъзоларнинг мукамал ривожланиши ва ўсиши, хужайра ва организм тузилмаларининг қайтадан шакллана бошлашида намоён бўлади. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бу даврда ички секретция безларидан бири гипофиз безининг функцияси фаоллашади. Унинг фаолияти организм тўқималарининг ўсиши ва муҳим ички секретция безларининг (қалқонсимон без, буйрак усти беши ва жинсий безлар) ишлашини кучайтиради. Натижада бўй ўсиши тезлашади, жинсий балоғатга етиш (жинсий органларнинг ривожланиши, иккиламчи жинсий безларнинг пайдо бўлиши) амалга ошади. Кўкрак қафаси ҳам гавданинг бўй ўсишига нисбатан секин ривожланади. Бунинг натижасида айрим ўсмирларнинг елкаси, кўкраги тор бўлиб қолади, бу эса ўз навбатида кислотород етишмаслигига, нафас қисишига олиб келади. Кислотород етишмаслиги натижасида руҳий фаолиятга путур етади. Бу даврда юрак кенгайиши билан қон томирлари ҳам йўғонлашади. Қон айланиш системасининг қайта қурилиши, вегетатив нерв системасидаги барқарорлик қон айланишини бузади ва ўсмирда баъзи қон босимининг ортиши рўй беради.

Бу даврда айниқса жинсий безлар фаолияти кучаяди. Ўсмирда рўй берадиган биологик-жисмоний ўзгариш натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуктаси вужудга келади. Ўсмирлик ёшида уларнинг хулқ-атворида хос бўлган алоҳида хусусиятларни жинсий етилишнинг бошланиши билан изохлаб бўлмайди. Жинсий етилиш ўсмир хулқ-атворида асосий биологик омил сифатида таъсир кўрсатиб, бу таъсир бевосита эмас, балки кўпроқ билвоситадир.

Ўсмирлар ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларининг лаёқат, қобилият ва имкониятларини маълум даражада ўртоқлари ва ўқитувчиларига кўрсатишга интиладилар. Бу ҳолатни оддий кузатиш йўли билан ҳам осонгина кўриш мумкин. Ўсмирлик даври «*ўтиш даври*», «*кризис даври*», «*қийин даври*» каби номларни олган психологик кўринишлари билан характерланади. Чунки, бу ёшдаги ўсмирларнинг хатти-ҳаракатида муқобил, янги шароитларда ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Ўз даврида *Л.С. Виготский* бундай ҳолатни «*психик ривожланишдаги кризис*» деб номлаган. Кичик мактаб давридан сўнг бола алоҳида олинган шахс сифатида ўз-ўзига муносабатини шакллантириш жараёнида асосан икки босқични бошидан кечиради. Бу босқичлар ўсмирлик ёшини икки хил даврга - кичик ўсмирлик даври ва катта ўсмирлик даврига тўғри келади. Биринчи босқичда ўсмир ўзини «бола»лардан

ажратиб, энди ўзини катталар оламига мансублигини таъкидламоқчидек бўлади. Катталар ҳаётига киришга қизиқиш ўсмирларнинг асосий характеристикалари ҳисобланади.

Бу давр учун катталарнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш ва ўзининг мана шу ярашмаган қилиқларига танқидий баҳо бера олмаслик, унинг катта ёшли кишиларга яқин бўлиши, ёрдам бераётган бир гуруҳ тенгдошлари билан ортиқ даражада боғлиқ бўлиб қолиши ва шу сингари ҳолатлар характерлидир. Иккинчи босқичда ўсмир энди ўзининг ёш бола эмаслигига шубҳа қилмайди ва ўзлигини аниқ англай бошлайди, ўз шахсини улуғлаб, ўзига хос ҳаракатлар қила бошлайди. Ўсмирларни ўз шахслари ҳақидаги фикрлар кўпроқ қизиқтиради, улар ўзларини билишга, мақсадли ривожлантиришга, тарбиялашга ҳаракат қиладилар.

Ўсмирлик даврида ички эркинликнинг ўсишида, ўз-ўзини англаш лаёқатларида, мустақил хатти-ҳаракатларида катта сифат ўзгаришлари юз беради. Бундай ўзгаришларнинг юзага келишида ироданинг ҳам аҳамияти катта. Ирода олий психик функция сифатида ўсмирнинг эркин ҳаракат қилиш курали, шунингдек, шахси ривожининг магистрал чизиги бўлиб ҳисобланади. Бу даврга келиб унинг ҳаракатлари ўзи билан ўртоқ бўлган бир гуруҳ тенгдошларига боғлиқ бўлмай қолади. Ўртоқлари ўсмирга ўзи тўғрисидаги нотўғри тасаввурлардан қайтиб, жиддий ўйлаб кўришга уни мажбур қилмоқчи бўлганларида ҳам у бемалол рад жавобини бериши ва ўз фикрида қатъий туриб ҳимоя қилиши мумкин. Бу даврда ўзга кишиларнинг ички дунёсига ортиқча қизиқиш билан қараш ва ўз хатти-ҳаракатларини ўзи таҳлил қилиш, ўз-ўзини тарбиялашнинг элементларини юзага келиши мана шу иккинчи босқичдаги ўсмирлар ҳаётига хос хусусиятлардир. Ўсмирлик даврига кўпинча сўзга кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз камчиликларини тан олмаслик, урушқоқлик каби салбий хусусиятлар хосдир. Ўсмирлар ҳаётда, экранда ва китобларда катталарнинг мустақиллигини ва эркинлигини, уларнинг катта ва қизиқарли ишларини, дадил ҳаракатларини, қаҳрамонликларини, атрофдагилар орасидаги обрўларини кўрадилар ҳамда ҳавас қиладилар. Ўсмирда *катта ёшли одам бўлишга ёки ҳеч бўлмаганда катта ёшли одам бўлиб кўринишга қизиқиш*, интилиш пайдо бўлади ва бу хоҳишни амалга ошириш унга осондек бўлиб кўринади. Ўсмирларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларининг ўзаро мос келмаслиги ўсмирлар билан ота-оналари, ўқитувчилари ва бошқа мураббийлари ўртасида қарама-қаршилиқни келтириб чиқаради.

Ўсмир ўзининг жуда кўп истаклари, «хоҳлайман»ларини амалга оширишга интилади: катта ёшли одамлар эга бўлган ҳамма нарсалардан фойдаланишга, эркин, мустақил ва озод бўлишга интилади. Теварак-атрофдаги одамларга ўзининг аҳамиятга эга эканини кўрсатиш учун у кучли, кўрқмас ва эпчил бўлишга интилади. Тарбиячилар ҳам ўз тарбияланувчилари худди шундай бўлишларини истадилар, аммо улар ана шу фазилатларнинг фақат «кераклиги» учун шундай бўлишини истадилар. Ана шундай «хоҳлайман» ва «керак» ўртасидаги қарама-қаршилиқлар баъзан оилада, мактабда, кескин зиддиятли вазиятларни юзага келтиради. Тарбияланган

одамда «хоҳлайман» факат «керак»ни бажариш орқалигина амалга оширилади. Агар ўсмир бола тушунишга ўргатилмаган бўлса ва «керак» бўлган нарсани бажаришга одатланмаган бўлса, у ўзбошимчилигини намоён қилиш орқали тарбиячиларнинг талабларига қаршилик қилади ҳамда ўзининг шахсий асосланмаган хоҳишлари асосида иш тутади. Ўсмирнинг янги ҳуқуқларга даъвоси, аввало, катталар билан ўзаро муносабатларнинг бутун муҳитига оид бўлади. Ўсмир аввал бажонидил бажарадиган талабларга энди қаршилик кўрсата бошлайди: унинг мустақиллигини чеклашганда, васийлик қилишганда, йўналтиришганда, назорат қилишганда, қулоқ солишни талаб қилишганда, жазолашганда, унинг қизиқишлари, муносабатлари ва фикрлари билан ҳисоблашишмаганда у жуда хафа бўлади ва норозилик билдиради. Ўсмирда ўз қадрини билиш ҳисси пайдо бўлади ва у ўзини камситиш, мустақиллик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин бўлмаган инсон, деб билади. Болаликдаги катталар билан бўлган муносабат ҳақидаги фикрлари ўзгаради ва унинг ўз катталиги даражаси ҳақидаги тасаввурлари билан мос келмай қолади. У катталар ҳуқуқини чеклайди, ўзиникини эса кенгайтиради. Катталарнинг ўз шахси ва инсонийлик қадрини хурмат қилишларини хоҳлайди, ишонч ва мустақиллик намоён этишга даъво қилади, яъни катталар билан маълум тенг ҳуқуқлиликка ва уларнинг шу нарсани тан олишларига эришишга ҳаракат қилади.

Ўсмирлик даврига кимнингдир хатти-ҳаракатини имитация - қилиш хосдир. Кўпинча улар ўзларига таниш ва ёқадиган катталарнинг хатти-ҳаракатларига имитация, тақлид қиладилар.

Ўсмирлар бу даврда чекиш ҳамда спиртли ичимликларга қизиқиб қолишлари ҳам мумкин. Ўсмир катта одам, шунингдек, чекувчи, ичувчи сингари янги ролларда ўзини ноқулай ҳис қилади. Психик ривож жихатидан болаларга яқин, лекин эҳтиёжлари жихатидан катталарга яқин бўлган ўсмирда жуда кўп ноқулай ва ташвишга тушувчи ҳолатлар бўлади ва улар ўсмирда кризисни юзага келтириб чиқаради. Бу кризис ўсмирнинг маънавий ўсиши, шунингдек психикасидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Бу даврда боланинг ижтимоий мавқеи ўзгаради, ўзининг яқинлари, дўстлари, тенгдошлари билан янги муносабатлар юзага келади. Лекин энг катта ўзгариш унинг ички дунёсида юзага келади. Кўпгина ўсмирларда ўзидан қоникмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек, ўзи ҳақидаги мавжуд фикрларининг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирни асабийлашишига олиб келади. Бу эса ўсмирда ўзи ҳақида салбий фикр ва кўрқувни юзага келтириши мумкин. Баъзи ўсмирларни нима учун атрофдагилар, катталар, шунингдек, ота-онасига қарши чиқаётганлигини англай олмаётганлиги ташвишга солади. Бу ҳолат уларни ичдан асабийлашишларига сабаб бўлади ва ўсмирлик даври кризиси юзага келади. Кризис боладаги мавжуд тушкунлик, ёлғизликка интилиш, пассивлик ёки акси, ўжарлик, қайсарлик, агрессивлик, ҳаётга салбий муносабатларнинг кечишида намоён бўлади. Бундай пайтларда у ўзи сингари катта физиологик, психологик ўзгаришлар кечаётган ўртоғи билан



мулоқот қилишга катта эҳтиёж сезади. Дўсти ўсмирга ижобий таъсир қиладими ёки уни йўлдан уриб, ёмон таъсир қиладими — бу нарса унинг ахлоқий кифоаси билан боғлиқ.

Ўртоқларининг таъсири остида ўсмир ўзининг эҳтиёжлари ва истакларини қондириши мумкин. Агарда бундан қаноатланиш унга катта мамнунлик бағишласа, бундай ҳолларда унинг баъзи бир ҳаракат ёки қилиқларга нисбатан бўлган тасодифий қизиқишлари даставвал иштиёқга, ундан кейин эҳтирос ёки одатга айланиши мумкин. Ана шундай йўл билан ўқувчиларда, масалан, математикага, физика ёки химияга, дурадгорлик, слесарлик ёки қандайдир бошқа бир ишларга нисбатан иштиёқ юзага келади, аммо ўқувчилар худди шундай йўл билан ёлғончиликка, безориликка ва бошқа ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга ҳам ўрганиб қолишларн мумкин.

Ўсмирлик давридаги барча номуносиб ҳаракатлар бир онда ўтиб кетадиган хоҳишларнинг қўпчилигидан ва келиб чиқадиган оқибатни ниҳоятда юза тарзда кўра билишликдан келиб чиқади. Деярли барча зарарли хоҳишлар олдин зарарсиз ва енгиллик билан амалга ошириладигандек бўлиб кўринадиган кўнгли очиш тарзидаги ишлардан бошланади. Бирок, аслида эса бу ишларни амалга оширишга ўсмирларнинг имкониятлари етмайди. Бунга шахс тараққиётининг табиий эҳтиёжлари таъсир қилади. Агарда ўсмир болалар фақат бажара оладиган ишларни қилганларида эди, улар ўзларининг психик хусусиятларини ривожлантира олмаган бўлар эдилар. Ўсмирлар, ўзларининг турли хил хоҳишларини бевосита қондиришдан бўлак нарсани кўра олмайдилар ва бундай хоҳишлар хатарли оқибатларга томон йўллаганда ўзларини вақтида тўхтатиб қола олмасликлари ҳам мумкин. Ўқувчиларни ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан кўра билишга ва ўзларини тута билишга ўргатиш тарбиячиларнинг асосий вазифасидир.

Ўсмирлар ҳаддан ташқари ғайратли ва бесарамжон бўладилар, улар учун бекорчилик жуда оғирдир, бир хил тарздаги ишлардан тезда толиқадилар, бир хилдаги иш билан қизикмай кўядилар, бу эса уларнинг таълим жараёнлари муваффақиятига кучли таъсир қилади. Бинобарин, ўсмирларга муваффақиятли таълим ва тарбия беришда уларни турли фаолиятларга қизиқтириш ва ҳар турли фойдали машғулотларга жалб қилиш ҳамда, қийинроқ, лекин кучлари етадиган ишлар билан шуғуллантириш ниҳоятда муҳимдир.

«Ўсмирлик ёшининг моҳияти шундан иборатки, ўсмир бирмунча фаолроқ ижтимоий муҳитга етилган бўлиб, болалик чоғида вужудга келган эски муносабатларни бузиб, ана шу муҳит учун кураша бошлайди». Ҳар бир ўсмир муваффақиятли ишлар билан теварак-атрофдаги одамлар ўртасида ўз шахсини тасдиқлашга интилади.

Катталар ўсмирларнинг фойдали жамоа ишларида муваффақиятга эришишларида ёрдам беришлари ва бу билан уларнинг ўз кадр-қимматларини намоён қилишларига имкон беришлари лозим. Акс ҳолда улар бошқаларнинг олдида ўзларини юқори кўйишлари, беписандлик қилишлари мумкин. Буни улар ўзларининг кадр-қимматлари тан олинмаганлиги ёки

камситилганлигига қарши чиқиб, салбий ишлар ва хатти-ҳаракатлар орқали амалга оширишлари мумкин бўлади.

Ўсмирлар ниҳоятда тақлидчан бўлиб, уларда ҳали аниқ бир фикр, дунёқараш шаклланмаган бўлади. Улар ташқи таъсирларга ва ҳиссиётларга жуда берилувчан бўладилар. Шунингдек, уларга мардлик, жасурлик, тантқиқлик ҳам хосдир. Ташқи таъсирларга берилувчанлик ўсмирда шахсий фикрни юзага келишига сабаб бўлади, лекин бу шахсий фикр аксарият ҳолларда асосланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам улар ота-оналарнинг, атрофдаги катталарнинг, устозларнинг тўғри йўлни кўрсатишларига қарамай, ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Ўсмирларга фаросатлилик, тежамкорлик, эҳтиёткорлик ва узоқни кўра билишлик каби психик хусусиятлар ҳали етишмайди. Тенгдошлари, шунингдек, синфдошлари гуруҳида ўсмир ўзининг келишувчанлик хусусияти билан намоён бўлади. Ўсмир ўз гуруҳига боғлиқ ва қарам бўлгани ҳолда шу гуруҳнинг умумий фикрига қўшилишига ва унинг қарорини доимо бажаришга тайёр бўлади. Гуруҳ кўпинча ўсмирда «биз» ҳиссининг шаклланишига ёрдам беради ва унинг ички ҳолатини мустаҳкамлайди. Ўсмир ёшдаги бола учун дўст танлаш жуда катта аҳамиятга эга. Ўсмирлик даврида дўстлик жуда кадрли ҳисобланади. Дўстлар донимий равишда руҳан, қалбан яқин бўлишга эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёж ўсмир дўстларнинг ҳолаҳвол сўрашиши ва кўришишларида (кўл бериб, кучоқ очиб кўришиш) бирга ўтириш ва бирга юришга ҳаракат қилишларида кўринади. Кўпгана ана шундай жуда яқин муносабатлар, ўсмирларнинг шахс бўлиб шаклланишида, ҳамкорликдаги ҳаракатларининг изи инсон қалби ва хотирасида бир умрга сақланиб қолади.

*Ўсмир ёшларнинг хулқ-атвори ва фаолиятларида баъзан ўзларининг кучлари етмайдиған қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Асосий қарама-қаршилик жуда кўп орзу-тилақларни вужудга келтирувчи, жадал ортиб бораётган жисмоний, маънавий ва моддий эҳтиёжлар билан уларни қондириш учун ниҳоятда чекланган ҳамда кўп жиҳатдан етарли бўлмаган имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Ўсмирнинг ўз кучига тўла ишонмаслиги уни бутун воситалар билан шунчаки ўзини катта киши бўлиб қолганлигини таъкидлашга мажбур қилибгина қолмай, шу билан бирга бу туйғуни етарли баҳолай олмаслик ҳолатини ҳам вужудга келтиради. Бу ўз навбатида катталарга кўпол муносабатда бўлиш ва агрессивликни ҳамда ота-оналар билан ўқитувчиларнинг маслаҳат ва талабларини писанд қилмаслик каби хулқ-атвор аломатларини ҳам келтириб чиқаради.*

“Олтинчи синф муаммолари”га бағишланган тадқиқот ишида шу ёшдаги болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари ва турли хил фанлар бўйича ўзлаштиришнинг пасайиши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ўсиб бориши куйидагича намоён бўлган: Олтинчи синф ўқувчилари тўртинчи синфга нисбатан 6 марта кўпроқ қайсарлик қилишлари, 10 марта кўпроқ ўқитувчиларга қаршилик кўрсатишлари, 7 марта кўпроқ бошқалар иродасига тўсқинлик қилишлари, 9 марта кўпроқ бошқалар камчиликларига эътибор беришлари, 5 марта кўпроқ фақат ўз хоҳиш-истақларига бўйсунилари ва

ниҳоят 42 марта кўпроқ ўз хатти-ҳаракатлари мотивларига эга бўлмасликлари аниқланган. ( Краковский А.П. 1970 )

Ўсмирлик даврига кўпинча сўзга кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз камчиликларини тан олмаслик, урушқоқлик каби салбий хусусиятлар хосдир. Ўсмирлар бу даврда чекиш ҳамда спиртли ичимликларга қизиқиб қолишлари ҳам мумкин. Ўсмир катта одам, шунингдек, чекувчи, ичувчи сингари янги ролларда ўзини ноқулай ҳис қилади.

Кўпгина ўсмирларда ўзидан қониқмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек, ўзи ҳақидаги мавжуд фикрларининг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирни асабийлашишига олиб келади, унда жуда кўп ноқулай ва ташвишга тушувчи ҳолатлар бўлади. Бу эса ўсмирда ўзи ҳақида салбий фикр ва қўрқувни юзага келтириши мумкин. Баъзи ўсмирларни нима учун атрофдагилар, катталар, шунингдек, ота-онасига қарши чиқаётганлигини аңғай олмаётганлиги ташвишга солади. Бу ҳолат уларни ичдан асабийлашишларига сабаб бўлади ва ўсмирлик даври кризиси юзага келади. Кризис боладаги мавжуд тушқунлик, ёлғизликка интилиш, пассивлик ёки акси, ўжарлик, қайсарлик, агрессивлик, ҳаётга салбий муносабатларнинг юзага келиши сифатида намоён бўлади. Бу кризис ўсмирнинг маънавий ўсиши, шунингдек, психикасидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Бундай пайтларда у ўзи сингари катта физиологик, психологик ўзгаришлар кечаётган ўртоғи билан мулоқот қилишга катта эҳтиёж сезади. Дўсти ўсмирга ижобий таъсир қиладими ёки уни йўлдан уриб, ёмон таъсир қиладими — бу нарса унинг ахлоқий қиёфаси билан боғлиқ.

**Ўсмирлик даврида етакчи фаолият шахсий -интим мулоқотдир.**

Ўртоқларининг таъсири остида ўсмир ўзининг эҳтиёжлари ва истакларини қондириши мумкин. Агарда бундан қаноатланиш унга катта мамнунлик бағишласа, бундай ҳолларда унинг баъзи бир ҳаракат ёки қилиқларга нисбатан бўлган тасодифий қизиқишлари даставвал иштиёқга, ундан кейин эхтирос ёки одатга айланиши мумкин. Ана шундай йўл билан ўқувчиларда, масалан, математикага, физика ёки химияга, дурадгорлик, слесарлик ёки қандайдир бошқа бир ишларга нисбатан иштиёқ юзага келади, аммо ўқувчилар худди шундай йўл билан ёлгончиликка, безориликка ва бошқа ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга ҳам ўрганиб қолишлари мумкин.

Ўсмирлар катталарнинг уларга билдирадиган ишончларига катта эҳтиёж сезадилар. Катталарнинг ўсмир ёшдагиларга таъсир кўрсатиши, тарбия бериши учун энг қулай шароит - бу умумий меҳнат билан шуғулланишидир. Агар кичик ёшдаги болалар ёрдамчи бўлиш ролларидан қониқсалар, ўсмирлар, айниқса катта ўсмирлар катталар билан тенг равишда фаолият кўрсатаётганларидан, лозим бўлганда уларнинг ўрниларига ҳам ишлай олишларидан қониқадилар. Катталар ўсмирлар билан дўстона, уни тўла тушунган ҳолда ва ақл билан раҳбарлик қилсалар, бунга ўсмирлар ижобий қарайдилар, лекин бу раҳбарлик каттанинг хоҳиш-истаги устунлигида кечса, ундай ҳолда улар тўла қаршилиқ кўрсатадилар. Бу қаршилиқ кўпинча салбий натижаларга, баъзан депрессия ҳолатини ҳам

юзага келтириши мумкин. Бу ҳолат кўпинча ота-онаси авторитар муносабатда бўлувчи ўсмирларнинг оилаларида учрайди. Бундай оилаларда тарбияланаётган ўсмирлар ҳаётда мустақил ҳолда ҳаракат қилишлари, ўз режаларини амалга оширишлари, қийин масъулиятни ўз зиммаларига олишлари бирмунча қийин кечади.

Улар кўпинча интеллектуал характердаги муаммоларни ҳам қийинчилик билан енгадилар. Ўсмирлик даврида болаларнинг атрофдаги одамлар билан шахсий ва иш юзасидан бўладиган муносабатларидаги мавқеи ўзгаради. Энди ўсмирлар ўйин ҳамда дамга камроқ вақтларини ажратган ҳолда кўпроқ жиддий ишлар билан шуғуллана бошлайдилар ва уларда билиш жараёнлари жадал ривожлана бошлайди. Ўқиш ўсмирлар ҳаётида катта ўринни эгаллайди. Уларга машғулотларнинг мустақил шакллари ёқади. Бошқа давр болаларига нисбатан ўсмирларнинг фанларни муваффақиятли ўзлаштиришлари, қизиқишларининг ортиши, ўқитувчининг ўқув материални тушунтира олиш маҳоратига боғлиқ. Билим ўрганиш эҳтиёжлари асосида аста-секинлик билан ўқув фанларига нисбатан қатъий ижобий муносабат шаклланади. Бу даврда ўқишнинг янги мотивлари юзага келади. Бу мотивлар ўсмирнинг, ҳаётий режалари, келажак касби ва идеали билан боғлиқ бўлади. Айнан ўсмирлик давридан бошлаб, болалар ҳаётий, илмий, бадий билимларни кенгайтиришга алоҳида эҳтиёж сезадилар ва бунга ҳаракат қиладилар. Билимли бола тенгдошлари орасида ҳурматга сазовор бўлади. Билим ўсмирларга алоҳида бир қувонч бағишлайди ва унинг тафаккур қилиш лаёқатини ривожлантиради. Бу даврда ўқувчиларга бериладиган ўқув материалининг ҳажми катта бўлгани учун ҳам уни эслаб қолиши ёки бир неча марта такрорлаш йўли билан ўзлаштириши қийин. Бунинг учун ўқувчи ўқув материалининг мазмунини таҳлил қилиши, ундаги манتيкий тузилишни билиши муҳим. Бу даврда болаларнинг гидроки, диққати ва тасавурлари ривожланади, лекин бу ривожланиш боланинг ўзига ва атрофдагиларга сезилмаган ҳолда кечади. Шу билан бирга бу даврда боланинг хотираси, нутқи, тафаккур жараёнлари ҳам жадал ривожланади. Бу ўзгаришлар атрофдагиларга сезиларли даражада бўлади. Ўсмирлик даврида ўз-ўзини англаш даражаси кенгайди ва унда бошқа одамлар, олам ҳақидаги билимлари чуқурлашади. Ўйин фаолияти аста-секин камайиб, янги фаолиятлар юзага кела бошлайди. Психик ривожланишнинг янги босқичи бошланади. Ўсмирлик даврида ўз фаолиятини назорат этиш ривожлана бошлайди ва ўзини-ўзи бошқаришга интилиши кучаяди. Бир сўз билан айтганда, ўсмирлик даври психик ривожланишда кескин бурилиш даври ҳисобланади.

Ижобий сифатлар, эҳтиёжлар ва интилишлар ҳар бир ёшда, жумладан, маълум даражада йўлдан озган ўсмирда ҳам бўлади. Ўсмирлар ҳамма нарсани билишга қизиқадилар. Кўпчилик ўсмирлар бошқалардан ёмонроқ бўлишни хоҳламайдилар ва ўз муҳитида кўзга ташланиб туришга ҳамда бошқалардан нималар биландир фарқ қилишга интиладилар. Ўсмирларнинг ҳаммаси *ғайратли ва фаолдирлар, бироқ, ўзларининг куч-қувватларини қаёққа йўналтиришни ҳамма вақт ҳам билавермайдилар*. Бинобарин, уларни

бевосита натижалари билан хурсанд қиладиган хилма-хил фойдали ва қизиқарли ишлар билан банд қилиш керак. Ўсмирлар, гарчи ҳамма вақт ҳам бунга тайёр эмасликларига қарамай, мустақилликка иштиладилар. Аммо кўпинча мустақил иш-ҳаракатлар учун уларнинг имкониятлари бўлмайди. Демак, уларни мустақил фаолиятга яхшироқ тайёрлаш ва уларга мустақил ишларни ишониб топшириш ҳамда муваффақиятли бажарилишини ҳамма воситалар билан таъминлаш керак. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ўсмирлар психикасида ижобий томонлар етарли даражада мавжуддир. Бу ижобий томонлардан фойдаланиб ва уларни ривожлантириш, салбий иштиёқ, майл, ишлар ва хатти-ҳаракатларни йўқотиш керак.

Катта ўсмирлар аста секинлик билан бевосита ишлари ва хатти-ҳаракатларининг натижаларини ҳамда оқибатларини олдиндан кўра бошлайдилар. Уларда ўз-ўзини тута билиш, матонат пайдо бўлади, қарорлари бирмунча қатъий бўла бошлайди, ирода таркиб топади. Улар ўзларининг фаолиятларида иштиёқ ва истаклардан кўра кўпроқ соғлом фикрга асосланадиган бўладилар. Уларнинг ички кечинмалари ва ҳаяжонлари энди иродавий назоратга бўйсундирилган бўлади. Лекин ахлоқий ва эстетик ҳисларнинг тараққиёти туфайли ички кечинмалари ва ҳаяжонлари янада кучлироқ бўлади. Катталарга нисбатан кўпол муносабатнинг пайдо бўлиши, нохуш хулқ-атвор аломатлари, ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт-шароитлар, унинг тенгдошлари ва турли жамоалардаги мавқеи, катталар билан муносабати, мактаб ва оиласидаги муносабатлари сабабли юзага келадиган характер белгиларидир. Мана шу ижтимоий шароитларни ўзгартириш йўли билан ўсмирларнинг хулқ-атвориغا тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш мумкин

## 6.2. Ўсмирларнинг интеллектуал ривожланиши

Энди ўсмирлар ўйин ҳамда дамга камроқ вақтларини ажратган ҳолда кўпроқ жиддий ишлар билан шуғуллана бошлайдилар ва уларда билиш жараёнлари жадал ривожлана бошлайди. Мактаб таълими ўсмир билиш жараёнларини ривожланиш йўналишини сифат жиҳатидан ўзгаришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ўқиш ўсмирлар ҳаётида катта ўринни эгаллайди. Улар учун машғулотларнинг мустақил шакллари ёқади. Бошқа давр болаларига нисбатан ўсмирларнинг фанларни муваффақиятли ўзлаштиришлари, қизиқишларининг ортиши, ўқитувчининг ўқув материални тушунтира олиш маҳоратига боғлиқ. Ўқиш фаолияти асосида ўсмирнинг ўз-ўзини англаш даражаси кенгайди, бошқа одамлар, атроф олам ҳақидаги билимлари чуқурлашади. Психик ривожланишининг янги босқичи бошланади. Билим ўрганиш эҳтиёжлари асосида аста-секинлик билан ўқув фанларига нисбатан қатъий ижобий муносабат шаклланади. Бу даврда ўқининг янги мотивлари юзага келади. Бу мотивлар ўсмирнинг, ҳаётий режалари, келажак касби ва идеали билан боғлиқ бўлган ҳолда билиш жараёнлари ривожланиш характерига ўз таъсирини кўрсатади.

Айнан ўсмирлик давридан бошлаб, болалар ҳаётий, илмий, бадий билимларни кенгайтиришга алоҳида эҳтиёж сезадилар ва бунга ҳаракат қиладилар. Билимли бола тенгдошлари орасида хурматга сазовор бўлади. Билим ўсмирларга алоҳида бир қувонч бағишлайди ва унинг тафаккур қилиш лаёқатини ривожлантиради.

Билиш жараёнларининг ривожланишида нутқ оғзаки ва ёзма мавжуд бўлиши билан кучли восита ҳисобланади. Мактабдаги ўқув жараёнларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши билан ўсмир нутқининг тўғри ривожланишига қулай шароит яратилади. Нутқни ўзлаштиришга ҳаракат бу ўсмирнинг муомала, билиш ва ижодий фаолиятга киришига эҳтиёж ва интилиш ҳисобланади.

Ўсмирлик даврида нутқнинг ривожланиши бир томондан сўз бойлигининг ошиши ҳисобига бўлса, иккинчи томондан табиат ва жамиятдаги нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини англашлари ҳисобига бўлади. Бу даврда ўсмир тил ёрдамида атроф-борликни акс эттириш билан бир қаторда инсон дунёкарашини ҳам белгилаб бериш мумкинлигини ҳис қила бошлайди. Айнан ўсмирлик давридан бошлаб, инсон нутқ билиш жараёнларининг ривожланишини белгилаб беришини тушуна бошлайди. Ўсмирни кўпинча муомалада сўзларни ишлатиш қоидалари – «Қандай қилиб тўғри ёзиш керак?» «Қандай қилиб яхшироқ айтиш мумкин?», «Нима дейиш керак?», каби саволлар жуда қизиқтиради. Ўсмирлар мактабдаги ўқитувчилар, катталар, ота-оналар нутқдаги камчиликларига, китоб, газета, радио ва телевидение дикторлари хатоларига тез эътибор берадилар. Бу ҳолат ўсмирнинг бир томондан ўз нутқини назорат этишга ўргатса, иккинчи томондан катталар ҳам нутқ қоидаларини бузишлари мумкинлигини билишларига ва ўзида мавжуд хатоликларни бирмунча барҳам топтиришларига олиб келади.

Ўсмир сўзларнинг келиб чиқиш тарихига, уларнинг аниқ мазмуни ва моҳиятига жуда қизиқади. У энди ўз нутқда ёш бола сингари эмас, балки катта одамлардек сўзларни танлаб ишлатишга ҳаракат қилади. Нутқ маданиятини эгаллаш борасида ўсмир учун ўқитувчи, албатта, намуна бўлиши шартдир. Айнан мактаб таълими ўсмир билиш жараёнларини ривожланиш йўналишини сифат жиҳатидан ўзгаришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Мактабдаги ўқув жараёнларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши билан ўсмир нутқининг тўғри ривожланишига шароит яратилади. Нутқни ўзлаштиришга ҳаракат бу ўсмирнинг муомала, билиш ва ижодий фаолиятга киришишига эҳтиёж ва интилиш ҳисобланади.

Ўсмирлик даврида ўқиш малакалари, ёзма ва монологик нутқ жадал ривожланади. 5-синфдан бошлаб то 9-синфгача ўқиш тўғри, тез ва ифодали бўлиш даражасидан, ёддан ифодали, таъсирли айтиб бера олиш даражасигача кўтарилади. Монологик нутқ эса асардаги кичик бир парчани қайта сўзлаб беришдан, мустақил равишда нутқ ва чиқишлар тайёрлаш, оғзаки - мулоҳаза юритиш, фикр билдириш ва уларни асослаб беришгача ўзгаради. Ёзма нутқ ҳам ривожланган ҳолда ўсмирлар энди уларга берилган эркин мавзу бўйича мустақил ҳолда иншо ёза оладилар. Ўсмирларнинг нутқи тўла тафаккур

билан боғлиқ ҳолатида амалга оширилади. 5-6 синфлардаги ўқувчилар оғзаки ва ёзма матн учун режа тузиб, унга амал қила оладилар. Ўзи ёзган фикрни қайта-қайта ўқиб, ўз нутқини анализ қилиб кўришга мажбур қилади. Ўқувчи ёзиб баён қилаётганида, кўпинча, бу ишини бир неча марта қайта кўриб чиқишга, ўзгартиришга, тўлдиришга, қайтадан ишлаб чиқишга мажбур бўлади.

Ўқувчи ўқитувчининг топшириғига биноан ёзма ишлар бажараётганида ўзининг шу ишига баҳо берилишини, аммо бу баҳо ишнинг фақат мазмунига қарабгина берилиб қолмасдан, балки шу билан бирга, ўз фикрининг «қандай тил» билан баён қилинганига қараб ҳам баҳоланишини олдиндан билиб туради. Мана шу ҳолларнинг ҳаммаси болани ўз нутқини грамматика ва логика талабларига мувофиқ келадиган қилиб, онгли равишда тузишга мажбур этади. Адабиёт дарслари билан шуғулланиш ўқувчилар нутқининг ўсишига айниқса катта таъсир қилади. Ўқувчилар адабиёт дарсларида тўғри тузилган нутқнинг энг яхши намуналари билан танишадилар.

Болаларнинг ёзма нутқни эгаллашлари уларнинг нутқини ўстиришда муҳим босқич бўлади. Ўқувчи ёзма нутқни тўғри тушунишни ўрганиб олади, ўз фикрларини ёзма нутқ ҳолида баён қилиш ва бошқаларга тушунтиришни ўрганади. Китоб ўқиш ва айниқса ўзидаги фикрларни ёзма тарзда ифодалаб, баён қилиб бериш тилининг грамматика тузилишини эгаллашда катта аҳамиятга эга. Ёзма баён қилиш вақтида фикрни тўлиқ тушунтириб бериш зарурлиги ўқувчини ўзи ёзаётганларининг мазмунигагина диққат қаратмасдан, балки қандай қилиб ёзаётганлигига ҳам эътибор беришга мажбур этади.

Ёзма нутқни эгаллаш оғзаки нутқни ва айниқса монолог нутқни тўғри ва кенгрок қилиб тузишга ёрдам беради.

Ўқувчи мактабда берилган топшириқни тайёрлаш вақтида шу топшириқни ўзига-ўзи гапириб беришни муттасил машқ қилиб туриши ўқувчи нутқининг ўсишига катта таъсир қилади. Ўқувчи дарсларни тайёрлаётган вақтда шу дарсларни китобдан ўқибгина қолмасдан, балки, одатда, у китобдан ўқиган нарсаларини китобни ёпиб қўйиб, ўз-ўзига ёки ёнидаги шеригига сўзлаб ҳам беради. Бундай ҳолларда ўқувчи ўзи тайёрлаётган дарсни грамматика қоидаларига тўғри риоя қилган ҳолда айниқса, тушунарли қилиб оғзаки гапириб беришга интилади. Ўқитувчи ўқувчининг нималарни билганлиги ва билганларини қандай гапириб бериши билангина кифоя қилмасдан, балки, шу билан бирга, шу билган нарсасини қандай қилиб ва қай тарика гапириб бераётганига ҳам эътибор беришини ўқувчи яхши тушунади.

-Ўқувчи овоз чиқариб, айнан ёки ўз сузлари билан такрорлаш йўли билан ўзининг артикуляция аппаратини машқ қилдиради, ўз нутқининг қай даражада тўғрилигини назорат қилади, шу билан бирга ўзи ўзлаштирган билимларнинг тўғрилигини ва мустаҳкамлигини ҳам назорат қилади.

Албатта, ўқувчи нутқининг ўсишида ўқитувчининг нутқи катта роль ўйнайди, чунки ўқитувчининг нутқи ўқувчилар учун намунали нутқ

ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар бир ўқитувчи ўқувчилар нутқини ўстиришга интилиб, ўзи ҳам ўз нутқини такомиллаштириш устида тўхтовсиз ва тинмай интилиши лозим.

**Диққат.** Агар кичик мактаб даврида ихтиёрсиз диққат устунлик қилса, ўсмирлик даврида бола ўз диққатини ўзи бошқара олади. Дарс давомида интизомнинг бузилиши аксарият ҳолларда ўқувчилар диққатсизлигидан эмас, балки ижтимоий сабаблар билан белгиланади. Ўсмир ўз диққатини тўла равишда ўзи учун аҳамиятли бўлган ва юқори натижаларга эришиши мумкин бўлган фаолиятларга қарата олади. Ўсмирнинг диққати яхши бошқариладиган ва назорат этиладиган даражада ривожланган бўлиши мумкин. Боланинг ривожланаётган ихтиёрий диққати ўқитувчи томонидан доимо қўллаб-қувватланиши жуда зарурдир. Педагогик жараёнда ихтиёрсиз диққатни ихтиёрий диққат даражасига кўтариш учун бир қанча услублар ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўсмирнинг дарс жараёнида ўз тенгдошлари орасида ўзини кўрсатиши учун шароитни яратилиши ҳам ўсмирдаги диққатни ихтиёрсиздан ихтиёрийга айланишида замин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

#### Ўсмирлар диққатини психодиагностика қилиш методи

(Диққатнинг тақсимланиши ва барқарорлигини баҳолаш методикаси учун матрица)

<b>9</b>	<b>5</b>	<b>11</b>	<b>23</b>	<b>20</b>	<b>21</b>	<b>12</b>	<b>7</b>	<b>1</b>	<b>20</b>
<b>14</b>	<b>25</b>	<b>17</b>	<b>1</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>15</b>	<b>17</b>	<b>3</b>	<b>18</b>
<b>3</b>	<b>21</b>	<b>7</b>	<b>19</b>	<b>13</b>	<b>19</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>25</b>	<b>13</b>
<b>18</b>	<b>12</b>	<b>24</b>	<b>16</b>	<b>4</b>	<b>24</b>	<b>2</b>	<b>22</b>	<b>10</b>	<b>5</b>
<b>8</b>	<b>15</b>	<b>2</b>	<b>10</b>	<b>22</b>	<b>9</b>	<b>14</b>	<b>11</b>	<b>23</b>	<b>16</b>
		<b>в</b>					<b>г</b>		
<b>22</b>	<b>25</b>	<b>7</b>	<b>21</b>	<b>11</b>	<b>14</b>	<b>18</b>	<b>7</b>	<b>24</b>	<b>21</b>
<b>6</b>	<b>2</b>	<b>10</b>	<b>3</b>	<b>23</b>	<b>22</b>	<b>1</b>	<b>10</b>	<b>9</b>	<b>6</b>
<b>17</b>	<b>12</b>	<b>16</b>	<b>5</b>	<b>18</b>	<b>16</b>	<b>5</b>	<b>8</b>	<b>20</b>	<b>11</b>
<b>1</b>	<b>15</b>	<b>20</b>	<b>9</b>	<b>24</b>	<b>23</b>	<b>2</b>	<b>25</b>	<b>3</b>	<b>15</b>
<b>19</b>	<b>13</b>	<b>4</b>	<b>14</b>	<b>8</b>	<b>19</b>	<b>13</b>	<b>17</b>	<b>12</b>	<b>4</b>
		<b>д</b>							
<b>5</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>23</b>	<b>2</b>					
<b>16</b>	<b>25</b>	<b>7</b>	<b>24</b>	<b>13</b>					
<b>11</b>	<b>3</b>	<b>20</b>	<b>4</b>	<b>18</b>					
<b>8</b>	<b>10</b>	<b>19</b>	<b>22</b>	<b>1</b>					

Ушбу методика ёрдамида ўсмирлар диққатининг кўрсаткичларини, шу билан бир қаторда тақсимланиши ва барқарорлигини ўрганиш мумкин. Синалувчи 1-жадвал (1а) ни кўриб чиқади ва ундаги 1дан 25 гача бўлган



сонларни тартиб билан топади. Худди шундай ҳаракат ҳар бир жадвал билан бажарилади. Битта жадвал билан ишлашга кетган ўртача вақт аниқланади. Бунинг учун ҳар бир жадвал билан ишлашга кетган вақт қўшилади ва 5га бўлинади. Бу ўсмир диққати тақсимланишининг индекси ҳисобланади. Худди шу методика ёрдамида диққатнинг барқарорлигини ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун ҳар бир жадвални кўриб чиқишга кетган вақт таққосланилади. Агар 1-дан то 5- жадвалгача ҳар бирини кўриб чиқишга кетган вақт орасидаги фарқ жуда кичик бўлиб 10 секунддан ошмаса диққат барқарор ҳисобланади.

Ўсмирлик даврида жуда қаттиқ чарчаш ҳолатлари ҳам бўлади. Айнан 13-14 ҳамда 16 ёшларда чарчаш чизиғи кескин кўтарилади. Бундай ҳолатларда ўсмир атрофдаги нарса ва воқеаларга тўлиқ диққатини қарата олмайди.

Ўсмирлик даврида хотиранинг барча турлари ўзининг сифат кўрсаткичлари асосида жадал ривожланади. Бу даврда ўқувчиларга бериладиган ўқув материалнинг ҳажми катта бўлгани учун ҳам уни эслаб қолиши ёки бир неча марта такрорлаш йўли билан ўзлаштириш қийин. Ўсмирлик ёшида болалар ўқиган ва ўрганганларини сўзма-сўз ёдлашдан воз кечиб унинг маъносига кўра эслаб қолишга ҳаракат қиладилар. Уларда фаол равишда мантиқий хотира ривожланиб боради. Механик хотиранинг ривожи эса бирмунча сустлашади. Бу эса баъзан салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ўсмирлик даврига келиб янги фанлар, жумладан, ўқувчилар эслаб қолиши зарур бўлган маълумотлар миқдори кўпаяди. Аммо механик хотиранинг сустлашуви маълумотларни эслаб қолишда муаммоларни келтириб чиқаради ва ўсмирлар томонидан хотиралари заифлашуви ҳақидаги шикоятларига ва ўз-ўзидан ўқишга бўлган қизиқишларининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг учун ўқувчи ўқув материалнинг мазмунини таҳлил қилиши, ундаги мантиқий тузилишни билиши муҳим.

Ўсмирлик даврида назарий тафаккур юқори аҳамиятга эга бўла бошлайди. Чунки бу даврдаги ўқувчилар атроф-оламдаги боғланишлар мазмунини юқори даражада билишга ҳаракат қиладилар. Бу даврда ўсмирнинг билишга бўлган қизиқишида кескин ривожланиш содир бўлади. Илмий назарий билимларнинг эгаллаб олиниши ўсмир тафаккурининг ривожланишига олиб келади. Бунинг таъсирида исбот, далиллар билан фикрлаш қобилияти ривожланади. Унда дедуктив хулосалар чиқаришга қобилияти пайдо бўлади.

Мактабда ўқитиладиган фанлар ўсмир учун ўз тахминларини юзага келтириш ёки текшириш учун шароит бўлиб хизмат қилади. Ж.Пиаженинг таъкидлашича, *“Ижтимоий ҳаёт уч нарсанинг таъсири - тил, мазмун, қоидалар асосида шакллантирилади»*. Бу борада ўзлаштирилган ижтимоий муносабатлар ўз-ўзидан тафаккурнинг янги имкониятларини яратади.

11-12 ёшдан бошлаб ўсмир энди мантиқий фикрлаб ҳаракат қила бошлайди. Ўсмир бу ёшда худди катталар сингари кенг камровли таҳлил этишни ўргана бошлайди. Ўсмир тафаккурнинг назарий даражага қанчалик

тез кўтарила олиши, ўқув материалларини тез ва чуқур эгаллаши унинг интеллектини ҳам ривожланишини белгилаб беради. Ўсмирлик даври юқори даражадаги интеллектуал фаоллик билан фаркланади. Бу фаоллик ўта қизиқувчанлик ҳамда атрофдагиларга ўз лаёқатларини намойиш этиш, шунингдек, уларда юқори баҳо олиш эҳтиёжининг мавжудлиги билан белгиланади. Ўсмирнинг катталарга берадиган саволлари мазмунли, мулоҳазали ва айнан ўша масала доирасида бўлади. Бу ёшдаги болалар турли фаразларни келтира оладилар, тахминий фикр юритиб, тадқиқот ўтказа оладилар ҳамда маълум бир масала бўйича муқобил вариантларни таққослай оладилар. Ўсмир тафаккури кўпинча умумлаштиришга мойил бўлади. Республикамизнинг бозор иқтисодиёти шароитига ўтишида кишилардаги амалий тафаккурнинг аҳамияти ошмоқда. Амалий тафаккур тизимида куйидаги ақлий сифатлар қиради:

- тадбиркорлик, тежамкорлик, ҳисоб-китоблик, юзага келган муаммоларни тез еча олишлик ва бошқа шу каби сифатлар мавжуд бўлган тақдирдагина амалий тафаккурни ривожланган деб ҳисоблаш мумкин. Бу сифатларни 1-синфданок ривожлантира бориш ниҳоятда муҳим.

Ўсмирлик даврида ишбилармонлик сифатини ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришини йўлга қўйиши, умумий фойдали тадбиркорлик ишларида иштирок этиши орқали ривожлантириш мумкин. Бу борада ўқувчи ижрочи ролида эмас, балки бошқарувчи, мустақил йўл танловчи ва тадбиркорлик муносабатларида ўзи иштирокчи бўлган тақдирдагина ривожланиш амалга ошиши мумкин. Бу ёшда тадбиркорликни ривожлантиришда кўпроқ мустақилликнинг берилиши ўсмир амалий тафаккурининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Ўсмир ёшдаги болаларда тежамкорликни ривожлантириш ақлнинг бошқа сифатларига нисбатан осонроқ кечади, бунга кўпроқ уларни қизиқтирадиган нарсаларга мустақил равишда ҳисоб-китоб қилиб боришга йўллаш орқали амалга ошириш мумкин, ўсмирларда юзага келган муаммоларни тез ва оператив ҳолда ечиш малакасини шакллантириш бирмунча қийинроқ кечади. Албатта, бу боланинг темпераментига ҳам боғлиқ. Барча ўсмирларни ҳам тез йўллаб, тез ҳаракат қилишга ўргатиш мушкул, лекин уларни бирор муаммо юзага келиши билан орқага чекинмай, зудлик билан муаммони ечишнинг умумий қоидаларига ўргатиб бориш мумкин. Ўсмирлик даврида интеллектнинг юқори даражада ривожланган бўлиши қимматли ва обрўли ҳисобланади. Ўсмир шахсида ва унинг билишга қизиқишидаги ўзгаришлар ўзаро боғлиқ бўлади. Ихтиёрий психик жараёнларнинг ривожланиши ўсмирдаги шаклланиб келаётган шахс мустақиллигига таянади, ўзининг шахсий хусусиятларини англаш ва шакллантириш имкониятлари эса ундаги тафаккурни ривожланиши билан белгиланади.

### **6.3. Ўсмирлик даврида шахснинг шаклланиши**

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, принцип, ўзлигини англаш, баҳолаш каби шахс хусусиятлари шаклланидиган давр ҳисобланади. Ўсмир

улғайган сари унда “Идеал Мен”, “ Ахлоқий Мен” ва “Ҳақиқий Мен” сингари шахсга оид тизим, дунёқараш, эътиқод ва бошқалар шакллана боради, ундаги ўзи тўғрисидаги тасаввурлар анча аниқ ва барқарор бўлиб қолади.


Ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи - назари асосида ташкил қила бошлайди.

Ўсмир шахсини таркиб топтиришда унинг атроф-муҳитга, ижтимоий ҳодисаларга, кишиларга муносабатини ҳисобга олиш лозим. Психологлар ўтказган тадқиқотлардан кўринадики, ўсмирларнинг кўпчилиги қатъиятлик, камтарлик, мағрурлик, самимийлик, дилкашлик каби маънавий, ахлоқий тушунчаларни тўғри англайдилар. Уларнинг турмуш тажрибасида фан асосларини эгаллаш натижасида барқарор эътиқодий ва илмий дунёқараш таркиб топади, шулар заминида ахлоқий идеаллар юзга кела бошлайди.

Маълумки, ўсмирлик даврида ўсмирнинг «мен»и қайтадан шакллана боради. Унинг атрофидагилари айниқса, ўз-ўзига бўлган муносабати, қизиқишлари, кадриятлари йўналиши кескин ўзгаради.

Ўсмир ёшдаги болани биринчи галдаги интилиши, у ўзини энди қичкина бола эмас, балки катта бўлиб қолганлигини атрофдагиларга ишонтиришдан иборатдир. Мустақил ишлар қилишга уринган ўсмир шундай қилишга ҳаққи борлигига ўзини-ўзи ишонтиради, чунки мен энди “катта бўлиб қолдим” деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам психологлар “катта бўлиб қолганлик туйғуси”ни шахснинг ўсмирлик ёшидаги энг асосий янгилик сифатида талқин қиладилар.

Ўсмирлик ёшида психологик жиҳатдан энг муҳим ҳислат - вояга етиш ёки катталиқ ҳиссининг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Катталиқ ҳисси ижтимоий-ахлоқий соҳада, ақлий фаолиятда, қизиқишда, муносабатда, кўнгил олиш жараёнида, хулқ-атворнинг ташки шаклларида ўз ифодасини топади. Ўсмирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни ўргана туриб, ўсмирлар шахсининг шаклланиб, ривожланиб, камолотга эришиш йўлларини ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларнинг бевосита таъсирини тушуниш мумкин. Жинсий етилиш ўсмирнинг бу ёшдаги хулқ-атворига асосий биологик восита сифатида таъсир ўтказади. Лекин бу бевосита таъсирдир. Кичик ўсмир психологик “механизми” схематик равишда қуйидагича баҳоланади. Эндокрин гармонларини пайдо бўлиши ва уларнинг марказий нерв системасига таъсир қилиши билан боғлиқ бўлган жинсий етилишнинг бошланиши болалар фаоллигининг жисмоний ва психологик имкониятларини оширади ҳамда уларнинг ўзларини катталардек ҳис этиш, мустақил бўлиш туйғуларини туюшлари учун қулай шарт-шароитларни олиб келади. Бирок, психик ривожланишнинг бу босқичида ҳам бола ҳали мустақил ҳаракат қилишга тўла тайёр бўлмайди. Ижтимоий омиллар эса қуйидагилардир: кичик мактаб ёшидан ўрта мактабга ўтиш, яъни яққа ўқитувчи раҳбарлигидан кўпчилик ўқитувчилар тасаруфига ўтиш ва мулоқотдаги ўзгаришлар ижтимоий фойдали ишларни кенгайтириб бориш, мустақил ва амалий ишларни кўпроқ бажариш, шу билан бирга боланинг оиладаги ўрнининг ҳам ўзгаришидир.



Катта ўсмирларга nisbatan кичик ўсмирларда пайдо бўладиган келиша олмасликни улардаги жинсий етилиш билан эмас, балки атрофдаги шарт-шароитлар, оиладаги ета-она, ака-укаларнинг унга муносабати, маҳалла-кўй, яъни ижтимоий шароитлар таъсири билан боғлаш зарур.

Мана шу ижтимоий шароитларни улардаги психологик иқлимни ўзгартириш йўли билан ўсмирларнинг хулқ-атвориға тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш, ёмон хулқ-атвор, ўжарлик, камчиликларини тан олмаслик каби

салбий хислатларнинг олдини олиши мумкин. Бу даврда ўсмир бахтли болалик билан хайрлашган, лекин катталар ҳаётида ҳали ўз ўрнини топа олмаган ҳолатда бўлади. Ўсмир ўзининг қобилияти ва кучини тўғри баҳоламай туриб, мураккаб ҳаётий масалаларни ҳал қилишга уринади, аммо фикр юритиш қобилияти юзаки бўлганлиги сабабли кундалик ҳаётида қатор камчиликларга йўл қўяди. Лекин у ўз хатосини тан олишдан кўра катталар билан баҳслашишни афзал кўради. Танқид қилган кишиларни ёқтирмайди, ҳар бир танқид гўёки уни менсимаслик белгиси, атайин қилинаётган иш бўлиб кўринади. У мустақил, ўзбошимчалик билан иш туттишга уринади, катталарнинг маслаҳатига эътибор бермайди. Айрим ўсмирлар ўзининг катталар сафига қўшилганлигини намойиш қилиш учун турли хил салбий одатларга ўргана бошлайдилар. Ўсмир хулқидаги бундай ўзгаришлар ўқитувчи ва ота-оналарни қаттиқ ташвишга солади. Уларни ижобий томонга ўзгартириш учун эса катталардан психологик билим ва тажрибани талаб этади. Бу ёшда катталар ўсмирларни билиб-билмай қўяётган камчилик ва хатоларини кўпчилик ичида уялтириб, камситиб, қоралаб эмас, балки психологик йўл билан ёндашган ҳолда ёрдам бериш уни *"катта бўлиб қолсанлик"* туйғусини сўндириб эмас, балки катта одам қандай бўлиши ва қандай талабларга жавоб бериши кераклигини англаштириш зарур.

Ўсмирнинг янги ҳуқуқларга даъвоси, аввало, катталар билан ўзаро муносабатларнинг бутун муҳитига оид бўлади. Ўсмир аввал бажонидил бажарадиган талабларга энди қаршилик кўрсата бошлайди: унинг мустақиллигини чеклашганда, васийлик қилишганда, йўналтиришганда, назорат қилишганда, кулоқ солишни талаб қилишганда, жазолашганда, унинг қизиқишлари, муносабатлари ва фикрлари билан ҳисоблашишмаганда у жуда хафа бўлади ва норозилик билдиради. Ўсмирда ўз кадрини билиш ҳисси пайдо бўлади ва у ўзини камситиш, мустақиллик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин бўлмаган инсон деб билади. Ота-оналар ва педагоглар ўсмирлар билан алоҳида ишлаб, уларнинг кўнглини топиши ва хатти – ҳаракатларини ўз вақтида тўғри йўлга солишлари лозим. Баъзи ўқитувчилар кичик ўсмирдаги бу ўзгаришлар - салбий аломатлар, урушқоклик, ўжарликларининг илдизлари қаердан келиб чиққани ва нима билан боғланганлиги, ниманинг таъсири эканлигини билмай туриб, нотўғри ташхис ва хулосалар чиқарадилар, бу эса аксарият ҳолда фожиага олиб келиши мумкин. Асосий зиддиятни келтириб чиқарувчи омиллардан бири ўсмирнинг ўз мустақиллигини имкониятидан ортиқ даражада баҳолашидир. Ўз имкониятларини ортиқча баҳолаш билан кичик ўсмирнинг психик имкониятлари ўртасида тафовут пайдо бўлади. Катталарнинг иродасига бўйсинмаслик, мактаб, синф фаоллари ва бошқаларнинг қарорларини бажармаслик - бу мазкур шароитга етарли даражада баҳо бера олмасликнинг ягона реакцияси бўлибгина қолмай, шу билан бирга бу ўсмир, унинг шахси нуқтаи назаридан ўзини бошқаларга танитиш йўли сифатида ҳам хизмат қилади. Бу йўл орқали бола ўз шахсининг аҳамиятини, унинг таъсирчанлигини ҳамда товарак -атрофдаги кишиларга қаршилик кўрсата олиш қобилиятини ҳам таъкидлаб кўрсатишга эришмоқчи бўлади.

Демак, бу ўсмирни тўлақонли психик ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётгий бир ҳислат эканлигини билган ҳолда шу билан боғлиқ салбий ишларни психологик табиатини тўғри тушунмоғи ва болаларни ўзларини катта тутишларига тўсқинлик қилмаслик, аксинча уларнинг бундай хатти-ҳаракатларини ижобий баҳолашга интилиши керак.

Ўсмирларни ўз шахслари ҳақидаги фикрлар кўпроқ кизиқтиради, улар ўзларини билишга, мақсадли ривожлантиришга тарбиялашга ҳаракат қиладилар. У катталар ҳуқуқини чеклайди, ўзиникини эса кенгайтиради. катталарнинг ўз шахси ва инсонийлик қадрини ҳурмат қилишларини хоҳлайди, ишонч ва мустақиллик намоён этишга даъво қилади, яъни катталар билан маълум тенгҳуқуқлилиқка ва уларнинг шу нарсани тан олишларига эришишга ҳаракат қилади.

Ўсмирлик даврига кимнингдир хатти-ҳаракатини имитация - қилиш хосдир. Кўпинча улар ўзларига таниш ва ёқадиган катталарнинг хатти-ҳаракатларига имитация, тақлид қиладилар.

Ўсмирлик даврида ички эркинликнинг ўсишида, ўз-ўзини англаш лаёқатларида, мустақил хатти-ҳаракатларида катта сифат ўзгаришлари юз беради. Бундай ўзгаришларнинг юзага келишида ироданинг ҳам аҳамияти катта. Ирода олий психик функция сифатида ўсмирнинг эркин ҳаракат қилиш курали, шунингдек, шахси ривожининг магистрал чизиғи бўлиб ҳисобланади.

Ўз-ўзини англаш хиссини таркиб топиши, ўзига нисбатан гўё алоҳида мустақил шахс сифатидаги муносабатнинг вужудга келиши бу даврдаги ҳар икки жинсдаги ва истаган тепмерамет типидagi ўсмирлар учун муҳим хусусиятлардир. Ўсмир ўғил-қизлар шахсининг камол топишида, ўзини англаш жараёнида ўзига баҳо бериш майли ва истаги ўзини бошқа шахслар билан таққослаш, ўзига бино қўйиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Булар эса ўсмирнинг психик дунёсига ақлий фаолиятига, теварак-атрофга муносабатнинг шаклланишига таъсир қилади. Илк ўсмирлик даврида кўпчилик ўсмирлар ўзларига салбий шахсий характеристика берадилар. Катта бўлган сари ўсмирнинг ўз-ўзига берган баҳоси дифференциал характер (хулқ-атворида, ижтимоий вазиятларда ўзини тутишга ва айрим хатти-ҳаракатлари)да намоён бўла бошлайди.

Ўғил болалар ва қиз болаларнинг ижтимоий роллари турлича бўлиши тўғрисидаги жамиятда таркиб топган тушунчалар билан болалар томонидан ўзлаштирилган тасаввурлар ўсмир ёшидаги шахсининг шаклланиш йўлларини белгилаб беради. Ўсмир ўз кучи ва қуввати, чидамлилиги ортаётганини, билим савияси кенгаётганини англай бошлайди.

Ўсмирлар установакалари муҳим функционал аҳамиятга эга бўлиб, унинг маълум бир фаолиятни самарали бажаришга тайёрлиги сифатида намоён бўлади. Унинг асосий вазифалари - 1) фаолият амалга оширилишининг қатъий характерини белгилаб беради. 2) ўсмир шахсини стандарт вазиятлардаги фаолиятлар кечишини эркин ҳолда назорат қилиш ва қарор чиқаришдан озод қилади.

Ўсмирлик даври хусусиятларини талқин қилган олимларнинг таъкидлашича, ўғил ва қизларнинг бу ёшда ўртоқлари билан муносабатларга интилиши, тенгдошлари жамоасининг ҳаётига қизиқиши ёрқин намоён бўлади. Ушбу ўзгаришлар таъсирида болалар жисмоний ва ақлий имкониятларини ўсиб бориш муносабати билан ўзларига кўпроқ ишона бошлайдилар, улар энди оилавий муаммолар муҳокамасида ҳам иштирок эта бошлайдилар.

Аслида ўсмир ёшидаги болаларнинг психик ҳолатларини ва психик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиш, психик муаммоларини эркин ва тўғри ечишлари учун ёрдам бериш, уларга психологик ёндашиш зарур. Кичик ўсмир ёшдагилар билан ишлаётганда ўқувчининг ҳар бир ташки ва ички реакцияси ортида унинг ўз психологик сабаблари борлигини билиш муҳимдир. Бу "*маданиятсиз*", "*зарарли*", "*тушуниб бўлмайдиган*" деб ном олган хатти-ҳаракатлар бир қарашда шундай баҳоланади, лекин бу хатти-ҳаракатлар шахс қарор топишининг махсус босқичи учун хос хусусиятдир. Кичик ўсмирда ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўзини англашни шакллантиришнинг бир қанча йўллари мавжуд. Масалан: бу даврда катталарга тақлид қилиш ёки оилада ўз ҳурматини талаб қилиш, ўз сўзини ўтказиш, ўзини ҳурматли, обрўли катта ёшли кишини образига ўхшатиб ривожлантириш кучли бўлади. Уларга бирор сўз ёки танбەҳ билан мурожаат қилсангиз, у ўзини мустақил фикрлай олиши ва бирор ишни албатта уддасидан чиқа оладигандек кўрсатади. Ваҳоланки, ҳали ўсмирни психологик имкониятлари етарли эмас ёки ривожланмаган бўлиши мумкин. Катталар, ўқитувчилар ўсмирдаги бу жараёни психологик нуқтаи назардан баҳолай олишлари, унга сохта, юзаки ёндашмай, аксинча, унга ўз имкониятларини ўстиришга ўз ички ва ташқи қобилиятларини тўғри ривожлантиришга йўналтиришлари муҳим ҳисобланади. Ўсмирлар учун ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлиши ғоят катта аҳамиятга эгадир. У энди салбий ва ижобий томонларига алоҳида бир урғу бермаган ҳолда ўзи хоҳлаган кишиси билан дўст бўлиш ҳуқуқини талаб этади. Ўсмирлар орасида содиклик ва тўғрилиқ каби ҳислатлар юқори баҳоланиб, соткинлик ўз сўзига бевафолик, эгоизм, қизганчилик қаттиқ қораланади ва қаттиқ жазоланади. Бу жазо у билан уришиш, калтаклаш унга қарши байкот эълон қилиш ва уни ёлғизлатиб қўйиш шаклида бўлиши мумкин. Ўсмирлар ўзини ҳурмат қилишини, ўз фикрини ва қизиқишини ҳимоя қилишни билмаган тенгдошларига жуда паст баҳо берадилар.

5-6 синф ўқувчиларига синфдаги ўзи эгаллаган мавқеига катта эътибор бериш хусусияти хос. Айниқса, 6 синфдан бошлаб, ўқувчилар ўз ташқи кўринишларига, шунингдек қарама-қарши жинсдаги болалар ва улар билан ўзаро муносабатларига эътибор бера бошлайдилар.

7-синф ўқувчиларида эса ўз лаёқатларини ривожлантиришга хос қизиқиш юзага келади. 8-синф ўқувчилари эса мустақиллик, ўзига ҳослик, дўстлик ва ўртоқлик билан боғлиқ бўладиган шахсий ҳислатлар пайдо бўлади.

Маълумки, ҳар бир боланинг муносабатлари аниқ ишларда кўринади, мустаҳкамланади ва қайд этилади. Бола ўзидаги мустақилликни шакллантириш учун ўзи мустақил ишларни бажаришига тўғри келади. Лекин, иккинчи томондан бир марта мустақил иш бажариш учун мавжуд шарт-шароитлардан холи бўлишга ҳаракат қилади. Бола бошқа механизмларга эга эмас. Булар ўсмирнинг ўз кучига ички бир ишончни мавжуд эмаслигини билдиради. Бу белгилар мана шу ёшда кишини мустақил ҳаракат қилишга қодир бўлишга, аynи ҳолларда теварак атрофдаги кишиларга қарши бориб, ўзини ҳақ эканлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, бошқа ҳолларда эса вазиятни вазминлик билан қабул қилишга давъат этади, Кичик ўсмирда ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўзини англашни шакллантиришнинг бир қанча йўллари мавжуд. Масалан: бу даврда катталарга тақлид қилиш ёки оилада ўз ҳурматини талаб қилиш, ўз сўзини ўтказиш, ўзини ҳурматли, обрўли катта ёшли кишини образига ўхшатиб ривожлантириш кучли бўлади. Уларга бирор сўз ёки танбеҳ билан мурожаат қилсангиз, у ўзини мустақил фикрлай олиши ва бирор ишни албатта уддасидан чиқа оладигандек кўрсатади. Ваҳоланки, ҳали ўсмирни психологик имкониятлари етарли эмас ёки ривожланмаган бўлиши мумкин. Катталар, ўқитувчилар ўсмирдаги бу жараёни психологик нуқтаи назаридан баҳолай олишлари, унга сохта педагогик, юзаки ёндашмай, аксинча, унга ўз имкониятларини ўстиришга ўз ички ва ташқи қобилиятларини тўғри ривожлантиришга йўналтиришлари муҳим ҳисобланади. Ўсмир ёшдаги болани биринчи галдаги интилиши, у ўзини энди кичкина бола эмас, балки катта бўлиб қолганлигини атрофдагиларга ишонтиришдан иборат. Мустақил ишлар қилишга уринган ўсмир шундай қилишга ҳаққи борлигига ўзини-ўзи ишонтиради, чунки мен энди “катта бўлиб қолдим” деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам психологлар “катта бўлиб қолганлик туйғуси” шахснинг ўсмирлик ёшидаги энг асосий янгилик сифатида талқин қиладилар. Бу ёшда катталар ўсмирларни билиб-билмай қўяётган камчилик ва хатоларини кўпчилик ичида уялтириб, камситиб, қоралаб эмас, балки психологик йўл билан ёндашган ҳолда ёрдам бериш уни “*катта бўлиб қолганлик*” туйғусини сўндириб эмас, балки катта одам қандай бўлиши ва қандай талабларга жавоб бериши кераклигини англатиши зарур. Демак, бу ўсмирни тўлақонли психик ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий бир хислат эканлигини билган ҳолда шу билан боғлиқ салбий ишларни психологик табиатини тўғри тушунмоғи ва болаларни ўзларини катта туттишларига тўсқинлик қилмаслик, аксинча уларнинг бундай хатти-ҳаракатларини ижобий баҳолашга интилиши керак. Ўсмирларни ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлиши ғоят катта аҳамиятга эгадир.

У энди салбий ва ижобий томонларига алоҳида бир урғу бермаган ҳолда ўзи сохлаган кишиси билан дўст бўлиш ҳуқуқини талаб этади. Ўсмирлар орасида содиқлик ва тўғрилиқ каби хислатлар юқори баҳоланиб, сотқинлик ўз сўзига бевафолик, эгоизм, қизганчилик қаттиқ қораланади ва қаттиқ жазоланади. Бу жазо у билан уришиш, калтаклаш унга қарши байкот



эълон қилиш ва уни ёлғизлатиб қўйиш шаклида бўлиши мумкин. Ўсмирлар ўзини хурмат қилишини, ўз фикрини ва қизиқишини ҳимоя қилишни билмаган тенгдошларига жуда паст баҳо берадилар.

### **Ўсмирларнинг психик ривожланишида янги хислатларнинг пайдо бўлиши**

Ўсмирлик даврида, асосан, билиш жараёнлари юқори даражада ривожланади. Бу йилларда ўсмирлар учун ҳаёт давомида керак бўладиган асосий шахсий ва тадбиркорлик хусусиятлари очик кўрина бошлайди. Хотира, механик хотира даражасидан мантикий хотира даражасига кўтарилади. Нутқ ривожланган, хилма-хил ва бой тафаккур эса ўзининг барча кўринишлари: ҳаракатли, образли, мантикий даражасида ривожланади. Ўсмирларни энди турли амалиёт ва ақлий фаолиятларга ўргатиш мумкин. Шунингдек, бу даврда умумий ва махсус лаёқатлар шаклланади ва ривожланади.

Ўсмирлик даврига жуда кўп зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар хос. Мактаб дастурини ўзлаштириш ва бошқа ишлар билан боғлиқ турли масалаларни ечишда кўзга ташланадиган ўсмирларнинг интеллектуал ривожланганлиги катталарни улар билан бирга жиддий муаммолар бўйича фикрлашга ундайди, ўсмирларнинг ўзлари ҳам бунга ҳаракат қиладилар. Бошқа томондан эса айниқса, келажак касб, хулқ-атвор этикаси, ўз мажбуриятларига масъуллик каби муаммолар муҳокамасида инфантиллик (ёш болаларга хос жисмоний ва психологик ҳолат)ни кузатиш мумкин.

5-6 синф ўқувчиларига синфдаги ўзи эгаллаган мавқеига катта эътибор бериш хусусияти хос. Айниқса, 6 синфдан бошлаб, ўқувчилар ўз ташқи кўринишларига, шунингдек қарама-қарши жинсдаги болалар ва улар билан ўзаро муносабатларига эътибор бера бошлайдилар.

7-синф ўқувчиларида эса ўз лаёқатларини ривожлантиришга хос қизиқиш юзага келади. 8-синф ўқувчилари эса мустақиллик, ўзига хослик, дўстлик ва ўртоклик билан боғлиқ бўладиган шахсий хислатларни юқори баҳолашади. Ўсмирларнинг ана шу кетма-кет юзага келадиган қизиқишларига асосланган ҳолда фаол равишда иродавий ишбилармонлик ва бошқа фойдали сифатларни ривожлантириши мумкин.

Ўсмирлик даврида ўқув фанларини турли ўқитувчилар ўқитишларини билан катталар шахси ва фаолиятини баҳолашнинг янги мезонлари ҳам шакллана бошлайди. Ўсмирлик асосан, билимли, талабчан, ҳаққоний, ўқув материални қизиқарли ва тушунарли йўл билан етказа оладиган, ўқувчиларни ажратмайдиган, ўқитувчиларни кўпроқ хурмат қиладилар ва яхши кўрадилар. Улар ўқитувчи билан муносабатларига ҳам катта эътибор берадилар.

10-15 ёшли болаларнинг фаолият мотивларида ҳам ўзгаришлар амалга ошади. Илк ўсмирлик даврида кўпчилик ўсмирлар ўзларига салбий шахсий характеристика берадилар. Катта бўлган сари ўсмирнинг ўз-ўзига берган баҳоси дифференциал характер (хулқ-атворига, ижтимоий вазиятларда ўзини тутишга ва айрим хатти-ҳаракатлари)да намоён бўла бошлайди.

## **Ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларнинг эмоционал хусусиятлари**

Ўсмирлик ёшида, тахминан 13—14 ёшларда, болаларни эмоционал кечинмаларида катта ўзгаришлар бошланади. Шу ёшдаги болаларда таълим таъсири остида абстракт-мантикий ва танқидий тафаккур анча ўсади. Ўсмирлар дунёқарашқарашлари билан боғлиқ бўлган масалалар билан қизика бошлайдилар, уларнинг камалак ва камолот ташкилотларида иштирок қилишлари бундай қизиқишларнинг ўсишига кўп жихатдан ёрдам беради. Мана шуларнинг ҳаммаси хилма-хил интеллектуал ва ахлоқий ҳисларни ўсиши учун манба бўлиб қолади. Ўсмирларда хаёл кучли равишда ўсади. Ҳисларнинг ўзи хаёлнинг ўсишига ёрдам беради. ва хаёлнинг ўзи ҳам хилма-хил чуқур эмоционал кечинмаларнинг манбаи бўлиб қолади. Келажак тўғрисидаги орзулар, қахрамонлик, романтика- шуларнинг ҳаммаси эмоционал кечинмаларнинг манбаидир. Бу ёшда ўз-ўзига баҳо бериш ҳисси кучли равишда ўсади.

Ўсмир ёшидаги болаларнинг алоқа доирасининг кенгайиши ва уларда ижтимоий-сиёсий масалаларга қизиқиш ўсиши туфайли ахлоқий ҳислар ўсмирлархаётида катта ўрин оладиган бўлиб қолади, уларда ватанпарварлик ҳисси ёрқин намоён бўлади. Шу ёшда организмда физиологик ўзгаришлар содир бўлиши сабабли эмоционал кўзгалишларнинг характерида ҳам ўзгариш рўй беради. Ҳислар кучли равишда намоён бўлаверади, лекин кўпинча бу ҳислар барқарор бўлмайди. Бошқа ёшдаги болаларга қараганда ўсмирларда инжиклик ва аразлаш кўп бўлади.

### **6.4. Ўсмирлик даврида шахслараро муносабат**

Ўсмирлик даврида етакчи фаолият - бу ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат фаолиятидир. Ўсмирлик даври мулоқотининг асосий вазифаси - бу дўстлик, ўртоқликдаги элементар нормаларини аниқлаш ва эгаллашдир. Ўсмирлар мулоқотининг асосий хусусияти шундан иборатки, у тўла ўртоқлик кодексига бўйсунди. Ўсмирларни ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлиши гоят катта аҳамиятга эгадир. *Ўсмирлар дўстлик, ўртоқлик ва ўзаро ёрдамлашйни ҳамма нарсдан юқори қўядилар:* ана шундай ўзаро муносабатлар, ўспиринлик йилларида ҳам давом эта беради. Бунда ўсмирлар ва илк ёшдаги ўспирин ўқувчиларнинг хулқ-атворларига дўстлари ота-оналар ва педагогларга нисбатан бир неча марта кучлироқ таъсир этадилар. Буни шу билан тушунтириш мумкинки, ўсмир боланинг етилмаганлиги ва тажрибасизлиги уни теварак-атрофдаги кимсалардан мадад ахтаришга мажбур қилади. Ўсмир болага унинг истакларини тушунадиган ва уларни амалга оширишга ёрдам берадиган дўст керак. Ўсмирнинг дўстлари билан мулоқоти ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Тенгдош болалар билан принципиал тенглик ҳолатидаги муносабатлар муҳитига нисбатан ўсмирда алоҳида қизиқиш бўлади. Бу ҳол ўсмирда юзага келадиган шахсий катталик ҳиссининг этик мазмунига мос келади. Катталар билан мулоқотда бўлиш тенгдошлари билан бўлган мулоқотнинг ўрнини боса олмайди.

Ўсмир учун тенгдошлари билан бўлган мулоқот у мустақил ҳаракат қиладиган ўзининг шахсий муносабатлари муҳитига ажралади. У бунга

ҳаққим бор, деб ўйлайди, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва айнан шунинг учун ҳам ўртоқлари билан бўлган муносабатга катталарнинг ўринсиз, кўпол аралашуви ўсмирнинг хафагарчилигига ва норозилигига олиб келади.

Ўсмирда тенгдошлар билан мулоқот қилиш ва ҳамкорликдаги фаолиятга интилиш яққол намоён бўлади. Жамоа ҳаёти билан яшаш, яқин ўртоқлар, дўстга эга бўлиш хоҳиши – дўстлар томонидан қабул қилинган, тан олинган, хурмат қилинган бўлишдек кучли хоҳишдир. Бу ўсмирнинг муҳим талабига айланиб боради.

Ўсмир учун энг ёқимсиз вазият – жамоа ва ўртоқларининг норозилиги, мулоқот қилишни истамаслик, энг оғир жазо эса – очик ёки ноошкор алоқа узиш, гаплашмасликдир.

Ўсмирлар дўстлик кодексининг муҳим меъёрлари – шаънини хурмат қилиш, тенглик, содиқлик, дўстга ёрдам, тўғри сўзлик.

Дўстлик меъёрларини эгаллаш боланинг ўсмирликдаги муҳим ютуғидир.

Агарда у бундай дўстни қариндошлари ваз педагоглари орасидан топа олмаса, ундай пайтда у ўз қизиқишлари ва интилишларини қўллаб-қувватлайдиган ҳамда ундаги камчиликларни нималар биландир тўлдироладиган одамни бегона катта кишилар ёки ўз тенгқурлари орасидан албатта топади.

Ўз тенгдошлари билан тенглик асосида қилинган муносабат асосида ўсмир алоҳида бир ижтимоий муносабатлар мактабини ўтайди. Ўзаро қизиқишлар, атроф дунёни, бир-бирларини ўзлигини англашлари ва тушунишлари улар учун жуда қимматлидир. Ўсмирлар учун уй вазифалари, уй ишлари бўйича мажбуриятларни бажаришга қараганда тенгдошлари билан мулоқот қилиш муҳимроқдир. Ўз сирларини бола энди ота-онасига эмас, балки тенгдошига кўпроқ ишонади. Ўз тенгдошлари билан мулоқот ва муносабат жараёнида ўз шахсини эркинлик билан тўла намоён эта олади. Шахсий эркинликни у катта бўлиш ҳуқуқи деб англайди. Ўсмирнинг ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлиши гоят катта аҳамиятга эга эканлигини яхши билган тажрибали ўқитувчилар синфда ҳам ўқувчиларнинг айрим кичик – кичик гуруҳлари орасида ижобий ижтимоий фикрни шакллантиришга катта эътибор берадилар, ўсмирларга уларнинг яқин дўстлари орқали таъсир кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Айрим ўқувчиларнинг (айниқса ўқишда ўрқада қоладиган ва “тарбияси қийин” бўлган ўқувчиларнинг) синф жамоасидаги шахслараро муносабатлар тизимидан “тушиб қолишларига” йўл қўймайдилар.

Ўсмирларнинг ота-онаси, катталар билан қиладиган мулоқоти характери уларнинг катта бўлганлик ҳисси асосида тузилган бўлади. Катталар томонидан қилинадиган ўсмирларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклашларига билдирган қаршилик ва эътирозларига ўзлари ҳам қаттиқ қайғурадилар. Улар мулоқотда катталарнинг қўллаб-қувватлашларига эҳтиёж сезадилар. Биргаликдаги фаолият ўсмирга катталарни яхшироқ тушунишлари учун ёрдам беради. Ўсмир ўзида бўлаётган ўзгаришлар, уни ташишига солаётган муаммолар ҳақида катталар билан бўлишишга катта эҳтиёж сезади,

лекин буни ҳеч қачон биринчи бўлиб ўзи бошламайди. Ўсмир ўзига нисбатан ёш болалардек қилинадиган муомала-муносабатига қаттиқ норозилик билдиради, ўсмирлар мулоқоти ниҳоятда ўзгарувчанлиги билан характерланади.Ўзини катталардек хис қилиш туйғуси боланинг шахсан ўзига бўлган муносабатини муайян даражада ўзгартиради ва ҳар қандай ички муносабат сингари бу ҳам ташқи муносабатларнинг таъсири остида, мазкур шахсга нисбатан бошқа одамларнинг муносабатлари ташкил топади.Шунинг учун ўсмир ўзи ҳақида атрофдаги кишилар қандай фикрга келиши тўғрисида кўп ўйлайди ҳамда бунинг учун қулай муҳит яратиш йўллари фаоллик билан излайди.Бу шундай муҳит бўлмоғи керакки, ундаги муносабатлар энди ўсмирнинг катта киши, мустақил одам бўлиб қолганлигини яққол намоён бўлишини истайди. Ҳар бир ўсмир билан мулоқотда унинг инаҳсидаги энг яхши томонларни топа билиш, нимага қобилияти бор эканлигини аниқлаб олиш ҳамда уларга таянган ҳолда ўсмирнинг ўзига бўлган ишончини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ғоят муҳимдир. Акс ҳолда тарбия соҳасида катта қийинчиликлар келиб чиқиши муқаррар. Ўсмир ўзига яқин бўлган кишиларнинг кўз ўнгида ўз шахсининг мустақиллигини тасдиқлаш, ўзлигини билдириб, ўз “мен” ини англашти мақсадида у ёки бу даражадаги ўз имкониятидан ташқари ишларга қўл уришга ва шу орқали ўз шахсининг таъсирини атрофдаги кишиларга ўтказишга ҳаракат қилиб кўришга мажбур бўлади. Башарти, бола ўзини ижобий томондан кўрсатишнинг иложини топа олмаса, у ҳолда психологик эҳтиёж туфайли у салбий ишларда ўзини кўрсатиши, ўз камчиликларини ошириб кўрсатиши, қилиш мумкин бўлмаган ишларни атайин қилиши, кўпроқ ўжарлик ва қайсарлик қилиши ва бошқа салбий ишларни қилиши мумкин.Ушбу ёшдаги болаларнинг ўз-ўзини ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш унинг шахси ривожига муҳим ҳисобланади. Бунда ўқитувчи боланинг синф ва мактаб жамоаси олдидаги обрўсини кўтариш йўллари излаши турли соҳалардаги ютуқларини кўпчиликка маълум қилиб, хато ва камчиликларини йўқотишда донолик билан ҳаракат қилиши унинг ўз куч ва имкониятларига ишонишига замин яратади.Бу билан ўсмирда шаклланиб келаётган “катта киши” бўлиб қолиш туйғусини ҳурмат қилишини билдиради, ўқитувчи ўсмирнинг зарур муносабатларини йўлга қўйишида унга зарур кишига айланади.

Ўсмирда психик жараёнларнинг кескин ўзгариши билан ақлий фаолиятида ҳам буришлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатда, ўқувчи билан ўқитувчи мулоқотида, катталар билан ўсмирларнинг муомаласида қатъий ўзгаришлар жараёнида қийинчиликлар пайдо бўлади. Булар аввало таълим жараёнида рўй беради: янги ахборот, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирни қониқтирмай қўяди.

Одобли, дилкаш ўсмир қутилмаганда қайсар, ингизомсиз, қўпол, серзарда бўлиб қолади. Ўсмир ҳулқидаги бундай ўзгаришлар тажрибасиз ўқитувчи ва ота-онасини каттиқ ташвишга солади.

Хўш, ўсмирларнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч нима? Ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч - унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари

Ўртасидаги қарама-қаршиликлар тизимининг намоён бўлишидир. Вужудга келган зиддиятларни ўсмирнинг психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш, унинг шахсида янги психологик фазиаларни таркиб топтириш орқали аста-секин йўқотиш мумкин.

Ота-оналарнинг ўсмирга шу эркинликни бермаслиги ёки ўсмирнинг шундай деб билиши натижасида, улар ота-онага қарши позицияда бўладилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ана шу мулоқот ва муносабат асосида ўсмирларда ғурур хисси шакллана бошлайди. Албатта, ғурур меъёр ва қоидалари катталардан ўрганилади, лекин ўз ғурурини қандай химоя қилиши ўсмирларнинг алоҳида назоратида бўлади.

### **Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.**

1. Ўсмирлик даврининг асосий психик хусусиятлари.

2. Ўсмирлик давридаги етакчи фаолият тури.

3. Ўқув фаолиятининг қайта тузилиши ҳамда ўсмирдаги билиш жараёнларининг ривожланиши.

4. Ўсмирлик даври кризиси, сабаблари ва намоён бўлиши.

5. «Тарбияси қийин» ўсмир хулқ-атворидаги салбий хусусиятлар ва уларга психологик ёндошув.

6. Ўсмирлик ёшида индивидуал ёндошув.

### **Мавзу юзасидан тест саволлари:**

1. Ўсмирлик даври неча ёшларда рўй беради?

А) 10-11 ёшдан 14-15 ёшгача;

Б) 17 ёшдан 19 ёшгача;

В) 7-10 ёшдан 16-17 ёшгача.

2. Ўсмирлик ёшига ўтишда юзага келадиган асосий қайта шаклланиш нималардан иборат?

А) Боланинг тасавурлари ўз болалиги ҳақида эмас, балки ўзининг катта бўлганлигини ҳис этишидан;

Б) Негативизм, жанжаллик ҳолатлари, ўзини бола деб ҳисоблашни истамаслигида;

В) Мустақилликка интилиш, теварак-атрофдагиларга нисбатан танқидий муносабатларда бўлишида.

3. Ўсмирлар билан катталар ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиш сабаблари нималарда акс этади?

А) Ота-оналарнинг ўсмирларни “катталашиш” даражасини оғир кечиришларида;

Б) Катталарда ўсмирларга нисбатан бўладиган муносабатлар кичкина болага бўлган муносабатдек сақланиб қолишида;

В) Ўсмирларнинг моддий томондан катталарга бутунлай боғлиқ бўлиб туришида.

**4. Ўсмирлик ёшида ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари ва “танглик” даврининг кечиши нима билан аниқланади.**

А) Ўсмирнинг ижтимоий мавқеи катталар оламига ўтиши билан;

Б) Ўсмир организмда анатомик- физиологик ўзгаришларнинг характери билан;

В) Ўсмирда ўқиш мотивларининг аста- секин таркиб топиши билан.

**5. Ўсмирлик даврида ақлий ривожланиш нималарда акс этади?**

А) Нутқнинг фаоллашуви, дунёқарашнинг ўсишида;

Б) Билиш жараёнлари ривожланишининг жадаллашишида;

В) Барча жавоблар тўғри.

**6. “Тарбияси қийин” ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқланг.**

А) Шахснинг психик ўсишидаги камчиликлар, ироданинг бўшлиғи;

Б) Шахснинг биологик нуқсонлари, шахс тарбиясидаги нуқсонлар, психик камолотидаги, мактаб таълими ва тарбиясидаги камчиликлар, мактабдан ташқари муҳитдаги нуқсонлар;

В) Оилавий низолар, оилада педагогик- психологик билимларнинг етишмаслиги ва тенгқурларининг таъсири.

## VII БОБ. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ЁШИНING ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### Режа:

1. Илк ўспиринлик даврининг психик хусусиятлари.
2. Хорижий психологияда илк ўспиринлик ҳақида назариялар.
3. Илк ўспиринлик даврида интеллектуал ва эмоционал ривожланиш.
4. Илк ўспиринлик даврида дўстлашиш муаммоси.
5. Илк ўспиринлик даврида ўз-ўзини англашнинг ривожланиши.
6. Илк ўспиринлик даврида ўқув касбий фаолиятнинг етакчи фаолиятга айланиши ва касб танлаш муаммоси.
7. Илк ўспиринлик даврида касбга йўналтиришнинг психологик муаммолари.

### Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларга илк ўспиринлик даврининг психик хусусиятлари, бу даврдаги ақлий ва эмоционал ривожланиш, шахс хусусиятлари ҳақида тушунтириш ва англантишдан иборат.

**Тарбиявий:** илк ўспиринлик даврининг психик хусусиятлари билан таништириш орқали шахсда ўз-ўзини бошқаришни, иродавий ва шахсий сифатларни тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларда илк ўспиринлик даврининг психик хусусиятлари тўғрисидаги билимларини ривожлантириш.

### 7.1. Илк ўспиринлик даврининг психик хусусиятлари

Илк ўспиринлик даври «камолот бўсағаси» деб таърифланади. Бу камолот босқичи физиологик, психологик ва ижтимоий чегараларни ўз ичига олади. Психология фани ўспиринлик муаммосини комплекс ўрганишни даъват этади.

Бу жуда қийин масала, чунки психофизиологик тараққиёт суръати билан унинг босқичлари ижтимоий етилиш муддати билан ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайди. *Акселерация* натижасида бугунги илк ўспиринларнинг тараққиёти аввалги авлодларга нисбатан ўртача икки-уч йил аввал етилмоқда. Физиологлар бу жараёни 2-даражали жинсий белгиларнинг пайдо бўлишига қараб, 3-та босқичга ажратадилар:

I босқич – пренубертат

II босқич – нубертат

III босқич – постнубертат

Акселерация муносабати билан ўспиринлик ёшининг чегараси энди 15-16 дан 18 ёшгача бўлмоқда. Демак, ўспиринлик ҳам олдин бошланади. Лекин, бу тараққиёт даврининг конкрет мазмуни биринчи навбатда ижтимоий шароитлар билан белгиланади. Ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг мактеби, улар эгаллайдиган билимларнинг ҳажми ва бир қатор бошқа факторлар ижтимоий шароитларга боғлиқдир.

Илк ўспиринлик ёшидаги болалар бу 15 ёшдан 17-18 ёшгача бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидир. Ўспиринлик – бу одамнинг фуқаро сифатида шаклланиши, унинг ижтимоий жиҳатдан етилиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, ижтимоий ҳаётга фаол иштирок этиши даври, фуқаро ва ватанпарварнинг маънавий сифатлари таркиб топадиган даврдир. Фаол ижтимоий ҳаёт, ўқишнинг янги характери (мустақил билим олиш) йигит ва қизларда дунёқарашнинг шаклланишига, уларда мустақиллик ва бурч ҳиссининг таркиб топишига, билимнинг турли соҳаларида уларнинг ижодий қобилиятини авж олдиришга катта таъсир кўрсатади.

Рус психологи Л.И.Божович илк ўспиринлик даврида шахс мотивациони соҳасининг ривожланишига урғу беради: ўқувчиларнинг ҳаётда ўз ўрнини ва ички позициясини аниқлаши, дунёқарашнинг шаклланиши ва унинг билиш фаолиятига, ўз-ўзини англашга ва ахлоқий онгга таъсири назарда тутилади.

Илк ўспиринлар мустақил ҳаёт соҳасида яқин истиқболга эга бўлар эканлар, ўзларининг ҳаёт йўлларини белгилаб олишга, бундан буёнги меҳнат фаолиятларининг аниқ истиқболларини аниқлаб олишга, ўзларининг келгуси ихтисосларини танлашга интиладилар. Шу муносабат билан касб-хунарга оид қизиқишлар таркиб топади ва янада барқарорроқ бўлиб қолади, йигит ва қизлар ўз келажаклари ҳақида жиддийроқ ўйлай бошлайдилар.


Илк ўспиринлик давридаги жисмоний ривожланиш устида тўхталиб ўтамиз, бу нарса куйидаги сабабларга кўра муҳимдир. Жисмоний ривожланишнинг айрим хусусиятлари илк ўспирин шахсининг айрим сифатлари ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатади ва унинг бундан кейинги ҳаёт фаолияти соҳасидаги имкониятларини бир қадар белгилаб беради. Биринчидан бу ўринда касб танлаш назарда тутилади, бу эса маълум даражада йигит ва қизларнинг индивидуал жисмоний тузилиши хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Иккинчидан, жинсларнинг ўзаро майли таъсир кўрсатадики, бунда жисмоний ривожланиш хусусиятлари анча муҳим роль ўйнайди. Ўзининг жисмоний кучини ва жозибadorлигини, соғломлиги ва мукамаллигини ҳис этиш йигит ва қизларда ўзига ишонч, дадиллик, тетиклик, оптимизм ва хушчақчақлик сингари сифатларнинг таркиб топишига таъсир кўрсатади.

Бўйнинг ўсиши ўспирин қизларда 15-16 ёшгача, ўғил болаларда 17-18 ёшгача давом этади. Бу ёшда мускуллар кучи тез ўсади. Масалан, 18 ёшли бола мускул кучи 12 ёшли болага нисбатан 2 баравар кўп бўлади. Жисмоний тараққиёт, асосан, тўғри овқатланиш режими ва жисмоний тарбия билан шуғулланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жинсий тараққиёт жиҳатдан бу



ёшдаги кўпчилик йигит ва қизлар постпубертат (тугалланувчи) даврда бўладилар. Буларнинг жисмоний ривожланиши катта ёшдаги одамнинг жисмоний ривожланишидан кам фарк қилади. Бўйнинг ва организмнинг нотекис ўсиши ва ривожланиш даври тугалланади ҳамда жисмоний ривожланишнинг нисбатан бирмунча текис даври бошланади. Ўспиринлик ёшида жисмоний сифатлар (бўй, оғирлик) нисбатан барқарор даражага етган бўлади. Шунингдек, мускул кучи ва ишчанлик қобилияти сезиларли даражада ортади.

Кўкрак қафасининг ҳажми кенгаяди, скелет, найчасимон суяклар қаттиқлашади, тўқималар ва аъзоларнинг шаклланиши ва функционал тараққиёти тугалланади. Одатда бу ёшда юрак ва қон томирларнинг ривожланишида ўсмирларга хос бўлган нотекислик энди текислашади, қон босими бараварлашади, ички секреция безлари бир меъёردа ишлай бошлайди. Нерв системасининг ва хусусан, мия ривожланишидаги ўзгаришлар маълум бўлиб қолади. Лекин, бу ўзгаришлар мия массасининг ортиши ҳисобига эмас, балки миянинг ички ҳужайралари тузилишининг мураккаблашуви ҳисобига рўй беради.



Катта ярим шарлар қатламидаги ҳужайраларнинг тузилиши секин-аста катта ёшдаги киши миясининг ҳужайраларига хос бўлган хусусиятларга эга бўлади. Бош мия пўстининг қисмларида ассоциатив тўқималарнинг миқдори кўпаяди. Натижада ўқиш ва меҳнат жараёнида катта (ярим шарлар) қатламининг аналитик-синтетик фаолияти мураккаблашади. Баъзан бу ёшдаги ўқувчиларда нерв кўзгалувчанлигининг ортиши, нерв системаси нормал ишлашининг бузилиши кўпинча нотўғри яшаш режимининг: тунги машғулотлар, тўйиб ухламаслик, толиқиш, чекиш, нораціонал овқатланиш, зарарли одатлар ва бошқа айрим сабабларнинг натижасида рўй беради.

Илк ўспиринлик ёшининг бошланишида одатда жинсий етилиш тугалланади, иккиламчи жинсий белгилар ривожланади, бу ҳол йигит ва қизларнинг ташқи кўринишида ҳам сезиларли ўзгариш ҳосил қилади. Жинсий етилиш даврининг тугалланиши ҳали жисмоний етуқликни ҳам, бунинг устига психик ва маънавий етуқликни ҳам англамайди. Фақат 18 ёшга бориб, никоҳдан ўтишга рухсат бериладиган даврда, шу ёш учун

минимал даражада зарур бўлган жисмоний, маънавий, фуқаролик етуклик даражаси бошланади. 18 ёшли йигит ва қизлар жамият томонидан катта ёшли кишилар деб эътироф этилади.

Илк ўспиринлик даврини иккинчи ўтиш даври деб ҳисоблаш мумкин. Агар биринчи ўтиш даври кўпроқ болаликка яқин бўлса, иккинчи ўтиш даврида бўлган ўспирин кўпроқ ёшлик даврига яқиндир ва шу жиҳатидан ўрганилади ҳамда тадқиқ этилади. Илк ўспиринлик даври, асосан, унда мустақил ҳаётнинг бошланиши (ўрта мактабни тамомлаб, лицей, коллежларга кириши) билан характерланади. Ҳаётдаги бу ўзгаришлар илк ўспириннинг шахсига, ўз-ўзини англашига таъсир кўрсатади. Ўспиринлардан фарқли ўлароқ илк ўспиринлар катта ҳаётни тасаввур этмайдилар, балки унда иштирок этадилар.

Илк ўспиринларнинг мустақиллиги ортиши билан катталарнинг унга муносабатлари ҳам ўзгаради. Катталар ўспиринга кўпроқ бола деб қарасалар, илк ўспирин ёшдагиларга катта одамдек муносабатда бўладилар. Илк ўспиринлар ҳаётда ўз ўрнини топишга нисбатан интилиши англашган ҳолатда бўлади. У ўз ҳаётини режаларини амалга ошириш учун ҳаракат қила бошлайди ва маълум бир касбни эгаллаш бошлайди ёки шу соҳа бўйича академик лицейларида ўқишини давом эттиради. Ўспиринлар танлаган соҳалари ёки касбларида жуда катта янгилликлар, кашфиётлар қилгилари келади, лекин аста-секинлик билан янгиллик ва кашфиётлар қилиш учун уларда билим ва тажриба етишмаётганлигини, бунинг учун кўпроқ ўқиш ва ўрганишлари кераклигини англаш бошлайдилар.

Ҳаёт фаолияти кенгайган сари, ўспиринларда ижтимоий роллар кенглиги фақат миқдор томондангина кенгайиб қолмай, балки сифат томонидан ҳам ўзгариб боради. Масалан: 16 ёшда паспорт олади; 18 ёшидан фаол сайлаш ҳуқуқига ва оила қуриш имкониятига эга бўлади. Ўспирин жинсий ишлар учун жавобгар бўлади. Баъзи ўспиринлар бу ёшдан бошлаб ишлаш бошлайдилар. Касб танлаш ҳақида ўйлаш бошлайдилар. Лекин, шунга қарамай ўспиринларда катталарга қарамлик хусусиятлари сақланиб қолади.

Ўспиринлар (16-18 ёшлар) ўзларининг психологик хусусиятлари билан бошқа ёш даврдаги болалардан кескин фарқ қиладилар. Жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан вояга етган, камолотга эришган, дунёқарашини, ўз-ўзини бошқариши каби етук инсоний хусусиятлари таркиб топган бўлади. Улар вазмин, мулоҳазали бўладилар, катта ёшдагиларга ҳурмат-эҳтиром билан қарайдилар. Улар узокни кўзлайдиган, келажак учун қайғурадиган, ота-оналарининг яқин ёрдамчисига айландилар. Ўқув фаолияти ўспириннинг асосий фаолияти бўлиб қолаверади, ўқишга нисбатан ўспиринлик ёшига қараганда ўспиринликда бир мунча юқорирок бўлади. Мустақил ҳаётга тайёргарлигини ўз-ўзини англаши билан боғлиқ мотивлар бу даврда етакчи ўринни эгаллайди. Мотивлар тизимида жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга интилиш, инсонларга наф келтириш каби ижтимоий мотивлар устунлик қилади. Бу даврда ўспиринларнинг келгуси ҳаёти ва танлаётган касбий режаларига кўра фанларга нисбатан кизиқишлари ўзгаради. Ўспириннинг фанларга ҳамда шу фан ўқитувчиларига нисбатан муносабати

ўзгаради. Ўспиринлик даврида ўзи кўзлаган мақсадларига эришишга асосланган мотивлар биринчи ўринга кўтарилади. Ўсмирлар ўзларининг ўқишга бўлган муносабатлари ва уларнинг ўқиш-ўрганишга ундовчи сабабларни яхши англайдилар. Ўспиринлик ёшида бошдан кечириладиган хис-туйғуларнинг бойлиги, хилма-хиллиги билан, ҳаётнинг турли томонларига эмоционал муносабатда бўлиши билан ажралиб туради.

## 7.2.Хорижий психологияда илк ўспиринлик ҳақида назариялар

Рус психологи Л.С.Виготский 1920 йиллардаёқ илк ўспиринлар ҳақида назариялар кўплиги таъкидлаган эди. Илк ўспиринлар ҳақида 3та йирик йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин.



Биринчи йўналиш биогенетик йўналиш деб аталади, унинг асосида етилишнинг биологик жараёнлари ётади. Иккинчи йўналиш социогенетик йўналиш деб аталади, унда асосий эътибор ижтимоийлашувга қаратилади. Учинчи йўналиш психогенетик деб аталиб, унинг асосида психик жараёнлар ва функцияларнинг ривожланиши ётади.

Таракқиётнинг биогенетик назарияларида ривожланишнинг биологик детерминантларига асосий урғу берилади. Ривожланиш жараёнининг ўзи босқичлари универсал бўлган етилиш сифатида талқин этилади. Бу йўналишнинг ёрқин намоёндаларидан бири XX аср америкалик психологи

**С.Холлдир.** Унинг таъкидлашича, ривожланиш психологиясининг асосий қонуни биогенетик "рекапитуляция қонуни" ҳисобланади, унга кўра индивидуал ривожланиш, онтогенез филогенезнинг асосий босқичларини такрорлайди.Гўдаклик ривожланишнинг ҳайвонот фазаларини такрорлайди.

Болалик қадимги одамларнинг асосий машғулоти овчилик ва балик овлаш бўлган даврга тўғри келади. 8дан 12 ёшгача бўлган давр ўсмирликдан олдинги давр деб аталади, ёввойилик тугалланиб, маданиятнинг бошланиши деб таърифлайди. 12-13 ёшдан 22 -25 ёшгача бўлган даврни ўспиринлик деб аталади, катталикнинг бошланиши, романтизм даври деб аталади. Бу даврда ташқи ва ички низолар авж олиб, инсонда “индивидуаллик ҳисси” пайдо бўлади. Ҳолнинг бу назарияси психологлар томонидан танқид қилинади.

Биогенетик назариянинг бошқа варианты немис “конституционал психология” вакиллари томонидан ишлаб чиқилди. **Э.Кречмер** ва **Э.Йенш** баъзи биологик омиллар асосида (тана тузилиши типлари ва бошқалар) шахс типологиялари муаммоларини ишлаб чиқиб, инсоннинг жисмоний типлари ва унинг ривожланиш хусусиятлари орасида қандайдир боғланиш мавжуд бўлса керак деб тахмин қиладилар. Э.Кречмер барча инсонларни икки томонга жойлаштириш мумкин, бир томонда циклоид (осон кўгалувчан, кайфияти ўзгарувчан) иккинчи томонда шизоид (камгап, ҳиссиётлар и ёрқин бўлмаган) типларни жойлаштириш мумкин. Кречмернинг шогирди **К.Конраднинг** таъкидлашича, бу тавсифларни ёш босқичларига ҳам қўлласа бўлади: ўсмирликдан олдинги давр “циклоид”, илк ўспиринлик эса “шизоид” даврга тўғри келади. Шизоид шахснинг ўспиринлиги мураккаб ва оғир кечади, унинг ҳислатлари индивидуал-типологик хусусиятлар билан янада чуқурлашади. Циклоид шахс илк ўспиринлик хавотирланишларини енгил шаклда бошидан кечиради, бу ёшнинг хусусиятлари унинг типологик хусусиятлари билан мувоzanатлашади.

Немис олими **В.Целлер** “Конституция ва ривожланиш” асарида (1952) таъкидлашича, психик ва соматик ривожланиш орасидаги боғловчи звено бола тана тузилишининг ўзгариши ва уни англаш ҳисобланади.

Биогенетик йўналиш намоёндалари олимлар эътиборини тараққиётнинг психик ва жисмоний ўзаро боғлиқлигини ўрганишга қаратдилар. Бу психофизиология учун катта аҳамиятга эга бўлди. Психика тараққиётини фақат биологик қонунлар асосида тушуниш муваффақиятга эришмади. Улар тараққиётнинг ижтимоий омилларининг ролини йўққа чиқариб, фақат биологик омилларнинг ролини бўрттирмоқчи бўлдилар. Шундай назариялардан бири машҳур америкалик психолог **А.Гезелл** назариясидир. У тараққиётда биологик омилларга урғу беради. Гезеллнинг фикрича, илк ўспиринлик ёши 11 дан 21 ёшгача давом этади, улардан биринчи беш йил (11дан 16 ёшгача) бўлган давр жуда муҳимдир. Унинг таъкидлашича, ўн йил, олтин давр бўлиб бола мувоzanатли, ҳаётни осон идрок этади, ота-онаси билан муомаласи яхши, ташқи кўриниши ҳақида қайғурмайди. 11 ёшдан организмда қайта қуриш бошланади; бола таъсирчан бўлиб қолади, қаршилик кўрсатиш (негативизм), кайфиятнинг тез ўзгариши, тенгдошлари билан жанжаллар, ота-онага қарши исён пайдо бўлади. 12 ёшда ҳаётга муносабат ижобийлаша бошлайди, ўсмирнинг оиладан узоқлашиши ҳамда тенгдошларининг таъсири кучая боради. Бу ёшдаги асосий ҳислатлар: ақллилик, чидамлилиқ ва ҳазил;

Ўсмир бажонудил ташаббус билан чиқади, ташки кўриниши ҳақида қайғура бошлайди ва қарама-қарши жинс вакилларига қизиқиши ортади. 13 ёшлиларнинг асосий хислатлари – ўсмир ўзи билан ўзи бўлиб, интровертлик хислатлари кучаяди; ўз-ўзини танқид қилади, танқиддан тез хафа бўлади, психология билан қизиқа бошлайди, ота-онага ҳам танқидий муносабатда бўла бошлайди, дўст танлаши ҳам ўзгариб боради, соматик ўзгаришлар кучайганлиги сабабли кайфиятнинг тез ўзгариши намён бўлади.

14 ёшда интроверсия экстроверсия билан алмашади, ўсмир мулоқатчан, куч-қувватга тўла, ўзига ишончи ортган, инсонларга ва улар орасидаги фарққа қизиқиш ортади. У ўзини бошқалар билан солиштиришни, кино ва адабий қаҳрамонларга ўзини ўхшатиб, муҳокама қилишни ёқтиради. Гезеллнинг таъкидлашича, 15 ёшлиларнинг хусусиятларини ягона шаклда ифодалаш қийин, чунки индивидуал фарқлар ортиб боради. Бу ёшдаги янги психологик тузилма - мустақиллик руҳининг ортиши бўлиб, бунда ўсмирнинг мактаб ва оилага муносабати кучаяди, ташқи назоратдан қочиш ўз-ўзини назорат қилиш ва онгли ўз-ўзини тарбиялаш билан уйғунлашади. Буларнинг барчаси ўсмирнинг салбий таъсирларни идрок қилиш ва тез хафа бўлишини ортттиради.

16 ёшда яна осойишталик бошланади: иёёнчилик хушчак-чакликка айланади, ички мустақиллик, ҳиссий барқарорлик, мулоқатчанлик, келажакка интилиш кучаяди. Шундай қилиб, Гезеллда биогенетик концепция тараққиётнинг турли жиҳатларини, хронологик бирлаштирилган тавсифлашга айланади.

Социогенетик назарияларда илк ўспиринлик хусусиятлари жамиятнинг тузилишидан, ижтимоийлашув усуллари билан бошқалар билан ўзаро таъсир хусусиятларидан келиб чиқади. Илк ўспиринликни ўрганишда социогенетик йўналиш ижтимоий психологиянинг таъсири билан боғлиқ. Немис психологи К. Левиннинг “майдон назарияси” бўйича инсоннинг хулқ-атвори, бир томондан шахснинг, иккинчи томондан уни ўраб турган муҳитнинг функциясидир. Лекин шахс хусусиятлари ва муҳит хислатлари ўзаро боғлиқ. Бола оиладан, мактабдан ташқарида мавжуд бўла олмайди, чунки бу ижтимоий институтлар алоҳида олинган индивидларсиз бўлиши мумкин эмас. Левин шахсий ва муҳит компонентларининг бирлиги ва ўзаро таъсирини ҳаётининг ёки психологик фаза деб атади. Утин даврининг муҳим жараёнлари сифатида Левин шахс ҳаётининг, мулоқот доирасининг кенгайиши деб ҳисоблайди. Илк ўспириннинг хулқ-атвори ўзгарувчандир. Болалиқдан катталиққа ўтган ўспирин, тўлиқ унисига ҳам, бунисига ҳам кирмайди. Унинг ҳаётининг дунёси ва ижтимоий вазиятдаги бу хусусияти интилиш даражасининг ноаниқлиги, ички қарама-қаршилиқ, кучли тортинчоқлик ва агрессивлик каби психологиянинг ҳолатларида намён бўлади. Бундай низола қанчалик кўп бўлса, болалар дунёси ва катталар дунёси орасида фарқ шунчалик кўп бўлади.

Левин концепциясининг ютуғи шундаки, у ўспиринликни ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида қарайди, шахснинг психик тараққиётини унинг ижтимоий ҳолатининг ўзгариши билан боғлайди.

Илк ўспиринлик биогенетик ва социогенетик йўналишларининг умумий хусусияти шундаки, тараққиётнинг манбаалари ва ҳаракатга келтирувчи кучларини улар психик омиллардан ташқарида излайдилар. Биринчи ҳода организмда рўй берадиган биологик жараёнларга урғу берилади, иккинчисида шахс иштирок этадиган ижтимоий жараёнларга урғу берилади.

**Психогенетик йўналиш** ҳар иккала йўналишнинг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда, психик жараёнларнинг ривожланишини биринчи ўринга қўяди. Бу йўналишни учга бўлиб ўрганиш мумкин. Улар:



Хулқ-атворни ҳиссиёт, майл ва бошқа психиканинг рационал бўлмаган таркибий қисмлари билан тушунтирувчи назария **психодинамик назария** деб аталади. Библия қобилиятлари ва интеллектнинг ривожланишига урғу бериладиган концепция **когнитив ёки когнитив-генетик концепция** деб аталади. Шахснинг ривожланишига урғу бериладиган концепциялар **персоналогик концепциялар** деб аталади.

Илк ўспиринлик ҳақида психодинамик назариянинг йирик намоёндаси машҳур америкалик психолог **Э.Эриксон** ҳисобланади. Унинг фалсафий-методологик қарашлари **фрейдистик-психоанализнинг** давоми ҳисобланади. **З.Фрейд** шахс тараққиётининг асосий ҳаракатлантурувчи кучи биологик жинсий майл (“либидо”) деб ҳисоблайди. Эриксоннинг таъкидлашича, инсоннинг ривожланиши, ўзаро боғлиқ уч жараёндан иборат: биология ўрганадиган жисмоний тараққиёт, психология ўрганадиган онгли “Мен”нинг ривожланиши, ижтимоий фанлар ўрганадиган ижтимоий ривожланиш. Тараққиётнинг асосий қонуни – “эпигенетик принцип” бўлиб, ривожланишнинг ҳар бир янги босқичида олдинги босқичларда бўлмаган янги ҳодиса ва ҳислатлар пайдо бўлади. Тараққиётнинг янги фазасига ўтиш “норматив инқироз” шаклида ўтади, у ташқаридан патологик ҳодисага ўхшайди, лекин ўсишнинг нормал қийинчиликларини ифодалайди.

Тараққийетнинг янги босқичига ўтиш олдинги босқичга хос бўлган асосий қарама-қаршиликни ҳал қилиш асосида мумкин бўлади. Агар қарама-қаршилик ҳал қилинмаса у албатта кейин намоён бўлади.

**Эриксон** ҳаётий циклни саккиз босқич (фаза) га бўлади.

*Биринчи босқич – гўдақлик.* Унинг асосий мақсади – ташқи дунёга “ишониш” ҳиссини ҳосил қилишдир. Унинг асосий воситаси ота-онанинг муҳаббати ва ғамхўрлигидир. Агар гўдақда “асосли ишониш” вужудга келмаса, унда дунёга “асосли ишонмаслик”, хавотирланиш ҳисси пайдо бўлади.

*Иккинчи босқич – илк болалик* - болада уят ва шубҳаланиш каби хислар пайдо бўлади. Болада мустақиллик, маъсулият, тартиб ва интизомни ҳурматлаш каби хислатлар пайдо бўлади.

*Учинчи босқич – ўйин ёши (5-7 ёш)* ташаббус ҳисси, нимадир қилиш ҳисси пайдо бўлади. Бу ёшда гуруҳий ўйинлар, тенгдошлари билан мулоқот, ҳаёлнинг ривожланиши муҳим ҳисобланади. Бу ёшда адолат, қондага мослигини тушуниш ҳисси пайдо бўлади.

*Тўртинчи босқич –мактаб ёшидаги* янги психологик тузилма - мақсадга эришиш қобилияти, ташаббускорлик ҳиссидир.

*Бешинчи босқич – ўспиринлик* бўлиб, бошқаларга ўхшамаслик, индивидуаллик ҳиссининг пайдо бўлиши билан характерланади. Эриксон ўз-ўзини англаш, вақтни янгича ҳис қилиш, жинсий қизиқишлар шаклланиши механизмларини тўлиқ тавсифлайди.

*Олтинчи босқич – ёшлик* – бошқалар билан интим психологик яқинлик, жумладан жинсий яқинлик эҳтиёжи ва қобилияти пайдо бўлади.

*Еттинчи босқич – етуклик даврида* ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида ( меҳнатда, ижодиётда, ғамхўрликда, пушт колдиришда, тажриба узатиш ва бошқаларда) маҳсулдорлик туйғуси узлуксиз ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасини бажаради.

*Саккизинчи босқич, яъни қариллик* – инсон сифатида ўз бурчини уддалай олганлигидан, турмушнинг кенг камровлилигидан қаноатланиш туйғулари билан характерланади.

**Персонологик йўналиш вакиллари**, жумладан **Э.Шпрангернинг** таъкидлашича, бу даврдаги асосий ўзгаришлар: шахсий “Мен”ни кашф қилиш, рефлексиянинг ўсиши, ўзининг индивидуаллигини англаш ва шахсий хусусиятларини эътироф этиш, ҳаётий эзгу режаларнинг пайдо бўлиши, ўз шахсий турмушини онгли ҳолда қуришга интилиш ва ҳоказолардир. Шпранген ўспиринликни икки даврга бўлади. Биринчи давр 14-17 ёшларда вужудга келадиган инқироз ўспиринларда ўзларини катталарнинг болаларча муносабати доирасидан кутулиш туйғуси пайдо бўлишидан иборатдир. 17-21 ёшлиларнинг асосий хусусияти уларда тенгқурларидан “ажралиш” инқирози ва танҳолик истагининг пайдо бўлишидир. Бу ҳолат тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқади. Шпрангер илк ўспиринларда ўз-ўзини англаш ва қадриятлар йўналганлигига асос солган. Бу йўналишни кейинчалик **К.Бюлер**, **А.Маслоу** ва бошқалар давом эттирганлар.

**Когнитивистик йўналишнинг асосчилари қаторига Ж.Пиаже, Дж. Келли, Л.Колберг, Д.Бромлей, Дж.Биррер, А.Валлон, Г.Гримм ва бошқаларни киритиш мумкин. Ж.Пиаженинг интеллект назарияси ақл-идрок функциялари ҳамда унинг даврлари ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади. Интеллектнинг асосий функциялари уюшқоқлик ва мослашиш, кўникишдан иборат бўлиб, ақл-идрокнинг функционал инвариантлиги деб юритилади.**

У интеллектни куйидаги ривожланиш даврларига ажратади: 1) сенсомотор интеллект (туғилишдан 2 ёшгача); 2) операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача); 3) конкрет операциялар даври 7-8 ёшдан 11 -12 ёшгача); ;) расмий операциялар даври.

### **7.3. Илк ўспиринлик даврида интеллектуал ва эмоционал ривожланиш**

Илк ўспиринларнинг билиш жараёнлари шундай даражага етадики, катталар бажарадиган барча ақлий ишларни бажаришга амалий жиҳатдан тайёр бўладилар. Уларнинг билиш жараёнлари мураккаб ва эгилувчан бўлиб боради. Улар бу ёшга келиб жиддий ишларга кўп вақтларини ажрата бошлайдилар, дам олиш ва ўйин-кулгуга жуда кам вақт ажратадилар. Уларнинг барча билиш жараёнлари , жумладан, хаёл, хотира, нутқ, тафаккур ривожланади. Илк ўспиринлик ёшидаги ўқувчиларининг билиш жараёнлари турли нуктаи назарларни таҳлил этишга ва бу масала бўйича ҳар томонлама фикр юритишга ёрдам бера олади. Билишга кизиқишнинг ривожланиши, ўқишга онгли муносабатда бўлишнинг ўсиши билиш жараёнларининг ихтиёрийлигини, уларни бошқара олиш маҳоратини янада ривожлантиришга ундайди.

Бу ёш даврининг охирига бориб, ўқувчилар ўзларининг билиш жараёнларини тўла-тўқис эгаллаб оладилар, уларни ҳаёт ва фаолиятнинг муайян вазифаларига бўйсундирадилар. Улар ахлоқий ва сиёсий ва бошқа мавзулар бўйича эркин фикрлайдилар. Илк ўспиринларга умумийдан хусусийга, хусусийдан умумийга хулоса чиқариш, яъни индукция ва дедукция хосдир.

Илк ўспиринлар кўпчилик илмий тушунчаларни ўзлаштирадилар, турли масалаларни ечиш жараёнида улардан фойдаланишни ўрганадилар. Бу эса уларда назарий ёки сўз-мантқ тафаккурнинг ривожланганлигини билдиради. Кузатиш аниқ мақсадга қаратилган ва янада системали бўлиб боради. Шахснинг кузатувчанлик хусусияти ривож топади. Шу бирга Н.Д.Левитов кўрсатиб ўтганидек, ўспиринлар ўз кузатишларида паришонхотир бўлмасликларини, кузатишни ўз олдларига қўйилган вазифаларга бўйсундиришларини, етарли даражада тўпланган фактлар тўпланмагунча хулоса чиқаришга шошилмасликларини назорат қилиб бориш зарур. Илк ўспиринларнинг ўқув фаолияти уларнинг фаоллиги ва мустақиллигига анча юқори талаблар қўяди. Академик лицей ва касб-хунар коллежи дастурида белгиланган материалларни ўзлаштириш учун назарий



тафаккур ривожланган бўлиши ҳамда мустақил таълим олиш кўникмаларини эгаллаш зарур.

Хотирани ривожлантиришда мавхум сўз-мантик хотира, маъносига тушуниб эсда олиб қолишнинг роли сезиларли даражада ортади. Гарчи ихтиёрий хотира устунлик қилса-да, ихтиёрсиз эсда олиб қолиш ҳам илк ўспиринлар тажрибасидан чиқиб кетмайди. У фақат ўзига хос хусусиятга эга бўлади, илк ўспиринларнинг қизиқишлари, хусусан уларнинг билишга оид ва касб танлашга оид қизиқишлари билан кўпроқ боғланади. Шу билан бирга фаол равишда билим эгаллаш, ўқиш ва жамоат фаолиятида ҳар ҳолда ихтиёрий хотира етакчи роль ўйнайди.

Сўзма-сўз ёдлаб олиш алоҳида ҳолларда зарур эканлигини ўқувчилар яхши тушунадилар. Илк ўспиринлар эсда олиб қолиш усулларида – режаларни ва текстнинг схемаларини, конспектларни тузиш, асосий фикрларни ажратиб кўрсатиш ва остига қизиқтириш, илгари маълум бўлган фикрларга таққослаш, солиштириш усулларида ўқувчиларга қараганда бекиёс даражада кенг суратда фойдаланадилар. Улар эсда олиб қолишга алоҳида-алоҳида ёндашадилар.

Қизиқишларнинг дифференциялашганлиги диққатнинг танловчанлигини, ихтиёрий диққатдан кейинги диққатнинг роли анча ортинини белгилаб беради. Илк ўспиринларда ихтиёрий диққатдан кейинги диққат билан бир қаторда ихтиёрий диққатнинг ҳам аҳамияти ортадики, улар ўқув материали билан бевосита қизиқмасдан, ўрганилаётган ҳосидисаларнинг ҳаётий аҳамиятини тушуниб, унга диққатларини қарагадилар.

Диққатни кўчириш ва тақсимлаш қобилияти сезиларли равишда ривожланиб, такомиллашиб боради. Хусусан, диққатни тақсимлаш бир вақтнинг ўзиде ўқитувчининг тушунтирган нарсаларини ҳам тинглаш, ҳам ёзиб бориш, ўз жавобининг мазмунини кузатиб бориш маҳоратининг шаклланишида ўз аксини топади. Илк ўспиринлар ўқув ишлари жараёнида ўзларига таъсир қиладиган чалғитувчи нарсаларга ўқувчилардан кўра кўпроқ қарши туришга, бардош бериб енгилга қобилдилар.

Илк ўспиринларнинг айримларида диққатнинг танловчанлиги шу нарсада ҳам кўринадики, улар ўқув материални идрок қилар эканлар, ҳамма вақт унинг аҳамиятига баҳо беришга, уни амалий жиҳатдан аҳамиятлилиги нуктаи назардан идрок қилишга ҳаракат қиладилар. Агар унга материал муҳим бўлиб туялмаса, у ўз диққатини сусайтиради. Шуниси қизиқки, диққатнинг бу ўзига хос ҳаракати кўпинча атайин рўй бермайди. Одатда илк ўспириннинг диққати шу соҳадаги муайян билимларни амалда татбиқ этиш ҳақида гап борган вақтдагина ихтиёрсиз ана шу предметга қаратилади.

Бу ёшдаги ўспиринлар атрофдаги турли воқеа-ҳодисалардаги ҳақиқатни билишга интилади. Уларни тайёр ечимлар, маълумотлар эмас, балки шу ечим ва маълумотларни ўзлари мулоҳаза юргизиб, қидириш жараёнининг ўзи кўпроқ қизиқтиради. Бу борада турли масалалар бўйича баҳс ва мунозаралар юритишга ва ўзларининг фикрларини исботлашга жуда қизиқадилар. Бу даврда билиш жараёнларининг ривожини фаол равишда давом

этади. Бу ривожланиш ўспириннинг ўзига ва унинг атрофидаги кузатувчиларга кам сезилади. Бу даврга келиб, ўспиринлар тўла равишда мантикий тафаккурга эга бўладилар, назарий фикр юритиб, ўзларини-ўзлари таҳлил эта оладилар. Улар энди бемалол ахлоқий, сиёсий ва бошқа мавзуларда баҳслаша олиб, ўз муносабатларини билдира оладилар. Ўспиринлик даврида болалар жуда кўп илмий тушунчаларни ўзлаштириб, улардан турли масала ва муаммоларни енгишда фойдалана оладилар. Ўспириннинг ўз-ўзини англаши ўқув, меҳнат ва мулоқот мотивацияларини ўзгартиришида ўз аксини топади. Бу даврда, болада янги фаолиятлар юзага келиб, психик ривожланишида янги босқич бошланади.

*Ўспиринлик ёши ўқиш, меҳнат, мулоқот сингари етакчи фаолиятлар асосида умумий ва махсус лаёқатларнинг ривожланаётганлиги билан характерланади.* Лекин, бу ривожланиш ўспириннинг ўзига ва унинг атрофидаги кузатувчиларга кам сезилади. Ўспиринлик даврига келиб, жуда кўп болаларда ўз фаолиятларини олдиндан режалаштириш лаёқати яхши ривожланган бўлади. Шунингдек, ўз-ўзини бошқариш ҳам ўспиринлик ёшидаги болаларда яққол кўзга ташланади.

Ўспириннинг ўқув машғулотида муносабати ўз хусусияти ва мазмуни жихатидан бошқа ёшдаги ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги муносабатидан тубдан фарқ қилади. Улар вояга етиб борадилар, уларнинг таърибаси ортади; улар мустақил ҳаёт бўсағасида турганликларини англайдилар. Ўқувчиларнинг ўқишга онгли қарashi кучаяди, бу қараш бевосита ҳаётий маъно касб этади. Илк ўспиринлар жамиятнинг келажакдаги меҳнат ҳаётида тўлақонли иштирок этишнинг зарурий шарти билим, кўникма ва малкаларнинг мавжуд фонди эканлигини, ҳосил қилинган мустақил билим эгаллаш кўникмалари эканлигини аниқ равшан ҳис қиладилар. Билимларга эҳтиёж сезиш ҳозирги вақтда илк ўспиринларнинг характерли хусусиятларидан биридир. Ўқув режаси ва дастурнинг мураккаблашуви, янги фан ва мавзуларнинг киритилиши, ўзлаштирилиши назарий тафаккур ёрдамида амалга оширишни тақозо этади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларнинг ўқишга муносабати ҳам ўзгаради, улар айрим фанларга танлаб муносабатда бўла бошлайдилар. Ўспирин ўқувчиларнинг ўқув фанларига муносабатлари куйидаги ҳолатларга боғлиқдир:

Ўспиринлик даврида билишга оид қизиқши кўлами тобора амалий хусусият касб эта бошлайди. Жумладан, ижтимоий-сиёсий масалаларга, техника, табиатга, осмон жисмларига, спорт ва ҳоказоларга қизиқиши кучаяди. Ўспиринларда сезирлик, кузатувчанлик янада такомиллашиб боради, мантикий хотираси, эса олиб қолишининг оқилона йўли сифатида таълим жараёнида етакчи вазифани адо эта бошлайди. Мазкур паллада ўспиринларнинг тафаккури тобора мантикий, фаол, мустақил ва ижодий хусусият касб эта бошлайди. Тафаккур ривожланиши билан биргаликда ўқувчиларнинг нутқ маданияти ривожланади. Ўспирин турли жанрдаги адабий асарларни ўқиши, тушуниши орқали мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилиш ва мунозарага киришиш, назарий фикрлаш ҳамда ўз-ўзини таҳлил қилишга ўрганиб боради.



Ўспиринлик тафаккурининг сифатига унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, самарадорлиги, тезлиги кабилар киради. Тафаккурнинг мазмундорлиги деганда, ўспирин онгида теварак-атрофдаги воқелик тўғрисида қанча миқдорда мулоҳазалар, муҳокамалар ва тушунчалар жой олганлиги назарда тутилади.

Тафаккурнинг чуқурлиги деганда эса, моддий дунёдаги нарса ва ходисаларнинг асосий конунлари, хоссалари, сифатлари, уларнинг ўзаро боғланиш ва муносабатлари ўспириннинг фикрлаш фаолиятида тўлиқ акс этганлиги тушунилади. Тафаккурнинг кенглиги ўзининг мазмундорлиги ва чуқурлиги сифатлари билан боғлиқ бўлади. Тафаккурнинг мустақиллиги деганда ўспириннинг шахсий ташаббуси билан ўз олдига янги вазифалар қўя билиши, бу вазифаларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз, оқилона усуллар билан мустақил ҳал қилиш хусусиятини тушуниш керак. Тафаккурнинг тезлиги қўйилган саволга тўлиқ жавоб олинган вақт билан белгиланади.

Айрим қиз ва йигитлар ақлий ривожланишдан орқада бўлиб, ўқув материалларини ўзлаштиришга улгурмайдилар ёки кийналадилар, улар теварак-атрофдаги воқеликни билиб олиш мақсадида умумлаштирувчи тушунчалардан фойдаланишни билмайдилар, чунки бу тушунчалар, ҳулосалар, фикрлар, ҳодиса ва фактларни ёдлаб оладилар. Болаларни ақлий жиҳатдан ривожлантириш учун ўқиш фаолиятларида фаоллаштириш ва уларнинг билимларини онгли равишда ўстириб бориш керак.

Таълимда онглилик ўқувчининг юқори даражадаги фаоллиги билан таъминланади. Билимларини фаол фаолият кўрсатиб ўзлаштирганда, ўқувчилар бу билимларни яхши тушунибгина, қолмай, уларни амалий

фаолиятда қўллашга ҳам ўрганадилар. Ўқувчиларга ижтимоий масалалар, иқтисодий ҳамда ижтимоий фактлар ва ҳодисаларни мустақил равишда илмий таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш усулларини махсус ўргатиш муҳим ва зарурдир. Бу ўринда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини фаоллаштиришга, тўғри раҳбарлик қилган ҳолда ривожлантириш лозим. Ўспиринларнинг ақлий жиҳатдан ривожланишида назарий тафаккурнинг роли каттадир.

Ўспирин адабий асарларни ўқиш ва тушунтириш орқали мустақил фикрлаш, мулоҳаза юритиш ва мунозараларга киришишга ўргана боради. Унда аста-секин табиат ва жамият ҳақида ўзининг нуқтаи назари, эътиқоди, қарашни шаклланади. Маълумки, шахснинг ана шу фазилатлари унинг фикрлаши, мустақил ўйлаши, тўғри ҳукм ва хулосалар чиқариши, қатъий қарорга кела олиши натижасидир.

Ўспиринларнинг адабий асарни баҳолаши, у ҳақда шахсий фикрларни билдириши, муаммо юзасидан баҳслашуви инсоний ҳислатларнинг муайян даражада иштирок этиши танкидий тафаккурнинг айнан ўзгинасидир. Турмушда учрайдиган ноўрин танкидийлик эса ўспириннинг бадий диди ва ҳаётий тажрибаси заифлигидир. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчилар тафаккуридаги танкидийликни ҳаққонийлик даражасига кўтаришдан, уларга воқеликка одилона, оқилона, танкидий нуқтаи-назардан қарашни ўргатишдан иборат. Ўспиринларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрлар, мулоҳазалар, илмий дунёқараш таркиб топганидан кейингина тафаккурнинг танкидийлик хусусияти ривожлана бошлайди. Танкидий тафаккурнинг ривожланиши ўқув материалларини пухта ўзлаштиришга, таълим жараёнида ташаббускорликка, воқеликни исботлаш ва асослаш кўникмалари таркиб топишига имкон яратади. Ҳодисалар тўғрисида ҳукм ва хулоса чиқариш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш қобилиятини ривожлантиради. Ўспириннинг қобилияти ва истеъдоди таълим жараёнида, меҳнат фаолиятида ривожланади. Қобилиятнинг ўсиши билимлар, кўникмалар, малакаларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, шахснинг камол топиш жараёнига қўшилиб кетади. Демак, мактабда ўтиладиган, дарслар, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, реферат, конспект ёзиш каби фаолият турлари ўспиринлар ўзлаштириш учун зарур материалларни мустақил ҳолда тушунишга олиб келади.

Шахснинг билиш жараёнлари унинг эмоциялари билан боғлиқ. Ўсмирлик давридаги кучли эмоционал реакциялар гармонал ва физиологик жараёнларга боғлиқ. Болгариялик психологлар Г.Д.Пиров ва бошқалар 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларни кўндаланг кесим методи орқали ўрганиб, нерв фаолиятининг энг кўзгалувчан типи 5 ёшлилар орасида учрашини аниқлашган. Бола катта бўлган сайин кўзгалувчанлик камайиб, мувозанатлиларнинг сони ортган. Пубертат ёшда ( 11-13 ёш қизларда ва 13 - 15 ёш ўғил болаларда) кўзгалувчанларнинг миқдори ортади, бу даврнинг охирига бориб кўзгалувчанлик яна камаяди.

Эмоционал зўриқишнинг физиологик манбаалари қизларда аниқ пайқалади, уларда депрессия, жиззакилик, хавотирланиш ва ўз-ўзини ҳурмат

қилишнинг пасайиши ҳайз кўришнинг маълум даврларига боғлиқ. Бунга ўз вақтида **Ш.Бюллер** ҳам эътибор берган эди.

Ўғил болаларда аниқ физиологик боғлиқлик кўзга ташланмайди, лекин пубертат давр улар учун ҳам қийин кечади. Рус психологи **П.М.Якобсон** катталар ва тенгдошларига салбий реакциялар 12,5 -13, 5 ёшда энг кўп учрайди, деб таъкидлаган эди. Ўсмир ва ўспиринлардаги эмоционал реакциялар фақат гормонал ўзгаришларга боғлиқ бўлиб қолмай, балки ижтимоий омиллар ва тарбия шароитлари, индивидуал-типологик фарқларга ҳам боғлиқ. Катта бўлишдаги психологик қийинчиликлар, “Мен” образи ва интилиш даражаси орасидаги қарама-қаршилик каби ўсмирга хос бўлган эмоционал зўриқиш, илк ўспиринлик даврида ҳам сақланиб қолади.

Психолог **В.Р.Китловская** проектив тестлар ёрдамида хавотирланишнинг ёш динамикасини ўрганиб, боғча ёшидаги болалар тарбиячилар билан мулоқотда энг кўп хавотирланишларини, ота-оналар билан камроқ хавотирланишларини аниқлаган. Кичик мактаб ёшидаги болалар тенгдошлари билан камроқ, бегона катта одамлар билан мулоқотда кўпроқ хавотирланиши маълум бўлган. Ўсмирлар бўлса бегона катта одамлар ва ўқитувчилар билан камроқ, ота-оналари ва тенгдошлари билан мулоқотда кўпроқ хавотирланиши аниқланган. Илк ўспиринлар эса барча соҳадаги мулоқотда энг юқори хавотирланиш намоён бўлган, айниқса ота-оналар ва улар боғлиқ бўлган катталар билан мулоқотда кучли хавотирланиш намоён бўлган. **А.Е.Личкони**нг таъкидлашича, 14-18 ёшда характернинг баъзи хусусиятларига ортикча урғу берилади. Илк ўспиринликдаги типологик ўзи билан ўзи бўлиб қолиш, баъзан инсондаги тўлиқ эмаслик ҳисси билан бирга кечадиган яққаланиб қолишга олиб келади.

Ёш улғайган сайин инсонда эмоционал кўзғалиш ҳосил қилувчи омиллар кўпайиб боради. Агар катта одам ёш болаларга ўхшаб ҳар бир кўзғатувчига жавоб қайтараверса, у кўп кўзғалиш ва эмоционал беқарорликдан оламдан ўтган бўлур эди. Катталарни хавотирланишдан ташқи таъсирларга танлаб жавоб қайтариш ҳамда ички тормозланиш ва ўз-ўзини назорат қилишнинг маҳсулдор ички механизмлари кутқаради.

Америкалик олим **Г.Джонс** 12 ёшли ўсмирлар ва 17 ёшли илк ўспиринларнинг эмоционал роеакцияларини (тери –галваник реакциялари) солиштирди. У сўзли кўзғатувчиларни ёқимли, ёқимсиз ва бефарқларга ажратган. Тажриба натижаларидан маълум бўлишича, умумий эмоционал реакция ўсмирларга нисбатан илк ўспиринларда юқори бўлган. Лекин улар орасидаги асосий фарқ танлаш даражасида кузатилган: илк ўспиринлар ўсмирларга нисбатан бефарқ ва ёқимсиз сўзларга жавоб қайтарганлар. Шундай қилиб, илк ўспиринларнинг эмоциялари, интеллект сингари аниқ кўзғатувчи бу синалувчи учун қандай аҳамиятга эгалигини ҳисобга олмасдан ўлчаш мумкин эмас. Илк ўспиринлик давридаги эмоционал қийинчилик ва муаммоларни аниқ қараб чиқиш лозим, чунки уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳар хил. Ўсмирлик давридаги *дисморфофобия* – ўз танаси ва ташқи кўринишидан ташвишланиш илк ўспиринлик даврида ўтиб кетади.

Илк ўспиринларда намоён бўладиган хавотирланиш белгилари бу ёшдаги махсус қийинчиликларга реакция эмас, балки илгари олинган руҳий жароҳатланишнинг кейин намоён бўлишидир.

Кўпчиликда ўсмирликдан илк ўспиринликка ўтишда мулоқотчанлик ва умумий эмоционал кайфият яхшиланади. **Е.А.Силинанинг** лонгитюд тадқиқотларидан маълум бўлишича, у болаларни 7 ва 9 синфларда кузатиб, ўсмирларга нисбатан илк ўспиринларда камроқ импульсивлик ва эмоционал кўзгалувчанлик, кўпроқ экстравертлик ва эмоционал барқарорлик кузатилишини аниқлашган. **А.В.Кучменко** тадқиқотида ҳам 16-18 ёшли илк ўспиринлар ўсмирларга қараганда, ўзларининг нерв системаси типига боғлиқ бўлмаган ҳолда босиқлик ва барқарорлик кузатишган.

Америкалик психолог **Р.Кэттел** тадқиқотларида ҳам илк ўспиринларда ўсмирларга нисбатан мулоқотчанлик, одамлар билан киришимлилик, бошқарувчанлик каби ҳислатлар ортишини, умумий кўзгалувчанлик камайишини аниқлашган.

Шундай қилиб, илк ўспиринлик ёши эмоционал ҳолатларни ифодалаш усуллари ва эмоционал реакцияларнинг дифференциаллашишини ҳамда ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини бошқаришнинг ортишини кузатиш мумкин. Илк ўспиринларнинг кайфияти ўсмирларга нисбатан барқарор ва англандан ҳамда ижтимоий шароитнинг кенг доирасига мос бўлади.

Доимо ҳиссиёт вужудга келтирадиган шахсий муҳим муносабатлар доирасининг кенгайиши олий ҳисларнинг ривожланишида намоён бўлади. Ахлоқий норма ва тамойилларнинг маълум тизимини ўзлаштириш жамият ва бошқа одамлар олдида маъсулият ҳисси, ҳамдардлик қобиляти, дўстлик ва муҳаббат эҳтиёжи, ўртоқлик ҳисси ва ахлоқий-сиёсий ҳислар каби юксак ахлоқий ҳисларга айланади.

Илк ўспирин томонидан қабул қилинган хулқ-атвор нормаларининг бузилиши унда айбдорлик ҳиссини вужудга келтиради. Шу билан бирга унда эстетик ҳислар доираси ҳам кенгайди. Илк ўспиринларда интеллектнинг ривожланиши билан бирга ҳазил-мутойиба ҳиссининг ҳам ривожланишини таъкидлаш жоиз. Интеллектуал ва праксис ҳислар ҳам сезиларли ривожланади. Содда болаларча қизиқувчанлик тафаккур жараёнидан онгли завқланиш, қийинчиликларни енгишдан қувониш, ижодга онгли интилиш ва бошқаларга айланади.

Шунга кўра ҳар ким қобилятига яраша касб-ҳунар танласа, бу соҳада муваффақиятли меҳнат қилса, ижтимоий турмуш тараққиётига муҳим ҳисса қўшган бўлади. Ўспиринлар у ёки бу касбни ўз ихтиёрлари билан онгли равишда танлашлари учун улар мустақиллик, дадиллик, қатъийлик, ўзини тутта билиш, чидамлилик, сабр-тоқат каби иродавий ҳислатларга эга бўлишлари керак. Меҳнат қилишда муқаддас бурчни бажариш истаги, мақсаднинг аниқлиги, ҳунар ўрганишга иштиёқмандлик мазкур фазилатларнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўспиринлар ақлий ривожланишида тасаввурнинг аҳамияти жуда катта, чунки инсон бирон бир ишни қилишга киришар экан, албатта унинг натижасини тасаввур эта олиши керак. Тасаввурсиз ҳеч қандай ишни тўғри

режалаштириш мумкин эмас. Ўспиринда тасаввур қила олиш лаёқати яхши ривожланган бўлсагина, у ўз ҳаётидаги идеални тасаввур эта олади, шунга кўра узоқ ва яқин режаларини тузади.

Ҳозирги йигит ва қизларни 30-40 йил аввалги тенгқурлари билан солиштирганда, уларнинг умумий савиялари нақадар ўсганлигини кўриш мумкин. Ўспиринларнинг интеллектуал қизиқишлари доираси кенг ва кўпқирралидир. Ўспиринларнинг қизиқишлари аксарият ҳолларда ўзи танлаган касб ва йўналиш шунингдек, ҳаётий режаларига асослангандир. Ўспиринлик ёшига келиб, йигит ва қизларнинг дунёқарашлари юксак поғонага кўтарилди бошлайди. Бу эса ўспириннинг ташки оламни тушунишига, баҳолашига бўлган муносабатларини аниқлашга ёрдам беради. Ўспиринларнинг дунёқарашини энди уларнинг илмий, фалсафий, сиёсий ва диний қарашлари тизимидан иборатдир.

Маълум бир касбда фаолият кўрсатишни бошлаётган ўспирин унга интеллектуал, ижтимоий-психологик ҳамда ахлоқий жиҳатдан тайёр бўлиши керак. Ўспиринлик даврининг охири ва ўспиринлик ёшига келиб, уларда меҳнат кўникма ва малакалари ривожланади. Бу кўникма ва малакалари уларнинг келгусидаги касбий фаолиятлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Ҳар қандай касбий кўникма ва малакаларнинг ўсиши, аввало, ўспирин интеллектининг умумий ривожланганлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу даврдаги ўспиринлар интеллектининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўзбекистонда **Э.Ғ.Ғозиев** раҳбарлигида **Ж.С.Искендеров** томонидан педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шаклланишини баҳолашда тест-рейтинг тизимидан фойдаланишнинг самарали йўллари ишлаб чиқилди. Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шаклланиш жараёни шасхнинг умумий йўналганлиги, касбий установакалари, касбий тасаввурлари ва имкониятлари мутаносиблиги омиллар асосига қурилиши тадқиқот давомида далилланди.

Бу ёшдаги болалар учун мулоқотга киришиш эҳтиёжнинг мавжудлиги ҳам жуда муҳим, лекин у етакчи эмас, фақат танлаган касб ва йўналишлари бўйича машғул бўлмаган ўспиринларгина кўпроқ тенгдошлари билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж сезадилар. Бу ёшдаги болалар меҳнат фаолияти билан худди катталардек шуғуллана оладилар. Илк ўспиринлик даврини касбий билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши учун сензитив давр деб ҳисоблаш мумкин. Ўзининг касбий тақдирини тасодифан ёки нотўғри ҳал этилиши мураккаб ички кечинмаларга, иккиланишларга, зиддиятларга олиб келиши мумкин. Бу эса йигит ва қиз ҳаёти учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар келтиради. Касб танлаш вақтида илк ўспиринлар ўз мойиллиги ва қобилиятларини шахсий сифатлар, хусусан, нерв системасининг типи, анализаторлар хусусияти эмоционал-иродавий сифатларини ҳам ҳисобга олишлари зарур.

#### 7.4. Илк ўспиринлик даврида дўстлашиш муаммоси

Ахлоқий ва ижтимоий, сиёсий хисларнинг ривожланиши айниқса характерлидир. Улар одатда муайян ахлоқий талаблар билан ўзаро тўғри муносабатда бўладилар. Бошдан кечирган ҳис-туйғуларни англаб етиш маҳорати ҳам ривожланади.

Дўстлик – илк ўспиринлик давридаги шасхлараро муносабат ва ҳиссий боғланишнинг муҳим туридир. Ўспиринлик ёшида ўқувчиларда ўртоқлик хиссининг ривож топиши характерлидир. *Россия* психологлари *И.В.Страхов* билан *А.Л.Шнирман* тадқиқотларининг кўрсатишича, ўспиринлик ёшидаги дўстлик, ўсмирлик ёшидаги дўстликдан баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, ўспиринларда дўстлик мотивлари анча чуқурроқ бўлади. Дўстликнинг ўзига юқори талаблар қўйилади, булар: ошқоралик, ўзаро ишонч, талабчанлик, садоқат, биргаликда доимий ёрдам кўрсатиш, камчиликларни тугатиш, дўстига ёрдам бериш, ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳоказо.

Иккинчидан, дўстлик хислари анча сермазмун бўлиб, қизиқишлар фаолиятнинг кенг доирасини қамраб олади.

Учинчидан, дўстлик эмоционал бўлиб, дўсти кечираётган ҳисларга жавоб бера олиш қобилиятига эга бўлади.

Ўспиринлик ёшидаги дўстлик кўпинча бутун умр бўйи давом этади. Илк ўспиринлик давридаги дўстликнинг психологик қонуниятлари ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради. Ҳар хил инсонларнинг дўстлиги бир хил бўлмайди, ёш, жинс, ва индивидуал-типологик хусусиятларга эга бўлади. Ўртоқлик муносабатлари жамоани жипслаштиришга ёрдам беради, унинг ҳаётий фаолиятини оширади. Ёнингда ўртоғинг борлигини хис қилишнинг ўзиёқ қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Ўспиринлар дўстлик, самимийлик, эмоционал софдиллик каби хислатларни биринчи ўринга қўйишади. Дўстлар бир-бирлари билан юракларини бўшатадилар. Дўстларга самимий меҳрибонлик шахсининг рефлексивлик даражасига ҳамда унинг эмоционал ҳаёт хусусиятларига боғлиқдир. Ўспирин ҳамма вақт ростгўй, самимий бўлишни истайди.

Илк ўспиринлик давридаги дўстликнинг мезонларини аниқлаш учун уларга қуйидаги бир неча тугалланмаган гаплар таклиф этилади: “Дўст – бу...”, “Дўстим билан мен кўпинча...”, “Дўст ва ўртоқ бир эмас, чунки улар...”. Бунда дўстликнинг иккита бош мезони аниқланди: биринчиси ўзаро ёрдам кўрсатиш ва содиқлик; иккинчиси – психологик яқинлик (“...мени тушунадиган”; “...мени яхши кўрадиган”, “...ҳамма нарса ҳақида гаплашиш мумкин” ва х.). Биринчи типдаги жавоблар кўп учраса-да, ёш улғайиши билан, айниқса 18-19 ёшлиларда психологик яқинлик эҳтиёжи ортади. Бу эҳтиёж қизларда ўғил болаларга нисбатан, шаҳардаги илк ўспиринларда қишлоқдаги тенгдошларига нисбатан кучли намоён бўлади.

Илк ўспиринларнинг дўстлашиши ўз табиатига кўра кўп функциялидир, бу эса унинг кўп шакллари мавжудлигини: оддий биргаликда



вақт ўтказишдан, то бир-бирларига сирларини очик айтишгача кузатиш мумкин. Асосида биргаликдаги фаолият ётадиган гуруҳий муносабатлардан фарқли равишда дўстлик бу энг аввало ҳиссий боғланишдир. Дўст учун шахсий яқинлик муҳимдир.

Илк ўспирилик давридаги дўстликнинг психологик аҳамияти шундаки, у бир вақтнинг ўзида у ўз-ўзини очиш мактаби ва бошқа инсонни тушуниш мактабидир. Шунинг учун илк ўспиринлар alter ego (иккинчи “Мен”)нинг қандай типини танлашлари қизиқиш уйғотади. 15-16 ёшли йигит ва қизлар ўзларидан катталарни дўст сифатида танлашади, уларнинг гапларини жон деб эшитишади, уларнинг хулқ-атворини кузатишади. Катталар билан дўстлашиш улар учун қадрлидир. Катталар билан эмоционал алоқага кириш эҳтиёжи баъзан ўз ҳаётий идеалларини топгандек, уларга берилиб кетишга ҳам олиб келиши мумкин.

Лекин тенгдошлари билан дўстлашиш эҳтиёжи ундан-да кучли намоён бўлади. “Ким билан дўстлашишни хоҳлардинг, ўзингдан катталар биланми, тенгдошларинг биланми, ёки ўзингдан кичиклар биланми?” деган саволга илк ўспиринларнинг кўпчилиги (75-85 %) тенгдошларини танлашган, катталарни (11-20%), ҳамда кичикларни жуда кам (1-4 %) танлашган. Қизлар ҳам кўпинча тенгдошларини танлашган, лекин кўпинча катталарни ҳам танлашган (39-50%), ўзларидан кичикларни ҳеч танлашмаган. (И.С.Жон ва В.А.Лосенков тадқиқотлари натижалари).

Дўст танлашдаги бундай фарқларнинг психологик моҳияти нимада? Француз психологи Б.Заззо ҳам ўз тадқиқотларида юқоридагидек натижаларни қўлга киритган. “Идеал дўст” ёши баъзи ҳар доим англамайдиган психологик эҳтиёжларни очади. Бунинг учун тенгдошларни танлаш тенг муносабатларга интилишни билдиради. Тенгдоши билан дўстлашиш ўхшашлик ва тенглик тамойилларига асосланади: “Мен билан тенг йигит билан мулоқот қилиш осон”, “Устимдан кулади, деб кўрқмасдан унга ҳамма нарсани айтиш мумкин”, “Ўзимни ақли кўрсатишга интилмасдан, қандай бўлса шундай ўзимни кўрсатишим мумкин, у билан ўзимни эркин тутаман”. Ўзидан каттароқ дўстни танлаш ғамхўрлик, раҳбарлик эҳтиёжини билдиради: “Мен билмайдиган нарсаларни айтиб бериши мумкин”.

Дўстларча яқинлик баъзи дўстларнинг ўхшашлигини билдиради. Лекин бундай ўхшашлик ҳар доим ҳамма нарсада кўринмайди. Америкалик психолог Д.Кэндел 1900 нафар дўстларни ўрганиб, баъзи объектив характеристикаларида (ижтимоий келиб чиқиш, жинс, ёш ва бошқаларда) ўхшашликни аниқлаган; дўстларнинг психологик хусусиятларида ва ижтимоий установакаларидаги ўхшашлик аҳамиятсиз бўлган.

Илк ўспиринлик давридаги дўстлик психологияси шахс хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Бунда аввало жинс фарқлари кузатилади. Қизларда ўғил болаларга нисбатан 1,5-2 йил олдин яқин дўстликка эҳтиёж пайдо бўлади, уларда дўстлик хиссиётларга бой.

Қизларда дўстликнинг мезонлари йигитларга нисбатан психологик мотивларга бой бўлиб, улар ёзилиб гаплашиб, бир-бирларига сирларини айтишга эҳтиёж сезишади.

Дўстликнинг индивидуал-психологик хусусиятлари кам ўрганилган. Ўспириннинг эмоционал ҳаётида янги бир ҳолат севги пайдо бўлади. Ўспиринлик севгиси соф, покиза, беғубор, хилма-хил кечинмаларга бой, ёқимли, ҳаёлга берилиш ва самимият белгиларига эга бўлади. Йигит ва қизларнинг севгини бошдан кечиришида бир-бирларини ҳурмат қилиш, дўстлик, ўзаро ёрдам, бир-бирини тушуниш каби ҳислатлар характерли бўлиб, улар бир-бирларидаги юксак маънавий сифатларни кадрлайдилар. Йигит ва қиз болалар ўртасидаги муносабатлар ўспиринлик ёшида фаоллашган бўлади. Ўртоқларига нисбатан муносабатлар доираси кенгайди, Айниқса, қизларда аралаш дўстлик эҳтиёжлари кенгайди. Болаларга хос 16-17 ёшларда биринчи жинсий мойиллик ва севги эҳтиёжлари кўрина бошлайди. Икки жинс ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Илк ўспиринларда кучли ва чуқур ҳис бўлган севги ҳисси акс эттирилган, кишига яхши таъсир кўрсатадиган бадиий адабиёт, кинофильм ва театрларга зўр қизиқиш пайдо бўлади. Ўз ҳиссиётларини ўзи ҳам қоғозда баён қилиш, кўпинча шеърий шаклда изҳор этиш эҳтиёжи туғилади.

Мабодо ана шундай ҳислар академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларида пайдо бўлса, унга қандай муносабатда бўлиш керак? Айрим ўқитувчилар ўқувчиларда ана шу ҳиснинг пайдо бўлишидан кўпинча чўчийдилар ва асабийлашадилар. Улар бу туйғуда “ёмон берилиб кетишлик”ни, “бемаврид ва зарарли севгини” кўрадилар, бу ўқишга ва жамоат фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайдилар. Таналар, бошқача назар билан қараш ва масҳара қилишлар, “балонинг олдини олиш”, “таъқиқ этилган муносабатларга чек қўйиш”, “йўл қўймаслик” каби ноҳўя уринишлар бошланади. Бу ҳисга кўпинча салбий муносабатда бўладилар.

Ваҳолангки, 16-17 ёшда бошқа жинсдаги кишига майл қўйиш ва қизиқиш билан қараш нормал ҳодисадир. 18 ёшда йигит ва қизлар никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўспирин севгиси ўз асос эътибори билан соғлом севги бўла олади. Самимий кечинмалар оламига қўполлик билан бостириб кириш сира ҳам мумкин эмас, бунинг устига йигит ёки қизнинг ана шу туйғуга берилгани учун унинг устидан қулиш, ҳақорат қилиш ва қойишга йўл қўйиб бўлмайди. Биринчи севги аломатларини авайлаш, уларга сезгирлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак. Лекин бу ана шу туйғуларга бепарво ва бефарқ қараш керак, деган маънони билдирмайди.

Бу туйғуларнинг қандай характер касб этиши, йигит ва қиз ўртасида қандай муносабатларни келтириб чиқариши ўқувчилар шахсининг маънавий даражасига боғлиқ. Кўп ҳолларда севги туйғуси йигит ва қизларга яхши таъсир кўрсатади. У йигит ва қизларга ўз камчиликларига барҳам беришга, шахснинг ижобий фазилатларини ҳосил қилишга интилишни вужудга келтиради, ўқиб-ўрганишга, қийинчиликларга қарши курашга ўргатади. Бу туйғу илк ўспиринларни покиза, мулоим қилади, уларда

олижаноб туйғулар ва интилишларни тарбиялайди. Ундай бўлса, нега бу туйғуга чек қўйиш керак? Аксинча, тарбиячи бундай туйғуни кадрлаши ва хурмат қилиши, унинг вужудга келишидаги софликни авайлаши, бу туйғунинг келгусида ҳам ҳар иккала томонга яхши таъсир кўрсатиши учун қўлидан келган ҳамма чорани кўриши (ҳеч бўлмаганда, ҳалакит бермаслиги) керак.

Ўспиринларда севги ҳисси бир қанча ҳолатларга боғлиқ. *Биринчидан* - жинсий етилиш; *иккинчидан* - ишонадиган, суюнадиган ва ҳар қандай нозик масалалар бўйича гаплашиш мумкин бўлган дўстга эҳтиёж; *учинчидан* - бу табиий инсоний эҳтиёж ҳисобланиб, инсон кўпинча ўзини ёлғиз ҳис қилганида кучли эмоционал боғлиқликка интилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича бундай туйғу кучайган шаклда биринчи бор илк ўспиринлик даврида юзага келади. Илк ўспиринлар ёлғиз бўлишни истамаганликлари учун ўзлари фаол равишда ўзаро яқин мулоқот, бир-бирлари билан интим муносабатни излайдилар. Баъзан ўспиринлар бу ҳисларга шунчалик берилиб кетадиларки, бошқа нарсалар мавжудлиги ҳақида мутлақо унутиб қўядилар. Бу даврда ўспиринларда севиш мумкин бўлган киз ёки йигит идеали пайдо бўлади ва кўп йиллар даврида бу идеал сақланиб туради. Ўспиринлар тасавуридаги идеал кимнидир ёқтиришига, севишига туртки бўлади. Ўспиринларнинг идеал образлари баъзан реал бўлмайди, яъни улар ҳеч кимни «*унга*» ўхшатмайдилар. Бу эса уларда ишончсизлик ҳамда ёлғизлик ҳиссини ҳам юзага келтириши мумкин. Илк ўспиринларга шу мавзуда бадиий адабиётлар ўқиш, кинофильмлар, театрлар томоша қилишни тавсия этиш ҳамда ёши улуғ кишилар билан суҳбатлар ўтказиш, уларга ўзларини келгуси ҳаётларини ўзларига мос турмуш ўртоқлар топиш масаласига жиддийроқ ёндошишларига ёрдам беради.

Республикамизда илк ўспиринлик даврида дўстликнинг психологик хусусиятларини ўрганишга бағишлаган тадқиқотларни **проф.Ф.Б.Шоумаров** раҳбарлигида **Ф.А.Ақромова** ўтказган. Унинг тадқиқотларида ҳам дўстликка доир юқоридаги натижалар олинган.

## 7.5. Илк ўспиринлик даврида ўз-ўзини англашнинг ривожланиши

Ўспиринларни ҳали тўла катта деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки уларнинг шахс хусусиятларида ҳали болаликни кузатиш мумкин. Бу уларнинг фикрларида, бераётган баҳоларида, ҳаётга ва ўз келажакларига муносабатларида кўзга ташланади. Кўпчилик ўспиринлар мактабни тугатиш вақтига келиб ҳам касб танлашга нисбатан масъулиятсиз ёндошадилар. Бу давр ўспириннинг ахлоқдан ўз-ўзини англаши ва барқарор “Мен” образининг шаклланиши шунингдек, ахлоқнинг янги босқичига ўтиши билан характерланади. Бу англаш оддийгина ўсишдан иборат бўлиб қолмасдан, у сифат жиҳатдан ўзига хос характерга эга бўлади, бу ҳол ўз шахсининг маънавий-психологик хусусиятларини конкрет ҳаётий мақсадлар ва интилишлар нуқтаи назаридан англаш ва уларга баҳо бериш эҳтиёжи билан боғлангандир.

Илк ўспириннинг ўзини ўзи англаши ўсмирнинг ўзини-ўзи англашидан худди шу томонлари билан фарқ қилади. Худди ана шу нарса илк ўспиринларда ўзининг психик ҳаётига, ўз шахсининг сифатларига, ўз қобилиятларига чуқур қизиқиш уйғотади, худди шунинг учун ҳам ўз хатти-ҳаракатларига назар ташлаш, ўз ҳис-туйғуларини ва кечинмаларини билиб олиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Ўз-ўзини англаш ўқувчининг ички кечинмалар дунёсига кириши билан боғлиқ эмас ва фойдасиз, мақсадсиз ўз-ўзини таҳлил қилишдан ҳам иборат эмас. Ўз-ўзини англаш ҳаёт ва фаолият талабларидан келиб чиқади. Жамоадаги янги вазият, теварак-атрофдагилар билан бўладиган янгича муносабатлар ўқувчини ўз имкониятларини баҳолашга, ўзининг шахсий хусусиятларини, ўзига нисбатан қўйилаётган талабларга жавоб бера олиши ёки жавоб бера олмаслиги нуктаи назаридан англашга мажбур қилади.

Илк ўспириннинг ўз-ўзини англашига оид бу қизиқарли хусусият куйидагилардан иборат. Илк ўспирин ўзининг кучли ва ожиз томонларини, ўзининг устунлиги ва камчиликларини ўсмирга қараганда яхшироқ ва чуқурроқ баҳолай олади. Бироқ ўсмир кўпинча илк ўспиринга қараганда ўзига тўғрироқ баҳо беради. Ўсмирда ўз-ўзини англашнинг ривожланишига бошқа кишиларнинг фикрлари таъсир қилади. Ўсмир гўё ўзига теварак - атрофдагилар кўзи билан қарайди, унинг айнан ўзи ҳақидаги фикрлари кўпинча ота-оналари, ўқитувчилари ва ўртоқларининг фикрларини такрорлайди. Табиийки, унинг ўз-ўзига баҳо бериши ҳам анча объектив бўлади, чунки у теварак-атрофдагиларнинг объектив баҳосини такрорлайди. Бу ҳол академик лицей ва коллеж ўқувчиларида бошқача бўлади.

Ёшнинг ортиши билан унда ўз шахсини, ўз хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини мустақил таҳлил қилиш ва баҳо бериш тенденцияси кучаяди. Ўз-ўзига баҳо бериш эса ҳамisha ташқаридан берилган баҳога қараганда кийинроқдир. Шунинг учун илк ўспирин ўзининг шахсий хусусиятларини ва хатти-ҳаракатларини ўсмирга қараганда яхшироқ таҳлил қила олмаса ҳам, ўзига айрим ҳолларда объектив баҳо бера олмайди. Шунинг учун улар кўпинча ўз шахсларига ортикча баҳо берадилар, ғайри табиий манманлик, кеккайиш, такаббурлик, кибрланиш ҳолларига йўл қўядилар, теварак-атрофдаги кишиларга менсимасдан муносабатда бўладилар; бошқалар эса ўзларига ғайри-табиий равишда етарли баҳо бермайдилар, ўзларини “ўртамиёна”, “арзимас”, “оддий ва кўзга ташланмайдиган одам” деб ҳисоблайдилар.

Интеллекти яхши ривожланган ўспиринлар катталарни ташвишга солаётган масала муаммоларини тушуна оладилар ва уларни муҳокама эта оладилар. Ўспиринлар жуда кўп муаммоли саволларга жавоб ўйлайдилар. Уларнинг диққатини кўпроқ ахлоқий масалалар тортади. Илк ўспириннинг ўз-ўзини англаши ўсмирнинг ўз-ўзини англашидан шу жиҳатлари билан фарқланади. Худди ана шу нарса илк ўспиринни ўзининг психик ҳаётига, ўз шахсининг сифатларига, ўз қобилиятларига чуқур қизиқиш уйғотади, худди шунинг учун ҳам ўз хатти-ҳаракатларига назар ташлаш, ўз ҳис-туйғуларини ва кечинмаларини билиб олиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Агар ўсмирнинг

тушунчасида сезгир киши ҳаминша бошқаларга ёрдам кўрсатса, илк ўспирин ёшидаги ўқувчилар эса бунда анча нозик тафсилотларнинг ҳам фарқига борадилар, улар сезгирлик – айниқса қандай ёрдам зарурлигини ҳис қила билиш ва у ана шу ёрдамни усталик билан кишини хафа қилмасдан, кўрсата олишдан иборат деб ҳисоблайдилар.

Ўсмир ўзининг ҳозирги аҳволига мувофиқ равишда ўзига баҳо беради, катта мактаб ёшидаги ўқувчи ўзининг келажагига мувофиқ равишда ўзига баҳо беради. Ўсмир ўзича: “Мен мактаб жамоасининг аъзоси сифатида қандайман?” деб савол беради. Илк ўспирин эса ўзига: “Мен келгуси мустақил ҳаёт учун қандайман? Мен унга яроқлиманми?” –деб савол беради.

Илк ўспирин шахсга, умуман унинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳо бера билса, ўсмир ўзининг шахсига айрим ишлар, хатти-ҳаракатларга қараб баҳо беради ва бу баҳони умуман шахсга татбиқ этади.

Илк ўспиринда ўзи, ўз шахси тўғрисида тўғри, объектив тасаввур ҳосил бўлиши учун унга кўп ўйлаб, усталик билан ёрдам кўрсатиш керак. Агар ўқитувчининг берган баҳоси дўстона ва тўғри бўлса, унинг фикрлари илк ўспириннинг имкониятларига чуқур ишонч билан, унинг шахсини чуқур ҳурмат қилиш билан айтилган бўлса, ҳатто ўқитувчининг билдирган кескин танқидий мулоҳазалари ҳам одатда етарли даражада диққат-эътибор ва миннатдорчилик билан қабул қилинади.

Агар кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун ахлоқий масалаларни ечиш манбаи - ўқитувчилар бўлса, ўсмирлар бу саволларга жавобни кўпроқ тенгдошлари даврасидан кидирадилар. Ўспирин ёшдагилар эса саволларга тўғри жавобни топишда кўпроқ катта кишилар фойдаланадиган манбаларга мурожаат этадилар. Бундай манбалар асосан реал, кўпқиррали, мураккаб инсоний муносабатлар ва илмий-оммабоп, бадийий, публицистик адабиётлар, санъат асарлари, матбуот, радио, телевидение бўлиб ҳисобланади. Бугунги ўспиринларга ҳаётга нисбатан ҳушёр, ақлий-амалий қараш, эркинлик ва мустақиллик хос. Улар ҳаққоний бўлиш тушунчасига ҳам реал тарзда ёндашадилар. Лицей ва коллежни тугаллаш вақтига келиб, жуда кўп ўспиринлар ахлоқий жиҳатдан шаклланган ва маълум ахлоқ нормалари қатъийлашган хусусиятларга эга бўладилар.

Ўспиринларда ахлоқий дунёқараш билан бир қаторда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, диний ва бошқа соҳалар бўйича маълум бир қарашлар вужудга келади. Жуда кўп йиллардан бери ўспиринларни яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ноқонунийлик, ахлоқийлик ва ахлоқсизлик масалалари ташвишлантириб келади. Ҳозирги давр ўспиринлари ҳар бир нарсага ишонувчан ёки салбий муносабатлар бўлмай, балки ҳаётга реал, ақлий, амалий қарайдиган, кўпроқ эркин ва мустақил бўлишга интилувчи ёшлардир.

Ўспиринлар онгли равишда эгалланган ахлоқ нормалари асосида ўз хатти-ҳаракатларини йўлга солишга интиладилар. Бу эса, аввало ўспирин ўзини англашининг ўсишида намоён бўлади.

Ўзини англаш мураккаб психологик структура бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- янги шэзоилга мослашишдаги фаоллик;

- заору бугилган вазирларни танлаш ташаббуси, ўз иктиёси билан янада оғирроқ масалаларга қарайлиш, Д.Б. Богоявленская фикрича, бу нўрсаткичлар ижодий фаолликнинг интеллектуал ташаббуси бўлиши нобатида қаралиши мумкин;

- қўйилган мақсадга зориқ шудаги қатъиятлик ва "челленгчи оммиллазга чидамлилик", қалайит беришни ҳолатларда ишлаш олиш қобилияти;

- ҳўбул қила олиш, бошқа кишининг ёрдамига тайёрлик, қўбилишнинг йўндоғи.

Бу нарса уларнинг алохида шахс эканлигини тан олишга интилишида ўз ифодасини топади. Бунинг учун айрим ёшлар турли модаларга майл қўйиш, тасвирий санъатга, муסיқага, касб-хунарга, табиатга мафтункор кизиқишларини намойиш қилишга ҳаракат қиладилар. Ўқув ва меҳнат жамоалари таъсирида матонат, жасурлик, сабр-токат, камтарлик, интизомлилик, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар такомиллашади. Худбинлик, лоқайдлик, мунофиқлик, лаганбардорлик, дангасалик, кўрқоклик, ғайирлик сингари иллатларнинг барҳам топиши тезлашади.

Ўспиринлар шахсининг шаклланиши жараёнида жамоат ташкилотларининг роли алохида аҳамият касб этади. Уларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятлилик, масъулиятлилик, ўз ҳаракатларини танкидий баҳолаш сингари фазилатлари барқарор хусусият касб этиб боради. Ўспирин йигит ва қизларнинг жамоатчиликда фаол иштирок этиши орқали муайян ташкилотчилик қобилияти намоеън бўлади. Ўзининг кимлиги, қандайлиги, қобилиятлари, ўзини нимага ҳурмат қилишини аниқлашга интиладилар. Дўст ва душманларининг кимлиги, ўз истаклари, ўзини ва теvarак-атрофни, оламни яхши билиши учун нима қилиш кераклигини англашга ҳаракат қилади. Маълумки, ўспиринларнинг ҳамма саволлари анланган бўлмайди. Баъзан ўспиринлар ўзларидан ҳеч қаноатланмайдиган, ўз олдларига ҳаддан 1 шқари кўп вазифалар қўядиган, лекин унинг урдасидан чиқа олмайдиган бўлади. Мана булардан кўриниб турибдики, ўспиринлар ўз-ўзини анализ қилиш теранлиги ва юксак талабларни бажариш кераклигини ўзида акс этира борадилар. Бу эса ўспиринларнинг келгуси ютуқлари шартларидан биридир.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шахснинг илк ўспиринликдаги энг муҳим ҳислатларидан бири ўз-ўзини ҳурматлаш, ўз-ўзига баҳо бериш ҳамда ўзини шахс деб тан олиш ёки олмаслик даражасидир. Ўспиринлар ўзларида шахснинг муайян комплекс сифатларини ҳосил қилишга интиладилар. Уларни ўз-ўзини тарбиялаш борасида бир бутун маънавий психологик кифёани шакллантириш масаласи қизиқтиради. Бунда шахс идеали ва намунанинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Масалан: ўғил болалар - қаҳрамонлик, яхши ота, тадбиркор, ўқитувчи, врач ёки бадий асар ҳамда кинофильмдаги образларни ўзларига идеал деб билсалар; кизларимиз меҳнаткаш аёл, жозибали жамоат арбоби, назокатли уй бекаси ёки илмий ходим ва бошқаларни идеал деб биладилар.. Ўзаро муносабат ва эмоционал ҳаёт ўз мавқеини белгилашнинг мураккаб муаммоларини ўспириннинг ўзи ҳал қила олмайди. Бу масалани ўспириннинг ота-онаси, ўз тенгқурлари, ўқитувчилар иштирокида уларнинг қўллаб-қувватлашида ҳал қилиши мумкин.

Ўспиринларни минг йиллаб ташвишлантираётган ахлоқий муаммолар бу – яхшилик ва ёмонлик, адолат ва қонунга хилофлик, тартиблилик ва маъсулиятсизлик ва ҳоказо. Ҳозирги илк ўспиринлар кўп асрлар олдин яшаган йигит ва кизлардан фарқ қилмасалар-да, уларга ҳаётга амалий нуқтан назардан қараш хос бўлиб, кўпроқ мустақиллик ва эркинлик хос.

Дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган жўшқин ижтимоий ходисалар, ўзгаришлар ёш авлодга мустақил танлаш, барча насада шахсий йўналганлик, мустақил қарор қабул қилиш имконини бермоқда. Замонавий йигит ва кизларнинг психологиясини ҳаётнинг ўзи бир неча ўн йиллар илгари яшаган тенгдошларидан фарқ қиладиган психологияни шакллантирмоқда. Бу ҳислатлар қуйидагилар: ахлоқий характерга эга бўлган кўп муаммоларни қўйиш ва ҳал қилиш, мустақиллик, фикрларнинг ҳар доим тўғри эмаслиги, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва диний муаммоларни ҳал қилиш.

Республикаимиз психологлари томонидан илк ўспиринлар шахсининг психологик хусусиятларини ўрганишга бағишлаган қатор тадқиқотлар ўтказилган. Шундай тадқиқотлар сирасига **А.Жабборов** раҳбарлигида ўтказилган **О.У.Авлаевнинг** таянч-ҳаракат аъзолари бузилган илк ўспиринларнинг шахс хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотини келтириш мумкин.Тадқиқот натижасида муаллиф қуйидагиларни аниқлаган: Таянч-ҳаракат аъзолари бузилган контингентлар шахсининг мотивациялари мазкур ёшдаги соғлом тенгдошлари сингари бир хилдаги муносабатни намоён қилганига қарамай уларнинг имкониятлари шахслик позициясидан чекланиб қолади. Ички мотив, билиш мотиви, мусобақалашув мотивларидаги натижалар нисбий маънода тенгликни ифодаласа-да, аммо уларнинг ўзини ўзи ҳурматлаши соғлом тенгдошларига қараганда анча паст кўрсаткичли мотив даражасини намоён этади.

Демак илк ўспиринлик даври катта мустақил ҳаётга қадам қўйиш бўсағасидир.

## 7.6. Илк ўспиринлик даврида ўқув касбий фаолиятнинг етакчи фаолиятга айланиши ва касб танлаш муаммоси

Илк ўспиринлар шахсининг тараққиётида ижтимоий фойдали меҳнатнинг роли катта. Илк ўспиринлар меҳнати фақат ўзининг моддий натижа бериши томони билангина муҳим эмас. Бу ёшдагиларнинг меҳнатини тўғри ташкил этиш шахснинг коллективизм, умум фойдаси учун қилинадиган меҳнатга муҳаббат, ташаббускорлик, мақсадга интилувчанлик, интизомлилик, қатъиятлилик сингари сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради. Ўқувчилар умумий меҳнатда қатнашар эканлар, меҳнатни ва меҳнат кишиларини ҳурматлаш туйғусини ҳосил қиладилар, уларда меҳнат қилиш эҳтиёжи ва истаги пайдо бўлади.

Меҳнат жараёнида ўқувчиларда янги туйғулар – ўз меҳнатидан қувониш, яратилган нарса билан фахрланиш туйғуси, кўп куч-ғайрат сарфлагандан кейин эришилган ғалабадан қаноат ҳосил қилиш туйғуси вужудга келади. Ана шу янги қувончли эмоция ўқувчини яна бир марта бу туйғуларни бошдан кечириш учун тагин меҳнат вазиятига жалб қилади. Меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти ва унинг натижаларига ижтимоий баҳо бериш – ўқувчини меҳнатга психологик жиҳатдан тайёрлашнинг зарур томонларидан биридир.

Жамоада меҳнат қилишда унинг тарбиявий аҳамияти кучли бўлади. Жамоавий меҳнат, ўзаро меҳнат маъсулияти илк ўспирин шахсини таркиб топтиришда катта роль ўйнайди. Жамоа бўлиб меҳнат қилиш ўқувчиларнинг меҳнатда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тажрибасини, бир-бирларини назорат қилиш тажрибасини ҳосил қилишларига имкон беради, меҳнатнинг умумий натижаларидан шахсий манфаатдорликни, ўз хатти-ҳаракатларини жамоа манфаатларига бўйсундириш одатини таркиб топтиради. Илк ўспиринлик ёши – меҳнат ҳаётида ўз-ўзини аниқлаб олиш ёши бўлиб, бу вақтда ўқувчи ўзининг меҳнатдаги истеъдодини жиддий равишда излай бошлайди, унда ўзининг келажақдаги касбини белгилаб олиш интилиши пайдо бўлади. Ўсмирлардан фарқли равишда илк ўспиринлар касбни ўйлаб танлайдилар, нима учун шу касбни танлаганликларини асослаб берадилар. Уларнинг кўплари ўзларининг индивидуал жисмоний ва психик хусусиятларини бирор касб кишисига қўйиладиган талаблар билан таққосламоқчи бўладилар. Бунинг натижасида илк ўспиринлар амалий жиҳатдан масалага яқинлашиб қоладилар ва ўз қизиқишлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олиб, ҳақиқий касбларни тилга ола бошлайдилар.

Минг-минглаб касблар бор, лекин муайян меҳнат турига индивидуал мойиллик билан унга бўлган қобилият ва унинг ижтимоий аҳамиятига юқори баҳо бериш бирга қўшилиб кетган вақтдагина чин юракдан танланган касбгина кишига маънавий қониқиш ва жамиятга фойда келтиради. Илк ўспиринлар учун характерли хусусият – касбларга кескин танлаб муносабатда бўлишдир. Улар айрим касбларни юксак баҳолайдилар, ўқувчиларнинг кўз ўнгида бу касбларнинг ижтимоий мавқеи улуғдир. Бошқа касбларнинг ижтимоий мавқеи жуда паст.



Касбий ниятларнинг барқарорлигини ўрганиш юзасидан **Н.И.Крилов** ўтказган текшириш шунини кўрсатдики, ҳатто ўз ниятларини амалга ошириб, олий ўқув юртига кирган талабалар орасида ҳам кўплари ўзларининг ким бўлишларини охиригача ҳал қилмаганлар. Бунга сабаб ёшларни мазкур олий ўқув юртига олиб келган қасб ҳақидаги тасаввур билан бу касбнинг ҳақиқий, амалий мазмунини ўртасидаги номувофиқликдир. Ўзининг касб танлаш бўйича тақдирини тасодифан ҳал этиш мураккаб кечинмаларга, танлаган касби соҳасида иккиланишларга, оғир ички низоларга олиб келиши мумкин. Бу эса йигит ва қизлар учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар келтиради.

Касб танлаш ниманинг таъсири остида рўй беради? Бундай танлашнинг мотивлари нима?

Кўпдан-кўп материаллар мактаб ўқувчиларида ўзларининг келажакдаги касбларига қизиқишни тарбиялашда мактаб ва ўқитувчиларнинг маълум даражада роль ўйнашини кўрсатади. Бир қанча тадқиқотларнинг берган маълумотларига қараганда, сўраб чиқилган ўқувчиларнинг 40-50 % келажакдаги касбни танлашга бирор ўқув предметида бўлган қизиқишлари сабаб бўлганлигини айтади. Кўпгина ўқувчилар халқ хўжалиги учун зарур бўлган касбларни танлайдилар, бунга Ватанга фойда келтириш истагини сабаб қилиб кўрсатадилар, лекин бу касбларни ўзларининг индивидуал хусусиятларига, қобилиятларига мувофиқ келади, деб ҳисобламайдилар. Илк ўспириларнинг кўпчилиги касб танлашга мотив қилиб ўз қобилиятларини кўрсатадилар. Кўп ўқувчилар эса оилавий анъаналарнинг мавжудлигини, моддий-маиший таъминланганлик сабабини, дўстлар ва ўртоқларидан намуна олганлигини мотив қилиб кўрсатиб ўтадилар. Айрим ҳолларда иш жойи ёки олий ўқув юртининг уйдан яқинлиги ва бошқалар мотив бўлган.

Илк ўспириларнинг қизиқишларини характерлаганда аввало шунини айтиш керакки, йигит ва қизлар одатда худди шу ёшда бирор фанга, билим тармоғига, фаолият соҳасига бўлган ўзларининг қатъий специфик қизиқишларини белгилаб оладилар. Илк ўспирин ёшидаги бундай қизиқиш шахснинг билиш-профессионал йўналишининг таркиб топишига олиб келади, йигит ёки қизнинг мактабни тамомлагандан кейин қандай касб танлашини, ҳаёт йўлини белгилаб беради. Ана шундай махсус қизиқишнинг мавжудлиги муайян соҳадаги билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга доимий интилишни рағбатлантиради: катта мактаб ёшидаги ўқувчи зарур адабиёт билан актив равишда танишиб боради, тегишли тўғарақларда бажонидил шуғулланади.

Илк ўспиринлик ёшида билишга оид қизиқишлар тобора кенг, қатъий ва амалий характер касб этади. Ўқувчиларнинг қизиқишлари кенг ва хилма-хил бўлиб боради: техникага, табиётга, ижтимоий-сиёсий масалаларга, фалсафий-ахлоқий масалаларга, спортга қизиқиш ортади.

## 7.7. Илк ўспиринлик даврида касбга йўналтиришнинг психологик муаммолари

Илк ўспиринларга хос хусусиятлардан бири ҳаётий режаларнинг шаклланишидир. Бир томондан ҳаётий режалар шахс ўз олдига қўйган мақсадларни умумлаштириши ва мустаҳкамлаши натижасида вужудга келади. Бошқа томондан мақсад ва мотивларнинг қонкретлашиши жараёни рўй беради.

Ҳаётий режа – бир вақтнинг ўзида ижтимоий ва ахлоқий ҳодисадир. Ким бўлиш (касбий ўзликни англаш) ва қандай бўлиш (ахлоқий ўз-ўзини англаш) муаммолари ўсмирлик даврида фарқланмайди. Ўсмир ва ўспиринларнинг ҳаётий режалари тарқоқ бўлиб, уларнинг амалий фаолиятига мос келмайди. Илк ўспиринлар “Ҳаётий режаларингиз борми?” деган саволга “ҳа” деб жавоб беришган, лекин кўпчилик ҳаётий режа сифатида ўқиш, келажакда қизиқарли иш билан шуғулланиш, содик дўстларга эга бўлиш ва кўп саёҳат қилиш деб таъкидлашган.

Ҳаётий режа фақат сўнги натижагина эмас, унга эришиш усул ва йўллари, унга зарур бўладиган объектив ва субъектив имкониятлар эътиборга олингандагина бу сўзнинг асл маъноси вужудга келади. Фаол ва ҳаёлотга берилувчан орзудан фарқли равишда, ҳаётий режа – бу фаолият режасидир, у биринчи навбатда касб танлашга боғлиқ.

Илк ўспирин учун касб танлаш аввало ахлоқий муаммодир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам шахс меҳнат қилиш ҳуқуқи билан бирга, ўз қобилияти, лаёқати ва қизиқишига кўра касб танлаш ҳуқуқига эгалиги таъкидланган.

Бугунги кунда касб танлаш ҳар хил нуқтаи назардан қараш мумкин бўлган кўп ўлчовли ва кўп даражали жараёндир. Биринчидан, жамият шаклланаётган шахс олдига қўйган вазифалар серияси сифатида, уларни шахс маълум вақт давомида кетма-кет ҳал қилиши зарур. Иккинчидан, индивид ўз қизиқиш ва лаёқатларини шакллантирадиган қарор қабул қилиш жараёни сифатида намоён бўлади. Учинчидан, ҳаётнинг индивидуал услубини шакллантириш жараёни сифатида, касбий фаолият унинг бир қисми сифатида намоён бўлади. Бу уч нуқтаи назар ўзаро бир-бирини тўлдирадиган ишнинг ҳар хил томонларидир.

Ёш даврлари психологиясида касб танлаш бир неча босқичдан иборат.

Биринчи босқич – *болалар ўйинлари* бўлиб, унда бола ўзига ҳар хил касбий ролларни қабул қилади ва шу билан боғлиқ хулқ-атворнинг алоҳида элементларини “ўйнайди”.

Иккинчи босқич – *ўсмирлик ҳаёли* бўлиб, ўсмир орзуларига, ўзини у ёки бу қизиқарли касбнинг намоёндаси сифатида кўради.

Учинчи босқич – илк ўспиринлик даврини қамраб олади – *дастлабки касб танлашдир*. Ҳар хил фаолият турлари ўсмирнинг *қизиқишлари* томонидан сараланади ва баҳоланади (“Мен тарихий романларни ёқтираман, тарихчи бўламан”), кейин *қобилиятлари* нуқтаи

назаридан касб танлашга ҳаракат қилинади (“Мен математикани яхши ўзлаштираяпман, математик бўлсаммикан?”, энг сўнггида *қадриятлар тизими* нуктаи назаридан қараб чиқилади (“Мен касал одамларга ёрдам беришни хоҳлайман, врач бўламан”; “Кўп пул топишни хоҳлайман, қайси касб бу талабга жавоб беради?”). Қизиқишлар, қобилиятлар ва кадриятлар касб танлашнинг ҳар бир босқичида намоён бўлади. Фанга қизиқиш ўқувчини у билан кўпроқ шуғулланишга ундайди, бу эса унинг қобилиятларини ривожлантиради, қобилиятлар эса фаолият муваффақиятини таъминлайди ва қизиқишларни мустаҳкамлайди.

Тўртинчи босқич – *амалий қарор қабул қилиши*, касб танлаш босқичи бўлиб, ўз ичига икки бош таркибий қисмини олади: аввал бирор фаолият билан шуғулланиш истаги пайдо бўлади, кейин эса қонкрет соҳа танланади (“Ўқитувчи бўламан”, “Математика ўқитувчиси бўламан”). Касб танлаш кўп босқичли жараён: 9-синф ўқувчилари академик лицейга ёки қайси касб –хунар коллежига топширишларини танлашлари зарур. Қизиқишлар, қобилиятлар ва кадриятлар йўналганлигидан ташқари қарор қабул қилишда ўзининг имкониятларини – оиланинг моддий шароити, ўқув тайёрлиги даражаси, соғлиғи ва бошқаларни ҳисобга олиш ҳам муҳим роль ўйнайди.

Касб танлаш илк ўспириндан икки хил маълумотни талаб қилади: касб дунёси ва ҳар бир касбга қўйиладиган талаблардан хабардорлик; ўз қобилиятлари ва қизиқишларини билиш. У маълумот ҳам бу маълумот ҳам илк ўспиринларга етишмайди. Илк ўспиринларнинг ҳаётий режаларини амалга ошириш ва касб танлаши ижтимоий шароитларга, айниқса ота-онанинг умумтаълим даражасига боғлиқ. Ота-онанинг таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, фарзандларининг олий-ўқув юртида ўқишни давом эттириши ва бу режаларни амалга ошириш эҳтимоли шунчалик юқоридир. Ҳаётий режаларни амалга ошириш эҳтимоли йигитларда қизларга нисбатан юқоридир.

Касбий йўналганлик нафақат ижтимоий, балки психологик муаммо ҳамдир. Психологияда касбий йўналганлик бўйича уч назарий нуктаи назар мавжуд.

Биринчи нуктаи назар фаолиятнинг муваффақияти ва усуллари боғлиқ бўлган индивидуал хусусиятларнинг амалий ўзгармаслиги ва барқарорлиги ҳақида ғояга асосланган. Бунда биринчи томондан, у ёки бу ишга мос инсонларни *касбга йўллаш ва танлашга* урғу берилади, иккинчи томондан у ёки бу инсоннинг индивидуал хусусиятларига мос касбларни танлашда намоён бўлади.

Иккинчи нуктаи назар *қобилиятларни мақсадга мувофиқ шакллантириш* ғоясидан келиб чиқади, бунда ҳар бир инсоннинг муҳим хислатларини ривожлантириш назарда тутилади. Юқорида келтирилган бу икки нуктаи назар ҳам ҳар хил шакллантирилиши мумкин, лекин уларнинг умумий методологик камчилиги шундаки, индивидуаллик ва меҳнат фаолияти ўзаро боғлиқ бўлмаган, бир-бирига қарама-қарши, бири иккинчисини албатта бўйсундирадиган катталиклар сифатида қаралади.

Учинчи нуқтаи назар психологиядаги онг ва фаолиятнинг бирлиги тамойилдан келиб чиқади, *фаолиятнинг индивидуал услубини* шакллантиришга йўналтирилган. Ушбу концепция Е.А.Климов илгари сурган куйидаги қарашларга асосланади:

1. Фаолиятнинг муваффақияти учун муҳим бўлган амалий тарбияланмайдиган шахсий (психологик) хислатлар мавжуд.

2. Касбий фаолият шароитларига мослашишнинг меҳнат маҳсулдорлиги бўйича бир хил бўлган, ҳар хил усуллари мавжуд.

3. Алоҳида қобилиятларнинг кучсиз ифодаланганлигини машқ қилиш ёки бошқа қобилиятлар ёки иш усуллари ёрдамида баргараф этишнинг кенг имкониятлари мавжуд.(секин жавоб қайтариш қобилиятини тайёрланиш тадбирларидаги ўта диққатлиликл билан тўлдириш мумкин; бир шароитдаги фаолиятнинг сусайишини, инсон сунъий равишда фаолиятни ўзгартириши мумкин – ҳаракатлар тартибини ўзгартириши ёки объектлар рангларини ўзгартиради деб тасаввур қилиши мумкин).

4. Шахснинг индивидуал ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда қобилиятларни шакллантириш зарур, ташқи шароитларни ҳисобга олган ҳолда ички шароитларни ривожлантириш.

Касб танлашда касбий маслаҳат жуда муҳим ҳисобланади. Бу жиддий тайёргарликни талаб қиладиган кийин ишдир. Ҳозирги вақтда ҳар бир мактаб психологи томонидан ўтказиладиган 9-синф ўқувчилари билан олиб бориладиган касбга йўналтириш ишлари бўйича диагностик ва маслаҳат ишлари бунга яққол мисол бўла олади.

Касб танлашда – касб танлаш амалга ошириладиган *ёш*, илк ўспириннинг *маълумотлиликл даражаси* ва унинг *интилиш даражаси* муҳим омиллар ҳисобланади.

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, касб танлаш мураккаб ва узоқ жараён. Муаммо на фақат умумий давомийликда, балки босқичларнинг кетма-кетлигида ҳамдир. Бу ерда иккита хавф мавжуд. Улардан биринчиси илк ўспиринларнинг касб танлаш жараёнини аниқ ва барқарор қизиқишлари бўлмаганлиги учун кейинга қолдиришидир. Бу кейинга қолдириш умумий етукмаслик, хулқ-атворнинг инфантиллиги билан қўшилади. Бу ҳолат касб танлаш жараёни катталикл ва барқарор “Мен” образининг, ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг асосий компонентларидан бири эканлигини эсга олсак тушунарли бўлади.

Ота-оналарнинг уринишлари (айниқса зиёли оилаларда кўп учрайди) тўғридан-тўғри психологик таъсир кўрсатиш ёрдамида бу жараённи тезлаштироқчи бўладилар (“Сен қачон касб танлайсан? Мен сенинг ёшингда ...”). Бу эса болаларда хавотирланишни кучайтириб, баъзан ҳеч қандай касб танламасдан, турли сеvimли машғулотларни танлашгача бўлган салбий натижаларга олиб келади. Бунда ўз вақтида ўқиш давомида болаларнинг қизиқишлари ва дунёқарашини кенгайтириш, ҳар хил фаолият турлари билан таништириш, амалий меҳнат кўникмаларини шаллантириш сифатида ёрдам кўрсатиш мумкин.

Эрта касбий танлаш ижобий омил ҳисобланса-да, унинг ҳам ўзига яраша камчиликлари бор. Ўсмирларнинг қизиқишлари тасодифий, вазиятли омилларга боғлиқ. Ўсмир фақат фаолиятнинг мазмунига қараб иш тутади, унинг бошқа жиҳатларини пайқамайди.

Илк ўспиринларнинг бўлажак касблари ҳақида *хабардорлик даражаси* ҳам муҳим ҳисобланади. Йигит ва қизлар улар танлайдиган касблар доирасини, ҳар бир касбнинг аниқ хусусиятларини билмаганликлари учун касбни тасодифан танлайдилар. Касб ҳақида маълумотга эга эмаслик олий ўқув юртига кирганлар орасида ҳам учрайди. “Бўлғуси касбингизнинг характери, мазмуни ва шароитидан хабардормисиз?” деган саволга талабаларнинг тўртдан бир қисмигина “ха” жавобини беришган. Инсон касб танлаётган вақтида қанчалик кичик бўлса, унинг касб танлаши шунчалик мустақил бўлмайди, шахсий қадриятлар тизими асосида эмас, маълумотларнинг етарли бўлмаганлиги туфайли кимнингдир тавсиясига кўра амалга оширилади.

Касб танлаш маълум *шахсий интилиш даражасини* акс эттиради. У ўз объектив имкониятларини ҳамда қобилиятларини баҳолашдан иборат. Бундан ташқари унга субъект томонидан англаб қўйилмайдиган касбга қўйиладиган талаблар ҳам таъсир қилади. 15-17 ёшли йигит ва қизларнинг интилиш даражаси кўпинча юқори бўлади. Бу нормал ва фойдали ҳолат бўлиб, ёшларни янада изланишга ва қийинчиликларни бартараф этишга ундайди. Дастлабки ҳаётий муваффақиятсизлик туфайли, масалан олий ўқув юртига топширишга уринишдан келиб чиқадиган жароҳатдан қандай қутулиш мумкин?

Баъзи конкурстан ўта олмаган ёшлар уларнинг барча ҳаётий режалари пучга чикқанлиги, тўғрилаб бўлмайдиган ҳалоқат рўй берди, деб ўйлайдилар. Лекин социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, олий ўқув юртида ўқишни жиддий ҳоҳловчилар ўзларининг ҳаётий режаларини кейинроқ ҳам амалга ошириши мумкин.

Инсоннинг ёши улғайган сайин ҳаётий қадриятлари ва ҳаётий режалари ўзгариб боради. Олий ўқув юртига киришни хоҳлаганлар, дастлаб ўқишга кирганлари учун хурсанд бўладилар. Касбни тўлиқ ўйлаб танламаганлар учун кейинчалик қийинчиликлар вужудга келади: уларнинг айримлари ўқишни эплай олмайди, бошқа бирлари танлаган мутахассисликдан қўнгли тўлмайди, яна бошқалари олий ўқув юртини тўғри танлаганига шубҳаланади. **Л.В.Лисовский** тадқиқотларидан маълум бўлишича, “Яна касб танлашга тўғри келса, яна шу касбни танлармидингиз?” деган саволга сўралганларнинг учдан бир қисми рад жавобини беришган. Юқори курсларда танлаган касбидан қониқадиганлар камаймасдан, аксинча ортиб боради.

Буни ҳар хил сабаблар билан тушунтириш мумкин: олий ўқув юртидаги ўқитиш даражаси билан, ўқувчилик вақтида пайқамаган бўлғуси касбнинг салбий жиҳатларини кўриш билан ва ҳ. Кўпчиликда қониқмаслик ривожланишдаги инқирозли оддий нуқта бўлиб, амалиёт бошланганда буларнинг бари йўқолиб кетади. Ёш мутахассис ишга тушганда янги қийинчиликлар вужудга келади. Уларнинг баъзилари юқори маъсулият

хиссига жавоб бера олмайди, баъзиларда эса талаблар олинган билим даражасидан анча куйида бўлади. Шундай қилиб, ривожланишнинг олий ўқув юртидаги варианты низолардан ҳоли эмас.

Инсоннинг ҳаёт йўли турли тумандир. Илк ўспириликда инсон ҳаёт йўлини ўзи танлайдигандек туюлади, лекин унинг касб танлашига тарбия, муҳит ва бошқалар ҳам таъсир қилади. Касб-хунар коллежи ёки лицейни битиргандан сўнг шахсий бўлмаган ташқи омилларнинг таъсири янада кучли бўлади. **В.Н.Шубкиннинг** таъкидлашича, биз танлайдиган йўллардан бошқа бизларни танлайдиган йўллар ҳам мавжуд. Олий ўқув юртини тугаллаган ёшлар таълимни ҳаётни мазмунли ва қизиқарли қилиш воситаси сифатида ҳамма нарсадан устун қўйишади. Ишлайдиган ёшлар эса таълимнинг моҳиятини жамиятга кўпроқ фойда келтиришда деган фикрдалар.

Ўспиринлар турли касбларни турлича баҳолайдилар. 17 ёшлилар касбларни контраст “оқ-қора”, мавҳум деб баҳоласалар, 25 ёшлилар ўзларининг ҳаёт йўллари билан баҳолайдилар. Муваффақиятли касбга йўналтиришнинг муҳим шартларидан бири ўқувчиларнинг меҳнатга тўғри муносабатда бўлиши ва уларнинг фаоллигидир.

Касбга йўналтириш – шахснинг ижтимоий тақдирини белгилашнинг таркибий қисмидир. Касб танлаш - ҳаёт мазмуни ҳақидаги ўйлари ва шахсий “Мен” табиати билан мос келганда муваффақиятли ҳисобланади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаларида **З.Т.Нишанова** раҳбарлигида ўтказилган **Д.Ходжакулова** тадқиқотларида сўралганларнинг ярмиси яна шу касбни танлашларини таъкидлаб, тасдиқ жавобини беришган, учдан бир қисм талабалар эса иккиланишларини баён этишган. Талабаларда касбий йўналганликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига фаол мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш учун куйидагиларни тавсия этиш мумкин:

1. Олий ўқув юртидаги таълим жараёнида ҳар бир талабанинг барқарор касбий йўналганлиги шаклланишига ёрдам бериш учун таълимнинг муваффақиятини таъминлайдиган психологик феноменлар мажмуини ҳисобга олиш зарур.

2. Олий таълим давомида ҳар бир талабага индивидуал ёндашувни амалга оширмақ, касбий йўналганлик имкониятларидан кенгрок фойдаланиш лозим.

3. Талабаларнинг анчагина қисми касбни англамай тасодифан танлаганликларини ҳисобга олиб, олий ўқув юртидаги таълим жараёнида талабаларда дунёни касб нуқтаи назаридан кўришни шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар тизимини тавсия этиш мумкин.

4. Кўпчилик талабалар ҳозирги замон масалалари билан алоқаси борлиги, илмийлик, муаммолик, билимининг чуқурлиги, таълимда кўрсатмалик ва техника воситаларининг қўлланилишини мутахассислик фанларини ўқитишдаги ижобий жиҳатлар сифатида таъкидлангани боис, дарсларни жонли, янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда қизиқарли қилиб ўтишларини ўқитувчиларга тавсия этамиз.

5. Талабаларда касбий йўналганликни шакллантириш учун касб профессиограммаси ва психограммаси билан таништириш ҳамда касбий муҳим хислатларни психология дарсларида амалий машғулотларда ҳамда тарбиявий соатларда гуруҳ мураббийлари ёрдамида ривожлантиришни тавсия этамиз.

**Э.Н.Саттаров** раҳбарлигида **С.Н.Жўраева** томонидан талаба шахсига касбий шаклланиш таъсирининг психологик жиҳатлари ўрганилди. Тадқиқотда шахснинг касбий фаолиятга мутаносиблигини белгиловчи психологик хусусиятлар тва омиллар аниқланди, талабаларнинг олий ўқув юртига киришида таълим йўналишларини танлашларига сабаб бўлувчи психологик омилларнинг роли аниқланди, шахс хусусиятларининг касбий фаолиятга мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилувчи касбий мотивлар, установкалар ва йўналганликнинг ўрни аниқланган.

**Тақрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар.**

1. Илк ўспиринлик даврида психологик жараёнларнинг шаклланиш хусусиятлари.

2. Ўспиринликдаги ақлий ривожланиш билан етакчи фаолиятлар ўртасидаги боғлиқлик.

3. Умумий ва махсус лаёқатларнинг ривожланиши.

4. Ўспиринлик даврида касб танлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Бернс Р.В. Развитие Я –концепции и воспитание. –М., 1986. С.169-224.

2. Братусь Б.С. Психологические аспекты нравственного развития личности. –М., 1977. С.21-64.

3. Развитие личности ребенка. –М., 1987. С.231-266.

4. Якобсон П.М. Эмоциональная жизнь школьника. –М., 1966. С.142-169.

5. Кон И.С. Психология ранней юности. –М., 1989.

6. Кон И.С. Психология юношеского возраста. –М., Просвещение. 1979. -173 с.

7. Немов Р.С. Психология 2-т.-М., 2003.

**Мавзу юзасидан тест саволлари:**

1. Илк ўспиринлик даври қандай таърифланади?

А) Етуқлик даври;

Б) "Қамолот бўсағаси" ;

В) Илк балоғат даври.

2. Ижтимоий психологик ҳолат бўлган ўспиринлик қандай ифодаланади?

А) Ўспирин ўз ҳулқ- атворида амал қиладиган ахлокий принциплар, эътиқод, тушунчалар тез суръатлар билан шаклланиш даври;

Б) Бу ўспириннинг катталар жамоасининг тўлиқ аъзоси бўлишга тайёргарлигини субъектив бошдан кечириши сифатида катталиқ ҳиссининг юзага келиши даври;

В) Бу ўспириннинг фуқаро сифатида таркиб топиши, унинг ижтимоий ҳаётга фаол кўшилиши даври.

3. Ўспиринлик даврида юзага келадиган янги хусусиятлар нималардан иборат.

А) Эътиқод ва дунёқараш билан бир қаторда, ахлоқий идеаллар ҳам пайдо бўлади;

Б) Ўқишга онгли муносабати ўсади ва ҳис-туйғуларнинг бойлиги, турли-туманлиги билан фарқ қилади;

В) Мустақилликка интилиш ҳамда ўзининг катта бўлиб қолганлигини кўрсатиш истагида намоён бўлувчи, ўзига хос катталиқ ҳиссининг вужудга келишидир.

**4. "Акселерация" терминининг маъноси нима?**

А) Тиклаш;

Б) Тезлатиш;

В) Умумлаштириш.

**5. Ўспиринлик даврида қобилиятнинг қандай турлари ривожланади.**

А) Табиий қобилиятлар;

Б) Умумий ва махсус лаёқатлар;

В) Назарий ва амалий қобилиятлар.

**6. Ўспиринлик даври қандай психологик хусусиятлари билан бошқа даврлардан фарқ қилади.**

А) Мустақилликка бўлган эҳтиёжи ортади;

Б) Тафаккури, гидроки, қизиқишлари, қобилияти янада ривожланади;

В) Жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан вояга етади, камолотга эришади, дунёқараш, ўз-ўзини бошқариш каби етук хусусиятлари таркиб топган бўлади.

**7. Илк ўспиринликда қайси эмоционал ҳолатнинг умумий даражаси бошқа ёш даврларига нисбатан юқори бўлади?**

А) қувонч;

Б) уятчанлик;

В) хавотирланиш.

**8. Илк ўспиринлик ёшида одам ўзини яхшироқ билиш учун қуйидаги усулларнинг қайси биридан кўпроқ фойдалана бошлайди?**

А) тенгдошлари берадиган тавсифларни йиғиш;

Б) ўз-ўзини кузатиш ва таҳлил қилиш;

В) Ўқитувчиларидан тавсиф сўраш.

**9. Илк ўспиринликда ўзини ўйлантирадиган саволларга жавоб топиш учун шахснинг кимга ёки нимага мурожаат қилиш даражаси ортади?**

А) Ўқитувчиларга;

Б) Илмий ва бадий адабиётларга;

В) ота-онага.

**10. Илк ўспиринлик даврида тафаккур жараёнларидаги қандай фарқлар айниқса яққол намоён бўла бошлайди?**

А) Индивидуал-психологик хусусиятлар билан боғлиқ фарқлар;

Б) Ижтимоий-демографик хусусиятлар билан боғлиқ фарқлар;

В) Жинсий хусусиятлар билан боғлиқ фарқлар.



## VIII БОБ. ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ

### Режа:

1. Ўрганиш жараёнининг моҳияти, турлари
2. Таълим жараёнининг психологик мазмуни, таркибий тузилиши.
3. Замоनावий ўқитиш усулларининг психологик асослари.
4. Мустақил тафаккурни ривожлантириш.
5. Кўникма ва малакаларни шакллантириш.
6. Ўқув фаолиятини бошқариш.
7. Педагогик баҳо психологияси.
8. Таълимда индивидуал ёндашиш муаммоси.

### Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларга таълим тушунчасининг моҳиятини, унинг шахс камолотидаги ўрнини, таълимнинг ноанъанавий усуллари ва воситалари ҳақидаги маълумотларни, жамиятнинг келгуси ривожланишига таълимнинг боғлиқлигини тушунтириш ва аниқлаштиришдан иборат.

**Тарбиявий:** таълимнинг шахс ривожланишидаги ролини ёшларимиз онгига синдириш орқали уларни жамиятимиз учун фидокор, билимдон инсон қилиб тарбиялаш асос бўла олишини ўқитиш, талабаларда ўқитувчи ва тарбиячига хос касбий ва шахсий сифатларни тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларда таълимнинг ноанъанавий усулларини эгаллаш ва ундан оқилона фойдалана олиш малакаларини шакллантириш, таълим жараёнининг самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги билимларини ривожлантириш.

1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида" шахс камолоти асосий масала сифатида эътироф этилган. Президентимиз *И.А.Каримов: "Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча слоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини таъминлаш килиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ҳаясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади"*, деган эдилар.

Мактаб жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири. Мактаб жамиятнинг бугуни эмас, балки келажакка йўналтирилган ривожини белгилайди. Мактабнинг мақсади таълим ва тарбия беришдир.

### 8.1. Ўрганиш жараёнининг моҳияти, турлари

Инсоннинг ҳаётий тажрибани билимлар, кўникмалар ва малакалар тарихида ўзлаштирадиган бир неча тушунчалар мавжуд. Бу ўқув фаолияти, таълим, ўқиш ва ўрганишдир.

**Ўқув фаолияти** натижасида инсон янги билим, кўникма ва малакалар эгаллайди, ёки мавжудларини ўзгартиради, ўз қобилиятларини ривожлантирадиган, такомиллаштирадиган жараёндир

Бундай фаолият унга атроф-муҳитга мослашишга, ўзининг асосий эҳтиёжлари, шунингдек, ақлий ўсиш ва шахсий ривожланиш эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унда шахснинг психик жараёнлари шаклланади ва ривожланади, унинг асосида янги фаолиятлар юзага келади. Ўқув фаолияти инсоннинг бутун ҳаёти давомида намоён бўлувчи узлуксиз жараёндир.

**Таълим** - у ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги ўқув фаолиятдан иборат бўлиб, билим, кўникма ва малакаларни узатиш жараёнидир, ҳаётий тажрибани ўқитувчидан ўқувчига узатишдир

Таълим ҳақида гапирилганда ўқитувчининг таълим жараёнидаги махсус функцияларига эътибор қаратилади.

**Ўқиш** – ҳам ўқув фаолиятига таалукли бўлиб, лекин кўпроқ бу тушунча ишлатилганда ўқув фаолиятида ўқувчига тегишли фаолият назарда тутилади

Бунда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш учун қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган ўқувчи томонидан амалга ошириладиган ўқув ҳаракатлари назарда тутилади.

Юқорида кўриб ўтилган уч тушунча ҳам ўқув фаолияти мазмунига таалуклидир. Ўқишнинг натижаси ҳақида гапирилганда *ўрган*иш тушунчасидан фойдаланилади.

*Ўрганиш* инсоннинг ўқув фаолияти натижасида янги психологик сифат ва хусусиятларни ўзлаштирганлигини билдиради. Этимологик жиҳатдан бу тушунча “Ўрганмоқ” тушунчасидан келиб чиккан бўлиб, индивиднинг таълим ва ўқиш натижасида ўрганиши мумкин бўлган барча нарсаларни ўз ичига олади.

Ўқув фаолиятини ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсирига асосланган ўқув-билиш жараёни сифатида турли томондан тавсифлаганда, биз тўрт тушунчадан ҳам фойдаланамиз, ўқитувчи ва ўқувчи таъсирининг қайси жиҳати назарда тутилаётганлигига боғлиқ равишда бирига урғу берамиз. Дастлаб ўрганиш ҳақидаги масаласига тўхталамиз.

Ривожланиш билан боғлиқ барча нарсани ўрганиш деб айтиш мумкин эмаслигини таъкидлаш жоиз. Масалан, унга организмнинг биологик жиҳатдан етилиш жараёнларини киритиш мумкин эмас. Чунки организмнинг биологик жиҳатдан етилиши таълим ва ўрганишга боғлиқ эмас. Лекин ўрганиш деб аталадиган барча жараёнлар етилишга умуман боғлиқ эмас деб бўлмайди. Бу барча олимлар томонидан тан олинган. Лекин ривожланиш қай даражада етилиш билан боғлиқлигини аниқлаш муҳим. Ўрганиш доимо маълум даражада организмнинг биологик етилишига таянади. Масалан, болага бош миядаги нутқ учун жавоб берадиган бўлимлар етилмагунча гапиришни ўргатиб бўлмайди. Бу икки жараён ўртасида тескари алоқа ҳам мавжуд: таълим ва ўқиш организмнинг етилишига ҳам маълум маънода таъсир кўрсатади.

Инсонда бир неча ўрганиш турлари мавжуд. Улардан биринчиси марказий нерв системаси ривожланган ҳайвонларда ҳам мавжуд.

Бу – *импринтинг механизми бўйича ўрганиш*, яъни тез, автоматик равишда ўрганишдир. Масалан, ўрдакчалар туғилиши билан она ўрдакнинг юришини кўриб орқасидан эргашиб юра бошлайди. Чақалокларда сўриш рефлекслари мавжуд бўлади. И.П.Павлов давридан бери хулқ-атворнинг бундай шакллари шартсиз рефлекслар деб аталган, уларни кўпроқ “инстинкт” деб аташ тўғрироқ бўлур эди.

Ўрганишнинг иккинчи тури - *шартли рефлектор ўрганишдир*. Бу бўйича ҳам тадқиқотларни дастлаб И.П.Павлов олиб борган. Ўрганишнинг бу тури дастлабки нейтрал кўзғатувчига шартли реакциялар сифатида хулқ-атворнинг янги шакллари вужудга келишини назарда тутлади. Организмнинг шартли рефлектор реакцияларини туғдирадиган стимуллар қабул қилиниши лозим. Масалан, “лимон” сўзини айтишимиз билан кўз олдимизга сариқ рангли, нордон таъмли мева келади.

Ўрганишнинг учинчи тури *оперант ўрганишдир*. Бундай ўрганиш турида билим, кўникма ва малакалар синаб кўриш ва хато қилиш методи орқали ўрганилади. Индивид дуч келадиган вазиятлар унда турли инстинктив, шартсиз, шартли реакцияларни вужудга келтиради. Организм

кѳтма-кѳт амалда масалани ечиш учун ҳар бирини синаб кўради ва бунда автоматик равишда эришилган натижани баҳолайди. Энг яхши натижага олиб келган реакция, вужудга келган вазиятда организмнинг қулай мослашишини таъминлагани бошқаларидан ажралиб чиқади ва тажрибада мустаҳкамланади. Мана шу синаб кўриш ва хато қилиш методи билан ўрганишдир.

Уқорида тавсифланган ўрганиш турлари ҳайвонларда ҳам, инсонларда ҳам учрайди. Лекин инсонларда ўрганишнинг махсус, олий турлари мавжуд.

Бу биринчидан, бошқа одамлар хулқ-атворини тўғридан-тўғри кузатиш орқали ўрганиш бўлиб, унда инсон кузатилаётган хулқ-атвор шаклларини ўзлаштиради. Бу *викар* ўрганиш деб аталади.

Иккинчи *вербал ўрганиш*, яъни инсоннинг янги тажрибани тил орқали ўзлаштиришидир. Бундай ўрганиш натижасида инсон нутқни эгаллаган бошқа одамларга, билим, кўникма ва малакаларни узатиши мумкин.


Ўрганиш ва таълим орасидаги икки муҳим қўшимча фарқларни таъкидлаб ўтамиз. Таълим ўрганишдан фарқли равишда режали ва онгли бошқариладиган ташкилий жараёндир. Ўрганиш эса стихияли равишда рўй беради. Ўқиш ўқув фаолиятининг таркибий қисми сифатида, ўқувчиларнинг иши билан боғлиқ равишда ташкилий жараён сифатида намоён бўлади. Биринчи ҳолда ўқиш таълимнинг бир томони ҳисобланади, иккинчи ҳолда ижтимоийлашувнинг натижасидир. Ўрганиш ҳар қандай фаолиятнинг натижаси бўлиши мумкин, таълим ва ўқиш тушунчалари эса махсус ўқув фаолияти билан боғлиқдир.



Агар фаолиятнинг асосий мотиви сифатида билишга қизиқиш ёки индивиднинг психологик тараққиёти назарда тутилса, ўқув фаолияти ҳақида гапирилади. Агар мотив индивиднинг у ёки бу эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлса, „ўрганиш“ тушунчасидан фойдаланилади. Бундай йўл-йўлакай ўрганишга мисол сифатида маълумотларни ихтиёрсиз равишда эслаб қолиш, ўқув мақсадларини кўзда тутмаган ҳаракатларни мисол келтиришимиз мумкин. Таълим ва ўқиш – ҳар доим онгли жараёнлардир, ўрганиш эса онгсиз даражада ҳам рўй бериши мумкин. Таълим, ўқиш ва ўрганиш орасидаги яна бир фарқ маълумотларни ўзлаштиришга тайёрлик турли ёш даврларида намоён бўлади. Ўрганишнинг элементар турлари – импринтинг, шартли рефлектор ва оперант турларига – бола туғилиши биланоқ амалда тайёр бўлади. Ўқиш билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш учун онгли, мақсадга йўналтирилган қобилият сифатида болада

4-5 ёшлигида намоён бўлади, мустақил ўқишга тайёрлик мактабнинг биринчи синфларида, 7-8 ёш атрофида вужудга келади.

Ўрганиш жараёни фаолият сифатида қуйидаги ўқув-интеллектуал механизмлар ҳисобига амалга ошади:



1. *Ассоциацияларнинг шаклланиши.* Бу механизм алоҳида билимлар орасида ёки тажриба қисмлари ўртасида вақтинчалик боғланишлар ўрнатиш асосида ётади.

2. *Тақлид қилиш.* Кўникма ва малакалар шаклланиши учун асос бўлади.

3. *Фарқлаш ва умумлаштириш.* Тушунчалар шаклланиши билан боғлиқ.

4. *Инсайт ( тахмин).* Инсон томонидан қандайдир янги информацияни қараб чиқиш, ўтмиш тажрибадан маълум нарсада номаълумни кўришдир. Инсайт боланинг интеллекти ривожланиши учун когнитив база ҳисобланади.


5. *Ижод.* Янги билим, кўникма ва малакаларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ўрганишнинг муваффақияти кўп омилларга боғлиқ, улар ичида қуйидаги психологик омиллар ҳам муҳимдир: ўқув фаолияти мотивацияси, билиш жараёнлари идрок, диққат, хаёл, хотира, тафаккур ва нутқнинг ихтиёрийлиги, ўқувчиларда иродавий ва бошқа шахс ҳислатлари: маъсулият,гиришқоқлик, мақсадга интилувчанлик, интизомлилик, онглилик, тартиблилик ва бошқаларнинг мавжудлиги. Ўқув фаолияти самарадорлигининг психологик омилларига ҳамкорликдаги фаолиятдаги инсонлар билан ўзаро таъсир қила олиш кўникмаси, ўқитувчилар ва синфдошлари билан, интеллектуал ривожланганлик ва бошқалар кирди. Билимларни ўзлаштириш жараёнида ўрганишга бўлган тайёрлик (установка) муҳим ҳисобланади, бунда ўқув вазифаларининг ўқитувчи томонидан қўйилиши, ўқувчи томонидан қабул қилиниши муҳим бўлиб, бунда ўқитувчи ўргатади, ўқувчи ўрганади.

Рус психологи *А.Н.Леонтьев* инсон фаолиятининг психик ва амалий шакллари мавжудлигини, бола онги айнан ўқув фаолиятида ўсишини таъкидлайди. *Д.Б.Эльконин* эса ўқув фаолиятининг хусусиятларини кўрсатиб, уни моҳиятига, мазмунига ва ўзини намоён бўлиш шаклига кўра ижтимоийлигини таъкидлайди. Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унинг натижасида аввало ўқувчида ўзгариш юз беради. Унинг махсули турли мотивлар асосида қурилган бўлиши даркор. Бу мотивлар бевосита ўқувчи шахсининг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиши керак. Ўқув фаолияти таълим, ўқиш ва ўрганиш деган тушунчалар билан бевосита боғлиқдир. Таълим ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги ўқув фаолияти, ўқитувчининг билим, кўникма ва малакаларини ўқувчиларга ўргатиш жараёнидир.

Таълим жараёни бевосита муайян ахборотни, ҳаракатларни, хулқ-атворнинг шаклларини ўзлаштиришга қаратилгандир. Ўқиш ва ўргатиш тушунчалари ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга, ўргатишга хизмат қилади.

Ўқув фаолиятининг беш элементи мавжуд:



*Д.Б.Элькониннинг* таъкидлашича, ўқув фаолиятининг шакллантирилиши бу фаолият айрим кишилар бажарилишини аста-секинлик билан ўқувчининг ўзига ўқитувчининг иштирокисиз мустақил бажариш учун ўтказилишидир.

## 8.2. Таълим жараёнининг психологик мазмуни, таркибий тузилиши

Таълим жараёни алоҳида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган фаолият бўлиб, у ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ташкил этади ва уларни бошқаради. Таълим жараёни беш элементдан иборат:

1. *Таълимнинг максади - нима учун ўқитиш керак?*
2. *Таълимнинг мазмуни - нимага ўқитиш керак?*
3. *Таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари.*
4. *Таълим берувчи.*
5. *Ўқувчи.*

Таълим жараёнини ташкил этиш: идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши:

фаолиятнинг ана шу барча турлари таркиб топган усуллари ва жараёнларининг ўзлаштирилишига;

максадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ва фойдаланишга боғлиқ.

Таълим жараёни муваффақиятли бўлиши учун ўқув фаолияти куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. *Мотивация, яъни ўқитувчи яхшироқ ўқитишга, ўқувчи эса яхшироқ ўқишга ҳаракат қилиши керак.*

2. *Таълимнинг ривожланган ва эгилувчан тузилишга эгаллиги.*

3. *Турли шаклларда амалга оширилиши. Ўқитувчига ўз ижодий педагогик имкониятларини тўлиқ амалга оширадиган, ўқувчиларга билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун ўз индивидуал имкониятларидан фойдаланиш учун турли шаклларда амалга оширилади.*

4. *Таълимнинг замонавий техник воситалар ёрдамида бажарилиши.*

Юқорида келтирилган таълим ва ўқишга қуйилган талабларни алоҳида ўқув фаолиятининг ўзаро боғлиқ икки жиҳатидан кўриб чиқамиз.

Таълим мотивацияси ўқувчиларнинг ўқув материални яхшироқ ўзлаштиришига шахсий қизиқишини англатади. Ўқитувчининг фақат моддий қизиқишларини қондириш, ёки ишсиз қолмаслик, қисқаришга тушмаслик учунгина таълим бериши, муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси билан боғлиқ бўлиб, бунда педагогик фаолиятда яхши натижаларга эришиш мумкин эмас. Таълим маҳсулдорлигини оширишдаги дастлабки вазифа уни чуқур ва кўп мотивацияли жараёнга айлантиришдир. Ўқитувчи ўқувчиларни ўқитиш жараёнида ўз ҳаётининг асосий мазмуни ва максадини кўра бошлаганида таълим самарали бўлади.

Таълим ва таълим жараёнида боланинг ривожланиши муаммоси ёш даврлари ва педагогик психология фанининг асосий масалаларидан биридир. Таълим ва ривожланиш муаммосига доир қатор назариялар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири:

1. Аклий хатти-ҳаракатлар, билимлар, малака ва кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш назарияси (П.Я.Гальперин).

*П.Я.Гальперин назарияси* бўйича билимларни ўзлаштириш жараёни олти босқични бошидан кечириб, уларга:

1. *Мотивация.*

2. *Тушунтириш.*

3. *Моддий формадаги хатти-ҳаракатларни бажариш.*

4. *Баланд овозда хатти-ҳаракатлар ва вазифаларни бажариш.*

5. *Бажариладиган хатти-ҳаракатларни ички режада овоз чиқармайбажариш.*

6. *Фаолиятни фикран бажариш киради.*

Ушбу назарияда таълимнинг учта асосий турлари ажратилади:

- *биринчи турда* - хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш хатолар билан кечади, берилаётган материал етарли даражада англанилмайди, таълим олувчи таълимнинг асл моҳиятини тушуниб етмайди;

- *иккинчи турда* - материални нисбатан дадил ва тўла тушунилиши ва материал билан боғлиқ тушунчаларни ажратилиши билан характерланади;

- *учинчи тур* - тез, самарадор ва беҳато хатти-ҳаракатларни ўзлаштирилишини таъминлаб беради.

2. *В.В.Давидов назарияси.* Ушбу назария кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг илмий тушунчаларни ўзлаштиришини ташкил қилади. Бунда ўқувчилар томонидан таълим жараёнида назарий тушунчалар тизимини ўзлаштирилиши лозим бўлиб, бу ўз ўрнида хусусийдан умумий билимларга ўтилишни таъминлайди.

3.Қатор назариялар муаммоли таълим билан боғлиқ бўлиб, *Л.В.Занков ва А.М.Матюшкин томонидан* олиб борилган тадқиқотлар таълимда муаммоли дарсларни ташкил этишга қаратилгандир.

Таълимнинг психолоик асослари муаммоси кўпгина масалаларни қамраб олади. Таълимнинг муваффақияти бир қатор психологик омилларга боғлиқ бўлади. Аввало ўқувчининг ўқишга бўлган муносабатига тўхтайлик. Бу муносабат диққатда, ҳис-туйғуларда, қизиқишлар ва иродада, шунингдек, шахснинг тутган йўлида намоён бўлади.

Таълим жараёни аввало ўқувчилар диққатини йўлга солишни талаб этади. Дарсларда кўргазмали қуроллардан, ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш таълим олувчида ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Таълим жараёнида таълим берувчининг вазифаси дарсда ишлаш ҳолатини юзага келтиришгина эмас, балки ўқувчиларнинг дарсда ўтиладиган материални идрок этишга тайёр туришларини кузатиш ҳамдир. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг диққати ўзгариб туради. Ўқитиш жараёнида бу қонуниятларни назарда тутиш ва ўқувчилар диққатини материалнинг асосий жиҳатларига жалб этиш ҳамда уларни такрорлаш керак.

Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан бериладиган кўрсатмаларга ҳам боғлиқ. Ўқитувчининг роли шундан иборатки, у ўқувчиларга тегишли установкани ҳосил қилиши,



нимани вақтинча, нимани умрбод эсда олиб қолиши кераклигини, нимани бутунлай эсда олиб қолмасдан, фақат тушуниб олиш кифоя қилишини, нимани сўзма-сўз эсда олиб қолишни, ниманинг маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш учун эсда олиб қолиш зарурлигини кўрсатиб ўтиши лозим. Кузатишлар кўрсатадики, бундай кўрсатмалар берилмаганда, ўқувчиларда кўпинча нотўғри тасавурлар вужудга келади.

Ўқитишнинг эмоционаллиги таълимнинг муваффақиятлилигини таъминловчи омиллардан биридир. Таълим бериш жараёни эмоционал жараён. Агар ўқувчиларга берилаётган ахборот уларда ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмаса, уни ўқувчилар яхшилаб эсда олиб қолмайдилар. Гап ўқувчиларнинг психик ҳолатлари, яъни уларнинг муайян бир пайтдаги кечинмалари ҳақида ҳам бориши керак, албатта. Улардаги қувончли, оптимистик кайфият ўқув фаолиятини жуда самарали қилади. Ўқувчилар эмоционал руҳдаги материални дурустроқ ўзлаштириб оладилар.

Ўтказилган тажрибалар ўқувчилар ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмайдиган материалга қараганда, эмоционал руҳдаги материални яхшироқ эслаб қолишларини кўрсатади. Ўқитувчи ўқув жараёнининг эмоционал томони ҳақида ғамхўрлик қилиши керак. Бу муаммо жуда муҳим аҳамиятга эга, Чунки, биринчидан, таълимнинг мазмуни ниҳоятда мураккаблашиб, ҳажми эса ғоят катталашиб кетган. Унинг муваффақиятли ўзлаштирилишига эришиш учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини кучайтириш лозим. Ижобий туйғулар ўқув меҳнатининг самарадорлигига кучли таъсир этади. Ҳафсала билан бажарилган беғараз мунозара пайдо бўлади, баҳслашилади, бефарқ қараган ёки ундан ҳам салбий муносабатда бўлган ишга эса, ҳеч қандай ҳафсала бўлмайди. Жамиятимиздаги меҳнат - ҳақиқий ижод, қувонч манбаи. Мактаб ўқувчиларида ўқув меҳнатига ижобий муносабат уйғотиб, меҳнатнинг ҳақиқий ижодга, қувонч манбаига айланишига кўмаклашиши керак.

Қадимда греклар жуда ажойиб иборани қўллаганлар: "Талаба - тўлдирилиб турилиши керак бўлган идиш эмас, балки ёқиб турилиши лозим бўлган машғалдир". Бу фикрнинг тагида чуқур маъно бор. Зеро, ўқитувчи биз юқорида таъкидлаб ўтган таълим методлари: муаммоли таълим, қисман изланиш методи ва тадқиқот методларидан кенг қўлланиши керак. Таълим жараёнини бугунги кундаги асосий талабларидан бири эркин фикрловчи, мустақил тафаккурга эга бўлган шахсни шакллантириш бўлиб, юқорида айтиб ўтилган методлардан фойдаланиш учкунлардан катта машғаллар пайдо бўлишини таъминлаб беради.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билишга қизиқишлари ғоят катта рол ўйнайди. Маълумки, қизиқиш ўқувчиларнинг эмоционал безаги, бирор буюмни, бирор фаолиятни танлаш муносабати ва йўналишидир.

Маълумки, психологияда қизиқишнинг икки тури ўқувчиларнинг таълим жараёнида аниқланади. Биринчиси, бевосита қизиқиш, иккинчиси билвосита қизиқиш. Ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларида ўз фанига нисбатан билвосита қизиқишни таркиб қилишга ҳаракат қилади. Қизиқишлар орқали ўқувчиларда таълимга фаол муносабат намоён бўлади.

Психологияда қизиқиш - бу шахснинг ўзи учун қимматли ёки ёқимли бўлган муайян нарса ёки ҳодисаларга муносабатидир. Қизиқишлар шахснинг муҳим ва индивидуал хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қизиқишлар ўқувчилар ҳаётида катта рол ўйнайди. Улар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи асосий турткилар - мотивлардир. Қизиқишлар мактаб ўқувчисига фан асосларини дурустроқ ўзлаштириб олишларига, ақлий қобилиятларнинг ўсишига, билим доирасининг кенгайишига имкон беради. Ўқитувчиларнинг вазифаси ўқувчини дастлаб қизиқтириб қолган ишнинг ўзи билан шуғулланишга мажбур қилиш эмас, балки ундаги қизиқишларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, таъсирчан қилиш, қизиқишларининг марказига айланиб қолган фаолият билан шуғулланиш истагига, майлига айлантиришдир.

Ўқувчиларнинг муайян мақсадни қўзлаб иш тутишида, қийинчиликларни енга олишида, ишдан чалғитадиган нарсалар билан шуғулланишдан ўзини тия олишида, унда ўқишга иштиёқ таркиб топтиришда намоён бўладиган ирода, таълим жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

Умумий психология курсидан маълумки, ирода бу шахснинг ўз олдига қўйган мақсаднинг аниқлиги, уни амалга ошириш учун интилиши, мақсад йўлида маълум бир қарорга келиш тезлиги ва уни ўз вақтида ижро этиши билан белгиланадиган сифатидир. Таълим жараёнида ўқув материалига бўлган диққатнинг барқарор бўлишида иродавий зўр беришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Таълимда ирода ўқувчида мактаб ва уйда ўтказиладиган машғулотларга тайёр туришда намоён бўлади. Ўқув материални ўрганиш, эслаб қолиш ва ўқувчининг иродавий зўр беришига боғлиқ. Ирода ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларида - масалани ечишга, қўйилган саволга жавоб топишга ва ҳоказоларга интилишида намоён бўлади. Улар ўқувчиларда қўнқма, ва малакаларни ҳосил қилишда ҳам таркиб топади.

Психологлар олиб борган тадқиқотларда ўқувчилар томонидан берилган материалнинг ўзлаштирилиши кўп жиҳатдан ироданинг тарбияланишига боғлиқдир. Иродавий активлик таълимнинг зарур шартидир. Ўқув муассасасидаги таълим жараёнининг ўзи ўқувчилардан иродани ўстириш омилларидан биридир. Бунда ўқувчиларнинг кундалик режими, ўқиш ва оқилона дам олишни бир-бири билан тўғри алмаштириб туриш катта рол ўйнайди.

Таълим жараёнида билиш жараёнларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро, билиш жараёнлари жуда мураккаб фаолият бўлиб, унда жонли мушоҳададан мавҳум тафаккурга, мавҳум тафаккурдан эса амалиётга ўтилади, ана шундан сўнг объектив ҳақиқат билиб олинади. Бинобарин, биз биринчи навбатда кўриб чиқишимиз лозим бўлган нарса ўқув материални идрок қилиш жараёнидир. Умумий психология курсидан маълумки, идрок бу нарса ва ҳодисаларни сезги органларига таъсир этиши натижасида уларнинг киши психикасида яллит образини пайдо бўлиши бўлиб, идрок этиш жараёни таълимда турли формаларда ўқитувчининг оғзаки ҳикоя қилишида, суҳбат ўтказишда, маъруза ўқишида, кинодарс,

телевизион парча, схемалар ва кўргазмалар курашлар кўрсатиш, экскурсиялар ўтказиш, ўқувчининг ўзига дарсликлар ҳамда бошқа қўлланмаларни ўқитиш тарзида ўтиши мумкин. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, идрокни таркиб топтиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ниҳоятда муҳимдир. Чунки, фазони, вақтни ва ҳаракатларни идрок этишда ҳам ёш хусусиятларда турли фарқлар мавжуд бўлади.

**Мотив** - инсон хулқ-атворининг ички барқарорлиги, ҳаракатга ундовчи тушунчадир. **Мотивация** эса хулқ-атворни психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни, мотивлар йиғиндиси бўлиб, унга ташаббус, йўналганлик ташкилотчилик, қўллаб-қувватлаш киради. Таълим жараёнида ўқиш мотивлари *"нима учун?" "нимага?"*, *"кандай мақсад билан?"* каби саволлар асосида юзага келади. Мотивлар биринчидан, ўқув фаолиятига ундаса, иккинчидан, мақсадга эришиш учун зарур йўл ва усуллар танлашга ёрдам беради. Ўқув фаолиятида ўқув мотивлари ўқувчилар томонидан танланиб, улар ўқувчининг мақсади, қизиқиши, келажак режалари билан бевосита боғлиқ бўлади. Ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув мотивлари турли ёш давларида турлича бўлади.

Ўқув фаолияти мотивациясининг манбалари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Ички манбалар. Улар инсоний туғма ёки орттирилган эҳтиёжлари билан белгиланади. Улардан энг муҳими туғма ахборотга бўлган эҳтиёждир. Орттирилган эҳтиёжлар эса ғностик ва ижтимоий ижобий эҳтиёжлар ҳисобланади.

2. Ташқи манбалар. Улар шахснинг ижтимоий ҳаёт шарт-шароитлари билан белгиланади.

Талаблар уларнинг биринчиси бўлиб, жамиятнинг шахсдан талаб қиладиган доимий хулқ-атворини билдиради. Боғча, мактаб, оила боладан жуда кўп ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Ижтимоий кутиш ҳар биримиздан маълум билимлар, қўникмалар даражасини бўлиши, зарурлигини жамият кутишини билдиради. Масалан, бир ёшли бола юриши керак, 7 ёшдан у ўқиши керак, 15 ёшдан у касб танлаши керак деб ҳисоблаймиз. Имкониятлар - шахс фаолиятини белгиловчи объектив шарт-шароитлардир, Масалан, бой кутубхона болани кўп китоб ўқишга ундайди.

3. Шахсий манбалар: бу шахснинг қадриятлари тизими установакалари, ғояларидир. Бу манбалар ҳар бир шахс фаолиятида у ёки бу даражада мавжуд. Уларнинг барчаси фаолиятнинг кечилишига таъсир этиб таълим жараёнининг мотивациясини ташкил этади.

**В.А.Крутецкий** ўспиринларда учрайдиган мотивларнинг қуйидагиларини алоҳида ифодалайди:


- а) Бирор ўқув фанига қизиқиш;*
- б) Ватанга фойда келтириш истаги;*
- в) Шахсий қобилиятини рўқач қилиш;*
- г) Оилавий анъаналарга риоя қилиш;*
- д) Дўст-биродарларга эргашиш;*

е) *моддий таъминлаш ва ҳоказолар.*

Республикамизда профессор М.Г.Давлетшин раҳбарлигида ўтказилган Ф.И.Ҳайдаров тадқиқотида қишлоқ мактаби ўқувчиларининг ўқиш мотивлари, Н.С.Жўраев тадқиқотида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқиш мотивларини шакллантиришнинг психологик хусусиятлари ўрганилди. Ушбу тадқиқотда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқув мотивларини психологик ўйинлар ёрдамида шакллантиришга маҳаллий шароитда илк бор комплекс ёндашилди. Ўқув жараёнида фойдаланилган психологик ўйинлар ўқувчиларнинг ўқишга ижодий ёндашувиغا, психик тараққиётига ва психик жараёнларига таъсир этиши мумкинлиги кўрсатиб берилди. Шу билан бирга баҳо олишга йўналганлик мотивлари ташқи мотивлар сирасига кирса-да, ички мотивларни муайян даражада ривож топишига кўмак бериши кўрсатиб берилди. Таълим жараёнининг натижаси ўзлаштириш, ички ва ташқи фаолиятни мақсадга мувофиқ равишда ўзгартиришдир. Таълим бир одамнинг бошқасига билим ва кўникмалар беришидир. Билим, кўникма ва малакалар таълим жараёнининг натижасидир. Билимларни ўзлаштириш жараёни муаммоси П.Я.Гальперин ва Н. Ф. Тализина томонидан ўрганилган. Улар аклий хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясини ишлаб чиққанлар. Муаллифлар аклий хатти-ҳаракатларни моддий ҳолда ташқи нутқ ёрдамида ҳамда аклий шаклда, фикрда намоён бўлишини изоҳлаб бердилар. Аклий хатти-ҳаракатларнинг *биринчи босқичи расм*, схема, диаграмма ва шартли белгилар тарзида ўз ифодасини топади. Аклий хатти-ҳаракатларнинг *иккинчи босқичи* кўргазмалардан олган тасаввурлари тўғрисида ўқувчиларнинг овоз чиқариб, фикр юритишидан иборатдир. *Учинчи босқич* эса, субъект онгида тасаввур, тушунча, қонуният, хосса, хусусият, операция, усул тарикасида намоён бўлади. Маълумки, ўқувчиларга тақлиф этиладиган ахборотлар ақл бовар қилмайдиган даражада тезлик билан кўпайиб бормоқда. Шунингдек, уларнинг жуда тез эскириб қолиб, янгилашни тақозо этиши ҳам ўз-ўзидан маълум бўлмоқда. *Тўртинчи босқичда* бажарилган хатти-ҳаракатлар ички режада овоз чиқарилмай бажарилади. *Бешинчи босқичда* эса фаолиятни фикран бажаришга ўтилади. Бундан равшан кўриниб турибдики, материални асосан ёдлаб олиш ва хотирада сақлаб қолишга асосланадиган таълим ҳозирги талабларга қисман жавоб бермоқда. Ўқувчиларга ҳамшиша янгиланиб турадиган ахборотни мустақил равишда ўзлаштириб боришга ва ўқишни битириб кетганидан кейин, кишига жадал суръатлар билан ўсиб бораётган фан-техника тараққиётидан орқада қолиб кетмаслик имкониятини берадиган қобилиятлар тараққиётини берувчи тафаккур сифатларини таркиб топтириш муаммоси биринчи ўринга чиқиб бормоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли индивидуал типологик хусусиятларга эга ўқувчилар учун таълимнинг ягона қулай, оптимал шароитларини яратиш мумкин эмас. Аммо ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширишда муаммоли таълим, ноанъанавий таълим усулларини қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим жараёнида ўзлаштиришнинг муваффақияти куйидагиларга боғлиқ:



### 8.3.Замонавий ўқитиш усулларининг психологик асослари

Таълим оловчиларнинг таълим фаолиятига кўра таълимнинг куйидагача методлари ажратилади:

**Тушунтирув-кўрсатмалилик методи** - бу метод репродуктив метод бўлиб, унда фаолият ўқитувчи томонидан олиб борилади, ўқувчилар таълим жараёнида билим оладилар, танишадилар.

Бу метод жуда кенг тарқалган методлардан бири бўлиб, унинг такомиллаштирилган усуллари мавжуд, бу - дастурлаштирилган таълимдир.

**Репродуктив** методда ўқувчи фаолият кўрсатиб, унда ўқувчига берилаётган билимни қайта хотирада тиклаб, олинган билимни нусха сифатида қабул қилади.

**Муаммоли таълим методи** - ўқитувчи томонидан ташкил этилиб, у продуктив характерга эгадир. Ушбу метод орқали ўқувчи билим ва малакаларини шакллантиради. Ушбу методни такомиллаштириш йўлларидан бири, ишчан ўйинларни ташкил этишдан иборатдир.

**Кисман изланиш методи** - ўқитувчи назорати остида ташкил этиладиган метод бўлиб, у продуктив характерга эга, бунда ўқувчи ижод қилади.

**Тадқиқот методи** - ўқитувчи ёрдамсиз ташкил этиладиган таълим методи бўлиб, у ўқувчининг мустақил изланиши, фикрлаш ва билимлар трансформациясини талаб этади.

Таълим жараёни ташкил этишнинг ўзига хос методларидан бири **ишчан ўйинлардир**. Ишчан ўйинлар муносабатлар тизимини моделлаштириш, фаолият характеристикасини ташкил этишга ёрдам беради.

**"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"**да таълим жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш таъкидланади. Педагогик технология - бу таълим жараёнига системали ёндашув бўлиб, унда таълим жараёнини ташкил этишда техника ва инсон имкониятлари ҳисобга олинади ва уларнинг ўзаро муносабати таълимнинг оптимал формалари яратилишига замин бўлади.

Педагогик технологияларни қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин;

- **Таълим-тарбия иштирокчилари шахсига қўйиладиган ижтимоий талаблар;**

- **Ҳамкорлик фаолияти аъзоларининг касбий тайёргарлиги;**

- **Таълим жараёнининг мақсади, мазмуни, моҳияти, амалга ошириш воситалари;**

- **Таълим жараёнини дифференциациялаштириш;**

- **Ижодийлик.**

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Психологияда бу йўналишнинг ўзига хослиги талабанинг индивидуаллигига алоҳида эътибор бериш орқали намоён бўлади.

Таълим технологияларини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндашувларга эътибор бериш керак:

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги. Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутди. Бу эса Давлат таълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам англатади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг манتيқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.

Амалий ёндашув. Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш; ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсификациялаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишни шарт қилиб қўяди.

Диалогик ёндашув. Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш

заруратини белгилайди. Натижада эса, шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдирот кучаяди.

- **Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократия, тенглик, субъектлар муносабатида ўқитувчи ва ўқувчининг тенглиги, мақсадини ва фаолият мазмунини биргаликда аниқлашни кўзда тутати.

- **Муаммоли ёндашув.** Таълим жараёнини муаммоли ҳолатлар орқали намойиш қилиш асосида ўқувчи билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш усулларида биридир. Бу жараёнда илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг диалектик тафаккурни ривожлантириш ва уларни амалий фаолиятда ижодий равишда қўллаш таъминланади.

- Ахборот беришнинг энг янги восита ва усулларида фойдаланиш, яъни ўқув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш.

- Ўқитиш усуллари ва техникаси: мулоқот, кейс стади, муаммоли усул, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий ҳужум”, инсерт, “Биргаликда ўрганамиз”, пинборд, маъруза ( кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференция, аниқ ҳолатларни ечиш, аввалдан режалаштирилган хатоли, шарҳловчи, якуний).

- Ўқитишни ташкил қилиш шакллари: фронтал, коллектив, гуруҳий, диалог, полилог ва ўзаро ҳамкорликка асосланган.

- Ўқитиш воситалари: одатдаги ўқитиш воситалари (дарслик, маъруза матни, таянч қонспекти, кодоскоп)дан ташқари график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

- Ўзаро алоқа воситалари: назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитишнинг диагностикаси (ташҳиси).

- Бошқаришнинг усули ва воситалари. Ўқув машғулотини технологик карта кўринишида режалаштириш ўқув машғулотининг босқичларини белгилаб, қўйилган мақсадга эришишда ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларини аниқлаб беради.

- Мониторинг ва баҳолаш. Ўқув машғулотини ва бутун курс давомида ўқитиш натижаларини кузатиб бориш, ўқувчи фаолиятини ҳар бир машғулот ва йил давомида рейтинг асосида баҳолаш.

**Маъруза машғулотини ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:**

### **1. Кириш маърузаси .**

- Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради.

- Педагогик вазифаси: ўқувчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари ва таниқли олимлар номлари билан таништириб, келажақдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услугий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш.

### **- 2. Маъруза ахборот.**

- Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув

маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.

**- 3. Шарҳловчи маъруза .**

- Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади.

- Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.

**- 4. Муаммоли маъруза.**

- Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда ўқувчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди.

- Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуктаи назарларини таҳлил қилиш.

**- 5. Визуал маъруза**

- Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган.

- Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.

**- 6. Маъруза конференция**

- Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва талабаларнинг маърузаларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади.

- Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.

#### **8.4. Мустақил тафаккурни ривожлантириш**

Ўқувчини мустақил таълим олишга ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлаш бугунги кун мактабининг асосий вазифасидир.

Таълим жараёнида ўқувчининг мустақил таълим олишини фаоллаштириш зарур. Мустақил таълим масаласининг қўйилиши, ечиш, ўз-ўзини назорат ва баҳолашнинг йўлларини ўқувчи томонидан танланиши ва бажарилиши билан характерланади.

Ўқувчиларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш учун фикрлаш хусусиятларини шакллантириш зарур. Фикрлаш операциялари асосида дарс жараёни фаоллаштирилади. Бу ўқитувчининг: *«Нима учун?»*, *«Қандай мақсадда?»*, *«Сабablари қандай?»*, *«Натижа нима учун шундай бўлди?»* сингари саволларнинг муҳокамаси орқали амалга оширилиши мумкин. Ўқитувчиларни эвристик, муаммоли вазиятларга тортиш, танқид, гумон ҳолатларини муҳокама қилиш, улардаги муаммоларни мустақил ҳолда топиш ва уларни ечиш учун ўз лойиҳаларини тузиш ва ҳимоя қилиш ўқувчилар тафаккурининг маънодор ва унумдор бўлишига хизмат қилади.

Шахснинг мустақил фикрлаш жараёнини ҳам назарий, ҳам эмпирик жиҳатдан ижтимоий психологик ҳодиса деб қараш учун асос бўлувчи



манбалар мавжудки, у бунда инсоннинг ушбу қобилияти унинг муайян кичик гуруҳлар муҳитида эгаллаган ижтимоий мавқеи ва ундаги феноменлар нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ. Масалага бундай ёндашув, энг аввало, АҚШ психология илмий мактабининг маълум аъёнларига алоқадор бўлиб, бу ғояларнинг йирик намояндалари қаторига **Д. Дьюи, Г.Оллпорт, В.Квинн, Д.Аш, Д.Майерс** шунингдек, швецар мактабининг буюк вакили **Ж.Пиаже** ва бошқаларни киритиш мумкин.

АҚШ психологи **Д. Дьюи** фикрлашнинг ижтимоий психологик моҳиятини фикрни шаклланиш муаммосига боғлаб ўрганган олим ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, тажриба билан билимлар фикрнинг манбаини ташкил қилади. Агар шахс муаммо билан қисман таниш бўлса-да, у муаммони ҳал қилиш учун фикр юритиши мумкин. Агар шахс олдида муаммо турса-ю, лекин бундай шароитни ўз ичига олган тажриба бўлмаса, бу тақдирда шахс фикрлай олмайди. Муаллифнинг таъкидлашича, хайратланиш ҳар қандай фаннинг онасидир. Қизиқувчанлик ўзининг дастлабки кўринишида ҳаётийликнинг мўл-кўллигини, табиий қувватнинг кўплигини ифодалайди. “Қизиқувчанликнинг юқори босқичи билишга интилишнинг ижтимоий кўзгатувчилари таъсири остида ривожланади. “Бу нима?”, “Нимага?” каби сўроқлар шахс мавжудлигининг асосий белгилари сифатида гавдаланади. Инсоннинг “Нимага?” сўроғи илмий тушунтиришни талаб этмайди: уни ҳаракатга келтирувчи мотив - бу одамнинг сирли олам билан кенгрок танишиш иштиёқидир. Ўқитувчининг вазифаси - муқаддас хайратланиш учқунини сўндирмаслик, қизиқувчанлик алангасини авж олдиришдан иборатдир”<sup>1</sup>. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга осонлиги ёки қийинлиги билан бир-бирига пропорционал топшириқларни бериши мақсадга мувофиқ. Агар топшириқ жуда осон бўлса ҳам тадқиқот учун илмий маҳсула яратилмайди, жуда мураккаб вазифа ҳам муаммонинг ечимини топишга ишончсизлик туйғусини уйғотади. Ўзгалар муҳитида мулоҳаза билдириш шахсда ишонч ҳиссини такомиллаштиради, у ўз навбатида мустақил фикрлашни шакллантиради.

Жон Дьюи мустақил фикрлашни инсон тараққиётининг генезиси билан боғлаганлиги туфайли, барча омиллар орасида шахснинг ташқи ижтимоий муҳитга интилиш одатини муҳим эканлигини таъкидлайди. Бола табиатан ўзи атрофдагилар билан узлуксиз муносабатлар ўрнатишга мойил эканлигини намён этади. У ўзининг “Биз қандай ўйлаймиз?” (1910), “Логика” (1938), “Таълим тамойиллари ва амалиётига кириш”(1889), “Жамият ва унинг муаммолари” (1894) каби қатор асарларида психология ҳар бир масалада жамиятнинг ижтимоий омиллар таъсирида ривожланиши қонуниятларини ёритишга ёрдам беришини исботлашга мувофиқ бўлган.

Хусусан, муаллифнинг тафаккур ва фикрлашга оид фикрлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, “тафаккур” категориясидан кўра, “фикрлаш”, “мулоҳаза юритиш” деган атамаларни ишлатишни афзал кўради. У бу билан “мавжуд тажрибани англаш ва янги қарорлар, фикрларнинг

<sup>1</sup> Дьюи Д. Психология и педагогика мышления. -М.: Совершенство. 1998. С.41.

мужассамлашуви” жарёнини тушунади. Фикрловчи онгнинг ишлаши учун, унинг фикрича, уни доимо машқ қилдириш, янги одатлар билан бойитиб бориши керак. Дъои назариясидаги яна бир муҳим жиҳат, фикрлашни ижтимоий перцепция – перцепия майдони билан боғлай олганлигидир. У ҳам гештальт психология вакиллари фикрларини янада ривожлантириб, фикрлаш учун муаммоли вазиятларни ўз ичига олган, ижтимоий муносабатлар (социум) майдонидаги перцепция муҳим роль ўйнашини, бу нарса инсоннинг мавқеини белгилашни таъкидлайди. Фақат охириги муаммолар маданиятшунослик ва ижтимоий фанларнинг предмети эканлигини уқтиради. Бу фикрлар маълум маънода ижтимоий тасаввурлар қонцепцияси вакиллари учун методологик туртки ролини ўйнади (Э. Дьюркгейм, С.Московиси ва б.к.) Тўғри, у умрининг охирига келиб, ушбу муаммони сиёсатшунослик билан, жамиятда демократиянинг барқарорлашуви билан уйғунлаштириш орқали инсон фикрлаш тарзининг ижтимоий моҳиятини исбот қила олган, айнан таълим самарадорлигини шу муаммонинг ечими билан боғлашни уддалаган олимдир.

Швейцариялик психолог **А.Н.Пеппе - Клермоннинг** таъкидлашича, бола тафаккурининг ривожланиши унинг бошқа тенгқурлари билан ўзаро таъсир ўтказишига боғлиқ. Ўқитувчи томонидан бундай ўзаро таъсир ўтказишни ташкил этилиш ва бошқарилиш ўқувчиларнинг билиш фаолияти маҳсулдорлигига, уларда ўқув мотивациясининг вужудга келишига таъсир этади. Муаллифнинг фикрича, ҳамкорлик фаолиятини тўғри ташкил этишнинг шакллари, турли ижтимоий қатламларга мансуб болаларнинг тараққиёт даражасига боғлиқ, шунинг учун қийинчиликларни енгишда маҳсулдор усул қўлланиши жоиз.

**Л.С.Виготский** ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига алоҳида эътибор берган, таълим билан тараққиёт ўртасида мураккаб ўзаро муносабат мавжудлигини таъкидлаган олимдир. “Биз бола тараққиётида икки босқични аниқлашимиз зарур, бу босқичларни билмасдан бола тараққиётининг бориши ва унга таълим бериш имкониятлари ўртасидаги ҳар бир ҳолатда аниқ ечимни топа олмаймиз. Биз бу ерда бола психик функциялари тараққиётининг - эришилган даражасини назарда тутаямиз”<sup>2</sup>. Бу аснода, контекстда бола тараққиётининг актуал зонаси назарда тутилмоқда. **Л.С.Виготский - тараққиётнинг яқин зонаси** тушунчасини ҳам киритади ва уни қуйидагича таърифлайди: “Ўзи мустақил еча олмайдиган масалаларни катталар ёрдамида, раҳбарлигида бажариш - бола тараққиётининг яқин зонасини ташкил қилади. Бола бугун катталар ёрдамида бажарган ишини, эртага ўзи мустақил бажаради. Шундай қилиб, у таълимнинг муҳим хусусияти - бу атрофдагилар билан ўзаро муносабат, ҳамкорлик”, деб ҳисоблаган.

**С.Л.Рубинштейн** ва **А.В.Брушл.нскийлар** Виготскийни муайян даражада танқид қилдилар. Уларнинг таъкидлашича, **Л.С.Виготский**

<sup>2</sup> Виготский Л.С. Мышление и речь. Избранные психологические исследования. –М.: Изд-во АП и РСФСР. 1956. С.450.

назариясида, тараққиётнинг “актуал” даражаси ва “тараққиётнинг яқин зонаси”, яъни боланинг ниманидир мустақил бажариш кўникмаси ва унинг “ҳамкорликда бажариш” малакаси бир-бирига карама-қаршидир. Демак, биринчи ҳолда иккинчиси умуман инкор этилади. Тафаккурнинг ички қонуниятларини тушуниш учун бир-бирига зид бўлган икки йўл етарли эмас.

**С.Л.Рубинштейннинг** назариясига кўра умумлаштириш ва ақлий ҳаракатларнинг кўчиш ҳолати ўқувчиларнинг ақлий тараққиётини белгиловчи мезон сифатида ишлатилишини назарда тутати. У таълимда тафаккурнинг мантикий шакллари (тушунча, ҳукмлар ва хулосалар чиқариш)нинг таркиб топиши ва ривожланиши тўғрисида ҳам назарий, ҳам амалий хусусиятга эга бўлган фикрларни билдиради. Таълимда тафаккур операцияларининг аҳамияти муаммосининг ёритилиши муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф таълимда умумлаштиришнинг уч хил тури мавжудлигини таъкидлайди: эмпирик, назарий ва дедуктив умумлаштиришлардир. С.Л. Рубинштейн мулоҳазасига кўра, ушбу умумлаштиришлар ёрдамида иш тутилса, топшириқ ё аста-секин (эмпирик) ёки “бирданига” (назарий) ҳал қилиниши мумкин.

Рус психологлари илмий тадқиқотларини тўрт йўналишга ажратиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бирида таълим ва тафаккур табиати муаллифларнинг дастлабки назарий ёндашувларига боғлиқлиги туфайли тафаккур мустақиллигига турлича аҳамият берилган.

Биринчи йўналишни **Н.А.Менчинская** раҳбарлигида амалга оширилган тадқиқотлар ташкил қилади. Улар тафаккур фаолиятини уч томондан ўрганадилар: биринчидан, тафаккур фаолиятининг маҳсулотлари, яъни ўқувчилар эгаллайдиган билимлар, тушунчалар тадқиқ қилинади. Иккинчидан, ўқувчининг тафаккур жараёнлари, учинчидан, ўқувчида шаклланган ва билимларни эгаллаш жараёнига таъсир қиладиган тафаккур фаолиятининг хусусиятлари қабилар. Ушбу муаммони ишлаб чиқишда ўқувчи шахсий фикрлаш жараёнларини бошқарувчи ва тартибга солувчи таълимнинг объектигина эмас, балки субъекти бўлиб ҳам кўзга ташланади. Муаллифлар воқелик билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларда тафаккур фаолиятининг маҳсулдор усуллари ёки йўллари шакллантириш муаммосига алоҳида эътибор бердилар. Муаллифлар тафаккур билан амалий ҳаракатларнинг ўзаро муносабатлари турли шаклларга эга эканлигига аҳамият қаратадилар: Н.А.Менчинскаянинг таъкидлашича, ижодий ва оқилона фикр юритиш малакасини шакллантиришнинг маҳсулдор усулини ўрганиш учун кенг йўл очилди. Маълумки, бу муаммони **Д.Н.Боговявленский, Е.Н.Кабанова - Меллер, С.Ф.Жуйков** ва бошқа муаллифлар тадқиқ этганлар.

Иккинчи йўналиш **П.Я.Гальперин** ва унинг шогирдларининг ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясида ифодаланган. Бу гуруҳ олимларининг фикрича, алоҳида олинган фикр психик ҳодиса

сифатида “...ички ақлий режага ўтказилган, кейинчалик ички нутққа айланган предметли ҳаракатдир”<sup>3</sup>.

П.Я. Гальпериннинг таъкидлашича, ҳаракатни дастлабки бажариш тафаккурнинг алоҳида ақтини ташкил қилади. Муаллиф ориентирлашнинг 3 хил асосга ажратади. I тип ориентировка ҳаракати ориентирлаш асосининг тўлиқ эмаслиги билан тавсифланади. II тип ориентировкада тўлиқ ориентирлаш асосида ҳаракатнинг тузилиши юзага келади. III тип - материалнинг асосий бирликлари ва уларнинг бирикув қонунларига ориентирлаш, асосан аниқ объектлар учун ҳаракатнинг ориентирлаш асосини мустақил тузиш методлари аниқланади. Шундай қилиб, бу назарияга кўра, тафаккурнинг ҳақиқий мустақиллиги ориентирлаш асосининг ҳар 3 типда намоён бўлиши мумкин.

Л.А.Ростовецкаянинг экспериментал тадқиқотларидан маълум бўлишича, “ўзи” учун фикр ва бошқалар учун фикр” бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Фикрни объективлаштириш - уни субъективлаштиришга нисбатан муҳим ва мураккаб босқичдир.

Учинчи йўналиш Д.Б.Эльқонин ва В.В.Давидовларнинг тадқиқотларида кузатилади. В.В. Давидов ўқув дастурларини тузишнинг анъанавий усулларини танқид қилиб, уларга киритилган таълим мазмуни ва методлари оқилона билимнинг маҳсулдор шаклларини эмас, эмпирик тафаккур асослари ва қоидаларини ўқувчиларига сингдириш мужассамланганлигини таъкидлайди. Буларга қарама-қарши ғоя сифатида муаллиф “умумий мазмундан фикран хусусийликка” тамойили бўйича ўқувчиларда тафаккурнинг замонавий илмий-техникавий типини, яъни уларда назарий тафаккурни шакллантирувчи дастурларни тузишни зарур деб ҳисоблайди.

Муаллифнинг мактаб таълимида назарий тафаккурнинг ролини оширишга интилиши юқори баҳога лойик.

Тўртинчи йўналиш - психологияда кенг тарқалган таълимот бўлиб, ижодиёт муаммоларини таҳлил қилишга қаратилгандир. Ҳозирги даврда ижодий жараённинг психологик табиати ва қонуниятлари юзасидан жуда кўп баҳслар олиб борилмоқда.

Психология фанида бу муаммонинг ягона ечими топилганича йўқ, лекин изланишлар ишонч ҳиссини уйғотмоқда. Ижодиёт инсонлар учун муайян маҳсулот олишга, жамият тараққиёти учун фойдали моддий ва маънавий қадриятлар яратишга олиб келадиган фаолият сифатида талқин қилиш ғояси кенг тарқалган. Лекин психолог учун бундай таъриф етарли эмас, чунки бу аснода жараён эмас, балки фаолиятнинг натижаси - яратилган маҳсулотнинг янгилиги ва ўзига хослиги биринчи ўринда туради. Фаолият жараёнини психологик таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, натижалар янги бўлмаганда ҳам, ўзига хос бўлмаганда ҳам ижод унсурлари иштирок этади. Агарда ўқувчи унинг учун янги бўлган топширикни мустақил ҳал қилса,

<sup>3</sup> Гальперин П.Я. Психология мышления и учение о поэтапном формировании умственных действий. -Вкл.: Исследования мышления в советской психологии. -М.: Наука. 1966. С.236.

мавжуд билимларини қайта курса, ўзгартирса, дарсликлар ёки бошқа билиш манбаларини ўрганишда, объект билан ўзаро таъсир ўтказишда янги билимларни мустақил равишда ўзлаштирса, бундай билиш фаолиятини ижодий деб аташ мумкин. Жаҳон фанининг гносологик таълимотига кўра, ижод 2 хил бўлиши мумкин: а) ижод “бошқалар учун кашфиёт” сифатида, б) ижод “ўзи учун янгилик” сифатида. Биринчи ҳолатда натижа ижтимоий аҳамият касб этса, иккинчи ҳолатда эса - натижа бундай хусусиятга эга эмас.

Ижодий жараён - мураккаб психологик табиатга эга эканлиги туфайли, дастлаб ижод психологиясида санъат ва адабиёт соҳасида ишлайдиган кишиларнинг фаолияти ўрганилган (бадий ижод), ҳолос. Ҳозирги даврда тадқиқотчилар томонидан янги ғояларни ишлаб чиқиши маҳсуласи йўсинда таърифланадиган илмий ижодиёт жараёнининг қонуниятлари, мезанизмлари, феноменологияси муваффақиятли ўрганилмоқда.

**Я.А. Пономаревнинг** тадқиқотлари интуиция (ички ҳис, ичдан ҳис қилиш) моҳиятини ёритишга имкон берувчи субъектив шароитларни аниқлашга ёрдам беради. Муаллиф субъектив шароитлар қаторига муаммонинг мавжудлигини, вазифани ҳал қилишга мос бўлмаган усулларни тугатиш, муаммога қизиқишни сақлаган ҳолда ечим учун мавжуд усуллар яроқсизлигига ишониш, ижоднинг биринчи босқичларида муаммонинг қисқартирилиши ва схемалаштирилиши кабиларни киритади.

Шундай қилиб, Я.А. Пономарев тадқиқотларининг аҳамияти шундан иборатки, у ичдан ҳис қилиш (интуиция) механизмини экспериментал ўрганиш зарурлигини ва мумкинлигини кўрсатди. Интуиция қонуниятларини билишга асосланган ҳолда, ўқитувчи таълим жараёнида фараз вужудга келтириши, илҳомланиши, ижодий вазиятлар ва психологик ҳолатлар яратиши мумкин.

**А.Н. Лукнинг** таъкидлашича, “ижодий қобилиятга эга бўлиш” ва ижодий фикрлаш бир хил нарса эмас, чунки унда ўз қобилиятларидан фойдаланиш, уларни амалга ошириш истаги ҳам мавжуд бўлиши зарур. Ижодий имкониятлар жамоада ижодга “муҳит мавжудлигига, янги ғоялар қанчалик юқори баҳоланишига, анъанавий ва урф бўлган тасаввурлар чегарасидан четга чиқа олишга боғлиқдир. Мактабда ижодий муҳит факатгина қизиқувчанликни шакллантириш, янги фикрлаш, бир хил бўлмаган ечимларни топиш билангина яратилмайди. Янги ва ўзига хос нарсани идрок қилишга тайёргарликни, бошқа одамларнинг ижодий ютуқларидан фойдаланишни, амалиётга татбиқ этишга интилишни тақозо этади.

Турли ёшдаги ўқувчиларда мустақил ижодий тафаккурни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири - бу муаммоли вазиятларни яратиш жараёнидир. Фанда муаммоли таълимнинг назарияси ва амалиёти яратилган, **Жумладан, В. Оқонь, А.М. Матюшкин, И.Я. Лернер, М.И.Махмутов** ва бошқаларнинг муҳим тадқиқотлари муаммоли таълимга бағишлангандир.

**А.М.Матюшкин** муаммоли деганда, шундай вазиятни назарда тутадими, бунда субъектда янгиликни очиш объектнинг номаълум

хусусиятларини, қонуниятларини кашф этиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Субъект билан объект психологик ўзаро таъсир ўтказиш типини акс эттиради. Муаммоли вазиятда номаълум ҳолат иккита кўрсаткичи билан тавсифлайди: 1) нисбий янгилик даражаси; 2) умумлаштиришнинг нисбий кўрсаткичи.

Муаммоли вазиятни инсон субъектив равишда “қийинчилик”, “тўсиқ” воқелик сифатида ўз бошидан кечиради.

А.М. Матюшкин муаммоли вазиятни 4 хил моделга ажратади:

Хулқ-атвор модели-субъект билан унинг кўзланган мақсади ўртасидаги тўсиқ мавжудлиги туфайли у ўз олдига қўйган мақсадига бевосита эриша олмаган шароитда вужудга келадиган тафаккурдан иборатдир. Буларга мос тарзда муаммони ҳал қилиш тўсиқни енгиш ёки кўзланган мақсадга эришишда айланма йўлни топишда мужассамлашади. Бу хилдаги муаммоли вазиятларда тўсиқни енгишга имкон берадиган ақлий ҳаракат усуллари топилиши мақсадга мувофиқдир.

“Тушунишни талаб қиладиган вазиятлар”да инсон зарур тузилмани аниқлашга ёрдам берадиган баъзи муносабатларни топиши лозим. Бундай вазиятларда инсон шахсий ҳаракат тамойилини мужассамлаштирувчи қонунни, муносабатни, хусусиятни топиши жоиз. Ҳаракатнинг янги тамойилини топиш эса фикрлаш предмети “тузилишини” ташкил қилади.

Муаммоли вазиятнинг эҳтимолли модели - қўйилган топширикни ҳал қилиш учун қулай ҳаракатни танлашни амалга оширувчи тафаккурни эҳтимолий жараён сифатида тушунишдан иборатдир. Муаммоли вазиятларнинг таҳлил қилинаётган типини “ҳа - йўқ” тамойилига асосланиб қарор қабул қилишнинг барча вазиятларида муайян аҳамият касб этади. Тафаккур жараёнининг зарурлигини белгилайдиган тўсиқ сифатида ақлий ҳаракатларнинг мавжудлигини ифодаловчи бир-бирига қарама-қарши усуллар намоён бўлади.

Муаммоли вазиятларнинг информацион моделида эса тафаккурнинг асосий акти - инсон томонидан янги маълумотларни, билимларни ва ҳаракатларни эгаллаш ҳамда уларни қайта ўзгартириш жараёнлари гавдаланади. Бу моделдан фойдаланиш натижасида **В.А.Крутецкий** маълумотлари етишмайдиган ёки маълумотлари ортикча масалаларни муаммоли топшириқлар сифатида ажратади.

**В.П.Паламарчук**нинг таъкидлашича, муаммоли таълимни амалиётга татбиқ қилишдан олдин ўқитувчи ўқувчига тўғри фикрлашни, яъни мустақил фикрлаш мазмуни ва шаклини тушунтириши зарур. Муаллимнинг фикрича, таълим жараёнида ўқувчиларни фикрлашга ўргатиш - бу уларнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олиш, улар тараққиётининг методологик ва психологик асосларига таяниш, ўқишнинг операционал ва мотивацион жиҳатларини бир даврда ҳисобга олган ҳолда ўқув фанлари мазмунини ўзлаштиришни таъминлашдан иборатдир. **В.П.Паламарчук** ўқувчиларда умумилмий фикрлаш кўникмалари ва малакаларини ривожлантиришнинг дастурини ишлаб чиқади. Дастур қуйидаги асосий кўникмалар ва малакаларни секин-аста мақсадга йўналтирган ҳолда ривожлантиришни ўз ичига олади:

Таҳлил қилиш (анализ) ва муҳим белгисини ажратиш.

Таққослаш.

Умумлаштириш ва системалаштириш.

Тушунчаларга таъриф бериш ва тушунтириш.

Қонкретлаштириш.

Исботлаш ва инкор этиш.

Муаммоли таълимда зарурий кўникмалар.

Сўнги йилларда ақлнинг танқидийлигини ривожлантириш муаммоси бир қатор тадқиқотларда ўрганилмоқда. **А.С.Байрамовнинг** докторлик диссертацияси кичик мактаб ўқувчиларида тафаккур танқидийлиги ва мустақиллигини ривожлантириш муаммосига бағишланган. Муаллиф тафаккур танқидийлигини муаммони ҳал қилишнинг қулай усулини топишга йўналтирилган шахс қобилияти сифатида тушунади. Мустақил фикрлашдан фаркли ўлароқ тафаккур танқидийлиги, муаллифнинг фикрича, кўпинча ақлий тажриба жараёнида ва вазифани ҳал қилишнинг сўнги босқичида, яъни усуллар тизими ичидан энг тўғриси, ечимга айнан мос усулни танлаб олишда намоён бўлади. **А.С.Байрамовнинг** фикрича, ақлнинг танқидийлиги теварак-атрофдаги ҳодиса ва предметлардаги янги ҳамда оригинал жиҳатларни аниқлашда, шунингдек, вазифани ҳал қилишнинг қулай усулини топишда муҳим роль ўйнайди. Лекин муаллиф танқидийликни “ақлий ҳаракатлар ичида” таҳлил қилганлиги туфайли, “субъект - субъект” алоқалари ёритилмай қолган, шунинг учун ҳам тадқиқотда танқидийлик шахснинг ҳислати даражасига кўтарилмаган.

**А.И.Липкина** ва **Л.А.Рибак** ақлнинг танқидийлигини фақатгина ақлий фаолият доирасида эмас, балки шахс ҳислати сифатида ҳам ўрганадилар. Улар ақлнинг бу ҳислатини ўқувчиларнинг установкалари ва эътиқодлари билан боғлайдилар ва уни шахснинг ўзини-ўзи англаши доирасида таҳлил қиладилар. “Субъектнинг ўзига йўналтирилган танқидийлигини одатда у ёки бу шаклда ўзини-ўзи баҳолашни ўз ичига оладиган ўзини-ўзи танқид қилиш сифатида тавсифлаш мумкин”<sup>4</sup>.

Таълим жараёнида кичик мактаб ўқувчиларида ақлнинг танқидийлигини шакллантириш муаммосини ўрганишга **Н.А.Менчинская** раҳбарлигида бажарилган **В.М.Синельников-**нинг тадқиқоти бағишланган. Тадқиқотнинг асосий мақсади - ўзгаларнинг фикри орқали ўзини-ўзи танқид қилишни ривожлантиришдан иборатдир. Ўзини-ўзи танқид қилиш шахснинг барқарор ҳислати сифатида ўқувчининг олдинги тажрибасида юзага келган психологик хусусиятлари билан кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистонда ўтказилган қатор изланишларда ҳам мустақил тафаккур муаммосига асосан педагогик психология нуктаи назаридан ёндашув мавжуд.**М.Г.Давлетшин** ўқувчиларда мустақил тафаккур ривожланишига катга эътибор беради. Унинг ёзишича, “Ҳозирги мактабнинг асосий вазифаси таълим методларини, ўқувчиларнинг фикрлашини тараққий

<sup>4</sup> Липкина А.И., Рибак Л.А. Критичность и самооценка в учебной деятельности. –М.: Просвещение. 1968. С.5.

этириш методларини такомиллаштириш-дир. Мактабнинг вазифалари ҳақида гап борганда кишининг ҳозирги фанни, ҳозирги ижтимоий-сиёсий муносабатларни тушуниб олишга анча мос тушадиган тафаккур савиялари ҳақида тўхталиб ўтиш мумкин. Бу талабларга тафаккурнинг илмий-назарий (диалектик) савияси жавоб беради”<sup>5</sup>.

**К.Турғунов** Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғатида (1975) тафаккур мустақиллигини назарий ва амалий масалаларни ўзгаларининг ёрдамсиз хал қилишдан иборат ақл сифати деб таърифлайди. Худди шу фикрларга кейинроқ Э.Ғозиев ҳам қўшилади.

**Э.Ғозиев** Ўзбекистонда тафаккур психологиясини кенг ёритган олимлардан биридир. Муаллифнинг фикрига кўра, инсон тафаккури ўзининг мустақиллиги жиҳатидан мустақил ва номустақил тафаккурга ажратилди. “Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига қонкрет мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характердаги фараз қилиши, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган вазифани ҳеч кимнинг қўмагисиз, кўрсатмасисиз ўзининг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб, мустақил равишда хал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш керак”<sup>6</sup>.

Тафаккурнинг мустақиллиги ақлнинг серташаббуслиги, пишиқлиги ва танқидийлигида намоён бўлади. Ақлнинг серташаббуслиги деганда инсоннинг ўз олдига янги муаммо, аниқ мақсад ва қонкрет вазифалар қўйишини, ана шуларнинг барчасини амалга оширишда, ниҳоясига етказишда, ечимини кидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилиши, уларга тааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлишини назарда тутамиз. Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни тез ечишда, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни тез излаб топишда, уларни саралашда, ана шу усуллар ва воситаларни ўз ўрнида аниқ қўллашда трафаретга айланган усул, эски йўл ва усуллардан фориг бўлишда ва бошқа жараёнларда ифодаланadi.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга баҳо бера билишда ақлнинг танқидийлиги объектив ва субъектив равишда ифодаланиши мумкин. Мазкур сифат - инсонни баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш каби тафаккурнинг индивидуал хусусияти билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Агар танқидийлик оқилона муҳим белгиларга, муаммо моҳиятини тўғри очилишига асосланиб амалга ошса, бундай танқидийлик объектив танқидийлик деб аталади. Мабодо тафаккурнинг танқидийлиги субъектив хатоларга, умуман субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидийлик дейилади. Субъектив танқидийлик салбий оқибатларга олиб келади, шунингдек, инсонлар ўртасида “англашилмовчилик ғови”ни вужудга келтиради, икки шахс ўртасида қутилмаганда зиддиятлар пайдо бўлади.

<sup>5</sup> Давлетшин М.Г. Таълимнинг психологик асослари. -Т.: Ўқитувчи. 1978. 20 б.

<sup>6</sup> Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. -Т.: Ўқитувчи. 1990. 59 б.



Мақсад, муаммо ва вазифалар ўзга шахс томонидан қўйилиб, тайёр усул ва воситаларга таянган ҳолда ўзга кишиларнинг бевосита ёрдами билан амалга оширилиши жараёнида бир оз иштирок этган тафаккур номустақил тафаккур деб аталади. Номустақил тафаккурли кишилар тайёр маҳсулотлар кулига айланадилар.

**В.М.Каримова, Р.И.Суннатова, Р.Н.Тожибоевалар** биз кўтарган муаммони фикрни тарбиялаш, мантикийлик, ижодий тафаккур ва мустақил фикрни ифодалаш муаммоларини уйғунлаштирган ҳолда ёритиб бердилар. Бирор нарса ёки рўй берган, бераётган воқеа ёки ҳодиса хусусида миямизда пайдо бўлаётган туйғуларимиз - фикрдир. Фикрларни тартибга солиш, уларни ўз ўрнида ишлатиш ва бошқариб туришга жавобгар бўлган жараёни психологлар фикрлаш ёки тафаккур деб атайдилар. Инсон ҳаётини фикрсиз, фикрлашсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Муаллифлар фикрнинг ижтимоий моҳиятини очиб берадилар: “фикрлашни жамиятга боғлиқ ҳодисадир, дейиш мумкин”. Тасаввур қилинг: Сизда бирор муаммо ёки масала юзасидан фикр мавжуд, яъни мустақил фикрингиз бор. Бу фикр сизга жуда маъқул ва уни сиз мантиқан асосланган, деб ҳисоблайсиз. Агар шундай ишонч, ҳаттоки, эътиқод бўлса, сиз албатта, кимлар биландир уни ўртоқлашиш эҳтиёжини сезаётганлигингизни англайсиз. Агар унинг “пишиб етилганига” бироз бўлса ҳам иккилансангиз, бу фикрни бировга айтмай кўя қолиш ёки жуда яқин кишингиз билан ўртоқлашишга интиласиз. Демак, пайдо бўлган янги фикр одамни бошқалар билан мулоқотда бўлишга, улар билан ўртоқлашишга ундайди. Айни шу жиҳати фикрлашнинг ижтимоийлигидан дарак беради<sup>7</sup>. Муаллифлар ёшларга мустақил фикрлашни ўргатиш бўйича турли машқлар тўпламини ишлаб чиққанлар. Бундан ташқари, улар мустақил фикрлаш сифатларини ҳам ажратиб кўрсатдилар:

Элементар тафаккур жараёнларининг шакланганлиги - яъни таҳлил қилиш, синтез, таққослаш, муҳим жиҳатини ажратиш;

Тафаккурнинг фаоллиги, унинг эркинлиги, яъни носдандарт ғояларнинг туғилиши жараёнидаги эркинлик ва бир ғоядан иккинчисига ўтишдаги эгилювчанлик;

Тафаккурнинг ташкилланганлиги ва мақсадга йўналганлиги, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсон томонидан ўзини тафаккур қилиш ёки фикрлаш жараёндарига хослигини англаш ва уни назорат қилиш.

В.Каримова ўзининг қатор мақола ва рисоаларида шахснинг жамиятдаги мавқеи ва ундаги юксак инсоний фазилатларининг фикрлаш жараёнидаги мустақил мавқеига боғлиқлиги муаммосига жамоатчилик диққат-эътиборини қаратиб, “Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури” талабларини бажариш жараёнидаги таълим ислохотларида, энг аввало, ўқувчилар ва талабаларнинг мустақил фикрлашлари учун шарт-шароитлар яратиш ва бунда энг аввало, ўқув фаолияти кечадиган ижтимоий психологик муҳитнинг етакчи ролини таъкидлайди. Бошқа томондан, “Ўзини англаган, билган, ҳаётда ўз ўрнини топа олган одамнинггина миясига фикр келади,

<sup>7</sup> Каримова В.М. ва бошқалар. Мустақил фикрлаш. –Т.: Шарк. 2000. 19 б.

тафаккур қилади ва қолаверса, у бу фикрларини ўзгаларга изҳор қилиб, етказиши ҳам мумкин бўлади” (ўша манба). “Қандай фикрлаш” муаммосига диққатни қаратган муаллиф, аслида фикрлашни илк ёшлиқдан шакллантириш лозимлигини таъкидлайди ва унинг мезонларига эътибор беради. “Агар болада ёшлиқданоқ, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзига хос томонларини кўра олиш, ижодий ёндашув бўлса, демак, унинг тафаккури ижодий, эгилувчан, мослашувчан бўлиб, айнан шуларда мустақил тарзда мулоҳаза юритиши кузатилади. Ижодкорлар тунд ва консерватив фикрлилардан фарқли, яна турли зиддиятлар, онгда ўрнашиб қолган эскича қарашларни инкор қилиш, керак бўлса, ундайлар билан талашиб-тортишишга мойил бўладилар”. Демак, тарбияланган ва мустақил фикр учун В. Каримованинг фикрича, “муҳит керак, бу муҳит, албатта болага бевосита таъсир кўрсатади”. Тобеликни чегараловчи ижтимоий психологик муҳитни аудиторияда шакллантириш учун ўқитувчи мунозара методларидан кенг фойдаланса бўлади. “Эркин фикр алмашишнинг бўлиши муҳокама қилинаётган муаммо бўйича гуруҳ аъзоларининг фикрлашлари жараёни тезлаштиради ва уларнинг фаол позицияда бўлишларини тақозо этади. Мунозарага киришувчиларнинг фазовий ва психологик ҳолатлари бир-бирлариникига яқин бўлса, шахсда сўзлаш, ўз фикрини мустақил баён этиш эҳтиёжи пайдо бўлади”.

Шундай қилиб, эркин, ҳолисона, соғлом, оқилона фикр алмашинуви шароити ва муҳитининг яратилиши ўсмир ва ўспиринларда лўнда, равон, мантикий тилда сўзлаш малакасини ўстиради. Муҳит хусусидаги яна бир фикр шуки, шахс ҳар қандай шароитда, ҳамманинг олдида ҳам эркин гапиравермайди. Айниқса, Шарқ психологияси ва одоб нормалари шундайки, кичкина ёшдаги каттанинг, бола ўз ота-онасининг, ўқувчи ўқитувчининг олдида ҳар қандай фикрни мулоҳазага қўявермайди, чунки бу воқелик шарқ хулқ-одобига зид, деб баҳоланади. Шунинг учун ҳам шундай шахсларро муносабат муҳитини яратиш керакки, одамдаги унчалик даражада аҳамиятли бўлмаган фикрни ёки гоёни ҳам қўллаб-қувватловчи “ўзгалар”нинг мавжуд эканлигига эришиш керак. Чунки ҳар қандай одам ўз фикрининг тўғрилигига ва асосли эканлигига ишонч ҳосил бўлсагина, у фикрини эркин баён эта олади. “Демак, - деб таъкидлайди В. Каримова, - тарбияловчининг маънавий қараш, фикр алмашиши жараёни суҳбатга нисбатан ижобий установақалар мустақил фикрлашнинг энг мақбул шароити ҳисобланади”.

Э.З. Усманова тафаккурнинг энг муҳим тавсифи - бу тафаккур билан нутқнинг энг яқин ўзаро боғлиқлигидир, деб кўрсатиб ўтади. Муаллифнинг фикрича, у ёки бу фикр қанчалик ўйланган бўлса, у сўзлар орқали, оғзаки ва ёзма нутқда шунчалик аниқ ва мантикий ифодаланади. Аксинча, қандайдир бир фикрнинг сўзлар ёрдамида шаклланиши қанчалик такомиллаштирилган бўлса, шу фикрнинг ўзи шунчалик аниқлашади ва англанилиб борилади. Агар биз ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришни хоҳласак - унда улар нутқини ўстиришимиз, уларнинг ўз нутқини назарини ҳимоя қилишга ўргатишимиз, ҳатто асослаб бера олишликка, бошқача қарашларни эшита

билишга, унда ўзининг “ўринли ҳиссасини қўшишга, ўринли танқид қила билишга, мунозараларга ўргатишимиз керак”<sup>8</sup>.

**Р.И.Суннатова** фикрлаш фаолиятининг индивидуал - типологик хусусиятларини ўрганиб, бу хусусиятлар қаторига мустақил ёки мустақил эмаслик, ўзини-ўзи баҳолашда конструктивлик - деструктивлик, фикрлаш фаолиятида қарор қабул қилиш бўйича шахслараро таъсир ўтказиш ҳолатларида конфликтлик - конформлик кабилар киришини таъкидлаган.

Шундай қилиб, мамлакатимиз психологлари ҳам тафаккур жараёни бўйича олиб бораётган изланишларида, энг аввало, фикрлашнинг англашлик ва ижтимоийлик тамойилларга кўпроқ эътибор қаратган ҳолда мустақил, эркин фикрлай олиш қобилияти ижтимоий муносабатларга боғлиқлигига эътибор бермоқдалар ва бу хулоса диққатга сазовордир.

Ижтимоий фаолиятда мавжудлиги каби мустақил фикрлашга алоқадор бўлган билиш фаолиятида ҳам операцион-техник томон ижтимоий хулк томони билан қўшилиб кетади, яъни субъект-объект муносабати (субъектнинг объект билан ўзаро ҳаракати) “субъект-субъект” муносабатига айланади ва бу катта амалий аҳамият касб этади. Шахснинг билув фаолиятини ўрганишда мураккаб ўзаро муносабатнинг бу икки тури аниқланибгина қолмасдан, балки унинг тадқиқот усулини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Ягона фаолиятнинг бу икки томонини бир-биридан ажратган ҳолда ўрганиш билиш фаолиятининг тақомиллашуви, тараққиёти, қонуниятлари ҳақида ҳаққоний маълумотлар олишга имкон бермайди. Бир томондан, шахснинг билиш фаолиятини предметнинг ўзи билангина ўрганиш хато, бошқа томондан, муомала механизмини билиш омилидан ажратиб ўрганиш ундан ҳам қийин. Билиш фаолиятининг гностик (билиш) ва мулоқот жиҳатлари ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлиги учун ягона фаолиятнинг бу икки жаҳасидан биргаликда фойдаланиш зарур. Ана шундай диалектик ривожланиш фикрга ҳам тааллуқли бўлиб, мустақил фикрлашнинг сифати, самараси ва даражаси бевосита фикрловчини ўраб турган ижтимоий борлик ва ундаги муомала мароми, услубига боғлиқ.

Фикрнинг шаклланиши жамият ва табиатда идрок этилаётган воқеа ва ҳодисаларни баҳолаш “кўр-кўрона” унга ишонил ёки ақл-идрок билан англашнинг нисбатидан келиб чиқади. Фикрнинг ва эътиқоднинг ривожланиши билиш жараёнида муҳим омил ҳисобланади, чунки ўқувчида фикрнинг пайдо бўлиши чуқурроқ билимга эҳтиёжни ҳосил қилади, бу эса ўз навбатида шахснинг жисмоний ва ақлий кучларини фаоллаштиради, мотивлар, ирода ва ақлий ҳаракатларнинг бирлигини таъминлайди, яъни шахс мустақил равишда ўзини-ўзи бошқаришга ундовчи ва бажарувчи омиллари бирлигини кафолатлайди.

Тафаккур мустақиллигини ривожлантиришда ўқув фаолиятининг гуруҳий шаклларида катта аҳамият берилади, лекин бунда шахснинг индивидуал фаолияти, фикр ва ҳаракатларининг бетакрорлигининг роли ҳам

<sup>8</sup> Усманова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай қилиб ривожлантириш мумкин. –Т.: Ўзбекистон. 2000. 4 б.

пасайтирилмайди. Яъни, одам ўзи ёлғиз бўлганидан кўра, одамлар орасида, гуруҳий баҳсларда ўзида мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириши мумкин. Ўсмирлик ёшининг муҳим хусусияти шундаки, бу даврда фаол, мустақил ижодий тафаккурнинг таркиб топиши бошланади. Ўсмирлик ёши ана шундай тафаккурнинг шаклланиши учун сензитив даврдир. Ўқувчилар олдида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо, масала юзага келган вазиятдагина уларда мустақил фикрлаш ўса бошлайди. Шунинг учун ўқитувчи ўсмирлар билан олиб борадиган машғулотларини мураккаблиги турлича бўлган муаммоларни мустақил равишда ҳал қилишга қизиқиш уйғотадиган тарзда уюштириши лозим.

Бу даврда айниқса, ўсмирлар учун ўртоқлари билан дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда бўладиган мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам устозлар, мураббийлар, ота-оналар аини шу даврда уларнинг кимлар билан, нима хусусида баҳс юритишларига эътибор беришлари ҳамда бу ишларни эса бошқаришлари жоиз.

Ваҳоланки, ҳозирги даврда мактабларда асосий эътибор хотирани ривожлантиришга, шу орқали айрим олинган фанларда кўтарилган мавзулар бўйича айрим алоҳида тушунчаларни эса олиб қолиб айтиб беришга қаратилган. Афсуски, бевосита фикрни ривожлантириш, унинг ностандарт, эгилувчан сифатларини ўстиришга кам эътибор берилгани туфайли, ҳар бир синф, академик гуруҳнинг оз миқдордаги аъзолари мустақил фикрлаган ҳолда ўз фикрларини бемалол ўзгаларга узата оладилар.

Зеро, тафаккур мустақиллиги - бу шахснинг жамиятдаги мавқеи ва ижтимоий борлиқ моҳияти юзасидан ўзлаштирадиган билимлари, муомала жараёнида юзага келадиган ҳукмларининг шахсий фикр ва эътиқод даражасида идрок этилишидир.

**3.Т.Нишанованинг таъкидлашича, тафаккур мустақиллиги - бу шахснинг билимларни ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган ҳукмларни шахсий фикрига ва эътиқодига узатиш қобилиятидир. Тафаккур мустақиллиги феномени ўз тузилишига кўра ҳукм, фикр, эътиқод бирликларидан иборатдир мустақил фикр ривожланганлигининг мезонлари куйидагилар:**

А)Ўзининг ва “ўзгаларнинг” фикрини танқидий баҳолашда шахснинг тажрибаси, ўзга шахснинг фикрини тушуниш қобилияти, унинг фикридаги мантиқни пайқаш, рақибнинг фикрларини ўз фикрлари билан таққослай олиш, муайян хулосага келиш.

Б) Шахснинг ўзгалар билдираётган фикрнинг мазмун-моҳияти билан ташқи (маъқуллаш, сўзга қўшилиш) ва ички (ҳақиқатан ҳам руҳан тўла қўшилиши) келишуви.

В) Баҳслашувчиларнинг ўзаро мулоқот жараёнида фикрий қарама-қаршиликларни “ҳис қила олиш” ва унга муносиб жавоб беришга тайёрлик.

Г) Тафаккур жараёнида назарий ва амалий умумлаштиришнинг нисбий маромига эришиш

Д) Диққат тўпланишида намоён бўладиган ақлий функцияларнинг ихтиёрий бошқарилиши.

Е) Ақлий ташаббускорликнинг ривожланиш даражаси.

Юкорида таъкидланган мезонлар асосида фикрлашнинг оригиналлиги таркиби махсус психологик тадқиқотларда (З.Нишонова, 2001, 2002) ўрганилди ва айрим хулосаларга келинди. Хусусан, гуруҳнинг юлдузлари-лидерлари, пешқадамларининг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятлари бошқалардан фарқли ўлароқ юқори бўлиши исботланди. Чунки синфнинг аълочиси, пешқадами, ижтимоий психологик мавқеи юқори ўқувчиларининг ўзига ишончи ва билимдонлиги шахсий фикр-муносабатларини эркинрок баён этишга имкон яратади. Мустақил, ижодий фикр ва шахснинг гуруҳда тан олинishi орасидаги боғланиш ҳам ўрганилган. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, мустақил, ижодий фикри юқори шахслар бу гуруҳнинг тан олинган аъзолари ҳисобланади. Агар шахс ўзининг гуруҳ аъзолари томонидан ижобий қабул қилинаётганлигини сезса, унда шундай ички руҳий куч қудрат пайдо бўладики, “бу куч” унда мустақил, ижодий фикрни баён этишнинг устувор мотивига айланади.

Агарда ўқитувчиларда ижодий тафаккур ривожланган бўлсагина, у ўқувчиларда ҳам ижодий фикрни шакллантира олади, чунки ҳар бир ўқитувчи ўз услуби билан ўзига мансуб тоифадагиларни шакллантиради.

Мустақил фикрлаш билан креатив, ностандарт тафаккур оригиналлиги ўртасида тўғри пропорционал боғланиш мавжуд бўлиб, ўспиринларда креатив тафаккур оригиналлиги қай тарзда шакллантирилса, уларда мустақил фикрлаш ҳам шунчалик ривожланади.

Ўқувчи ва талаба ёшларда мустақил фикр юритиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида муносабатлар ўзгариши, билим олувчи эса таълим жараёнининг фаол субъектига айлантирилиши лозим. Буни татбиқ этишнинг психологик шартлари, омиллари ва мезонлари мавжуд бўлиб, уларга:

- таълим берувчи катталар ўқувчини қандай бўлса, шундайлигича иқтидорли, лаёқатли деб тасаввур қилишга, тан олишга ўрганмоқлари керак;

- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда дифференциал ёндашувни амалга ошириш зарур, керак бўлса, таълим олувчининг лаёқати, қобилияти, йўналишини ҳисобга олган ҳолда билим, кўникма ва малакаларига биноан талаблар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

- янги таълим масканларида янги ўқув технологияси жорий этилиши мақсадга мувофиқ, бунда ўқувчиларга ҳурмат, уларнинг фикри ва юксалишига эътибор билан қараш зарур;

- гуруҳ фаолиятини мазмунли ташкил этиш, яъни мунозара, диалог, ўйин, тренинг методларидан кенг ва ўринли фойдаланиш ўқувчиларга кўпроқ фикрларни вужудга келтириш учун шароитни яратиш лозим.

Тадқиқотларда мустақил фикрлаш ва шахснинг ўзини-ўзи баҳолаш ўртасидаги боғланиш ҳам тадқиқ этилди. Маълум бўлишича, гуруҳнинг тан олинган аъзолари ўзларини-ўзлари юқори баҳолайдилар, лекин уларда мустақил ижодий фикр кўрсаткичи ҳам юқоридир. Гуруҳдан ажралиб қолган аъзолар эса ўзларини-ўзлари гуруҳий баҳолашга қараганда юқори

бахолайдилар, бинобарин, уларда мустақил, ижодий фикрлаш ҳам қуйи ривожланишга эга.

Демак, шахснинг жамиятдаги ўрни ва салоҳияти, обрўси ва манфаатдорлиги, ўзгаларга таъсир кўрсата олиши ундаги мустақил фикрлай олиш қобилияти билан бевосита боғлиқ. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, биз ўз маданиятимизнинг бизни ўраб турган ижтимоий борлиқнинг ҳосиласи эканмиз, объектив, субъектив вазиятларга боғлиқмиз ва *бошқаларнинг шахслараро муносабатларида бизга кўрсатаётган таъсирлари* қомида бўламиз. Ўсмир ва ўспиринларнинг ёки диний ақидапарастларнинг ўзларини тўла англамаган ҳолда турли хил бемаъни чақириқларига қўшилиб кетишини, терроризмнинг манфур ҳаракатларини, жиноятга етакловчи воқеаларни биз айнан вазиятнинг ҳукмида амалга ошганлигини биламиз, худди шу боис асосий вазифа – шахсни шундай шакллантириш керакки, у вазиятдан ҳам кўра, ўзининг дунёқараши, эътиқоди, шахсий қарашини у ёки бу фрустрацион ҳолатларга ёки низоли вазиятларга қарши қўя олиш имкониятига эга бўлсин.

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак, аммо, билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлик. Ҳозирги замон ўқув муассасаларининг вазифаси ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатишдир. Албатта, фикрлашда ҳам индивидуал фарқлар мавжуд. Фикрлашни билиш - бу инсоннинг ақлидир.

Ақлнинг қуйидаги сифатларини ажратиш мумкин:

Мазмундорлик (бойлиги, чуқурлиги, ҳукмга бойлиги).

Фикрлашнинг кенглиги (кенг ва тор) ва чуқурлиги, назария ва амалиётнинг узвийлигига боғлиқдир. Амалиёт, ҳукмнинг тўғрилиги мезонидир.

Фикрлашнинг мустақиллиги - умумий тажрибани қўллаш олиш, шахсий фикрга эга бўлиш, тажрибага муносабат билдириш.

Ақлнинг ташаббускорлиги.

Ақлнинг эгилувчанлиги, вазифани стандарт ечишдан қочиш.

Ақлнинг танқидийлиги, ўз ишини аниқ баҳолай олиш, уни ўлчаш.

Ақлнинг маҳсулдорлиги.

Фикрнинг кетма-кетлиги.

Тафаккурнинг тезлиги.

Ақл ҳақида айрим олимлар ва арбобларнинг фикрлари келтирилган. *"Улуғ ақл эгалари ўз олдларига мақсад қўядилар, қолган одамлар ўз истаклари ортидаи эргашадилар"* (Вашингтон Ирвинг).

*"Ақл - бу яхши ташкил этилган билимлар тизимидир"* (К.Д.Ушинский).

Юқорида айтиб ўтилган барча сифатлар ёш ўзгарган сари ўзгариб боради. Ижодий ишда фикрлашнинг мустақиллиги ва танқидийлиги зарур бўлиб, у ақлий фаолиятнинг маҳсулдорлигини таъминлайди.

## 8. 5. Кўникма ва малакаларни шакллантириш

Ўқувчилар билимларни ўзлаштирибгина қолмай хилма-хил кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар.

**Малака** - машқ қилиш натижасида юзага келган хатти-ҳаракатларнинг автоматлашган усули

Физиологик жиҳатдан малака бош миянинг катта ярим шарлари пўстлоғида ҳосил бўлиб, вақтинчалик нерв боғланишларининг барқарор тизимининг функциясини таъминлайди. Динамик-стереотипларни яратиш шароитлари бир вақтнинг ўзида автоматлашган акт билан мураккаб аналитик-синтетик фаолиятни юзага келтиради. Малакалар кишининг билим ва кўникмалари асосида таркиб топади. Малака ҳосил бўлишининг дастлабки босқичида унинг ҳар бир қисми ўйланган ҳолда, диққат билан бажарилади. Малакалар шаклланиб борган сари, уларни бажаришга нисбатан назорат камайиб боради. Шунинг учун ҳам маълум бир фаолиятни амалга оширишда малакаларнинг аҳамияти каттадир. Малакалар ҳаракат турларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- ҳаракат малакалари;
- сенсор малакалар;
- ақлий малакалар

Малакаларнинг нерв-физиологик асоси динамик стереотиплардир. Бунинг натижасида нафақат малакалар, балки кўникмалар ҳам юзага келади. Шахсда малакалар шаклланишида қуйидаги қонуниятлар кўзга ташланади:

1. Малака ҳосил бўлишининг нотекис жараёни. Бу машқларнинг эгри графигида намоён бўлади.
2. Малакаларнинг кўчиши. Ижобий малакаларнинг янгиларини шаклланишига таъсири кўчиш дейилади. Малакалардаги салбий таъсир эса **интерференция** деб аталади, бунда эски малака янгисининг шаклланишига ҳалақит беради.
3. Малакани прогрессив ва регрессивлиги - малака узоқ вақт микдоридида хизмат қилиши учун ундан фойдаланиш лозим. Акс ҳолда деавтоматлаштириш юзага келиб, зарур ҳаракатлар ўз тезлиги, янгиллиги, аниқлиги ва автоматлаштирилган ҳаракатларни таъминловчи хусусиятларини йўқотади.

**Кўникма** - олдинга қўйилган мақсад ва хатти-ҳаракат шароитидан келиб чиқадиган муваффақиятли ҳаракатлар усулларини танлаш ва амалга ошириш учун мавжуд билимлар ва малакалардан фойдаланишдир

Кўникма экстерниоризация қилишни – билимларнинг жисмоний ҳаракатга мужассамлашу-вини тақозо этади. Унинг бошланиш нуқтаси ахборотнинг юксак даражада, яъни онгда қайта ишланишидан иборатдир. Амалий

ҳаракатларнинг ана шу юксак даражадаги фаолияти натижалари билан йўналтириб турилиши эса унинг яқинини ташкил этади.

Кўникма ва малакалар хатти-ҳаракат услуби бўла туриб, маълум фаолият турига қараб ишлаб чиқариш, ўқув, ижтимоий, спорт, ташкилий, техник фаолият, илмий фаолият, санъат соҳасидаги кўникмалар ва бошқалар бўлиши мумкин. Лекин, барча фаолият турларида қўлланиладиган кўникма ва малакалар мавжуд: булар - ҳаракат, сенсор, аклий кўникма ва малакалардир. Ҳаракат кўникмаларига жисмоний меҳнат, спорт ва ўқув кўникмалари (хат ёзиш, тез ўқиш ва ҳоказо) киради.

Сенсор кўникма ва малакаларга ўлчов, ёруғлик, овоз ва символик маълумотларни тез ва тўғри қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ва бошқариш марказларида такрорлаб боришлар киради.

Аклий кўникма ва малакаларга - кузатиш усуллари, малакаларни ривожлантириш, оғзаки ва ёзма ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш, ҳаракатларга йўналтириш, китоб билан ишлаш, архив материалларини йиғиш, илмий тажриба ўтказиш ва ҳоказо. Малакалар машқ қилиш натижасида юзага келади, яъни бунда мақсад сари йўналтирилган (доимий) қайтариш мустаҳкамлашга олиб келади ва самарали усуллар асосида қайта-қайта қайтарилиши амалга оширилади. Инсон томонидан эгалланган кўникма ва малакалар янги кўникмаларни шакллантиришига таъсир кўрсатади.

**Одатлар** - бу кундалик фаолиятда кўп такрорланиши натижасида автоматлашган ва бажарилиши шахснинг функционал эҳтиёжига айланиб кетган ҳаракатлардан иборат индивидуал ҳислат

Одатларни инсоннинг маданий ва ахлоқий хулқида аҳамияти катта. Одатлар билим, кўникма ва малакалар асосида таркиб топиб, улардан фарқли ўларок, ижобий ҳамда салбий бўлади. Масалан, меҳнатсеварлик одати ижобий, дангасалик одати салбийдир. Одатнинг физиологик асослари бош мия ярим шарлар қобиғида ҳосил бўлган динамик стереотиплардир.

Таълим бошқариладиган жараён бўлиб, бунда ҳар бир боланинг ҳаракати қадамба-қадам назорат қилинади, ўқитувчи ҳар бир босқичда ўқувчининг билимларини малакаларини ўзлаштириш ҳақида ахборот олиб туради, янги материал аввалги материални ўзлаштиришга қараб тақдим этилади.

### 8.6. Ўқув фаолиятини бошқариш

Ўқув фаолиятини бошқариш ўз-ўзини бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, мустақил билим олиш, ижодий фикрлаш сари ўқувчиларни етаклайди. Ўқув фаолиятини бошқаришнинг таркибий қисмлари режалаштириш, ўзини назорат қилиш, билишга қизиқишдан иборат бўлиб, ўзаро жиҳс бир-бири билан алоқада ҳукм суради. Ўқув фаолиятини бошқаришнинг таркиблари умумлашган таълимий усуллар ёрдами билан ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади. Улар ўзига хос хусусиятлари, фаоллиги, кўлами, самарадорлиги, суръати билан тафовутланишига қарамай,




бир-бирларини тақозо қилади. Бошқарув бу шундай йўналтирувчи кучки, у инсонлардаги ижодий потенциал имкониятларини оладиган шароитларни юзага чиқаришни мақсад қилиб қўяди. Шундай экан, ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини тўғри ва оқилона бошқара олиши ўқувчи шахси камолотида ниҳоятда каттадир.

Фаолиятдан қутиладиган натижа психологияда мақсад дейилади. Ўқув жараёнининг бошқарилиши иккита асосий мақсадни кўзда тутди. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришдир. Ана шу мақсадлар бошқаришнинг вазифаларини белгилаб беради. Демак, ўқув жараёнини бошқаришнинг:

- **биринчи вазифаси** ташкилий бўлиб, ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси бўйича ижтимоий буюртмаларни қондириш;

**иккинчи вазифаси** - бевосита ўқувчининг қизиқиш ва талабларини қондиришга йўналтирилган ҳолатдаги ижтимоий вазифадир. Шунингдек, бу вазифа ўқувчиларни кўтаринкилик, яхши кайфият ва ўқув жараёнидаги ишчанликни юзага келтиришни ҳам ўз ичига олади. Афсуски, кўп йиллар давомида бошқаришнинг шу ижтимоий вазифасига жуда кам эътибор берилган.

Бошқарувнинг иккинчи вазифаси бу ижтимоий-психологикдир. Бу вазифа ўқувчиларда самарали фаолият учун зарур бўлган ижтимоий-психологик ҳолат ва хусусиятларни ривожлантиришга қаратилгандир. Бу ҳолат ва хусусиятлар ўқувчиларни ўзаро жиқлаштириш, назорат, ўз-ўзини бошқариш, шунингдек, мустақил таълим олишларини ривожлантиришдан иборатдир.



Ўқитишнинг иккита усули мавжуд. Бир анъанавий ўқитиш усули - бунда ўқитувчи муаммони белгилайди, вазифаларни аниқлайди ва муаммони ечиб беради. Ўқувчи эса масалани ечиш йўллари эслаб қолади ва уни ечишни машқ қилади. Бунда ўқувчиларда репродуктив тафаккур шаклланади. Ривожлантирувчи таълим ўқитишнинг муаммоли усулида ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш жараёнларини бошқаради, уни ташкил этади ва назорат қилади. Ўқувчи эса муаммони тушунади, уни ечиш йўллари кидиради ва уни ечади. Бундай ҳолларда ўқувчи тафаккурининг маҳсулдорлиги ошади ва унинг мустақиллиги ривожланади.

Ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун ўқитувчи қуйидаги қоидаларга таяниши лозим:

1. Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, бунда ўқувчи фаол ҳаракат қилиши, мустақил изланиши, янги билимларни ўзи кашф этиши ва муаммоли характердаги масалаларни ечиш учун шароит излаши керак.

2. Ўқувчиларга бир хил ўқитиш усуллари ва бир турдаги маълумотларни беришдан қочиш керак.

3. Ўргатилаётган фанга нисбатан қизиқишнинг намоён бўлиши учун айти шу фан ёки билим, ўқувчининг ўзи учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлигини билиши керак.

4. Янги материал қанчалар ўқувчи томонидан аввал ўзлаштирилган билимлар билан боғлиқ бўлса, у ўқувчи учун шунчалик қизиқарли бўлади.

5. Ҳаддан зиёд қийин материал ўқувчида қизиқиш уйғотмайди. Берилаётган билимлар ўқувчининг кучи етадиган даражада бўлиши лозим.

Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу ёки билимининг аҳамиятини кўрсатиш, ўқувчининг ўқув фаоллигини ошириш учун қизиқарли мисоллар, ақлий ўйинлардан кенг фойдаланиши лозим. Лекин, таълимдаги ҳар бир бериладиган билим ёрқин, қизиқарли бўлавермайди, шунинг учун ўқувчиларда ирода, қатъийлик, меҳнатсеварлик каби хислатларнинг камол топтирилиши ниҳоятда зарурдир. Ана шу хислатлар ўқувчининг келгусида ўз-ўзини назорат қилишга, ўз-ўзини баҳолашга ва мустақил таълим олишга асос бўлиши керак.


Республикамизда ўқув фаолиятини бошқариш муаммоси Э.Ғ.Ғозиев ва унинг шогирдлари Х.Рухиева, Ш.В.Азизовалар томонидан ўрганилган. Ш.Азизова тадқиқотида юқори синф ўқувчиларида ўқув фаолиятини бошқаришнинг психологик хусусиятлари тадқиқ этилган. Муаллифнинг таъкидлашича, ўқув фаолиятини бошқариш таркибларини эгаллаш муайян босқичма-босқич амалга ошади, турли хусусиятли материалларни ўзлаштириш негизига қурилади. Эгалланган усуллар ва таркибларни янги вазиятга кўчириш бошқариш жараёни вужудга келганлигини билдиради.

## 8.7. Педагогик баҳо психологияси

Болалар таълими ва тарбиясининг муваффақияти мотивацияга, яъни билимларни ўзлаштириш кўникма ва малакаларни шакллантириш учун

стимуллар мавжудлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Болалар таълими ва тарбиясида намоён бўладиган мотивлар ва қизиқишлар рағбатлантириш ва жазолаш тизимига олиб келади. Рағбатлантириш ижобий ҳислатларни вужудга келтирса, жазолаш салбий ҳислатларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилади.

**Баҳо** ўзида рағбатлантириш ва жазолашни бирлаштирган педагогик стимул ҳисобланади: яхши баҳо рағбатлантиради, ёмон баҳо жазолаш учун хизмат қилади. Шунинг эса тутиш лозим-ки, энг куйи баҳо ҳам, энг юқори баҳо ҳам ундовчи вазифани бажармайди. Масалан, мувафакқиятга ундовчи энг яхши стимул 5 эмас, 4 баҳо, 2 ,1 эмас, 3 баҳо ҳисобланади. 5 баҳо олган ўқувчи янада яхшироқ ўқишга ҳаракат қилмай қўяди. Ижобий ёки салбий баҳони доимий қўйиш ҳам ундовчи функциясини йўқотади.



**Предметга қаратилган баҳолар** боланинг шахсига эмас, у бажарган иш учун қўйилади. Бунда субъект эмас, фаолиятнинг мазмуни, предмети, жараёни, натижаси баҳоланади. **Шахсий педагогик баҳолар**, аксинча, фаолият субъектига тегишли бўлади, фаолиятда намоён бўладиган шахснинг индивидуал ҳислатлари, унинг интилишлари, кўникмалари баҳоланади.

**Моддий педагогик баҳолар** болаларни ўқув-тарбия ишидаги мувафакқиятлари учун турли усуллар билан моддий рағбатлантиришни назарда тутди. Моддий стимул сифатида пул, болалар учун қизиқарли нарсалар ва бошқа уларнинг моддий эҳтиёжларини қондирувчи нарсалар фойдаланилиши мумкин. **Маънавий педагогик баҳо** мақтов ёки фахрий ёрликни ўз ичига олиб, бола ҳаракатларининг ахлоқ нормаларига мослиги характерланади. **Натижали педагогик баҳолар** фаолиятнинг сўнгги натижасига тегишли бўлиб, асосан унга ургу берилади. Бунда қандай йўл билан эришилганлигига қарамасдан сўнгги натижага эътибор берилади.

**Жараёшли педагогик баҳо**лар, натижага эмас, жараёнга тегишлидир. Бунда охириги натижага қандай эришилганлигига эмас, натижага эришишга нима ундаганлигига ургу берилади. **Микдорий педагогик баҳо**лар бажарилган ишнинг ҳажмига тегишли бўлади, масалан, ечилган мисоллар сонига эътибор берилади. **Сифатий педагогик баҳо**ларда бажарилган ишнинг сифатига эътибор берилади.

Педагогик баҳо турлари билан бирга болаларни ўқув-тарбия жараёнига ундашнинг бир неча усуллари мавжуд. Улар: эътибор, қўллаб-қувватлаш, баҳо, тан олиш, мактов, мукофот, ижтимоий ролини, обрўсини ошириш.

Педагогик баҳонинг махсулдорлиги деганда унинг болалар таълим ва тарбиясидаги ундовчи роли тушунилади. Болада ўзини ўзи такомиллаштиришга, билим, кўникма ва малакалар эгаллашга, шахснинг ижобий ҳислатларини шакллантиришга, хулқ-атворнинг ижтимоий фойдали шаклларига интилишни кучайтирадиган баҳо махсулдор ҳисобланади. Бола шахсий-хулқ-атвор ва интеллектуал таракқиётида мотивация ташқи ва ички бўлиши мумкин. Ўқув-тарбиявий фаолиятнинг ташқи мотивацияси дейилганда боланинг фаоллигини ташқи томондан йўллаб турувчи стимуллар назарда тутилади, яъни улар болани ўраб турган атроф-муҳитдан келиб чиқади ва у болани маълум тарзда тутишга мажбурлайди. Бундай қўғатувчиларнинг таъсири йўқотилса, ўқув фаоллиги ҳам сусайиб, йўқолади. Ташқи стимуллардан фарқли равишда ички стимуллар бундай фаолликни вужудга келтириши ва йўллаб туриши мумкин. Ўқув тарбиявий фаолиятнинг ички мотивацияси, ташқи мотивацияга қараганда кучли бўлиб, махсулдор педагогик баҳо деганда болада таълим ва тарбиянинг ички мотивациясини вужудга келтирадиган баҳо назарда тутилади.

Педагогик баҳо боланинг ёшига мос танланиши зарур. Педагогик баҳо ёшга қараб ўзгариши тенденциялари куйидагилар: Биринчидан, ёш улғайиши билан янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш зарурлигини тушуниш ортади. Иккинчидан, болаликда йиллар ўтган сайин шахснинг маълум ҳислатларини эгаллашнинг аҳамияти ортади. Учинчидан, катта бўлган сайин, айниқса, мактаб даврида ижтимоий-психологик стимулларнинг роли ортади. Тўртинчидан, ташқи стимулларга қараганда ички стимулларнинг роли ортиб боради. Турли ёш даврларида педагогик баҳонинг қулай усуллари ва шароитларини кўриб чиқамиз.

Гўдаклик давридаги болаларни имо-ишора, мимика ва пантомимика орқали билдириладиган *ҳиссий-экспрессив* баҳолаш қўлланилади. Илк болалик даврида “яхши”, “ёмон” каби сўзлар билан баҳолаш мумкин. Мактабгача ёш даврида *хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш, билим, малака ва кўникмаларни намоён қилиш* билан боғлиқ педагогик баҳолар пайдо бўлади. Кичик мактаб ёшидаги болаларни таълим ва тарбияга ундашда ҳамма томонидан берилган баҳо эмас, балки бу болалар *қадрлайдиган катталар, ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан берилган баҳо махсулдор* бўлади. Ўсмирлик ёшида эса катталар эмас, балки *тенгдошлари, дўстлари томонидан берилган баҳони* аҳамиятли деб

биладилар. Илк ўспиринлик даврида катталар томонидан бериладиган баҳонинг аҳамияти яна ортади.

### 8.8. Таълимда индивидуал ёндашув муаммоси

Таълимда индивидуал ёндашув деганда ҳар бир ўқувчи индивидуал, бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўқитилади, деган маънони билдирмайди. Таълимни индивидуаллаштиришнинг маъноси шуки, у ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига таянади, ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қурилади. Синф ривожланиши ва тайёргарлик даражаси бир хил бўлмаган, ўзлаштириши турлича ва ўқишга муносабати ҳар хил бўлган ўқувчилардан ташкил топади. Ўқитувчи анъанавий ташкил эътилган таълим жараёнида ҳаммага бир хилда барабар кела олмайди. Шунинг учун у таълимни ўртача даражага – ўртача ривожланишга, ўртача тайёргарликка, ўртача ўзлаштиришга татбиқ қилган ҳолда олиб боришга мажбур бўлади. Бошқача айтганда, у таълимни қандайдир афсонавий “ўрта” ўқувчини кўзда тутган ҳолда ташкил этади. Бу нарса шунга олиб келадикки, “кучли” ўқувчилар сунъий равишда ўз ривожланишида ушлаб турилади, ўқишга кизиқишлари қолмайди, ўқиш уларда кўп ақлий куч сарфлашни талаб қилмайди. “Кучсиз” ўқувчилар эса сурункасига орқада қолишга мубтало бўлганлар, улар ҳам ўқишга кизиқмай кўядилар, бу ўқиш улардан кўпроқ ақлий куч сарфлашни талаб қилади. “Ўртача” даражага кирувчилар ҳам жуда ҳар хил бўладилар, кизиқиш ва майллари турлича, идрок, хотира, хаёл ва тафаккур хусусиятлари хилма-хил бўлади. Бир ўқувчи кўргазмали образлар ва тасаввурларга асосли равишда таянмоғи зарур, иккинчиси бунга камрок эҳтиёж сезади; бири секин фикрлайди, иккинчисининг ақлий мўлжали нисбатан тезлиги билан ажралиб туради; бири тез эсда олиб қолса-да, мустаҳкам эмас; иккинчиси – секин эсда олиб қолса-да, кўп нарсани ёдида сақлайди; бири уюшган ҳолда ишлашга ўрганган, бошқаси кайфиятига қараб, асабийлашиб ва нотекис ишлайди; бири астойдил, иккинчиси мажбуран шуғулланади.

Таълимни индивидуаллаштириш тамойили ўқитишда ўқувчиларнинг реал типларига таяниш зарурлигига асосланади. Бу тамойилни программалаштирилган таълим жуда яхши амалга оширади. Ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари таълимнинг айрим методлари ва усулларини танлаш ҳамда қўлланиш вақтида, уйга берилган топшириқларни қисмларга бўлишда, синф ва назорат ишларининг вариантларини аниқлашда ҳисобга олинади.

Синф билан олиб бориладиган ишни айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган индивидуал иш билан бирга қўшиш мумкин. Шу билан бирга дастурнинг худди шу масалаларини ўқувчилар қандай тайёргарлик кўрганликлари, индивидуал мойилликлари, кизиқиш ва қобилиятлари ҳамда индивидуал иш суратларига қараб турлича тўлалик ва теранлик билан, ҳар ким дарсда оптимал даражада банд бўладиган қилиб ўрганадилар.

Таълим методлари турлича бўлиши, ўқувчининг индивидуал хусусиятларига қараб ўзгартирилиши керак. Лекин бу 40 ўқувчи бор бўлган синфда 40 хил индивидуал ёндашишни, таълим методикасининг 40 хил индивидуал вариантини амалга ошириш зарур деган маънони англатмайди. Одатдаги мактаб таълим шароитида бундай ҳаддан ташқари индивидуаллаштириш мумкин ҳам эмас, керак ҳам эмас. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятининг асосий типларини ҳисобга олиш кифоя.

Таълимда индивидуал ёндашиш камчиликларга барҳам беришнигина эмас, балки ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш, ўқишга тўғри муносабатда бўлишни, билишга оид қизиқишларни таркиб топтириш ишларини олиб боришни ҳам англатади. Ўқишга салбий муносабатда бўлиш ҳолларида бундай муносабатни келтириб чиқарган сабабларга қараб, тарбиявий чора-тадбирлар кўриш керак бўлади. Бундай сабаблар орасида ўқитувчи билан бўлган келишмовчилик, ўқувчи дуч келган қийинчиликлар, билимдаги нуқсонлар, ўз кучига ишонмаслик ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Рус психологлари яқдиллик билан: барча болалар ўқишга қобилиятлидирлар, ҳар бир нормал ва психик жиҳатдан соғлом ўқувчи ўрта маълумот олишга қодирдир мактаб давлат таълим стандартлари доирасида ўқув материални маълум даражада муваффақиятли эгаллашга қодирдир, бинобарин ўқитувчи ҳамма ўқувчиларнинг ҳам шундай бўлишига эришмоғи лозим, деган нуқтаи назарда турадилар. Лекин бундан ҳамма ўқувчиларга ҳам таълим бериш бир хилда осон, деб асло ўйлаб бўлмайди. Ҳар қандай таълим методикаси шароитида, бу таълим жуда яхши ташкил этилган шароитда бир хил ўқувчилар яхшироқ ҳаракат қилиб, бошқалардан кўра юқори натижаларга эришадилар. Бир ўқувчи алоҳида кўп куч ва меҳнат сарф қилмасдан нисбатан қисқа муддат ичида юксак натижаларни, катта муваффақиятларни қўлга киритади, бошқа ўқувчи бўлса қанчалик интилимасин ва ҳаракат қилмасин, ўша даражага шунчалик тез ва осонликча кўтарила олмайди.

Бугунги кунда ҳеч ким: “Ёмон ўқувчилар йўқ, ёмон ўқитувчилар бор” деган формулани ҳеч сўзсиз қабул қилавермайди, ўқувчиларининг ўзлаштирмаслигида ҳеч ким ўқитувчиларни ёппасига айблаб ўтирмайди. Албатта, таълимнинг муваффақиятли бўлиши билимлар, кўникма ва малакаларнинг жуда юқори даражаси асосан таълимнинг мазмуни билан, таълим методикасининг такомиллашуви, ўқитувчининг маҳорати билан таъмин этилади, лекин ҳамма нарса фақат ана шунга боғлиқ деб ўйлаб бўлмайди. Муваффақият ички шарт-шароитларга – ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Ҳар гал тенг шароитларда бир хил машқлар, бир хил таълим методикаси гоят ҳар хил натижалар беради, бунда ўқувчиларнинг турли хусусиятлари ҳақида гапириш мумкин.

### **Такрорлаш ва муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Ўқув фаолияти ва унинг элементлари нималардан иборат?
2. Таълим жараёнида билимларни ўзлаштириш нимага боғлиқ?
3. Ўқиш мотивлари ва мотивацияга изоҳ беринг.

4. Ўқув фаолияти мотивациясининг манбаларига нималар киради?
5. Билимларни ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик компонентлари нималардан иборат?
6. Таълим фаолиятига кўра таълимнинг қандай методларини биласиз?
7. Кўникма ва малакалар таълим жараёнида қандай шакллантирилади ?
8. Ўқув-фаолиятини бошқариш деганда нимани тушунасиш?
9. Педагогик баҳо турлари?
10. Таълимни индивидуаллаштириш деганда нимани тушунасиш?

### **Мавзу юзасидан тест саволлари:**

**1. Таълимга психологик тайёргарлик деганда нима назарда тутилади?**

А) Таълим берувчи, маълумот усуллари, ўқув мотивлари, ўқитувчининг баҳолаши;

Б) Таълимнинг мақсади-нима учун ўқитиш керак? Таълимнинг мазмуни-нимага ўқитиш керак? Таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари, таълим берувчи, ўқувчи;

С) Боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги.

Д) Бола ўқишни, санашни билиб олса.

**2. Таълим жараёнининг муваффақияти нималарга боғлиқ?**

А) Таълимнинг мақсади-нима учун ўқитиш керак? Таълимнинг мазмуни-нимага ўқитиш керак? Таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари, таълим берувчи, ўқувчи;

Б) Мотивация, маълумот усуллари, маълумотнинг тушунарлилиги, маълумотларни қўллаш;

С) Таълим берувчи, маълумот усуллари, ўқув мотивлари, ўқитувчининг баҳолаши.

Д) ўқувчиларга, ўқитувчининг қандай ўқитишига.

**3. Ўқув фаолиятининг элементларини тўғри белгиланг.**

А) Мотивация, хотира, ўқув топшириқлари, ўқитувчининг назорати, педагогик мулоқот йўллари ;

Б) Таълим берувчи, маълумот усуллари, ўқув мотивлари, ўқитувчининг баҳолаши, педагогик мулоқот йўллари ;

С) Ўқув мотивлари, ўқув топшириқлари, ўқув ҳаракатлари, ўқитувчининг назорати, ўқитувчининг баҳолаши.

Д) Таълимнинг мақсади-нима учун ўқитиш керак? Таълимнинг мазмуни-нимага ўқитиш керак? Таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари, таълим берувчи, ўқувчи;

**4. П.Я.Гальперин назарияси бўйича билимларни ўзлаштириш жараёни нечта босқичдан иборат?**

А) 5 та;

Б) 6 та;

С) 7 та.

Д) 10 та

**5.Таълим жараёнида тушунчаларнинг шаклланиши қандай юзага келади?**

А) Билишга қаратилган масалаларни ечишдаги фаол фаолиятда;

Б) Муаммонинг қўйилиши, унинг ечими, тахминан шакллантириш ва текширишда;

С) Нарса ва ҳодисаларнинг функционал хусусиятларини тушуниб олишда.

Д) Ўқув мотивлари, ўқув топшириқлари, ўқув ҳаракатлари, ўқитувчининг назорати, ўқитувчининг баҳолашида.

**6.Ўқув фаолияти мотивациясининг манбалари қайсилар?**

А) Ички, ташқи, шахсий мотивлар;

Б) Билим, кўникма ва малакалар;

С) Установа, қадриятлар, орттирилган қобилиятлар.

Д) Интеллектуал малакалар

**7. Ўқиш жараёнида ҳарфлар шаклини фарқлаш қандай малакага мисол бўла олади?**

А) Сенсор малака;

Б) мотор малака?

С) Интеллектуал малака;

Д) Сенсомотор малака.

**8.Билимларни ўзлаштириш жараёнининг босқичлари қайси жавобда тўғри кетма-кет келтирилган?**

1) Ахборотни қабул қилиш; 2) маълумотларни амалиётда қўллаш; 3) маълумотларни эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш; 4) материални англаш, уни қайта ишлаш.

А) 1,2,3,4;

Б) 1,4,2,3;

В) 1,4,3,2;

Г) 1,3,4,2.

**9. Қайтаришдан ташқари ўқув материални ўзлаштириш воситасига нима қиради?**

А) материалга нисбатан установа;

Б) Машқлар;

С) Материалнинг ҳажми;

Д) Материалнинг эмоционал хусусияти.

**10. Таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчининг қандай фаоллигини бошқариши кўзда тутилади?**

А) Шахслараро муносабатдаги фаоллик;

Б) Ижтимоий фойдали фаолиятдаги фаоллик;

В) Билиш соҳасидаги фаоллик;

Г) Жисмоний фаоллик.



## IX БОБ. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

### Режа:

1. Тарбия жараёнининг психологик моҳияти, мақсад ва вазифалари.
2. Тарбиявий таъсирнинг психологик асослари.
3. Ўқув жамоасининг ўқувчига тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти.
4. Меҳнат фаолиятининг тарбиявий аҳамияти.
5. Тарбия методлари ва воситаларининг психологик мазмуни.
6. Ўқитувчининг ахлоқий идеал сифатида намоён бўлиши.
7. Шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш муаммоси.

### Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларга тарбия тушунчасининг моҳиятини, унинг шахс камолотидаги ўрнини, тарбия усуллари ва воситалари ҳақидаги маълумотларни, жамият ҳолати ва келгуси ривожланишга тарбия мақсадининг боғлиқлигини тушунтириш ва англатишдан иборат.

**Тарбиявий:** Миллий анъаналар, урф-одатларимизнинг тикланиши, миллий, умумбашарий ва умуммаънавий кадриятларга асосланган ахлоқ нормаларини яратиш ва уларни болаларимиз, ёшларимиз онгига сингдириш орқали уларни жамиятимиз учун фидокор, билимдон инсон қилиб тарбиялаш асос бўла олишини уқтириш, талабаларда ўқитувчи ва тарбиячига хос касбий ва шахсий сифатларни тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларда тарбия усулларини эгаллаш ва ундан оқилона фойдалана олиш малакаларини шакллантириш, тарбия жараёнининг самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги билимларини ривожлантириш.


### 9.1. Тарбия жараёнининг психологик моҳияти, мақсад ва вазифалари

Жамият тараққийётининг барча босқичларида ҳам давр талабига муносиб бўлган ёш авлодни тарбиялаш муаммоси ҳамиша долзарб аҳамиятга молик бўлиб келган.

Тарбия - бу шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқариш фаолиятига таъйёрлаш мақсадида унинг маънавий, jisмоний камолотига мунтазам равишда таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Тарбия тарбиячи томонидан тарбияланувчида барқарор ахлоқий хислат ва хулқий фазилатларни таркиб топтириш, шакллантириш мақсадида тарбияланувчининг онгига аниқ мақсад йўлида тарбиявий таъсир этиш жараёнидир.

Тарбия – боланинг ижтимоий муҳитда ўз ўрнини топишни ўрганиши ҳамда инсоннинг ҳаётий кўникма ва малакага эга бўлишидир. Таълим жараёнининг марказида шахснинг билиш ва англаш жараёни, унинг қобилияти, илм ўрганиши ётса, ундан фарқли ўларок тарбия инсонни шахс сифатида шаклланишига, унинг дунёқараши ва жамиятга муносабатига қаратилади. Тарбия - бу алоҳида жараён эмас, балки ўқитишнинг бир томони бўлиб, у билан умумий ва фарқли томонларга эгадир. Билим бериш ва тарбияга, асосан, инсоннинг ижтимоий кўникма олиш механизмининг ўзига хос жиҳатларини киритиш мумкин. Тарбия жараёнида шахснинг сифат ва хоссаси, ижтимоий хулқ-атвори ва шакллари назарда тутилса, ўқитишда билим, кўникма ва малакалар инobatга олинади.



Тарбия жараёнининг илмий асослари билан, психологиядан ташқари фалсафа, социология ва педагогика фанлари шугулланади. Ҳолбуки, психология фанисиз тарбиянинг асосий муаммолари ҳал қилиниб бўлмаган ҳолда тўғри қўйилиши ҳам мумкин эмас, чунки уларни англаш негизда шахс психологияси, инсоний муносабатлар, ҳар хил ижтимоий жамоалар психологиясини билиш ётади. Барча учун умумий бўлган ёки ўқувчиларга индивидуал тавсиялар беришда умумий психология ва ёш даврлар психологиясига таянилади.

Тарбия унинг мақсадларини аниқлашдан бошланади.

**Тарбиянинг бош вазифаси - жамият ҳаётида зарур бўлган керакли сифатларни ўзида мужассамлаштирган шахсни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.**

Тарбия жараёнида доимий ва ўзгармас мақсад қўйилмайди, чунки ўзгармас мақсад ҳар қандай жамиятга ҳам мос бўлавермайди. Жамият тузилиши ва ижтимоий муносабатлар ўзгариши билан тарбия мақсади ўзгаради.

Тарбия турли хил даврларда ва турли хил жамиятларда ўзгармас жараён бўлиб қолмайди. Тарбиянинг мақсадлари, мазмуни, шакл ва

методлари ҳар бир тарихий даврда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Инсон шахсини шакллантиришга ҳар бир ижтимоий тузум йўналишига мос равишда талаб қўйилади. Тарбиянинг барча тарихий даврлар учун хос бўлган баъзи бир умумий белгилари ҳам мавжуд. Педагогик ғоялар ва тарбиявий ишни ривожлантиришда муайян даражада алоқа ва маълум бир давомийлик мавжуд. Жумладан, асрлар давомида дарс мактабда ўқув машғулотларини ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Қатор ўқув предметлари мазмуни маълум даражада сақланиб қолаётти. Айни чоғда тарбияда ва таълим беришда ғоявий жиҳатдан бетараф қоладиган жиҳатлар борлигини ҳам унутмаслик лозим. Тарбия ва таълимнинг ташкилий шакллари аниқ тўлдириш, мактаб ишининг у ёки бу масалаларини изоҳлашда турли даврларда турлича ёндашувлар мавжуд бўлган.

Агар жамият ўз тараққиёт даврида маълум бир ривожланишга, маданиятга ва маънавиятга эришган бўлса ва уни сақлаб қолишни ҳамда юксалтиришни истаса, унинг тарихида турли хил ўзгаришлар рўй беришидан қатъий назар, у ўтмишдан бери сақланиб келаётган энг яхши анъана ва қадриятларини қабул қилиши, давом эттириши лозим бўлади. Умуминсоний қадриятлар ва маданий бойликлар тарихий ва худудий чегара ва худудий чегара билмайдиган бойликлар қаторига киради. Биринчи навбатда худди ўшалар ижтимоий тарихнинг барча босқичларида тарбия мақсадларини ифодалайди. Бу мақсадлар яхшилик ва ёмонлик, тўғрилик ва тартиблилик, инсонийлик ва табиатга бўлган муҳаббат тушунчалари билан боғлиқдир. Бу яна руҳият, эркинлик, шахснинг ўзи ва атрофида рўй бераётган воқеаларга жавобгарликни ҳис қилиши, камтарлик, инсонийлик кўринишларида намоён бўлади.

Рухият юқори ахлоқий тафаккурнинг бир дақиқалик майл ва эҳтиёжлардан юқори қўйилишини билдиради. Ўсиб келаётган ва ривожланаётган шахсда бу доимий равишда ахлоқий баркамолликка интилишда намоён бўлади. Эркинлик бу инсоннинг ички ва ташқи озодликка интилишидир, бунда бошқа шахснинг ижтимоий келиб чиқиши, миллати, диний ва сиёсий қарашлари, синфий муносабатлари ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар, унинг ҳуқуқлари албатта тўла тўқис тан олиниши лозимдир.

Мажбурият ёки жавобгарликни ҳис қилиш – эркинликнинг қарама-қарши жиҳати бўлиб, бу шахснинг манфаатларига хизмат қилади. Мажбуриятсиз эркинлик – бу ўзбошимчалик, палапартишлик ҳисобланади. Эркинликсиз мажбурият эса – бу кулликдир. Униси ёки буниси ўзаро бир-бирини тўлдирганда ёки боғланганда мустақил мавжуд бўлиши мумкин. Мажбуриятни яна бошқача талқин қилинса, инсоннинг ўз ихтиёри билан жамият ҳаёти ва бошқа инсонлар тақдири учун жавобгарликни ўз устига олиши тушунилади. Ҳозирги замон тарбиясининг умумий мақсади болани юксак ахлокли, руҳий жиҳатдан бой, қалбан озод, эркин, бурч ва мажбуриятни ҳис қила оладиган шахс сифатида шакллантира олишидир. Тарбиянинг умумий мақсади билан бир қаторда махсус ижтимоий мақсадлари ҳам келиб чиқиши мумкин. Улар тарихнинг маълум даврида

Ўзгарувчан талаблар билан жамият тараққиётининг долзарб муаммоларини баён этиши ва ривожланишига ҳисса қўшиши лозим. Маълум вақтдан сўнг жамият тараққиёти ўзининг бир босқичидан ўтгандан кейин ривожланиш давом этса, бу талаблар ҳам ўзгариши мумкин.

Тарбиянинг жамият тараққиётининг замонавий ривожланиш босқичларига жавоб бера оладиган махсус мақсад ва вазифалари ташаббускор ўқувчиларни етиштириш, шахсни ўз-ўзини ҳурмат қиладиган ва интилувчан қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Юксак тафаккур намоёндаларининг, хусусан файласуфларнинг рисоаларида ҳамда бадиий адабиётнинг йирик вакиллари асарларида ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий таълимотларга, айниқса, кенг ўрин берилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтмишда ахлоқшунослик соҳасида ижод қилиб, шу фан тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган мутафаккирларимиз талайгина.

**Абу Наср Фаробий** болаларни ахлоқли, назокатли қилиб тарбиялашда муסיқа билимининг аҳамияти ҳақида бундай дейди: Бу фан шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-атвори мувозанатни йўқотган бўлса, у тартибга келтиради, камол топмаганларни камолга етказди ва мувозанатли бўлганларни мувозанатини узоқ муддатга сақлайди. Муסיқа руҳни даволайди, унинг созларининг таъсири билан руҳий кувватлар ўз субстанциясига уйғунлашади ва тартибга, мувозанатга келади”.

Фаробий ўзининг “Исо-ал-улум” китобининг охириги бўлимида: “Инсон ақли фақат билим билан чекланмайди, балки одат ва қарашларни ўзининг мақсадларига бўйсундира олиши ва йўналтириши, ўзгартириши ҳам мумкин,” -деб ёзади. Унинг фикрича, ҳар бир киши билимларни яхши эгалламоғи, яхши ва баркамол тарбия олмағи, энг яхши фазилатларга эга бўлмоғи керак. Фаробий фикрича, кишидаги туб ғоя – саодатдир. Тарбия воситаси билан болаларда ҳосил қилинадиган барча инсоний, ахлоқий фазилатлар шунга қаратилмоғи керак.

## 9.2. Тарбиявий таъсирнинг психологик асослари

Болаларни тарбиялаш самарадорлигини оширишда анъана ва урф-одатларнинг роли катта. Халқ урф-одатлари, анъаналари ва маросимлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Улар одамларни бир-бирига яқинлаштиради, дўстлик-биродарлик ҳис-туйғуларини ривожлантиради. Булар ўз навбатида ёшлар учун ибрат намунасини ўтайди.

Тарбия жараёнида ғамхўрликнинг функцияси каттадир. Болалар бефарқ ота-оналарга нисбатан ғамхўр ота-онага кўпроқ тақлид қиладилар. Ғамхўр ота-оналар боланинг салбий хулқ-атворини қўллаб-қувватламаганда, бола ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатини эртароқ англайди.

Тарбиявий жараёни амалга оширишда ғамхўрлик билан бир қаторда яхши кўришга асосланган интизомга риоя қилиш зарурдир. Бу бола билан доимий мулоқотни тушунтиришни, муҳокама қилишни, агар боланинг хулқ-

атвори шуни талаб қилса, оғзаки танбех беришни, яхши хулқ-атвор учун тақдирлашни назарда тутади.

Бола шахси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини унинг илк даврлардаги ривожланишини аниқламасдан туриб тушуниш қийин. Ахлоқий ривожланиш илк бор шахснинг умумий хусусиятлари ва ҳислатлари шаклида шаклланиши ҳақидаги ғоялар илк бор **Х.Хартшорн** ва **М.Мейлар** томонидан илгари сурилган бўлиб, уларнинг фикрича, ахлоқий хулқ-атворни келтириб чиқарувчи ва фаолиятга ундовчи феноменлар аниқланмагунча ахлоқий ривожланишни ўрганиб бўлмайди. **Х.Хартшорн** ва **М.Мейлар** олиб борган тадқиқотларининг асосий мақсади ахлоқ нормаларига риоя қилишда бола шахсининг умумлашган ҳислатларини шакллантириш муҳим рол ўйнайдими ёки хусусий ахлоқий одатлар аҳамиятлироқми, деган саволга жавоб топиш бўлиб, тадқиқотлардан шу нарса аниқланадими, ахлоқий нормаларни бола онгига сингдирилишида хусусий одатларни юзага келтириш ва ўзига хос таълим назариясига асосланиш устунлиги яққол намоён бўлади.

Ўқувчилар томонидан баъзи бир ахлоқий тушунчалар ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши ва уларнинг бола шахсига бўлган таъсирини психологик нуқтаи назардан ўрганган **В.А.Крутецкий** ўз тадқиқотида 10 та асосий тушунчани танлаб олади. Булар: қатъийлик, сезгирлик, фахрланиш, ҳақгўйлик, мардлик, бир сўзлилик, камсукумлиқ, кўркмаслик, фахрланиш, бурч кабилардир. Олим ўтказган тадқиқотидан шундай хулосага келадими, ўқувчилар ушбу тушунчаларни мукамал тушунишлари ва ҳаётга тадбиқ этишлари учун:

- ➔ ўқувчилар фаолигини ошириш;
- ➔ уларда эмоционал кўзғалишни вужудга келтириш;
- ➔ ҳаётий фаолиятдан кенг фойдаланиш;
- ➔ бир-бирига қарама-қарши тушунчаларни чуқур таҳлил қилиш зарур экан.

Ўқувчиларда ўз-ўзини англашда шахс ахлоқий ҳисларининг баъзи бир жиҳатлари масалари **П.И.Размислов**, жамоа олдида бурчни ривожлантириш хусусиятлари **А.Л.Шнирман**, бурч ҳиссини тушуниш муаммолари **А.С.Алякринская**, ахлоқий жиҳатдан ўзини аниқлаш муаммолари **В.И.Шардаковлар** томонидан ўрганилган.

Болалик ва мактаб ёшида шахс тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тарбия махсус фаолият сифатида муйаян дастурнинг, англаб олинган мақсаднинг мавжудлиги билан таъсир кўрсатишнинг махсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари, шакллари ҳамда методларининг тасодифий ёки стихияли таъсирларидан ажралиб туради. Маълумки, тарбиянинг энг муҳим вазифаси ёш авлодда мустахкам эътиқод ва ҳис-туйғулар ҳамда уларга асосланган маънавий хулқ- атвори хосил қилишдир. Бу вазифани шахсни фаол ва муайян мақсадни кўзлаган ҳолда, шунингдек боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган тақдирдагина ҳал этиш мумкин.

Машхур олим **Гербарт** тарбиянинг мақсад ва вазифалари ҳақида куйидаги фикрларни олға суради. Гербарт тарбия мақсадини белгилаб олишга катта аҳамият беради. У тарбиянинг мақсади яхши фазилатли кишини таркиб топтиришдан иборат, деб ҳисоблайди. Гербарт тарбия ишида ақлий таълимга тарбиянинг энг катта ва асосий воситаси деб билиб, таълимсиз тарбия бўлмайди деб ҳисоблаган.

Тарбия аввало оилада, кейинчалик таълим- тарбия муассасаларида таълим билан биргаликда узлуксиз равишда бериб борилади. Шахснинг қарор топишини энг муҳим вазифаси ўқувчида ахлоқ талабларига жавоб берадиган эътиқод ва идеаллар таркиб топтиришдир. Ўқувчи шахсининг шаклланишидаги бундан кейинги жараён шундан иборатки, унда юзага келган ахлоқий эътиқод ва идеаллар системаси, яъни унинг маънавий онги ҳукмронлик қилувчи омилга, унинг ижтимоий фаоллигини белгилаб берувчи омилга айланади.

Шахснинг ижобий йўналишини таркиб топтириш учун мактаб ўқувчиларини барча вазият ва ҳолатларда тўғри йўл тутишини исташи ҳамда тўғри йўлдан бориши учун унинг нима қилишини билиши, ўзи ҳам тўғри хулқ-атворли бўлишни машқ қилиши зарур.

Ўқувчиларни онгига сингдирилган қоидаларни яхшилаб асослаб бериши исботланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамма нарсани тушиниб олишга ва бунинг асосланганлигига ишонч ҳосил қилишга, оқилона исботларга рози бўлишга қодир бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги ўқувчилар билан ўтказиш пайтда жуда муҳимдир.

Ўқувчиларда максимал фаоллик уйғотиш ёки жонли равишда фикр алмашиш истагини уйғотиш, уларнинг фикрини авж олдириш ва ўзларини ахлоқ масалалари устида ўйлаб кўришга мажбур қилишлари зарур. Ўқувчиларга тайёр ҳақиқатни зўрлаб қабул қилдириш ярамайди, ахлоқ нормалари ҳақидаги ҳулосаларни уларнинг актив иштирокида чиқартириш керак. Бунинг учун суҳбат жараёнида муҳокамага қўйилиши керак бўлган масалаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш тавсия этилади.

Ўқувчиларда чуқур ва таъсирчан эмоцияларни уйғотишга интилиш лозим. Бунда ўқитувчи суҳбатни бефарқ, шавқ ва завқсиз эмас, балки эмоционал тарзда жонли қилиб ўтказилгандагина эришиш мумкин. Ўқитувчи ўзининг эҳтиросли эътиқоди ўқувчиларга ўтишини унутмаслик даркор.

Юқорида айтилган фикрлардан ўқитувчилар ва ота оналар ўзларига ҳамда ўз хулқ-атворларига нисбатан жуда қаттиқ талаблар қўйиши, ўнлаб болаларнинг синовчан кўзлари, уларнинг кузатиб турганликларини ҳеч қачон унутмасликлари керак.

**Қонфуций:** “Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади” деган эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунарга ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда қатта зарурат сезила бошлади. Бугунги кунда тарбия жараёнида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, маърифат халқимиз, миллатимиз қонидадир. Анъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик фақат билим ва малака эмас, айти пайтда чуқур маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир.

Бир ижтимоий жамиятнинг иккинчисига алмашиши, шунингдек, миллий мустақиллик ва унинг неъматлари, республикаимиз фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Миллий туйғу, қиёфа, характер, таъб, куй, рақс, маънавият, қадрият ҳамда руҳият таъсири остида ўзининг туб моҳиятини акс эттира бошлади. Ўтмишнинг бой мероси, унинг анъаналари миллий истиқлол туфайли ўз эгаларига қайтариб берилди. Фуқароларнинг ижтимоий онги аста-секин ўзгариб бориши натижасида этнопсихологик хусусиятлар тиклана бошлади, миллий, умумбашарийлик ҳислатлари ўртасида адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик алоқалари ўрнатилмоқда.

XXI асда шахс шаклланишида, унинг тарбияланганлик даражасини ортишида диннинг, хусусан «Ҳадис» илмининг аҳамияти каттадир. Шахслараро муносабатда тенглик, ғамхўрлик, самимийлик, ўзаро ёрдам, симпатия, антипатия, ҳамдардлик, севги-муҳаббат сингари миллий хусусиятларни таркиб топтиришда ҳадисларнинг роли янада ортади.

Ўзбек оиласида тарбия моҳияти, мазмуни тарбиянинг кундалик режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида халқ анъаналари ётади.

Ёш авлод тарбиясида миллий руҳият, умуминсоний, халқчил миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар етакчи ўрин тутмоғи лозим (тарбияда этнопсихологик ва этнопедагогик муносабат). Булар орқали ёшларда қуйидаги фазилатларни тарбиялаш лозим:

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, илмий-педагогик кадрлар шугулланадилар. Тарбия жараёнида барча иштирокчиларнинг баҳамжиҳатлик билан олиб борадиган ишларигина, ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

б) хайрихоҳлик; одамларга ҳурмат, меҳр-шафқат;

в) катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш;

г) мулойимлик;

д) ишбилармонлик, моҳирлик, ишчанлик, иқтисодий

е) кичик ёшдан меҳнатсеварлик;

ё) жисмоний бақувватлик;

ж) ахлоқ-одоблилиқ;

з) оилапарварлик;

и) аёлларга ҳурмат;

й) ўзаро ҳамкорликка интилувчанлик.

### 9.3. Ўқув жамоасининг ўқувчига тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти

Шахснинг шаклланишида ижтимоий муҳит ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Болалар ва катталар мулоқоти ҳамда ҳамкорлигини тадқиқ қилган Д.Б.Эльконин, М.И.Лисина, шунингдек, В.А.Сухомлинский каби машҳур психологлар ва педагоглар фаолияти шуни кўрсатадики, ўқувчининг шахс сифатида камол топиши, ахлоқий ривожланиши, ўқув фаолиятини ижодий эгаллашда ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги маҳсулдор ҳамкорлик муҳим ўрин тутиши исбот қилинган.

**В.Я.Ляудис** ва унинг шогирдлари ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолият таркибини шарҳлашга алоҳида эътибор берадилар. Унинг мақсади-ўқишда ўзлаштирилаётган предметли фаолиятнинг ҳамда биргаликдаги ҳаракат актларининг, муносабатлари ва мулоқотнинг ўз-ўзини бошқариш механизмларини куриш ҳисобланади. Ҳамкорликдаги фаолият предмети ўқиш фаолиятининг анланган ва умумлашган усуллари ва биргаликдаги фаолиятнинг ўзаро таъсири ва мулоқот нормаларидир.

Йирик психолог **Б.Ф.Ломов** умумий психологияда қабул қилинган фаолиятни таҳлил қилиш схемасини кўриб чиқиб, ушбу фаолиятни



бажарувчи индивиднинг бошқа индивидлар билан ҳамкорлиги ўзаро таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтади. Муаллиф психологияда ўзаро таъсир фақат ижобий ҳоллардагина назарда тутилиши, лекин унинг схемаси очиб берилмаганлигини уқтиради. Унинг фикрича, индивидуал фаолиятни таҳлил қилган тадқиқотчилар фаолият субъектининг бошқа одамлар билан алоқасини мавҳумлаштирганлар. Бирок бу мавҳумлаштириш қанчалик муҳим бўлишидан қатъий назар ўрганилаётган ҳодисаларни бир томонлама очиш имконияти тўғрисидаги фикрлар Б.Ф.Ломов томонидан асослаб кўрсатилган.

Юксак ғоявий йўналишга эга бўлган, умумий мақсад, ҳаракатларнинг бир-бирига мослиги ва уюшқоқлиги билан бир бутун, ниҳоятда ҳамжихат, соғлом ҳамда муайян мақсадни кўзловчи жамоани уюштириш орқали тарбиялаш - ёшларга тарбия беришнинг асосий тамойилларидан биридир. Бундай ёшлар жамоаси тарбиячининг таянч ёрдамчиси, тарбиявий таъсирнинг қудратли қуролидир.

Жамоа ва ёшлар уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ғоят даражада чексиздир. Чунки одам шахс сифатида туғилмайди, у индивид сифатида дунёга келади. Одамлар яъни ота-оналар, атрофдаги кишилар билан бўлган мулоқотда, ўзаро муносабатларда шахсга айланади. Бу нарса ясли ёшидаги болалар орасида ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида исботланган. Агар қатта ёшдаги одамлар бола билан муносабатда бўлмасалар, бола билан “гаплашмасалар” ва ўйнамасалар, у ақлий ва ҳиссий тараққиёт жиҳатдан кескин суратда орқада қолиб кетади.

Шахс онг эгаси бўлган одамдир, онг эса фақат табиий ҳодисалар оламинигина акс эттириб қолмай, балки шахс инсоният тажрибаси асосида тўпланган нарсалар билан муносабатда бўладиган ижтимоий онг маҳсулотларини ҳам акс эттиради. Бола ўйинга адабий қаҳрамонга тақлид қилишига интилиши, мунозараларда қатнашиши - буларнинг ҳаммаси мактаб ўқувчиси шахсини фаоллигининг намоён бўлишидир.

Бола шахсини таркиб топиши жамоада амалга ошади. Бундан бола аввало ўзи ҳақида учинчи шахс тилидан гапирди. Масалан: “Ақидани ўйнагиси келяпти”. Ундан кейин болани ўз-ўзини англашининг содда шакли сифатида ўз характер ҳислатларини англаш юзага келади. Лекин фақат ёшлар жамоасининг бошқа аъзолари билан бўладиган муносабатдагина боланинг ўз-ўзини англаши жамоада ўз ролини англаш даражасигача кўтарилади. Бошқалар уни “яхши” ёки “ёмон” деб баҳо беришларини тушунгандан кейингина бола ўз-ўзига баҳо беришни ўрганади. Мана шундай йўл билан тақлид қилиш юзага келади. Аввал қисқа муддатли, баъзан тасодифий жараён сифатида, ундан сўнг эса жамоанинг етарли даражада фаол таъсир кўрсатиши туфайли шахснинг ҳислати сифатида ўз-ўзини танқид қилиш ҳислати юзага келади. Шунинг учун тарбиянинг муваффақиятли шартларидан бири - шахсни “жамоада ва жамоа орқали таркиб топтиришдир”.

Ўсмир ўз тенгқурлари, жамоа ҳаёти ва фаолиятида фаол иштирок этиб, жамоа манфаатларини кўзлаб яшашига ҳамда ўз хатти-ҳаракатларини ана шу жамоага бўйсундиришига ўрганади. Ўқувчи фақат жамоада ва жамоа

таъсири остида жамоа ўзаро бирдамлик муносабатлар тажрибасини, ижтимоий йўналишни тараққий эттириш, шахс ва жамият ўргасидаги тўғри муносабатлар тажрибасини эгаллайди. Жамоадан ташқарида бундай сифатларни умуман тарбиялаб бўлмайди. Шунингдек, тенгқурлар жамоаси шахснинг барча ижобий сифатларини (камтарлик, виждонийлик, қатъийлик, ўз-ўзини тутта билиш ва ҳ.к.) таркиб топтириш ва тараққий эттиришга таъсир кўрсатади. Жамоа ялқовлик, худбинлик, ичи қоралик, кўрқоклик, ўз-ўзини тутта билмаслик, икки юзламачиликни фош қилиб ташлайди. Муваффақиятсизликдан гангиб қолмасликка кўмаклашади, ўзини йўқотиб қўйиш, тушқунлик ва ўзига бўлган ишончни йўқотишга йўл қўймайди, яъни ёшлар ўз тенгқурлари жамоасини ўзини кўзгуда кўргандек бўлади. Ўзининг яхши ва ёмон ҳислатларини ва жамоадолларнинг яхши ва ёмон сифатларини билиб олиш билан бирга уларга ва ҳар қандай ҳислатларга ижобий ёки салбий муносабатни акс эттирадilar.

Ёшларнинг ўзига хос хусусиятлари турлича бўлиши сабабли жамоанинг ҳам ташкил топиши ва унинг фаолияти унга боғлиқдир. Чунки жамоанинг йўналиши фақат жамоада таркиб топади. Шунинг учун жамоа ўзаро муносабатлар ва жамоа фаолият тажрибаси шунчаки қатъийликни эмас, балки жамоа қатъийлигини, шунчаки камтарликни эмас, балки жамоа камтарлигини таркиб топтиради. Жамоа тарбиявий таъсирининг асосий томони шундаки, у тарбия субъекти сифатида намоён бўлади.

Ёшлар жамоасининг асосий вазифаси - жамоа ижтимоий фойдали фаолиятини ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий ахлоқ тажрибасини йўлга қўйишдан иборатдир. Чунки, бунинг асосида юксак ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларга интилиш ҳисси тарбияланади, комил инсоннинг ҳислатлари ҳосил бўлади.

Ўсмирлар, айниқса, катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жамоасига нисбатан бачканалик ва хиралик билан васийлик қилиш ярамайди. Анча етуқ ва тажрибали кишилар томонидан кўрсатилган ёрдам, бериладиган маслаҳат зарурдир, ҳатто катта мактаб ёшидаги ўқувчиларга ҳам катта ёшдаги дўст ва маслаҳатчи, меҳрибон, ғоявий жиҳатдан чиниққан мураббий лозим.

Мураббий раҳбар жамоанинг аҳил, жуда иноқ жипслашган бўлишига, шунингдек унинг ғоявий йўналишига, соғлом жамоа фикрига, танқид ва ўз-ўзини танқидга жамоанинг ҳар бир аъзосига нисбатан юксак талабчанликка эга бўлган жамоа бўлишига эришиши лозим. Агар жамоа олдига ижтимоий фойдали ва айни вақтда қизиқарли мақсад қўйиладиган бўлса, ижобий сифатлар таркиб топиши мумкин. Қизиқарли мақсад қўйиш жуда муҳимдир, чунки ўсмирлар ва айниқса кичик мактаб ёшидаги болалар бу мақсад ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги учунгина унга ҳамиша ҳам қизиқавермайдилар. Тарбиячининг вазифаси ва ундан келиб чиқадиган маҳорати бирор вазифани ўқувчиларга уларни қизиқтирадиган қилиб қўя олишида, унинг ижтимоий фикри фақат тушунарли бўлибгина қолмасдан, балки яқин, кадрли, нимаси биландир шахсий қилиб тушунтира олишда ҳам кўринади.

Ўқувчи ёшларнинг асосий фаолияти - уларнинг ўқиши ва ўқув ишларидир.

Мактабларда ўқиш - ўқувчиларнинг ўқитувчилар томонидан ташкил қилинган ва раҳбарлик қилинаётган ижодий чинакам жамоа меҳнатидир. Ўқув ишлари тўғри уюштирилган тақдирда, ҳар бир ўқувчи ўзига берилган топшириқни бажариш учун синфдаги ўртоқлари ва бутун мактаб жамоаси олдида маъсулиятли эканини ҳис қилади. Мактабларимизда юксак даражада ўзлаштириб ўқиш учун, онгли интизом учун кураш олиб бориш ўқитувчиларнигина, эмас балки ўқувчиларнинг ҳам умумий вазифасидир.

Ўқув ишлари - жипслашган ўқувчилар жамоасини ташкил қилишда асосий йўлдир. Ҳамма учун умумий иш бўлган ўқиш бутун синф ўқувчиларини дўстона жамоа қилиб жипслаштиради. Сифда ўқувчилар жамоаси тузилгандан кейин, бу жамоа - ўқувчилар ахлоқини тарбиялашда энг муҳим воситалардан бўлиб қолади. Ўқитувчилар, катталар, ота-оналар жамоани тарбиялашда энг муҳим воситалардан биридир. Ўқитувчилар, катталар, ота-оналар жамоасини тарбиялайди, уни изга солади, мустаҳкамлайди, шундан кейин бу жамоанинг ўзи катта тарбиявий кучга айланади. Ўқув ишларининг бир ячейкаси бўлган синф - ўқувчилар жамоасининг асосий шаклидир. Жипслашган жамоа бўлиб бирлашган, ҳамжиҳат синфда интизом, одатда, юксак бўлади ва ўқувчилар ўқув дастурлари мазмунини ҳам яхши ўзлаштирадilar.

Бундай синфда ўзаро ёрдамлашиш доим яхши йўлга қўйилган бўлади, жамоатчилик фикри эса ўқитувчига ёрдам бериш учун доим тайёр холда туради. Шунинг учун яхши ўқитувчи одатда, болаларни ўқитишга киришиш биланоқ ўз синфларини жипслашган, ҳамжиҳат жамоага айлантиришга ҳаракат қиладилар. Шу мақсадда улар дарсларда ўқув ишларининг жамоа шаклларини кенг қўллайдилар, ўқишда орқада қолган ўқувчиларга ўртоқларча ўзаро ёрдам уюштирадilar, интизомни бузувчиларга қарши бутун синф ўқувчилари жамоатчилик фикрини жалб қиладилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ҳам ўқувчиларни жипслаштириш, жамоани ташкил қилишда муҳим воситалардандир. Бу ишлар ўқувчиларнинг фан, санъат, жисмоний тарбия ва спортга бўлган, айниқса миллий кураш, яъни ўзбек курашини ташкил қилишга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Мактаб ва мактабдан ташқарида ташкил қилинган илмий тўғарак ва жамият, ансамбль ва студиялар, спорт команда ва секциялар - болалар жамоасини уюштириш шакллари дандир.



Ёшларни бўш вақтларда қиладиган ишлари, илмий изла-нишлари уларни жипслаштиради, ҳамжихат жамоага бирлаштиради. Ўқувчиларнинг жипслашуви жамоани мустаҳкамлайди ва уларнинг обрўйини оширади. Бундан жамоанинг тарбиявий таъсири ҳам кучли бўлади.


Болаларни, ёшларни жамоа учун, жамоа орқали тарбиялаш шахс шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Чунки ёшлар фақат жамоада ва жамоа таъсири остида ўзаро муносабатлар асосида ҳақиқий комил инсон бўлиб шаклланади. Жамоа ўз аъзоларига таъсир кўрсатади, улардан муайян хулқ-атворни талаб қилади. Жамоанинг соғлом ва обрўли жамоатчилик фикри кучи ниҳоятда каттадир. Жамоанинг маъқуллаш ёки қоралаши, жамоанинг соғлом танкиди, ўз аъзолари олдига кўядиган таъсирли ва жиддий талаблари шахсни таркиб топтирувчи, назорат қилувчи ва тузагувчи муҳим омилдир. Ҳаммага маълумки, ахлоқ қоидалари ва нормаларини бузувчи ўқувчи кўпгина ўқитувчининг тарбиявий таъсири ўтмайди. Ёки аксинча, айбдор ўқувчи унинг хатти-ҳаракатларига хайрихоҳлик билдирибгина қолмасдан, балки бир овоздан ва чинакам қоралаган, етарлича зарба берган аҳил жамоанинг сиқувига қарши тура олмайди. Натижада жамоа талабларининг тараққий этиши жипслашган, ахлоқий жиҳатдан ўсган жамоа билан бирга муайян эволюцияни, динамикани бошидан кечиради.

Соғлом ижтимоий фикрга, ўз аъзоларига нисбатан ривож топган танқид ва талабчанликка эга бўлган, иноқ, гоёвий йўналишга эга бўлган жамоа ўз аъзоларига таъсир кўрсатиш кучига эга бўлади ҳамда уларга тўғри йўналишда таъсир кўрсатади. Аммо бунинг ўзи камлик қилади. Ана шундан бундай жамоада таъсир кўрсатишнинг тўғри шаклларини қўллай олиши, индивидуал ёндошиши, назорат усулини қўллаш ҳислатларини таркиб топширишдан иборат вазифа бордир.

Жамоада ва жамоа учун тарбиялаш, тарафдори бўлган В.А.Сухомлинский ҳам болалар жамоасида болалар хатти-ҳаракатини муҳокама қилишдан қочиш зарур, чунки бундан айрим ҳолларда бола психикасини шикастланиши, хато ва камчиликларга йўл қўйилиши мумкин деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, жамоа иноқлик билан керакли йўналишда иш тутиб, таъсир кўрсатишнинг ўзини оқламаган шаклларини (бурчакка турғизиб қўйиш, уриш, қулоғини чўзиш) қўллашга ҳаракат қилган айрим ҳолларда ҳам бўлади. Барча ҳолларда ўқитувчининг жамоа ишига аралашishi ва уни кузатиш ҳуқуқи сақланиб қолади, шундай бўлса ҳам, жамоа таъсир кўрсатишнинг тўғри шаклларини танлай олишига эришиш керак.

Жамоа орқали ёшларни тарбиялашда бола, ўсмир ва ўспирин узини кўзгуда кўргандек ҳис қилиши муҳимдир. Чунки ёшлар ҳақиқий жамоадагина ўзини-ўзи англайди, камчилик ва ютуқлари, салбий ва ижобий сифатларини фарқлайди, жамоадаги идеал кишилардан ўрнак олади, уларга ўхшашликка ҳаракат қилади, ўзини-ўзи тарбиялаш имконига эга бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш эса инсоннинг ахлоқий сифатидир. Унда ёшлар ўзини-ўзи кўлга олади, салбий сифатларидан холи бўлишга, яхши сифатларни ўзида шакллантиришга ҳаракат қилади. Бу эса жамоанинг шахс шаклланишига ижобий таъсир этишидир.



Ёшларни шахс сифатида шаклланишида ёшлар ўртасида ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар катта рол ўйнайди. Чунки ёшлар ўртасида ўтказиладиган, айниқса мактабларда уюштирилган тадбирлар - жипслашган болалар жамоасини ташкил этишда муҳим воситалардан биридир. Ўқувчиларни жамоа қилиб жипслаштириш учун даставвал умумий мақсад бўлиши керак, ҳамманинг манфаатига тўғри келадиган, бутун синф учун умумий иш бўлиши мақсадга мувофиқ. Кейин жамоа орасида ишларни аниқ тақсим қилиш ва уни бажарилишини мунтазам равишда текшириш лозим. Бунда ҳамма бир киши эканлиги сезилиб туриши лозим. Бу мактаб

жамоатчилик топширигини яхши бажарган синф, мактаб шарафи (ҳозирги кунда бундай тadbирлар маҳаллаларда ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ), синф учун, мактаб ва маҳалла учун фахрланиш нималигини тушуниб олиш имконини беради. Мактабларда, маҳаллаларда, кечалар, эрталиклар, экскурсиялар, байрамларни биргалашиб ўтказиш ёшлар жамоасини тузишга ва уни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мактабдаги ёшларни ҳамжиҳат жамоа қилиб уюштиришда мактаб деворий газетаси катта рол ўйнайди. Чунки газеталарда ёшларнинг (марказий, шаҳар, туман ёшлар газетаси ҳам), дарсларни ўзлаштириш, ёшларнинг ўзаро ва катталар билан муносабати, меҳнатга муносабати, ютуқ ва камчиликларини ёритиши уларни ўзини англаш, ўзига ўзи баҳо бериш каби сифатларни шакллантиради. Ҳар бир ёшнинг ғоявий-сиёсий савияси, билимларни яхши ўзлаштириши, онгли интизомли, жамоатчилик онгининг ташкил топиши, жамоат учун фойдали малакалар ҳосил қилиш ва умумий ривожланиш каби муваффақият билан ҳал этилади. Агар ёшлар учун чоп этиладиган газеталар тўғри йўлга қўйилган тақдирда, у ёшлар жамоасини тузишининг муҳим воситасига айланади.

Мактабда мактаб жамоасини уюштириш, ёшлар камолот жамғармасида бўлиб турадиган йиғилишлар ҳам шахс шаклланишида катта аҳамиятга эгадир. Йиғилишлар ёшларнинг фуқаролик бурчини англаш ҳиссини ўстиради, уларни танқид ва ўз-ўзини танқидга ўргатади. Ёшлар йиғилишларида энг долзарб ва энг қизиқарли масалалар бўйича баҳслашиш уларда ҳаётий эътикод ва дунёқарашнинг барқарор шаклланишига таъсир қилади ва муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан умумий бир фикрга келиш, факт ва мулоҳазаларни таҳлил қилиш ва ундан тегишли хулосалар чиқаришга имкон туғилади.

Ёшларни жипслашган жамоа қилиб бирлаштиришнинг муҳим воситаларидан бири ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишдир. Биргалашиб меҳнат қилиш жараёнида ёшларда ахлокий жиҳатдан муҳим бўлган кўпгина фазилатлар ҳосил бўлади. Ёшлар жамоа бўлиб меҳнат қилишлари натижасида жамоанинг қандай кучга эга эканлигини тушунадилар, қийинчиликларни енгишга ва бошлаган ишни охиригача етказишга ўрганадилар. Ижтимоий ишлар ёшларнинг масъулият ҳисларини кучайтиради, жамоатчилик туйғуларини мустаҳкамлайди, уларни жамоада ўзаро муносабатларга ўргатади.

Ёшларнинг умумий бир мақсадга интилишлари, ғоявийлиги, ижтимоий-сиёсий фаолликлари, Ўзбекистоннинг Мустақиллигига қўшган ҳиссалари, орзулари - улар жамоасини ташкил топиши ва унда комил инсон шаклида шаклланиши ёшлар жамоасини тузишга асос бўлади.

Ёшларни ҳамжиҳат жамоа қилиб жипслаштиришда авлод-аждодларимиз, ота-боболаримиз мерос қилиб қолдирган билимларни эгаллаш, санъатимизнинг, маданиятимизнинг сирларини ўрганиш, ўзбек халқининг ажойиб анъаналаридан фойдаланиш ҳамда уларни ёшлар онгига сингдириш катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбек халқининг энг яхши анъаналари катталарни хурмат-иззат қилиш, меҳмондўстлик, увол ва ундан кўрқиш, ўзаро ҳамкорлик, хашар йўли билан битмаган ишларни жамоа бўлиб битириш, катталар билан саломлашиш ўтиш, қарияларга ёрдам бериш, йўл бериш, қўлини кўксига қўйиб сўрашиш, тўй ва маросимларда ёрдамлашиш каби кўплаб ишларга хайрихолик билдиришни ва уларни ёшлар онгига сингдириш - бу кундалик ҳаётимиз жараёнида, ёшлар билан ўзаро муносабатлар, рўзнома ва ойномалар саҳифаларида, ойнан жаҳон эшиттиришларида доимо олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, мактаб ва олий ўқув юртларини олтин, кумуш ва имтиёзли диплом билан битирганларни ота-оналар ва ўқувчилар, талабалар орасида тантанали равишда топшириш кечаларини уюштириш кабилар ҳам ёшларда фахрланиш туйғусини уйғотади, уларни яхшиликка интилиб яшашга ўргатади, ўз хулқ-атвори тўғрисида хушёр бўлиб яшаш эҳтиёжини пайдо қилади, жамоа учун жавобгарликка ва ўртоқларга ўзаро муносабатга одатлантиради.

#### 9.4. Меҳнат фаолиятининг тарбиявий аҳамияти

Меҳнат - шахс ва жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ижтимоий маҳсулотларни етиштиришга қаратилган фаолиятдир.

**Меҳнат** - инсон фаолиятининг тарихан вужудга келган дастлабки тури бўлиб, одам яшашининг асосий ва биринчи шартидир. Меҳнат тўғрисида одам хайвонот дунёсидан ажралиб чиқиб, онгли мавжудотга - одамга айланди.

Меҳнат шахснинг ривожланиш шартидир. Одамнинг психик жараёнлари фақат фаолият жараёнида вужудга келади. Шунинг учун фаолиятнинг турли кўринишларини ўрганиш кенг психологик аҳамиятга эгадир. Меҳнат жараёнида одам ўз табиатини ўзгартирди.

Инсоннинг онгли ва мақсадга қаратилган меҳнат фаолияти ҳар вақт маълум мотивларнинг бўлишини тақозо қилади ва у одамни маълум фаолиятга йўналтиради.

Меҳнат фаолияти ўзига хос хусусиятга эгадир. Меҳнат фаолиятининг ҳамма турлари (ақлий, жисмоний, ижтимоий фойдали меҳнат) бир-бирларига таъсир қилади, бир-бирини тўлдирди, бу билан одамнинг меҳнат фаолияти тўлақонли бўла боради.

Меҳнат фаолияти инсон онгини ҳар томонлама шакллантиради. Ҳар томонлама ривожланиш шахсни тарбиялашининг асосий шarti шахснинг онгли активлигидир. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, одам бирор мақсадни кўзлаб меҳнат қилса, бу меҳнатнинг самарасини олдиндан тасаввур

қилса, ўша меҳнат унумли бўлади. Меҳнатда ўқувчи шахсининг характери ва продаси тарбияланади, кузатувчанлиги, диққати ривожланади, анализ ва синтез қилишга ўрганади, умумлаштиради ва таққослайди. Меҳнат ёшларни зийрак бўлишга, фаросатлилик, эпчиллик, ихчамлик каби сифатларини, ҳаёлини ўстиради.

Меҳнат фаолияти ўқувчининг ахлокий ривожланиши ва мукамаллашишида катта аҳамиятга эгадир. Меҳнат болаларни жисмонан чиниктиради, эстетик дидлари, нерв системасининг мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Таълим - тарбия жараёни одамни ижтимоий фойдали меҳнатнинг ҳар хил турлари учун зарур бўлган билимлар, малака ҳамда кўникмалар билан қуроллантиради. Маълумки, инсон ўз табиати жиҳатидан меҳнат фаолияти билан шуғулланмай яшай олмайди. Ўқувчи шахси таркиб топишининг йўлларида бири – меҳнат фаолиятидир.

Меҳнат фаолияти фақат шахсни тарбиялайди деган умумий ҳулоса чиқариб бўлмайди. Тўғри, меҳнат барча шароитларда ҳамиша шахсни таркиб топтиради, аммо бу ерда гап умуман шахсни таркиб топиши тўғрисида эмас, балки шахсни муайян ҳислатларига, сифатларига, жамиятга, жамоага, дунёқараш ва эътиқодларига муносабатларини тўғри йўналтирган мажмуага - системага эга бўлган мустақил жамият кишининг шахсини таркиб топтириш ҳақида боради. Меҳнат жараёни шахсни меҳнатсеварлик, фаоллик, озодалик каби меҳнатга бўлган муносабатни ифодалаш хисларини таркиб топтиришга, қийинчиликларни енга олиш фазилатларини, куч-ғайратини, активлик, қатъийлик каби муайян мақсадни кўзлаш хисларини ўстиришга; ялқовлик, лоқайдлик, пассивликка барҳам бериш каби ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол тарбиялашга қаратилгандир.

Инсон шахсини етук, баркамол тарбиялаш воситаси бўлган меҳнатни моҳияти унинг мактаб ўқувчиси ёки ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутганлиги эмас, балки ўқувчининг, ёшларнинг - энг муҳим ижтимоий тушунча муносабатини қандайлигидан, қандай характерда эканлигидан, ўқувчининг меҳнат жараёнида катталар ва ўртоқлари билан қандай муносабатда бўлишларидан иборатдир.

Ёшларни меҳнатга ижобий муносабатда бўлиш, жамиятга ҳурмат, ўз хатти-ҳаракатларини керакли тарзда йўлга солиш ва тузатиш жараёнларини таркиб топтириш, буларнинг ҳаммаси ҳар қандай меҳнат жараёнида ҳам эмас, балки махсус уюштирилган, муайян таркибларда амалга оширадиган меҳнат фаолиятидагина юз беради. Шунинг учун ёшларни, ўқувчиларни, болаларнинг меҳнат тарбиясини тўғри уюштириш - тўғри ташкил қила олиш шу қадар муҳимдир. Меҳнат тарбиясининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқувчи шахсини таркиб топтириш муваффақиятига боғлиқдир. Меҳнат тарбияси тажрибалари, педагогик-психологик изланишларга доир материаллар меҳнатни ҳақиқатдан ҳам ёшларни тарбия олишига айлантирадиган куйидаги шартларни ифодалаб бериш имконини яратади:

1. Ўқувчилар меҳнати ижтимоий фойдали бўлиши керак. Ёшлар ва ўқувчилар ўз меҳнатининг муайян ижтимоий қийматга, ижтимоий аҳамиятга



эга эканлиги, кишиларга, жамиятга, жамоаларга фойда келтиришини англаб етмоғи лозим. Бу мактаб фойдасига қилинган меҳнат - мактабни жиҳозлаш, кўлланма, дарсликларни таъмирлаш, мактаб ҳовлисини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ҳ.к. Бироқ, шуни назарда тутиш лозимки, ўқувчилар фақат ўз умуммактаб жамоаларининг фойдаси учунгина эмас, балки жамият фойдаси учун қилинадиган меҳнатда ҳам иштирок этишлари лозим. М: Ўқувчиларнинг умумшаҳар, туман миқёсидаги шанбаликларда иштирок этиши ёки умумхалқ ёки маҳаллалардаги ҳашарларда иштирок этишининг тарбиявий аҳамияти бекиёсдир.

2. Ижтимоий қийматга эга бўлган фойдали маҳсулот меҳнат натижаси бўлиши.

Ўқувчи ўз меҳнатини яққол ва аниқ кўриши лозим. Шу муносабат билан ўқувчини ўз меҳнати натижаларининг ижтимоий вазифаси билан муфассал таништириш, ўқувчига унинг меҳнатини кимга кераклигини кўрсатиш жуда муҳим. М: Ўқувчилар томонидан темир-терсақ, қоғоз йиғишлар ва унинг натижасини билиш ёки жамоа хўжалиқларида сабзавот-мева териш....

3. Ўқувчиларнинг меҳнати жамоа меҳнати бўлмоғи керак. Жамоа меҳнати - умумий меҳнат вазифаларини биргаликда бажарадиган, умумий мақсад, умумий вазифалар билан бирлашиб қилинадиган меҳнатдир. Мана шундай меҳнатгина ўқувчиларнинг, ёшларнинг ўз хатти-ҳаракатларини жамоа иродасига бўйсундира олиш сифатларини тарбиялайди. Меҳнат фаолияти жараёнида шахсий ютуқларгина меҳнат манбаи бўлса, жамоатчилик сифатларини таркиб топтириш учун асос бўлмайди. Жамоа билан амалга ошириладиган иш, юмуш меҳнатнинг умумий натижалари, ўқувчиларнинг (инсонларнинг) ҳар бирини кўрсаткичларига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўқувчининг меҳнати ташаббускор ва ижодий меҳнат бўлиши керак. Мана шунда меҳнат ишнинг ижодий томонига қизиқадиган, шунчаки бир фойдали иш қилишга эмас, балки янгиликка, ўз ташаббусини намоён қилиш имкониятларини қидиришга интиладиган ўсмирлар ва юқори синф ўқувчиларининг ёш психологик хусусиятларига мос бўлади. Ўқувчилар, ёшлар орасида шунга эришиш керакки, ёшларнинг ўзлари меҳнат вазифаларини ҳал қилишнинг энг яхши усулларини қидириб топсинлар, ўзлари ўз фаолиятларини режалаштирсинлар, тайёргарлик кўрсинлар.

4. Меҳнат жараёнида айниқса ёшлар, ўқувчилар ўз-ўзини уюштириш ва мустақил меҳнат қилишнинг ҳар хил шаклларини кўллашлари лозим. Гап фақат ўқувчиларнинг ташкилотчилик малакаларини ҳосил қилишдагина эмас, балки ўз-ўзини уюштиришнинг мустақилликка раҳбарлик қилиш ва бўйсунуш малакаларини, ижодий ташаббусни, маъсулият ҳамда жамоат манфаатларини, ижодий ташаббусни, ҳис қилиш сифатларини тараққий эттиришга ёрдам беради.

5. Ўқувчиларнинг меҳнати уларнинг ўзлари учун қизиқарли бўлиши лозим. Айниқса, кичик мактаб ўқувчиларининг меҳнати бевосита

қизиқишларга асосланади, лекин ўқувчиларни қизиқарли бўлмаган меҳнат билан шуғулланишга ҳам одатлантириш аҳамиятлидир.

6. Ўқувчиларнинг меҳнати уларнинг кучига яраша бўлмоғи лозим. Меҳнат ўқувчиларни ҳаддан ташқари кўп куч сарф қилишга, жуда толиқиб қолишга олиб бормаслиги лозим. Меҳнат боланинг кучига, жисмоний ривожланишига, ёшига мос бўлса, унда бола муваффақиятга эришади, аксинча у мос бўлмаса, у бола психикасига қаттиқ таъсир қилади, бола ўз кучига ишончни йукотади, хатто кучи етадиган ишни бажаришдан ҳам бўйин товлайди.

7. Ўқувчиларнинг меҳнати таълим фаолияти билан боғлиқ бўлиши яхши натижа беради, чунки уларнинг назарий олган билимлари билан меҳнат фаолиятларини узвий равишда шундай боғлаш зарурки, уларнинг меҳнати биология, кимё, геометрияни билишни, чизмалар чизиш ҳамда уларни тушуниб ола билишни талаб этсин.

8. Ўқувчиларни меҳнат билан жазолашга ва меҳнати учун жазолашга асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бола унга куч сарф қилади, машаққат чекади.

9. Ўқувчидан ишни шунчаки бажаришини эмас, балки, асбоб-ускуналарга, материалларга, меҳнат қуролига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб этиш зарур. Бу шартларга амал қилиш - бола учун меҳнат фаолиятининг қизиқарли фаолиятга айланишига имкон яратади. Уларда зўр маънавий қониқиш ҳисларини уйғотади, меҳнат жараёнида ўқувчилар тўғри ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг амалий тажрибасини эгаллайдилар. Инсон шахсининг шаклланиши болани меҳнатга бўлган ижобий муносабати орқали пайдо бўлади. Ёшлар меҳнат қилиш орқали ўз-ўзини англайди, ўз меҳнати самарасини кўриш эса уни меҳнатга ижобий муносабатини шакллантиради.

Демак, ёшлар бажарадиган меҳнат жиддий меҳнатга ҳавас ўтини ёқиши лозим, бундай меҳнатсиз одам инсон шаънига ярашадиган ҳаёт кечири олмайди. Меҳнат одамнинг туғма эҳтиёжидир. Ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан биридир. Бунинг учун:

1-дан, уларни ёшлигидан бошлаб ёш хусусиятларига хос меҳнат турларини бажаришга ургатиш;

2-дан, ёшларни меҳнатини сиртдан назорат қилиш;

3-дан, меҳнат анжомларидан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш;

1-дан, уларни асраб-авайлаб сақлашга ва ундан фойдалангандан кейин уни жой-жойига қўйишга одатлантириш;

2-дан, ўз меҳнатини махсули ва ундан фойдаланишга ўргатиш;

3-дан, катталар меҳнатига тақлид қилиш ва уни ҳурматлаш;

4-дан, ўз ва жамият мулкани авайлашга ўргатиб бориш муҳимдир.

Ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ва уни жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳозирги замон талабидир.

Ёшларимизни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш янгича асосларда, яъни 1-дан миллий кадриятларимиз заминиди ва 2-дан, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ўзини оқилона жаҳон андозаларини намунасида йўлга қўйиш лозим. Чунки меҳнатсеварлик - маънавий тушунча бўлиб, у субъект - объект муносабатларида шаклланади ва натижалари намоён бўлади. Лекин, объект субъект муносабатлари - қобилият ва имкониятларига боғлиқ. Шундагина субъект-объект муносабатларини шахсда маълум, ўзида меҳнатсеварлик сифатини акс эттирувчи таркибий қисмларини шаклланишига имкон беради.

Жавобгарлик, сабр-тоқат, интизом, маданий хулқ, ўзаро ёрдам сифатларини, ташаббускорлик, мустақиллик, топшириқларни сифатли бажариш, фаҳм-фаросатлилиқ - меҳнатсеварлик даражаси меъёридир. Ривожланган мамлакатларнинг меҳнатсеварлик тарбияси бўйича андозаларни ўзбек миллий кадриятлари билан қарама-қарши эмас, аксинча умумийликка эга.

Умумжаҳон андозаларида меҳнатсеварлик тарбияси - шахс ривожланиши жамият мақсад ва вазифаларининг марказидадир; жамиятни муваффақиятли моддий ва маънавий ривожланиши ҳар бир шахснинг шаклланганлик даражаси билан боғлиқ; жамият ўзининг ҳар бир аъзосига ўзининг лаёқати, имконияти, қобилиятларини юзага чиқаришга шарт-шароит яратиб берагина, у демократик инсонпарварлик жамиятидир. Ҳар бир фуқаро жамиятидан олибгина қолмай, бериши ҳам керак, яратилган имкониятлардан фойдаланиб бор лаёқати ва қобилиятини ишга солиши, ўзига мос, қодир бўлган касб танлаши, меҳнат қилиб жамиятни моддий, маънавий ривожига ҳисса қўшиши лозим деган тезисларга асосланади.

Меҳнатсеварлик тарбиясини амалга оширишда бир тарафдан ўқувчиларнинг имконият, лаёқат ва қобилиятлари ҳисобга олинса; иккинчи томондан унинг эҳтиёж-мотивлари тизимидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

## 9.5. Тарбия методлари ва воситаларининг психологик мазмуни

Тарбия воситалари сифатида ташкил этилган ва ташкил этилмаган таъсирлар тушинилиб, улар ёрдамида бир гуруҳ инсонлар - тарбиячилар бошқа гуруҳ одамларига – тарбияланувчиларга маълум психологик сифатлар ва хулқ- атвор ҳосил қилиш мақсадида таъсир ўтказадилар. Аниқ қилиб айтганда, шахсга психологик таъсир воситасида тарбиячи томонидан тарбияланувчининг шахсиятини ўзгартириш учун қўлланилган ҳаракатлар тушунилади. Улар қаторига таълимнинг барча турларида ишонтириш, мажбурлаш, ижтимоий талаблар, ташқи таъсирларни ва инсон ҳаракатлари шаклини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар киради. Тарбия воситалари сифатида ўзига хос ўринни комплекс, глобал ва ҳар тарафлама ўтказиладиган таъсирлар эгаллайди. Улар қаторига, масалан, психотерапияни, ижтимоий-психологик тренингни ва бошқа психокоррекция турларини кўрсатиш мумкин.

Тарбия воситаси бўлиб, тарбиячининг шахсий намуна бўлиши, атрофдаги одамларнинг кўрсатаётган хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, педагогик, бадий, оммавий ва бошқа адабиётларда келтирилган ва юқори баҳоланган лавҳалар ҳам ҳисобланади. Инсонга таъсир этиб, унинг психологияси ва хулқ-атворини ўзгартириши мумкин бўлган ҳар қандай нарса тарбиявий таъсир кўрсата олади.

Тарбия воситаларини одамга таъсир этиш характерига кўра икки гуруҳга: бевосита ва билвосита таъсирларга ажратиш мумкин. Булардан биринчиси бир одамнинг бошқасига бевосита таъсири, яъни бир-бири билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиши ҳисобланса, иккинчиси, қандайдир воситалар орқали ўтказиладиган таъсир, яъни бунда тарбиячи ва тарбияланувчи ўзаро алоқа қилмайди (масалан, китоб ўқиш ва б.).

Тарбиячи ва тарбияланувчининг англаши нуқтани назаридан келиб чиқилса, тарбия жараёнида унинг воситаларини аниқ ва мавҳум турларга бўлиш мумкин.

Анланган тарбия воситаси қўлланган тақдирда тарбиячи анлаган ҳолда ўз олдига аниқ, анланган мақсад кўяди, тарбияланувчи у ҳақида билади ва уни қабул қилади. Агар мавҳум воситалар таъсири қўлланилганда синовдаги тарбия таъсири анланмаган ҳолда кечади, тарбиячи англаб назорат олиб бора олмайди ҳамда олдиндан ўйланган янглиш таъсир келиб чиқади.

Тарбия таъсири қандай тарбия объектига қаратилганлигига кўра унинг воситалари қуйидагича бўлинади: эмоционал, когнитив ва хулқий. Тажрибада кўпроқ улар комплекс тарзда учрайди.


Ҳар бир кўрсатилган тарбия воситалари ўзининг кучли ва ожиз томонларига эга. Масалан, бир одамнинг иккинчи бир одамга тарбиявий таъсирининг ўзига хослиги ва ютуқлари шундан иборатки бунда тарбиянинг қуйидаги турлари ишлатилади: уқтириш, тақлид қилиш ва мажбурлаш, ўз навбатида бу усуллар асосида таълимнинг эффектив механизми ётади. Бу усул қўлланилганда тарбиячи сўз воситаларидан фойдаланмаслиги ҳам

мумкин, тарбияланувчига тўғри ва керакли хулқ-атворни намуна сифатида кўрсатиши ва ўрнак бўлиши лозим.

Тарбиячи доимо ўзи истаганидек барча нарсани сўз билан ифодалаб бера олмайди. Шунинг учун ҳам тўғридан-тўғри тарбия таъсири тарбия имкониятларини кенгайтиради. Бундан ташқари, бу восита бола ривожланишининг илк босқичида мумкин бўлган ягона усулдир, ҳолбуки бола ҳали унга қарата айtilган сўзларни тушунмайди. Бу ҳолат болаларнинг ёшидан қатъий назар катта аҳамиятга эгадир. Педагогикада бу усул шахсий намуна деб номланади. Ушбу тарбия воситасининг камчилиги шахсий ва вақт бўйича қўлланилишининг чегараланганлигидир.

Тарбияловчи тарбияланувчига фақат ўзи эга бўлган билимларни бера олиши мумкин. Бундан ташқари тарбиячи ҳар доим ҳам тарбияланувчи билан мулоқатда бўла олмайди.

Тўғридан- тўғри бўлмаган ёки билвосита тарбия воситасида китоб орқали, оммавий ахборот воситалари ва кодлашган тизим орқали бир одамдан бошқа одамга ахборот узатилади. Бундай ахборотларни сақлаш ва бир неча маротаба қўллаш мумкин. Бундай инсон такрор ва такрор материал манбаига мурожат эта олади. Аммо бундай тарбия одатда инсонга хос бўлган жонли ҳаётий кучлардан маҳрумдир. Бундан ташқари ушбу восита таъсири ёш бўйича ҳам чегараланган. Ушбу усул сўзлаб берилган мавзунинг ахлоқий мазмунини англадиган бўлиши лозим.



Билвосита тарбиявий таъсирнинг ютуқлари шундан иборатки, у бошқариладиган, аввал ўйлаб режалаштирилган ва назорат қилиб туриш мумкин бўлган натижалар беради. Билвосита тарбия жараёнида кўрилган, кузатилган камчиликлар бунда ҳам мавжуддир. Мавҳум англамаган тарбия воситаси англаган тарбия воситаларидан кўра кўпроқ учрайди, лекин унинг ютуқлари ва камчиликларини амалий жиҳатдан баҳолаш қийин. Бунга сабаб уни онгли равишда назорат этиб бўлмаслигидир.

Когнитив тарбия таъсири кишининг билим тизимларига йўналтирилган бўлиб, уни ўзгартириш, мукаммаллаштиришни мақсад қилиб қўяди. Ҳозирги замон олимларининг фикрига кўра, инсоннинг дунё ҳақидаги билимлари уни шахс сифатида намоён этиб қолмай, балки унинг хулқ-атвориغا ҳам катта таъсир кўрсатади. Тарбия таъсирининг бу соҳадаги ютуқлари сезиларли даражада ортиб, ҳозирги даврда бу соҳа асосий ўринни эгаллаб бормокда.

Эмоционал тарбия таъсири тарбияланувчида маълум аффектив ҳолатни вужудга келтиришга ва уни сақлаб туришга мўлжалланган бўлиб,

уларнинг психологик таъсирларни қабул қилишини ёки енгиллаштиради, ёки кийинлаштиради.

Ижобий эмоциялар тарбияланувчини тарбия таъсири субъектига нисбатан очиқ назорат ҳосил қилади. Салбий эмоциялар эса аксинча, тарбияланувчига кўрсатилаётган тарбия таъсирини камайтиради.

Хулқий-ахлоқий тарбия таъсири бевосита одамнинг хулқ-атвори, унинг фаолияти ва ўзини бошқара олишга йўналтирилган. Уни турли таъсирлар воситасида маълум бир йўналишда йўналтирилса, улар билвосита шахс ҳолатига, унинг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатда тарбияланувчи аввал қандайдир маълум хатти-ҳаракатни амалга оширади, сўнгра эса шу йўлнинг фойдали ёки зарарлигини тушунади. Берилган таъсир аввал шахснинг ички дунёсида ўзгаришни вужудга келтирса, бу ўзгариш кейин унинг хулқ-атворида намоён бўлади.

Билим, эмоция ва хулқ-атвор ўзаро боғлиқ экан, уларнинг ҳар бири орқали шахсга таъсир кўрсатиш мумкин. Бу ҳолат тарбиячининг имкониятлари чекланганда бирор бир танланган тарбия таъсирига ургу беришда ҳамда керакли натижага эришишда ёрдам беради. Аммо мукамал тарбиявий таъсирга улар биргаликда шахсга ҳар тарафлама таъсир эттирилгандагина эришилади.

Сўнги пайтларда шахсга психотерапевтик ва психокоррекцион таъсир воситалари ва услубларини қўллаш кенг тарқалмоқда. Одатда, психотерапия педагогик психологиянинг бир бўлими эмас, балки тўла психоген табиатга эга бўлган, инсоннинг психологик ҳолатига боғлиқ касалликларни даволаш ёки уларни олдини олиш воситаси деб тушунилган. Ҳозирги пайтда дунёнинг қатор мамлакатларида психотерапия таъсири тиббиёт амалиёти чегарасидан чиқиб, психокоррекцион ва психопрофилактик мақсадлар соҳасида шахснинг тарбиялашда, уни реал ижтимоий шароитга мослаштиришда кенг қўлланилмоқда. Бундай услублар қаторига ижтимоий психологик тренингни киритиш мумкин. У ўзида кўпдан-кўп методларни жамлаган бўлиб, уларнинг кўп қисми инсондаги ҳаётий муаммоларни ва таъсирли воқеаларни зиддиятларсиз, атрофдаги одамлар билан қулай муносабатлар ўрнатган ҳолда ҳал қилишга ўргатади.

Психокоррекцион услубларни қўллаш деб, психолог-психотерапевт ва мижоз мулоқотига айтилади. Бундай мулоқот вақтида мижоз мутахассисга ўз муаммоларини сўзлаб беради, психолог ёки психотерапевт уларни мушоҳада қилиб, ўз воситаларидан фойдаланиб мижозга ушбу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ҳозирги замон тиббиётида ва тиббиёт психологиясида психотерапиянинг анча кенг тарқалган шакли психоанализдир. У З.Фрейд назариясига асосланган бўлиб, унинг негизида инсон шахси ривожланиш шартлари, турли муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни ечиш усуллари ётади. Психотерапевтнинг вазифаси шундан иборатки, у психоаналитик услубдан фойдаланиб, мижознинг англаб етилмаган майлларини унинг онгига етказиш орқали улар билан боғлиқ бўлган зиддиятларни бартараф этишга кўмаклашади. Бу оқим намоёндаларининг таъкидлашича, фақатгина

англанмаган мотив ва ички зиддиятларгина англаб етилади, натижада уларни ақдан идрок этиш оркали муаммоларни осонгина ҳал қилиш мумкин. Психоаналитик томонидан мижоздаги англаб етилмаган зиддиятларни аниқлашда эркин ассоциация методи ҳам қўлланилади. Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, психолог ўзи эгаллаган барча усуллардан фойдаланиб, мижозни жўшқин гапиришга ундайди, бу ўзини хавотирга солган ахборот тарикасида бўлади (одатда бу гипноз ҳолатида қилинади ёки мижознинг ўта киришувчан ҳолатида ўтказилади).

Шахсга психотерапевтик таъсир воситалари ва услублари жуда ҳам кўп, улар билан танишиш - махсус психология курсининг вазифасидир.

Шахс одам иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар системасининг таъсири остида ва унда ўзи бажарадиган фаолият таъсири остида таркиб топади. Ижтимоий муҳитнинг, жамоанинг шахсга таъсири тўғрисида гапирлар экан, ижтимоий психология ишлаб чиқаётган референт гуруҳ тушунчасига асосланиш зарур. Гап шундаки, ҳамма одамлар ҳам, хатто энг яқин теварак-атрофдаги одамлар ҳам мактаб ўқувчисининг шахсига таъсир қилавермайди, кўпларнинг фикрларига у бефарқ қарайди. Ҳар бир одам учун бўлганидек, ҳар бир мактаб ўқувчиси учун ҳам айрим гуруҳлар (баъзан бундай гуруҳ бир кишидан таркиб топган бўлиши ҳам мумкин) мавжуд бўлади, у шахс сифатида бу гуруҳларнинг фикрлари, ўзи учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган мулоҳазалари билан ҳисоблашади. Оила, синф, синфдаги айрим ўқувчилар, баъзи ўқитувчилар, ҳовлидаги улфатлар, яқин дўст ва ҳоказолар муайян мактаб ўқувчиси учун ана шундай референт гуруҳлар бўлиши мумкин. Мактаб ўқувчисининг тез-тез учраб турадиган тарбиявий таъсирларига бефарқ ёки хатто салбий муносабатда бўлиш ҳолларига кўпинча ўқувчининг тарбиячига маълум бўлмаган референт гуруҳ позициясида туриши сабаб бўлади. **А.В.Петровский**нинг оқилона фикрига кўра, агар тарбиячи, мактаб ўқувчисига ҳеч нарса ва ҳеч ким таъсир қила олмайди, деб даъво қиладиган бўлса, бу нарса одатда тарбиячининг мактаб ўқувчисининг ахлоқий позициясини белгилаб берадиган таъсирли референт гуруҳлардан мутлақо хабарсиз эканлигини билдиради.



Болалик ва мактаб ёшида шахс тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тарбия махсус фаолият сифатида муайян дастурнинг, англаб олинган мақсаднинг мавжудлиги билан таъсир кўрсатишнинг махсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари, шакллари

ҳамда методларининг қўлланилиши билан тасодифий ва стихияли таъсирлардан ажралиб туради.

Мактаб ўқувчисининг муайян коидалар ва нормаларни билиши маънавий хулқ-атворнинг зарур шартидир. Бироқ ахлоқ нормаларини шу тариха билиш ўз-ўзидан ахлоқий хулқ-атворни тегишли даражага эриштирмайди. Бунинг устига, билимларни маънавий хулқ-атворни амалиётсиз ўзлаштириб олиш маънавий билимлар билан маънавий хулқ-атвор ўртасидаги ажралишда ифодаланадиган "ахлоқий расмиятчилик" деб аталувчи ҳолатни юзга келишига олиб боради. Шунинг учун мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчиси, мактаб ўқувчисининг ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил қилиш, ижодий ахлоқий, ижтимоий хулқ-атвор тажрибаси унинг шахсини таркиб топтиришда асосий нарса бўлиши керак. Ўқувчида бу нарса тарбиячи раҳбарлигида ҳосил бўлади. Бу нарса ўқувчиларда табиий, ахлоқий ва ғоявий-сиёсий билимлар мажмуасини (бу билимлар муайян даражада етакчи роль ўйнаган пайтда) таркиб топтириш билан юз бериши керак.

Психологлар (аввало Л.И.Божович ва унинг ходимлари) бола ва мактаб ўқувчисининг шахсини таркиб топтиришда унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш, унинг тўғри хулқ-атвор тажрибасини орттиришигина эмас, балки унинг хулқ-атворининг (маълум ҳаракатга ундовчи фикрлари, ҳис-туйғулари, мақсадлари системасини) тўғри мотивларини тарбиялаш ҳам ҳал қилувчи нарса эканлигини кўрсатиб берадилар.

Психологларнинг берган маълумотларига кўра, биргина фаолиятнинг ўзида (бу фаолиятнинг бола учун нима сабабдан юз беришига ҳам қараб) шахснинг ҳар хил (ва хатто бир бирига карама-карши бўлган) сифатлари таркиб топиши мумкин. Масалан, биз тарбияланувчиларни бошқаларни очикдан-очик ва дадил танқид қилишга ўргатамиз. Ана шундай қилиш билан болада жасурлик, соф диллик, танқидий кўз билан қараш фазилатлари таркиб топади деб ҳисоблайдилар. Аммо биз айтилганларни ҳисобга олмасак, ҳамиша ҳам ўзимиз кўзлаган мақсадга эришавермаймиз. Чунки хулқ-атворнинг ана шу тўғри шакли негизида мактаб ўқувчиси амал қиладиган мотивлар ётади. Бу хулқ-атвор шахсан ўқувчининг ўзи учун қандай маънога эга бўлишига қараб, унда ҳар хил сифатлар таркиб топиши мумкин. Агар ўқувчи ўз ўртоғини қатъий мотивлар асосида танқид қиладиган бўлса, бу танқид унинг ўртоғида характернинг принципиаллик, қатъийлик, ҳалоллик сингари сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради; борди-ю, ўз айбини ўртоғининг бўйинга қўйиш истаги билан танқид қиладиган бўлса, бу худбинлик, индивидуализмнинг таркиб топишига ёрдам беради. Агар шахсий ғараз билан танқид қилинадиган бўлса, унда шу асосда қасоскорлик, маккорлик, инсофсизлик ҳислатлари таркиб топади. Агар бундай танқид қилишга, ниҳоят, ўқитувчидан кўрқиш ва унга ёқиш истаги ёки мағрурлик



истаги сабаб бўлса, унда лаганбардорлик, икки юзламачилик сингари ҳислатлар таркиб топиши мумкин. Бинобарин, тўғри хулқ-атвор тажрибаси бу хатти-ҳаракат муайян мотивлар асосида амалга оширилган вақтдагина кўзланган мақсадга олиб келади. Шунинг учун хулқ-атворнинг тўғри мотивларини тажрибада тарбиялаш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ўқувчиларида муайян вазиятларда тарбиявий таъсирлар воситасида юзага келадиган ижобий мотивлар уларнинг тажрибасида мустаҳкамланиши ва барча бошланғич вазиятларга тарқалиши керак.

Бошқача қилиб айтганда, шахснинг ҳар бир сифат структурасига, бинобарин, мактаб ўқувчисининг тегишли хатти-ҳаракатига ижобий муносабатда бўлишига имкон берадиган мотив, иккинчидан, хатти-ҳаракатларнинг мустаҳкамланган усули киради. Шундай қилиб, шахснинг ҳислати олимлар фикрига кўра, хатти-ҳаракат мотивлари ва бу мотивлар тегишли шаклларининг ўзига ҳсс бирикмасидир. Хатти-ҳаракат барқарор, ҳукмрон (асосий) мотивларнинг системасини баъзи психологлар шахснинг йўналиши деб таърифлайдилар. М.С.Неймарк мактаб ўқувчиларининг йўналишини тадқиқ қилди ва бу йўналишнинг учта асосий турини – жамоа, шахсий ва ишчанлик йўналишларини (ишга, фаолият жараёнига бўлган йўналишни, ижодий фаолиятга қизиқишни) алоҳида ажратиб кўрсатди. Йўналишнинг жамоа, шахсий турлари бир хил, тўғри характеристикасига эга бўлмаслиги керак. Ҳақиқий жамоа йўналишидан ташқари "худбинлик гуруҳи" деб аталган йўналиш – бошқа жамоаларнинг қизиқишларини мутлақо менсиманган ҳолда фақат битта жамоанинг, (гуруҳ, синф) қизиқишларинигина эътироф этадиган йўналиш ҳам бор. Шахсий йўналиш шахсий ютуқларга эришишга қаратилган йўналиш сифатида ҳамма вақт ҳам жамоа йўналишига қарама-қарши бўлавермайди.

Психологлар тарбиявий иш методларининг психологик асосларини ишлаб чиқаётганларида, тарбиянинг ҳар қандай методига абстракт тарзда қараб ва уни баҳолаб бўлмайди, деган фикрга асосланалар. Бу методлар қўлланилаётганда, биринчидан, тарбияланаётган ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини, иккинчидан, шу ўқувчи аъзо бўлган болалар жамоасининг хусусиятларини, ниҳоят, тарбиявий таъсир кўрсатиладиган муайян қонкрет шароитларни ҳисобга олиш зарур. Шахснинг ижобий йўналишини таркиб топтириш учун, мактаб ўқувчисининг барча вазият ва ҳолатларида тўғри йўл тутиши учун унинг нима қилишни билиши,

ўзи ҳурмат қиладиган кишиларнинг нима қилаётганларини кўриши ва ўзи ҳам тўғри хулқ-атворли бўлишни машқ қилиш зарур.

Билимлар, ахлоқий тасаввурлар ва тушунчаларнинг муайян системасини эгалламасдан туриб ҳақиқий эътиқодларни таркиб топтириб бўлмайди. Ўз-ўзидан бу билимлар ахлоқий хулқ-атворни белгиламасдан туриб, унга муҳим таъсир кўрсата олмайди. Психологик тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб, унга махсус раҳбарлик қилишни талаб этади. Ўқувчиларнинг тасодифий ҳоллар, кўчадагиларнинг бемаъни таъсири, катталарнинг ярамас хатти-ҳаракатлари таъсирида таркиб топадиган ахлоқий

тушунчалари тарбиячилар ва жамоа томонидан тўғри ғоявий раҳбарлик қилинмаса, хато, нотўғри, бузук тушунчаларга айланиб қолиши мумкин. Баъзан ўқувчи турмушдаги бирор факт ёки воқеани, адабий асарлардаги мазмунни, кинокартиналарни ўзи мустақил тушуна олмай, нотўғри хулосаларга келиб қолади. Жуда оғир шароитларда ўқувчида хато фикрларгина эмас, балки маънавий тамойиллар ва установакалар руҳига кўра бизга ёт бўлган хатолар ҳам юзга келиши мумкин. Кўпчилик нотўғри хатти-ҳаракатларнинг юз беришига ана шулар сабаб бўлади.

Ахлоқий онгни таркиб топтиришнинг энг муҳим йўли ўқувчиларнинг ўзларида тўғри хулқ-атвори юзга келтириш билан ахлоқий тажрибани бойитиш ва умумлаштириш йўлидир, албатта. Ўқувчилардаги ахлоқий билимнинг турли-туман шакллари, уларнинг онги ва ҳис-туйғуларига жонли, ёрқин, оташин сўзнинг (жамоаларда уюштириладиган суҳбатлар, маърузалар, мунозаралар) таъсири бу ишни анча тўлдириши мумкин.

Бунинг учун муайян тамойиллар ишлаб чиқилган бўлиб, ахлоққа доир суҳбатлар ўша тамойиллар асосида тузилиши керак. Бу тамойиллар қуйидагилар:

1. Ахлоққа доир суҳбатлар мазмуни жиҳатидан тегишли ёшдагиларга тушунарли бўлиши лозим. Мавжум ва абстракт тушунчалар, мураккаб мулоҳазалар билан толиктириб қўйишга йўл қўйиб бўлмайди.

2. Одатда, суҳбат ўтказиладиган жамоани, унинг йўналишини, бу жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларини, ўқитувчининг бошқаларга муносабатини яхши билиш зарур.

3. Бундай суҳбатларни ниҳоятда тез-тез ўтказиб турмаслик даркор. Агар суҳбатлар қонкрет сабаблар билан, мамлакат ёки жамоа ҳаётидаги бирор воқеага тўғрилад ўтказилса, жуда яхши натижа беради.

4. Суҳбатни ёрқин, яхшилаб танлаб олинган қонкрет мисолларни, ҳаётий воқеалар ёки адабий асарлардаги фактларни ҳамда кузатишларни таҳлил қилишдан бошлаб, умумлаштириш ҳамда хулосалар чиқаришга ўтиш тавсия этилади.

5. Эмоционал тарзда келтирилган, ёрқин ва таъсирчан образга оқилона таяниш (нафис санъатдан, адабиёт асарларидан фойдаланиш, кинофильмлар ёки театр асарларига жамоа бўлиб бориш ёхуд уларни жамоа бўлиб эслаш) зарур.

6. Ўқувчиларнинг онгига сингдириладиган қоидаларнинг яхшилаб асослаб берилиши, исботланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамма нарсани тушуниб олишга ва бунинг оқибатида дадил қабул қилишга, унинг асосланганлигига ишонч ҳосил қилишга, оқилона исботларга рози бўлишга қодир бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш пайтида жуда муҳимдир. Бошқа томондан, бу ёшда сўз таъсирининг самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин, чунки ўқувчида ривожланиб борадиган танқидий муносабатлар кўпинча уни катталарнинг далилларига эҳтиёткорлик билан, ишонмасдан ва нотўғри тушуниб қабул этишга, уларнинг далилларини рад қилишга, бирор қоида билан келишмасликка,

катталарнинг илтимослари ва талабларига қарши чиқишга мажбур этиши мумкин. Бошқа нарсани ҳам назарда тутиш керак: Ўқувчи кўпинча катталарнинг ўзига ақлли киши деб мурожаат қилишларидан, унинг кўп нарсани тушунишига ишонишларидан мағрурланиб юради. Унда бу ишонччи оқлаш, ана шундай муносабатга муносиб киши бўлиш истаги юзага келади.

7. Ўқувчиларда максимал фаоллик уйғотиш, жонли равишда фикр алмашиш истагини уйғотиш, уларнинг фикрини авж олдириш ва ўзларини ахлоқ масалалари устида ўйлаб кўришга мажбур қилиш зарур. Ўқувчиларга тайёр ҳақиқатни зўрлаб қабул қилдириш ярамайди, ахлоқ нормалари ҳақидаги хулосаларни уларнинг фаол иштирокида (аммо ўқитувчининг раҳбарлигида) чиқартириш керак. Бунинг учун суҳбат жараёнида муҳокамага кўйилиши керак бўлган масалаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш тавсия этилади.

8. Ўқувчиларда чуқур ва таъсирчан эмоцияларни уйғотишга интилиш лозим. Бунда ўқитувчи суҳбатни бефарқ ва шавқ-завқсиз эмас, балки эмоционал тарзда жонли қилиб ўтказганидагина эришиш мумкин. Ўқитувчи ўзининг эхтиросли эътиқоди ўсмирларга юкишини унутмаслиги даркор. Ўсмирларнинг ўзлари ҳис этадиган туйғуларни тахминан куйидаги шаклда англаб олишларига эришиш жуда муҳимдир: "Нима учун бу ҳодиса менда шунчалик ғазаб ва нафраб уйғотади?", "Нима учун мен бу хатти-харакатлардан шунчалик хайратландим?".

Тарбия жараёнининг технологиясини куйидагича шарҳлаш мумкин:

1. Тарбияланувчини алоҳида такрорланмас, индивидуаллик сифатида тушуномок лозим. Унинг эхтиёжлари тузилишини аниқлаш керак.

2. Ижобий эмоциялар воситасида ижобий хулқ-атвор одатларини шакллантирмоқ керак. Ояғ ҳам, прода ҳам мотивлар иєрархиясини шакллантира олмайди. Зотан, бир эхтиєжнинг урнини фақат бошқа эхтиєжгана эгаллаш мумкин.

3. Шу эхтиєжларни қондириш воситалари билан болани қуроллантириш тарбия ва тарбиячидан мулоқотни ҳав, ҳамдардликни ҳам эмас, айнан шу воситалар билан қуроллантиришни кулади.

6. Ўқитувчининг ахлоқий идеал сифатида намоён бўлиши

Ўқитувчининг ахлоқий идеал сифатида намоён бўлиши ўқувчи шахсини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи кўпинча ўқитувчига тақлид қилиб, унга ўхшашга ҳаракат қилади, лекин биринчидан, буни кўпинча тушуниб етмасдан қилади, иккинчидан ўқитувчининг ташқи кўриниши ва қилиқларига тақлид қилади, чунки у ҳали шахснинг намоён бўлишини таҳлил қилишга ва шахснинг барқарор ҳислатларини англаб етишга қодир эмас. Ўсмир ва катта мактаб ёшидаги ўқувчи кўпчилик ҳолларда намунага онгли равишда тақлид қиладилар. Ўсмир ўзини катта деб ҳисоблай бошлагандан эътиборан катталарнинг хатти-ҳаракатлари ва ишларига тақлид қилишга интилади. Шунинг учун унда теварак-атрофдаги кишиларнинг, айниқса, ўзига энг яқин ва ўзи учун энг обрўли кишиларнинг хатти-ҳаракатига қизиқиш ҳамда эътибор бериш юзага келади. Ўқитувчи қанчалик обрўли бўлса, унинг эътиқоди, билимлари, фикрлари, диди ўқувчиларга шунчалик кўп таъсир қиладиган бўлади. Ўсмир катталарнинг бирор ҳислатларига тақлид қилаётиб, кўпинча бу ҳислатларни шунчалик илиб олиш билан бирга, уларнинг салбий ҳислатлари ва хатти-ҳаракатларини ҳам ўзига сингдириб олади. Агар ўқитувчи муайян мақсадни кўзлайдиган ва матонатли, ўз бурчини қатъият билан бажарадиган бўлса, худди шу нарсаларни ўз тарбияланувчиларидан ҳам талаб қилиш унга осон бўлади. Аксинча, ўқитувчининг тажанглиги, кўполлиги, ўзини қўлга ола олмаслиги, манманлиги ўқувчиларга салбий таъсир кўрсатади.

Ўқувчилар ва ота-оналар баъзан тарбиявий ишларда ўзларининг шахсан намуна кўрсатишларининг таъсирига етарлича баҳо бермайдилар. Ҳолбуки, уларнинг қилаётган ишлари, ўзларини қандай тутишлари уларнинг айтган гапларига, ўргатган нарсаларига қараганда камроқ эмас, балки кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Тўғри хатти-ҳаракатларда амалий тажрибани уюштириш, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, шахсни тарбиялашда муҳим, асосий омилдир. Тарбиячи ўқувчиларда хатти-ҳаракатларнинг шундай шакл ва усулларини таркиб топтирмоғи керакки, бу шакл ва усулларда тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида юзага келадиган ўқувчи эътиқодлари амалга ошсин. Хатти-ҳаракатларнинг айтиб ўтилган шакллари мотивларни, ўқувчининг эҳтиёж ва муносабатларини "моддийлаштириш" ифодаси, воситаси, шаклига айланиб қолгандагина барқарор омилга айланиб мустаҳкамланади. А.С.Макаренко худди ана шу маънода "хулқ-атвор гимнастикаси" тўғри хатти-ҳаракатларни машқ қилишни уюштириш зарурлиги тўғрисида гапирган эди.

Ахлоқий хатти-ҳаракатларни машқ қилиш – бу турли вариантлардаги хатти-ҳаракатларни аслида бир-бирига ўхшаш вазиятларда уюшган ва муайян мақсадни кўзлаган ҳолда такрорлашдир. Фақат ана шундай қилингандагина хатти-ҳаракатларнинг барқарор ва айна вақтда умумлашган шакллари таркиб топади. Сунъий машқлар эмас, балки ўқувчи ҳаёти ва фаолиятининг табиий шароитлари назарда тутилади, албатта.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб, тарбиянинг янги омили – ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Ўқувчилар ўзларидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган шахс ҳислатларини таркиб топтириш соҳасида хулқ-атвордаги

камчиликларга салбий ҳислат ва сифатларга барҳам бериш соҳасида онгли равишда мунтазам ишлаш бошлайдилар. Одам юксак даражада ўз-ўзини идора қилувчи, ўз-ўзини камол топтирувчи бирдан-бир системадир, - деган эди **И.П.Павлов**.

Агар ўз-ўзини тарбиялашга бўлган интилишни катталар, жамоа етарли даражада бошқариб ва ташкил қилиб турмасалар, унда ўқувчи ўз-ўзини тарбиялаш мазмунида (нимани тарбиялашда) ҳамда унинг шаклида (қандай тарбиялашда) жиддий хатолар қилиши мумкин.

Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашига раҳбарлик қилишда 4 та вазифани кўзда тутиши керак.

**Биринчи вазифа** – ўқувчида ўзида шахснинг ижобий ҳислатларини тараққий эттиришга ва ўз ҳулқ-атворидаги ёмон томонлардан халос бўлишга интилиш истагини уяғотин.

**Иккинчи вазифа** – ўқувчида ўз шахсига танқидий муносабатда бўлишда, ўз ҳулқ-атворидаги хусусиятларни диққат билан ва одилона тунгуниб олинишда, ўз камчиликларини яққол кўришда, ўз нуқсонларини фахрлаб олишда ёрдамлашни вазифаси келиб чиқади.

**Учинчи вазифа** – ўқитувчи тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш дастурини тузишда, шахс ҳулқ-атвори ҳислатларининг қайси хусусиятларини (масалан, ўзини ушлаш билиш, қатъийлик ва шў сингариларни) тараққий эттириш, қайсыларга (масалан, ўжарлик, ялқовлик, кўполликка) барҳам бериш кераклигини белгилаб, қал қилиб олишда ўқувчида ёрдам берадилар. Худди шу ерда шахс сифатларини тўғри ва объектив баҳолашда, уларни келтириб чиқиш сабаблари ҳамда мазмуни жиҳатдан баҳолашда ҳам ўқувчиларга кўмаклашни мумкин.

Нихоят, турмушчи вазифа — Уқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг оқилона йўллари ни кўрсатиб берадилар, ўқувчини шахсниги ижобий хислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барҳам беришга оид энг мақсадда мувофиқ ва самарали йўллари ни кўрсатадилар.

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга ва машққа деган эди улуғ олим **Арасту**. Ана шу ғояларга асосланган ҳолда тарбиячилар куйидагиларга амал қилишлари лозимдир:

- тарбияда улғаяётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир талаба, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқий ва эркинлигининг эътиборга тутилиши:

- миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш, жаҳон маданиятининг илғор таҷрибаларига асосланиш;

- талабалар фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш,

кизиқарли, тўлақонли талабалар ёш жиҳатларига мос ҳаёт иклимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий фойдали, ижтимоий кўнгилочар ва шунга ўхшаш тадбирлар ташкил этиш лозимки, натижада талабалар ўзлари хоҳлаган ишга қўл урсинлар, муваффақият хиссини тушуниб ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқан барқарор бўлсин.

Демак, педагог жамият ҳаётида етакчи ўрин тутувчи, мураккаб шахс структурасига эга бўлган инсоннинг касбий қиёфасидир. Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларнинг заминиде унинг меҳнатини натижалари ётади. Педагогларнинг педагогик, психологик тайёргарлиги ва билимлар интеграцияси, муомала маданияти, психологик вазиятларни эътиборга олиш қабилар кучли бўлиши керак. Юксак савияли, зўр маҳоратли тарбиячиларгина халқ орзусидаги баркамол инсонни тарбиялайди. Илм инсонни юксаклик сари олиб боради. **А. Авлоний** айтганларидек: "Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, порлок келажаги, раҳбари, нажотига айланган". Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас фазилатдир. Шунинг учун аввалам бор илмли, тарбияли бўлмоқ ҳар бир ёш инсоннинг бурчи.

Шу мақсадда кўнглида энг олий орзуларни жамлаб, педагог тер тўкиб ишлайди. Уларнинг меҳнатини ҳурмат қилиб, берган билимларни эгалламоқ керак.

## Бехбудий айтганларидек

"Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир".

**Ибн Сино** таъкидлаганидек: "Кимга қандай панду насиҳат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил". Педагогнинг педагогик фаолиятининг самарага эга бўлмоғи учун кўп жиҳатдан шахс хусусиятларининг шаклланганлиги, шахс йўналишини аниқланганлигини ва касбий маҳоратнинг таркиб топганлиги билан характерланади.

Бугунги кунда ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитнинг мураккаб тус олиши ёки таълим тизимига нисбатан янги талабларнинг юзага келиши педагогларнинг ўз фаолиятларини тубдан ўзгартиришга ҳамда изчил, ақл-заковатни ишга солган ҳолда иш тутишни тақозо этмоқда. Бу бир томондан давр талаби эканини, иккинчи томондан шарт-шароитга нисбатан туб бурилиш ҳосил қилиш ёки шахс фаолиятини йўналтиришда янгича муносабатда иш тутиш талаб этилади. Чунки мамлакат равнақини таъминлашда касбий таълим тизимида ижобий ўзгаришларнинг киритилиши педагогик ходимларнинг психологиясида бурилиш ясашлик билан белгиланади. Педагогнинг талабани ички дунёсини тушуниш бошқа одамлар билан алоқа ўрнатиш, талабага фаол таъсир ўтказиш, ҳамма билан тил топишиб кетиш, вазминлик, одамларни ишонтириш қобилияти, босиқлик ва ўзини тута билиш, талабчанлик, қатъийлик, ғайратлилик, чидамлилик, раҳбарлик ва ташкилотчилик, ўзи ва бошқаларнинг хулқини бошқариш, мустақил ва ижодий фикрлаши муҳимдир. Кўп ҳолларда талабалар шахсини ривожлантиришда аниқ бир мезон ўлчовини белгилаб олмайдилар. Шу сабабли ҳам педагог талабаларга касбий маҳоратини таркиб топишда қийналадилар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам фаолият йўналишини акс эттирувчи мезон бўлиши керакдир. Бу мезон педагог фаолиятини доимо ўз-ўзини назорат қилиш имкониятини тўлдиради ва унинг самарадорлигини таъминлайди.

Педагог шахсий хусусиятларидан ташқари чуқур илмий савияга, сўзлаш маданиятига, юксак одоб ахлоқли бўлиши керак.

Бундан ташқари, педагог ўзининг ташқи кўринишига ҳам эътибор бериши керак, тоза-озода, ихчам кийиниши керак. Бундан ташқари олий маълумотли, чуқур билим эгаси ўзининг фанини пухта биладиган, юрт равнақи учун жонини фидо қилишга тайёр, ўз шоғирдларидан билими, малакасини аямайдиган, талабаларга азиз, дўст, сирдош, мактаб, коллежнинг фидокор ходими бўлмоғи лозимдир.

## 9.7. Шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш муаммоси

Ўсмирлик даври билан боғлиқ бўлган, ёрқин, жиҳатлардан бири - бу ўз-ўзини тарбиялашга бўлган кучли интилишдир. Ўз-ўзини тарбиялашнинг фаол кечиши айнан шу ёшдан бошланиб, одатда у ёки бу шаклда инсоннинг бутун умри бўйи давом этади. Ўсмирлик даврида ўз-ўзини тарбиялаш ҳақида гап кетганда, шуни назарда тутиш лозимки, бола 12-13 ёшга етгандан сўнг биринчи маротаба ўзининг ақлий шахсий қобилиятларининг имконияти ҳақида ўйлаб қолади ва буларни ривожлантириш учун онгли равишда мақсад сари интилади.

Ўз-ўзини тарбиялаш маълум бир аниқ ривожланиш йўлини босиб ўтади. Агар уни асосий ёш поғоналари бўйича қамраб оладиган бўлсак, инсон онтогенезидаги ривожланиш қуйидагича намоён бўлади:

Биринчи босқич- ўз-ўзини жисмоний ва иродавий тарбиялашдир. Бу ўсмирлик даврига тўғри келади. Инсоннинг бу даврга хос бўлган мақсади ирода ва жисмоний имкониятларни ривожлантириш бўлиб, жасурлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, матонат, ўз-ўзига ишонч каби иродавий сифатларни махсус восита ва машқлар орқали тарбиялашдан иборатдир. Бу ҳолат жисмоний ривожланишга ҳам таълуқли бўлиб, шу сабабли кўпгина болалар бу ёшда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни бошлайди.

Иккинчи босқич- ўзини хулқий-ахлоқий ривожлантириш бўлиб, илк ўспиринлик даврига тўғри келади. Бу даврда ўз-ўзини тарбиялашнинг кўпроқ учрайдиган мақсадлари - руҳий, маънавий ривожланиш, шахснинг тўғрилиқ, яхшилик, саҳийлик, дўстга содиқлик, садоқат, мурувват каби олийжаноб сифатларни ўзида мужассамлашга интилиши кузатилади.

Учинчи поғона касбий ўз-ўзини тарбиялаш ўспиринлик даврига тўғри келади. Инсон ҳаётининг бу даврини ишга бўлган иштиёқни ўстириш деб қараш мумкин, унда кишининг касбий зарур бўлган комплекс сифатларни ривожлантириш, қобилият, малака, кўникма, танлаган касби бўйича маҳорат билан ишлаш учун зарур бўлган ҳислатлари шаклланади. Ўз-ўзини касбий ривожлантириш мақсади бу даврда бошланиб, кўпгина кишиларда мустаҳкамланиб боради ва унинг ҳаёти давомида асосий мақсадлардан бири бўлиб қолади.

Тўртинчи босқич - ижтимоий-дунёвий қарашларда ўз-ўзини тарбиялашдир. Бу инсон ҳаётининг 40-45 ёшидан кейинги даври ҳисобланади. Бу ерда ўз-ўзини ривожлантириш вазифаси ижтимоий ҳолат, дунёқараш, ҳаётга маълум назар билан қараш ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда бешинчи поғона ҳам учраб туради, бунда ўз-ўзини актуаллаштириш масаласи қўйилади ва ҳал этилади.

Беш босқичдан иккитаси инсонни ўз-ўзини тарбиялашдаги ривожланиши ўсмирлик ва ёшликнинг илк даврига тўғри келади. Бу даврларда ўз-ўзини тарбиялаш инсон характерини белгилаб беради.

Ўсмир ва ўспиринларга уларнинг жисмоний, руҳий ва ахлоқий ўз-ўзини тарбиялашида қандай қўмаклашиш мумкин? Бу саволга қуйидагича жавоб берса бўлади: Биринчидан, ўз-ўзини тарбиялашнинг биринчи



белгилари пайдо бўлиши билан уларнинг интилишларини фаол қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, албатта, ўсмирга жисмоний ўз-ўзини тарбиялашда катта ёрдам беради. Болалар учун айниқса, спортнинг ўйин тарикасида ўтказиладиган турлари фойдали, шунингдек, енгил атлетика, сузиш, комплекс жисмоний тарбия машқлари организмни ҳар тарафлама ва баркамол ривожланшига ёрдам беради. Бундай машқлар жараёнида шахснинг ирода кучи ҳам тарбияланади.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғуллана бориш, албатта шу соҳада юқори чўққини забт этишни мақсад қилиб олиш дегани эмас. Асосийси улар болага қувонч келтириши, соғлиғини мустаҳкамлашига ёрдам беришидир. Айниқса, бу жисмонан нимжон болалар учун фойдали бўлиб, бундай ўсмирлар билан ота-оналар, ўқитувчилар ёки бирор катта одам шуғулланса самаралироқ бўлади. Бу нарсалар албатта келгусида малакали мутахассис – тренер раҳбарлиги остида спорт билан шуғулланиш имкониятини йўққа чиқармайди, у ҳолатда тарбия вазифаси ўзгача тус олади, оддий жисмоний ёки иродавий ўз-ўзини тарбиялаш, ривожлантиришдан фарқ қилиб, унинг чегара доирасидан ошади.

Шахс камол топишида ўсмирларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши яхши мактаб ролини ўтайди. Ҳолбуки бу восита ягона эмас, у ҳар доим ҳам ҳар томонлама ирода кучини ўстиришни таъминлаб бера олмайди. Жисмоний тарбия натижасида олинган маълум ирода кучи интеллектуал ва бошқа турдаги фаолиятларда ҳар доим ҳам ўзини намоён қила олмайди. Айниқса, ҳаётнинг ахлоқий томонларида автоматик тарзда иродани кўрсата олмайди. Бунда куйидаги қоида амал қилади: шахс ирода кучини биринчи навбатда улар тўғридан-тўғри мулоқот қиладиган ва амалиётда кўринадиган фаолиятларда чиниктириб бориши зарур.

Манфаатдор, эзгу ниятли ва ақл-идрокли катталарнинг ўсмирлардаги ўз-ўзини тарбиялашда иштироки одатда уларга ўз кучига ишонишга, шу ёшдаги ўсмирлар характериға хос бўлган комплекслар ва кризис ҳолатларини бартараф этишга катта ёрдам беради. Ўсмирлар ва ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялашда катталарни намуна кўрсатиши катта рол ўйнайди. Бу ёшдаги инсонлар кўпинча катталарға тақлид қилади, катталарнинг, ўзидан юқори ёшдаги болаларнинг ва обрўли одамларининг яхши сифатларини ўзида жам қилишга интилади.

Юқори синф ўқувчилари хулқ-атворий ўз-ўзини ривожлантириш муаммлари балан тўқнашганда, ўз-ўзини тарбиялаш билан боғлиқ мураккаб психологик-педагогик вазият вужудға келади. Бу жараёнда улар кўпдан-кўп муаммолар ва зиддиятлар билан тўқнашишларига тўғри келади. Булардан бири бу ёшдаги болаларнинг романтикаға ва саргузаштларға интилишидир. Ҳозирги замон шароитида бундай интилиш кўпинча ҳаётнинг иқтисодий омилилари сабабли пайдо бўлган прагматик йўналиш билан тўқнаш келади.

Агар романтик идеал шахсдан зоҳидлик ва камтарликни талаб қилса, прагматик дунёқараш, аксинча, моддий тўқин-сочинликка ва мол-дунёға интилишға олиб келади. Романтик йўналганлик ёлғизликка интилишни қайд

этса, прагматик йўналганлик фаол мулоқотни назарда тутди. Биринчисига такдирга тан бериш, бўйсунуш хос бўлса, иккинчисига курашиш хосдир. Романтик дунёқараш реал ҳаётда соф ахлоқий хулқий томондан дуч келиши мумкин бўлган зиддиятларни давом эттириши мумкин. Ўз-ўзини тарбиялашда ўспиринлар учун асосий қийинчилик бу иккала йўналишнинг биридан воз кечиб иккинчисини танлаш. Аммо бу иккисини бирлаштириш мумкинми, агар мумкин бўлса, қандай қилиб?

Ўспиринлик давридаги болалар билан тарбиячининг биринчи галдаги вазифаси шундан иборатки, уларга ҳақиқий ҳаётда романтик ва прагматик йўналишлар ва бойликлар ўзаро уйғунликда кечишини, бирининг фойдаси учун бошқасидан буткул воз кечиши шарт эмаслигини, романтика ва прагматикани юқори руҳий ва иқтисодий инсоний бойликлар сифатида бирлаштириш, уйғунлаштириш мумкинлигини тушунтириши лозим. Масалан, етарли даражада прагматик, киришувчан, ишбилармон ва ҳисоб-китобли инсон бўлиш билан бирга хулқ-атвор бобида тўғри, яхшилик қилувчи, инсонларга, шу билан бирга ўз рақобатдошларига ҳам ҳамдард бўлиши мумкин. Бизнес тарихи кўрсатишича, бундай сифатлар ҳақиқатдан ҳам энг яхши ишбилармонларга хосдир.

Ҳозирги замон ўспиринларини бундай тарбиялаш учун романтик, қахрамонлик, саргузашт сингари йўналишдаги адабиётлар билан бир қаторда ишбилармонлик ҳақидаги адабиётлар, айниқса, бу соҳада таниқли буюк инсонлар ҳаёти ёритилган асарлар билан таништириш лозим. Прагматик томонга йўналган ўспиринларга намунали хулқий ва романтик томонлари ёритилган ва аксинча, романтиклар фойдали ишбилармонлик тарафлари акс этган адабиётлар билан кўпроқ танишишлари лозим.

Хулқ-атвор ва одатни шакллантириш - маълумки, одам онгининг юксак белгиларидан бири - унинг ўзини англашидир. Одамнинг ўзини англаши ўз навбатида шахснинг муҳим белгиси ҳисобланади. Одам ўз тевақат-атрофидаги оламни билувчи ва шу оламга таъсир этувчи субъектдир. Одамнинг идрок этадиган, тасаввур қиладиган нарсалари унинг учун объектдир. Ана шу нуқтаи-назардан олганда, одамнинг ўзини англаши субъектив равишда ўзини “мен” деб ҳис қилишида ифодаланади.

Одам ижтимоий зот бўлганлигидан унга ўзлигини англаш қобилияти хосдир. Фақат ижтимоий ҳаётда, ўзга кишилар билан қиладиган ҳар турли муносабатларда одамнинг ўзини англаши, ўзини «мен» деб билиши вужудга келади ва таракқий этади. Одам ўзини алоҳида шахс сифатида ким деб билиши, ўзининг ўтмиши ва келажагини англаши, ўз ҳуқуқ ва бурчини англаши ва ниҳоят ўзининг фазилат ҳамда камчиликларини англаши ўзини англашига қиради.

Инсоннинг табиатини ўзгартирадиган, унинг шахсини таркиб топишига таъсир қиладиган куч ижтимоий омиллар ёки бошқача қилиб айтганда, жамият ишлаб чиқариш кучлари ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиши ва ўзгаришидир. Бундан ташқари яна инсон шахсининг таркиб топишига таъсир қилувчи кучли омил - инсон орттирган тажрибаларининг тарбия воситаси орқали болаларга берилишидир. Шундай қилиб, инсон

шахси жуда мураккаб психологик категория бўлиб, у кишининг индивидуал ҳаёти давомида маълум қонкрет омилларнинг таъсири остида секин-аста таркиб топади. Илмий манбаларга қараганда инсон шахси учта факторлар таъсирида таркиб топади. Улардан биринчиси, одам туғилиб ўсадиган ташки ижтимоий муҳитнинг таъсири бўлса, иккинчиси, одамга узоқ муддат давомида системали равишда бериладиган ижтимоий таълим-тарбиянинг таъсиридир ва ниҳоят, учинчиси одамга наслий йўл билан бериладиган ирсий омилларнинг таъсиридир.

Инсоннинг психик тараккиётида ва шахсий сифатларининг таркиб топишида ташки, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг роли ҳал етувчи аҳамиятга эгадир. Лекин, инсон шахсининг таркиб топиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, фақат шу иккита факторга эмас, балки учинчи бир факторга ҳам боғлиқдир. Бу фактор наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятларнинг таъсиридир. Масалан: танасининг тузилиши, сочи ва кўзларининг ранги, овози, гапириш услублари, айрим ҳаракатлари туғма равишда берилиши мумкин. Лекин, шуни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керакки, одамга ҳеч вақт унинг психик хусусиятлари, яъни унинг ақлий томонлари билан боғлиқ бўлган сифатлари наслий йўл билан берилмайди. Ниҳоят, нодир ҳолларда айрим қобилиятлар, масалан, мусиқа, математика қобилиятларда наслий йўл билан берилиши мумкин. Бундай имкониятларнинг амалга оширилиши, яъни рўёбга чиқиши учун албатта, маълум шароит бўлиши керак.

Ҳозирги кунда халқимиз орасидан етишиб чиққан истеъдодли олимлар, муҳандис-иҳтирочилар, ёзувчи ва шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, истеъдодли артистлар, рассомлар ва бошқа кишиларимизга наслий йўл билан берилган барча имкониятларнинг рўёбга чиқиши учун ҳар қандай шароит майдонга келганлигини далили бўла олади.

Шахсининг барча хусусиятлари, муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатлари шахсининг ҳаёти фаолиятида маълум ролни бажарувчи ва ҳар бири мураккаб қурилмадан иборат бўлган ҳамда шартли равишда тўртта ўзаро мустаҳкам боғланган функционал босқичларга бирлаштирилади:

**Биринчиси - бошқарув тизими**

**Иккинчиси - стимуллаштириш тизими**

**Учинчиси - стабилизациялаш тизим**

**Тўртинчиси - индикациялаш тизими**

Шахснинг ана шу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча сифатлари ижтимоий тараққиётнинг юксак онгли фаолиятчиси сифатидаги шахснинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини белгилайди.

**Биринчи** тизимнинг ҳосил бўлишида анализаторлар ўртасидаги доимий табиий алоқани акс эттирувчи филогенетик механизмлар катта рол ўйнайди. Бироқ, бу илгари юқорида таъкидлаб ўтганимиздек онтогенез жараёнида филогенетик анализаторлар ўртасидаги алоқа вақтли алоқалар билан органик жиҳатдан қўшилиб келадилар. Бунда мазкур тизимнинг ичида перцептив тизимга ўтиб кетадиган юксак даражада интеграцияланган маълум ички сенсор комплексларни ҳосил қилади. Бундай комплекслар қаторига нутқ, эшитиш, кўриш ҳамда сенсомотор комплексларни киритиш мумкин. Мана шу комплексларнинг ҳаммаси одамнинг ҳаёт-фаолияти жараёнида ўзаро бир-бири билан доимий алоқага киришиб, сенсор-перцептив уюштиришнинг ягона функционал динамик тизимини яратади. Инсоннинг сенсор-перцептив жиҳатлари доимо такомиллашиб боради.

**Иккинчи тизим** барқарор психик ҳолатларни ўз ичига олади. Бу ҳолатлар боланинг аниқ мақсадни кўзловчи ва фойдали фаолиятнинг онгли субъекти сифатида бошлаган ҳаракатларининг дастлабки йилларидаёқ шакллана бошлайди. Темперамент, интеллект, билим ва муносабат ана шундай хусусиятлар жумласига киради.

**Учинчи тизим** - шахсни арбоб сифатида стабилизация тизимидир. Йўналтирилганлик, қобилият, мустақиллик ва характер унинг таркибий қисмини ташкил этади.

**Йўналтирилганлик** - шахснинг интеграл ва генерализация қилинган хусусиятидир.

Йўналтирилганлик билим, муносабатларнинг ҳамда шахснинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларида ижтимоий аҳамият етакчилик қилган мотивларнинг бир бутун эканлигида ўз ифодасини топади. Бу хусусият одамнинг дунёқараши, қизиқишлари ва маънавий эҳтиёжларида намоён бўлади.

Йўналтирилганлик структурасида ғоявий эътиқод катта рол ўйнайди. Ғоявий эътиқод - бу билимнинг, ўша шахсга хос бўлган интеллектуал, эмоционал ва ирода сифатларининг синтези, ғоялар ва хатти-ҳаракатлар бир бутунлигининг негизидир.

**Тўртинчи тизим** ўз ичига шундай хусусиятлар, муносабатлар ва хатти-ҳаракатларни оладики, уларда реал шахсларнинг ижтимоий «ўй фикрлари ва ҳис-туйғулари» акс эттирилади. Улар бу шахсларнинг сиёсий жиҳатдан онгли, ижтимоий тараққиётнинг масъул арбоблари сифатида хулқ-атворини белгилаб беради. Бунга гуманизм, оптимизм ва меҳнатсеварлик фазилатлари киради.

Шахс шаклланишида у яшаётган муҳит, кишилар, жамиятнинг роли жуда каттадир. Масалан, бирон маҳаллада инсон шахсининг таркиб топишига фаол таъсир кўрсатувчи юзта ўзига хос ижтимоий муҳит бор деган маънони билдиради. Бу ерда шундай бир савол туғилади: **«Ташқи муҳит инсон шахсининг таркиб топишига қандай таъсир қилади?»**

*Биринчидан*, ижтимоий муҳитдаги турли ҳодисалар одамнинг онгига бевосита таъсир қилиб, унда чуқур из қолдиради.

*Иккинчидан*, ташқи ижтимоий муҳит таъсирининг чуқурроқ ва мустаҳкамроқ бўлишига одамнинг ўзи ёрдам беради. Маълумки, болалар ўз табиатларига кўра, илк ёшлик чоғларидан бошлаб, ниҳоят даражада тақлидчан бўладилар. Болалар катта одамларнинг барча хатти-ҳаракатларига бевосита тақлид қилиш орқали бу хатти-ҳаракатларни, яхши-ёмон фазилатларни ўзларига сингдириб борадилар. Болалар оилада, кўча - кўйда, катта одамларнинг ҳар бир ҳаракатларини, ўзаро муносабатларини зимдан кузатиб турадилар.

Инсон шахсининг таркиб топишида ташқи ижтимоий муҳитнинг роли ҳақида гап борар экан, шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, айрим ғайри табиий ҳодисалар инсон шахсининг таркиб топишида ташқи муҳит таъсирининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини тўла тасдиқлайди. Биз айрим тасодифий ҳолларда одам болаларининг ёввойи ҳайвонлар муҳитига тушиб қолиш ҳодисасини назарда тутаяпмиз. Ҳаётда бундай ҳодисалар жуда сийрак бўлса ҳам ҳар ҳолда учраб туради. Масалан, Ҳиндистонлик доктор *Синг Калькутта* яқинидаги ўрмонзорда бўри болалари билан бирга иккита одам боласининг ҳам тўрт оёқлаб югуриб юрганни кўриб қолади. Кейин уларни пойлаб, қароргоҳларини топиб, болаларни олиб кетади. Улардан бирига *Амала*, иккинчисига *Камала* деб ном қўяди. Шу нарса характерлики, болалар ёшлиқдан бўрилар муҳитига тушиб қолганликлари туфайли, феъл-атворлари, хатти-ҳаракатлари жихатидан бўрилардан фарқ қилмас эдилар. Нутқ йўқ, демак тафаккур ҳам ниҳоят даражада чекланган эди. Жуда катта қийинчиликлар билан қайта тарбияланилаётган бўри муҳитидаги болалар шамоллаш натижасида ўлиб қоладилар. Бу ҳодиса одамнинг шахс сифатида ривожланиши учун энг аввал инсоний муҳит, яъни ижтимоий муҳит бўлиши кераклигини тўла тасдиқлайди. Шахс ва унинг психологиясига таъсир этувчи иккинчи омил таълим- тарбиянинг таъсиридир. Маълумки, таълим-тарбия инсон онгини шакллантиради, унинг дунёқарashi, эътиқоди, ҳаётга бўлган муносабатини таркиб топтиради. Агар болаларнинг руҳий тараққиётлари ва шахсий хусусиятларининг таркиб топиши фақат ташқи ижтимоий муҳит билан, таълим-тарбиянинг ўзигагина боғлиқ бўлганда эди, ундай пайтда биз бир хилда сунъий ва айнан бир хил таълим-тарбия системасини ташкил қилиб, ҳар томондан баб-баравар тараққий этган ва деярли бир хил шахсий хусусиятларга эга шахсларни етиштириб чиқарар эдик. Ваҳоланки, бундай бўлиши мумкин эмас. Шунинг айтиб ўтиш керакки, бола шахсининг таркиб топишига таълим-тарбиянинг таъсири деганда, албатта, биринчи навбатда тарбия муассасаларида, яъни боғча, мактаб, интернат, лицей ва коллежларда бериладиган таълим-тарбия тушунилади. Бироқ, бундан оилада болага бериладиган таълим-тарбия мутлақо мустақилоқ эмас. Оиладаги умумий ижтимоий муҳитдан ташқари, оилада бериладиган таълим-тарбиянинг ҳам роли каттадир. Бола тарбияси билан системали

шуғулланадиган ва умуман шуғулланмайдиган оилаларга мисоллар келтириш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган иккита омилдан ташқари учинчи омил ҳам мавжудки - бу наслий хусусиятлардир. Одамга *нималар наслий берилади?* Одамга наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятлари берилади. Масалан, тана тузилиши, сочи ва кўзларининг ранги, овози, гапириш услублари, айрим ҳаракатлари туғма берилиши мумкин. Лекин шунинг ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керакки, одамга ҳеч вақт унинг психик хусусиятлари, яъни унинг ақлий томонлари билан боғлиқ бўлган сифатлари наслий йўл билан, яъни туғма равишда берилмайди. Ниҳоятда нодир ҳолларда айрим қобилиятлар, масалан, мусиқа, математик қобилиятлар наслий йўл билан берилиши мумкин.

Одамнинг руҳий тараққиёти ва шахсий хусусиятларининг таркиб топиши ҳақида гапирар эканмиз, яна бир муҳим нарса устида тўхтаб ўтиш керак. Ҳозирги кунда тез-тез *акселерация* терминини ишлатаёпмиз. *Хўш акселерация бу нима?* Акселерация - «тезлатиш» деган маънони англатади. Ҳозирги кунда болаларни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан жуда жадаллик билан ривожланаётганликларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. *Хўш, бунинг сабаби нима бўлиши мумкин?* Албатта, бунга турли фикрлар бор. Айрим олимлар акселерациянинг сабабини илмий-техника тараққиёти билан боғлаб тушунтиришга интилмоқдалар. Уларнинг фикрича, илмий-техниканинг жуда жадал темп билан ривожланиши инсониятнинг олдига мислсиз кўп ахборотларни идрок қилиш ва фикрда қайта ишлаш талабларини кўяди. Бу талаб ўз навбатида инсонни ҳар томонлама, яъни ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан тез ривожланишига олиб келди. Юқорида айтиб ўтилган олимларнинг фикрича, акселерация - бу XX асрнинг иккинчи ярмига хос бўлган ҳодисадир.

Тарбияли бўлиш - бу хулқ-атворини назорат қилишдан иборатдир. Бундай назорат инсонга ёмон хатти-ҳаракатларни бажармаслик имкониятини беради. Агар шахс хулқ-атворини ахлоқийлиги ҳақида қайғурса, у ижтимоийлашувга эришган бўлади.

Тарбияланганлик ижтимоийлашувни ўрганиш жараёни сифатида қараладиган ёш психологиясида олинган натижаларга асосланади. Бола ўзини эгоцентрик эмас, балки тарбияли тутиши учун тарбияланганлик қандай рағбатлантирилиши керак? Тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий жиҳатдан ижобий эҳтиёжларни ҳосил қилишидир. Агар таълим шахснинг онгини шакллантириш бўлса, тарбия унинг онгсизлик соҳасига таъсир этишдир. Болаларга уларни тарбиялайдиганларга ҳиссий яқинлик хос. Одатда 6 ойлик болалар унга ғамхўрлик қиладиган ота-онасига боғланиб қоладилар. Ота-онанинг олдида, улар билан мулоқотда бўлиш болаларга жуда ёқди, уларнинг йўқлиги болага ёқмайди. Ота-онанинг ғамхўрлигини билдирадиган сўзлар, хатти-ҳаракатлар бола учун жуда катта аҳамиятга эга, уни эркаламаслик, суймаслик салбий аҳамиятга эга бўлади. Хулқ-атворнинг дастлабки ижтимоийлашуви худди шу ўрганиш жараёни орқали содир

бўлиши мумкин: хулқ-атворнинг исталган шакллари ғамхўрлик ва эътибор билан тақдирланади, кутилмаган шакллари эса қўллаб-қувватланмайди. Лекин, яхши хулқ-атворни рағбатлантириш ва ёмон хулқ-атвор учун жазолаш ахлоқий ижтимоийлашувнинг кичик бир қисмидир. Биз кўриб чиққан хулқ-атвор ҳамма болаларга ҳам тааллуқли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил жамиятнинг бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш; жамият бойлигини сақлаш ва қўпайтириш йўлида ҳар бир кишининг тинмай ғамхўрлик қилиши, ижтимоий бurchни яхши англаш; жамият ҳаётида ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий софдиллик, одамийлик ва камгарлик, миллий ва ирқий адоватларга асло йўл қўймаслик ва шу қабилар тарбия жараёнининг муҳим ҳислатларидир.

### **Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:**

- 1.Тарбия тушунчасини қандай таърифлаш мумкин.?
- 2.Тарбия воситалари деганда нима тушунасиз ва уларга мисол келтиринг.
- 3.Шахс шаклланишида тарбиянинг ўрни қандай?
- 5.Ўз-ўзини тарбиялаш деганда нима тушунилади?
6. Ўз-ўзини тарбиялаш инсон онтогенезининг қайси давридан бошланади?

Таянч тушунчалар:

Шахс, гуруҳ, ахлоқ, тарбия, хулқ-атвор мотивлари, шахснинг йўналганлиги, эътикод, шахсий намуна, ўз-ўзини тарбиялаш.

### **Билимларни текшириш учун тест саволлари:**

**1. Қуйидаги жавоблардан қай бирида тарбия тушунчасига тўғри таъриф берилган?**

А)Тарбия - бу шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш мақсадида унинг маънавий, жисмоний камолотига мунтазам равишда таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Б) тарбиячи томонидан тарбияланувчида барқарор ахлоқий ҳислат ва хулқий фазилатларни таркиб топтириш, шакллантириш мақсадида тарбияланувчининг онгига аниқ мақсад йўлида тарбиявий таъсир этиш жараёнидир.

В) Боланинг ижтимоий муҳитда ўз ўрнини топишни ўрганишдан кейинги иккинчи инсоннинг ҳаётий кўникма ва малакага эга бўлишидир.

Г) кишиларни ижод қилишга, меҳнат билан шуғулланишга ундайдиган жараёндир.

Д) А,Б,В жавоблар тўғри.

**2.Ўқувчилар томонидан баъзи бир ахлоқий тушунчалар ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши ва уларнинг бола шахсига бўлган таъсири ким томонидан тадқиқ этилган?**

А) В.А.Крутецкий

Б) П.И.Размислов

- В) А.Л.Шнирман
- Г) А.С.Алякринская
- Д) В.И.Шардаков

**3. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омилларни белгиланг.**

1) Ташки ижтимоий муҳит; 2) таълим-тарбия; 3) Ирсият; 4) шахсий фаоллик.

- А) 1,2
- Б) 1,2,3,4
- В) 3,4
- Г) 1,2,3
- Д) 1,3

**4. «Тарбия уч насага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа». Ушбу фикр муаллифини аниқланг.**

- А) Арасту
- Б) Афлотун
- В) Гераклит
- Г) Демокрит
- Д) Спиноза

**5. Қуйидаги жавоблардан қай бирида тарбия услуби турлари тўғри таснифланган?**

- А) Тўғри ва айланма.
- Б) онгли ва англаб бўлмайдиган.
- В) таъсирчан ва бўйсундирувчи.
- Г) А ва В жавоблар.
- Д) Барча жавоблар тўғри.



### Вазиятли масала

5-синфда ўқийдиган Собир ўзи жуда яхши бола. У дарсни яхши ўзлаштиради, ўқитувчи берган вазифаларни ўз вақтида бажариб келишга интилади. Кўп гапирмайди, шовкин кўтармайди, табиатан ювош бола. Бир куни у дарсга кечикиброқ келди. Қўлида эса атиргул. Собир гулни ўқитувчига узатди. Ўқитувчи гулни олиб гулдонга солди ва Собирни жойига ўтириши мумкинлигини айтди. Дарс давом эта бошлади. Бирдан эшик очилиб, мактаб боғбони ўқитувчини чақирди. Боғбон ўқитувчига у ҳовлида ўстираётган гуллардан бирини бир бола узиб олиб, чопиб шу хонага кириб кетганини айтди ва шу болага нисбатан жазо қўлланилишини ўқитувчидан сўради.

Савол:

1. Бу вазиятда ўқитувчи қандай йўл тутиши лозим?
2. Тарбия усуллари ва воситаларидан қай бирини қўллаш бу жараёнда самаралироқ натижа беради деб ҳисоблайсиз?

## Х БОБ. ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

### Режа:

1. Педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари.
2. Педагог шахси ва унга кўйиладиган талаблар.
3. Педагогик қобилиятлар психологияси.
4. Педагогнинг индивидуал фаолият услуби.
5. Педагогнинг ўзини-ўзи бошқариш муаммоси.
6. Ўқув жамоасини бошқаришнинг психологик асослари.
7. Педагог ўз илмий, ўқув-услубий салоҳиятини оширишнинг психологик муаммолари.



### Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларни таълим жараёнида ўқитувчининг шахсига, касбий билимдонлигига кўйиладиган мезон ва талаблар билан таништириш, таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг ўрнини англатиш.

**Тарбиявий:** Педагогик фаолиятда, шахслараро муносабатлар жараёнидаги мулоқот кўникмаларини шакллантириш. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳорат, педагогик назокат каби сифатларини тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг педагогик фаолият субъекти бўлган ўқитувчи шахсига хос психологик хусусиятлар, таълим жараёнининг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги билимларини ривожлантириш.

### 10.1. Педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари

Педагогик фаолият ўқитувчининг ўқувчига уни шахс ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишига ёрдам берувчи таълимий ва тарбиявий таъсирини ўз ичига қамраб олади.

Педагогик фаолият ҳам инсон фаолиятининг бошқа жабҳалари каби тавсифланади. Бу энг аввало мақсадга йўналганлик, мотивлашганлик, предметлиқдир. **Н.В. Кузьмина** таърифиغا кўра, педагогик фаолиятнинг муҳим жиҳати – бу унинг маҳсулдорлигидир. Педагогик фаолият маҳсулдорлигининг 5 та даражаси ажратиб кўрсатилади:

I – (минимал) репродуктив: педагог ўзи билган нарсаларни бошқаларга етказиб бера олади;

II – (қуйи) мослашган: педагог ўз фикрларини аудиторияга ўзига хос жиҳатлари билан маълум қила олади.

III – (ўрта) локал моделлаштирилиш: ўқитувчи фаннинг маълум бир бўлими бўйича ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг стратегиясини эгаллайди.

IV – (юқори) ўқувчилар билимини системали моделлаштириш; ўқитувчи ўқувчиларда фан малакаларини шакллантиришнинг йўл-йўриқларини билади.



V – (энг юқори) моделлаштирилган тизимли фаолият ва ўқувчилар хулқ-атвори. Бунда педагог ўз фанини ўргатишдаги йўл-йўриқларни шундай эгаллайдики, натижада у ўқувчи эҳтиёжларида ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзига таълим бериш, ўз-ўзини ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Педагогик фаолият борасида сўз юритилганда юқори маҳсулдорлик тушунчаси асосий ўринни ифодалайди.

Педагогик фаолият бошқа фаолият турлари каби ўз мотивацияси, мақсади, предмети, воситалари, усуллари, маҳсули ва натижасини акс эттирувчи психологик мазмунни ифодалайди.

Педагогик фаолиятнинг предмети бўлиб, шахс ривожланишининг шарти ва асоси бўлмиш ижтимоий маданиятни сингдиришга қаратилган ўқув фаолиятининг манбаи ҳисобланади. Педагогик фаолиятнинг воситалари сифатида илмий (назарий ва эмпирик) билимларни кўриш мумкин. Ёрдамчи воситаларга эса техник, компьютер, график воситаларни киритиш мумкин.

## Педагогик фаолият предмети

шахс ривожланишининг шартли ва асосли бўлмиш ижтимоий маданиятни сингдиришга қаратилган ўқув фаолиятининг манбаи ҳисобланади

Педагог фаолиятидаги ижтимоий-маданий малакани етказиш бу тушунтириш, кўрсатиш (иллюстрация), дарслик машқларини таҳсил олувчилар билан бирга ишлаш, таҳсил олувчини бевосита амалиёти (лаборатория, амалдаги) ва тренингдан иборат. Педагогик фаолиятнинг маҳсули бўлиб ўқувчининг аксиологик, эмоционал-мазмуний, предметли, баҳолаш мезонларини ақс эттирувчи индивидуал малакасининг шаклланганлиги ҳисобланади. Педагогик фаолиятнинг натижаси асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг шахсий, интеллектуал ривожланиши, уларни ўқув фаолиятининг субъекти ва шахс сифатида шаклланиши ҳисобланади.

Педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бу мотивация ҳисобланади. Педагогик фаолиятда ҳам ўқув фаолиятдаги каби мотивацион соҳа ажратилиб кўрсатилади. Бу ташқи ва ички мотивлардир. Ташқи мотив сифатида бирор бир нарсага эришиш истагини, ички мотив сифатида эса ўз фаолиятининг жараёни ва натижасига эътибор беришни мисол қилиш мумкин.

Педагогик фаолият педагогик вазиятдаги турли туман хатти-ҳаракатларнинг умумлашмасидан иборат: перцептив, мнемик, коммуникатив, изланувчанлик, назорат қилиш, баҳолаш ва ҳ.к. Ушбу турли-туман фаолиятларнинг жамланмаси бир қанча психолого-педагогик функцияларни белгилаб беради.

**П.Ф.Каптерев** ўқитувчига хос бўлган объектив ва субъектив хусусиятларни кўрсатиб ўтади. Умумий кўринишда у қуйидагича ақс этади:

Ўзаро муносабат доирасида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги таъсирлашувнинг эмоционал даражасини тадқиқот предмети тарзида қўйилиши, хусусан, тарбиячилик фаолиятининг йўналишида кам учрайди. Бу муаммога оид ишлар жумласига **Абрамова Г.С., Бекназаров А.А., Бернс Р., Шуванов И.Б.** ва бошқаларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин. Айнан ушбу муаммога алоқадор ўзбек ўқитувчисига бағишланган илмий изланишлар ниҳоятда камчиликни ташкил этади. Бу соҳада **Бекназаров А.А., Исмаилова Ф.С., Ғозиев Э.Ғ.** ва бошқаларнинг ишларини намуна сифатида санаб ўтиш жоиз.



**Л.Я.Коломинский** ўз тадқиқотида ўқитувчининг ўқувчиларга муносабати сўзсиз муаллим меҳнати муваффақиятларида ҳал қилувчи рол ўйнашини таъкидлаган эди. Унинг фикрича, бу педагогик маҳоратнинг муҳим томони бўлиб, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабати кўп жиҳатдан айнан мана шу жараёнга боғлиқдир. Муаллифнинг кўрсатишича, ўзаро муносабатни ўқитувчи шахсининг фаоллиги ва жамоадаги таъсирлашув нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда ўрганиш ҳам мумкин экан.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда педагогнинг болаларга нисбатан муносабатидаги эмоционал-кадриятли ёндашуви унинг муносабат услубидаги мотивацион жиҳатлари, шунингдек, бир вақтнинг ўзида унинг ўқувчиларга бўлган муносабати жараёнида ҳулкига таъсир кўрсатувчи операционал жиҳат билан белгиланшини қайд қилиш мумкин.

Қатор тадқиқотларда эса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг педагогик муомаладаги турли хил



жиҳатларини баҳолаш ҳолати ҳам ўрганилган.

Ўқитувчига нисбатан ўсмирларнинг талаб ва умидлари чет эл психологлари томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, **А.Джержилднинг** изланишларига биноан болалар куйида қайд қилинган характерга эга бўлган ўқитувчиларни афзал ҳисоблар эканлар:

1) меҳрибон, қувноқ, жавобгарликни ҳис қилувчи, барқарор инсоний сифатли;

2) ҳақиқатгўй, батартиб, ҳалол, бошқаларни ҳурматловчи, ташкилотчилик сифатидаги;

3) бошқалар манфаатини ўйлайдиган, халқпарвар, синф ишларида ўқувчиларга эркинлик ҳуқуқини берувчи, қизиқувчан, иштиёқли ва ишчан;


4) Ёқимли овозли, умумий ёқимтойлик қиёфасидаги ўқитувчи.

**В.Кессел** тадқиқотларида ўқувчиларнинг ёш хусусиятига боғлиқ ҳолда ўқитувчиларнинг машҳурлик ва машҳур эмаслик мотивлари ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, ўқитувчининг машҳурлиги кўп жиҳатдан унинг материалларни кўргазмали, жонли ва муаммоли тарзда етказа олиш қобилиятига боғлиқ экан. **В.С.Абрамова, С.М.Иллюсизова, В.А.Кан-Калик** ва бошқалар “ўқитувчи-ўқувчи” муносабати бўйича тадқиқотлар ўтказганлар. Тадқиқот натижаларига кўра, ўқитувчининг мулоқотда дўст сифатида ўз ўрнини ўқувчиларнинг тенгдошлари ва уларнинг ота-оналарига берганлиги кўринди.

Кўпчилик психологлар, шу билан бирга ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур ҳислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Россия психологларидан **Н.В. Кузьмина, В. Сластенин, Ф.Н. Гоноволин**, Ўзбекистонлик психологлардан **Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, А. Жабборов, М. Капланова** ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида ҳам ўқитувчилик касби ва таълим жараёнига доир муаммолар кенг тадқиқ этилган. Бунда ўқитувчилик касбига мувофиқ яратилган профессиограммани кўриш мумкин.

Ўқитувчи профессиограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим. Бўлажак ўқитувчи у ёки бу хилдаги фан томонидан қандай талаблар қўйилишини билиш ва шу аснода ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун педагогик олий ўқув юртларида муайян мутахассислик бўйича ўқитувчи профессиограммаси ишлаб чиқиши зарурдир.

Психологик тадқиқот ишларини олиб борган **М.Абдуллажонова, Е.Гладкова, А.Машкуров, Т.Ҳамрокулов, Э.Хидиров** ва бошқаларнинг илмий изланишлари ўзбек мактабларида рус тили ва мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари каби қатор мутахассисликлар бўйича ўқитувчи профессиограммасининг тахминий моделини (намунасини) аниқлаб олиш имкониятини берди.



Профессиограммада муҳим ҳислатларнинг борган сари бирмунча ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг қуйидаги ҳислатлари кўрсатиб берилиши лозим:

1) **Ўқитувчининг шахсий ҳислатлари:**

- болаларни яхши кўриш, уларни севиш;
- ақл-фаросатлилиқ;
- меҳнатсеварлик;
- жамоат ишларида фаоллик;
- камтаринлик;
- одамийлик, дилкашлиқ;
- уддабуронлик;
- ўз билимини оширишга интилиш;

2) **Касбига хос билими:**

- таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши;
- психология асосларини, айниқса ёш психологияси ва педагогик психология асосларини билиши, этнопсихологик билимларни эгаллаши;
- ҳозирги замон педагогикаси асосларини билиши;

- ҳозирги замон педагогикасининг методологик асосларини эгаллаганлиги;

- мактаб ёшидаги болаларнинг психологик - педагогик хусусиятларини тушуниши;

- ўз фанини ўқитиш методикасини билиши;

- ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлигини билиши;

- ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмунини билиши;

### 3) Ўз касбига хос хислатлари:

- ўқитувчининг кузатувчанлиги;

- ўз диққат-эътиборини тақсимлай олиши;

- педагогик фантазия (ҳаёл)нинг ривожланиши;

- ўзига танқидий муносабатда бўлиши;

- ўзини қўлга ола билиши, ўзини тутта олиши;

- педагогик такт;

- нутқнинг эмоционал ифодаланиши;

### 4) Шахсий педагогик уддабуронлиги:

- дарс машғулотлари учун зарур материалларни танлай билиши;

- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиши;

- таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларнинг билими ўсишини истиқболли равишда режалаштира олиши;

- педагогик вазифаларни шакллантириш ва тарбиявий ишларни режалаштира олиш;

- болалар жамоасига раҳбарлик қилишда ўз фаолиятини режалаштиришни билиши;

- ўқув мақсадларини режалаштира олиши;

- ўзининг таълим-тарбия ишларига тайёрланиш тизимини режалаштира олиши;

### 5) Ташкилотчилик малакалари:

- болалар жамоасини уюштира билиши;

- турли шароитларда болалар жамоасини бошқара олиши;

- болаларни нималар биландир қизиқтириб, уларни фаоллаштира олиши;

- амалий масалаларни ҳал этишда ўзининг билим ва тажрибаларини усталик билан тез қўллай олиши;

### 6) Коммуникатив малакалари:

- болаларни ўзига жалб этишни билиши;

- болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиши;

- болаларнинг жамоалараро ва жамоа ичидаги ўзаро муносабатларини тартибга солишни билиши;

- болалар ва ота-оналар билан ташқаридан алоқа боғлашни билиши;

### 7) Гностик малакалари:

- болаларнинг асаб психик тараққиёти даражасини аниқлай билиши;



- Ўзининг тажрибаси ва педагогик фаолияти натижаларини танқидий таҳлил қила олиши;
- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларни ўрганиб, ундан (назарий ва амалий томондан) тўғри хулоса чиқара олиши;
- психологик-педагогик адабиётлардан фойдаланишни билиши;
- ўқувчиларни тўғри тушуниб, уларнинг хулқ-атвори сабабларини тушунтиришни билиши;

#### **8) Ижодий ҳислатлари:**

- педагогик маҳоратини такомиллаштиришга интилиши;
- ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошира олиш қобилияти;
- ўзини ўқувчи ўрнига қўйиб, бўлиб ўтган ҳодисаларга унинг назари билан қарай олиши;
- аввалги воқеалар, ҳодисалар ва тарбияланувчи шахсига янгича қарай олиш қобилияти;
- ўзининг ўқувчига педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра билишга интилиши.

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган моделнинг асосий тузилиши тарикасида қуйидагилар келтирилади:

- шахснинг жамоатчилик ва касбий йўналиши;
- педагогик маҳорат ва қобилияти;
- характерининг психологик хусусиятлари;
- билиш фаолияти;
- ўқитувчи шахсининг болаларни касбга тайёрлаш ишлари даражасидаги умумий тараққиёти.

Профессиограмма ёшларга ўзларининг келгусида ўқитувчилик касбини тўғри ва онгли равишда танлаб олишларига ёрдам беради.

Профессиограммани касбга хос равишда ўқитишни ташкил қилишда таълимнинг самардорлиги ва унинг муваффақияти қандай билим ва кўникмаларга, айниқса, шахснинг қандай қобилияти ва шахсий ҳислатларига боғлиқ эканлигини албатта кўрсатиш зарурдир.

Педагогик фаолият тезлиги ва муваффақияти асосида **Н.В.Кузьмина** ўқитувчиларни уч гуруҳга бўлади:

1. Касбий малакаларни тез ўзлаштиради, ўз фаолиятида тезда муваффақиятга эришади, дарс қолдирмайди.

2. Касбий сифатларни секин ўзлаштиради, баъзан дарс қолдиради, аммо педагогик хусусиятларни секин-аста бўлса-да ўзлаштириб олади.

3. Кўп йиллик фаолияти давомида ҳам ўқитувчилик қобилиятини эгалламайди.

Н.В.Кузьмина педагогик фаолиятга мураккаб динамик система сифатида қарайди.

**А.И.Щербakov** ишларида эса педагогик таълим муаммолари кўзга ташланади. Ўқитувчи шахси йўналганлигининг шаклланиши масаласида тўхталар экан, муаллиф ўқитувчиларни тайёрлаш ва ўқитиш жараёнида эътиборга олиш зарур бўлган вазиятлар хусусида ўз тавсияларини беради.

Айниқса, олим бўлажак ўқитувчи хулқ-атвор хусусиятларининг шаклланишига асосий эътиборни қаратади.

## 10.2. Педагог шахси ва унга қўйиладиган талаблар

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш авлодга таълим ва тарбия беришида жамият олдидаги жавобгарлиги янада ортиб бораверади.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаралишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги билан аниқланади.



"...Ўқитувчи – дейди Ал Форобий, - ақл-фаросатга, чиройлик нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур". У ўз фикрини давом эттириб: "Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва қўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройлик нутққа эга бўлиши, ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалаб беришни билмоғи лозим. Шу билан бирга ўз ор-номусини қадрлаши, адолатли бўлмоғи лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўккисига эришади", деб таъкидлайди.

### Абу Али ибн Синонинг фикрича

"...Ўқитувчи матонатли, соф виждонли, росттуй ва болани тарбиялаш методларини, ахлоқ қондаларини яхши билладиган одам бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчининг бутун ички ва ташқи дунёсини ўрганиб, унинг ақл қатламларига киролмоғи лозим.

Улуғ шоиримиз **Алишер Навоий** ҳам ўқитувчи меҳнатини ҳолисона баҳолаб: "Агар шогирд подшоликка эришса ҳам, унга (муаллимга) қуллук қилса арзийди",

"Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила,

Айламак эмас осон онинг ҳаққин юз ганж ила", – каби сатрлар битган.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи – синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайти, кўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаидан биридир. Кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам у ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Маълумки педагогик фаолият – киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир.

Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда ўз фаолиятида, теварак-атрсидаги кишилар, мактаб маъмурияти, ҳамкасблари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

Ўқитувчининг ўз ишидан ниманидир қутаётганлигининг ўзиёқ муҳим аҳамиятга эгадир, мана шу тарика кутишлар, гарчанд жамият томонидан ўқитувчига қўйиладиган талабларга мос келса-да, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Лекин бу талаблар ҳамма вақт ҳам бир бирига мос келмаслиги мумкин. Психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, халқ таълими бўлимлари ва мактаб директорлари ўқитувчининг айрим ҳислатлари нақадар муҳимлигини ҳар хил баҳолайдилар. Жумладан, халқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчидан биринчи навбатда ўз фанини яхши билишини ва дарс бериш методикасини мукамал ўзлаштиришини талаб қилсалар, мактаб директорлари ўқитувчига қўйиладиган бундай талабларни учинчи ўринга қўядилар. Шу билан бирга халқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчиларнинг ўқувчилар ва ота-оналар, мактаб жамоаси билан қандай мулоқотда бўлишни билишини нақадар аҳамиятга эга эканлигига унчалик эътибор бермайдилар. Мактаб директори эса, бундай ҳислатларни ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ичида биринчи ўринга қўядилар.

Бўлажак педагог шахсига бир қатор жиддий талаблар қўйилар экан, улар ичидан асосий, яъни уни қаноатлантирмасдан туриб, юқори малакали ўқитувчи ёки тарбиячи бўлиб етишиш мумкин бўлмаган ва иккинчи даражали, яъни педагог учун зарур бўлмаган, аммо уни шахс сифатида шаклланишига ва шахсга таълим-тарбия беришига ёрдам берувчи талабни ажратиш мумкин.

Бош, асосий талаблар сингари, иккинчи даражали талаблар ҳам педагогнинг фаолияти психологиясига ва мулоқотига, шунингдек, унинг қобилияти, билими, малака ва кўникмаси, маҳорати, болаларни тарбиялаш ва таълим бериш учун зарур бўлган сифатларга боғлиқдир. Асосийлари орасида ҳам, кўшимча психологик хоссалар ичида ҳам ўзгармас, яъни ҳар бир даврда, вақт ва халқларда доимо ўқитувчи ва тарбиячилар учун, малакали педагоглар учун зарур бўлган ҳамда ўзгарувчан, яъни муайян давр

ижтимоий-иқтисодий тараққиёти талабларидан келиб чиқадиган, жамият қарор топган шароитда яшайдиган ва педагог ишлайдиган муҳит талабларидир.

Педагогга қўйиладиган асосий, бош ва ўзгармас талаблар болаларга бўлган меҳр, педагогик фаолият, ўзи ишлайдиган соҳа бўйича махсус билим, кенг фикрлай олиш, педагогик интуиция, юқори савияда ривожланган тафаккурга, чуқур билимга, маданият ва яхши хулққа эга бўлиш, болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг турли услубларидан моҳирона фойдалана олишни билишдан иборат. Юқорида келтирилганларнинг бирортасисиз муваффақият билан педагогик иш олиб бориш мумкин эмас.

Бу ҳамма хоссалар тўғма қобилият эмас. Улар мунтазам меҳнат натижасида эгалланади. Шунингдек, педагогнинг ўз устида тинмай ишлаши туфайли бунёдга келади. Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг кўплиги сир эмас, аммо бу касбни юксак даражада, муваффақият билан адо этиш мушкул иш.

Педагог учун кўшимча, лекин нисбатан турғун талаблар қаторига киришувчанлик, артистлик, шодон хулқ, яхши дид-фаросат ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу хусусиятлар энг асосий ўринда турмаса-да, аммо ўқитувчи фаолияти учун катта ёрдам беради.

Бош ва иккиламчи педагогик хоссалар жамланиб, педагогнинг шахсиятини аниқлайди, шу жиҳатлар кучи билан ҳар бир ўқитувчи ажойиб ва ўзига хос шахс сифатида намоён бўлади.

Жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларига қаратилган.

Жамиятнинг ўқитувчилик касбига қўядиган асосий талаблари куйидагичадир:

- шахсни маънавий ва маърифий томондан тарбиялашнинг, миллий уйғониш мафқурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашни билиши, ўз Ватани, табиатга ва оиласига бўлган муҳаббати;

- кенг билим савиясига эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

- ёш педагогик-психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

- ўзи дарс берадиган фан бўйича мустаҳкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соҳасида жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

- таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;


- ўз ишига ижодий ёндошиши;

- болаларни билиши, унинг ички дунёсини тушуна олиши;

- педагогик техникани (мантик, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

- Ўқитувчининг ўз билим ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга энг юқори даражада мос келадиган бўлишга интилиши керак.



Ўқитувчига жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилдаги ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг, шу тариқа талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятга нақадар тайёрлигидан далолат беради. Жамиятнинг муайян тарихий даврида, белгиланган вақт ва белгиланган иш жойига хос бўлган педагогнинг асосий ва иккинчи даражали ўзгарувчан хусусиятлари ҳақидаги масалани хал қилиш бир мунча мураккабдир. Жамиятда рўй бераётган янги шарт-шароитлар, таълим ва тарбия соҳасида янги мақсад ва вазибаларни қўяди. Улар ўз навбатида ўқитувчи ва тарбиячи шахсига қўйиладиган талабларни белгилаб беради. Бу талабларни ўз вақтида ва аниқроқ аниқлаш учун қуйидагиларни бажариш лозим:

Жамият ривожланишининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий йўналишларини тўғри баҳолаш.

Жамият мунтазам ривожланиб бориши учун бу жамиятда инсон қандай сифатларга эга бўлиши керак эканлигини аниқлаб олиш.

Ўрта таълимни тамомлаган ҳозирги замон кишиси қандай ҳислатларга эга бўлиши, қандай камчиликлардан қутулиши кераклигини аниқлаш.

Ҳозирги замон педагоги қандай бўлиши лозимлиги, қандай қилиб жамиятга керакли шахсни шакллантира олишини аниқлаш.

Ўқувчини ҳозирги замон талабига жавоб берадиган, эркин фикрловчи шахс сифатида шакллантириш учун педагогнинг ўзи мустақил фикрловчи, юқори савиядаги билимли, дунёқарashi кенг бўлмоғи ва ўзида бу хусусиятларни мунтазам ривожлантириб бормоғи лозим.

Ота-оналар ўқитувчидан унинг иш стажии ва ёши қандай бўлишидан қатъий назар, фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиш маҳоратини кутадилар. Ўқувчилар эса ўқитувчиларни уч хил ҳислатлари бўйича характерлаб берадилар. Жумладан, биринчидан, ўқитувчининг одамгарчилиги, адолатлилиги, соф виждонлилиги, болаларни яхши кўриш ҳислатлари; иккинчидан, ўқитувчининг сезгирлиги, талабчанлиги билан боғлиқ ташқи ҳислатлари ва хулқ-атворига қараб; учинчидан, ўқитувчининг ўз фанини билиши, уни тушунтира билиши каби таълим жараёни билан боғлиқ ҳислатларига қараб характерлаб берадилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қўйиладиган талаблар билан бирга, ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган ижтимоий талаблар ҳам ўсиб бормокда.

Ўқитувчига жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилда ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг шу тариқа талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятга нақадар тайёрлигидан далолат беради.

### 10.3. Педагогик қобилиятлар психологияси

Педагогик фаолиятдаги муҳим жиҳатлардан бири бу педагогик қобилиятдир.

**Педагогик қобилият** – бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга ярқилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

## Педагогик қобилиятлар таснифи.

- *Дидактик қобилиятлар.*
- *Академик қобилиятлар*
- *Перцептив қобилиятлар*
- *Нутиқ қобилияти*
- *Ташкилотчилик қобилияти*
- *Авторитар қобилияти.*
- *Коммуникативлик қобилияти.*
- *Педагогик ҳаёл.*
- *Диққатни таъқимлаб олиш қобилияти.*

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўпқиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. *Дидактик қобилиятлар.* Бу болага ўқув материални аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларда фанга қизиқиш-уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятдир.

Дидактик қобилиятга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материални осонроқ, мураккаброғини соддарок, тушуниш қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб, ўқувчиларга мослаштириб бера олади.

Ана шундай педагогик қобилиятни аниқлаш учун психолог **Н.Гоноболн** жуда қулай тест тавсия этади. Бу тестга кўра билиш характеридаги матнда ўқитувчининг фикри бўйича айрим синф ўқувчилари учун қийин деб ҳисобланган қисмларни алоҳида кўрсатиб, нима учун бу қисмларнинг қийинлигини тушунтириб бериш, шундан сўнг эса матнни ўқувчиларга енгил ва уларнинг ўзлаштиришлари учун қулай қилиб қайта тузиш тавсия этилади.

Қобилиятли ўқитувчи шу билан бир қаторда материални ўзлаштириш, ўқувчиларни диққат эътиборини жалб қилишни ҳам назарда тутди. Бундай ўқитувчи зарур шароит яратилмагунча дарсни бошламайди. Ҳаддан ташқари шиддат билан бошланган дарс ўқувчиларда ҳимоя қилувчи тормозланишни вужудга келтириб, мия фаолиятини тормозлайди ва ўқитувчининг сўзлари етарлича идрок қилинмайди.

2. *Академик қобилиятлар* – математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир.

Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат фан доирасидагина эмас, балки атрофлича кенг, чуқур билиб, бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузата бориб, ўқув материални мутлақо эгаллаб, унга катта қизиқиш билан қарайди ҳамда озгина бўлса-да тадқиқот ишларини олиб боради. Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиш, бошқаларни қойил қилиб хайратда қолдириш, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиш учун у юксак маданиятли, хар томонлама мазмунли кенг дунёқарашли одам бўлмоғи лозим.

3. *Перцептив қобилиятлар* – бу психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсининг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндошиш, ўқувчининг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир.

4. *Нутқ қобилияти* – кишининг ўз туйғу-хисларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир. Бу ўқитувчилик касбидаги муҳим хислатлардан бири ҳисобланади. Чунки ўқитувчидан ўқувчиларга узатиладиган ахборот асосан иккинчи сигнал тизими – нутқ орқали берилади. Бунда мазмун жиҳатидан унинг ички ва ташқи хусусиятлари назарда тутилади. Ўқитувчи нутқи, унинг талаффузи аниқ-равшан, оддий ва ўқувчилар учун тушунарли бўлиши керак. Бериладиган ахборотлар шундай тузилиши керакки, бунда ўқувчиларнинг диққат-эътибори юқори даражада фаоллаштирилиши лозим. Қобилиятли ўқитувчининг нутқи жонли, образли, аниқ-равшан, интонацияли ва ифодали, эмоцияга бой бўлиб, бунда стилистик ва грамматик хатолар мутлақо бўлмаслиги лозим. Бир хил оҳангдаги нутқ ўқувчиларни жуда тез толиқтиради. Шу билан бирга бундай нутқ И.П. Павловнинг физиологик таълимотига кўра, доимий таъсир этувчи кўзғатувчига айланиб, бош мия катта ярим шарлар пўстлоғида тормозланиш жараёнини юзага келтиради ва ўқувчида диққат тарқалишига сабаб бўлади. Нутқ тезлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг индивидуал психологик хусусиятларига боғлиқ.

Шошқалоқ нутқ билим ўзлаштиришга ҳалақит бериб, болаларни тез толиқтиради ва муҳофаза қилувчи тормозланишни юзага келтиради. Ўта секин нутқ ланжлик ва зеркишга сабаб бўлади. Нутқнинг баландлиги - қаттиқ гапириш ҳам худди шу сингари ҳолларга олиб келади. Ҳаддан ташқари қаттиқ, кескин, бақариб гапириш ўқувчиларнинг асабига тегиб, уларни тез толиқтиради.

5. *Ташкилотчилик қобилияти* -бу биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, бунда жамоани жипслаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятидир.

Ўқитувчининг ўз ишини ташкил қила билиши деганда, унинг ўз ишини тўғри режалаштириб, уни назорат қила олиши назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтга нисбатан ўзига хос сезувчанлик - ишни вақт бўйича тўғри тақсимлаб, мўлжалланган вақтдан тўғри фойдалана олиш кўникмаси пайдо бўлади. Дарс давомида, албатта, кўп ҳолларда вақтни беҳуда йўқотиш



хам мумкин. Лекин бу йўқолган дарс режасини тузатиш зарурияти тузилган ҳолларда бўлиши мумкин. Тажрибали ўқитувчилар вақтни сеза билишни ўрганиш учун дарс режасини ёки матнда вақтни назорат қилиш учун белгилар олиб боришни тавсия этадилар. Жумладан: дарснинг 10, 20, 30 ва бошқа дақиқалари давомида мабодо, кўзда тутилмаган вақт ортиб қолган тақдирда фойдаланиш учун қандай қўшимча материалларни тайёрлаш ёки вақт етмай қолган тақдирда қандай материални кейинги дарсга қолдириш мумкинлиги ҳақида маслаҳат берадилар.

*6. Авторитар қобилияти* - бу ўқувчиларга бевосита эмоционал - иродавий таъсир этиб, уларда обрў орттира билишдан иборат қобилиятдир.

Авторитар қобилият ўқитувчининг ростгўйлиги, иродавий уддабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби иродавий ҳислатлари ҳамда қатор шахсий ҳислатларга, шу билан бирга ўқувчиларни таълим-тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш, унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олганлигига ишончи каби ҳислатларга ҳам боғлиқдир.

*7. Коммуникатив қобилияти* - бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўқувчиларга ёндашиш учун тўғри йўл топа билишга, улар билан педагогик нуқтан-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

Педагогик такт психологиясини ўрганишда психолог **И.В.Страхов** бениҳоят катта ҳисса қўшган. Унинг фикрича, бунда муҳими -ўқувчиларга таъсир этишнинг энг қулай усуллари топа билиш, тарбиявий таъсирни қўллашда мақсадга мувофиқ педагогик чораларга эътибор бериш, аниқ педагогик вазифаларни ҳисобга олиш, ўқувчи шахсининг психологик хусусиятлари ва унинг имкониятлари ҳамда мазкур педагогик ҳолатларини ҳисобга олиш зарурдир.

Педагогик тактнинг яққол ифодаларидан бири - ҳар қандай педагогик таъсирга нисбатан қўлланиладиган чора-тадбирларни (рағбатлантириш, жазолаш, панд-насихат) ҳис эта билишдан иборатдир. Фаросатли ўқитувчи болаларга эътибор бериб, зийраклик билан қарайди, уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари билан ҳисоблашади.

Педагогик тактнинг йўқлиги кўпинча оғир оқибатларга олиб келади. Ўқитувчининг педагогик такти масаласи муносабати билан шуни ҳам айтиш жоизки, қачон ўқувчилар ўқитувчининг ижобий ҳислатлари тўғрисида гапирар эканлар, улар ҳамisha ўқитувчининг адолатлилиги каби ҳислатларини биринчи ўринга қўядилар.

*8. Педагогик ҳаёл* — бу кишининг ўқувчилар шахсини тарбиявий томондан лойиҳалаштиришда ўз иш-ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоён бўладиган қобилиятдир. Бу қобилият ўқитувчи маълум ўқувчидан келгусида ким чиқишини кўз олдига келтиришда, тарбияланувчиларда у ёки бу хилдаги ҳислатларни ривожланишини олдиндан кўра билишида намоён бўлади. Бу қобилият педагогик оптимизм, тарбиянинг кучига, ўқувчиларга бўлган ишонч билан боғлиқдир.

9. Дикқатни тақсимлай олиш қобилияти — бу қобилият бир вақтнинг ўзида дикқатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи ишида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзининг дикқат-эътиборини ўқув материални қандай баён этилишига, унинг мазмунига, ўз фикрларини атрофлиқа қилиб қандай очиб беришга ёки ўқувчи фикрига баралла қаратади ва шу билан бирга бир вақтнинг ўзида барча ўқувчиларни кузатиб, уларни толиққан-толиқмаганлигига, эътиборли ёки эътиборсизлигига, дарсни тушуниш-тушунмаслигига аҳамият бериб, ўқувчиларнинг интизомини кузатади ҳамда оқибат натижада ўзининг шахсий хулқ-атвориға (юриш-туришиға, ўзини тутишиға, мимика ва пантомимикасига) эътибор беради. Тажрибасиз ўқитувчи, кўпинча ўқув материални баён этишға берилиб кетиб, ўқувчиларнинг нима қилаётганликларини сезмай қолади ва назоратдан чиқариб қўяди, агар, бордию, ўқувчиларни дикқат-эътибор билан кузатишға ҳаракат қилса, бундай ҳолларда ўз баёнотининг изчиллигини йўқотиб қўяди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қобилиятлардан ташқари, ўқитувчи инсон шахсининг мақсад сари интилиши, уддабурунлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби қатор ижобий ҳислатларига эга бўлиши лозим.

У ўқувчиларни тарбиялар экан, ўзининг хулқ-атвори, юриш-туриши, хуллас, бутун ўқитувчилик шахси билан ўқувчиларға ўрнак бўлиши керак.

Ўқитувчининг ўзини қўлга ола билиши муҳим аҳамиятға эгадир.

Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, ўқитувчининг барча ижобий, умуминсоний ахлоқ меъёрларига мос келувчи ҳислатлари қатта аҳамиятға эга. Агар биз қуйидаги ҳислатларини олиб қарайдиган бўлсак, буларнинг барчаси ҳам ўта муҳим омиллардир. Жумладан, ўқитувчининг ташқи киёфаси унинг обрўси шаклланишиға таъсир этади. Ўқитувчининг озодалиғи, ихчамлиғи, унинг поқизалиғи, саранжом – саришталлиғи, ўзини чиройли тутиши қадди-қомати ва юриш-туришлари ўқувчиларда жуда яхши таассурот қолдиради.

**Н.В.Кузьмина** ўқитувчи фаолиятидаги баъзи қобилиятларға мувофиқ келувчи асосий таркибий қисмларға конструктивлик (педагогик мақсадға мос келувчи материални танлай олиш ва уни намоён этиш воситаларида акс этади), ташқиллаштириш, коммуникативлик (тарбияланувчилар билан мулоқот ўрната олиш қобилияти) ва гностик (билимлардан фойдаланиш ва қўллаш олиш қобилияти) қобилиятларни киритади. Бундан ташқари, Н.В.Кузьмина педагогик қобилиятларға педагогик кузатувчанлик, педагогик тасаввур, педагогик такт, дикқатнинг тақсимланиши, талабчанликни киритади.

Ўз ишини муваффақият билан олиб бориши учун педагог бир қатор зарур бўлган умумий ва махсус қобилиятларға эга бўлиши керак. Умумий қобилият деганда, ҳар қандай инсон фаолиятида юқори натижаларға эришиш мумкин бўлган, махсус қобилият эса болаларға таълим ва тарбия беришда ютуқларға эришиш мумкин бўлган педагог фаолияти давомидаги керакли қобилият тушунилади. Умумий қобилиятларға бу ерда тўхталиб ўтмаймиз, чунки улар фақатгина педагогик фаолият билан боғлиқ эмас,

махсус қобилиятни эса батафсил кўриб чиқамиз. Уларга қуйдагиларни кiritиш мумкин:

ўқувчилар ўқитилган материални тушунаётганликлари, бу тушунинг даражаси ва ҳаракатини кўриш ҳамда ҳис қилиш қобилияти;

ўқув материални мустакил танлаш билан маъқул босиш ва самарали услубларни аниқлаш қобилияти;

ўқувчилар ўқитилган материални тушуниб ва ўзлаштириб олишлари учун биргина мазмун ҳархил талқин эта олиш ва ҳаққини учун тушунарли тарзда баён эта билан қобилияти;

ҳар бир ўқувчининг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда таълимни ташкил этиш ва ўларнинг билим, кўникиш, малакаларини чуқур ўзлаштиришга эришиш қобилияти;

қисқа давр ичида катта ахборот тўпламини ўзлаштирилишига, ўқувчиларни тезлик билан интеллектуал ва ҳулқий ривожланишига эришиш қобилияти;

дарсни тўғри ташкил этиш, дарсдан дарсга ўзининг ўқитувчилик истеъдодини ўстириб бориш қобилияти;

ўз билимини ошириб бориш таълим учун зарур фойдали ахборотларни қидириб топиш вақайта ишлаш, шунингдек, ўзининг педагогик фаолиятида улардан бевоқиф фойдаланиш қобилияти;

ўқув жараенида ўқув фаолияти тўқилишини ва ўқувчиларда кезакли мотивацияни шакллантириш қобилияти.

Бу барча махсус қобилиятлар-таълим бериш, ўқитиш, ўргатиш- учта ўзаро боғланган билим олиш, малака ошириш ва кўникма ҳосил қилишнинг жиҳатларидир. Улар онтогенезда қачон ва қандай шакллана бошланишини, шунингдек, қандай қонуниятлар бўйича ривожланишини аниқ айтиш қийин. Улардан қайсиларидир туғма ҳисобланиб, зехн кўринишида мавжуд бўлади, ҳолбуки ҳозиргача илм-фан бу нарсалар тўғрисида аниқ маълумот бера олмайди. Бошқа қобилиятлар каби педагогик қобилият ҳам тарбияланади ва уларни онгли равишда болаларда шакллантириш ҳамда ривожлантириш мумкин.

Махсус педагогик қобилиятлар ичида болаларни тарбиялаш қобилияти ўзига хос синфни ташкил этади. Улар ичида асосийлар деб қуйдагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бошқа одамнинг ички кечинмаларини тўғри баҳолай олиш, ҳамдардлик, ҳамфикрлик (эмпатия) қобилияти.

2. Болалар учун қилаётган ишларда намуна ва ўрнак бўла олиш қобилияти.

3. Болаларда олижаноблик ҳиссини, яхши инсон бўлишга хоҳиш ва интилишни, юқори ахлоқий мақсадларга эришишни шакллантириш қобилияти.

4. Тарбияланувчи боланинг ўзига хос хусусиятларига тарбия таъсирларини мослаштириши олиш қобилияти.

5. Одамда ишонч ҳиссини уйғота олиш, уни тинчлантириши олиш, ўз-ўзини ривожлантиришни кўллаб қувватлаш қобилияти.

6. Ҳар бир бола билан муомала қилишнинг керакли усулини топа билиши, ўзаро тушунишга эриши олиш қобилияти.

7. Тарбияланувчи томонидан ўзига нисбатан ҳурмат уйғота олиш, болалар орасида ҳурмат қозона олиш қобилияти.

Педагогнинг тарбиячи сифатидаги қобилияти ҳам унинг ўқитувчилик қобилиятига мувофиқдир. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, яхши ўқитувчи бўлишдан кўра яхши тарбиячи бўлиш бирмунча мураккаброкдир.

Баъзан яхши ўқитувчи бўлиб, нисбатан кучсиз тарбиячи бўлиш мумкин. Баъзан эса яхши тарбиячи бўлиб, яхши ўқитувчи бўлиш мураккаблик қилади. Бу ҳолат айримларда ўқитувчилик, айримларда эса тарбиячилик фаолият доирасининг асосий эканлигини англатади.

Махсус педагоглик қобилиятлари ичида шундайлари ҳам борки, уларни аниқ ўқитувчилик ёки тарбиячилик фаолиятига мансуб деб ажратиш бўлмайди. Негаки, улар ҳар иккаласи учун ҳам бир хилда зарурдир. Бу нарса - педагогик мулоқот, муомаладир. Психолог олим **В.А.Кан-Калик** бундай қобилиятни тадқиқ қилиб шундай ёзган эди. Педагоглик иши ўз тузилишида икки юздан ортқ тузилмани ташкил қилади. Мулоқот унинг энг мураккаб томонларидан биридир, негаки у орқали педагогик фаолиятнинг энг асосий мақсади - ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахсига таъсири амалга оширилади. Педагогнинг муҳим маҳоратларидан яна бири ўқувчилар билан узоқ ва самарали таъсир ўтказишни ташкил этишидир. Одатда бу маҳоратни педагогнинг коммуникатив қобилияти билан боғлайдилар. Касбий педагогик мулоқотига эга бўлиш - шахслараро мулоқотга тегишли бўлган педагог шахсининг муҳим томонидир.

Айтиб ўтиш жоизки, педагогик мулоқот чоғида намоён бўладиган коммуникатив қобилият - бу болалар таълим ва тарбияси билан боғлиқ педагогик таъсир доирасида ўзига хос равишда намоён бўлувчи муомала қобилиятидир. Шулардан келиб чиққан ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкин:



Инсон мулоқотининг маълум бир соҳасидagi умумий коммуникатив қобилиятни мувоқала қилмай туриб, педагогик мулоқот қобилияти ҳақида алоҳида фикр қилиш мумкин эмас.



«Ушбу педагогик мулоқот ҳақида бироқ эмас. Бунда умумий коммуникатив қобилиятлар ҳақида гапириш билан чегараланиб қолиш мумкин эмас.

Биринчидан, инсонинг барча коммуникатив қобилиятлари ҳам бирдек намоён бўлавермайди ва педагог учун бирдек зарур бўлмайди. Иккинчидан, педагог эгаллаши лозим бўлган бир қатор коммуникатив малака ва кўникмалар борки, улар бошқа касбдаги кишилар учун муҳим аҳамиятга эга эмас. Жумладан, инсоннинг бошқа кишиларни тушуна олиши, ўз-ўзини англаши, мулоқот жараёнида тўғри баҳолаши, тўғри қабул қилиши, бошқа одамлар билан тўғри муносабатга кириша олиши, ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлишидир.

Ҳар бир ажратилган коммуникатив қобилиятлар гуруҳини батафсил кўриб чиқиб, шу билан бирга педагогик мулоқот даврида бу қобилиятларнинг яхши ривожланмаганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни кўрсатиб ўтамиз.

Инсонни инсон томонидан билиш - инсонни шахс сифатида умумий баҳолашдир. У одатда бир кўришда олинган таассуротлар натижасида жамланиб, унинг шахсини айрим томонлари, мотивлари, ва келгуси режаларини баҳолаш; ташқи кўриниш ва одамнинг ички ҳиссиётлари ўзаро боғлиқлигини баҳолаш; жестлари, имо-ишоралари, мимика ва пантомимикаларни ўқиб билишда намоён бўлади.

Одамни ўз-ўзини билиши ўз билимларини, ўз қобилиятларини, ўз характерини ва бошқа шахснинг ўзидаги хусусиятларини баҳолаш; сиртдан қараганда одам қандай қабул қилинади ва у бошқа одамлар кўзида қандай намоён бўлишини била олишдир.

Мулоқат жараёнидаги ҳолатни тўғри баҳолай билиш – бу ҳолатни кузата билиш қобилияти, ундан фойдали ахборот белгиларини ажратиб олиш ва уларга эътиборни қаратиш, вужудга келган ҳолатнинг ижтимоий ва психологик мазмунини тўғри баҳолаш ва қабул қилишдан иборатдир.

Педагогик нуқтаи назардан қизиқарли бўлган, лекин кам ўрганилган ва амалиётда кўпдан-кўп муаммолар келтириб чиқарадиган тури педагогик мулоқатнинг новербал шакли деб номланади. Бу билан боғлиқ коммуникатив қобилият қуйидагиларни ўз ичига олади: нотаниш одамлар билан муомалага кириша билиш, зиддиятларни олдини ола билиш, юзага келган тушунмовчилик ва зиддиятларни ўз вақтида еча билиш, бошқа одам томонидан ўзини тўғри тушинишни ва қабул қилишни таъминлайдиган тарзда ўзини тута билиш, бошқа одамга ўзининг қизиқишлари ва ҳиссиётларини баён этишга имкон бериш, мулоқотдан ўзи учун юқори даражада фойда ола билиш қобилияти.

Инсоннинг ўз -ўзига нисбатан қилган ҳаракатларида намоён бўлган қобилияти, ўзининг хулқ - атворидаги фаолиятини бошқаришни билиши, атроф-муҳитдаги одамлар билан ўзаро мулоқат қилганда зарур бўлган қобилиятдир. Бу нарса бизни бошқа одамлар томонидан тўғри қабул қилинишимиз ва тўғри тушинишимизни таъминлайди. Бунга яна инсонни одатларидан ва камчиликларидан қўтилишга бўлган лаёқати, яъни мулоқатга тўсиқ бўладиган, мулоқат учун зарур бўлган фойдали малака ва кўникмалар шакллантиришга бўлган қобилиятини кўрсатиш мумкин.

Инсоннинг коммуникатив қобилияти ривожлантириш мумкин бўлган жараёнлар. Уларни шакллантиришда ижтимоий- психологик тренинг яхши натижа беради.

Педагогик мулоқот махсус жихатининг намоён бўлиши педагог томонидан рағбатлантириш ва жазолаш усулининг қўлланилишидир. Агар рағбатлантириш ёки жазолаш хизматга яраша одилона бўлса, улар ўқувчиларнинг ютуқларини мустаҳкамлайдилар, қўллайдилар. Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари мутахкамлаш роли педагогик адолатга боғлиқ бўлади. Педагогик нуқтаи назардан олган ҳолда самарали ва самара бўлмаган рағбатлантириш тавсифини келтирамиз.

Самарали рағбатлантириш		Самарали бўлмаган рағбатлантириш	
1.	Мунтазам равишда амалга оширилади.	1.	Вақти-вақти билан амалга оширилади.
2.	Ўқувчининг қандай хатти-ҳаракатлари рағбатлантиришга лойиқ-лиги ўқитувчи томонидан тушунтириб берилди.	2.	Умуман амалга оширилади, ҳеч қандай изоҳ берилмайди.
3.	Ўқувчилар ютуқларидан ўқитувчининг шахсан манфаатдор эканлиги билан боғлиқлиги.	3.	Рағбатлантириш керак бўлганлиги учунгина амалга оширилади, ўқитувчи ўқувчилар ютуқ-лари билан қизиқмайди.
4.	Ўқувчиларнинг маълум ютуққа эришганликлари кузатилиб борилади.	4.	Ишда ўқувчиларнинг ишти-роқларига умумий қаралади.
5.	Ўқувчилар эришган ютуқларининг аҳамияти тўғрисида ахборот бериб борилади.	5.	Ўқувчига унинг натижаларига айтилади, унинг аҳамияти тўғрисида гапирилмайди.
6.	Ўқувчиларда юқори натижаларга эришиш учун ўз ишларини ташкил этишга ўргатиш.	6.	Ўқувчиларга ўз натижаларини бошқаларники билан таққослашга йўналтириш, уларни рақобатлашга ундаш.
7.	Ўқувчиларнинг аввалги ва ҳозирги ютуқларини солиштириш.	7.	Бир ўқувчининг ютуқларини бошқа ўқувчи ютуқлари билан солиштириш.
8.	Ўқувчининг сарф қилган кучи ютуқларга мос келади.	8.	Ўқувчининг сарф қилган кучи ютуқларга мос келмайди.
9.	Ўқувчи эришган натижалари билан уни сарфлайдиган кучини солиштириш, хоҳиши бўлса, ўқувчи келгусида ҳам ютуқларга эришиши мумкинлигини кўрсатиш.	9.	Ўқувчи эришган ютуқларини унинг қобилияти билан боғлаш ёки бу натижага фақат омад туфайлигина эришганлигини кўрсатиш.

10.	Ўқувчининг мотивациясига таъсир этиш, ички стимуллариغا суяниш кизикиш, ўз-ўзини ривожлантириш мақсади, ўқишдан кониқиш ва бошқалар.	10.	Ташқи стимулларга суяниш: мактов, мусобақада факат галабани мўлжаллаш, мукофат олиш ва бошқалар.
11.	Ўқувчи эътиборини унинг ютуқ-лариға қаратиб, бу унинг қоби- дияти ва имқонияти туфайли юза-ға келганини кўрсатиш.	11.	Ўқувчининг эътиборини унинг ўқишдаги ютуқлариға қаратиб, бу ўқитувчининг ёки бошқа бирор инсоннинг саъй – ҳаракати эканлигини таъкидлаш.
12.	Аввалги вазифалар бажариб бўлинганидан сўнг, ўқувчида ян-ги вазифаларни бажаришга қизи-қиш уйғотиш.	12.	Ўқувчи аввалги вазифаларни бажармасдан туриб, яна янги вазифаларни юклаш, бу ўқувчи эътиборини чалғишиға олиб келади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг кўпгина саъй-ҳаракатлариға, агар уларнинг яхши ишлари учун рағбатлантириб, улар қилган хатолариға қаттиқ эътибор қаратмаса ва бунинг учун жазоламаса, ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, ўқитувчининг барча ижобий, умуминсоний ахлоқ меъёрлариға мос келувчи ҳислатлари катта аҳамиятга эға. Агар биз қуйидаги ҳислатларини олиб қарайдиган бўлсак, буларнинг барчаси ҳам ўта муҳим омиллардир. Жумладан, ўқитувчининг ташқи киёфаси унинг обрўси шаклланишиға таъсир этади. Ўқитувчининг озодлиги, ихчамлиги, унинг поқизалиги, саранжом- саришталиги, ўзини қиройли тутиши қадди-қомати ва юриш-туришлари ўқувчиларда жуда яхши таассурот қолдиради.

#### 10.4. Педагогнинг индивидуал фаолият услуби

Ўқитувчилик – инсон жамияти тарихи бошлангандан эътиборан давом этиб, шу билан бирға ҳамма вақт жамият ва жамоатчилик томонидан эътиборға лойиқ, эъзозлаб келинган касбдир.

Насириддин Тусий ўзининг "Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида" деган асарида шундай дейди: "...Ўқитувчи мунозараларни олиб боришни, рад этиб бўлмайдиган даражадаги исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигиға ишониши, нутқи эса мутлақо тоза, жумпалари манتيқий ифодаланадиган бўлиши лозим... Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заҳархандали, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тутта олмаслиги ишни бузиши мумкин..."

Қобилиятли, ижодқор инсон –у ҳар доим ўзига хос шахсдир. Педагогда индивидуалликнинг шаклланиши болани ижодий шахс сифатида тарбиялашға ёрдам беради. Ҳар қандай катта одам онгли равишда педагоглик касбини танлар экан, у танлаган йўлини амалға ошириш чоғида аллақачон

шахс бўлиб шаклланади ва шак-шубҳасиз индивидуалдир. Ўқитувчи ва тарбиячилар ичида турли-туман шахслар қанча кўп бўлса, улар болаларни ўқитиб тарбиялаганларида бу болалар кўпдан-кўп, шу билан бирга фойдали индивидуал хусусиятга эга бўлишларининг эҳтимоли шунча юқоридир.

Юқорида кўриб ўтилган, ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи эга бўлиши лозим бўлган педагогик фаолиятнинг умумий талаблари, педагогик қобилиятнинг кўпдан-кўп жиҳатлари билан уларнинг индивидуалликка интилишларини қандай боғлаш мумкин? Педагогик фаолиятнинг индивидуал услубларини кўриб ўтамыз. Улар қуйидагича намоён бўлади:

Темпераментда (вақт ва реакция тезлиги, ишдаги индивидуал темп, эмоционал хиритувчанлик);

Педагогик ҳолатларга бўлган реакция характерида;

Ўқитиш услубларини танлашда;

Тарбия воситаларини танлашда;

Педагогик мулоқат қилинишида;

Болалар хатти-қаракатида бўлган муносабатда;

Ўзини тутди биллиш ва юриш-туришда;

У ёки бу турдаги рағбатлаштириш ёки назолаш усулини қўллашда;

Педагогик-педагогик таъсир воситаларини қўллашда.

Педагогик фаолиятнинг индивидуал йўналиши ҳақида гапирганда, одатда шу назарда тутиладики, у ёки бу педагогик таъсир воситалари ва ўзини тутиш шакллари танлашда педагог ўзининг индивидуал имкониятларидан келиб чиқади. Ҳар хил индивидуалликга эга бўлган



педагоглар кўндан- кўп ўқув ва тарбиявий мисоллар ичидан айнан бир хилини танлаши мумкин, лекин улардан ҳар хил фойдаланилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу юқори педагогик тажрибани қабул қилиниши ва уни кенг тарқатилишига тааллуқлидир. Уни таҳлил қила туриб педагог доимо шуни ёдда тутиши лозимки, бундай тажриба, малака амалий жиҳатдан олиб қаралганда унинг муаллифи шахсидан ажралмас бўлади ва ўқитувчининг индивидуаллиги ҳамда умумаҳамиятга эга бўлган педагогик топилмалар бирлашмасидан ташкил топади.

Шу сабабли педагогик тажрибаларни тўғридан-тўғри бошқа ўқитувчилар ёки тарбиячилар томонидан кўчириб олишнинг келажаги йўқ ҳамда бу ҳол ёмон натижалар беради. Бунинг юзага келиш сабаби шундаки, педагогнинг психологик индивидуаллигини айнан қайтариш қийин, уларсиз натижалар ўз-ўзидан бошқача бўлиб чиқади. Бу ҳолатдан чиқиб кетиш учун педагогик тажрибанинг муҳим қисмини ажратиб олиб, онгли равишда муаммо қўйиш ва уни ижодий индивидуал қайта ишлаб, ҳал этиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай педагогик тажрибани шундайлигича кўчириб олмаслик керак: ундаги асосий ғояни аниқлаб, доимо ўзлигича қолмоғи, яъни ёрқин индивидуал ҳислатларга эга бўлмоғи лозим. Бу ҳолат болаларни ўқитиш ва тарбиялаш самарасини камайтирмайди, балки сезиларли даражада оширади, унга юқори педагогик тажрибани ўрганиш орқали эришилади.

Ўқитувчи томонидан ташкил этилган ўқув жараёнида субъектнинг таълим олиши унинг ўзига хослиги ва характерида намоён бўлади, бу унинг ўқув усулига таъсир кўрсатади. Шаклланган индивидуал ўқув усуллари схематик равишда икки кутб билан кўрсатилиши мумкин: “ижобий” – “салбий”. Қуйида келтирилган жадвал ўқув жараёнида бундай усулларни кўрсатиб беради. Ўқитувчи дарс жараёнида бунини инobatта олган ҳолда ёндошиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал фарқи  
(Г.Клаус бўйича)

Такқослаш параметри	Ижобий тур	Салбий тур
<b>Тезлик</b>	Тез, осон, қийинчиликсиз. Қатъий, вақт бўйича мустаҳкам, осонлик билан қайта ўқилади, мослашувга эга	Секин, қийинчилик, зўриқиш, оғирлик билан, юзаки, бирзумлик, тезда унутади, қийинчилик билан қайта ўқийди. Ригидлик, қотиб қолиш билан характерланади.
<b>Сидқидиллик</b>	Виждонан, саранжомлик билан, тўлиқ ва асосланган	Совуққонлик, пала-партиш, ўлда-жўлда, юзаки
<b>Мотивация</b>	Сидқидиллик, ўз	Зўрма-зўраки,

	ихтиёри, ўз ташаббуси билан ҳаракат қилади. Фаол жон-жаҳди билан киришиб, бөр кучини жалб қилади.	мажбуран, босим остида, ҳаракатсизлик, лоқайдлик, дангасалик билан, кизиқишсиз
<b>Иш-ҳаракатининг йўналтирилиши</b>	Мустақил, ажралган ҳолда, бировга боғлиқ бўлмасдан. Режаланган, мақсадга йўналган. Доимо қатъият билан.	Мустақил эмас, тақлид қилиб, мақсадсиз, режасиз, пала-партиш, онда-сонда, қатъиятсиз.
<b>Когнитив ташкил этиш</b>	Тушуниш билан, англаган, йўналган, натижаларни англаган ҳолда, рационал, иқтисод қилган ҳолатда.	Тушунмасдан, шунчаки, хато усул бўйича. Тайёрланмасдан, тўсатдан, рационал бўлмаган ҳолда, кам фойдали.
<b>Умумий баҳо</b>	Яхши	Ёмон

**Ю.А.Самарин** фикрича, ўқув фаолияти самарадорлигининг кўрсаткичи ўқувчиларда тафаккурнинг тизимлилиги билан динамиклигининг кенгайишидан иборатдир. Шундай экан, педагог доимо таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда бу жиҳатларни инобатга олиши керак.

**Д.Б.Эльконин** бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаолиятини бошқаришга оид ўз назариясини ишлаб чиққан бўлиб, унинг фикрича, ўқув фаолиятини бошқариш учун қуйидаги таркибий қисмларни ўқувчилар эгаллаб олишлари зарур:

- 1) берилган ўқув топшириғини ечиш учун воситалар танлаш;
- 2) топшириқларни ечиш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш;
- 3) ўзлаштирилган билимлар, кўникмалар сифатини баҳолаш;
- 4) ўз-ўзини ва топшириқ ечимини текшириш;
- 5) ўз олдига мақсад қўя олиш;

6) символлар (аломатлар, белгилар) билан предметнинг ички муносабатлари мавжудлигини тушуниш кабилар.

**Н.Д.Левитов** мазкур муаммо билан бевосита шуғулланмаган бўлса-да, лекин ўқитувчи томонидан ўқув фаолиятини бошқариш имконияти ва унинг мезонлари тўғрисида муҳим фикрларни илгари суради. Ўқув фаолиятини идора қилиш учун қуйидаги жабҳалар иштирок этиши шарт:

- 1) тафаккурнинг мустақиллиги;
- 2) ўқув материалининг тез ва пухта ўзлаштирилиши;
- 3) ўқувчилардаги ақлий топқирлик;
- 4) таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазият моҳиятига чуқур кириб бориш, яъни муҳим аломатни номуҳимдан ажрата билиш;
- 5) фикрлашда танқидийлик, ижодийлик ва бошқалар.

Буларнинг муайян тизим шаклига келганлиги таълимни оптималлаштиришнинг пухта негизини ва шарт-шароитини яратади.

### 10.5. Педагогнинг ўзини-ўзи бошқариш муаммоси

Бўлажак педагогларнинг олий ўқув юртида олган психологик билимлари икки унчалик ёқимли бўлмаган хоссага эга. Улар, биринчидан, педагогга амалиётда зарур бўлган барча билимларни ўз ичига қамраб олмаган, бунга сабаб педагогик олий ўқув юртларида психологик фанларни ўқитиш учун ажратилган дарс соатлари ҳажмининг чегараланганлигидир. Иккинчидан, бу олинган билимлар тезда эскириб қолади ва ҳеч бўлмаганда беш йилда бир марта янгиланган талаб этади, буни ўз-ўзига таълим бериш ёки малака оширишда амалга оширсан бўлади.

Педагогнинг психологик жиҳатдан ўз устида ишлаш дейилганда, уни мунтазам равишда психология фанининг турли йўналишларидаги энг янги ютуқлар билан танишиб боришини назарда тутаяди, улар тарбия ва таълим билан бевосита ва билвосита боғлиқдир. Бу таълим психологияси, тарбия психологияси, ёш даврлари психологияси, дифференциал психология, ижтимоий психология, шахс психологияси шунингдек, психология ва бошқа фанлар чегарасидаги тиббиёт, патопсихология, психофизиология ва психотерапия.

Педагогнинг амалий фаолиятида психологик маълумотлар олиши мумкин бўлган адабиётлар рўйхати етарли даражада салмоқлидир. Ҳолбуки, педагогга мунтазам равишда илмий китобларни ва журналларни ўқишга ҳожат йўқ, асосий психологик билимлар жамланган ҳолда келтирилган, педагогик фаолият учун фойдали бўлган бўлимларга мурожат қилишнинг ўзи етарлидир.

Педагогнинг касбий фаолияти давомида жуда зарур жиддий жиҳат – бу ўз-ўзини бошқаришдир, яъни ўз психик ҳолати ва ҳулқ-атворини бошқара олиш қобилияти, мураккаб педагогик ҳолатларда муқобил ҳаракатлана олишидир.

Ўз-ўзини бошқариш зарурияти куйидаги ҳолларда келиб чиқади:

Ўз-ўзини бошқаришнинг психологик асослари билиш жараёнини ўз ичига олади: Сезги, идрок, диққат, ҳаёл, тафаккур, хотира, нутқ шунингдек шахс ҳислатлари – ҳулқ атвори, эмоционал ҳолати, вазиятга муносабати. Юқорида қайд этиб ўтилган психик жараёнларда ўз-ўзини бошқариш одам хусусиятлари ва ҳолатлари, унинг иродаси ва ички туйғулари билан боғлиқдир. Маълумки, ички туйғу барча психик ҳолатларни бошқаришда эркинлик асоси бўлиб хизмат қилади, ирода бўлса хатти - ҳаракатлар қуввати ва йўналишлари таъминлайди.

Қабул қилишни ўз-ўзидан бошқарув аниқ қабул қилиш вазифаларини қўяди – образни тузиш, қўйилган саволларга нимани кузатиш керак? Нима учун кузатиш? Қандай қилиб кузатиш? каби аниқ жавоб топиш керак. Кузатувни бошлашдан аввал биз ўзимиз учун бу саволларга жавоб беришимиз лозим бўлади.

Педагог янги, ўзинг учун нотэниш бўлган, қийинчилик билан ҳал қилинадиган муаммага дў келади.

Муаммо аниқ бир ечимга эга эмас. Айни шу дамда ечимини ўзи йўқ ёки бир нечта алтернатив ечимлар мавжудки, улардан мақбулини топиш қийин.

Педагог жисмоний ва эмоционал жунбуш ҳолатига келиб қолган ва улар уни узўқ - юлўқ ҳаракатга олиб келади.

Қандай қарарат қилиш лозим эканлиги ҳақидаги қарорни педагог вақт етишмаган чоғда, ўйлаб ўтирмасдан қабул қилиши веррак бўлган ҳолларда.

Педагог хатти-ҳаракати ташқаридан баҳоланиб, у мунгазам равишда ҳамкасблари, болалар ва бошқа одамлар томонидан қузатиб турилганда, ўзинг обрў эътибори ва ҳурмати келажаги шу нарсаларга боғлиқ бўлиб қолган ҳолларда.

Мураккаб педагогик шароитларда (вазиятда) бундай саволларга аниқ жавоб топишни иложи бўлмайди, бу вазиятда аниқ жавоб топиш учун бир мунча ақлий ва жисмоний куч сарф қилишга тўғри келади. Бундай саволларни аввалдан ўйлаб кўриш ва уларга амал қилишни талаб қилади, натижада ўз-ўзини бошқаришни назарда тутати.

Диққат-эътиборни бошқариш бир мунча бошқа нарсаларга асосланади. Ихтиёрий бўлмаган диққат-эътиборни бошқариш улар билан боғлиқ бўлган ҳолатлар, яъни организмнинг психофизиологик ҳолатларини бошқариш орқали бевосита амалга ошириш мумкин. Чарчоқ оқибатида ихтиёрий бўлмаган диққат-эътибор ёмон бошқариладиган бўлиб қолади. Худди шундай ҳолат касаллик даврида, ҳаддан ташқари эмоционал жунбушга келган ҳолатда, аффект ёки стресс ҳолатларида рўй беради. Бир мунча таъсир қиладиган воситалар - дам олиш, даволаш, психофизик аутотренинг бу тарздаги диққат эътиборни бошқаришда яхши самара беради.

Ихтиёрий диққат эътиборни, қизиқиш уйғотадиган, сўз ёрдамида ёки қўллаб-қувватлаш орқали бошқариш мумкин. Одамни диққат эътиборини бирор нарсага қаратиш учун, эътиборни уни қизиқишини қўллаб-қувватлаш кифоя қилади. Сўз орқали ўз-ўзини йўналтириш ёки вербал ўзи-ўзидан бошқариш ҳар доим тўғридан-тўғри ёки бевосита қизиқишга асосланади. Айрим ҳолларда ўзини мажбур қилиб қандайдир объектда, ҳолат ёки воқеликни қизиқариш томонларини, эътиборни унча узок вақт жалб қилиб кўришга етарли бўлади. Қабул қилиш орқали ҳам уларни маълум даражада бошқариш мумкин. Педагог учун эслаш қобилиятини бошқариш бир мунча қийинроқ ва зарурроқдир. Учтадан иккита бизга маълум эслаш жараёни – эслаб қолиш ва олинган ахборотни қайта тиклаш – ўз-ўзини бошқариш билан ривожлантириш мумкин. Эслаб қолиш жараёнининг учинчиси –

ахборотни сақлаб қолишни бошқариш мушкулроқдир, шунинг учун ҳамки у онг ости ҳолати (шахс томонидан англаб олинмайдиган психик ва ҳолатлар йиғиндис) даражасида ишлайди ҳолбуки ёдлашни англаб ташкил этиб, бевосита уларни ҳам бошқариш мумкин. Мнемик жараёнларда ўз- ўзини бошқариш ҳар хил усулларга асосланади, тасаввур ассоциацияланиб бир бутунга боғлаб, онгли равишда кўриб чиқилади. Эслаб қолиш зарур бўлган нарсалар кўз орқали кўрилса, ёки бирор нарса боғлаб тасаввур қилинса ёдда қолиши кучаяди. Эслаб қолишни тезлатиш мумкин, сунъий равишда ёдда бўлган перцептив образларни ва ташқи нарсаларни тафаккурда уйғотиб, онг орқали уларни янги эслаб қолиши керак бўлган нарсалар билан боғлаш лозим.

Онгли равишда фикрлашни ҳам бошқариш, уни янада самаралироқ қилиш мумкин.

Тафаккурни ўз- ўзида бошқаришнинг асосий усуллари қуйидагилардир.

- ҳал қилиниши керак бўлган вазифа шартларни диққат билан таҳлил қилиш;

- талаб қилинган натижани берилган шартлар билан солиштириш, бундай мақсад керакли натижани олиш учун етишмаган нарсани аниқлаш;

- доимий равишда машқ ўтказиб бориб, тафаккурни чиниқтириш;

- тафаккурни аниқ йўналишдаги машқлар билан чиниқтириш, яъни кетма- кет изланиш ва етарли даражада ҳал қилинишнинг альтернатив йўллари кўриб чиқиш (бу – восита англаш жараёни “циклланиш” деб номланади)

- вазифани ҳал қилишнинг йўллари билан боғлиқ бўлган аниқ фаразларни ўз ичида ёки овоз чиқариб сўзлаш (гапириш).

- Бажариб бўлинган хатти-ҳаракатлар натижаларини ва фараз(ғоя)ларни доимий равишда ёзиб бориш.

- Ўз - ўзини эмоционал бошқариш организмнинг мускул тўқималари тизими бошқара билиш қобилиятига асосланган, эмоциоген ҳолатлардан таҳлил қилиб тафаккурни онгли равишда фаол жалб этиш.

Ҳозирги замон мактаби муаллимлик шахси ва касбий фаолияти учун зарур бўлган сифат ва фазилатларни эгаллаган. янгича фикрлайдиган, ижтимоий фаол педагогларни талаб қилмоқда.

Ана шундай қатор муаммоларни оқилона ҳал қилишнинг энг муҳим омилларидан бири ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этишдир. Шунга биноан мамлакатимиз таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳам кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон талаблари даражасига етказишдир. Эндиликда олий таълим муассасалари олдига фақатгина ўқимашли инсонни эмас, балки воқеаларни олдидан кўра биладиган, тўғри қарор қабул қила олиш маҳоратига эга, ўзини-ўзи ривожлантириш заруриятини тушуниб етадиган оқил ва баркамол шахсни тарбиялаш муаммоси қўйилмоқда.

Ўқитувчининг шахсий ва касбий тайёргарлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ўқувчилар билан таълим ва тарбиявий муносабатларни яхши йўлга қўя олади. Ўқитувчининг шахсий намунаси ва обрў-эътибори таълим-тарбия жараёнида болада қатъий нуктаи назарни шаклланишида асосий рол ўйнайди.

Канадалик психолог олим **Джеймс Марша** йигит-қизларнинг касбий тайёргарлик даврини тўрт босқичга ажратади:

1. Ёшларда касб ҳақидаги тасаввур ва билимларнинг камлиги, ҳали ноаниқлиги босқичи. Бу босқич ҳали шахснинг эътиқодлари аниқ эмаслиги, касбни танламаганлиги, ким бўлиши ноаниқлиги билан тавсифланади.

2. Муддатидан олдин айнан ўхшашлигини топиш босқичи. Шахс ўз кучи, хоҳиши билан эмас, бошқанинг фикри билан, бошқа кишига эргашиб, тегишли муносабатлар тизимига қўшилиши билан характерланади.

3. Моратория босқичи – шахс ўзлигини аниқлашнинг кризиси жараёнидалиги билан, ривожланишнинг кўп вариантлари орасидан ўзи учун энг мақбулини танлаши билан тавсифланади.

4. Эришилган ютуқнинг айнанлиги босқичи. Танлаш можароси ҳал этилганлиги, шахс ўзлигини намоён этишга амалда киришганлиги билан белгиланади. Ўқитувчи энг аввало ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширишни эсдан чиқармаслиги, юзага келган муаммоларни мустақил ечишга ўргатиши, ўқувчи ташаббускорлиги ва ижодкорлиги асосида ўзининг кимлигини намоён этишига ёрдамлашиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи шахсий ҳамда касбий сифат ва фазилатларни тўлиқ эгаллаган бўлиши лозим, бундай ўқитувчилар ўқувчилар билан кўпроқ дўстона мулоқотда бўладилар, ўзаро фикр алмашадилар, мавзуга доир муаммони таҳлил қиладилар ва бир қарорга келадилар. Ўқитувчи бу ўринда бутун эътиборини мавзу моҳиятини ўқувчиларга сингдиришга қаратиб, ўқувчилар эътиборини кечинмаларини ва ўзлаштириш имкониятларини алоҳида эътиборга олади. Ўқитувчи шахсига хос бўлган билимдонлик, ижодкорлик, мустақиллик ҳамда педагогик фаолияти учун масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этиш ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашнинг энг муҳим омилларидир.

Талабаларда касбни эгаллашнинг шаклланиши уларда мажбурият ва жавобгарлик ҳиссининг таркиб топиши билан боғлиқдир. Уларда ана шундай сифат ва кечинмалар тўла шаклланган бўлса, билимларни эгаллаш ёки касбий камолоти учун ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди.

## **10.6. Ўқув жамоасини бошқаришнинг психологик асослари**

Ўқитувчилик касби - ахлоқий характерга эга бўлган инсонпарвар касблардан бири бўлиб, ўқувчиларга инсоний муносабатда бўлиш ўқитувчи фаолиятининг асосий тамойили ҳисобланади. Бу ўқитувчидан болаларни севиш, уларни кадр-қимматини ҳурмат қилиш, шўхликларига бардошли бўлиш, уларни жисмоний ва ахлоқий мажруҳ этувчи нарсаларга муросасиз бўлишни талаб этади. Муаллимнинг одоб-ахлоқи, инсонпарварлиги –

болаларнинг келажаги учун ғамхўрлик қилиш, уларни ҳаётга ижтимоий ва меҳнат фаолиятига тайёрлашга интилишида намоён бўлади. Хушёрлик, педагогик муомала, диққат-эътиборли бўлиш, болаларни севиш, уларга яхшилик қилиш, ўқитувчилик бурчини англаш, масъулиятли, талабчан ва адолатли бўлиш, билимдонлик, ҳалоллик, ростгўйлик қабилар ўқитувчига хос касбий ахлоқий фазилатлардир.

Шунинг учун ҳам ўқитувчилар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари олдида муҳим вазифа - инсонпарварлик тамойилини рўёбга чиқарувчи, юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи, педагог одоби фазилатларини эгаллаб олган бўлажак ўқитувчиларни тарбиялаш вазифаси туради. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-ахлоқий сифатлари ҳар томонлама ўсишига эришиш учун талабалар шахсини ривожлантиришнинг барча жиҳатлари, соҳаларига эътибор қаратиш зарур. Ахлоқий тарбиявий таъсир ўтказиш соҳалари: Ватанга муносабат, тўғилган жойи, атрофдаги табиатга, меҳнатга, ишлаб чиқариш ва турмушда одамларга; педагогик жараён иштирокчилари: ўқувчилар, ота-оналари, касбдошларига, ўз-ўзига бўлган муносабати соҳаларидан ташкил топади.

Тарбиявий жараёни самарали ташкил этиш, уни олдиндан ва у билан боғлиқ, илмий-ташқиллий, тадқиқот маълумотлари билан таъминлашни талаб этади. Тарбия ахлоқий-тарбиявий мақсадга йўналтирилганлик тавсифига эга бўлади, кўплаб талабалар тарбиясига индивидуал ёндашиш мумкинлигини ўзида мужассамлантиради. Шу билан бирга педагогик амалиёт олдиндан илмий-тадқиқот ўтказиш тарбиячи-педагоглардан бундай ишни бажара олиш малакасига эга бўлишни талаб этади, уларда бундай кўникма ва малакаларни махсус ўстириш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.



Бўлажак ўқитувчилар ўқув фаолияти (амалиёт, ўқув жараёни) давомида қуйидагиларни амалга оширмоғи мақсадга мувофиқдир:

1) ўқитувчи инсониятнинг бугунги авлоди учинчи минг йилликда халқларнинг мустақиллик, демократия, эркинлик, тинчлик, барқарорлик каби умуминсоний қадриятлар устивор бўлган жамият қуриш учун жаҳон аҳамиятига молик турмуш тарзини юзага келтириш эҳтиёжи кучайишини ўз ўқувчиларига, тарбияланувчиларига тушунтиришлари лозим.

2) ҳозирги даврда кечаяётган жараёнлар кишиларнинг қадриятларга бўлган муносабати, ишончини ўзгартирмоқда. Улар билан боғлиқ эҳтиёжлар, талаблар, қизиқишларнинг ҳам ўзгариб боришига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда фанларни ўқитишда умуминсоний қадриятларга садоқатли бўлишини амалий жиҳатдан ўқувчиларга етказиш асосий вазифалардан бирига айланиши зарур.

3) умуминсоний кадриятларга оид мавзуларни тарғибот қилишда юртимиз цивилизацияси тараққиёти ва маданияти ривожининг асосий даврлари ҳамда ютуқларига, Ал Хоразмий, Ал Фаробий, Ал Беруний, Ибн Сино, Ал Бухорий, Ат Термизий, Яссавий ва Нақшбандий, Жомий, Улугбек, Навоий, Бобур ва Машрабларнинг буюк меросларига аосланмоқ лозим. Булар Ўзбекистонда умуминсоний кадриятларнинг ривожланишида энг асосий тарихий манбалар бўлиши шубҳасиз.

Бирор касбнинг хақиқий устаси бўлиш учун табиий қобилият, маълум жисмоний ва рухий ҳислатлар жонли бўлиши керак. Педагоглик фаолиятида ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота-оналар ва талабаларнинг иззат - ҳурматига сазовар бўлиши учун кишида бу ишга лаёқат, қобилият, маҳорат, кизиқиш бўлмоғи лозим.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин. Юксак маҳоратли педагог энг аввало қобилиятли, малакали ва уддабурон бўлиши керак. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланишида истеъдоднинг ўрни бекиёсдир. Ана шундагина қобилият деб аталувчи рухий хусусияти тараққий этади. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун педагогда қобилиятнинг кўйидаги турлари мавжуд бўлиши лозим. Билим қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, кузатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, обрў орттира олиш қобилияти, келажакни кўра билиш қобилияти, диққатни тақсимлай олиш қобилияти ва х.к. Маҳоратли педагог талабалар руҳиятини, билим ва даражасини ҳисобга олади. Баъзи педагогларга ўқув материали тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай педагоглар талабаларни эмас, балки ўзларини назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали педагог ўзини талабанинг ўрнига кўя олади. У фаннинг илмий-назарий асосларини талабаларга тушунтириш мақсадида иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади. Маҳоратли педагог дарс материални баён этиш жараёнида талабаларнинг қандай ўзлаштираётганларини талабаларни кузатиш асосида пайқаб олади ва зарур ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради. Шунингдек, педагог талабаларни саводли ўзлаштиришлари учун замин тайёрлаб, уларни дам олишдан ишга ўтишлари, бўшабини, ланжлик, чарчашларига барҳам бериш учун минимал даражада фойдаланиш учун вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият юзага келгунга қадар иш бошламайди.

Педагогнинг одоби, маданияти юксак бўлсагина, одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Педагог умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, таълим тарбия



жараёнига татбиқ этиши лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-этиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, ҳам юксалтириб бориши ва уларни талабалар қалбига сингдириш зарур. Педагог фаолияти ўз моҳиятига кўра ижодий характериға эға.

Педагогик ижодкорларнинг асосий моҳияти фаолиятининг мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёқараши, эътиқоди, онги, хулқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадға бўйсунган сон-саноксиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Педагог фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, уларни ҳал қила олиш йўлларини қидириб топа олишида ифодаланади. Педагогик ижодкорлик манбаи - бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба - муаммоли вазиятларға жуда бойдир. Илғор педагогик тажриба деганда, биз педагогнинг ўз педагогик вазифасиға ижодий ёндошишини талабаларнинг таълим-тарбиясиға янги, самарали йўл ва воситаларни қидириб топишини тушунамиз. Ижодий ишлайдиган педагог фақат талабаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбия бериш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан тадқиқодчилик кўникма ва малакалариға ҳам эға бўлиш зарур. Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти педагогнинг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита билиш, фан ютуқларини талабаларға етказа олиши, тадқиқот ишлариға ўргата олишини талаб қилади. Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш талабаға у ёки бу юксак ахлокий сифатларининг моҳиятини англатиш жараёнида қўлланиладиган педагогнинг иш усулларидан биридир.

Ҳар бир шахсға таъсир этиши тарбиячининг педагогик маҳорати ва обрўсиға боғлиқдир. Бунда:

Кишилиқ жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон ҳеч қачон ёлғиз яшай олмаган. Жамоаларни ташкил қилиш ва унинг тарбиявий таъсирини назарий ва амалий асослари мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганилиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Тарбиячининг навбатдаги вазифаси талаба-ёшлар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларға суяниб, уларни тарбиявий жараёнида ўртоқлик, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқариш каби жамоатчилик сифатларини шакллантириш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат. Улар:

- Ҳар бир талаба шахсида ўзаро муносабат алоқаларини яратиш;

- талабалар кундалиқ фаолиятларининг ҳамма қирраларини жамоада

жипслаштириш;

- шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юқори қўйишға ўргатиш; жамоада

бир-бириға меҳр-оқибатли, мурувват ва сахийлик дўстона ҳамкорлик мавжуд бўлса, у катта тарбиявий кучға айланади.

талабанинг ижобий хатти-ҳаракатлари ва тўқинлик қилмаслиги

талабларни аниқ ва тушунарли бўлиши

қўйилган талаб ва вазифаларнинг натижасини билиши

талаб оқиб ҳақра, самимий бир оқашда берилиши, алтмос маслаҳат  
қўшқ динга қорлаш

талаб талабаларнинг ёши, билими савиясига мос бўлиши

талабларда кесатил, дуқма, миннат қилиш бўлмаслиги ва  
бошқаларга эътибор бериш лозим

Касб-хунар таълими коллежи талабалар жамоаларини ташкил қилишда педагогдан турли-туман усул ва воситалардан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади:

1. Педагог жамоа аъзоларини янги шароитга мослаштириш жараёнида уларга ишонч, хурмат, хушмуомалалик, талабларни тўғри қўя билиш, шу билан бирга талабани тушуниш ва эшита билиш маҳоратига эга бўлиши керак. -

2. Талабалар жамоасидаги етакчи куч-таянч ўзагини танлаш.

3. Жамоа аъзоларининг ҳар бирининг кучига, қобилиятига қараб

топшириқлар бериш.

4. Жамоода янги анъана, қонун-қоидаларнинг дастлабки қуртагини яратиш ва унга амал қилиш.

5. Жамоа истикболини давр талаби билан мослашган ҳолда белгилаш талаб

қилинади.

Ҳар бир педагог педагогик фаолият юритар экан, бераётган таълим-тарбиясининг янада самарали бўлиши учун ўз устида муттасил ишлаши, билимини, маҳоратини ўстириши, талабалар билан бўладиган муносабатларни пухта ўйлаб, уларнинг қўчилига озор етказмасдан иш олиб бориши лозим. Муомала маданияти, ўзини тута билишини назорат қилиши керак. Ҳар бир тарбиячининг дунёқараши унинг муомаласида намоён бўлади. Муомаланинг асосий воситаси - тилдир. Шундай экан, тарбиячи муомала жараёнида жуда эҳтиёткор бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**Алишер Навоий** муомала қилувчи шахснинг маҳорати ҳақида шундай дейди: "Ширин сўз кўнгиллар учун бамисоли асалдир."

Шунинг учун ҳам педагог ҳар он нутқ маданиятга кучли эътибор бериши, ўзининг психологик, эстетик, жисмоний, ахлоқий жиҳатларини намуна ҳолатда намоён этиши муҳим. Юксак тўйғу маданиятга эга бўлган педагог талабаларнинг кайфияти, ноҳушлигини дарров фаҳмлайди.

Кўпол, одобсиз гапларга ўрин қолдирмаслик, талаба шахсига тегадиган кўпол муомала қилиш педагогнинг фаолиятига путур етказди. Талаба аҳволини тушуниш унга ҳамдард бўлиши, мадад бериш керак. Педагог ўзининг педагогик фаолиятида аввало тўғри сўз бўлиши, ишларини адолат билан олиб бориши керак. Бу ҳислат тарбиячи билан талаба ўртасида яқинликни оширади, чунки адолат инсонлар хулқини баҳоловчи муҳим мезондир. Замоनावий педагогга биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди. Шуғингдек махсус билимлар ва малакалар асосида талабаларини кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ижтимоий ғоялар билан таққослаш, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш йўллари ва усулларини аниқлаш, турли воситалар билан тарбиявий таъсир кўрсатиш, таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир тизимга солиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, бунда педагог талабчан, яхши меҳрибон, сабрли, босиқ ва ўз касбига нисбатан эътиқодли бўлиши лозим. Талабани бутун қалби билан севадиган педагог кўпроқ табассум қилади, камроқ қовоқ солади. Талабаларга билим бериш билан биргаликда айни вақтда уларга ўз характерини ўтказа олади, уларга одамийлик намунаси бўлиб кўринади.

Педагогнинг касбга оид маҳоратини шакллантиришда педагогик-психологик назарияларнинг аҳамияти каттадир, чунки маънавиятимизнинг шаклланишида ўз-ўзига эга бўлган инсонлар фаолияти тўғрисида, уларга қўйилаётган талабалар ҳақида замоनावий педагогик технологиялар тўғрисида назариялар педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Педагогик тажрибаларни такомиллаштиришда илмий педагогик маълумотлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти педагогнинг ижодкор бўлишини фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини талабаларга етказа олиши ва ниҳоят талабаларни ҳам ижобий фикрлаш, тадқиқотчилик ишларини ўргата олишини талаб қилади. Шунинг учун педагог аввало тадқиқотчилик ишларини олиб бориши ва бу соҳадаги малакаларни эгаллаши зарур. Педагог илмий тадқиқот ишларини олиб бориши давомида, тажрибаларни тўплайди, таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради. У шу хулосалардан ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиш жараёнида ҳозирги замон педагоги учун зарур бўлган жуда муҳим билимларни эгаллайди.

Педагогик маҳоратни такомиллаштиришда шахсий педагогик изланишнинг аҳамияти каттадир. Педагог ишидаги муваффақиятни кунлик фаолиятида катталар ва талабалар, айрим гуруҳ ва яқка шахслар билан алоқага кириша олиш қобилиятини таъминлайди.

Алоқалар фаолиятда дуч келадиган турли хил воқеаларга педагогик қоидалар нуқтаи назаридан эмас, балки шароитни ҳисобга олган ҳолда ижобий ҳал этиш талаб этилади.

Кенг илмий савияга эга бўлиш, интеллектуал кизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, педагогик маҳоратни оширишга интилиш педагогга хос хусусиятлардан ҳисобланади.

Таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ бўлиши учун амалий ва назарий машғулотлар ўтказилади. Бу соҳада илмий тадқиқот ишлари амалга оширилади.

Шахсий изланишлар ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш педагогнинг педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, назарий, миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий, диний илмлардан ҳам хабардор маънавий баркамол бўлмоғи лозим.

Халқимизнинг келажаги мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан педагогга, унинг савиясига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ.

Илмий педагогик изланишларни баҳолаш мезонлари тўғрисида фикр юритилганда, аввало тадқиқотнинг замонавийлиги, долзарблиги, ундан кўзланган мақсад ҳамда натижалар назарда тутилади.

Педагог шахсининг касб соҳасидаги хусусиятлари бу-талабаларни севиш, улар билан ишлашга кизиқиш, ўз касбига муҳаббат, педагогик назокат, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик, қатъийлик ва мақсадга интилиш, вазминлик, ўзини тута билиш, касбий лаёқатлик ва бошқалар.

Самарали педагогик таъсир кўрсатишни тўғри ташкил этиш талабалар билан муомала қилишда, самимий муносабатда бўлишга ёрдам беради. Амалий педагогик фаолиятда илмий ғоялар ва педагогик тарбияни кўллаш, педагог меҳнатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Лекин бу меҳнат натижалари дарҳол кўринмайди. Унинг маҳсулини кўриш учун йиллаб меҳнат қилиш керак. Педагог фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу фаолият ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам турлича бўлади. Ҳақиқий фидоий педагоглар ўз фаолиятида энг яхши натижаларга эришадилар. Тажрибали новатор педагоглар талабаларга самарали таълим тарбия бериш билан бир қаторда педагогика фанидан янги йўл ҳам очмоқдалар. Педагогик меҳнатни амалга ошириш жараёнида қуйидаги хусусиятларни ўз фаолиятида амалга оширишлари зарур:

1. Педагогнинг сиёсий қарашлари ва эътиқодининг аниқлиги ҳамда барқарорлиги, талабалар олдида чинакам обрў-эътибор қозониши.

2. Мақлакатнинг бутун йўлжамий ҳаётида фаол иштирок этиш ва эгаллаган таърибларни коллежга олиб кириш, бу фаолиятга ўз талабаларини жалб қилиш уларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлаш.

3. Ҳар бир талаба шахсига катта қизиқиш билан қараш ва барча жамса ишларини ташкил этиш.

4. Педагоглар ўз ишларига бүгунги кун талаби билан эмас, балки келажакни ўйлаб иш юритиш.

5. Талабаларга бўлган муносабатлари, уларнинг тақдири ҳақида гўлхўрлик қилиш, ўз тарбияланувчиларининг келажак билан қизиқиш.

6. Талаба шахсига ҳар тўмонлама таъсир кўрсатиш.

7. Илғор педагогик таърибани ҳамда таълим ва тарбиянинг назариясини чуқур ўрганиш, ҳамма янгиликларни тушуниб олиш, уларни ўз таъриблари билан солиштириб кўриш, баъзиларини ўз ишида тадбиқ қилиш.

Педагогнинг ижодкорлиги талабанинг ижодкорлигини уйғотади. Улар ўз талабаларини ватанга садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга уларнинг қалбида олижаноб фазилатларни қарор топтирадилар.

Шундай экан, педагогларнинг педагогик маҳоратида шахсий фаолият тизимини ишлаб чиқиш муҳимдир. Ҳаёт - кашфиётлар олами. Таъриба, услуб, фикрлар ранг-баранг. У самарали меҳнат натижасида исбот ва далиллар орқали талабалар қалбига кўчади. Уларнинг туйғуларига таъсир кўрсатади. Ўқувчилар, талабалар муаллимнинг фахри, келажакдир. Шу боис уларнинг нияти ўқувчиларни, талабаларни мустақил юрт қурувчилари, мухандислари, илму маърифат фидоийлари сафида кўришдир.

Ҳар бир педагогнинг ўз фаолият тизимини ишлаб чиқиш ва унга катъий амал қилиш унинг таълим соҳасидаги муваффақиятларининг муҳим омилларидан биридир. Педагог бир хил методларда дарс ўтиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Аксинча, у ўқитиш методларини такомиллаштириш устида тинимсиз ишлаши зарур.

## 10.7. Педагог ўз илмий, ўқув-услубий салоҳиятини оширишнинг психологик муаммолари

Муҳим давлат вазифасини – “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга ошираётган замонавий мактаб ўқитувчисининг ҳислатлари, унинг ижодий фаолияти XXI асрда шаклланиб, асосан амалий ишда, педагогик тажрибаларни эгаллаш жараёнида ўсиб ривожлана боради.

Ҳозирги жамиятимизда ўқитувчининг мустақил равишда билимларни эгаллаб, ўз малакасини ошириб бориши – бир томондан ўқитувчилик фаолиятининг борган сари нақадар муваффақиятли бораётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан муҳим вазифа эканлигидан далолат беради – чунки, бу кечиктириб бўлмас жараён шахсни интеллектуал қашшоқликдан қутқариб қолади.

Психологик нуктаи-назардан ўқитувчи доимий равишда ўз билимларини ошириш билан шуғулланиши зарурдир. Чунки ўқитувчилик меҳнатининг асосий хусусияти ҳам шудир. Педагог ҳар доим одамлар орасида бўларкан, у биринчидан, одамларни кўпдан бери қизиқтириб келаётган ҳақиқатни ўз қарашлари бўйича тўғри тушунтириб бериши лозим. Албатта, ўқитувчидаги бу тарих қарашлар кўп йиллар давомидаги меҳнат ва ҳаёт фаолияти жараёнида шаклланади; иккинчидан, ўқитувчининг ўзи ахборотлар олиш учун ўқувчиларга нисбатан чекланган вақт имкониятига эга; учинчидан, у ўта тор доирадаги тенгқурлари билангина мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлиб, кўпинча ўз касбига хос қизиқишлар билангина чекланиб қолади.

Таълимнинг барча кўрсаткичлари, **З.И.Калмыкованинг** таъкидлашича, англаш тезлигига, янги вазифалар ҳал қилинишига эришиш мумкин бўлган аниқ маълумотлар ҳажмига, уни бевосита ҳал қилишдаги босқичлар сонига натижага эришишга ёрдам берувчи маълумотлар миқдори, шунингдек, масалани ҳал қилиш учун сарфланган вақт миқдори, ўз-ўзининг билимини ошириш қобилияти, ишчанлик ва чиниққанлик даражасига боғлиқ.

Бу ўринда **А.К. Маркова** таклиф этган билим эгаллаш кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга моликдир:

Бу кўрсаткичлар асосида ўзлаштиришни аниқлаш услуби ишлаб чиқилган бўлиб, **З.И.Калмыкова** фикрича, унинг асосини қуйидаги кўрсаткичлар ташкил этади:

- Диагностик комплекс амалга оширилиб, у “аналитик” эмас балки “синтетик” йўлга суяниши лозим;

- Диагностика услублари табиий ўқитиш тажрибаларида қўлланилаётган ўқув материалларига таяниши, ижобий хусусиятлари лаборатория тажрибалари қатъий боғланиши лозим, айниқса, синов натижаларини қайд қилишда, миқдор ва сифат таҳлилларини жараён вақтида белгилаб боришда, ечилиш усуллари ва кўрсатилаётган ёрдамни ёзиб боришда қатъий аниқлик талаб қилинади;

- янги шартда мослаштиришда тасвирлаш

- зарур бўлмаган вазифаларни танлаш ташаббуси, ўз ихтиёри билан янгида бигироқ масалаларга киришиш. Д.Б. Богоявленская фикрича бу кўрсаткичлар ижодий фаолликнинг интеллектуал ташаббус биллиги сифатида қаролиши мумкин:

- Қўйилган мақсадга эришишдаги қатъиятдалик ва "чалғатувчи омилларга чидамлик".  
- ҳақиқат бораучи ҳолатларда ишлаш олиш қобилияти.

- қабул қила олиш, бошқа нарсанинг ердарила таълолик, қаролишнинг мўлдир.

- Муаммоли ўқув жараёнида иложи борича қолган барча шартла тенглаштирилган ҳолатда таълим диагностика қилинади;

- Диагностик тажриба вақти уни қайд қилиш талаб қилинганд чегараланмаслиги лозим;

- Индивидуал ва жамоавий диагностик жараёнларни биргаликда қўриб чиқиш таълим жараёнини тўлиқ ва аниқ кўрсатиб бера олади.

Ўқитувчининг мустақил билим эгаллаши деганда, унинг ўз билимларини доимий равишда касбий ва умуммаданий ахборотлар билан тўлдириб, ўзининг индивидуал ижтимоий тажрибасини кенг миқёсда доимо янгилаб бориши тушунилади.

Одатда аксарият ўқитувчилар мустақил билим эгаллаш зарурлигини тушунган ҳолда, ундан муваффақиятли фойдаланадилар. Бунинг мотивлари одатда педагогик фаолият жараёнида ўқитувчи олдида юзага келадиган муаммоларни англаб олиш натижасида шаклланади. Кўп ҳолларда бундай мотивлар ўқитувчиларни қандай ўқитиб ва қандай тарбиялаш керак, деган хоҳиш-истаклар тарикасида, фаннинг охириги ютуқлари, ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш эҳтиёжи туғилиши муносабати билан шакллана боради.

Шу билан бирга яққол кўзга ташланиб турган айрим ҳоллардан кўз юма олмаймиз. Масалан, ўқитувчилар оммасининг маълум кисми мустақил изланишда бўлиб, ўз билим савиясини ошириш билан фаол шуғулланмайди, малакасини оширишга интилмайди, баъзилар муайян билимлар соҳасида тараққиётдан бутунлай ортда қолмоқдалар. Бундай ўқитувчилар ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим ва тарбия тараққиётига жиддий зарар келтирадилар.

Бу маммони ҳал етишда асосий вазифа малака ошириш тизими зиммасига тушади. Республикамызда халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институларининг тармоқлари жорий этилган, булар Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш

Марказий институти, Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институти ва вилоятлардаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтларидир. Халқ таълимидаги бу тизимнинг асосий вазифаси доимий равишда ўқитувчи кадрларнинг малакасини ошириш, ўқитувчи кадрларни ўзларининг касбига хос билим савиясини, кўникма, малакаларини, маънавият ва маърифатини, шу билан бир қаторда иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий маълумотини оширишга даъват этувчи ижтимоий психологик соҳаларни ривожлантириб боришдан иборатдир.

Ўқитувчининг мустақил билим эгаллаши ва малакасини ошириш педагогик фаолиятнинг самарадорлигини оширишда зарурий шартлардандир.

Муҳим Давлат вазифасини – кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга ошираётган замонавий мактаб ўқитувчисининг ҳислатлари, унинг ижодий фаолияти кириб келаётган XXI асда шаклланиб, асосан амалий ишда, педагогик тажрибаларни эгаллаш жараёнида ўсиб-ривожлана боради.

Шу билан бирга ўқитувчи доимий равишда ўз малакасини ошириб, ўз ишининг муваффақиятини юқори даражада таъминлашга ёрдам берадиган шахсий ҳислатларини тарбиялаб бориши зарур.

Шайх Нажмиддин Кубро «Эй мўмин, ҳақиқий комиллик юзага келгунга қадар бир ғайрат ва ҳикмат билан сайри сулук қилиш лозим. Бу йўл паришонлик, ялқовлик ва танбалликни кўтармайди, зоҳир, бирлик ва бутунликни талаб қилади. Сойирларга яхшилаб қара, паришон ва сустлашганлар йўлда илгарилай олмайдилар. Бу йўл муҳаббат ахлидан ғайратли, елиб югурувчи ва узлуксиз ҳаракатда бўлганларнинг равишидир» деб кўрсатган.

Шайх Нажмиддин Кубронинг тасаввуф назариясини бойитишга қаратилган ушбу пурмаъно фикрлари айни пайтда ўзининг ижтимоий-педагогик қиймати билан ҳам ажралиб туради. Ғайратли, ҳикматли инсон ижтимоий фаол, жамият ривожига ўз улушини қўша оладиган шахс сифатида тан олинган бўлса, ялқов, танбал, паришон инсонлар халқ назаридан четда қолиб кетганлиги билан бугунги кунда ҳам ўзининг тегишли баҳосини олмоқда.

Бу борада ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд “Чакмоқ тош кўлимизга берилган, факат ҳаракат қилиш керак, токи натижа ҳосил бўлсин” деб таъкидлаганлар. Бу фикр билан у ижтимоий тарбиянинг ўрнига ишора қилади, тўғри тарбиянинг моҳиятини, унинг самарасини аниқ ўхшатишлар билан асослаб беради.

Ҳозирги замон илм-фан тараққиётини буюк алломалар яратган бир неча қимматли асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу нодир асарлар бир неча асарлар илгари яратилган бўлса-да, ўз қимматини йўқотган эмас.

### **Такрорлаш ва муҳокама учун саволлар.**

1. Жамиятда ўқитувчининг тутган ўрни ва вазифалари нималардан иборат?



2. Замонавий ўқитувчи шахсига қандай талаблар қўйилади?  
4. Педагогик қобилиятларга нималар киради?  
5. Ўқитувчининг касбий мослашув жараёнида қандай муаммоларга дуч келади?

Таянч тушунчалар:

Касбий ҳислатлар, ўқитувчи қобилиятлари; перцентив қобилиятлар; академик қобилиятлар; авторитар қобилиятлар; гностик малакалар.

### Мавзу юзасидан тест саволлари:

#### 1. Ўқитувчининг шахсий ҳислатларига нималар киради?

- А) Ўзига танқидий муносабатда бўлиши, педагогик такт, нутқнинг эмоционал ифодаланиши, ўзини юқори баҳолаш, эмпатия.  
Б) Болаларни яхши кўриши, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, камтарлик, одамийлик, уддабуронлик, жамоат ишларида фаоллик.  
В) Болалар жамоасини уюштира билиши, турли шароитларда болалар жамоасини бошқара олиш.  
Г) Кузатувчанлиги, диққат эътиборини тақсимлай олиши.  
Д) Болаларни бирор нарсага қизиқтириб, уларни фаоллаштира олиши.

#### 2. Ўқитувчининг касбий ҳислатларига нималарни киритиш мумкин?

- А) Ўзига танқидий муносабатда бўлиши, педагогик такт, нутқнинг эмоционал ифодаланиши, педагогик фантазия (хаёл) нинг ривожланиши.  
Б) Болаларни яхши кўриши, меҳрибонлик, камтарлик, одамийлик, уддабуронлик, жамоат ишларида фаоллик, кузатувчанлиги, диққат эътиборини тақсимлай олиши.  
В) Болалар жамоасини уюштира билиши, турли шароитларда болалар жамоасини бошқара олиш.  
Г) Кузатувчанлиги, диққат эътиборини тақсимлай олиши.  
Д) жамоат ишларида фаоллик, амалий – психологик ақл, меҳнатсеварлик.

#### 3. Ўқитувчининг гностик малакалари таркибига нималар киради?

- А) болаларнинг асаб психик тараққиёти даражасини аниқлай билиши; ўқувчиларни тўғри тушуниб, уларнинг хулқ-атвори сабабларини тушунтиришни билиши;  
Б) ўзининг тажрибаси ва педагогик фаолияти натижаларини танқидий таҳлил қила олиши;  
В) бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларни ўрганиб, ундан (назарий ва амалий томондан) тўғри хулоса чиқара олиши;  
Г) психологик-педагогик адабиётлардан фойдаланишни билиши;  
Д) Барча жавоблар тўғри.

#### 4. Педагогик қобилиятларга нималар киради?

- А) Болаларни яхши кўриши, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, камтарлик, одамийлик, уддабуронлик, жамоат ишларида фаоллик;

Б) Ўқитувчининг кузатувчанлиги, ўз диққат эътиборини тақсимлай олиши, ўзига танқидий муносабатда бўлиши, педагогик такт, нутқнинг эмоционал ифодаланиши, кузатувчанлиги, диққат эътиборини тақсимлай олиш қобилияти ;

В) Дидактик қобилиятлар, академик қобилиятлар, перцептив қобилиятлар, нутқ қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, авторитар қобилияти, коммуникатив қобилияти, педагогик ҳаёл, диққатни тақсимлай олиш қобилияти;

Г) болаларнинг асаб психик таракқиёти даражасини аниқлай билиши; ўқувчиларни тўғри тушуниб, уларнинг хулқ-атвори сабабларини тушунтиришни билиши;

Д) Перцептив ва нутқ қобилиятлари.

**5. Ўқитувчининг ўқувчини, тарбияланувчини ички дунёсига қира билиш, психологик кузатувчанлик қобилияти қандай турдаги педагогик қобилият ҳисобланади?**

А) академик қобилият;

Б) шахс билан боғлиқ қобилият;

В) Дидактик қобилият;

Г) ташкилий-коммуникатив қобилият.

Д) перцептив қобилият.

### Вазиятли масала.

Дарс бошлангач ўқитувчи ўқувчилардан уйга берилган вазифани сўрай бошлади. Лола исмли ўқувчи доскага чиқиб жавоб бера бошлади. Ўқитувчи унга 3 баҳо қўйди. Навбат Наргиза исмли ўқувчига келганда у ҳам мавзуни сўзлаб берди. Ўқитувчи унинг баҳосини 5 баҳога баҳолади. Аммо ўқувчиларнинг жавоблари деярли бир хил эди. Бу ҳақда ўқитувчидан сўралганда ўз хатти-ҳаракатини қуйидагича баҳолади: “Лола аслида аълочи ва уқувли қиз. Аммо у бугунги дарсга китоб ўқиб алоҳида тайёргарлик кўрмаган. У фақатгина аввалги дарсда эшитган фикрлари билан ўртоқлашди холос. Шунинг учун мен унга 3 баҳо қўйдим. Наргиза эса ўзи тезда илғаб ололмасда, кўзлари кизарганидан кечаси билан мавзуни тайёрланганини пайқаш мукин. У ховлиқиб, ўқиб келган нарсасини гапирибберишга тиришар эди. У мавзуни ўзлаштириб олиш учун анчамунча тер тўккан ва ҳаракат қилган. Шу туфайли мен унга беш баҳо қўйдим”.

Савол: Сиз ўқитувчининг бу ҳаракатини қандай баҳолайсиз? Бу педагогик қобилиятнинг қайси тоифасига мансуб?

## 11 БОБ. АНДРАГОГИКА

Режа:

1. Андрогогика фанининг предмети ва вазифалари.
2. Катталар таълимининг психологик хусусиятлари.
  3. Катталарнинг ёш хусусиятлари ва таълим олиш лаёқатлари.
  4. Катталар таълимининг принциплари
  5. Катталар ўқув жараёнининг ташкил этилиши.

**Мавзунинг ўқув мақсади:**

**Таълимий:** Талабаларга «Андрогогика» тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини, катталар таълимининг ўзига хос психологик хусусиятларини, унинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни, мактаб таълимидан фарқи, турли ёш даврларида билиш хусусиятларини, катталар таълимининг принциплари ва уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича билим бериш ва англаштирдан иборат.

**Тарбиявий:** Талабаларнинг катталарга таълим бериш жараёнидаги маънавий ва ахлоқий кадрятларни англашларига ёрдам бериш. Катталар ёши, шахси ва таълимига ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва уларнинг катталар шахси ривожланишидаги ҳамда жамиятимиздаги ўринларини англаш ҳисларини шакллантириш. Талабаларда ўқитувчи ва тарбиячига хос касбий ва шахсий сифатларни тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларда катталар таълимининг ноанъанавий усулларини эгаллаш ва ундан оқилона фойдалана олиш малакаларини шакллантириш, таълим жараёнининг самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги билимларини ривожлантириш.

### 11.1. Андрогогика фанининг предмети ва вазифалари.

Бугунги кундалик ҳаёт ҳар бир катта инсонга катта ижтимоий талаблар қўймоқда. У келажакни кўра олиши, имкон қадар муваффақият билан фаолият юритиши ва ўз ишидан қониқиши керак. Бунинг учун эса катта инсон - мутахассис доимо ўз устида ишлаши, ўз малакасини ошириб бориши, ўз-ўзини теран англаши ва ҳурмат қилиши лозим.

Социологларнинг таъкидлашича, олий ўқув юрти битирувчиси амалий фаолиятнинг самарадорлиги 15-20 % эгалланган билимларга, эришган муваффақиятларининг қолган қисми эса бевосита одамлар билан ишлай олиши маҳоратига боғлиқ бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, агар олий ўқув юрти битирувчиси эгаллаган билимини 100 % деб олинса, бир йилдан сўнг у билимининг 20 % ини автоматик равишда йўқотади. Шунинг учун мутахассис фундаментал назарий билимларини сақлаб қолиши, чуқур билимли бўлиши учун бир ҳафтада камида 6-7 соат ўз устида ишлаши, шунингдек, малака ошириш курсларида ўқиш учун вақт ажратиши лозим. Катталар таълимини ташкил этиш мактабгача таълим муассасалари, мактаб, лицей коллеж ўқувчиларининг таълимини ташкил этишдан тубдан фарқ қилади. Ушбу

таълим муассасалари ўқитувчиларини педагоглар деб аталса, катталарга таълим берувчиларни андрагоглар деб аталади. Мактабгача таълим муассасалари, мактаб, лицей ва коллежларда таълим, тарбия ишлари назарияси ва методикаси билан педагогика фани шуғулланса, катталар таълимини ташкил этиш масалалари билан андрагогика фани шуғулланади. Андрагогика ўқитиш назариясининг бир қисми бўлиб, ўқув фаолиятининг катта одам сифатидаги субъектини янги билим ва кўникмаларни эгаллашининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериши билан бирга, бу янгиликлардан ўз касбий фаолиятларида фойдаланиш йўллари билан ҳам куроллантиради.

**Андрагогика тушунчаси 1833 йилда немис мутахассиси А.Канн томонидан фанга киритилган бўлиб, “педагогика” сўзи каби грекчадан келиб чиққан (луғавий маъноси “andros” – эркак, одам “agogen” - етаклаш). Сўзма-сўз таржима қилннса, андрагогика бу – “катта одамни етаклаш” маъносини англатади.**

Маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, андрагог ўз етаклаётган одамнинг табиати, қизиқишлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини яхши билиши лозим бўлади. Айнан шу йўналишда ХХ асрнинг 60-йилларида Б.Г.Ананьев андрагогиканинг фанлар тизимига кирувчи илмий билимлар ҳамда амалиёт билан боғлиқ бўлиши лозимлигини аниқлаб берган.

Катталар таълимининг асосий мазмуни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар шароитида ўз олдига мустақил равишда таълим мақсадларини қўя оладиган, унга эриша оладиган фаолият субъектини шакллантиришдир.

Катталар таълими бу бир қанча кишиларнинг жонли муносабати жараёни ҳисобланиб, унда катта одам ўзаро муносабатга киришиши, эшита билиши, ўзгалар ҳолатига тушиши, бошқалар фикри ва нуктаи назарини, янгиликни қабул қилишга ўрганиши ва бу борада андрагог томонидан имкониятлар яратилувчи жараёндир. Катталар таълими билан шуғулланувчилар бу таълимнинг асосий функцияларига алоҳида аҳамият беришлари керак.

Андрагогика фани бевосита умумий ўрта таълим ва олий таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ўқитувчилари учун, шунингдек, ижтимоий соҳада иш юритувчилар, менежмент ишлари, оммавий ахборот воситалари билан ишловчи шахслар учун ниҳоятда зарурдир. Журналист, шифокор, кутубхоначи, сиёсатчи, актёр, амалий технолог ва жуда кўп шу каби соҳаларда фаолият олиб борувчи, “инсон – инсон” муносабатларини қамраб олувчи мутахассисликлар ҳам андрагогик компонентни ўз ичига олади.

## 11.2. Катталар таълимнинг психологик хусусиятлари

Катта ёшли шахс муҳим ҳаётий ва касбий тажрибага эга бўлади. Катталар таълими муассасасига келган киши билим, талаблар, маълумот бериладиган объект сифатида эмас, балки, фикрдошлар командасининг

аъзоси, тенг ҳуқуқли субъекти сифатида кириб келади. У ўзи учун керакли ва долзарб мавзуларни аниқ билгани ҳолда уларни қандай ўрганиш йўлларини ҳам тўғри белгилай олади. Ўзи учун керакли масалалар бўйича илғор тажрибаларни ўрганишга ҳаракат қилади.

Катталарнинг таълимида жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ривожланишларга нисбатан ўзларида мавжуд бўлган маълумотларини мустаҳкамлаш, тўлдиришга бўлган эҳтиёжлари мавжуд бўлиб, бу эҳтиёжлар инсоният эҳтиёжларининг асоси ҳисобланади ва кўп жиҳатдан катталар хатти-ҳаракатлари йўналишини белгилаб беради.

Катталарнинг доимий равишда ўз билим, кўникма ва малакаларини янгилаб бориш заруриятини англаб етишлари ва шу эҳтиёжнинг вужудга келиши катталар таълимида муҳим ҳисобланади.

Бу борада:

Катталар ҳаётида муаммоларнинг юзага келиши улардан қўшимча билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришларини талаб этиши, маълум бир ёшдаги одам ўзининг маълумотлар базаси ва доирасига эгаллиги, ёшидан қатъий назар, инсоннинг таълим олишга нисбатан қобилятининг мавжудлиги катталар таълимнинг ўзига хос хусусиятларидир.

### Катталар таълимнинг асосий функциялари

ривожлантирувчи (шахснинг маънавий-психологик талаб-эҳтиёжларини қондириш);

компенсацияловчи (шахснинг мавжуд билим, кўникма ва малакаларидаги бўшликларни тўлдириш);

адаптация мослашув (ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, вазиятларга оператив тайёргарлик ва қайта тайёргарлик)

қайта ижтимоийлашув

**Шу асосда катталар таълими мактаб ўқувчилари таълимидан асосан учта жиҳат билан ажралиб туради:**

Малака ошириш учун ўқишга келган контингентнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги, яъни улар касбий фаолият билан шуғулланувчи маълум, билим, кўникма, малака ва тажрибага эга кишилардир.

Ўқитиш жараёни мақсад ва вазифалари мазмуни, катталар билан олиб бориладиган педагогик ишлар, услуб ва шаклларидаги ўзига хослик.

Катталар таълим “ташкilotлари” ва улардаги ўқув фаолиятининг шакл ва методларидаги ўзига хослик.

Ўз ўрнида катта тингловчиларнинг мактаб ўқувчиларидан психологик жиҳатдан фарқи шундаки, у ижтимоий етуқ, ишчи, ходим, мутахассис мақомига эришган, ижтимоий, психологик эҳтиёжларини аниқ англаган шахсдир. Унинг ўқув фаолияти кундалик дуч келаётган қийинчиликлари ва муаммоларини ечишга қаратилгандир.

Катталар таълимининг (андрагогик модел) мактаб ўқувчилари таълимидан (педагогик модел) психологик хусусиятлари бўйича фарқни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

	Педагогик модел	Андрагогик модел
Таълим олувчиларнинг ўзини англаши	Ўз-қилиш	Кўпайиб бораётган ўзини ўзи англашни ҳис қилиш

Таълим олувчиларнинг тажрибаси	Таълим олиш манбааларининг камлиги	Таълим олиш манбааларининг кўплиги
Таълим олувчиларнинг таълим олишга тайёргарлиги	Физиологик ривожланиш ва ижтимоий мажбуриятлар билан белгиланади	Шахсни ривожлантириш вазифалари билан белгиланади ва ижтимоий роллар билан алмашилади
Олинган билимлар қўлланилиши	Кейинга қолдирилган	Дарҳол
Таълим йўналганлиги	Ўқишга йўналтирилган	Муаммолар ечими
Таълимдаги психологик муҳит	Расмий ўқитувчининг йўналтирилган рақобатли обрўсига	Норасмий ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликдаги фаолиятга асосланган
Ўқув жараёнини режалаштириш	Ўқитувчи томонидан	Таълим олувчилар билан биргаликда
Таълим олувчиларни эҳтиёжини аниқлаш	Ўқитувчи томонидан	Таълим олувчилар билан биргаликда
Таълим мақсадларини белгилаш	Ўқитувчи томонидан	Таълим олувчилар билан биргаликда
Ўқув жараёнини ташкил этиш	Ўқув фанининг мазмун ва моҳияти мазмуний бирликлари	Таълим олувчиларнинг таълим олишга тайёргарлигига боғлиқ, муаммоли бирликлар
Ўқув фаолияти	Билимларни бериш технологияси	Таълим олувчиларнинг тажрибаларига асосланган ҳолда янги билимларни излаш ва ўзлаштириш технологияси
Баҳолаш	Ўқитувчи томонидан	Янги ўқув эҳтиёжларини ҳамкорликда аниқлаш, ўқув дастурига ҳамкорликда баҳо бериш



Катталар таълими самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.

Катталар таълими самарадорлигига турли хил омиллар таъсир кўрсади.

**Мотивацион омил.** Инсон мотивациясини ўрганиш дидактика, педагогика ва психологиянинг асосий муаммоларидандир. Катталар таълим мотивлари турини мезонлар асосида туркумлаш мумкин :

- кенг ижтимоий мотивлар (бурч, маъсулият, ўқитишнинг ижтимоий моҳиятини тушуниш). Аввало бу шахснинг таълим олиши, жамиятда ўз ўрнини топиши, ўз ижтимоий мавқеини белгилаб олиши;

- тор ижтимоий мотивлар – келгусида бирон- бир мансабни эгаллашга ҳаракат, атрофдагилар томонидан тан олиншига эришиш, ўз меҳнатига рағбат олиш.

- ижтимоий ҳамкорлик мотивлари (атрофдагилар билан муносабат йўллари билиш, ўз ташкилоти, ролини белгилаб олиш);

- кенг билиш (мотивлари билиш эҳтиёжларини қондириш, ўқув жараёни ёки унинг натижасидан завқланиш, аниқ бир фанларни ўзлаштириш).

Бу мотивлар психология ва амалий педагогикада ўз йўналиши ва мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ижтимоий
- билиш
- касбий
- эстетик
- коммуникатив
- анъанавий- тарихий
- уталитар амалий

Катталар таълимидаги қийинчиликлар ва қарама-қаршиликлар шундан иборатки, бугунги кунда фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши, шунингдек, маълумотларнинг кўпайиб бориши, ўн йил, ҳаттоки беш йил илгари ўзлаштирилган маълумотларнинг ҳозирда долзарб бўлмай қолганлигидан далолат беради. Айрим ҳолларда ўқувчи, талабадан фарқли ўларок, катта одам ўзининг айрим функционал саводсизлиги ва функционал вазифаларини бажара олмаслиги, таълим соҳасидаги ўзгаришлар бугунги кун эҳтиёжлари доирасида эканлигини тушунмаслиги асосида маълумотлар, далиллар олдида қуролсиз бўлиб қолади. Унга ҳатто ўз соҳаси юзасидан барча янги билимларни ўзлаштириши лозимлиги ҳам муаммодек туюлади. Катталар таълимининг ўзига хос маълум бир хусусиятларини аниқлаш мақсадида катталарга таълим берувчи андрагоглар ҳамда малака ошириш курси тингловчилари ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўровномада 98 нафар тингловчи, 40 нафар профессор-ўқитувчилардан иштирок этишди. Катталарга таълим берувчи профессор-ўқитувчилардан “Машғулот ўтказишингиздан мақсадингиз нима?” сарлавҳаси остида 4 та мақсад белгиланиб, шу мақсадларни аҳамиятига кўра тартиби билан белгилаб бериш сўралди. Жавоблар варианты қуйидагича эди:

1. Тингловчиларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини қондириш.

2. Билим, кўникма ва малака билан куруллантириш.
3. Янгликлар ва ўзгаришларга мослашишга ўргатиш.
4. Сертификат олишга тайёрлаш.

Тингловчилардан эса “Малака оширишга боришингиздан мақсадингиз нима?” сарлавҳаси остида мақсадларни тартиби билан белгилаб бериш сўралди:

1. Ўз маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини кондириш учун.
2. Ўз билим, кўникма, малакаларини мустаҳкамлаш учун.
3. Ўзгариш ва янгликларга мослашиш учун.
4. Сертификат олиш учун.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилардан ҳам “Ўз малакангизни ошириш учун ўқишга борсангиз асосий мақсадингиз нима бўлади?” сарлавҳаси остидаги мақсадларни тартиби билан белгилаб бериш сўралди.

Куйида катталарга таълим берувчи профессор-ўқитувчилар (андрагоглар) ва тингловчиларнинг жавоблари келтирилган.

Тингловчиларнинг таълим олиш эҳтиёжи ва институт профессор-ўқитувчиларининг таълим бериш мақсадларини ўрганиш бўйича қиёсий таҳлил

	ижтимоий-маънавий эҳтиёж	билим, кўникма, малака	адаптация	сертификат
Тингловчи	1-2-ўрин 77 %	3-4-ўрин 11,6 %	2-ўрин 10 %	4-ўрин 1,4 %
Профессор-ўқитувчилар	3-4-ўрин 6,3 %	1-2-ўрин 81,2 %	2-3-ўрин 12,5 %	4-ўрин -
Профессор-ўқитувчи тингловчи сифатида	1	3	2	4

Ўтказилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, тингловчиларнинг малака оширишга келиш эҳтиёжлари билан уларга таълим берувчиларнинг мақсадлари ҳар доим ҳам мутаносиб бўлмаслиги мумкин. Ўз навбатида, андрагог тингловчи позициясида бўлганида унинг таълим олиш эҳтиёжлари тингловчи позицияси эҳтиёжларига мос келади. Демак, андрагоглар тингловчиларнинг эҳтиёжларини тўла англаган ҳолда ўз фаолиятини олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Катта ёшдагиларнинг билиш мотивлари.

Билиш мотивлари эркаклар ва аёлларда турлича бўлади. Шунингдек, инсон ёш давларига мос равишда унда мотивларнинг бирон-бир тури устунлик қилади. Россия катталар таълими институт олимларининг натижаларининг таъкидлашича, 18-25 ёш қасб танлаш зарурияти, меҳнат фаолиятига мослашиш билан характерланади. Бу борада эркаклар ва аёлларда фарқ маъжуд. Эркаклар меҳнат фаолияти билан боғлиқ янги

маълумотларни олишни истайдилар. Шунингдек ,ўз карьералари учун зарур билимлар эгаллашни истайдилар чет тили, компьютер, иқтисод, меҳнатни ташкил этилиши, ҳамкасблар билан ўзаро муносабат масалаларига тегишли бўлган билимлар эракаларни кўпроқ қизиқтирадиган билиш соҳаларига қиради.

Диплом олингандан кейинги таълим мотиви бу иқтисодий шароитни яхшилаб олиш мотивидан кейин албатта касбий муваффақиятга эришиш, ижтимоий ҳурмат ва тан олишга эришиш бўлса аёлларда эса ўзини намоён этишга, ривожлантиришга нисбатан ҳаракат устунлик қилади. Инсоннинг ёши қанча катта бўлгани сари таълим жараёнига киришишда кўп қийинчиликлар, ички қаршиликлар юзага келади.

1. Психофизиологик қаршиликлар. Кундалик катталар ўз ўқиш лаёқатига нисбатан ички барьер юзага келади. Бу ёш ўтган сари англаш, эслаб қолиш, тушуниш бирмунча қийинлашади, деган фикрдир. Аслида инсоннинг бутун ҳаёти давомида уқувчанлиги сақланиб қолади. Фақат ҳар қандай ёшда билиш жараёнларининг турли хусусиятлари, турли мотивлар устунлик қилади. Агар катта киши ўзини ўқиш субъекти сифатида ўз хусусиятлари ҳақида билимларга эга бўлса бу таълим самарали бўлади.

2. Ижтимоий-психологик қаршиликлар. Кўп катталарга ўқувчи позициясида бўлиш жуда ёқмайди. Айниқса, бу бирор мансаб эгаси бўлса айниқса яққол билинади. Улар педагогик таъсир объекти бўлишга тайёр эмаслар.

3. Ижтимоий қаршиликлар. Ижтимоий жамият томонидан унинг янги таълим даражасида ҳам талаб этиладиган инсон бўла олмадлиги. Ўқишни фойдаси йўқ деб ҳисобланиши.

Шунингдек, андрагог тингловчида қандай мотивлар устунлик қилишини, уларнинг малака ошириш жараёнига муносабатларини кузатиш орқали ҳам аниқлаши мумкин.

Мотив эҳтиёж билан узвий боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Айни бир мотив бир неча эҳтиёжлар билан аниқланиши ёки, аксинча, эҳтиёж бир неча мотивлар билан аниқланиши мумкин.

Тингловчининг қизиқиши, талаб ва эҳтиёжлари ҳамда билиш даражаларига мос равишда курсларнинг тўғри танланиши ва ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритилиши, ўзгартиришлар киритилган дастурлар асосида тингловчилар алоҳида гуруҳларда ёки битта гуруҳ ичида таълим олишлари ташкил этилиши ўз-ўзидан катталар таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

### **11.3. Катталарнинг ёш хусусиятлари ва таълим олиш лаёқатлари**

Катталар таълимида уларнинг ёшларига хос хусусиятларини ҳисобга олиниши ҳам таълим самарадорлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Катталик даври ҳам бир неча даврларга бўлиниб, бу ўспиринлик, ёшлик, етуқлик, кексалик ва қарилик даврларидир..

18-30 ёшлик даври ҳисобланиб ,бу ўз ҳаёт йўлини, мақсадларини белгилаб олиш ва шу йўлда фаол ҳаракат қилиш давридир.

18-19 ёшлик – ҳар томонлама фаоллик. Ўз-ўзини тўлиқ қидириш, англаш. Ўзининг кейинги тақдирини белгилаб олиш. Бу бажариб кўриш, хато қилиш даври. Демак,қўллаб- кувватлашга муҳтож бўлган давр.

22-28 ёш – реал ҳаётга киришда ўз йўналишларини танлашга, белгилаб олишга ҳаракат қилиш, ўз ҳаётини мақсадларини белгилаб олиш;

Етуқлик 30-55-60 ёш ҳисобланиб, физиологик, психик ва ижтимоий жиҳатдан етуқ бўлган давр. Етуқлик инсоннинг кўп йиллик интеллектуал ва маънавий хусусиятлари унинг шахси асоси шаклланган ва рўёбга чиқадиган давридир. Бу давр кишининг ўзини шахс сифатида намоён этишга ҳаракат қилишининг натижаси ҳисобланади.

29-34 ёш – саволлар кризиси. Ўзи танлаган йўлларнинг тўғрилигидан ҳавотирлик ва айримларини тўғрилашга ҳаракат, фикрлар қарама-қаршилиги;

35-43 ёш – кечиктириб бўлмаслик кризиси. Ҳаётнинг кўп йўллари бўлганлигини англаган ҳолда касбий фаолиятда, шунингдек, шахсий ҳаётда мақсадлари билан қай даражада эришганлигини таҳлил қилиш;


44-50 ёш – барқарорликка эришишга ҳаракат. Ўз шахсий ҳаётини вазминлик билан идрок этиш, ўз ҳаёт мақсадларига эришиш учун жиддий ва тезкор ҳаракат;

50 ва ундан катта ёш – ақл ва мулоҳаза билан иш юритишга интилиш, ҳаётдан завқ олишга эришиш, юмшоқлик, вазминлик.

Кексалик ҳаётнинг мазмунини, қадрини тушунадиган, ўзҳаётдан меҳнатининг ҳосилини йиғадиган давр. Ўзининг билим ва тажрибаларини баҳолайдиган ва уларни бошқаларга ўргатадиган давр муаммоси.

Кексаларни ўқитиш дунё микёсида ҳам катта аҳамиятга эга масаладир. Чунки бутун дунёдаги ривожланган мамлакатларда умумий халқнинг 3/1 қисмини кексалар ташкил этмоқда. Бу давр донолик даври ҳисобланади. Атрофдагилар учун билим ва тажриба манбаидир. Кўп ривожланган мамлакатларда кексалар учун академиялар, университетлар, курслар мавжуд.

### Андрогогик таълимни қўллашда ёш критериялари



Катта ёшдаги ҳар бир инсон ўз эҳтиёж ва мотивларидан келиб чиққан ҳолда ўз билимларини ошириб, малакаларини ривожлантириб боришга эҳтиёж сезади.

Ёш ўтган сарй катта одамда таълим олишга нисбатан лаёқат камайиб бормайдими? Олинган билимларни керакли ҳажмда ва темпда ўз фаолиятига қўлай оладими?

Аслида табиат киши ҳаётининг барча даврларда атроф ҳаёт, бошқа одамлар билан боғлиқ информацион- таълимий ўз муносабатида бўлиши учун зарур бўлган барча биологик ва нейрофизиологик шарт-шароитларни яратган. Киши турли ёшида олаётган билимлари самарали бўлиши учун уларга албатта тафаккур жараёни керак бўлади. Б.Г.Ананев, Л.И.Анциферова, Ю.Н.Кулюткин, В.С.Ротенберг, Е.Н.Степанова, Г.С.Сухобскаяларнинг кўп йиллик ўтказган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, тафаккур инсон ҳаётининг барча даврларида фаоллигини йўқотмайди, лекин унинг структурасида, тизимида маълум бир катталар таълими билан шуғулланувчи инсонлар билиши керак бўлган ўзгаришлар содир бўлади.

18-25 ёшгача кишиларда образли ва вербал тафаккур устунлик қилади. Амалий тафаккур асосан 21 ёшдан вербал ва образли тафаккурнинг ривожланганлик даражасига етиб олади ва 27-28 ёшларда эса улар ривожланишда амалий тафаккур вербал ва образли тафаккурдан ўтиб кетади. 30-40 йилларга яқин образли тафаккур янада ривожланади. 40 ёшга яқин ўзида шаклланган интеллектуал тизимни ўз меҳнат фаолияти табиати ва хусусиятлари бўйича тадбиқ эта олади. 40 ёшдан 55 ёшга одатда амалий тафаккурда пасайиш кузатилади унинг фаоллиги образли ва вербал мантикий шаклларга тенглашади. Таъкидлаш мумкинки, 50 ёшдан кейин вербал тафаккур образли тафаккурдан устунлик қилади.

Инсон ҳаётининг 34-35 ёшларида ва 45-50 ёшларида хотиранинг нисбатан пасайиши кўзга ташланади. Лекин инсон организмнинг имкониятлари, кучли мотивация, ўз ёшига хос лаёқатлар динамикасининг ҳисобига катта инсон муаммоларини бартараф эта олади, ўзгаришларни ҳал эта олади. Катта бўлган сарй информацион талаблар, муаммоларни ҳал эта олади. Соғлиқ, маданият, оила 40 ёшгача иккинчи ўринни эгаллайди. Бу ёшдаги аёлларда эса касбий фаолият бўйича талабларидан зарурий билимларни олиш эҳтиёжларидан ташқари соғлиқ ва оила масалалари бўйича билимларни эгаллаш эҳтиёжи юқорироқ ўринни эгаллайди. Бу ҳолат уларда 35-40 ёшгача давом этади.

40 ёшдан бошлаб эса эркакларда ҳам соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича қўшимча маълумотларга эга бўлиш эҳтиёжи чиқади. Эркакларда 2-ўринда касбий фаолият бўйича билимларга қизиқишлари сақланиб қолса, бу қизиқиш аёлларда 41-55 ёшда 4-ўринга 56 ёшда эса охириги ўринга тушади.

Катталарнинг таълим олиш лаёқатлари андрагог фаолиятининг психологик жиҳатдан ташкил эта олинганлигига ҳам боғлиқ. Самарадорлик кўрсаткичлари катталар аудиториясининг профессор-ўқитувчига нисбатан ишончи ва очиқлиги; тингловчиларнинг ишга жалб этилишининг юқори

даражаси; машғулот давомида билиш фаолликларининг қатъийлиги; тингловчилар орасида юзага келувчи самимий психологик муҳит; тингловчиларнинг бир-бирига ҳамда маърузачи-тренерга ёрдам сўраб самимий мувожаати; таълим жараёнида бирон-бир тингловчида юзага келувчи муаммо ва қийинчиликларга ижобий муносабат; машғулот давомида тингловчиларнинг ҳамкорликда муҳокама қилиш учун ўз муаммоларини изҳор эта билишлари; тингловчиларнинг ўз нуктаи назарини эркин баён эта билишлари; ҳамкорликдаги фаолиятнинг ўрнатилганлиги; андрагог шахси ва унинг касбий нуктаи назарига (позициясига) бўлган ҳурмат ва қизиқиш; маърузачи-тренер (андрагог) ўқитувчи фикрига кўшилиш истаги; катталар таълими тажрибаларининг таълим соҳасига киритилиши натижасида таълим мазмуни самарасининг намоён бўлиши; таълим натижасига қараб касбий ва шахсий муаммоларининг ҳал этилиши имконияти; тингловчининг таълим натижаларидан қониқиши; тингловчиларнинг таълим якунидан сўнг ўзаро алоқаларни давом эттириш истагининг юзага келишида намоён бўлади, ҳамда бу хусусиятлар андрагогиканинг муҳим жиҳатларидир. Демак,

- андрагогик билимлар таълим жараёни, мақсад ва вазифаларини тўғри белгилашда, таълим технологияларини тўғри қўллашдагина яхши самара беради;

- тингловчиларнинг ёш хусусиятларини ва уларнинг эҳтиёжларини билган ҳолда таълим бериш таълим сифатини оширишга ва кўзланган натижаларга эришишга хизмат қилади;

- малака ошириш жараёнида андрагогик билимлар қўлланилаётган янги таълим шакллари мазмун ва моҳиятини тўғри аниқлаш ҳамда тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Малака ошириш жараёни самарадорлиги тингловчининг шахсий фаоллигига ҳам боғлиқдир.

Фаоллик қуйидаги компонентларга эга:

- ўқув топшириқларини бажаришга тайёр туриши;
- мустақил фаолиятга ҳаракат;
- вазифаларни онгли бажариш;
- ўқишдаги узвийлик;
- ўз шахсий даражасини оширишга ҳаракат.


Самарадорлик тингловчининг малака ошириш давомидаги мустақил таълим олишларига ҳам боғлиқ: мустақил таълим қуйидагилардан иборат.

- кутубхонада ишлаши;
- интернетдан фойдаланиши;
- ўзаро тажриба алмашиши;

мустақил равишда курсдан кейинги таълим дастур мазмунини танлай билиши. Тингловчида малака оширишга нисбатан ижобий мотивнинг шаклланганлиги. Катталар таълим жараёни самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан яна бири марказда психологик хизматнинг ташкил этилишидир. Ўқитувчига психологик хизмат уларнинг:

- психологик онглари ошишига;
- ўзликларини таҳлил этиш ва англашга;

- ўз шахсий муаммоларини ҳал этиш йўлларини белгилаб олишларига;



- ўзларига нисбатан ишончни орттиришга;
- қатъийлашган ҳаётий қарашларининг ўзгаришига;
- психологик ва педагогик хизмат ҳақидаги тушунчаларини кенгайтишига;

- қийин ва муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини билишга; самарали мулоқот йўлларини билиш ва ҳоказоларга ёрдам беради.

Катталар таълимини ташкил этишда уларнинг ёшларига хос психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, катталар таълими принципларига амал қилиш андрагогика самарадорлигининг муҳим омили ҳисобланади.

### 11.4. Катталар таълимининг принциплари

**1. Мустақил таълимнинг устувор бўлиши.** Катта ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ўқув ишларининг асосий тури бўлиб ҳисобланади. Мустақил фаолият деганда бу борада ўқув фаолияти сифатида мустақил ишларни бажарилиши эмас, балки ўз ўқув жараёнини мустақил равишда ўзи ташкил этиши тушунилади.

**3. Ҳамкорлик фаолияти принципи.** Ушбу принцип ўқувчи ва ўқитувчининг, шунингдек бошқа ўқувчилар билан ўқув жараёнини режалаштириш, тадбиқ этиш, баҳолаш ва коррекция қилиш бўйича

ҳамкорликдаги фаолияти тушунилади.

**4. Катта ўқувчининг тажрибасига таяниш принципи.** Бу принципга кўра ўқувчининг ҳаётий тажрибаси ўзи ва ўртоқлари таълимнинг асосий манбааси бўлиб ҳисобланади.

**5. Таълим индивидуализацияси.** Бу принципга мувофиқ ҳар бир ўқувчи ўқитувчи билан айрим ҳолатларда бошқа ўқувчилар билан аниқ бир ўқув эҳтиёжлари ва мақсадларига йўналтирилган, ҳар бир ўқувчининг тажрибаси, тайёргарлик даражаси, психофизиологик, когнитив хусусиятларини ҳисобга олинган ўқишнинг индивидуал дастурини тузади.

**6. Таълимнинг тизимлилиги принципи.** Ушбу принцип таълимнинг мақсади, мазмуни, шакли, методлари, воситалари ва таълим натижаларини баҳолашнинг ўзаро боғлиқлигини назарда тутади.

**7. Таълимнинг қонтекстлиги.** Шунга кўра таълим принципи бир томондан ўқувчи учун ҳаётий муҳим бўлган мақсадларни назарда тутиб, улар томонидан ижтимоий ролларни бажаришни ёки шахсларини шакллантирилишига йўналтирилган бўлса, иккинчи томондан ўқувчиларнинг касбий, ижтимоий, маиший фаолиятлари ва уларнинг мақоний, вақтли, касбий, маиший омилларини ҳисобга олган ҳолда бажаришга йўналтирилган.

**8. Таълим натижаларининг актуализацияси принципи.** Ушбу принцип ўқувчилар томонидан эгалланган билимлар, кўникма, малакаларни дарҳол ҳаётга жорий этишни назарда тутади

**9. Таълимнинг элективлиги принципи.** Бу принцип ўқувчиларга ўқиш мақсади, ўқиш мазмуни, ўқиш шакли, методлари, манбаалари,, муддати, вақти, жойи, таълим натижалари ҳамда ўқувчиларнинг ўзларини ҳам баҳолаш бўйича маълум бир эркинликни берилишини кўзда тутади

**10. Таълим олиш эҳтиёжларини ривожлантириш принципи.** Бу принципга мувофиқ, биринчидан, таълим натижаларини баҳолаш ўқувчи томонидан ўзлаштирилган ўқиш мақсадларига уларсиз эришиб бўлмаслигини англанган реал ўқув материали даражасини аниқлаш орқали, иккинчидан, ўқиш жараёни ўқувчиларда янги таълим эҳтиёжларини шакллантириш мақсадини кўзда тутган ҳолда ташкил этилади.

**11. Ўқишни анланган бўлиши принципи.** Бу принцип ўқувчи ва ўқитаётган киши томонидан ўқиш жараёни барча параметрларини ва ўқиш жараёнини ташкил этиш бўйича ўз хатти-ҳаракатларини англаб олишни билдиради.

Шундай қилиб, ўқитишдаги андрагогик принциплар ўқишнинг андрагогик модели сингари ўқитишнинг педагогик принциплари ва ўқитиш моделидан тубдан фарқ қилади. Лекин шуни таъкидлаш мумкинки, дарс беришнинг педагогик принципларидан катталар таълими соҳасида ҳам фойдаланиш мумкин. Педагогик моделда ўқувчи тўлиқ ҳолда ўқитувчига қарам бўлади ўқитувчи ўқувчига нимани ўрганиш керак, қандай ўрганиш кераклигини, яъни таълим мақсадини, мазмунини ва таълим натижаларини белгилаб беради.



## 11.5. Катталар ўқув жараёнининг ташкил этилиши

Самарадорлик ўқув жараёнининг шахсга йўналтирилган таълим асосида ташкил этилганлигига боғлиқ.

Ривожлантирувчи таълим. Малака ошириш жараёнидаги шахсга йўналтирилган таълим тингловчининг мавжуд билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олган ҳолда потенциал имкониятларини юзага чиқариш, асосида амалга оширилади.

Шахсни ривожлантириш, жаҳон стандарти талабига жавоб берадиган, ўзига, бошқа инсонга, жамиятга, давлатга, табиатга ва меҳнатга ўзининг тўғри муносабатини билдира оладиган, мустақил фаолият юрита оладиган, ижодкор, тадбиркор шахсни тайёрлаш, мустақил ишлашга, ўз-ўзини тарбиялашга шароит яратиш мақсадида амалга оширилади.

Мазкур таълим жараёнида муаммоли, қисман изланувчан, ахборот-репродуктив, интерфаол методлар қўлланилади.

Муаллим андрогогнинг шахсни ривожланиш психологияси бўйича билимларни билиши ва улардан ўз фаолиятларида фойдаланиши, ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш учун тингловчиларнинг академик, дидактик, ижтимоий - психологик эҳтиёжларини билиши ва шу эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда машғулотларни ташкил қилиши, малака ошириш учун келган тингловчилар билан ўзаро ижобий муносабатларни ўрната олиши, андрогогик таълим технологиялари ва ўқитиш шакллари билиши, машғулотлар давомида умумий ва шахсга йўналтирилган қоидаларни ишлаб чиқа билиши ҳақида ҳам ўз тавсияларини бериши жуда муҳим.

Мазкур жараёнда профессор ўқитувчи:

- ўқув жараёнини тўғри ташкил эта билиши;
- андрогогик билимларга эга бўлиши;
- замонавий таълим технологияларини билиши;
- мулоқотчанлик хусусиятига эга бўлиши лозим.

Буларнинг барчаси малака ошириш жараёнини тўғри бошқаришда асос бўла олади.

VI. Андрогогнинг таълим жараёнини тўғри ва оқилона бошқара олиши ҳам ўқитувчи шахси камолотида ниҳоятда аҳамиятли. Ўқув жараёнини бошқаришнинг бир неча функциялари мавжуд.

Бу борада андрагог бошқаришнинг функцияларини яхши билиши ва бу функцияларни амалга ошириши лозим. Бу функциялар қуйидагилардан иборат:

**Биринчи функция:** ташкилий функция бўлиб, у ўз ичига ўқув жараёнини тўғри ташкил этишни ва бунинг учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг яратилишини олади.

**Иккинчи функция:** бевосита ўқитувчининг қизиқиши ва талабларини қондиришга йўналтирилган ҳолдаги ижтимоий функциядир. Шунингдек, бу функция ўқитувчилардаги кўтаринкилик, яхши кайфият ва ўқув жараёнидаги ишчанликни юзага келтиришни ўз ичига олади.

Афсуски, кўп йиллар давомида бошқаришнинг ана шу ижтимоий функциясига умумий ўрта мактаблар таълим- тарбия жараёнига, шунингдек малака ошириш жараёнига ҳам жуда кам эътибор берилди. Ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари ва кайфиятларига иккинчи даражали деб қаралди. Ҳаёт бу қарашнинг нақадар нотўғри эканлигини исботлаб берди.

Бошқарувнинг **учинчи функцияси** ижтимоий-психологик функциядир. Бу функция ўқитувчиларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур бўладиган ижтимоий-психологик ҳолат ва хусусиятларни ўқитувчиларнинг ўзаро бир - бирларини назорат қилишлари, ўз-ўзларини бошқаришлари, шунингдек, мустақил таълим олишларини ривожлантиришга йўналтиришдан иборат.

Умуминсоний ҳамда алоҳида касбий эҳтиёжлар даражаси ҳар бир ўқитувчида табиий хилма- хилдир. Бундай шароитда малака ошириш тингловчиларда ўз вазифаларини бажариш сифатини оширишга нисбатан хоҳиш ва кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ташаббус ва ижодкорликларини, ўз- ўзига ишониш, ўз-ўзини бошқариш ва масъулият ҳиссини узлуксиз ривожлантирувчи маънавий-психологик муҳитни яратиш ниҳоятда муҳимдир.

Малака ошириш марказларида фаолият кўрсатувчи ҳар бир педагог курс тингловчиси, ҳар бир гуруҳ қалбига йўл топиши, уларнинг юзага чиқмаган имкониятларини очиб бериши, ўз-ўзини намоён этишига ёрдам берувчи муҳитни яратиши, улар ўқув фаолиятининг самарали бўлишига эришишида ниҳоятда зарурдир. Бунинг учун малака ошириш тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар, ўз билим ва малакаларини ошираётган тингловчиларнинг ўқув фаолиятини бошқаришда қуйидагиларга амал қилишлари лозим:

**Англаш** – тингловчининг, гуруҳнинг, жамоанинг ички руҳий эҳтиёжларини, бошқарув вазиятларини ўқув жараёни давомида тингловчиларда юзага келаётган ўзгаришларни англаш.

**Ташҳис қилиш** – тингловчи ва унинг фаолият йўналишларини олдиндан била олиш. Ўқув жараёни давомида фойдаланиш учун танланган услубларининг таъсири ва самарасини олдиндан кўра олиш.

**Лойиҳалаштириш** – педагог ўзи ўқитаётган фаннинг миссияси, мақсад ва вазифаларини тўлиқ англаб олиши, ўқув фаолияти ҳамда ўқув жараёнини лойиҳалаш.

**Коммуникатив-информацион** – энг янги илмий, услубий маълумотлар ва уларни тингловчиларга етказиш йўллари топиш ва уларни бир тизимга солиш. Ўқув жараёни давомида тингловчилар билан узвий, кенг қамровли, мақсадга йўналтирилган мулоқотни ўрнатиш.

**Мотивация** – тингловчилар фаолияти йўналишини белгиловчи ва уларни фаоллаштирувчи ички ва ташқи шароитлар бирлигига самарали таъсир этувчи кучларни аниқлаш ва сингдириш.

**Бошқариш** – ўқув фаолияти давомида тингловчининг ўқув материалларини ўзлаштириши бўйича масъулиятни ўз бўйнига олиши, ўқув жараёнини маҳоратли бошқариш.

**Ташкил этиш** – белгиланган мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишни ташкиллаштириш.

Тингловчиларга ўзининг ўқув ва ижодий фаолият натижаларидан лаззатланиш ва ўз-ўзидан қониқиш ҳиссини бериш.

**Ривожлантирувчи** – ўқитувчи шахсига психологик таъсир кўрсатиш.

**Баҳолаш** – ўқув фаолиятининг талаб ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларнинг тингловчилар билим, кўникма ва малакалари билан мувофиқлик даражасини аниқлаш. Ўқитувчига ўз-ўзини баҳолаш имкониятини бериш.

**Назорат** – ўқув фаолияти давомида эришилган натижаларни белгиланган мақсад билан таққослаш.

**Коррекция** – ўқув фаолиятини бошқарувчи мақсад ва ўқитиш дастурига керакли ўзгартиришлар киритиш.

Малака ошириш тизимида хизмат қилаётган педагоглар ана шу кўрсатилган 12 та кўрсаткични тўлиқ эгаллаган ва ўқув жараёнида маҳорат билан қўллай олган тақдирдагина уларнинг фаолиятлари ижобий психологик самара беради..

Мамлакатимизда янгиланган таълим мазмунини жорий этишда ўқитувчи мактабдаги асосий шахс ҳисобланади. Шундай экан, у зарур касб маҳорати ва назарий билимларга эга бўлмоғи шарт. Ўқитувчилар малака ошириш курсларидан уларни қизиқтирган, ўйлантирган барча муаммоларни ҳал қилиб кетишлари керак. Бизга маълумки, институтимизда 20 га яқин мутахассисликка эга бўлган ўқитувчилар келиб малакасини оширадilar. Уларнинг ҳар бири ўзига хос қизиқиш, эҳтиёж талаб ва ўз-ўзидан маълум шахсий психологик хусусиятларга эга бўладилар.

Тингловчиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини асосан қуйидаги тўртта йўналиш бўйича ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир, яъни:

А) ўқув жараёнини ташкил қилиш ва олиб борилишига нисбатан бўлган қизиқиш ва эҳтиёжлар (талаблар);

Б) маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилишига нисбатан бўлган қизиқиш ва эҳтиёжлар (талаблар);

В) ўз шахсий психологик хусусиятларини ўрганишга нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжлари;

Г) тингловчиларнинг ўз устида мустақил ишлаши, илмий йўналиши бўйича қизиқиш ва эҳтиёжларини (талабларини) ўрганиб чиқиш.

**Муаммоли методнинг** моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир. Бу методни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин:



Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият», «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади. Чизмадан англанадики, муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб, ўзида субъектнинг аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди, уни бартараф этиш янги билимлар, усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўлларини излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса, шубҳасиз, муаммоли вазият ечимини у қабул қилмайди, яъни, муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятини тушуниб етилиши, ифодаланиши, мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланоқ бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади, бироқ, барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайдир параметрлари кўрсатилса, у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топириқ маълум муаммони, демак, муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса, уни муаммоли масалага айлантиради, яъни, унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда у бошқа кўрсаткичларни қидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда андрагог ва тингловчи томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Андрагог фаолиятининг тузилмаси	Тингловчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқув материалга оид тафовутларни таклиф этилиши;</li> <li>- муаммоли вазиятларни тузиш;</li> <li>- муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш;</li> <li>- муаммоли топшириқларни лойиҳалаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқув материали амалий моҳиятининг англаб этилиши;</li> <li>- муаммоли вазият юзасидан фикрлаш;</li> <li>- мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш;</li> <li>- муаммоли масалага тадбиқ этиш;</li> <li>- топшириқни бажариш</li> </ul>

Тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда андрагог тингловчи билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади, тингловчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни мавжуд билимлар орасидан саралайдилар ва етишмаётган зарурий билимларни аниқлаб уларни ўзлаштирадилар. Масаланинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайдилар. Масалани ечиш давомида тингловчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш бўйича мавжуд кўникма ва тажрибаларини мустаҳкамлайдилар.

Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда андрагог ва тингловчи томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Андрагог фаолиятининг тузилмаси	Тингловчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқувчиларга ўқув муаммосини таклиф этиш;</li> <li>- ўқувчилар билан ҳамкорликда тадқиқот масаласини ўрнатиш;</li> <li>- ўқувчиларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқув муаммоларининг амалий моҳиятини англаб олиш;</li> <li>- тадқиқот муаммосини андрагог ва тингловчи билан биргаликда ўрнатишда фаоллик кўрсатиш;</li> <li>- уларни ечиш усулларини мавжуд тажрибаларига асосланган ва таққосланган равишда топиш;</li> <li>- тадқиқий масалаларни ечиш усулларини мустаҳкамлаш</li> </ul>

Эвристик ва тадқиқотчилик методлари тингловчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларини намоён этишни тақозо этади. Бунинг натижасида тингловчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда тингловчиларнинг мавжуд билим ва кўнималарини ҳисобга олган ҳолда маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлар тингловчиларнинг ўз фаолиятларига доимий равишда янгича ёндашув билан қараш кўникмаларини мустаҳкамлайди. Чунки катталар таълимини фаол жорий

этишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат амалга ошириладиган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

**Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Андрагогика тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Катталар таълимнинг асосий функциялари нималардан иборат?
3. Катталар таълими мактаб ўқувчилари таълимидан қандай жиҳатлари билан фарқ қилади?
4. Катталар таълими қандай принципларга амал қилади?
5. Катталарнинг ёш хусусиятлари ва таълим олиш лаёқатлари ўртасида қандай боғлиқлик бор?

## АДАБИЁТЛАР

1. Амонашвили Ш.А. Обучение. Оценка. Отметка. –М., 1980.
2. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды. :В 2 т.-М. 1980.Т 2.
3. М.Г. Давлетшин ва бошқалар "Ёш даврлар ва педагогик психология" Т.ТДПУ. 2009.
4. М.Г. Давлетшин. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. "Педагогика ва психология" (илмий оммабоп серия). Т., Низомий номидаги ТДПУ, 1999/1.
5. Зимняя И.А. Педагогическая психология: Учебник для вузов. Изд. второе, доп., испр. и перераб. - М.: Логос, 2002.- 384 с.
6. Каримова В.М., Суннатова Р.И., Тожибаева Р.Н. Муस्ताқил фикрлаш. - Т.: Шарқ. 2000. - 111 б.
7. В.А. Крутецкий. "Педагогик психология асослари". –Т.: Ўқитувчи. 1976
8. Немов Р.С. Психология: Учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3 кн. – 4-е изд. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2003.-Кн.2: Психология образования.
9. Нишанова З.Т. Муस्ताқил ижодий фикрлаш. –Т. Фан. 2003.
10. Петровский. А.В. Ёш психология ва педагогик психология. i.М. 1979
11. Самарин Ю.А. Очерки психологии ума.-М.: Изд-во АПН РСФСР, 1962.-493 с.
12. Суннатова Р.И. Саморегуляция мыслительной деятельности.-Т.: Шарқ, 1998. - 83 б.
13. Фридман Л.М., Кулагина И.Ю. Психологический справочник учителя.-М.: Просвещение, 1991.
14. Халперн Д. Психология критического мышления. Питер. 2000. –512 с.
15. Эльконин Д.Б., Давыдов В.В. Возрастные возможности усвоения знаний. -М: Просвещение, 1966.-442с
16. Фридман Л.М., Кулагина И.Ю. Психологический справочник учителя.-М.: Просвещение, 1991.

## ГЛОССАРИЙ

**Авторитаризм** - буйруқ асосидаги талабларга ўйламасдан кўр-кўрона бўйсуниб.

**Акселерация** – болалар ва ўсмирларда олдинги авлодга нисбатан бўй нисбати ва жинсий тараққиётнинг тезланиши, жадаллашиши.

**Андрагогика** - катталар таълимини ташкил этиш масалалари билан шуғулланади.

**Асаб тизими** – ҳайвон ва одам организмнинг барча функцияларини ўзаро ҳамда ташқи муҳит билан тўғирлаб, уйғунлаштириб турувчи аъзолар тизими. У организмнинг ички муҳитида рўй берадиган ўзгаришлар ва ташқи муҳит таъсирида кўзғалиб, турли аъзоларга таъсир этган ҳолда уларнинг фаолиятини кучайтириб ёки сусайтириб туради.

**Ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич шаклланиши назарияси** - рус психологи П.Я.Гальперин томонидан ишлаб чиқилган ва унинг шогирдлари томонидан ривожлантирилган таълимот бўлиб, билим, кўникма ва малакалар шаклланишининг умумий психологик асослари босқичма-босқич маълум дастур асосида ривожланади.

**Ахлоқ** - шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий ҳуққ қоидалари.

**Билиш** – психик акс эттириш жараёни, билимларни эгаллаш ва уни ўзгартиришни таъминлайди.

**Бине** – Симон тести – болалар ақлий ривожланиш усули. Француз психологлари Бине ва Симон томонидан ишлаб чиқилган. Улар илк бор экспериментал психологияга асос солишган.

**Биографик метод** – одамни унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар орқали ўрганиш усули.

**Биринчи сигнал тизими** – нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир этиши натижасида бош мия ярим шарлари қобиғида ҳосил бўладиган шартли муваққат нерв боғланишлари. У сезги ва идрок турларида намоён бўлади.

**Борлиқ** – объектив оламнинг онгдан ҳоли бўлган ҳолда мавжудлигини билдирувчи фалсафий тушунча.

**Бош мия** – марказий нерв тизимининг олд қисми бўлиб, у бош мия қобиғида жойлашган олий нерв тизимининг моддий асоси. Бош миянинг ўртача оғирлиги 1470 г.

**Бош мия катта ярим шарлари** – бош миянинг икки палласи. Унинг устки қисми учун чуқур бўлмаган ўнқир-чўнқирлардан иборат. Бош мия катта ярим шар орқа, олд, ён, оролча, орқа умурткаларга бўлинади. Мия нерв катаклари нейронлардан иборат бўлиб, икки катта ярим шарлар пўстлоғини ташкил этади. Миядаги оқ суюқлик нейрон ўсимталаридан таркиб топиб, мия йўллари кўрсатиб туради.

**Бошқариш** - табиатнинг турлича бўлган (биологик, ижтимоий ва техник, тизимлари) функцияларини, уларнинг ишини ташкил қилиш, мақсад ва дастурларини амалга оширишга қаратилган жараён.



**Вербал ўрганиш** - инсоннинг янги тажрибани тил орқали ўзлаштиришидир. Бундай ўрганиш натижасида инсон нутқни эгаллаган бошқа одамларга, билим, кўникма ва малакаларни узатиши мумкин.

**Викар ўрганиш** - бошқа одамлар хулқ-атворини тўғридан-тўғри кузатиш орқали ўрганиш бўлиб, унда инсон кузатилаётган хулқ-атвор шаклларини ўзлаштиради. Вегетатив нерв тизими – нерв тизимининг организм ички аъзолари фаолиятини ва модда алмашинувини бошқариб турадиган бир қисми. Вегетатив нерв тизими марказий нерв тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, бу бош мия қобиғи томонидан бошқарилади. Вегетатив нерв тизими симпатик ва парасимпатик нервлар деб аталувчи икки қисмга бўлинади.

**Генезис** – бирор бир ҳодиса ёки нарса ривожланиши жараёнининг қонуниятларини акс эттирувчи тушунча.

**Генетик метод** – психик ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг куйидан юқорига қараб ривожланиши жараёнини ўрганиш усуллари.

**Генотип** – ота- онадан фарзандга ўтадиган генлар мажмуи, ирсий асоси.

**Геронтопсихология** – психология тармоғи, қариллик даври психологиясини ўрганеди.

**Гештальтпсихология** – ҳозирги замон чет эл психология мактабларидан бири бўлиб, XX асрнинг 30 – йилларида Олмонияда бунёдга келган. Булар мураккаб психик воқеликни тушунтириш учун ҳодисаларнинг бир бутунлигини асос қилиб оладилар. Асосчилар М.Вертхеймер, В.Кёлер, Н. Коффка.

**Етакчи фаолият** – фаолият турларидан бири бўлиб, бунда маълум давр ичида шахс сифат жиҳатидан ўзгариб шаклланади. Масалан, боғча ёши давридаги ўйин фаолияти.

**Зехн** – нерв тизимининг баъзи генетик назариялари анатомик-физиологик хусусияти бўлиб, у кишида қобилиятлар таркиб топиши ва ривожланишининг дастлабки индивидуал туғма табиий заминидир.

**Идеал** - бирор нарсанинг намунаси, айрим одам ёки гуруҳ хатти-харакатлари ва интилишини белгиловчи олий мақсад.

**Ижтимоий ўрганиш назарияси** – инсон томонидан ҳаётий тажрибани эгаллаш жараёни ижтимоий таъсирлар ва улар билан боғлиқ мустаҳкамлаш ва жазолаш асосида амалга ошади деб тушунтирувчи ижтимоий психологик назария.

**Импринтинг** - қандайдир хулқ-атвор шаклини махсус ўргатилмасдан, туғилиши биланоқ ўзлаштириш.

**Интерференция** - малакалардаги салбий таъсир бўлиб, бунда эски малака янгисининг шаклланишига ҳалақит беради

**Истеъдод** - шахс қобилияти ривожининг юқори даражаси.

**Идентификация** – шахснинг ўзини ўзга одам билан эмоционал ва бошқа томондан тенглаштириши.

**Конформлик** – индивиднинг гуруҳ фикрларига ташки томондангина қўшилиб, ички томондан эса қўшилмай ўз фикрида қолиши, гуруҳга онгли равишда мослашиши.

**Кузатиш** — психик хусусиятларни узоқ вақт давомида, планли, бирор мақсад асосида ўрганиш

**Кузатувчанлик** – шахс хусусиятларидан бири, у кишининг идрок қилиш жараёнида нарсаларни камдан-кам учрайдиган аммо муҳим томонларини пайқай олишида намоён бўлади.

**Кўникма** - олдинга қўйилган мақсад ва хатти-ҳаракат шароитидан келиб чиқадиган муваффақиятли ҳаракатлар усулларини танлаш ва амалга ошириш учун мавжуд билимлар ва малакалардан фойдаланишдир. Кўникма экстериоризация қилишни – билимларнинг жисмоний ҳаракатга муҷассамлашувини тақозо этади.

**Лаёқат** – нерв тизимининг баъзи ирсий детерминлашган анатомик-физиологик хусусияти. Одамда қобилиятлар таркиб топиши ва ривожланишининг дастлабки якка, туғма, таббий заминидир.

**Лонгитюд тадқиқот** – текширилувчиларни узоқ муддат ва доимий равишда ўрганиш. Лонгитюд тадқиқот одамдаги индивидуал ва ёш даврлардаги ўзгаришларни қайд қилади

**Малака** - машқ қилиш жараёнида иш ҳаракатлар бажаришнинг автоматлашган усуллари.

**Мажбурият ёки жавобгарликни ҳис қилиш** – эркинликнинг қарама-қарши жиҳати бўлиб, бу шахснинг манфаатларига хизмат қилади.

**Майл** – шахс қизиқишлари ва фикрларининг бирор фаолият билан шуғулланишига жалб этилганлиги. Майл шахсда кучли истак, хоҳиш тарзида намоён бўлиб, бажо келтирилганда одамга мамнуният бахш этади.

**Маҳорат маданияти** - ҳар бир тадбирни зўр қувончли қалбдан ташкил қилиш.

**Маънавий маданият** - талабаларнинг ижодий, маънавий, бадий фаолиятини ташкил қилишдир.

**Метод** – билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.

**Микдорий таҳлил** – моддалар хусусиятининг тузилишини микдорий жиҳатдан аниқлаш методларининг йиғиндиси

**Мотив** - инсон хулқ-атворининг ички барқарорлиги, ҳаракатга ундовчи куч, сабабдир.

**Мотивация** эса хулқ-атвори психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни, мотивлар йиғиндиси бўлиб, унга ташаббус, йўналганлик ташкилотчилик, қўллаб-қувватлаш қиради.

**Муаммоли вазият** - билиш эҳтиёжии қондиришда тафаккур қилиш шарт бўлган психологик вазият.

**Муаммоли таълим** - ўқувчининг фаоллигини оширишга қаратилган ва ўқитувчи томонидан ташкил қилинадиган ўқитиш усули.

**Муҳит** – организм туғилган, ривожланадиган ва яшайдиган ташқи омиллар, шароитлар ва объектлар мажмуаси.

**Негативизм** – болалар психологиясида атрофдаги кишиларга нисбатан боланинг сабабсиз қршилик кўрсатиши. Негативизм икки хил бўлиб, пассив – таклиф қилинган фаолиятнинг бола томонидан бажарилмаслиги. Фаол – шахсий негативизм – болаларнинг қарама-қарши характерга эга бўлган фаолиятни бажариши.

**Нутқ** - одамларнинг тил воситаси билан алоқа қилишининг тарихан таркиб топган шакли.

**Одатлар** - бу кундалик фаолиятда кўп такрорланиши натижасида автоматлашган ва бажарилиши шахснинг функционал эҳтиёжига айланиб кетган ҳаракатлардан иборат индивидуал хислат.

**Онг ва фаолият бирлиги** – психологиянинг онг билан фаолиятнинг бирлиги, унинг ўзаро боғлиқлигини эътироф этувчи ғоя.

**Онтогенез** – организмнинг индивидуал ривожланиши. Тирик мавжудотнинг пайдо бўлган даврдан то охиригача бўлган даврдаги ўзгаришлар мажмуи

**Операнг ўрганиш** - билим, кўникма ва малакалар синаб кўриш ва хато қилиш методи орқали ўрганилади. Индивид дуч келадиган вазиятлар унда турли инстинктив, шартсиз, шартли реакцияларни вужудга келтиради. Организм кетма-кет амалда масалани ечиш учун ҳар бирини синаб кўради ва бунда автоматик равишда эришилган натижани баҳолайди.

**Педагогик психология** – таълим ва гарбия жараёнларининг психологик қонуниятлари ҳамда, педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятларини ўрганувчи психология фани соҳаларидан биридир.

**Психик тараққиёт қонуниятлари** – бир ёш даврдан бошқа даврга ўтишда инсон психикаси ва хулқ-атворида юзага келувчи ўзгаришлар ва уларнинг саббларини тавсифлаб берувчи қонундир.

**Психик ривожланишнинг революцион ўзгаришлари** – бир ёш даврдан иккинчи ёш даврига ўтишда инсон хулқ-атвори ва психикасида юзага келувчи жадал ҳамда чуқур қайта қуришдир.

**Психик ривожланишнинг ситуатив ўзгаришлари** – инсон хулқ-атвори ва психикасида ташкил этилган ёки махсус ташкил этилмаган таълим-тарбия таъсири остида юзага келувчи, яъни вазият билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар.

**Психик ривожланишнинг эволюцион ўзгаришлари** – бир ёш даврдан иккинчи ёш даврига ўтишда инсон хулқ-атвори ва психикасида секинлик билан амалга ошадиган, барқарор ўзгаришлар.

**Репрезентативлик** – танлов гуруҳининг ўрганилаётган сифатлар мажмуини ишончилигини ва тўғрилигини ифодаловчи мезон.

**Ривожланишнинг сензитив даври** – бир ёш даврида психиканинг муайян томонлари самарали ривожланиши учун оптимл имкониятлар даври.

**Ривожланишнинг омиллари** – боланинг психикаси ва хулқ-атвори ривожланишини белгилловчи омиллари тизими

**Ривожланиш шароитлари** – шахснинг шаклланиши боғлиқ бўлган омиллари. Ривожланиш шароитларига инсон атрофидаги кишилар, улар

орасидаги шахслараро муносабат, моддий ва маданий маданият предметлари ва бошқалар киради.

**Ривожланишнинг ҳаракатлантириувчи кучлари** – инсонда юзага келувчи янги эҳтиёжлар билан уни қондириш имкониятлари ўртасидаги зиддият.

**Рухият маданияти** - талабаларнинг маънавий эҳтиёжларига тўғри таъсир кўрсатиш.

**Ривожланишнинг энг яқин зонаси** – мураккаб вазиятни ҳал этишда боланинг мустақиллигини ҳамда катталар раҳбарлигида бажарилган вазифа орасидаги фарк.

**Сензитивлик** – турли таъсирга нисбатан сезгиларнинг тез ва кучли кўзғалиши.

**Сензитив ёш даврлари** – ёшнинг ўсиш даврлари. Бунда маълум ёш даврига хос психик хусусият ва жараёнлар, юқори даражада яхши ривожланган. Олдиндан ёки кечикиб келган сензитив ёш даври таълим жараёнининг самарадорлигига салбий таъсир этади.

**Сухбат** – психология методларидан бири, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки бавосита маълумот олинади.

**Сиёсий маданият** - давр талабига мос иқтисодий, ижтимоий билимга эга бўлиш.

**Табий эксперимент** – текширилувчини ўзига билдирмаган ҳолда уни ўйин, ўқиш ёки меҳнат фаолиятида ўрганишдан иборат психологик тажриба.

**Тарбия** - тарбиячи томонидан тарбияланувчида барқарор ахлоқий ҳислат ва хулқий фазилатларни таркиб топтириш, шакллантириш мақсадида тарбияланувчининг онгига аниқ мақсад йўлида тарбиявий таъсир этиш жараёнидир.

**Таълим**- у ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги ўқув фаолиятидан иборат бўлиб, билим, кўникма ва малакаларни узатиш жараёнидир, ҳаётий тажрибани ўқитувчидан ўқувчига узатишдир.

**Таракқиёт омиллари** – боланинг психик ва хулқ-атвор ривожланишини белгилайдиган омиллар тизими. Таракқиёт омиллари, таълим ва тарбия мазмунини, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг педагогик тайёргарлигини, таълим ва тарбиянинг усул ва воситалари ва бошқа кўпгина боланинг психологик таракқиётига боғлиқ нарсаларни ўз ичига олади.

**Тақлидчанлик** - намуна бўлиб ҳисобланадиган объект хулқ-атворидан тезда нусха олиш натижасидарўй берадиган ўрганиш тури.

**Тест** – инсон психологияси ва хулқ-атворини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан баҳолашга мўлжалланган психологик тадқиқотнинг стандартлаштирилган методи.

**Шахс** - ижтимоий муносабатларга кирувчи ва онгли фаолият билан шуғулланувчи бетакрор одам.

**Шартли рефлексор ўрганиш** – шартли рефлекс механизми бўйича янги кўзгатувчиларга реакцияларни ўзлаштириш.

**Ўзлаштириш** – билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш.

**Ўз-ўзини тута билиш** - шахснинг муайян шароитларда ортикча фикр, хис-туйғу, хатти-ҳаракатларни онгли равишда тийиб туриш, ўз фикр, ҳиссиёт ва ҳаракатларини мақсадга мувофиқ йўналтира олишдан иборат иродавий характер хислати.

**Ўрганиш** - инсоннинг ўқув фаолияти натижасида янги психологик сифат ва хусусиятларни ўзлаштирганлигини билдиради.

**Ўқиш** - билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш учун қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган ўқувчи томонидан амалга ошириладиган ўқув ҳаракатларидир.

**Ўқув фаолияти** натижасида инсон янги билим, кўникма ва малакалар эгаллайди, ёки мавжудларини ўзгартиради, ўз қобилиятларини ривожлантирадиган, такомиллаштирадиган жараёндир.

**Қобилиятлар** - шахсга маълум фаолиятни муваффақиятли бажариш, билимларни тез ва осонлик билан ўзлаштиришга ёрдам берувчи индивидуал психологик хусусият.

**Ғоявий эътиқод** - бу билимнинг, ўша шахсга хос бўлган интеллектуал, эмоционал ва ирода сифатларининг синтези, ғоялар ва хатти-ҳаракатлар бир бутунлигининг негизидир.

**Ҳаракатнинг ориентирлаш асоси** – ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич ривожланиш назариясида киритилган тушунча. Ҳаракатнинг ориентирлаш асоси боланинг шакллантирилаётган ҳаракат ва уни тўғри, муваффақиятли бажариш шароитлари ва сифатлари билан дастлабки танишиш жараёни ва натижасидир.

**Ёш** - индивиднинг маълум аниқ вақтда белгиланган психик тараққиётининг босқичи. Ушбу босқичда унинг шахс сифатидаги физиологик ва психологик ўзгаришлари кузатилади.

**Ёш даври низолари** - ўзига хос, унча узокқа чўзилмайдиган онтогенез даврлари бўлиб, бу вақтда кескин психик ўзгаришлар рўй беради.

**Ёш психологияси** – инсон психикасининг ёш жиҳатдан тараққиёти, психик жараёнлар ҳамда инсон шахси хислатларининг онтогенезини ўрганувчи фан

**Эмпатия** - инсоннинг бошқаларга ҳамдард бўлиши, уларнинг ҳолатини тушуниши, уларга беғараз ёрдам кўрсатишга тайёрлиги.

**Эксперимент** – тажриба – психологиянинг асосий методларидан, ўзгарувчан мустақил психологик ҳолатларнинг бошқа номустақил ҳолатларига таъсир этишдаги аниқ маълумотларга таянади.

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	3
<b>I-БОБ. ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ</b>	
1.1. Ёш психологияси фанининг предмети ва вазифалари.....	4
1.2. Ёш психология фанининг (қисқача ривожланиш тарихи) асосий методологик тамойиллари.....	13
1.3. Ёш психологиясининг тадқиқот методлари.....	19
1.4. Ёш психологиясида психологик тадқиқот ўтказиш босқичлари.....	20
1.5. Психологик тадқиқотни ўтказишга қўйиладиган талаблар.....	41
<b>II - БОБ. ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАЪЛИМ</b>	
2.1. Психик ривожланиш ҳақидаги асосий назариялар.....	45
2.2. Психик тараққиёт ва таълим ўртасидаги ўзаро муносабат.....	50
2.3. Ёш ривожланишини даврларга бўлиш.....	52
<b>III-БОБ. ОНТОГЕНЕЗНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИДА ИНСОННИНГ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР</b>	
3.1. Перинатал ва чакалоқлик давридаги психофизиологик хусусиятлар.....	60
3.2. Гўдақлик даврида жисмоний ва психик тараққиётнинг кечиши.....	69
3.3. Илк болалик даврида жисмоний ривожланиш.....	71
3.4. Илк ёшдаги болаларнинг ақлий тараққиёти.....	74
3.5. Илк болалик даврида болалар шахсининг ривожланиши.....	78
<b>IV БОБ. МАКТАБГАЧА ЁШ ДАВРИДА ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
4.1. Мактабгача ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти.....	82
4.2. Боғча ёшдаги болалар ўйинининг психологик хусусиятлари.....	84
4.3. Боғча ёшдаги болалар билиш жараёнларининг ривожланиши.....	92
4.4. Мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланиши.....	94
4.5. Боланинг мактабга психологик тайёргарлиги.....	97
<b>V БОБ КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ</b>	
5.1. Кичик мактаб ёшдаги болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари.....	100
5.2. Кичик мактаб ёшдаги болаларнинг ақлий ривожланиши.....	105
5.3. Ўқув фаолиятининг хусусиятлари.....	115
5.4. Бошланғич синф ўқувчилар шахсининг шаклланиши.....	119
5.5. Кичик мактаб даврида шахслараро муносабат.....	125
5.6.	
<b>VI БОБ ЎСМИРЛИК ДАВРИ ПСИХОЛОГИЯСИ</b>	
6.1. Ўсмирлик ёшдаги ўқувчиларнинг хулқ-атвори хусусиятлари.....	133
6.2. Ўсмирларнинг интеллектуал ривожланиши.....	141
6.3. Ўсмирлик даврида шахсининг шаклланиши.....	146
6.4. Ўсмирлик даврида шахслараро муносабат.....	154
<b>VII БОБ ИЛК ЎСПИРИНЛИК ЁШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
7.1. Илк ўспиринлик даврининг психик хусусиятлари.....	159
7.2. Хорижий психологияда илк ўспиринлик ҳақида назариялар.....	163
7.3. Илк ўспиринлик даврида интеллектуал ва эмоционал ривожланиш.....	168
7.4. Илк ўспиринлик даврида дўстлашиш муаммоси.....	176
7.5. Илк ўспиринлик даврида ўз-ўзини англашнинг ривожланиши.....	179
7.6. Илк ўспиринлик даврида ўқув касбий фаолиятнинг етакчи фаолиятга айланиши ва қасб танлаш муаммоси.....	184
7.7. Илк ўспиринлик даврида қасбга йўналтиришнинг психологик муаммолари.....	186

## VIII БОБ. ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ

8.1. Ўрганиш жараёнининг моҳияти, турлари.....	193
8.2. Таълим жараёнининг психологик мазмуни, таркибий тузилиши.....	199
8.3. Замонавий ўқитиш усулларининг психологик асослари.....	205
8.4. Мустақил тафаккурни ривожлантириш.....	208
8.5. Кўникма ва малакаларни шакллантириш.....	223
8.6. Ўқув фаолиятини бошқариш.....	224
8.7. Педагогик баҳо психологияси.....	226
8.8. Таълимда индивидуал ёндашув муаммоси.....	229

## IX БОБ. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

9.1. Тарбия жараёнининг психологик моҳияти, мақсад ва вазифалари.....	233
9.2. Тарбиявий таъсирнинг психологик асослари.....	236
9.3. Ўқув жамоасининг ўқувчига тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти.....	240
9.4. Мехнат фаолиятининг тарбиявий аҳамияти.....	247
9.5. Тарбия методлари ва воситаларининг психологик мазмуни.....	252
9.6. Ўқитувчининг ахлоқий идеал сифатида намоён бўлиши.....	259
9.7. Шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш муаммоси.....	264

## X БОБ. ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

10.1. Педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари.....	274
10.2. Педагог шахси ва унга қўйиладиган талаблар.....	277
10.3. Педагогик қобилиятлар психологияси.....	286
10.4. Педагогнинг индивидуал фаолият услуги.....	295
10.5. Педагогнинг ўзини-ўзи бошқариш муаммоси.....	299
10.6. Ўқув жамоасини бошқаришнинг психологик асослари.....	302
10.7. Педагог ўз илмий, ўқув-услубий салоҳиятини оширишнинг психологик муаммолари.....	310

## XI БОБ. АНДРАГОГИКА

11.1. Андрагогика фанининг предмети ва вазифалари.....	316
11.2. Катталар таълимининг психологик хусусиятлари.....	319
11.3. Катталарнинг ёш хусусиятлари ва таълим олиш лаёқатлари.....	323
11.4. Катталар таълимининг принциплари.....	327
11.5. Катталар ўқув жараёнининг ташкил этилиши.....	329
<b>АДАБИЁТЛАР</b> .....	335
<b>ГЛОССАРИЙ</b> .....	336

**Ш.А.ДЎСТМУҲАМЕДОВА, З.Т.НИШАНОВА, С.Х.ЖАЛИЛОВА,  
Ш.Т.КАРИМОВА, Ш.Т.АЛИМБАЕВА**

# **ЁШ ДАВРЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ**

**Босишга рухсат этилди 16.05.2013 йил. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>.  
«Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 21,75. Нашр босма табағи 21,5.  
Тиражи 300. Буюртма №81.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**